

ЎЗР ФА АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ  
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

---

ҒАЙБУЛЛА БОБОЁРОВ

**ҒАРБИЙ ТУРК  
ХОҚОНЛИГИНИНГ  
ДАВЛАТ ТУЗУМИ**

ТОШКЕНТ  
«YANGI NASHR»  
2018

**УДК: 94(575)**

**63.3(5Ў)4**

**Б79**

**Бобоёров Ғайбулла.**

**Б79** Ғарбий Турк ҳоқонлигининг давлат тузуми / F. Бобоёров; масъул мухаррир М. Исҳоқов; ЎзРФА, Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти. - Т.: Yangi nashr, 2018. - 356 б.

ISBN-978-9943-22-094-2

**УДК: 94(575)**

**63.3(5Ў)4**

**Масъул мухаррир**

М. Исҳоқов, тарих фанлари доктори

**Тақризчилар:**

А. Аҳмедов, тарих фанлари доктори

Р. Сулайманов, тарих фанлари доктори

Г. Агзамова, тарих фанлари доктори

Ушбу монографияда Ғарбий Турк ҳоқонлигининг (568–740) давлат сиғатида шаклланиши, бошқарув тузуми, маъмурӣ-худудий тузилиши, вассаллар бошқаруви масалалари ҳамда ҳарбий-маъмурӣ бошқарувига хос “Ўн Ўқ” тузилмасининг генезиси ёритилган.

Бундан ташқари, Ғарбий Турк ҳоқонлигининг ўзига хос танга-пул тизими бўлгани, ҳоқонлар ўз номларидан Чоч воҳасида танга зарб қилидишгани ва уларда ҳоқонликка хос ҳоқимият рамzlari ўрин олганлиги масаласи кўриб чиқилган.

Монография тадқиқотчилар, соҳа мутахассислари ҳамда кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

ISBN-978-9943-22-094-2

© Ғайбулла Бобоёров

© «Yangi nashr», 2018

## **МУНДАРИЖА**

Сўзбоши.....	6
--------------	---

### **1–БОБ. «ДАВЛАТ» ТУШУНЧАСИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИДА ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШИ МАСАЛАРИ**

1. 1. «Давлат», «давлатчилик» ва «давлат тузуми» тушунчалари ҳамда уларнинг Марказий Осиё халқлари давлатчилигига акс этиши.....	9
1. 2. Марказий Осиё кўчманчиларида давлатнинг келиб чикиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	16

### **2–БОБ. VI–VIII АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЭТНО- СИЁСИЙ ҲОЛАТ**

2. 1. VI аср биринчи ярмида Марказий Осиёда этносиёсий ахвол ва Турк хоқонлигининг ташкил топиши.....	26
2. 2. Турк хоқонлигига Шарқий ва Фарбий қанотлар ҳамда Фарбий қанотнинг хоқонликка айланиш жараёнла- ри.....	40
2. 2. 1. Фарбий Турк хоқонлиги шаклланиш жараёнларининг ёзма манбалар ва нумизматик материалларда акс этиши.....	46
2. 2. 2. Хоқонликнинг юксалиш ва таназзул даврлари.....	65

### **3–БОБ. ФАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИНИНГ ДАВЛАТЧИЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

3. 1. Хоқонликнинг давлат мафкураси.....	90
3. 1. 1. Ҳокимият қонунийлигининг мафкуравий асослари.....	99
3. 1. 2. Ҳокимиятнинг илоҳийлиги тушунчаси.....	108
3. 1. 3. Ҳокимият ва ҳукмдорлик рамзлари.....	114
3. 2. Хоқонликнинг давлатчилик хусусиятлари.....	122
3. 2. 1. Давлат бошлигининг вазифа ва масъулиятлари.....	122
3. 2. 2. Тахт ва унга меросхўрлик.....	129

3. 2. 3. Хукуматнинг олий амалдорлари.....	132
3. 2. 4. Хукумат бюрократик аппаратининг этник таркиби.....	140
3. 2. 5. Давлат кенгаши қурултой.....	141
3. 2. 6. Погонали улус тизими.....	146
3. 3. Фарбий Турк хоқонлигига унвонлар тизими.....	152
3. 3. 1. Хоқонлик бошқарувидаги унвонлар ва уларнинг функцияси.....	154
3. 3. 2. Хоқонлиқда унвон бериш тартиблари.....	169

## **4-БОБ. ФАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИНИНГ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ: МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ ТУЗИЛМАЛАР, МАРКА- ЗИЙ ҲОКИМИЯТ, ВАССАЛ ҲУКМДОРЛИКЛАР ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ**

4. 1. Хоқонликнинг маъмурий-худудий тузилиши.....	192
4. 1. 1. Маъмурий-худудий бирликлар.....	198
4. 1. 2. «Давлат улуси» ва «қанотлар».....	201
4. 1. 3. Хоқонликнинг маъмурий аппарати.....	219
4. 2. Хоқонликнинг бошқарув марказлари.....	222
4. 2. 1. Пойтахт.....	224
4. 2. 2. Кароргоҳ ва стратегик марказлар.....	227
4. 3. Фарбий Турк хоқонлигининг вассаллар бошқаруви.....	236
4. 3. 1. Хоқонлик таркибидаги вассаллар.....	236
4. 3. 2. Хоқонликнинг вассаллар бошқарувидаги тажрибаси.....	249
4. 3. 3. Вассаллар бошқарувида қўлланилган усул ва воситалар..	258
4. 3. 4. Никоҳ муносабатлари вассалларни бошқариш воситаси сифатида.....	276
4. 3. 5. Хоқонликнинг ўз вассалларидан ўлпон ундириш тизими...	283
4. 4. Хоқонлиқда ҳарбий иш ва мудофаа тизими.....	293
4. 4. 1. Хоқонлиқда ҳарбий иш.....	293
4. 4. 2. Кўшин таркиби.....	297
4. 4. 3. Жанг тактикаси.....	299
4. 4. 4. Ҳарбий истеҳкомлар.....	301

## **5– БОБ. ФАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ**

5. 1. Хоқонликда ижтимоий-иктисодий ҳаёт.....	304
5. 1. 1. Вассаллардан ўлпон олиш усули.....	315
5. 1. 2. Хоқонликка тобе ўлкалардаги қимматбаҳо буюмлар ёки қазилма бойликлардан фойдаланиш усули.....	315
5. 1. 3. Халқаро бозорлар, ипак ва турли металлар савдосининг йўлга қўйилиши.....	315
5. 1. 4. Ҳарбий ҳаракатлар туфайли қўлга киритилган маблағлар.....	315
5. 1. 5. Ижтимоий-маиший ҳаёт.....	315
5. 2. Хоқонликнинг ҳуқуқ тизими.....	315
Хулоса.....	326
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....	332

## С ЎЗБОШИ

552–744 йиллар оралигига Марказий Осиё ва унга туташ худудларни ўз ичига олиб, қарыйб икки юз йил давомида нафақат мазкур минтақада, балки дунёда энг йирик салтанатлардан бири сифатида билинган Буюк Турк хоқонлигининг таркибий бир қисми бўлмиш Фарбий Турк хоқонлиги (568–740) минтақа халқлари, шу жумладан, ўзбек халқи давлатчилиги тарихида муҳим ўрин эгаллади. Энг кучайган пайтида Фарбий Олтойдан то Қора денгизнинг шимолигача, Волга–Урол бўйларидан то Шимолий Ҳиндистонгача бўлган кенг худудда ўз ҳокимиятини ўрнатган ушбу хоқонликнинг таркибига Сирдарё–Амударё оралиғидаги Чоч, Фарғона, Уструшона, Суғд, Бухоро, Тўхористон ва Хоразм каби воҳа ҳукмдорликлари кирган бўлиб, ушбу воҳаларнинг кўпчилиги географик жиҳатдан, асосан, бугунги Ўзбекистон худудига тўғри келади.

Бу даврда Марказий Осиёдаги давлатчилик жараёнлари айнан Фарбий Турк хоқонлиги фаолияти билан боғлиқ ҳолда кечиб, хоқонлик бошқарувига хос давлатчилик анъаналари эса минтақада барпо этилган бир қатор давлатлар учун тамал тоши бўлиб хизмат қилган. Шу жиҳатдан олганда, хоқонликнинг давлат тузумини ўрганиш халқимиз давлатчилиги тарихини ёритишда айрича бир ўрин тутади.

Фарбий Турк хоқонлигининг қароргоҳларидан бири Чоч воҳасида жойлашган, хоқонликнинг илк танга-пуллари, асосан, айнан ушбу воҳада, қисман эса Фарғона водийсида зарб қилдирилган. Бу эса хоқонлик тарихини Ўзбекистон худудидаги давлатчилик нуқтаи назаридан чуқурроқ ўрганишни тақозо этади.

Марказий Осиё халқлари ўзаро яқинлашув, чуқур интеграциялашув жараёнларини бошдан кечириш билан биргаликда, ўз давлатчилик тизимини янада кучайтиришга интилаётган бир паллада, ушбу минтақанинг барча худудларини ўзида бирлаштирган Фарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми ва қадимги туркий давлатчилик тарихини ёритиш долзарб масалалардан биридир.

«Фарбий Турк хоқонлиги» атамаси тарихшуносликка XIX аср

охири – XX аср бошларида кириб келган. Буюк Турк хоқонлигининг фарбий қисмига нисбатан ишлатилган мазкур атама остида, асосан, иккита туркий сулола – Ашина хонадони (568–740) ва Тургаш хоқонлиги (699–766) тушунилади. Бироқ кейинги изланишлар Тургаш хоқонлигига алоҳида бир давлат уюшмаси сифатида қаралиши лозимлигини, шунингдек, Ашина хонадонининг бошқарув йиллари шу пайтгача қабул қилинган санадан анча фарқли бўлгани, яъни 568–740 йилларга тўғри келишини кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, шу пайтгача хоқонлик тарихи асосан хитой, қадимги турқ, юонон (Византия), арман, сурёний ва бошқа бир қатор тиллардаги ёзма маълумотлар орқали ўрганиб келинади. Кейинги йилларда эса Фарбий Турк хоқонлиги тарихининг мавҳум жиҳатларини ёритишга хисса қўшадиган сұғдий ва бақтрий тилли хужжатлар ҳамда археологик (асосан, эпиграфик ва нумизматик) материаллар аниқланди. Жумладан, сұғдий хужжатларда хоқонликнинг марказий ҳудудларидан бирининг номи сифатида «Туркистон» атамаси, «хун (=турқ) ҳукмдори», «хоқондан келган мансаб/ёрлик» каби иборалар, «хоқон», «тудун», «элтабар», «тархон» каби унвонлар ва Чакин чўр билга сингари хоқонликка хос исм ва эпитетлар ўрин олгани аён бўлди. Сұғдий хужжатлар билан деярли бир даврда яратилган бақтрий тилли хужжатларда эса юкоридагидай қадимги туркча унвонлар учраши билан биргаликда бошлама сўз (адресат)ларда «Хоқоннинг хизматчиси, (фалон ҳукмдорлик) бошқарувчиси Элтабар ҳузурида тузилди», «Қутлуғ тапуғлуг билга себук» («Қутлуғ хизматли, доно (ва) севикли») сингари соф туркий эпитетлар ўрин олган.

Шунингдек, кейинги йилларда Фарбий Турк хоқонлигининг ўзига хос танга-пул тизими бўлганлиги, хоқонлар ўз номларидан Чоч воҳасида танга зарб қилдирганлиги аниқланди. Бу эса Фарбий хоқонлик тарихининг қайтадан тадқиқ этилиши заруриятини келтириб чиқарди. Хусусан, хоқонлик тангаларида «жабғу», «жабғу-хоқон» ва «хоқон» унвонлари, этносиёсий ном сифатида «Турк-хоқон» ибораси, «Тарду хоқон», «Тун жабғу-хоқон» каби ҳукмдор исмлари, шунингдек, хоқонликка хос ҳокимият рамзлари - сулолавий тамфа, тасвирлар (ҳукмдор ва малика расми, от, тuya ва ҳоказо тасвирлар) учрайди. Қадимги турк давлатчилик анъаналарини му-

аяан даражада ўзида акс эттирган ушбу тангалардаги тасвиirlар ва рамзий белгилар Фарбий Турк хоқонлигининг ўз танга зарбида Марказий Осиёning қадимий давлатлариiga хос анъаналар (айниқса, Күшон тангалари) билан нечоғлик уйғунлаштирганидан дарак беради.

Дарвоқе, Афросиёб (Самарқанд), Тавкатепа (Жанубий Ўзбекистон), Панжикент, Шахристон (Тожикистон) ҳамда Фундуқистон (Бомиён/Афғонистон) каби бир қатор қадимий шаҳар ҳаробалари, сарой ва шунга ўхшаш иншоотлар сиртидаги деворий расмлар асосан, қадимги туркларга хосдир. Бундай деворий расмлар қаторига Шимолий Хитойдан топилган ва тадқиқотчилар томонидан «Ан-цзя», «Ми-хо ёдгорлиги» деб юритиладиган бир неча қабр бўртма тасвиirlарини қўшиш мумкин. Уларда ҳам худди мазкур деворий расмларга ўхшаш тасвиirlар учраб, хоқонликнинг давлатчилик анъаналариiga хос сюжетларга бой. Шунингдек, яқин йилларда Фарбий хоқонликнинг марказий ҳудудида жойлашган Чу ва Талас дарёлари ҳавзаларида Жайсан, Мерке каби мавзеларда олиб борилган археологик қазишмалар натижасида бир неча ўнлаб балбаллар (тош ҳайкаллар), қоя расмлари топилди. Мухими, ушбу тош ёдгорликлар, деворий расмлар ва бошқа тасвирий санъат асарларида асосан хоқонликнинг бошқарувчи тоифаси, жангчилар ва турли этнос вакилларининг тасвиirlари акс этган бўлиб, улар қадимги туркийлар ва бошқа ҳалқларнинг кийиниш тарзи ва урф-одатлари бўйича муайян маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Қисқаси, янги топилган ёзма манбалар, нумизматик ва бошқа археологик материаллар асосида Фарбий Турк хоқонлигининг бошқарув тузумини ёритиш орқали туркий ҳалқлар, шу жумладан, ўзбек ҳалқи давлатчилиги тарихи бўйича муайян тасаввур ҳосил қилиш имконига эгамиз.

## **І БОБ. «ДАВЛАТ» ТУШУНЧАСИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИДА ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

### **1. 1. «Давлат», «давлатчилик» ва «давлат тузуми» тушунчалари ҳамда уларнинг Марказий Осиё халқлари давлатчилигига акс этиши**

Инсоният тарихининг энг ёрқин сахифаларидан бири – бу давлатнинг пайдо бўлишидир. Кишилик жамияти тарихининг муҳим жиҳатларидан бири бўлган давлатнинг вужудга келиши масаласи, гарчи бу борада юритилган баҳс-мунозараларнинг ибтидоси анча қадим даврларга бориб тақалса-да, кейинги ўйнилликларда айни масала бўйича тортишувларнинг кўлами ортса ортаётки, камай-ганича йўқ.

Асосан, «*муайян бир мамлакат миқёсида жамиятни уюштириши масалаларини ҳал қилиши, ташиқи муносабатларини белгилаш ваколатлари бўлган ҳукмрон тузилма*» сифатида таърифланадиган «давлат» тушунчаси ҳамда у билан боғлиқ «давлат тузуми» ва «давлатчилик» тушунчаларининг чуқурроқ таҳлилига ўтишдан олдин давлатнинг пайдо бўлиши масаласига қисқача тўхталиб ўтсак. Таъкидлаб ўтиш зарур бу масалада кўплаб жамиятшунос олимлар томонидан бир неча ўнлаб назария ва талқинлар ўргага ташланган бўлиб, улар орасида нисбатан кенг тарафдор топганларини бу ерда келтириб ўтишни лозим топдик. Аввало, шуни айтиб ўтиш керакки, XIX аср иккинчи ярми – XX аср биринчи ярмида устивор бўлган фикр – давлат бу эзилувчи синфи эксплуатация қилувчи синфларнинг бошқарувчи аппарати сифатида қулдорлик жамияти шароитида келиб чиқсан мазмунидаги фикрлар кейинги ўйнилликларда анчамунча эътиrozларга сабаб бўлди ва давлатнинг пайдо бўлишига доир бир-биридан фарқли талқинлар билдирилишда давом этди. Келинган хulosага кўра, давлат ер юзининг ҳамма жойида бир хил шарт-шароит остида вужудга келмаган ва унинг пайдо бўлиш жараёни дунёning турли худудларида табиий-географик муҳитга боғлиқ

холда турлича кечган.

Энди давлатнинг келиб чиқиши борасида нисбатан кенгроқ та-рафдор топган талқинларга қисқача тўхталсак. Жумладан, Р. Карнейро фикрича, ресурсларнинг чекланганлиги шароитида аҳоли зичлигининг ўсиши демографик босимларнинг ортишига ва жамоалар орасида урушларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бир томондан, бирор жамоани бошқа бир жамоа босиб олиши натижасида ижтимоий табақаланишининг ўсиши, бошқа томондан эса, бўйсундирилган аҳолидан ўлпон (ёки солик) йигадиган бошқарувчи синфнинг эҳтиёjlари пайдо бўлади ва шу тариқа илк давлатлар вужудга келади<sup>1</sup>.

Фанда давлат ҳақида қабул қилинган умумий холосага кўра, давлатнинг илк аломатлари жамоат ҳокимиятининг таъсис этилиши ва аҳолининг ҳудудий белгиларига қараб тақсимланишга ўтиши билан тавсифланади<sup>2</sup>.

Баъзи тадқиқотчиларга кўра, ҳозирги маънодаги «давлат» атамаси фақат XV асрдан бошлаб мълум. Илк ўрта асрлардаги мавжуд давлатларни эса атиги ҳукмдор ва кўнгилли қўшин (дружина) томонидан гавдалантирувчи «давлат ҳокимияти» деб аташ мумкин<sup>3</sup>.

Айнан илк давлатлар учун муқаддаслаштирилган ҳукмдор шахси давлатни жисплаштирувчи ва бирлаштирувчи сиймо бўлиб хизмат қилган. Ҳукмдор илоҳлар ва фуқаро орасида «воситачи» ҳисобланиб, ўзининг сакрал (муқаддас) хусусияти билан жамият барқарорлиги ва равнақ топишини таъминлаган ҳамда тортиқ (армуғон) этиш воситаси билан ижтимоий муносабатларни ягона тармоққа бирлаштирган<sup>4</sup>.

Мълумки, ер юзидағи дастлабки илк давлатлар, асосан, милоддан аввалги 3 мингийллик – 2 мингийллик ўрталарида «улуг дарёлар» ҳавзаларидаги сугоришга мослашган зироаткор ҳудудларда ву-

<sup>1</sup> Карнейро Р. Л. Теория происхождения государства // Раннее государство, его альтернативы и аналоги. – Волгоград, 2006. – С. 55–71.

<sup>2</sup> Ушницкий В. Тюркская государственность на крайнем севере // Second international congress on Turkic civilization. – Bishkek, October 4–6, 2004. – Bishkek, 2005. – С. 138–139.

<sup>3</sup> Горский А. А. Дружинное государство // Родина, 2002. – №2. – С. 40; Ушницкий В. Тюркская государственность... – С. 138.

<sup>4</sup> Крадин Н. Н. Кочевые империи: генезис, расцвет, упадок // Восток. – М., 2001. – № 3. – С. 21–32.

жудга келган. Жумладан, бу даврда Дажла ва Фирот дарёлари (Месопотомия) ҳавзаларида Шумер, Аккад, Бобил; Нил дарёси ҳавзасида Миср; Янзци ва Хуанхэ дарёлари оралиғида Хитой каби давлат уюшмалари пайдо бўлиб, улар дастлабки давлатлар ҳисобланади<sup>5</sup>. Иккиламчи давлат уюшмалари эса шаклланган бирламчи давлатлар билан қўшничилик таъсири остида келиб чиқсан<sup>6</sup>.

Қадимги илк давлатларга хос хусусиятлардан бир шуки, уларнинг кўпчилиги шаҳар-давлатлар босқичини босиб ўтган. Хусусан, қадимги Миср, Месопотамия ва Юнонистонда дастлаб шаҳар-давлатлар – «ном»лар вужудга келиб<sup>7</sup>, кейинчалик уларнинг бирлаштирилиши асосида том маънодаги давлатлар ташкил топган.

Марказий Осиёда давлатнинг пайдо бўлиши масаласини бироз қўйида таҳлил қилишни лозим топган ҳолда, «давлат тузуми», «давлат бошқаруви» ва «давлатчилик» тушунчаларига тўхталиб ўтсак.

**Давлат тузуми** – бу конституцион хукуқ нормалари билан ўрнатилган ҳамда мустаҳкамланган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий-хукукий муносабатлар тизими бўлиб, жамиятшунос ва тарихчи олимлар давлат тузуми тушунчасига асосан қўйидагиларни киритадилар: 1) давлат курилиши масалалари; 2) бошқарувнинг сиёсий шакли; 3) бошқарувнинг марказий ва маҳаллий органларининг тузилиши ва ваколати; 4) ҳарбий тузум; 5) давлатнинг маҳкамачилик тизими<sup>8</sup>.

**Давлатчилик** иборасини бирор сулолага нисбатан (*mas.* «Турк хоқонлиги давлатчилиги», «Сомонийлар сулоласи давлатчилиги» ва ҳ. к. шаклида) эмас, муайян бир этнос ёки ижтимоий гурухга нисбатан ишлатиш маъкулроқ. Бу тушунча асосан давлатнинг қўйидаги жиҳатларини қамраб олади: 1) хукукий асос; 2) бошқарув тизими; 3) чегаралар ва маъмурий бўлиниш; 4) қўшин; 5) ички ва ташки муно-

<sup>5</sup> Авдеев В. И. Қадимги Шарқ тарихи. – Т., 1950. – Б. 17–23.

<sup>6</sup> Крадин Н. Н. Археологические признаки цивилизации // Раннее государство, его альтернативы и аналоги. – Волгоград, 2006. – С. 143–144.

<sup>7</sup> Сагдулаев А. ва б. . Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Т., 2000. – Б. 7; Ширинов Т. Қадимги Бақтрия подшолиги. Катта Хоразм // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т., 2001. – Б. 13.

<sup>8</sup> Очерки по истории государственности Узбекистана. Под ред. Д. А. Алимовой, Э. В. Ртвеладзе. – Т., 2001. – С. 6; Исламов З. Общество. Государство. Право. – Т., 2001. – С. 121–181, 248–289.

сабатлар; 6) товар-пул муносабатлари; 7) солиқ тизими; 8) халқаро маңоми; 9) мулкчилик; 10) маңнавий ва ғоявий асослари.

Бу каби тушунчалар марказий осиёлик қадимги этносларда қай шаклда мавжуд бўлганига тўхталишдан аввал минтақада илк давлатчилик айнан қачон, қай шароитда вужудга келганлиги масаласи билан қисқача танишиб чиқамиз.

Дунёнинг аксарият худудларида бўлганидек, Марказий Осиёда ҳам илк давлатлар ўтроқ аҳоли яшайдиган воҳаларда – дастлаб, Мургоб, Амударё ва Зарафшон каби дарёлар ҳавзаларида, кейинроқ эса Сирдарё ҳавзасида вужудга келган<sup>9</sup>. Бир қатор тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, минтақанинг жануби-гарбий худудларида, хусусан, Ўзбекистон худудида илк давлатчилик тизимлари даврий ва шаклий жиҳатдан қўйидагича босқичларда шаклланган: 1) Бронза даври – Милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталари ва иккинчи ярми. Унчалик катта бўлмаган дехкончилик воҳалари асосида (мисол учун, қадимги Шеробод (Сурхон) воҳаси) илк давлатчиликка ўтиш даври; 2) Бронза давридан темир асрига ўтиш давр – мил. авв. IX–VIII асрлар. Майда давлат ташкилотларининг ривожланиши ва йирик ҳарбий-сиёсий уюшмаларнинг вужудга келиши; 3) Илк темир даври – Мил. авв. VII–VI асрлар. Қадимги Парфия, Катта Хоразм ва Қадимги Бақтрия мисолида йирик давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши<sup>10</sup>. Деярли шу даврларда ёки улардан бироз кейин минтақада Суғд (Самарқанд, Нахшаб, Кеш), Фарғона (хит. Даван), Чоч каби воҳа давлатларининг шаклланиши ҳам бунинг мисолидир<sup>11</sup>.

Мазкур давлат уюшмалари негизида ҳам асосан қадимги Яқин Шарқдагига ўхшаб дастлаб шаҳар-давлат типи устуворлик қилган бўлса-да, кейинчалик ушбу воҳалардаги муайян бир шаҳар-давлатнинг устунлигига бир неча шаҳарни ўз ичига олган нисбатан йирик давлат уюшмалари вужудга келган. Бироқ Марказий Осиёнинг жануби-гарбий воҳаларига хос давлатчиликнинг бу шакли

<sup>9</sup> Ширинов Т. Қадимги Бақтрия подшолиги. Катта Хоразм // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т., 2001. – Б. 8–9.

<sup>10</sup> Садуллаев А. ва б. . Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Т., 2000. – Б. 31; Ширинов Т. Қадимги Бақтрия подшолиги. Катта Хоразм // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т., 2001. – Б. 8–9.

<sup>11</sup> Матбобоев Б. Қадимги Фарғона давлати (Даван) // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т., 2001. – Б. 29.

орадан минг йилча вакт ўтган пайтда ҳам, яъни илк ўрта асрларда ҳам ўнлаб кичик воҳа хукмдорликлари мисолида ўзини намоён қиласди. Бунга мисол сифатида Суғд воҳасидаги Самарқанд, Кушония (Каттақўргон), Панч (Панжикент), Кеш (Шахрисабз), Нахшаб (Қарши) каби кичик хукмдорликларни кўрсатиш мумкин<sup>12</sup>.

Марказий Осиё ҳалқлари давлатчилигининг яна бир шакли – бу, асосан минтақанинг шимоли-шарқий худудларида чорвадор қабилалар томонидан барпо этилган кўчманчи асосли давлатлардир. Бу типдаги давлатлар юкорида кўрсатиб ўтилган ўтрок шаҳар-давлатлар ёки воҳа давлатларидан шаклан ва моҳиятан катта фарқ килиб, улар муайян бир қабила томонидан дастлаб кўплаб чорвадор қабилалар бўйсундирилган ҳолда барпо этилади. Кейинчалик бундай давлатлар ҳудудий жиҳатдан кенгайиб, сиёсий мавқеи ошади ва улар ўтрок воҳа хукмдорликларини ўз вассалларига айлантирган империяларга айланишади. Минтақада бу типдаги давлатларнинг пайдо бўлиш даври ҳам деярли илк темир даври, яъни милоддан аввалги бир мингийилликнинг иккинчи ярмига тўғри келиб, Скиф / Сак? (мил. авв. VI–II асрлар)<sup>13</sup>, Хун (мил. авв. III – мил. II асрлар), Қанғ (мил. авв. III – мил. III асрлар)<sup>14</sup> каби давлат ўюшмалари бунинг мисолидир. Булар қаторига, гарчи «кўртак» шаклида бўлса ҳам, милоддан аввалги сўнгги асрларда мавжуд бўлган Усун ва Юечжи каби сиёсий ўюшмаларни ҳам киритиш мумкин.

Давлат билан боғлиқ тушунчалар Марказий Осиёнинг шимоли-

<sup>12</sup> Кичик воҳа хукмдорликлари масаласига тадқиқотнинг кейинги бобларида нисбатан батафсилроқ тўхталиб ўтилади (Қаранг. 2– боб 3. 1 ва 4– боб 5. 3– параграфлар).

<sup>13</sup> Шу пайтгача қабилалар иттифоки деб атаб келинган Скиф (Сак) сиёсий ўюшмасига кейинги йилларда давлат ўюшмаси сифатида қараш лозимлигини таъкидловчи тадқиқчиларнинг сафи кенгайди. Аввало, Қозогистоннинг шарқий қисмлари ва Жануби-Фарбий Олтойда кўплаб скиф кўргонлари очилиб, уларда шоҳона буюмлар билан бирга кўмилган хукмдор қабрларининг топилиши ва давлатчилик аломатларидан дарак берадиган баъзи далилларнинг аникланиши бу масаланинг қайта кўриб чиқилишини талаб қилмоқда (Қаранг: Акишев К. А., Акишев А. К. К интерпретации символики иссыкского погребального обряда // Релегии народов Южной Сибири и Центральной Азии. Часть I. Поздняя древность: хрестоматия / Сост. П. К. Дашковский. – Барнаул, 2008. – С. 45–50).

<sup>14</sup> Шониёзов К. Ш. Қарлуқ давлати ва Қарлуқлар. – Т.: Шарқ, 1999. – Б. 27, 152–153.

шаркий ҳудудларда яшаган қадимги этносларда, шу жумладан, қадимги турклар (аникроги, прототурклар) да қай даражада ифодаланған ҳам муҳимдир. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш зарур, минтақаның бу қисм ахолисининг қадимги давр давлатчилигига оид маълумотлар асосан хитой манбаларида сақланиб қолиб, давлатчилик билан боғлиқ атамалар аксарият ҳолларда хитой тилига ўтирилган ёки ушбу тил қоидалари асосида берилгани боис, мазкур атамаларнинг маҳаллий шаклини тиклаш қийин. Шу боис, гарчи нисбатан кейинги даврга тааллукли бўлса ҳам тадқиқотчилар кўчманчилар давлатчилигига оид масалаларни ўрганар экан, асосан, Турк хоқонлигига оид битиктошларда ўрин олган атамаларга мурожаат килишади.

Ўрхун-Энасой битиктошларидан маълум бўлишича, қадимги туркларда «давлат» маъносида «эл» атамаси ишлатилган<sup>15</sup>. Шу ўринда «эл»нинг ижтимоий ва сиёсий структураси қандай эди, мазмунида савол туғилади. Хоқонликдаги қабилалар иттифоқи, яъни турк қара қамағ будун – «Турк (хоқонлиги)нинг ҳамма фуқароси» буд (қабила) ва ўғуши (урұғ)лардан ташкил топган бўлиб, улар сиёсий жиҳатдан «эл»га уюшган эди. Қабила-урұғ уюшмаси (будун) ва ҳарбий-маъмурий ташкилот (эл) пухта ва мустаҳкам ижтимоий муносабатлар билан ўзаро бир-бирини тўлдиради. Ўрхун битиктошларидан бирида учрайдиган ибора билан айтганда хоқон «эл (давлат) тутиб турган ва ҳалқни бошқарар»<sup>16</sup> эди.

Демак, қадимги туркларда сиёсий уюшма сифатида «давлат» маъносида эл сўзи ишлатилиб, ушбу сўз остида давлатни ташкил этувчи асосий унсурлар: *тўру* – ҳокимият/қонун, *улуш* – мамлакат, *будун* – ҳалқ тушунилган<sup>17</sup>. Ҳатто асосий маъноси «давлат» бўлган эл атамаси давлатни ташкил қилувчи ушбу уч унсурнинг ҳар бири билан тенг маъно берувчи синоним сўз сифатида ҳам кўлланилган<sup>18</sup>. Яъни эл, ўрни келганда «мамлакат» ёки «ҳалқ» маъносида ҳам ишлатилган. Бироқ Ўрхун битиктошларида ушбу сўз, асосан, «давлат» маъноси-

<sup>15</sup> Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Б. 71, 77, 101–103, 126, 129.

<sup>16</sup> Марков Г. Е. Кочевники Азии. – М.: Изд-во Московского университета, 1976. – С. 47–48.

<sup>17</sup> Kaşıkçı O. Eski Türklerde Devlet Başkanlığı – Hakanlık // TÜRKLER. – Ankara, 2002. – Cilt 2. – S. 888.

<sup>18</sup> Древнетюркский словарь. – Л., 1969. – С. 168–169.

да ишлатилиб, халқ мазмунида эса доимо будун сўзи қўлланилгани кўзга ташланади. Битиктошларда учрайдиган «давлат» маъносидаги эл сўзи билан боғлиқ қуйидаги маълумотларни келтириш мумкин:

1. «Ўтукан йиши олурсар бенгу эл тута олуртачы-сан – Ўтукан-йиши манзил қилинса, мангу давлатни сақлаб туражаксан»<sup>19</sup>.
2. «Түрк қара қамуғ будун анча темииш: «Эллиг будун эртим, элим амты қаны – Түрк фуқароси, барча халқ шундай дебди: «Давлатли халқ эдим, давлатим энди қани»<sup>20</sup>.
3. «Давлатини йўқотган, хоқонини йўқотган халкни; чўрига айланган, кулга айланган халкни; турк тўруси (конуни/ҳокимияти)ни бой берган халқни ота-боболарим тўруси бўйича тартибга солибди, бошқарибди» ;
4. «Устда Кўк Тангри ёрлақагани учун, паства кўнгир ер асрагани учун давлатимни, тўрумни кўлга киритдим»<sup>21</sup>.

Ушбу сатрлардан маълум бўладики, эл – давлат фақатгина ҳукмрон табақа манфаатига хизмат қиласидаги сиёсий ташкилот бўлиб қолмасдан, балки у умумхалққа ҳам тегишли деб билинган. Хусусан, хоқонлар буюртмаси ва хоҳиши билан ёзилган битикларда «Түрк фуқароси, барча халқ шундай дебди: «Давлатли халқ эдим, давлатим энди қани?» шаклида жумлаларнинг учраши буни тасдиқлайди.

Хуллас, давлатнинг пайдо бўлиши ва у билан боғлиқ тушунчаларга қисқача тўхталиб ўтиш шундан дарак берадики, ер юзида илк давлатлар дастлаб шаҳар-давлат, воҳа давлати, қабилалар иттифоқи шаклларида милоддан аввалги 3 минг йилликда пайдо бўла бошланган. Илк давлатлар Дажла ва Фирот, Нил, Ганга, Хуанхэ ва Янцзи каби йирик дарёлар ҳавзаларида пайдо бўлган бўлса, кейинчалик бу жараён Мурғоб, Амударё ва Сирдарё каби дарёлар ҳавзаларида давом этган. Шу тариқа, Марказий Осиёда илк давлатчилик кўртаклари дарёлар ҳавзасида шаҳар-давлат, воҳа давлати шаклида милоддан аввалги бир мингйилликнинг бошларида вужудга кела бошлаган бўлса, минтақанинг дашт ҳудудларида пайдо бўлган қабила иттифоқи кўринишидаги сиёсий уюшмалар ҳам деярли шу

<sup>19</sup> Кул Тегин битиктоши. *Қаранг*. Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Б. 90.

<sup>20</sup> Кул Тегин битиктоши. *Қаранг*. Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Б. 105.

<sup>21</sup> Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Б. 105–106.

даврларда ўзини намоён қила бошлаган. Марказий Осиёда ҳам давлат ва унинг бошқаруви билан боғлиқ тушунчалар дунёning бошқа худудларидағи қадимий давлатларда бўлганидек илоҳийлик касб этган. Шу билан биргаликда, минтақада давлат, ҳам бошқарувчи тоифани, ҳам унга бўйсунувчи фуқароларни ифодалаган бўлиб, улар орасидаги мувозанатни саклаб турувчи ташкилот сифатида талқин этилган. Хусусан, Марказий Осиёнинг кўчманчи чорвадор халқарида ҳокимият давлатга асос солган қабила вакилларининг умумий мулки деб тушунилган.

## **1. 2. Марказий Осиё кўчманчиларида давлатчиликнинг келиб чиқиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари**

Фарбий Турк хоқонлигининг давлат сифатида шаклланиш жараёнларини ёритиш учун аввало ундан олдин Марказий Осиёда мавжуд бўлган турли сиёсий уюшмаларнинг қандай шартлар ва омиллар остида вужудга келганлиги масаласини ёритиш керак бўлади. Бу масалада аввало ушбу минтақанинг табиий шарт-шароитлари ҳамда бу худудда яшаган аҳолининг хўжалик тарзи ва у билан алоқадор равишда юз берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан танишиб чиқиш муҳим ўрин тутади.

Юнон ва хитой тилларидаги ёзма манбаларда илк маълумотлар берила бошлаган пайтдан, яъни милоддан аввалги мингийилликнинг ўрталаридан бошлаб, то сўнгги ўрта асрларгача кечган давр мобайнидаги Марказий Осиё халқлари давлатчилиги тарихига назар ташланса, қуйидагича тарихий манзара намоён бўлади:

1) Евроосиё минтақасининг шарқда Мўғулистон даштларидан бошланиб, гарбда то Шимолий Кавказгача чўзилган худудларини ўз ичига олувчи шимолий ва шимоли-шарқий қисмларида нисбатан кўчманчи хаёт тарзи ҳукмон чорвадор қабилаларни бирлаштирган давлат уюшмалари. Улар ўз характеристига кўра, майда ва йирик сиёсий уюшмалар шаклида бўлиб, биринчиси ҳар бири ўз қабила бошлиғи (mas. бек) томонидан бошқарилган ва ҳали тўлақонли давлат шаклини олмаган сиёсий уюшмалар, иккинчиси эса улкан худудларни қамраб, кўплаб қабилаларни бирлаштирган, салтанат шаклидаги қудратли йирик сиёсий уюшмалар эди;

2) Марказий Осиё минтақасининг жануби-шаркий қисми – Шаркий Туркистондан бошлаб, ғарбда то Каспий денгизининг жануби-ғарбий ҳавзалари гача чўзилган қисмидаги ўтрок хўжалик тарзи устувор этносларни ўз ичига олувчи ё воҳа давлати, ё бўлмаса, салтанат шаклидаги давлат уюшмалари. Улар ҳам моҳиятнан икки хил тавсифга эга эди: биринчиси географик шарт-шароитлардан келиб чиқиб шаклланган, яъни муайян бир тоғ этаги, водий ёки дарё ҳавзаси билан чегараланган воҳа давлати шаклидаги кичик сиёсий уюшмалар; иккинчиси эса бир неча воҳаларни ўз таркибига олувчи, асосан, йирик салтанатлар ҳимоятида бўлган воҳа хукмдорликлари.

Агар Марказий Осиё минтақасининг жанубий ҳудудларида илк давлатларнинг пайдо бўлиши дарё ҳавзалари даги шаҳар-давлат босқичини босиб ўтган бўлса, шимолий ёки шимоли-шаркий ҳудудларида қабилалар иттифоқидан давлат уюшмаси сари қадам ташланган. Гарчи мазкур минтақанинг ҳар иккала қисмидаги ҳам илк давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши моҳиятнан бир-биридан анча фарқ қиласа-да, бири иккинчисига таъсир қиласдан қолмаган. Бу ҳолат Сак-скиф, Юечжи, Хун, Турк хоқонлиги, Корахонийлар, Салжуқийлар, Мўғуллар, Шайбонийлар сингари дашт ва тоғолди ҳудудларда шаклланган сулолалар мисолида ўз тасдигига эга. Қарийб 2 минг йилни ўз ичига олган давр мобайнида кўчманчилик устувор қабилалар томонидан барпо этилган ушбу давлат уюшмаларининг ўз ҳудудини мазкур минтақанинг жануби-ғарбидаги ўтрок ҳудудлар томон кенгайтиришга интилганликлари маълум. Кушон, Хионит (Хун)лар, Эфталитлар, Сомонийлар, Хоразмшоҳ-Ануштегинийлар, Темурийлар, Ўзбек хонликлари каби Марказий Осиёнинг жануби-ғарбий қисмидаги ўтрок ва ярим ўтрок ҳудудларда вужудга келган сиёсий уюшмалар эса кўчманчилар устидан ўз мавқенини ўрнатишга уриниб, минтақанинг шимолий ва шимоли-шаркий қисмлари даги дашт ҳудудларга қўшин тортганланликлари маълум.

Аслида, Марказий Осиё ҳалқларининг қадим ва ўрта асрлардаги давлатчилик тарихига мурожаат қилинар экан, ушбу минтақани ўз ҳолича алоҳида олиб ўрганиб бўлмайди. Сабаби, бу минтақада, айникса, унинг шимол ва шимоли-шаркий қисмларида кечган сиёсий жараёнлар Марказий Евроосиё (ёки Евроосиё даштлари) минтақасидан ажralган ҳолда бўлмаган. Евроосиёнинг узвий бир

таркибий қисми ўлароқ бу ҳудуд, яъни Марказий Осиёнинг шимолий ва шимоли-шарқий қисмлари табиий-географик жиҳатдан кўчманчилар учун қулай шароитлар яратган. Шу сабабли бўлса керак, Мўғулистон, Жанубий Сибир ёки Олтой тоғлари атрофида юзага келган бирор сиёсий жараён Шарқий Европа ҳудудларигача етиб бормасдан қолмаган. Агар Марказий Евроосиёнинг шарқий чеккалари Мўғулистон даштлари билан, ғарбий чегаралари эса Қора денгиз шимолидаги Шарқий Европа даштлари билан белгиланиши ва бу улкан ҳудудда деярли бир хил иқлим шароити ҳукм сурини назарда тутилса, мазкур минтақанинг бир-биридан минглаб чақирим узоқликда жойлашган ҳар иккала қутбida сиёсий жараёнларнинг ўзаро таъсири кузатилиши ажабланарли ҳол бўлмайди.

Марказий Евроосиё даштлари дунёнинг аксарият бошқа ҳудудларидан фарқ қилиб, қулдорчилик, сунъий сугориш ёки тижорий омиллар натижасида давлатнинг вужудга келиши бу минтақага хос эмас эди. Сўнгги уч минг йиллик давомида Марказий Осиёда кечган сиёсий жараёнлар натижасида кўплаб давлат уюшмалари ташкил топган ва таназзулга юз тутган бўлиб, минтақа тарихига доир тадқиқот олиб борган кўпчилик тадқиқотчиларнинг эътирофича, улардан аксариятининг ташкил топиши чорвадор элатлар фаолияти билан боғлиқдир.

Марказий Осиёда улкан салтанатлар – империяларнинг пайдо бўлиши масалалари нисбатан оддий ва аниқ-равшан бўлиб, уларнинг деярли барчаси кўчманчилар томонидан барпо қилинган эди. Бошлангич этапда уларнинг истило импулси (ички ҳаракати) янги яйловларни эгаллашга қаратилган бўлиб, борган сари улар ўзгача маданий-хўжалик турмуш тарзига эга мамлакатларни бўйсундира боришган. Кўплаб дашт қабилалари битта сардор, якка уруг ва ягона сулола қўли остида бирикиши уларнинг муваффақиятини таъминлаган.

Бир қатор тадқиқотчиларга кўра, Марказий Осиёда илк империяларнинг ташкил топиши дастлаб турфа тилли (полилингвал) ва турли этник (полиэтник) гурухлардан иборат кўплаб чорвадор қабилаларнинг империя типидаги уюшмага бирлашиш жараёни милоддан аввалги V–IV асрларда Юечжи қабиласининг ҳарбий имкониятлари туфайли юз берди. Милоддан аввалги III–II асрлар ара-

фасида узоқ ва шиддатли урушлар натижасида уларнинг шимолишарқий кўшнилари ва собиқ ўлпон тўловчилари бўлмиш Сюнну (Хун)лар «Дашт»да ўз ҳокимиятини ўрнатдилар.

Хунлар квазисиёсий ва ижтимоий тузилманинг оддий бирликлари, яъни ҳозирги илмий адабиётдаги атама билан айтганда «сардорлик» (вождество)дан «ибтидоий давлат» шаклига ўтадилар<sup>22</sup>. Яъни макон ва замонга мувофиқ атама билан айтганда у куч ёки таҳдид кучи билан бирлаштирилган ва ибтидоий давлат ташкилотлари ҳамда сардорликдан ташкил топган «архаик / илк босқич империя» ҳолатида эди. Хун давлати милоддан аввалги VI–IV асрларда Жун қабилаларининг ҳарбий демократиясидан ўсиб чиқсан бўлиб, у яшаш учун курашлар эмас, балки кўшни қабилалар ва хитой подшоликлари билан шафқатсиз ўлим-қолим курашлари натижасида шаклланган эди<sup>23</sup>.

Аксарият тарихчилар фикрича, кўчманчиларнинг уюшиши, уларга кўшни худудда марказлашган қудратли ўтрок давлатнинг барпо этилишига қарши жавоб сифатида рўй берган. Бир томондан, бундай уюшишнинг содир бўлиши ўзининг қудратли рақибига қарши туриш зарурияти юзасидан бўлса, бошқа томондан эса, кўшни давлатга ўз реакциясини кўрсатиш эди. Масалан, Т. Ж. Барфильдинг ёзишича, кўчманчиларда йирик империяларнинг ташкил топиши уларнинг Хитойдаги империялар чакиригига структурали жавоби эди. Хитой билан ўзаро муносабатларда кўчманчилар фақат ўз устунликлари таъминлашга уринар эдилар<sup>24</sup>. Барфильд ҳатто Хитой ва Мўгулистонда империяларнинг пайдо бўлишини ҳам ўзаро боғлашга уриниб, улардан биринчисида йирик сулоланинг вужудга келиши иккинчисида ҳам шундай сулола ташкил топишига олиб келган деб ҳисоблайди. Бироқ унинг бу фикрларига тўлақонли қўшилиб бўлмайди. Чунки тадқиқотчи сабаб ва оқибат масаласида хатоликларга йўл қўяди. Шунингдек, ҳар доим ҳам ҳар иккала худудда бир вақтнинг ўзида ёки сал кейинроқ йирик сулола ташкил топавермаган-

<sup>22</sup> Кляшторный С. Г. Имперский фон древнетюркской цивилизации // Вестник МИЦАИ. – Самарканд, 2008. – № 8. – С. 14

<sup>23</sup> Кляшторный С. Г. Имперский фон древнетюркской... – С. 15.

<sup>24</sup> Барфильд Т. Дж. Опасная граница: кочевые империи и Китай (221 г. до н. э. – 1757 г. н. э.) / Пер. Д. В. Рхлядева, В. Б. Кузнецова; науч. ред. и пред. Д. В. Рхлядева. – СПб., 2009. – С. 18–19.

лиги тарихдан аён. Барфилднинг изидан ушбу гояни ривожлантирган бир қатор тадқиқотчилар фикрича, кўчманчиларнинг бошқарув структураси одатда қўшни зироатчи давлатлардан намуна сифатида кабул қилинган ҳолда ташкил этилган. Жумладан, кўчманчилар томонидан барпо қилинган давлатлар кўпинча уларга ўтроклардан, қисман эса ўзларидан аввалги кўчманчи давлатлардан етиб келган меросдан кенг миқёсда фойдаланганлар<sup>25</sup>. Охир-оқибат шу нарса келиб чиқадики, кўчманчи жамиятлар давлат тартиботларини ўтрок-дехқонлардан қабул қилишган (диффузия/сингиш назарияси).

Аслида, Марказий Осиёning шимоли-шарқий кисмларидағи сиёсий уюшмалар аксариятининг давлат бошқарувчилари ва асосчилари ушбу минтақанинг кўчманчи чорвадор вакиллари эди. Дастрраб улар ўзларини ўраб турган бошқа чорвадор қабилаларни муваффақиятли равишда бирлаштириб, кўп ўтмасдан воҳалардаги ўтрок давлатларга ҳарбий сафарлар уюштира бошлашган. Бу вазият илк кўчманчи асосли давлатлардан то сўнгги кўчманчи асосли давлатларгача бўлган барча давлат уюшмаларида кузатилади.

Ҳозиргача тарихий адабиётларда зироатчи ўлкаларни эгаллаш мобайнида кўчманчилар томонидан ташкил этилган бундай табақавий жамиятларни ифодалаш учун умум қабул қилган атама мавжуд эмас ва уларни *политар*, *ксенократик* (*ташқаридан киритилган ҳокимијат*), ўлтонга *асосланган*, *феодал* ва ҳ. к. шаклларида аташ ҳоллари кўзга ташланади. Кўчманчиларнинг ўтрок-дехқонларни истило қилиши ёки ички қарама-қаршиликлар натижасида пайдо бўлган давлат уюшмаларининг характеристи аксарият ҳолларда улар орасидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатлар воситасида аникланган. Хусусан, Н. Н. Крадин, кўчманчи ва ўтрок давлатлар орасидаги муносабатларга эътибор қаратиб, уларни З та турга бўлади: *типик* – кўчманчилар ва зироатчилар масофали қўшни бўлишади, қайсики кўчманчиларнинг ўтроклардан қўшимча маҳсулот олиб туришлари узоқдан туриб эксплуатация килиш воситаси бўлиб хизмат қилади, яъни кўққисдан ҳужумлар уюштириш, таҳдидлар орқали «совға» ундирилади ва ҳ.к; *ўлпончилик* (ўлпон олиш) – эксплуатация шакли бўлиб, ўтрок-дехқонлар кўчманчиларга ўлпон тўлаш орқали бўйсунишади; *истилочилик* –кўчманчилар ўтрок-дехқон жамиятлар-

<sup>25</sup> Хазанов А. М. Кочевники и внешний мир... – С. 364–366.

ни истило қиласи ва уларнинг ҳудудига бориб жойлашиб, хужум ва ўлпончилик ўрнини зироатчилар ва шаҳарликлардан бир маромда солиқ ундириш эгаллади<sup>26</sup>.

Кўчманчилар ва ўтрок ҳалқлар алоқаларини таҳлил қилган бошқа бир антрополог А. Хазанов Турк хоқонлигини ўз таснифи бўйича биринчи тип давлатлар қаторига киритади. Унга кўра, кўчманчилар давлатчилигининг биринчи типида ўтрок ҳалқларни босиб олиб, уларни ўзларига бўйсундирган ҳукмрон кўчманчилар ўлпон олувчи – вассал муносабатларини йўлга қўяди. Кўчманчилар давлатчилигининг бу шаклида кўчманчи ва ўтрок аҳоли алоҳида экологик зоналарда яшашда давом этишади, бироқ уларнинг ҳар иккаласи ягона давлат таркибида бўллади<sup>27</sup>. Н. Н. Крадин бу тип давлатлар қаторига Хазар хоқонлиги, Кидан / Ляо (Қорахитойлар) империяси ва Олтин Ўрда давлатини киритади ҳамда уларни ўлпон олувчи / ўлпончи кўчманчилар империяси деб атайди<sup>28</sup>.

Турк хоқонлигига доир А. Хазанов томонидан илгари сурилган мазкур фикрлар ҳам мунозарали. Чунки чорвадорлар ва зироатчи ҳалқлар фарқли экологик зоналарда яшашган бўлсалар-да, бироқ борган сайин ўзаро араласиб, сингишиб боришган. Бундан ташқари, Турк хоқонлигидан анча олдин ҳам туркий ҳалқларнинг маълум бир қисми ўтрок ҳаёт кечиришган бўлиб, шаҳарларда яшаганлар. Араб истилоси арафасида эса нафакат Марказий Осиё, балки унга қўшни ҳудудлар (мас. Шимолий Кавказ, Шимолий Қора денгиз бўйи ва х. к.)даги шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси турли этнослардан, хусусан, туркийлар ташкил топган эди<sup>29</sup>.

Энди кўчманчиларда йирик империяларнинг келиб чиқиши асосида қандай омиллар ётгани масаласига тўхталсалак. Бу масалада ҳам тадқиқотчилар турлича тахминий фикрлар билдиришади. Жумладан, А. Хазанов кўчманчиларда давлат уюшмаларининг шаклланиши жараёнида қўйидагича «илк туртки»лар мавжуд бўлганини са-

<sup>26</sup> Крадин Н. Н. Кочевые империи: генезис, расцвет, упадок // Восток. – Москва, 2001. – № 3. – С. 24–25.

<sup>27</sup> Хазанов А. М. Кочевники и внешний мир... – С. 366.

<sup>28</sup> Крадин Н. Н. Династия Ляо как кочевая империя // История и культура Востока Азии. Мат. межд. конф., Т. 1. – Новосибирск, 2002. – С. 80–83.

<sup>29</sup> Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş. – Ankara, 2002. – S. 81–87; Комар А. Наследие тюркских каганатов ... – С. 100–101.

баб сифатида келтиради: 1) шахсият мақсадининг ўртага чикиши; 2) қабилавий муносабатларнинг синфий муносабатларга алмашинуви (чорвага ёки ерга бўлган эгаликнинг варианtlари билан биргаликда); 3) кўшни зироатчи давлатлар билан «ассиметрик» (мос) иқтисодий алоқалар қўллаб-қувватланишининг зарурийлиги<sup>30</sup>. Тадқиқотчи, шу йўллар билан ташкил этилган давлатлар мисолида уларнинг ички тузилиши моҳиятини очиб берар экан, охирги сабабга алоҳида диккат қаратади ва унинг тез-тез учраб туришини тарькидлаб, уни организмнинг ривожланиши ва мустаҳкамланиши учун зарурий, деб билади.

Ўз вақтида Марказий Осиё чорвадор халқлари давлатчилигининг ўрганган В. В. Бартольд шундай ёзганди: «кўчманчи халқ нормал шарт-шароитлар мавжуд бўлган пайтда сиёсий ташкилотга интилмайди; ... Кулай шароитлар пайтида эса давлат ҳокимияти вакиллари – хонлар, муайян бир халқни ёки бир неча халқларни ўзига бўйсундиришга муваффақ бўлишади. Факат фавқулода вазиятлар келиб чиқсан пайтлар бўладики, бундай пайтларда ҳеч ким тайинламаган ва ҳеч ким танламаган хонлар ўзлари ҳокимият жиловини қўлларига олишади»<sup>31</sup>.

Кўчманчиларда давлатнинг ташкил топишига алоқадор хитойча маълумотларга эътибор қаратилса шу нарса аниқ бўладики, ҳолларда қабила ва уруғлар ичida энг кучли ва лаёқатли шахс уларнинг ҳукмдорларига кўп айланган. Хунларда *Маодун*, Сянбиларда *Танишхуай*, Жуан-жуанларда *Шелунъ*, Турк ҳоқонлигига *Бумин*, Киданларда *Абаоцзи*, Мўғулларда *Темучин* ва х. к<sup>32</sup>. Бирор давлатнинг пайдо бўлишини муайян бир шахс билан боғлаш ўзини тўлақонли оқламайди. Эҳтимол, хитой йилномачилари асосий эътиборни битта шахсга қаратиб, бошқа вазиятларни ҳисобга олмаган бўлишлари ҳам мумкин. Қолаверса, муайян бир шахснинг истеъоди ва кучи давлатнинг вужудга келишидаги омиллардан фақатгина бири бўлиб, уни ягона омил деб бўлмайди.

Бундан ташқари, Бартольд кўчманчи давлатларнинг ташкил топиши бойлар ва йўқсиллар ҳамда беклар ва оддий халқ ора-

<sup>30</sup> Барфиљд Т. Дж. Опасная граница... – С. 19–20.

<sup>31</sup> Бартольд В. В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии // Сочинения, V. – М., 1968. – С. 22–23.

<sup>32</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 47, 154, 187, 220–221.

сидаги синфий кураш кескинлашуви натижасида юз беради деб хисоблайди<sup>33</sup>. Бироқ унинг ўз даври мафкураси асосида синфийлик асосида чиқарган бу хулосаси тадқиқотчилар томонидан бир неча бор танқидга учраб, асоссизлиги исботланди.

Бу масалада хорижлик тадқиқотчиларнинг ўзига хос қарашлари мавжуд. Жумладан, мутлақ кўпчилик номадологлар фикрича, кўчманччи жамиятларда давлат структурасининг ички ривожланиши муҳим эмас, уларда давлат ташқи шароитлар таъсири натижасида келиб чиқади ва ички эмас, тамомила ташқи вазифаларни бажаришга интилиш бунга сабаб бўлади<sup>34</sup>. Хусусан, Т. Ж. Барфилднинг фикрига кўра, кўчманчиларда давлат структураси факат ташқи таъсир натижасида пайдо бўлади. Яъни кўчманчилар ҳарбий эҳтиёжлари учун қўшни ўтрок давлатларни хирож (контрибуция) тўлашга мажбурлаши ёки чегара бозорларининг очилиши бунга сабаб бўлади<sup>35</sup>. Барфилд билан ўхшаш нуқтаи назарга эга Н. Н. Крадин кўчманчиларда марказлашган иерархия ва уюшиш зарурияти фақатгина тижорат йўллари устидан назорат ўрнатиш мобайнида зироатчи қўшниларини талон-тарож қилиш ёки уларнинг худудига бостириб кириш учун уруш олиб бориш пайтида вужудга келади ва бу уларнинг яшаш эҳтиёжига хизмат қиласи деб хисоблайди<sup>36</sup>. Умуман олганда, муаллиф, кўчманчиларда давлатнинг пайдо бўлишини кўчманччи полития, яъни ўтрок-зироаткор «асос» (базис) устидан қурилган «устқурма»га ўхшаш бир шакл деб билади.

Аммо шу ўринда бошқа савол туғилади: агар кўчманчилардаги барча давлатлар факат ташқи мақсадларни амалга ошириш учунгина пайдо бўлган бўлса, унда Н. Н. Крадиннинг империялар шаклланишини қуйидагича бир-биридан фарқ қилувчи 4 та таснифга тақсимлашини қандай изоҳлаш мумкин: 1) *мўғулларга хос*; 2) *турк-ийларга хос*; 3) *хунларга хос*; 4) *хазарларга хос*<sup>37</sup>. Ушбу таснифга асосан Турк хоқонлиги ўз **мустакиллиги учун кураш** натижаси-

<sup>33</sup> Бартольд В. В. Двенадцать лекций по истории... – С. 23.

<sup>34</sup> Хазанов А. М. Кочевники и внешний мир... – С. 363.

<sup>35</sup> Барфилд Т. Дж. Опасная граница... – С. 18–19.

<sup>36</sup> Крадин Н. Н. Кочевые общества. Проблемы формационной характеристики. Владивосток: Дальнаука, 1992. – С. 38

<sup>37</sup> Крадин Н. Н. Кочевники, мир-империи и социальная эволюция // Альтернативные пути к цивилизации. – М., 2000. – С. 45–47

да вужудга келган бўлиб чиқади, қайсики у ўзигача мавжуд бўлган кўчманчи империя доирасида, яъни Жуан-жуан хоқонлиги таркибида сиёсий уюшма сифатида шаклланган эди. Шунинг учун Крадин кўчманчи давлат ташкил топишнинг бундай усулини шартли равишда «туркйларга хос» деб талқин қилган<sup>38</sup>. Шу тариқа ушбу тадқиқотчи ўз фикрларига қарама-қарши чиқмайдими?

Холбуки, бошқа кўчманчи ва ўтроқ жамиятларни бўйсундириш учун бирор кўчманчи сиёсий уюшма ўз жамиятини ёки, ҳатто, бир қанча жамиятларни дастлабки консолидация (бирикув) жараёнлари-га тортиши кераклигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Бу эса ўз-ўзидан уларнинг жамиятида ижтимоий табақаланишнинг кучайишига олиб келади. Шу ўринда кўчманчиларда давлатнинг пайдо бўлишига доир юқорида келтирилган фикрлардан ташқари, бошқача талқинлар ҳам мавжудлигини айтиб ўтиш лозим. Жумладан, А. Хазанов талқинича, кўчманчиларда давлат *ички седентаризация* (ўтроқлашув) ҳисобига ёки диний харакатлар натижасида ҳеч бир босқинчиликларсиз, яъни уларнинг жамиятида зироатчи хўжалик тарзининг пайдо бўлиши натижасида вужудга келиши мумкин<sup>39</sup>. Бундан ташқари, Н. Н. Крадин ҳам таъкидлаб ўтганидек, гарчи бундай давлатнинг келгусидаги тақдири ўтроқ жамиятлар устидан қозонилажак муваффақият ёки акси билан боғлиқ бўлса-да, айрим ҳолларда кўчманчиларда давлат ўтроқ халқларни босиб олгунга қадар пайдо бўлиши ҳам мумкин. Бироқ афсуски, бу масалада аксарият тадқиқотчилар ушбу омилни эътиборсиз қолдиришади ҳамда фақат «кўчманчилар ва ташқи дунё», аниқроғи, «*кўчманчилар ва ўтроқ дунё*» концепциясига кўпроқ ургу беришади. Бунга кўра, кўчманчиларда давлат бўлган-у, бироқ давлат ғояси ўтроқ халқлардан олинган. Шу тариқа, мазкур тадқиқотчилар масалага ўтроқлик концепциясидан келиб чиқиб, бир ёқлама ёндашишган ва нохолисликка йўл қўйишган.

Қисқаси, Марказий Осиё кўчманчиларида давлатчиликнинг ке-либ чиқиши ва унинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш шундан дарак берадики, миңтақанинг кўчманчи чорвадор турмуш тарзи хукмрон халқларида давлат уюшмалари ёки шунга яқин сиёсий

<sup>38</sup> Крадин Н. Н. Кочевники, мир-империи и социальная эволюция... – С. 319.

<sup>39</sup> Хазанов А. М. Кочевники и внешний мир... – С. 369; 369; Крадин Н. Н. Кочевники и земледельческие цивилизации // Journal of Turkic Civilization Studies. – Bishkek, 2004. – №. 1. – С. 135–141.

уюшмаларнинг вужудга келиши ҳам шаклан, ҳам моҳиятан ўзаро бирмунча фарқ қилган. Яъни:

– баъзи сиёсий уюшмалар кичик бир бекликтан йирик империя даражасига ўсиб чиқкан. Хунлар, Турк хоқонлиги, Мўғул (Чингизхон) империяси ва Темурийлар салтанати йирик империяларнинг ёркин намуналари бўлиб, улардан деярли барчаси Марказий Евросиё минтақасининг аксарият қисмида ўзларининг ҳокимиятини ўрнатишлари баробарида ўз даврининг дунёдаги энг қудратли давлатлари даражасига чиқишган;

– мазкур давлатларнинг пайдо бўлишида мустакиллик учун кураш ва сулола асосчиси бўлмиш шахсларнинг даҳоси каби 2 та омил умумийлик касб этганлиги диққатга сазовордир. Шунингдек, мазкур империялар шаклланишининг илк босқичидаёт ўтроклар билан чуқур алоқаларга киришганликлари ва ўлпончилик муносабатлари ни йўлга кўйганликлари уларнинг ўзаро ўхшаш жиҳатларидир;

– келиб чиқиши кўчманчи мухитга алоқадор Кушон, Хионит, Эфталит каби давлатлар эса, гарчи улар куч-қудрат ва эгаллаган ҳудуд жиҳатидан юқорида келтириб ўтилган империялар даражасига чиқмаган бўлсалар-да, дастлабки маконларидаги сиёсий ва ҳарбий тажрибаларини ўтрок воҳалар устидан устамонлик билан жорий қила олганлар. Мухими, улар қадимдан маданий савияси анча юқори бўлган халқларни бўйсундириб, ўз бошқарувларини уларга қабул эттиришлари баробарида ўзлари ҳам маҳаллий халқларга хос маданий ва мафкуравий тушунчаларни ўзлаштиришган ёки толерантлик (бағрикенглик) позициясида туришган;

– Марказий Осиёнинг чорвадор қабилалари томонидан асос солинган айрим давлатларнинг бошқарувчилари, ё сиёсий ва маданий жиҳатдан юксак савияга чиқа олмаганлар ёки бўлмаса бир муддатдан кейин ўзлари тобе қилган халқлар орасида сингиб кетганлар. Жумладан, Жуан-жуан давлатининг на халқаро алоқаларда катта ўрин тутганлиги ёки ўтрок вассаллар бошқарувида муайян тартиб ишлаб чиққанлиги ва на ўзидан ёзма мерос қолдирганлиги маълум эмас. Сянби қабилалари томонидан қурилган давлат эса ўз сиёсий фаолияти ва бошқарув марказини Хитойга кўчиргач, бошқарувчи хонадон ва яқинларининг кейинчалик хитойлашиб кетиши рўй берган;

– минтақанинг кўчманчи асосли бошқа давлатлари орасида Уйғур, Қирғиз, Хазар ва Тургаш хоқонлиги каби яна бир неча им-

перия даражасига чиққан сиёсий уюшмалар бўлсалар-да, уларнинг шаклланиш жараёни бошқачароқ кечгани, яъни мавжуд салтанат замрида, собиқ салтанатнинг муайян бир тармоғи сифатида унча катта бўлмаган империяларга айлангани кўзга ташланади. Минтақада булардан ташқари яна бир неча ўнлаб давлат уюшмалари хукм сурган бўлиб, улар асосан қабила иттифоқлари ҳолатида кичикроқ ҳудудда хукм суришган, ўтроклар билан муносабати эса нисбатан заиф бўлган;

– давлатчилик ва давлат қуриш масаласида Марказий Осиёнинг шимоли-шарқий қисмларида истиқомат қилган айрим этнослар янада илгарилаб кетганлиги, айримлари эса қўп асрлар давомида уруғ ёки қабила бошқаруви ҳолатида яшаганлиги маълум. Турк хоқонлигидан минг йил олдинги ва минг йил кейинги даврларга мурожаат қилинганда ҳам бу ҳолат сақланиб қолганлиги намоён бўлади. Бу марказий осиёлик этносларнинг яшаш мухити, табиий-географик жойлашуви ва бошқа омиллар билан изоҳланиб, уларнинг мавжуд ресурслардан қай даражада фойдалана олганликлари билан яқин алоқадор эди. Шу ўринда, ресурслардан юқори даражада фойдалана олган аҳолининг нисбатан ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳада анча юқори савияга эриша олганликлари маълум. Хусусан, бу – илк ўрта асрларда шундай этнослардан ашина ва уйғур туркларининг тарих саҳнасига чиқиб, ўзларидан бой маданий мерос қолдирганликлари асосида ўз тасдигига эга.

## **II БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА VI–VIII АСРЛАРДА ЭТНОСИЁСИЙ АҲВОЛ**

### **2. 1. VI аср биринчи ярмида Марказий Осиёда этносиёсий аҳвол ва Турк хоқонлигининг ташкил топиши**

Турк хоқонлигининг вужудга келиши арафасида Марказий Осиё аҳолисининг бир қисмини, асосан, воҳаларда истиқомат қилувчи ўтрок зироаткорлар ҳамда дашт ва чўлларда чорвачилик билан шуғулланувчи кўчманчи ва ярим кўчманчилар ташкил этган. Шунингдек, ушбу минтақанинг деярли ҳамма жойида ҳар ик-

кала хўжалик шакли, яъни ҳам дехқончиликнинг, ҳам чорвачиликнинг муайян даражада мавжуд бўлгани кўзга ташланади. Хусусан, минтақанинг шимоли-шарқий қисмлари – Евроосиё даштларининг катта бир қисми (хозирги Қозоғистон, Жанубий Россия)да, Олтой ва Тангритоф этакларида, Мўгулистон ва Шимолий Хитойда кўпроқ кўчманчи ҳаёт тарзи устувор бўлса, минтақанинг жанубий-гарбий қисмларида, асосан Шарқий Туркистон, Амударё-Сирдарё оралиғи, Шимолий Ҳиндистон (Покистон), Афғонистон, Хурросон каби ҳудудларида ўтроқ воҳалар мавжуд эди. Минтақанинг жанубий ҳудудлар аҳолисининг аксарияти шаҳар ва қишлоқларда истиқомат килиб, улар хўжалик ҳаётида дехқончилик, хунармандчилик ва тижорат катта ўрин тутган.

Шу билан биргаликда, Марказий Осиёнинг ҳар иккала қисмида, ҳам серсув дарё ҳавзалари, ҳам дашт ва чўллар бўлиб, улардан бири доимий равишда ўтроқ аҳолини ўзига жалб қилса, иккинчиси эса қадимдан кўчманчи аҳоли ўз чорвалари билан кўчиб юрадиган масканлар эди. Хусусан, мазкур минтақанинг кўчманчи мухит хукмон қисми бўлмиш шимоли-шарқий ҳудудларида Или, Иртиш, Чу, Талас каби дарёларнинг мавжудлиги бу ерларда кўчманчилар билан биргаликда қадимдан ўтроқ аҳолининг ҳам истиқомат қилиб келишига шароит туғдирар, Шарқий Туркистон, Амударё-Сирдарё оралиғи ва Хурсонда бирмунча йирик даштлар билан бирга чўлларнинг мавжудлиги, Ҳиндикуш тоги этакларида кенг яйловларнинг борлиги эса бу ерлар аҳолисининг бир қисмини кўчманчи чорвадорлар ташкил килишига замин яратар эди.

Бу даврда Марказий Осиёнинг шимоли-шарқий қисмлари асосан олтой тил оиласига мансуб ҳалқлар: аксарияти туркий этнослар ва қисман мўғулларнинг аждодларидан иборат бўлса, мазкур минтақанинг жанубий-гарбий қисмидаги аҳолининг катта бир бўлагини шарқий эроний тилли ҳалқлар: сұғдийлар, хоразмликлар, бақтрийлар, хўтант-саклар (?) ташкил қиласди. Шарқий Туркистон аҳолисининг катта бир бўлаги, аниқроғи, Тяньшан тоғларининг жанубий-шарқий қисмида қадим ҳинд-европа ҳалқларидан бири бўлмиш тўхорлар кўпчиликни ташкил қилиб, яқин қўшнилари бўлмиш туркий этнослар билан узвий этно-маданий алоқада эдилар. Хусусан, Турфон, Қораشاҳр ва Кучаги воҳа хукмдорликларидаги

шаҳар аҳолисининг катта қисмини тўхор тилли этнослар ташкил қилиб, бу ерлар ўша даврда «тўрт Тўхор ўлкаси» деб аталарди<sup>40</sup>.

Шу билан биргаликда, бу даврда Марказий Осиёнинг бир қанча ҳудудларида асосан иккита этнос кенг тарқалган бўлиб, улардан бири – суғдийлар ўз тарихий ватани Суғд ва атрофларидан ташқари Чоч, Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари, Еттисув, Шарқий Туркистон ва Шимолий Хитойда бирмунча сезиларли миқдорни ташкил этса<sup>41</sup>, иккинчиси – туркийлар Мўғулистон, Жанубий Сибир, Шимолий Хитой, Олтой ва Тяншан тоғлари оралиғидаги ҳудудлар аҳолисининг кўпчилигини ташкил қилувчи этнос бўлиши билан бирга Шарқий Туркистон, айниқса, унинг шимолий ҳудудлари, Еттисув, Фарғона, Чоч, ўрта ва қуи Сирдарё ҳавзалари, Оролбўйи, Волга–Урол бўйлари<sup>42</sup>, Шимолий Кавказ ва Қора денгизнинг шимоли-шарқи<sup>43</sup>, Хурросон, Шимолий Афғонистон ва Тўхористон нуфусининг сезиларли бир қисмини ташкил этувчи этнос сифатида ўз мавқеига эга эдилар. Айниқса, бу даврда Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари (Чоч, Ўтрор / Тарбанд, Исфижоб / Сайрам)дан тортиб то Еттисув (Тароз, Суяб, Иссиккўлнинг ғарби)га қадар ҳудудларда ўнлаб катта-кичик шаҳарлар қад ростлаган бўлиб, аҳолисини асосан туркийлар ва суғдийлар ташкил этарди<sup>44</sup>. Бунга ўша даврдаги хитой ва византия манбаларидаги маълумотлар ҳамда уларнинг туркий ва суғдий ёки туркий-суғдий асосли жой номлари гувоҳлик беради<sup>45</sup>.

Тўғри, мазкур шаҳар ва ўтрок аҳоли масканларининг катта бир қисми Турк хоқонлиги даврида, яъни VI аср иккинчи ярми – VIII асрлар оралиғида пайдо бўлган бўлса-да, бошқа катта бир қисми

<sup>40</sup> Henning W. B. The Name of the «Tokharian» Language // AM. – London, 1950. – Vol. I. – P. 158–162.

<sup>41</sup> Отахўжаев А. Илк ўрта асрлардаги сиёсий-ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатларда Суғд ва Чоч // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 2009. – № 1. – Б. 17.

<sup>42</sup> Barthold V. V. Orta Asya Türk Tarihi Dersleri... – S. 29; Матбабаев Б. Х. Раннесредневековая культура Ферганы (на основе исторического анализа археологических источников V–VIII вв.). Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. док. ист. наук. – Самарканد, 2009. – С. 42.

<sup>43</sup> Комар А. Наследие тюркских каганатов... – С. 100–101.

<sup>44</sup> Бернштам А. Н. Тюрки и Средняя Азия... – С. 194; Лубо-Лусниченко Е. И. Сведения китайских письменных источников о Суябе (городище Ак-Бешим) // Суяб. Ак-Бешим. – СПб., 2002. – С. 115–116.

<sup>45</sup> Байтанаев Б. Древний Испиджаб. – Шымкент-Алматы, 2003. – С. 38–40.

хоқонлик ташкил топгунга қадар ҳам йирик аҳоли масканлари сифатида маълум эди. Чунончи, Турк хоқонлиги ташкил топганининг илк ўйилликларида Турк хоқонлигига ташриф буюрган Византия элчиларининг маълумотларига асосланилса, мазкур ҳудуддаги шаҳарлар аҳолисининг асосий қисмини туркийлар ташкил қилгани аён бўлади. Шунингдек, VII асрнинг 30 йилларида Фарбий Турк хоқонлигининг Еттисув-Тароз-Исфижоб-Чоч йўналиши бўйлаб жанубга йўл олган хитойроҳиби Сюан Цзан (629–645) ва Шаркий Туркистоннинг жануби орқали йўлга чиққан сайёҳ Хой Чао эсадаликларидан бу ҳудуддаги аҳоли манзилларида туркийлар ва суғдийлар кўпчиликни ташкил этгани аён бўлади<sup>46</sup>. Шу тариқа ушбу ҳудудларда туркий этносларнинг тарқалишини баъзи тадқиқотчилар (*mas.* А. Акишев) таъкидлаганидек<sup>47</sup>, Турк хоқонлиги даври билан боғлаш асоссиз бўлиб чиқади. Чунки қандайдир бир неча ўн йиллик ичидаги туркийлар мазкур ҳудудга келиб шаҳарлар барпо этишган ёки мавжуд шаҳарлар аҳолисининг катта қисмини ташкил қила бошлашган деб хулоса чиқариш изоҳ талаб қиласди.

Юкорида келтириб ўтилган Хурросон ва Шимолий Афғонистон ҳудудлари аҳолисининг бир қисмини туркийлардан иборат эканлиги эса бу ерларда милоднинг илк йиллариданоқ Кушон салтанати, Хионитлар ва Эфтальитлар давлатлари даврида ушбу давлатларга асос солган этносларнинг туркийлар билан у ёки бу даражада алоқадорлиги билан изоҳланади<sup>48</sup>.

Таъкидлаш жоизки, Турк хоқонлиги ташкил топиши арафасида Марказий Осиёнинг, айниқса, ушбу минтақадаги баъзи ўтрок воҳалар маҳаллий аҳолисининг қайси тил гурухига мансублиги масаласи ҳалигача очиқ қолаётир. Жумладан, Чоч ва Фаргона воийси аҳолисининг тилига доир келтирилган баъзи маълумотлар уларнинг тили туркий ёки шарқий эроний эканлиги масаласини кўндаланг қўяди. Қанғ давлати хукмронлиги (мил. авв. III – мил. III асрлар) давриданоқ ушбу ҳудудлар аҳолисининг муҳим қисмини

<sup>46</sup> Бернштам А. Н. Тюрки и Средняя Азия... – С. 194; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre ... – S. 117.

<sup>47</sup> Аалто П. Имя «Ташкент» (Перевод и комментарии А. К. Акишева) // Shygyns. – Алматы, 2005. – № 1. – С. 109.

<sup>48</sup> Бонград-Левин Г. М., Ильин Г. Ф. Индия в древности. – М.: Наука, 1985. – С. 420–421.

туркий ва сүгдий тилли этнослар ташкил қылганини тасдиқлайдиган маълумотлар учраса-да, айрим манбаларда чочликларнинг ёки фаргоналикларнинг тилига доир «кўшни худудлар тилига ўхшамайди» шаклида далиллар учраши<sup>49</sup>, бу худудлар маҳаллий аҳолисининг тили борасида баъзи саволларни келтириб чиқаради. Шунга ўхшаш V–VI асрлар мобайнида мазкур минтақанинг хукмрон табақаси бўлган эфталитларнинг тили қайси тил гурухига мансублиги ҳам ҳалигача етарли даражада ўз ечимини топганича йўқ. Тадқиқотчиларнинг бир гурухи эфталитларни шаркий эроний тилли ҳисоблашса<sup>50</sup>, айримлари эса уларни туркий тилли этнос бўлган, деб таъкидлашади<sup>51</sup>. Ҳатто бир гурух тадқиқотчилар эфталитларни жуан-жуанлар билан кариндош этнос бўлиб, протомўғул тилида сўзлашган деб ҳисоблайдилар<sup>52</sup>. Бинобарин, мусулмон (араб, форс) манбаларида эфталитлар «ҳайатила» шаклида учраб, ҳалаж ва *канжина турклари* уларнинг авлоди эканлиги қайд этилади<sup>53</sup>.

Марказий Осиёнинг шимолий ва шимоли-шаркий қисми – Оролбўйидан то Узоқ Шарққача бўлган худуд (куйи ва ўрта Сирдарё ҳавзалари, Еттисув, Олтой ва Тангритоғ этаклари, Или ҳавзаси, Жанубий Сибир, Мўгулистан, Шимолий Хитой) аҳолисининг аксарият қисмини ташкил этувчи кўчманчи туркий этнослар бир неча қабила ва уруғлардан иборат бўлиб, улар орасида 50 га яқин қабилаларни бирлаштирган *Те-ле* қабилалалар иттифоқи энг йириги эди. Ушбу иттифоқка *уйғур*, ўғуз қаби йирик қабилалар ҳам киради. Мазкур

<sup>49</sup> al-Moqaddasi, Abu ‘Abdallah Mohammad ibn Ahmad Shamsaddin. Descriptio Imperii moslemici. Eed. M. J. de Goeje. BGA. – Pars 3. Lugduni-Batavorum, 1967. – P. 335; Бернштам А. Н. Тюрки и Средняя Азия... – С. 193.

<sup>50</sup> Enoki K. On the nationality of Ephtalites // Memories of the research department of Toyo Bunko. – Tokyo, 1959. – №18. – P. 34–40; Ртвеладзе Э. В. Великий шелковый путь. Энциклопедический справочник. – Т., 1999. – С. 271; Исоматов М. М. Ирано-среднеазиатские взаимоотношения по «Таърих-и Табари» Бальами. Душанбе-Бишкек, 2006. – С. 47; Ўша муаллиф. Ирано-Среднеазиатские взаимоотношения по «Таърих-и Табари» Бальами. – Душанбе-Бишкек: Эчод, 2006. – С. 21–25.

<sup>51</sup> Frye R. N., Sayılı A. Selçuklulardan evvel Orta Şark'ta Türkler // Belleten. – Ankara, 1946. – Cilt. 10. – S. 179–192; Бонград-Левин Г. М., Ильин Г. Ф. Индия в древности. – М., 1985. – С. 420–421.

<sup>52</sup> Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş. Çev. O. Karatay. – Ankara, 2002. – S. 61, 88.

<sup>53</sup> Баходиров Р. История Востока в «Ключах наук» // Шарқшунослик. – Тошкент, 2009. № 14. – С. 114.

урұғ ғабилалар кенг ҳудудларда күчіб юришса-да ўзларининг доимий яшайдыган муайян бир ҳудудлари бор эди. Шу билан бирга, ушбу ҳудудларда яшовчи туркій уруғлар даштларда, тоғларда ёки чүл ландшафтларыда шаклланған бўлиб, ҳар хил хўжалик типлари-га кўра улар ўзаро бир-биридан ўзаро фарқ қиласидилар. Жумладан, хоқонлик асосчиси бўлмиш Ашина хонадони тоғ мухитига мослашган хунармандчилик (яъни темирчилик) билан шугулланувчи уруққа мансуб бўлса, улар қаторида қарлуқлар ҳам бир неча жиҳатлари билан қадимдан тоғ ҳалқи бўлиб келган<sup>54</sup>. Ўнлаб уруғлардан ташкил топган ўғузлар эса кўпроқ чүл шароитида шакллангани учун ҳам хўжалик шароити шунга мослашган бўлиб, типик кўчманчи характерга эга эди. Кейинчалик «қипчок» номини олган бошқа бир йирик туркій қабила/урұғлар бирлашмаси эса, кўпроқ дашт зоналарида истиқомат қилишарди<sup>55</sup>.

Кези келгандан шуни айтиб ўтиш керакки, Турк хоқонлиги тарих сахнасидан тушиб, бир неча асрлардан кейин Марказий Осиёнинг гарбий ва жануби-гарбий қисмларига, яъни Шарқий Туркистон, Амударё-Сирдарё оралиғи, Шимолий Ҳиндистон (Покистон/Афғонистон) ва Хурросон ҳудудларига Мўгулистан ва Олтойдан кўчманчи этнослар күчіб борган паллада ҳам дастлаб яшаган ҳудудларининг географик шароитига мос жойларни танлаб яшай бошлаганлар. Ҳусусан, қарлуқ, ҳалаж қабилалар Ҳисор тоғи этакларида, ўғуз қабилалари эса Амударё-Сирдарё оралиғи ва Хурросоннинг чүл ҳудудларида, қипчоқ қабилалари бўлса Кримдан то Уролгача бўлган кенг даштларда яшай бошлашгани маълум.

Бу даврда Ёйик (Урол) ва Идил (Волга) ҳавзалари, Шимолий Кавказ ва Шимолий Қора денгиз бўйлари аҳолисининг катта қисмини туркій тилли этнослар ташкил қилиб, улар Турк хоқонлиги ташкил топгунга қадар ҳам бу ерларда яшаб келишарди. Византия ва арман манбаларида *хун*, *оногур*, *кутригур*, *утургур*, *савир*, *булгор*, *авар*, *хазар* қабилалар билан тилга олинган қабилалар<sup>56</sup> ушбу

<sup>54</sup> Абулғозий. Шажарайи турк. Нашрга тайёрловчилар: К. Муниров, К. Маҳмудов. – Т.: Чўлпон, 1992. – Б. 32.

<sup>55</sup> Ахинжанов С. М. Кыпчаки в истории средневекового Казахстана. – Алматы: Гылым, 1995. – С. 4, 14–15.

<sup>56</sup> Чичуров И. С. Византийские исторические сочинения ... – С. 51, 56–57, 97, 108, 161.

этносларнинг асосийлари бўлиб, улар туркий тилда сўзлашгани кўпчилик тадқиқотчилар томонидан эътироф этилади<sup>57</sup>. Улардан бир қисми, хусусан, булғорлар милодий II–IV асрларда ёк Шимолий Кавказда истиқомат қилишарди<sup>58</sup>. Мазкур этнослар фақат кўчманчи бўлмасдан, ўзларининг ўнлаб шаҳарларига эга бўлгани ёзма манбалар ва археологик топилмалар асосида ўз исботини топган.

Турк хоқонлиги ташкил топиши арафасида Марказий Осиёнинг сиёсий ахволига назар солинса, қуидаги ҳолат мавжуд бўлгани кўзга ташланади: минтақанинг шимоли-шарқий қисми – асосан, Тяншаннинг шимоли-шарқий қисми, Олтой тоғларининг шарқий этаклари ва Жанубий Сибир ҳамда Мўғулистанни ўз ичига олган ҳудудда Жуан-жуан ёки Авар хоқонлиги<sup>59</sup> (402–552) деб аталадиган бирмунча йирик империя, Амударё–Сирдарё оралигининг бир қисми ва унга жанубдан туташ бўлган ҳудудлар – Шимолий Ҳиндистон (Гандхара / Покистон, Афғонистон) ва қисман Хуросонни ўз қўл остида бирлаштирган Эфталитлар давлати (420–565) мавжуд эди. Хитой йилномаларида таъкидланишича, Йэда (Эфталит) давлати куч-қудратга эришган пайтда (450 йилларда) унга Ғарбий ўлкалардаги Кангюй (Чоч ёки Суғд?), Хўтан, Шалэ / Сулэ (Кошғар), Куча, Аньси каби 30 га яқин кичик ҳукмдорликлар бўйсунишган<sup>60</sup>. Ҳар иккала давлат нисбатан ўзаро кўшни бўлиб, минтақанинг Шарқий Туркистон ва Еттисув ўлкалари уларнинг чегара ҳудудларини ташкил қиласади.

Айни вақтларда Марказий Осиёга шарқдан кўшни ҳудуд – Хитойда Шимолий Вэй (Тоба (385–556)) сулоласи ҳукмрон эди. Минтақага жануби-шарқдан кўшни ҳудудда эса ўз даврининг энг йирик сиёсий кучларидан бири Эронда Сосонийлар империяси мавжуд бўлиб, ушбу давлат Хуросонда ўз мавқенин ўрнатиш учун доимо Эфта-

<sup>57</sup> Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş... – S. 81–87; Комар А. Наследие тюркских каганатов... – С. 100–101.

<sup>58</sup> Плетнева С. А. Кочевники Средневековья. Поиски исторической закономерности. – М.: Наука, 1982. – С. 31.

<sup>59</sup> *Авар хоқонлиги* – ушбу ном остида аксарият ҳолларда VI–IX асрларда Шарқий Европа (асосан Кора денгиз шимоли, Панония / Австрия, Туна бўйлари)да ҳукм сурган туркий салтанат тушунилади. Шу билан биргаликда, бир катор тадқиқотчилар Жуан-жуан хоқонлиги ва Эфталитлар давлатини ҳам аслида битта давлат бўлиб, уларнинг асл номи Авар хоқонлиги бўлган, деб ҳисобламокдалар (*Қаранг*: Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş... – S. 61–65, 88).

<sup>60</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 269.

литлар билан ракобатда эди. Сосонийлар ҳам худди Хитойга ўхшаб минтакада янги бир давлатнинг пайдо бўлишини хайрихоҳлик билан кутиб олади ва тез орада Турк хоқонлиги билан алоқа ўрнатиб, унинг Эфталитларга қарши сиёсатини қўллаб қувватлай бошлайди.

Агар Турк хоқонлигининг ташкил топишида илк ўчоқ вазифасини бажарган Олтой тоғлари атрофидаги сиёсий воқеаларга назар ташланса, қуидаги ҳолат намоён бўлади: яъни 400- йилларнинг бошларида ёз ўз бошқарув марказини Дунхуан воҳасининг шимолида барпо қилиб, гарбий худудлари Янци (Куча) воҳасигача, шимолий худудлари Ханхай (Байкал)гача чўзилган, шарқда эса Ўтукан во́дийсини ўз ичига олган ҳолда Мўғулистаннинг марказий худудлари ва жанубда «Буюк Кум чўли»ни ўз таркибиға олиб, атрофидаги майда хукмдорликларни ўзига бўйсундирган Жуан-жуан хоқонлиги мавжуд эди. Ушбу хоқонлик мазкур худудларда яшовчи 50 га яқин қабиладан иборат *гаогюй / те-ле* сингари йирик туркий қабилалар қаторида ашина қабиласи устидан ҳам ҳукмронлик қиласади<sup>61</sup>. Бундан кўринадики, ашина қабиласининг илк макони бўлмиш Турфон воҳасининг шимоли ва кейинчалик уларга маскан бўлган Олтой тоғларининг жанубий этаклари Жуан-жуанларнинг марказий худудига яқин жойлашган эди.

Юқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиқиб, қуидагича савол туғилади: Турк хоқонлиги аслида қандай шарт-шароитлар асосида вужудга келган? Умуман олганда, хоқонлик ташкил топиши арафасида ашина туркларининг тарихи, яъни улар илк яшаган худудда – Олтой тоғлари атрофида кечган тарихий жараёнлар кам ўрганилган бўлиб, бу мавзунинг ёритилиши кўплаб муҳим масалаларнинг ҳал этилишига олиб келган бўлур эди. Хитой йилномаларида қайд этилишича, IV–VI асрлар мобайнида Олтой тоғларининг жанубий этакларида истиқомат қилувчи *ту-кюе* (турк) номига эга этник гурух Жуан-жуан хоқонлиги тобелигида бўлиб, ушбу қабила вакиллари ўз касб-корига кўра чорвадор-кўчманчилар эмас, балки Темирга ишлов берувчи кончи (шахтёр) ўтрок аҳоли, яъни ҳозирги тил билан айтганда, металлурглар эди. Уларнинг ишлаб чиқариш соҳаси Марказий Осиё шартларига кўра фавқулодда камёб ва фойдали соҳага ихтисослашган эди.

---

<sup>61</sup> Материалы по истории древних кочевых народов ... – С. 269.

Бундан кўринадики, ўз даврида Марказий Осиё кенгликларини эгаллаб турган Жуан-жуан хоқонлигининг иқтисодий эҳтиёжлари ва қўшинининг қурол-аслаҳа таъминоти темирчи ашина турклари маҳсулоти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ушбу қабила вакиллари Олтойдаги конлар атрофида яшовчи ўтрок аҳоли эди. Дарвоҳе, хитой йилномаларида Турк хоқонлиги ташкил топгунгача бўлган давр мобайнида ашина қабиласи ғорда яшаган аҳоли сифатида қайд этиладики, бу уларнинг кончилик билан шуғулланиб, конга яқин жойда истиқомат қилгани билан алоқадор бўлса керак. С. Г. Кляшторный фикрича, туркларнинг ашина қабиласи бир муддат Шимолий Лянь сулоласи (401–439) таркибида бўлиб, хитой йилномаларида акс этган ривоятларга кўра, уларнинг келиб чиқиши Шарқий Туркистон билан боғлиқдир<sup>62</sup>. Ушбу маълумотлар асосида тадқиқотчи ашина туркларнинг бошланғич тарихини икки даврга бўлади: *Ганъсу–Гаочан* (мил. III аср–460 й. й.) ва *Олтой* (460–551). Хитой олими Ма Чаншоу илгари сурган таҳминга кўра эса, Сянъбилардан мағлубиятга учраган ашина қабиласи вакиллари Гаочан (Турфон) воҳасига қочишади ва Богда-ула тоғи (Урумчининг шимоли-шарқидаги тоғ)даги ғорларга бекинишади, кейинчалик Шимолий Лянь давлати таркибиға кириб, бу ерда моҳир металлурглар сифатида ном қозонишгач, Жуан-жуанлар ўзларининг Гаочандаги қисқа хукмронлиги даврида (460–йиллар) уларни темир конларига бой Олтой ҳудудига кўчириб келтиришади<sup>63</sup>. Далилларга кўра, Олтой тоғларидаги ғорлар кейинчалик ҳам «уруғ гори», «аждодлар гори» сифатида қадрланган ва турк хоқонлари ҳар йили бу ғорларга келиб, курбонлик маросимларини адо этишган<sup>64</sup>. Америкалик олим Д. Синор фикрича, «уруғ гори» деб аталадиган мазкур жойлар аслида конлар бўлган<sup>65</sup>. Бу фикрни Рашидиддин ва Абулғози Баҳодирхон асарларида туркий халқларнинг аждодлари келиб чиқсан жой сифатида зикр этилган Арқанақун гори ҳақидаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди<sup>66</sup>.

<sup>62</sup> Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности... – С. 390–394.

<sup>63</sup> Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности... – С. 291–293.

<sup>64</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 230–231

<sup>65</sup> Sinor D. The establishment and dissolution of the Turk empire // The Cambridge History of Early Inner Asia. Ed. by D. Sinor. – Cambridge, 1990. – P. 296.

<sup>66</sup> Рашид-ад-дин. Сборник летописей. Том I. Книга первая. Перевод с персидского Л. А. Хетагурова. – М. -Л., 1952. – С. 152; Абулғозий. Шажарай турк. Нашрға 34

Демак, ашина қабиласи жуан-жуанлар күл остида бўлган пайтда уларга темир ва ундан ясалган буюмларни ўлпон сифатида тўлаб туришган. Тўланадиган буюмлар орасида хужум ва мудофаа қуроллари ҳамда от анжомлари алоҳида ўрин эгаллаган.

Ашина туркларининг кўшинлари Бумин етакчилик қилган пайтда кучаяди ва 533 йилда ушбу қабила вакиллари илк маротаба Хитой чегарасига келиб, бу ердан пахта ва ипак газламалар сотиб олишади. 545 йилда Шимолий Чжоу сулоласи императори уларга сұғдий Ань Нопанъто (сүгд. Нахбанд) исмли шахсни элчи қилиб жўнатади. Бу ҳақда «Суй шу»да куйидаги сатрлар учрайди: «(*Турклар*) ўрдасидаги барча бир-бирини табриклаб, шундай дейшиди: мана энди бизга буюк давлатдан элчи келди: тез орада давлатимиз юксалади»<sup>67</sup>. Ўз навбатида, Бумин 546 йилда совға-саломлар билан Хитойга элчи юборади. Шу тариқа, ашина турклари халқаро эътирофга эга бўлишади. Бу бир маънода улар учун илк халқаро муносабатлар ўрнатилиши эди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу воқеларнинг барчаси ашина қабиласи жуан-жуанлар күл остида пайтда содир бўлган эди. Бундан келиб чиқкан ҳолда шундай хulosага келиш мумкинки, Олтойдаги ашина турклари ҳануз Жуан-жуан хоқонлигини ағдариб ташлашдан олдин улар орасида «давлат» ёки шунга яқинроқ бир тушунча бор эди. Бунинг тасдиғи сифатида шуларни кўрсатиш мумкин: биринчидан, хитой элчиси келиши муносабати билан улар ўзаро бир-бирини табриклашганда «давлатимиз» иборасини қўллашган, демак улар ўз уюшмасини сиёсий атама бўлмиш «эл» (давлат) сўзи билан атashган; иккинчидан, ашина туркларининг мустақил халқаро алоқалар олиб бориш ваколати бўлгани ҳақидаги маълумотнинг учраши шундан дарак берадики, улар амалда мустақил бўлишган ва факат номигагина ўз сюзренларига бўйсунишган. Бироқ ашина турклари қай тарзда бунга эришганлар? Ҳар ҳолда, бу уларнинг иқтисодий муносабатларда амалда мустақил бўлиб олишгани билан алоқали бўлиши керак. Биринчи навбатда стратегик маҳсулот, аниқроғи, металлургия маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйганликлари улар учун муваффақият қозонишларига шароит яратган.

---

тайёрловчилар: К. Муниров, К. Махмудов. – Т., 1992. – Б. 28–29; Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 223–227.

<sup>67</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 228.

Шу ўринда, хитой манбаларида Бумин хоқоннинг дастлаб ябгу унвони билан тилга олинганилиги масаласига диққат қаратсак. Маълумки, ябгу унвони қадимда кўчманчи давлатлар бошқарув тизимида мустаҳкам ўрин эгаллаб, доимо бош ҳукмдорга нисбатан эмас, кичик давлат уюшмасининг бошқарувчисига ёки иерархияда сюзерен – хоқондан кейинги иккинчи ё учинчи мавқеда турувчи вазифадор шахсга нисбатан қўлланилган. Бунинг тасдигини бир қатор сиёсий уюшмалар: Юечжи қабилалар иттифоқининг 5 уруғи бошқарувчилари, Хунларга тобе Усун ҳукмдорлари ва Жуан-жуанлар давлати қўл остидаги ашина қабиласи бошликлари мисолида кўриши мумкин<sup>68</sup>.

Кўчманчилар учун «қабилалар иттифоқи» шаклида ишлатилаётган атама остида аслида уларнинг муайян давлатларини тушуниш керак бўлади. Чунки уларда генеологик жиҳатдан тайёр қолипланган ва ташкилотга асосланган анъанавий бошқарув структураси мавжуд эди. Ушбу давлатлар умрининг катта қисмида марказлашмаган бўлиб, факат баъзан айрим уруғ (клан)лар катта қийинчиликлар билан ўз давлатини жипслаштиришга эришганлар. Шу тариқа улар ўз уруғдошлари ёки иттифоқдошларидан мудроқ босган имкониятларини тўлиқ қувватга келтириш учун фойдаланишган. Қоидага кўра, бирор қабиланинг ёки қабилалар гурухининг бу шаклда бўйсундирилиши, уларнинг ўз бошқарувчиси (хоқон, хон)дан маҳрум бўлиши ёки ўзларини ғолиб хоқоннинг тобеси маъносида «қўл» эканлигини эътироф этишида ўз ифодасини топарди<sup>69</sup>. Бўйсундирилган қабилаларнинг аслзодалари ўзлари ҳукмронлик қилаётган қабила ичida ҳокимиятини сақлаган ҳолда ғолиб давлат бошлиғига итоат этишган ва улар устидан олий ҳукмдор/хоқон ўзининг масъул вақиллари воситасида назорат ўрнатган. «Қўл» қабилаларнинг ерлари, уларни бўйсундирганлар томонидан тортиб олиниб, ўзлари бошқа худудга мажбурий кўчирилиши мумкин бўлган<sup>70</sup>.

<sup>68</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 220–221; II. – С. 184, 321–322.

<sup>69</sup> Кляшторный С. Г. Формы социальной зависимости в государствах кочевников Центральной Азии // Рабство в странах Востока в средние века. – М., 1986. – С. 336–337.

<sup>70</sup> Кляшторный С. Г. Формы социальной зависимости в государствах кочевников Центральной Азии // Рабство в странах Востока в средние века. – М., 1986. – С. 336–337.

Жуан-жуан, Турк ва Уйғур хоқонлары мисолида Марказий Осиёдаги күчманчи империялар таркибида *Ябгуликлар* мавжуд бўлганлиги, улар ўз сиёсий ҳокимиятига эга бўлса ҳам, бироқ империянинг вассали эканлигининг ифодаси сифатида олий ҳукмдор – хоқонга ўлпон тўлашгани маълум бўлади. Таъкидлаш лозим, бундай ябгуликларнинг ҳаммаси ҳам хоқонлик, яъни империя даражасигача кўтарила олмаган. Демак, ашина турклари Олтойда яшаган пайтларида ўз ябгулигига эга бўлишса-да Жуан-жуанлар хоқонлигига тобе сифатида ўлпон тўлашгани уларнинг тўла мустақил бўлмаган сиёсий уюшма эканлигидан дарак беради.

Энди ашина туркларининг ябгулиқдан хоқонлик (империя)гача кўтарилиш босқичига тўхталсак. Маълумки, 552 йилнинг бошида Бумин жангда жуан-жуанларнинг ҳарбий кучларига зарба беради, уларнинг хоқони Анагуай эса ўз жонига қасд қиласди. Хитой йилномаларида келтирилишича, шу йили *Тұмын* (Бумин)<sup>71</sup> ўзига *Йели кехан* (кад. турк. Эл/Элик-хоқон) унвонини қабул қиласди, унинг аёли эса *хотун* мартабасига кўтарилади<sup>72</sup>. Ўша даврнинг ёзилмаган конунларига кўра, «Буюк дашт»да факат битта хоқон бўлиши мумкин эди. Шу боис, Жуан-жуан хоқонининг ўлими ва шу билан боғлиқ равишда ушбу давлатнинг йиқилишидан кейин Бумин тахтга чиқади ва унинг давлати тўлиқ мустақил салтанат – хоқонликка айланади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ашина турклари жуан-жуанлардан давлатчилик анъаналарининг кўплаб жиҳатларини мерос қилиб олишади. Хитой йилномаларидан маълум бўлишича, давлатнинг олий бошқарувчиси унвони сифатида *хоқон*, хоқоннинг бош аёли унвони сифатида эса *хотун* унвонлари ашина туркларига уларнинг собиқ хўжайинларидан мерос эди<sup>73</sup>. Ҳатто соғ туркий сўз асосида шаклланган эркин, *элтабар* каби унвонларнинг хитой йилномаларида *сызишинь, силифа* шаклларида Турк хоқонлигидан аввал ҳам

<sup>71</sup> *Тұмын* – хитой йилномаларидаги ушбу ҳукмдор исми қадимги турк битиктошларида Бумин шаклида учрайди. Аслида унинг ҳакиқий исми Туман бўлиши мумкин. Хусусан, X. Короглы Рашидиддиннинг «Жоме ут-таворих»идаги «Ўғузнома»да келтирилган Туманни Турк хоқонлигининг асосчиси бўлиши мумкин деб таъкидлаши бу фикрни тасдиқлайди (*Қаранг*. Короглы X. Огузский героический эпос. – М.: Наука, 1976. – С. 79).

<sup>72</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 228.

<sup>73</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 228; Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş... – S. 119.

Жуан-жуанлар давлати бошқарув тизимида учраши тадқиқотчилар учун «турклар ушбу унвонларни ҳам улардан қабул қилишган», деб ҳисоблашларига имкон берди<sup>74</sup>. Шу ўринда, мазкур унвонларнинг Жуан-жуанларда учрашини ушбу хоқонлик ахолисининг муҳим бир қисмини туркий этнослар ташкил қилгани билан ҳам изоҳлаш мумкин. Буни ушбу хоқонликнинг ташкил топишида туркийлар қатнашганлиги ва хитой йилномаларида уларнинг тили қоришик бир тил (эҳтимол, турк–мўғул–манжур ва ҳ. к.) сифатида таърифланниши ҳам тасдиқлайди<sup>75</sup>.

Шу тариқа 552 йилда Марказий Евроосиёning илк империяси бўлмиш Турк хоқонлиги пайдо бўлади. Ушбу хоқонликка хос давлатчилик анъаналарининг кейинги тараққиёти бошқа кўплаб омиллар таъсирида ривожланади.

VI–VIII асрларда Марказий Евроосиёдаги геополитик вазият бевосита 4 та империя: Византия, Сосонийлар Эрони, Турк хоқонлиги ҳамда Суй ва Тан Хитои билан боғлиқ бўлган. Бу вазият нафақат ўз даври ёзма манбаларида ўрин олган «дунёнинг тўрт империяси» концепциясида, балки сарой деворий расмлари (*mas. Афросиёб / Самарқанд, Кушония / Каттакўргон ва ҳ.к.*)да ўз аксини топган<sup>76</sup>. Шунингдек, бу хитой йилномаларида акс этган Хитой хоқонликни ўзига тенг давлат ҳисоблаб, унга ракиб сифатида қарагани ҳақидаги маълумотлар асосида ҳам ўз тасдигини топади<sup>77</sup>. Бир сўз билан айтганда, хоқонлик империал характердаги давлат бўлиб, ўша даврда дунёнинг энг йирик империялари бўлмиш на Хитой, на Сосонийлар Эрони ва на Византия уни батамом мағлуб эта олишмаган. Фақат хоқонликка ўхшаш давлат уюшмаси бўлмиш Уйғур хоқонлиги ашина туркларининг ушбу давлати ҳокимиятига барҳам бериб, унинг ўрнини эгаллашга муваффақ бўлади. Шу тариқа собиқ хоқонлик худудининг маълум бир қисми, яъни Марказий Осиё минтақасининг шимоли-шарқий қисми (Олтой–Жанубий Сибир–Узок Шарқ–Шимолий Хитой)да янги бир туркий ҳокимият ўрнатилади. Дарвоке, араб мутаффакири ва тарихчиси Ибн Халдун (XIV аср) ёзганидек,

<sup>74</sup> Материалы по истории древних кочевых народов ... – С. 279–280, 414.

<sup>75</sup> Материалы по истории древних кочевых народов ... – С. 47–48.

<sup>76</sup> Байпаков К. М. Средневековые города Казахстана на Шелковом пути. – Алматы, 1998. – С. 24.

<sup>77</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 230–231.

кўчманчилар томонидан барпо этилган ҳар қандай навбатдаги империя шаффоф бўлиб, ҳар бир кўчманчи империя ўзидан олдингиси ўрнида вужудга келади ва ўз навбатида эртами-кеч ўрнига келувчи бошқа бир кўчманчи империяга йўл беришга маҳкумдир<sup>78</sup>.

Турк хоқонлигининг ташкил топиши арафасида Марказий Осиёдаги этносиёсий ахволга доир маълумотларни яхлитладиган бўлсақ, бу даврда минтақада иккита йирик сиёсий куч – шимоли-шарқда Жуан-жуанлар, жануби-гарбда эса Эфталитлар давлати ҳукм суриб, биринчиси бир неча ўнлаб кўчманчи этносларни, иккинчиси эса бир катор воҳа ҳукмдорликларини ўзига бўйсундирган эди. Жуан-жуанлар қўл остида бўлган ашина турклари 550-йиллар атрофига ўз мустақиллигини эълон қилиб, қисқа муддат ичидаги бир неча қабилаларни бирлаштирган ҳолда ўз хўжайнларининг ҳокимиятига барҳам беради ва дастлаб ўз она маконларидан бири бўлмиш Жанубий Олтойда, кейинроқ эса Ордос ва Ўтукан (Мўғулистан)да ўз қароргоҳини тиклайдилар. Орадан кўп ўтмай 555 йилга келиб, шимолда қирғиз (Жанубий Сибир), жанубда эса Шарқий Туркистон воҳа давлатларини қўлга киритган хоқонлик қўшинлари ғарбга юриш қилиб, 560-йилларда Эфталитлар давлатига барҳам беради. Шу тариқа, ушбу давлатлар қўл остидаги бир неча ўнлаб қабила ва воҳа ҳукмдорликларини ўзига бўйсундирган хоқонлик минтақанинг энг йирик империясига айланади.

Турк хоқонлигининг ташкил топишида бирданига шу каби тўрт омил рол ўйнагани аён бўлади: **1)** мустақиллик учун кураш натижасида ўзаро уюшув; **2)** иқтисодий мустақиллик (темир эритиш ва унинг савдосини йўлга қўйиш, мустаҳкам қуролларга эга бўлиш); **3)** халқаро муносабатларни йўлга қўйиш (Хитой билан дипломатик алоқалар ўрнатиш, *теле* қабилалар иттифоқининг қўллаб-кувватлашига эришиш); **4)** иқтидорли шахс (лидер)ларнинг етишиб чиқиши (Бумин, Истами).

Ашина қабиласининг ушбу давлати кичик сиёсий уюшмадан Евроосиёдаги энг йирик империяга айланишида эса қуйидаги омиллар ётади: **1.** Эски хўжайнларининг ҳокимиятига бутунлай барҳам бериш учун уларни охиригача таъқиб этиш (дастлаб Жуан-жуанлар давлатига зарба бериб, унинг бир тармоғи ёки иттифоқдоши бўлмиш

<sup>78</sup> Ibn Haldun. Mukaddime. II. Çeviren Z. K. Ugan. – İstanbul, 1991. – S. 90–91, 94–99.  
39

Эфталитлар давлатини тугатиши, сўнгра эса уларнинг ғарбга қочган бошқа бир тармоғи – Аварларнинг изидан қувиб, Шарқий Европага қадар бориши); 2. Ўтмишдошлари (эҳтимол, этник ёки хўжалик типи жиҳатидан аждодлари) барпо этган йирик давлатларни қайта тиклашга уриниш ёки улардек бўлишга интилиш (асосан, ўз чегараларини собиқ Хунлар, Кушонлар, Хионитлар ва Эфталитлар давлатларининг худудларида белгилаш).

Хуллас, Марказий Евроосиё минтақасидаги илк империя бўлмиш Турк хоқонлигининг давлат сифатида шаклланиш жараёнларининг айрим масалаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, хоқонлик аслида бутунлай соф кўчманчи давлат бўлмасдан, унинг ташкил топиши асосан ўтроқ халқлар таъсирида эмас, аксинча, ўзаро ички консолидация ва мустакиллик учун кураш каби омиллар натижасидир.

## **2. 2. Турк хоқонлигига Шарқий ва Ғарбий қанотлар ҳамда Ғарбий қанотнинг хоқонликка айланиш жараёнлари**

Тарихшунослиқда «Ғарбий Турк хоқонлиги» атамаси остида 552–744 йилларда хукм сурган Буюк Турк хоқонлигининг ғарбий қисми: Олтой тоғларининг ғарбидан то Шимолий Қора денгизгача, Волга–Урол бўйларидан то Шимолий Ҳиндистонгача бўлган худудларни ўз ичига олган салтанат тушунилиб, асосан хронологик жиҳатдан иккита туркий сулола – Ашина хонадони (568–704/740)<sup>79</sup> ва Тургаш хоқонлиги (699–766) даври билан белгиланади.

Аслида, хоқонликни «Шарқий Турк хоқонлиги» ёки «Ғарбий Турк хоқонлиги» тарзида аташ ўз даври манбаларида кенг ўрин олмаган. Асосан, хитой ийлномаларида Турк хоқонлиги *Dong Tu-jue* («Шарқий турклар») ва *Xi Tu-jue* («Ғарбий турклар») шаклида иккита ном остида берилади<sup>80</sup>. Шунингдек, ийлномаларда Ғарбий Турк хоқонлиги «Ўн қабила турклари» ёки «Ябғу турклари» каби ном-

<sup>79</sup> Ғарбий Турк хоқонлигининг ташкил топиши ва таназзулга учрашининг аниқийиллари ҳакида тадқиқотчилар орасида яқдиллик йўқ. Бу масалани янада аниқлаштириш учун куйироқда тўхталиб ўтишимизни таъкидлаган ҳолда ушбу хоқонликнинг хронологик даврини 568–740 йиллар билан белгилашни маъқул деб топдик.

<sup>80</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 279; III. – С. 166, 178, 289.

лар билан ҳам қайд этилади<sup>81</sup>. VIII аср биринчи ярмига тааллуқли қадимги турк битиктошларида эса хоқонликнинг ғарбий қисмига нисбатан *On Oq* («Ўн ўқ/қабила») ёки *On Oq budin* («Ўн қабила ҳалқи») иборалари ишлатилиб, ҳукмдорлари *On Oq qağanı* («Ўн ўқ хоқони») тарзида тилга олинади<sup>82</sup>.

Афтидан, хитой йилномаларидағи «Ўн қабила турклари» атамаси Турк хоқонлигига мавжуд бўлган ушбу анъанадан таъсир олган кўринади. Юнон, арман, сурёний, суғдий, араб ва форс тилларидағи манбаларда эса баъзи маълумотларни ҳисобга олмаганди, хоқонликнинг шарқий ва ғарбий қисмларга бўлинганига доир тўғридан-тўғри маълумотлар учрамайди. Айрим тадқиқотчилар эса суғдий ҳужжатлардаги *xwn* (хун) атамасини Шарқий туркларга, яъни Шарқий Турк хоқонлигига нисбатан қўлланилган, деб изоҳлайдилар<sup>83</sup>. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, замонавий тарихшunosлиқда Ғарбий Турк хоқонлиги ва Тургаш хоқонлигига алоҳида давлатлар сифатида қаралмоқда.

Дарҳақиқат, Ғарбий Турк хоқонлиги Буюк Турк хоқонлигининг таркибий бир қисми эди. Турк хоқонлиги Шарқий ва Ғарбий ўлароқ икки асосий қисмга тақсимланиб бошқарилиб, анъана-га кўра, Шарқий қисм бош қанот (марказий ҳокимият) мавқеида, Ғарбий қисм эса унинг таркибий қаноти (бўйсунувчи ҳокимият) мақомида эди. Афтидан, хоқонликка асос солинган дастлабки пайтларида ҳокимият бир бутун бўлиб, кейинчалик мазкур қанотлар ташкил этилган эди. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, 563 йилда Турк хоқонлигининг бош ҳукмдори Муқан хоқон (553–572) марказий бошқарувни Ўтуканга кўчиргач, бу ер пойттахтга айланади. Айни йилда ғарбий қанотдан масъул Истами эса Юлдуз водийси (Тангриғнинг шимоли)ни қароргоҳ сифатида танлаб, “ҳоқон” унвонини олади<sup>84</sup>. Бунгача ўтган 10 йилдан ортиқ вақт мобайнида Турк хоқонлигининг бошқарув маркази ягона бўлиб, баъзи тадқиқотчилар фикрича, у Беш-балиқ (Турфон) атрофида, баъзиларга кўра эса Ол-

<sup>81</sup> Chavannes E. Documents sur les... – P. 219.

<sup>82</sup> Кляшторный С. Г. Генеалогия и хронология западнотюркских... – С. 165.

<sup>83</sup> Согдийские документы... II. – С. 120.

<sup>84</sup> Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi’ne göre ... – S. 2.

той тоғларининг жанубишарқидаги даштликда жойлашган эди<sup>85</sup>.

Хитой йилномаларида *Шидяни* (Истами)нинг дастлаб *шанюй*<sup>86</sup> (Муқан хоқон)га ҳамроҳлик қилгани, кейинчалик унинг ҳокимиятига «Ўн қабила» номи берилгани қайд этилади<sup>87</sup>. Византия манбала-рида ҳам турк хоқонининг *Стемвис* (Истами)ни ўзига иттифоқчи қилгани ҳақида гап боради<sup>88</sup>. Аслида, ушбу маълумотлар хоқонлик бошқарувчиларининг ўз ҳудудини маҳсус иккига тақсимлаб, қўшқанот шаклидаги бошқарувни йўлга қўйишгани билан боғлиқ.

Дарвоқе, хоқонликнинг Шарқий ва Ғарбий қисмларга бўлиниши марказий ҳокимиятнинг инқирозга учраши билан боғлиқ бўлмай, балки қадимги туркларга ва Марказий Евроосиёнинг бошқа бир қатор ҳалқларига хос давлатчилик анъаналари билан алоқадордир. Бинобарин, Марказий Осиё тарихида ўтган ўнлаб империяларнинг маъмурий бўлиниш принципи иккига (қўшқанотга) ёки учга (қанотлар ва марказга) тақсимлаш хос эди<sup>89</sup>. Турк хоқонлиги пайдо бўлишининг илк даврлариданоқ Марказий Евроосиё кенгликларининг катта қисмини эгаллаган давлат сифатида анъанага кўра (эҳтимол, бўйсундирилган ҳудудларни бошқаришни кулайлаштириш мақсадида) хоқонлик икки маъмурий қисмга – Шарқий ва Ғарбий қанотга бўлинган эди. Шунга ўхшаш «кўчманчи империялар»нинг бундай маъмурий бўлиниш тартиби уларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири эди. Бироқ ҳокимиятнинг қанотларга бўлиниши кўп ҳолларда ички зиддиятларга олиб келарди. Шу боис, хитой манбала-рида Турк хоқонлигининг икки қисмдан иборатлиги олий хукмдорлар орасидаги жанжаллар натижаси сифатида талқин этилади. Албатта,

<sup>85</sup> Osawa T. The cult-religious relation between Old Turkic kingship and their sacred mountains in the early periods of the Western Old Turkic Kaghanate // Культурное наследие. – Астана, 2009. – № 1. – Р. 48.

<sup>86</sup> Бу ерда шанюй Э. Шаванн изоҳлашича, Сюнну (Хун)ларнинг энг йирик хукмдорининг унвони бўлиб, мазкур матнда у Истамининг акаси Ту-мин (Бумин) хоқонга нисбатан ишлатилган (Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – S. 69). Бироқ бу фикр бирор кўйида кўриб ўтиладиганидек, *шанюй* «буюк хоқон» маъносида Муқан хоқон (553–572) билан алоқадордир.

<sup>87</sup> Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – S. 69.

<sup>88</sup> Феофилакт Симокатта. История // Великая степь в античных и византийских источниках. Сборник материалов. Сост. и ред. А. Н. Гаркавца. – Алматы: Баур, 2005. – С. 624.

<sup>89</sup> Трепавлов В. В. Государственный строй Монгольской империи ... – С. 134–135

күчманчи империялар даврида юксалиш ва чўкиш, фуқаролар уруши ва айирмачилик ҳаракатлари содир бўлиб турган ва улар давлат тақдирини ҳал қилган. Фақат хукмрон уругнинг қонуний бошқаруви мавжуд экан, давлат яшашда давом этган<sup>90</sup>.

Бу анъана нафақат Турк хоқонлиги даврида мавжуд бўлган, балки ундан кейинги давлатлар бошқаруvida ҳам давом этган. Айниқса, Мўғуллар империяси марказ ва қанотларга – ўнг қанот «барунғар» ҳамда сўл қанот «жунғар/жаунғар»га тақсимланган бўлиб, шарқ (сўл)даги хоқонлар ғарб (ўнг)даги хоқонлардан устун бўлишган<sup>91</sup>. Мўғулларда сўл қанотнинг ўнг қанотга нисбатан устунлиги сабабини тадқиқ қилган В.В. Трепавлов, Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк» асарида «Мўғуллар тушунчасига кўра, сўл томон ўнг томонга нисбатан шарафлироқ ҳисобланади, чунки давлат танасидаги юрак хукмдордир, юракни эса тангри чап томонда жойлаштирган» шаклидаги маълумотни изоҳ сифатида келтиради. Трепавловнинг фикрича, мўғулларда ва бир қанча туркий халқларда жанубий мўлжал (ориентировка) анъанавий бўлиб, шарқ сўлда, ғарб эса ўнгда жойлаштирилган<sup>92</sup>. Демак, Турк хоқонлигининг маъмурий бошқарувига хос Фарбий қанотга нисбатан Шарқий қанот устунлиги замирида ҳам Абулғози Баҳодирхон томонидан мўғуллар билан боғлаб келтирилган қадимий анъана ётади.

Хуллас, Турк хоқонлигининг ички сиёсий тузилишига назар ташлайдиган бўлсан, хоқонликда ҳам кейинги туркий давлат уюшмалириникига хос хусусиятлар устувор бўлганига гувоҳ бўламиз. Хусусан, Корахонийлар давлатида шунга ўхшаш ҳолат мавжуд бўлиб, у ҳам Шарқий (Еттисув–Шарқий Туркистон) ва Фарбий (Мовароуннахр) хоқонликка, тўғрироғи, Шарқий ва Фарбий қанотларга бўлинган

<sup>90</sup> Шу сабабли Турк хоқонлигини ўрганиш мобайнида уни сунъий равишда қисмлар (I ёки II Турк хоқонлиги, Шарқий ва Фарбий хоқонликлар)га бўлиш нотўғри ёндашувларга олиб келмайдими ёки ўша даврдаги тарихий жараёнларни тадқиқ қилишда хатоликларга йўл очмайдими? Ахир қўйида кўриб ўтилганидек, қайтадан тикланган Шарқий қанот ҳақидаги битиктошларда хоқон номидан тилга олинар экан «*Kişi oğlinta üzä äçüt arat Bitin qağan, İstämî qağan olurmiš ...*» («Инсон болалари устидан ота-боболарим Бумын хоқон ва Истами хоқон [хукмдор бўлиб] ўтирган...») шаклида қайд этилишининг ўзиёқ (Tekin T. Orhon Yazitları... – S. 38–39) қадимги турклар ўз давлатини бир бутун деб билганидан гувоҳлик беради.

<sup>91</sup> Трепавлов В. В. Государственный строй Монгольской империи ... – С. 96.

<sup>92</sup> Трепавлов В. В. Государственный строй Монгольской империи ... – С. 96–97.

бўлса-да, улар орасидаги сиёсий курашлар асосан олий ҳокимиятни эгаллашдан иборат бўлган<sup>93</sup>. Бундан кўринадики, ушбу ҳолат муайян анъаналар билан боғлик бўлиб, марказий бошқарув мақомидаги Шарқий қанот ва унга бўйсунувчи мақомидаги Фарбий қанотлар орасида ўзаро меросий ҳудудларга дахл қилинмаган<sup>94</sup>.

Фарбий қанот бошқарувчилари ўзларини ҳар қанча «хоқон» деб атамасинлар, Шарқий қанот ҳар доим марказий ҳокимият сифатида билинар, Фарбий қанот эса унга бўйсуниши талаб этиларди<sup>95</sup>. Бироз қўйида кўриб чиқиладиганидек, танга зарбида қадимги турк давлатчилик анъаналарига амал қилинган бўлиб<sup>96</sup>, анъанага қўра, Шарқий қанот бошқарувчиси олий унвон – хоқон унвони билан, Фарбий қанот бошқарувчиси эса ябгу ёки ябгу-хоқон унвони билан хукм юргизар

<sup>93</sup> Караев О. К. История государства... – С. 23–25; Hunkan S. Türk Hakanlığı (Karahanlılar). – İstanbul, 2007. – S. 275–280.

<sup>94</sup> Факат Фарбий қанот хоқонлик мавқеини олган 630-йиллардан анча кейин, яъни 680-йилларда II Шарқий Турк хоқонлиги қайтадан давлат сифатида ташкил топгач, унинг бошқарувчилари дастлаб ўз рақиблари бўлмиш Тан сулоласи ва унга тобе – Фарбий Турк хоқонлигига қарши сафар уюштириб, Беш-балиқ атрофларини ўз нуфузига олганларли, кейинчалик эса 699 йилда «Ўн Ўқ» бошқаруви марказини эгаллаган Тургаш хоқонлигига қарши юриш килиб, Еттисув ва Суғдгача келганларли манбаларда ўз аксини топган. Хусусан, Кул Тегин, Билга хоқон ва Тунюқук битиктошларида хоқонлик бошқарувчиларининг йирик туркий қабилалардан 699, 710 йилларда «Ўн Ўқ»/Тургаш будунга кўшин тортиб, уни ўзига бўйсундиргани тилга олинади (Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 75, 109). Бироқ бу юришлар пайтида Фарбий Турк хоқонлигининг ғарбий қисмида – марказ Еттисувда Тургаш сулоласи, шарқий қисмида эса Ашина сулоласи хукм сурар эди. Улардан биринчиси мустақил бошқарувга эга бўлиб, Хитойнинг муҳолифи бўлса, иккинчиси эса Тан сулоласининг назорати остидаги номигагина ўз бошқарувини давом эттираётган эди. Гарчи мазкур юришлар пайтида II Шарқий Турк хоқонлиги Тургаш бошқарувчиларини жазолаган бўлса-да, «Ўн Ўқ» бошқарувини ўз уруғдоши бўлмиш Ашина сулоласига эмас, Тургаш сулоласи ихтиёрида қолдирганлиги, эҳтимол, ўз уруғдошларининг Тан империясига тобеликни давом эттиришидан норозилигининг ифодаси эди.

<sup>95</sup> Трапавлов В. В. Государственный строй Монгольской империи ... – С. 96–97.

<sup>96</sup> Ушбу қанот бошқарувчилари томонидан Чоч воҳасида бостирилган тангаларда унвонлар иерархиясига амал қилинган холда дастлабки пайтларда, яъни Фарбий Турк хоқонлик Ябгулик статусида экан факат жабгу унвони билан, кейинги боскич – Ябгу-хоқонлик палласида эса жабгу-хоқон унвони билан танга зарб қилдиришган. Қачонки, Шарқий Турк хоқонлиги давоат сифатида барҳам топгач, Фарбий қанот том маънода мустақил хоқонликка айланган ва бошқарувчилари хоқон унвонида танга зарб кила бошлишган.

эди. Түгри, Ғарбий турк ҳукмдорлари тангалари орасида Тардуга тегишли тангаларнинг хоқон унвонида бостирилгани кўзга ташланади, бироқ бу ўша даврдаги сиёсий вазият билан боғлиқ эди. Яъни бу ерда Тардунинг бир муддат хоқонликнинг ҳар иккала қанотидаги ҳокимиyатни эгаллаб, ўзини «буюк хоқон» эълон қилганини<sup>97</sup> ҳисобга олиш лозим.

Демак, Турк хоқонлиги негизида Шарқий ва Ғарбий хоқонликларнинг ташкил топиши ҳодисаси – бу қадимги туркий давлатчилик анъanasига хос анъана – давлатнинг Шарқий ва Ғарбий қисмларга тақсимланиб бошқарилиши ҳамда Шарқий қанотнинг устунлиги билан алоқалидир. Хитой йилномаларидан Тумин (Бумин) хоқон вафотидан кейин бош ҳукмдор – хоқон сифатида унинг биродари Истами эмас, ўғли Қора (хит. Коло; 552–553), кейинчалик иккинчи ўғли Муқаннинг (553–572) тайинланиши воқеаларидан ҳам маълум бўладики, Истами ғарбий қисмни бошқаришга масъул қилинган бўлиб, шу боис, у ябгу ёки ябгу-хоқон, яъни бир маънода «вице-қирол»га тўғри келадиган унвонга эга эди<sup>98</sup>. Бинобарин, ябгу унвони қадимги турк битиктошлари ва хитой йилномаларидағи маълумотлардан аён бўлишича, хоқонлик иерархиясида бош ҳукмдор – хоқондан кейин иккинчи ўринда турадиган шахсга нисбатан кўлланилган<sup>99</sup> ва айрим истисноларни ҳисобга олмагандан<sup>100</sup> бу давр-

<sup>97</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 242; Taşağıl A. Gök-Türkler... I. – S. 57.

<sup>98</sup> Шювен П. О Византийских посольствах к первым тюркским правителям Согда (Проблемы ономастики и топонимики) // ОНУ, 1995. – № 1–3. – С. 34.

<sup>99</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 229; Taşağıl A. Gök-Türkler. I, 2. Baskı. – Ankara, 2003. – S. 97.

<sup>100</sup> Дастлаб ябгу унвонига ҳукмдор хонадон аъзолари – хоқоннинг оға-инилари, амакилари, жиян ва ўғиллари эришган бўлсалар, кейинги даврларда ушбу унвон Шарқий Туркистондаги хоқонликка бўйсунувчи тобе ҳукмдорликларда ҳам кўлланила бошлагани маълум (Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 291, 293, 295, 302–303; Chavannes E. Documents sur les... – Р. 104, 117, 126; Taşağıl A. Gök-Türkler. I... – S. 81; Skaff K. J. Western Turk Rule... – Р. 103, п. 27). Факат 640-йиллардан бошлаб хитойликлар хоқонлик кўл остидаги Шарқий Туркистондаги воҳа ҳукмдорликларини ўз таъсир доирасига ола бошлаган пайтлардагина Гуйцзы (Куча), Яньки (Корашаҳр) ва Юйтянь (Хўтсан) ҳукмдорлари ябгу унвони билан тилга олинади. Бироқ ҳукмдорлари бу пайтгача бошқа унвонларда қайд этилган ҳар учала ҳукмдорликка бевосита Хитой вакиллари ёки Тан империяси хизматига ўтиб, хитой қўшинларига бошчилик қилаётган Ашина хонадонига мансуб лашкарбошилар томонидан ушбу унвон жорий қилинганини кўришимиз мумкин (Бичурин Н. Я.

да ушбу унвон фақат Ашина хонадонига тегишли бўлган.

Турк хоқонлиги барпо этилган дастлабки йилларда ниҳоятда кенгайган давлат худудини бошқариш учун, бошқарувнинг анъанавий қоидаларига кўра, давлат иккита сиёсий-маъмурй қисмга бўлинган ва Истамига ябгу унвони берилиб, хоқонликнинг гарбий қисмларини бошқариш топширилган эди<sup>101</sup>. Бироқ Истамининг авлодлари ябгу деб юритилмасдан, ябгу-хоқон тарзида қўшалоқ унвон ёки хоқон унвони билан аталишини қандай изоҳлаш мумкин? Шу ўринда, Шарқий хоқонликнинг ички гарбий қаноти бўлмиш Тардуш<sup>102</sup> бошқарувчилари Ўрхун обидаларида ябгу унвонида қайд этилганини ҳисобга олиб, баъзи тадқиқотчилар ябгу-хоқон иборасини «гарбий қанотнинг хоқони» маъносида тушуниш керак деб изоҳлашларини<sup>103</sup> ҳам келтириб ўтиш лозим.

## **2. 2. 1. Гарбий Турк хоқонлиги шаклланиш жараёнларининг ёзма манбалар ва нумизматик материалларда акс этиши**

Гарчи иккаласи ҳам келиб чиқиши битта хонадондан – туркий Ашина сулоласи вакиллари томонидан бошқарилган бўлса-да, маркази Ўрхун ҳавзалари (Мўғулистон) ўлароқ Жанубий Сибир ва Олтой тоғларининг шарқидан тортиб то Узоқ Шарқ ва Шимолий Хи-

---

Собрание сведений... II. – С. 295, 298, 302; Chavannes E. Documents sur les... – P. 126–127). Айниқса, мазкур хукмдорликларда ябгу унвони хитойликлар томонидан деярли бир вактда, 650- йиллар атрофида ва уларнинг бош хукмдорлари ўрнига тайинлаётган бирордари ёки ўғиллари билан алоқали равища учраши зътиборга лойик. Шу тарика ушбу хукмдорликлар бошқарувчиларининг бир муддат ябгу унвонини қўллаганликларини ё улар хоқонликнинг заифлашувидан фойдаланиб қолганликлари натижаси ёки бўлмаса Хитой империясининг хоқонлик бошқарув тизимидағи мувозанат (шу билан биргалиқда унвонлар мутаносибиятига пуртур етказиш учун амалга оширган сиёсат оқибатидадир, деб ҳисоблаш мумкин.

<sup>101</sup> Chavannes E. Documents sur les... – P. 219–221; Golden P. B. Türk Halkları tarİhine Giriş... – S. 103.

<sup>102</sup> Тардуш – Шарқий Турк хоқонлигининг гарбий ёки ўнг қаноти учун қўлланилган ушбу атамани баъзи тадқиқотчилар хитой йилномаларидағи Яньто ёки Се яньто шаклида қайд этилган этноним билан тенглаштиришади. Факат бу фикр тўлаконли равища ўз тарафдорини топганича йўқ (Golden P. B. Türk Halkları tarİhine Giriş... – S. 118).

<sup>103</sup> Tuguşeva L. Yu. Türkler ve Toharlar Arasındaki Münasebetler // TÜRKLER, 2. Cilt. – Ankara, 2002. – S. 154.

тойгача бўлган ҳудудларни ўз ичига олган ҳамда кўчманчи турмуш тарзи ҳукмрон Шарқий Турк хоқонлигидан фарқли ҳолда Ғарбий Турк хоқонлиги, асосан, ўтрок турмуш тарзи устувор ҳудудларни ўз ичига олар эди. Маркази Еттисув ўлароқ, энг кучайган пайтда шарқда Шарқий Туркистон, Жануби-Ғарбий Олтой, гарбда Шимолий Қора денгиз бўйлари, Шимолий Кавказ, шимолда Волгабўйлари ва Урол тоғлари, жануб ва жануби-гарбда Амударё—Сирдарё оралиги, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон ҳамда Шимоли-Шарқий Эрон (Хуросон) ҳудудларини ўз ичига олган Ғарбий Турк хоқонлигига айнан қачон, қаерда, қайси ҳукмдор томонидан асос солингани масаласи ҳанузгача тўлиқ ўз ечимини топмаган. Шунингдек, унинг бошқарув марказлари қаерларда бўлгани ва давлат сифатида тарих сахнасидан қачон тушгани ҳакида ҳам тадқиқотчилар орасида яқдил фикрлар йўқ.

Аввало, ушбу масалага бевосита алоқадор бир омилга тўхталиб ўтсак. Шарқий ва Ғарбий хоқонлик орасида, гарчи ўзаро низолар бўлиб турган бўлса ҳам, бу доимий бўлмай, яъни Марказий / Шарқий хоқонлик ва Номинал / Ғарбий хоқонлик бир-бирига ашаддий душман бўлган иккита сиёсий кучга айланмаган. Бундай дейишга сабаб шуки, хитой йилномаларида баён қилинган баъзи ҳолатларни истисно қилганда, ҳар иккала томон орасида узоқ йиллар давом этган урушлар бўлганига доир маълумотлар манбаларда қайд қилинмаган. Яъни баъзи маълумотларни истисно қилганда, улардан бирининг иккинчиси худудига бостириб кирганлиги ёки улардан бири иккincinnисига қарашли бирор худудни ўз таркибига зўрлик билан киритганига доир маълумотлар манбаларда деярли акс этмаган. Шунинг ўзиёқ Ғарбий Турк хоқонлиги то 630-йилларгача, яъни Шарқий Турк хоқонлиги сиёсий тузилма сифатида тутатилгунига қадар унинг бир қисми ҳисобланганини кўрсатади. Тўғри, хитой йилномаларидан, ҳам Шарқий (марказий) қанот бошқарувчиларининг, ҳам Ғарбий қанот бошқарувчиларининг баъзан иккала қанот ҳудудида ҳарбий ҳаракатлар олиб борганлиги маълум, бироқ бу ҳаракатлар олий ҳокимиятни эгаллашдан иборат бўлиб, ушбу ҳаракатлар замирида қанотлардан бирининг ҳудудини қўлга киритиш мақсади ётмас эди. Жумладан, на Тарду хоқон ва на бошқасининг ҳарбий ҳаракатларида бунинг акси кўринади.

Энди, Ғарбий Турк хоқонлигининг айнан қайси йилларда ташкил топгани ва мустақил давлатта айлангани масаласига тұхталсак. Тәькидлаш зарур, Ғарбий хоқонликнинг том маңнода мухтор (автоном) сиёсий тузилма ҳолатини қачон олгани борасида баҳсли фикрлар мавжуд. Бир қатор тадқиқотчиларга күра, Ғарбий хоқонликнинг ташкил топиши Турк хоқонлигининг асосчиларидан бири Истами ябғу даврида – 568–576 йилларда бошланган. Бу жараён Истами даврида бошланганини хитой йилномаларидағи ушбу маълумот ҳам тасдиқлайди:

«Шидяни (Истами) бир вактлар шаньюй (буюк хоқон)га ҳамроҳлик қилас экан, ўн нафар йирик кўмондонни бошқарар эди. Юз минг кўшини бор эди. Ғарбий ўлкалардаги турли Xu (асосан, суғдийлар – Ф.Б.) ҳукмдорликларини итоатига олди. Хоқон<sup>104</sup> бўлди ва унинг хокимиятига «Ўн қабила» номи берилди. Авлодлари наслдан-наслга ушбу халқни бошқарди»<sup>105</sup>.

Бу маълумотдан аён бўлишича, Истами Турк хоқонлигининг бош ҳукмдори – хоқонга бўйсунар, шу билан биргаликда, хоқонликнинг асосчиларидан бири сифатида у давлатнинг сиёсий ишларини ҳал қилувчи асосий фигура эди. Шу сабабли бўлса керак, хитой йилномаларида унинг «шаньюй», яъни «буюк хоқонга ҳамроҳлик қиласиган» шахс бўлганлиги алоҳида таъкидланади. Хитой йилномаларидағи «шаньюй»дан максад Турк хоқонлигининг олий ҳукмдори – хоқон эканлиги аён бўлса-да, ушбу ибора остида айнан қайси ҳукмдор (Бумин (551–552), Қора хоқон (552–553) ёки Муқан (553–572) ҳақида гап боргандиги унчалик аниқ эмас. Э. Шаваннинг фикрича, бу ерда Бумин ҳақида гап боради<sup>106</sup>. Бироқ хоқонлик ташкил топгандан сўнг

<sup>104</sup> Истамининг хоқон унвони билантилга олинини изоҳ талаб қиласи. Фикримизча, бу масалани иккى хил изоҳаш мумкин: 1) У қадимги туркий анъаналарга асосида ушбу унвонни рамзий маңнода олган бўлиши мумкин. Анъанага кўра, хоқонликда олий ҳукмдор «бош хоқон»дан бошқа Ашина хонадони аъзоларига баъзан «кичик хоқон», «уй (сарой) хоқони» каби унвонлар рамзий маңнода бериларди; 2) Манбалар Истами давридан анча кеч ёзилгани учун у одатда хоқонлик ҳукмдорларига нисбатан ишлатилган хоқон унвонида қайд этилган бўлиши мумкин. Бироқ бу фикр анча кам эҳтимоллидир. Чунки айнан у яшаган даврга оид Византия манбаларида Истами “хоқон” шаклида қайд этилади.

<sup>105</sup> Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – S. 69.

<sup>106</sup> Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – S. 69.

Истами сиёсий фаолиятининг асосий қисми Муқан хоқон даврига тўғри келишини ҳисобга олинса, бу ерда «шаньюй»дан мақсад Муқан хоқон бўлиши ҳам мумкин. Маълумки, хоқонликнинг илк «олтин даври» ушбу хоқон даврига тўғри келиб, қисқа 3 йиллик муддат ичидা, яъни 555 йилга келиб, Жуан-жуанлар хоқонлигининг тўлиқ тор-мор этилиши, шарқда Олтой тоғларидан анча йироқда жойлашган узок шарқлик қабилалардан қитан (қорахитой), кумоси (татаби), шивэй каби қадимги мўғул қабилаларининг, шимолда Енисей џигу (киргиз)ларининг бўйсундирилиши, жанубда Шарқий Туркистондаги воҳа ҳукмдорликларнинг эгалланиши, ғарбда эса Эфталитлар давлатига қарши ҳарбий юришлар уюштирила бошлиши<sup>107</sup> айнан Муқан хоқон ташаббусида амалга оширилган эди.

Демак, Истамининг хитой йилномаларида «ўн нафар йирик қўмондонни бошқарарди. Юз минг қўшини бор эди. Ғарбий ўлкалардаги турли Ху ҳукмдорликларини итоатига олди. Хоқон бўлди ва унинг ҳокимияти «Ўн қабила» деб аталди» шаклида тилга олиниши, асосан, унинг Муқан хоқон билан ҳамкорлик қилган даврига тўғри келади. Шу тариқа, Истами ўз жияни Муқан хоқон томонидан «Ўн Ўқ» бошқарувига тайинланган ва ғарбдаги мамлакатларни бўйсундиришга масъул қилинган, деб ҳисоблаш мумкин. Чунончи, манбаларда хоқонликнинг Эфталитларни тор-мор қилиши, Сосонийлар Эрони билан тўқнашувлар, Волгабўйи ва Кавказ йўналишидаги истилолар бошида турган ҳукмдор сифатида Истамининг кўрсатилиши<sup>108</sup> бежиз бўлмаса керак. Муқан хоқон эса Истами билан айни вақтда, яъни 566–567 йилларда Хитойнинг шимолига юришлар уюштираётган эди. Демак, у шарқий (Узок Шарқ) ва жануби-шарқий (Хитой) йўналишларида банд бўлганлиги сабабли амакиси Истамини ғарбий жабҳага масъул қилган, деб тахмин қилиш мумкин. Бу фикрнинг тасдиғи сифатида Феофилакт Симокатта асарида учрайдиган қуйидаги сатрларни келтириш мумкин:

«Румлар подшохига етти қабиланинг ҳокими ва дунёдаги етти иқлимнинг буюк ҳукмдори Хоқондан. Абдел (кайсики, мен Эфталитлар деб аталағидиган халқ ҳакида гапираман) қабиласи бошлигининг калласини кесиб, ушбу хоқон уларни маглуб қилди ва улар устидан ўз ҳокимиятини ўрнатди. Ушбу

<sup>107</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 229.

<sup>108</sup> Комар А. Наследие тюркских каганатов... – С. 100–101.

ғалабадан кучли даражада мағурланиб, Стемвис (Истами) хоқонни ўзининг иттифоқчиси қилди ва Авар қабиласига (карши) иш бошлади»<sup>109</sup>.

Таниқли турколог П. Б. Голденнинг фикрича, Истами Ғарбий хоқонликнинг тамал тошини қўйган бўлса-да, бу пайтда у мустақил бир сиёсий тузилма бўлмасдан, сиёсий устунлик – ҳокимият шарқдаги бош хоқонда эди<sup>110</sup>.

Баъзи олимлар фикрича эса, хоқонликнинг Шарқий ва Ғарбий қисмлари бошқарувчилари орасида буюк хоқонлик мақомини олиш учун бошланган кураш даври – 583 йилга тўғри келиб, шу пайтдан бошлаб Ғарбий ғанот Ғарбий Турк хоқонлигига айланган эди<sup>111</sup>.

Кўпчилик тадқиқотчилар қабул қилган фикрга кўра, Ғарбий хоқонликнинг том маънода алоҳида давлатга айланиши Истамининг ўғли Тарду хоқон (*хит.* Дату-кехан; гарбда – 576–583; шарқда – 600–603) хукмронлиги даврига тўғри келади. Бир гурух олимлар эса «Сўй шу» (VII аср) йилномасидаги маълумотга асосланиб, Ғарбий Турк хоқонлигининг ташкил топишини шарқда бош хоқонлик ҳокимиятини қўлга кирита олмаган Муқан хоқон (553–572)нинг ўғли Апо/Апа Дарабян (Турум / Тўраман; 583/4–587) билан алоқали ҳисоблайдилар. Яъни шарқий хоқонликдан сиқиб чиқарилган Апа хоқон Тардуни гарбдаги мулқдан узоқлаштиришга муваффақ бўлади (шу сабабли Тарду шарқда ҳокимиятни қўлга киритиш учун ҳаракат бошлайди) ва гарбда бир муддат ўз суоласини ташкил қилади<sup>112</sup>. Яъни қисқа бир муддат Ғарбий хоқонликдаги ҳокимият ҳам Шарқий хоқонликдаги сингари Истамининг эмас, унинг оғаси – Турк хоқонлигининг асосчиси Бумин (551–552) авлодлари қўлига ўтади. Апа хоқондан кейин Буминнинг эвараси Нири (*хит.* Нили, Янгсу тегиннинг ўғли; 587–599), ундан кейин Чўра (*хит.* Чуло, Нирининг ўғли (599–610) Ғарбий турк хоқонлари бўладилар. Бирор кейинчалик яна Истами хонадони ҳокимиятни қўлга олишади. Бу воқеа 610 йилларда, Чўра хоқонни Истамининг эвараси Шегуй (Тардунинг невараси; 611–617) ҳокимиятдан четлатиб, Ғарбий хоқонлик

<sup>109</sup> Феофилакт Симокатта. История ... – С. 624.

<sup>110</sup> Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş... – S. 106.

<sup>111</sup> Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş... – S. 109.

<sup>112</sup> Wang H. Apa Qaghan, Founder of the Western Turkish Khanate... – P. 124–147; Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş... – S. 109.

бошқарувини эгаллаган пайтига тўғри келади<sup>113</sup>. Шегуйнинг вафотидан сўнг Фарбий хоқонлик унинг иниси Тун ябғу-хоқон (618–630) кўл остига ўтади. Эҳтимол, Фарбий қанот бошқарувчиларининг ябғу-хоқон унвонида ҳокимият юрита бошлашлари айнан шу йилларга тўғри келса керак.

Гарчи Фарбий турк хоқонларининг барчаси манбаларда ябғу-хоқон унвони билан қайд этилмаса-да, хитой йилномаларида Тун ябғу-хоқондан кейин яна икки нафар ҳукмдор ушбу қўшалоқ унвон билан тилга олинганини кўриш мумкин. Жумладан, Истамининг авлоди бўлмиш Сир ябғу-хоқон (*Сы шеху-кехан*; 631–633) ва Ишбара ябғу-хоқон (*Шаболо шеху-кехан*; 640–641), II Тун ябғу-хоқон (695–700) сингари ҳукмдорлар Фарбий хоқонлик таҳтига ўтиришади<sup>114</sup>. Дарвоке, Фарбий Турк хоқонлиги бошқарувчиларининг ўзларини тўғридан-тўғри «хоқон» деб атамасдан, бир муддат ябғу-хоқон шаклидаги қўшалоқ унвон билан ҳокимият юргизишлари Шарқий қанотдаги бош ҳукмдор – хоқоннинг устунлигини тан олишларини ифодалаган бўлиб, афтидан, бу анъанага ҳар доим ҳам амал қилинавермаган. Чунки Фарбий қанот бошқарувчиларидан бир нечасининг ҳали ушбу қанот *Хоқонлик* статусига эриша олмаган пайтларда, ҳатто *Ябғулук* паллаларида ҳам ўзларини «хоқон» деб атаганликлари манбалардан маълум. Жумладан, Фарбий қанот бошқарувига масъул Истамининг ўғли Тарду 576 йилда отаси вафот этгач, ушбу бошқарувни мерос олган бўлса-да, Шарқий қанотдаги бош ҳукмдорлар билан низога бориб, ўзини «хоқон» деб атайди<sup>115</sup>. Бу, унинг исми хитой йилномаларида *Дату кехан* (Тарду хоқон), Чочда зарб қилинган тангларда *trdw x'y'n* (Тарду хоқон) шаклида учрашида (*қаранг*: илова I, 17) ҳам ўз тасдигини топади<sup>116</sup>.

Шунингдек, *Ябғулук* палласида Фарбий қанотни бошқарган Нири (587–599), Чўра (599–610), Шегуй (611–617) каби ҳукмдорларининг

<sup>113</sup> Osawa T. Batı Göktürk Kağanlığının daki... – S. 84; Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş... – S. 109.

<sup>114</sup> Шювен П. О Византийских посольствах... – С. 64–67; Uray G. The Old Tibetan sources... – Р. 281.

<sup>115</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 242.

<sup>116</sup> Бабаяр Г., Кубатин А. К вопросу монетного чекана Западно-Тюркского каганата (на основе нумизматических материалов Ташкентского оазиса) // Тюркология. – Туркестан, 2005. – № 6. – С. 98, 102.

ушбу унвон билан ҳокимият юритганلىклари, асосан, хитой йилномалари, қисман эса сүгдий тилли Или битиктошидан маълум<sup>117</sup>. Шу ўринда марказий ҳокимият – Шарқий ҳоқонлик мавжуд бўлиб турган бир пайтда ушбу ҳукмдорларнинг *хоқон* унвонига эга бўлишлари изоҳ талаб қиласди. Эҳтимол, марказда тез-тез рўй бериб турадиган сиёсий заифликларидан фойдаланган бабзи Ғарбий қанот бошқарувчилари ўзларини “хоқон” деб эълон қилишга журъат қилган бўлишлари мумкин. Факат Шарқий ҳоқонлик мавжуд бўлиб турган пайтда Ғарбий қанот бошқарувчиларининг ҳаммаси ҳам ўзларини том маънода «хоқон» деб атай олмаган шекилли, манбаларда улар асосан, ябгу ёки *ябгу-хоқон* тарзида тилга олинади. Бироз қуйида кўриб ўтиладиганидек, ушбу қанот бошқарувчилари томонидан Чоч воҳасида бостирилган тангаларда унвонлар иерархиясига амал қилинган ҳолда дастлабки пайтларда, яъни Ғарбий ҳоқонлик *Ябгулик* статусида экан, факат *жабгу* унвони билан, кейинги боскич – *Ябгу-хоқонлик* палласида эса *жабгу-хоқон* унвони ўрин олган. Қачонки, Шарқий Турк ҳоқонлиги давлат сифатида барҳам топгач, Ғарбий қанот мустакил давлат – ҳоқонликка айланаб, бошқарувчилари *хоқон* унвонида танга зарб қила бошлишган.

Гарчи тўлақонли асосга эга бўлмаса-да, айтиш мумкинки, Ғарбий ҳоқонлик ҳам икки қисмга бўлиб бошқарилгани ва уларнинг бошқарувчилари *ябгу* унвони билан юритилганини назарда тутадиган бўлсақ, ҳукмдорлар улардан мансаб жиҳатидан устунликнинг аломати сифатида *ябгу-хоқон* унвонини кўллаган бўлиши эҳтимолга яқин. Ғарбий ҳоқонлик ҳукмдорларининг аксарияти тўғридан-тўғри «хоқон» деб юритилмаганининг сабабини эса уларнинг нисбий бўлса-да марказга боғлиқлиги билан изоҳлаш мумкин. Шу билан биргаликда, айрим Ғарбий турк ҳукмдорларининг манбаларда *ябгу-хоқон* унвонида қайд этилмаганлиги ҳисобга олинса, ҳозирча ушбу атаманинг том маъноси очиқ қолмоқда<sup>118</sup>. Шунга қарамай ғарбий

<sup>117</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 279. 281; Osawa T. Batı Göktürk Kağanlığının daki... – S. 80–81.

<sup>118</sup> Шарқий (марказий) ҳоқонлик ҳукмдорларидан бири Чулохэу (587–589) Н. Я. Бичурин томонидан амалга оширилган таржимада *шеху-хан* (ябгу-хоқон) тарзида берилган бўлса-да (қар.: Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 239), кейинги пайтлардаги таржималарда уннинг ҳукмдор бўлмасдан олдинги унвони *ябгу* бўлгани, ҳокимиятни кўлга киритгач эса ушбу унвонни ташлаб, *бага-хоқон* (хит. мохэ-кехан) унвонини олгани маълум бўлди (қар.: Taşağıl A. Gök-Türkler. I... – S. 48). Бу эса 52

қисм бошқарувчилариға нисбатан мазкур құшалоқ унвон ишлатилганини тасдиқлайдын бишкә далилларнинг ҳам мавжудлигини на- зардан қочирмаслик керак. Жумладан, Турк хоқонлигининг иккала қисми ҳам бир мұддат Хитой империясига қарам бўлиб қолган пайтда, Олтой ва Тяншан тоғлари оралиғидан то Ўтукан (Мўгулистон) водийсигача бўлган худудда хукм сурган Се Янь-то хоқонлиги (Сиртардүш (?)(627–647)) ўз бошқарувини икки қисмга бўлиб, шарқий қисм ҳукмдорига тўлас?-хоқон (хит. тулиши-кехан), гарбий қисм ҳукмдорига эса ябгу-хоқон (хит. шеху-кехан) унвони берганлиги хитой йилномаларида қайд этилади<sup>119</sup>. Бу эса ўша давр туркий давлатчилик тизимида давлатни шарқий – марказий бошқарув ва гарбий – марказга бўйсунувчи ҳокимият тарзида тақсимлаб идора қилиш анъанаси мавжуд бўлганидан ҳамда уларнинг бошқарувчилари унвон жиҳатидан фарқланганидан дарак беради.

Гарбий Турк хоқонлиги бошқарувида «ябгу-хоқон»лар турганини тасдиқловчи маълумотлар нафакат ўша давр ёзма манбаларида, балки нумизматик материалларда ҳам ўрин олган. Чунончи, яқин йилларда VI–VIII асрларда зарб қилинган Гарбий Турк хоқонлигига тегишли тангаларнинг аниқланиши мазкур хоқонлик билан боғлиқ бир қатор муаммоли масалаларнинг ҳал қилинишига имкон берди. Хусусан, кейинги йилларда Тошкент воҳасидан топилган тангалар сафига кўплаб яхши сақланган мис тангаларнинг келиб қўшилиши ва улардаги сүфдий ёзувлари жумлаларнинг томонимиздан *żṛyw* – «жабгу», *trdw x'γ'n* – «Тарду хоқон» *cṛyw x'γ'n rny* – «Жабгу-хоқон тангаси», «... жабгу-хоқон»<sup>120</sup> ва *βyy twn cṛyw x'γ'n* – «Илоҳий Тун жабгу-хоқон» шаклида ўқиб чиқилиши Гарбий Турк хоқонлигининг бош ҳукмдорлари ўз номидан танга зарб қилдиришган, мазмунидаги фикрга келишимизга асос берди. Таъкидлаш жоизки, гарчи шу пайтгача амалга оширилган тадқиқотларда VI–VIII асрларга тааллукли Ўрта Осиё тангаларининг бир қисмини «қадимги турк

---

Шарқий хоқонлик бошқарувида ябгу-хоқон құшалоқ унвони қўлланилмаганидан дарак беради.

<sup>119</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 342; Taşgil A. Gök-Türkler. I... – S. 38.

<sup>120</sup> Ёзувининг бир қисми ҳалигача ўқиб чиқилмаган, устида ярим ой ва юлдуз акс этган от тасвири тангаларда ҳам «Йелби Ишбара Сир (?) жабгу-хоқон» сўзлари яққол кўринади (Илова I, 9).

тангалари» гурухи ташкил қилиши таъкидланса-да<sup>121</sup>, уларнинг қайси хукмдорларга ёки сулолаларга тегишлилиги масаласи ҳал қилинмаган эди. Ҳатто «хоқонлик танга зарб қилдирганми ёки аксинча» мазмунидаги фикр деярли ўртага қўйилмаганди. Кўпчилик тадқиқотчилар орасида илк туркий тангалар Тургаш хоқонлиги (699–766) томонидан чиқарилган деган фикр ўринлашиб қолганди<sup>122</sup>.

Бинобарин, Фарбий Турк хоқонлигининг илк тангаларидан хукмдор ва малика тасвири тангаларда сүғдий ёзувда *ZNH rnyw žryw krnw crdnk* – «Бу – қудратли (?) Жабгуниң тангасидир» ёки *rnyw žryw krnw crdnk* – «Забардаст / қудратли (?) Жабғу тангаси» жумлалари ва **Ж** шаклли тамғалар учрайди. Фикримизча, ушбу тангалар ҳали Еттисувдаги Фарбий қанотнинг марказ – Шарқий Турк хоқонлигига боғлиқлик даражаси кучлироқ бўлиб, бошқарувчилари «ябғу-хоқон» унвонини олмаган ва «ябғу» унвонида фаолият юритаётган пайтларда зарб қилдирилган бўлиши мумкин. У ҳолда ушбу тангалар Фарбий қанот бошқарувчиларининг илк тангалари бўлиб чиқади. Демак, Фарбий қанот кейинчалик алоҳида бир сиёсий уюшма статусини олиб, муайян даражада марказга дахлдор бўлиб турган бир паллада *жабгу-хоқон*, тўлиқ мустақил бўлган пайтда эса *хоқон* унвонли тангалар зарб қилинган, деб ҳисоблаш учун асос бор.

Агар Фарбий қанот Истами ябғу даврида марказга анча боғлиқ ҳолда шаклланганини ҳисобга оладиган бўлсак, *жабгу* унвонли тангалар 560–600 йиллар оралиғида, Фарбий Турк хоқонлигини Чўра, Шегуй, Тун ябғу-хоқон, Сир ябғу-хоқон каби хукмдорлар бошқарган пайт – 600–630 йиллар орасида эса *жабгу-хоқон* унвонли тангалар зарб қилинган бўлиб чиқади. Шу ўринда ушбу тангалардаги сюжетлар Византия империяси тангаларидаги сюжетлар билан яқин ўхшашликка эгалигини эътироф этиш зарур. Яъни хоқонликнинг илк тангаларида шу каби Византия тангаларига хосликлар мавжуд: 1) хукмдор киёфаси; 2) бош кийими; 3) хукмдор бошининг чап томонида хоч ишорати мавжудлиги; 4) хукмдор бошининг ўнг томонида Византия императорларидан бирининг исмини эслатувчи юончча

<sup>121</sup> Смирнова О. И. Сводный каталог... – С. 5, 14, 59; Baratova L. Alttürkische Münzen Mittelasiens aus dem 6.-10. Jh. N. Chr. Typologie, Ikonographie, historische Interpretation // Archalogische Mitteilungen aus Iran und Turan. B. 31. – Berlin, 1999. – P. 281–283.

<sup>122</sup> Salman H. Türğisler. – Ankara, 1998. – S. 131.

ёзув излари. Бу тип тангаларнинг Византия тангаларидан фарқли жиҳати факат танганинг орқа юзаси (реверс)да хоқонликка хос тамға тасвири туширилганлигидир (қаранг: илова, I, 1). Гарчи Ғарбий турк хукмдорларининг кўшалоқ портретли тангалари (2–3- типлар) учун ҳам Византия сюжетлари асос қилиб олинган бўлса-да, уларда ўзига хос «миллийлашиш» кўзга ташланади. Жумладан, бу тип тангаларнинг биринчисида туркий қиёфали хукмдорнинг боши устида яrim ой ва юлдуз ишорати жой олган бўлиб, иккинчисида эса хукмдор ва малика византиялклардан фарқли ҳолда курсисимон таҳтда эмас, гиламда ўтирган ҳолатдадир (қаранг: илова I, 4).

Яқин йилларда томонимиздан бир томонида лангарсимон тамға (❸) ва унинг устида сүғдий ёзувда *trōw* – «Тарду» (*Av*), тескари томонида эса *x'γ'n* – «хоқон» (*Rv*) жумлалари жой олган тангалар аниқланди (қаранг: илова I, 17). Бу тип тангалардаги тамға ❷ шакли тамғали Ғарбий турк тангаларидан анчагина фарқлиликка эга. Бу эса баъзи масалаларни келтириб чиқаради. Факат Тарду хоқон фаолиятининг кейинги даврларига мурожаат қилиш орқали бу масалага ойдинлик киритиш мумкин. Юқорида ҳам кўриб ўтилганидек, 580- йилларнинг бошида хоқонликнинг Ғарбий қанотини мустақил қилишга эришган Тарду 580- йилларнинг ўргатларида бу ердаги ҳокимиятдан маҳрум бўлгач, шарққа кетади. У бу ерда муваффакиятлар қозониб, марказий (шарқий) ҳокимиятни эгаллайди ва 600–603 йилларда бир муддат Шарқий ва Ғарбий хоқонликларни бирлаштириб, «буюк хоқон» бўлиб қолади. «Тарду хоқон» унвонли тангалар айнан шу даврда зарб килдирилган бўлиши эҳтимоли юқори. Дарвоке, Шарқий хоқонлик маркази – Ўрхун водийси (Мўгулистан)да яқин йилларда олиб борилган археологик казишмалар жараённида Билга хоқон обидаси (730- йиллар) атрофидан топилган балбал (тош ҳайкал) сиртида лангарсимон тамғанинг айнан ўхшашининг учраши<sup>123</sup> ҳам мазкур тамға Шарқий хоқонликка алоқадордир деган тахминни кучайтиради.

Шунингдек, Ғарбий Турк хоқонлигининг шаклланиш жараёнларини аниқлашда Тошкент воҳасидан топилаётган «жабғу», «жабғу-хоқон» ва «хоқон» унвонли тангалар алоҳида ўрин тутишини айтиб ўтиш зарур. Бу тип тангаларнинг ўнг юзасида ўнг томонга йўналган

<sup>123</sup> Қаранг: Kuzuoglu R, Gökçek G. L. 2003 yılı Bilge Kagan Anıt Mezar kazısı // Manas Üniversitesi Sosyal Bilimler dergisi. – Bişkek, 2005. – S. 54, Resim 21.

отлиқ тасвири (*Av*), тескари томонида эса биринчи босқич тангала-ридагидан бироз фарқланувчи ўзига хос тамға жой олган бўлиб (ঢৰ), унинг атрофида сүғдий ёзувда айланасига ёзилган *cryw x'yn rny* – «Жабгу-хоқон тангаси» иборалари мавжуд (қаранг: илова I, 10).

Чоч (Тошкент) воҳасидан топилаёттган нумизматик материаллар орасида *βyy twn cryw x'yn* – «Илохий Тун жабгу-хоқон» жумлалари ва «жабгу-хоқон» унвонли тангаларники билан бир хил тамға (ঢৰ) акс этган тангалар анча кўп учрайди. Жумладан, ушбу турдаги тангаларнинг иккита асосий типи: 1) чордона қуриб ўтирган хукмдор (Илова I, 12), 2) қўшалоқ портретли (жабгу-хоқон ва хотун) тасвирили (қаранг: илова I, 11) тангалар зарб қилингани аниқланди<sup>124</sup>.

Тошкент воҳасидан айнан VI–VIII асрларга, яъни Турк хоқонлиги хукмронлиги даврига тўғри келувчи юзлаб нумизматик материалларнинг топилиши ва уларда хоқонликка хос унвонларнинг деярли барчаси учраётганлиги ҳамда улардаги бир қатор хусусиятлар Фарбий Турк хоқонлигининг шаклланиш жараёнларини очиб берадиган моҳиятда эканлиги бу масалани синчилаб тадқик қилиш талабини қўйди. Таъкидлаш зарур, Чоч тангалари орасида «Тарду хоқон», «Тун жабгу-хоқон» каби конкрет хукмдор номларининг аниқланиши хоқонлик танга зарб қилганми ё аксинчалиги масаласининг ҳал этилишида яна бир қадам бўлди. Бинобарин, тангаларда *жабгу, жабгу-хоқон* унвонларининг учраши Чоч воҳаси тангалардан катта бир қисми Фарбий Турк хоқонлигига тегишли эканлиги масаласини янада ойдинлаштиради<sup>125</sup>.

Дарвоқе, юқорида ҳам айтиб ўтилганидек, хитой йилномаларида асосан Фарбий хоқонлик хукмдорлари *шеху-кехан* – «ябгу-хоқон» унвони билан қайд этилади. Шунингдек, *жабгу/ябгу* ёки *ябгу-хоқон* унвонлари турли тиллардаги манбаларда *Σιζίβουλος, Ζιέβηλ* (визант.),

<sup>124</sup> Бабаяров Г. Чач в эпоху Тюркского каганата... – С. 203–205.

<sup>125</sup> «Жабгу-хоқон» унвонли тангаларнинг ким томонидан ёки айнан қайси Фарбий Турк хоқони томонидан қачон ва қаерда зарб қилдирила бошланганлиги масаласига тўхтатидиган бўлсак, асосан, Тошкент воҳасидан топилаётганлиги уларнинг Чоч худудида бостирилгани эҳтимолини кучайтиради. Айниқса, хоқонлик таркибида пайтда Чочнинг маҳаллий хукмдорлари томонидан зарб қилинган тангалар устидан *жабгу-хоқон* унвонли тангалар қайта зарб қилинган ҳолатда учраши хоқонлик тангаларининг Чоч воҳасида бостирилганини яна бир бор тасдиқлайди (Babayar G. Köktürk Kağanlığı sikkeleri... – S. 63)

*жембуху, жебу хаган* (арман), *жибгу* (грузин), *Синжибу хоқон* (араб), *Синжепук* (ўрта форс), *йа-бго хаган* (тибет.) шаклларида учрайдики<sup>126</sup>, уларни тадқиқотчилар Истами ябғу ва унинг авлодлари бўлмиш Фарбий турк хоқонлари билан алоқали ҳисоблайдилар.

Маълумки, манбаларда Истами (552–576)дан бошлаб то охирги мустақил Фарбий турк хоқонларидан бири бўлмиш Ишбара (640–641)гача ҳукмронлик қилган ҳукмдорлар ҳақида гап борганда улар кўпинча исмлари билан эмас, фақатгина унвони билан ябғу ёки ябгу-хоқон тарзида тилга олинади. Бу эса ушбу тангаларнинг Истами давридан бошлаб чиқарилганми ёки унинг авлодларидан бири давридами масаласини кўндаланг кўяди. Агар Фарбий Турк хоқонлигининг дастлабки босқичда, яъни 560- йиллардан то VI аср охирларигача Ўрхундаги марказий ҳокимият бўлмиш Шарқий Турк хоқонлигига тўла бўйсунувчи Фарбий қанот ўлароқ *Ябгулик* мавқеида бўлган паллада *жабгу* унвонли, VI аср охирлари – VII аср бошларига келгач ушбу қанот марказдан бирмунча мустақил фаолият юрита бошлаб, бошқарувчилари *ябгу-хоқон* унвонига эга бўлган давр, яъни *Ябгу-хоқонлик* палласида эса *жабгу-хоқон* унвонли тангалар зарб қилинганлиги аён бўлади.

Демак, тамға шакли () , унвон (*жабгу*), иконографик ўзига хоссликлардан (прототип) келиб чиқилса, тангалардан бир қисми хоқонликнинг **иilk босқич тангалари**, яъни *Ябгулик* даврига таалуқли бўлиб чиқадики, уларнинг зарб қилдирилиш хронологијасини тахминий ўлароқ 560 йиллар охири – VI аср сўнгги чорагига кўйиш мумкин.

*Жабгу-хоқон* унвонли тангалар эса ҳам унвон, ҳам тамға шакли () билан хоқонликнинг **иккинчи босқич тангалари** бўлганидан дарак беради. Шу билан биргаликда, ушбу хоқонлик ҳукмдорларининг расмий унвони *ябғу / жабгу-хоқон* бўлганлиги яна бир карра исботлайди.

Чоч тангаларининг сезиларли бир қисми Фарбий Турк хоқонлигининг энг машҳур ҳукмдори Тун ябғу-хоқон (618–630) томонидан зарб қилдирилган бўлиб, айнан шу ҳукмдор даврида

<sup>126</sup> Chavannes E. Documents sur les... – P. 226–228; Moravcsik G. Byzantinoturcica. II. – Berlin, 1958. – P. 130–131, 290; Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş... – S. 103; Гумилев Л. Н. Древние тюрки... – С. 158–159; Uray G. The Old Tibetan sources... – P. 281.

хоқонлик ва Чоч орасидаги алоқалар кучаяди. Чунончи, Ғарбий хоқонликнинг жануби-гарбий ўлкаларга эътибори кучайиши айнан Тун ябғу-хоқон даврига тўғри келиб, хитой йилномаларида таъкидланишича, у Ғарбий хоқонлик марказини Ши (Чоч) давлатининг шимолидаги Цянь-цюань (Минг-булоқ) мавзесига кўчиради ва барча гарбий ўлкалар устидан хукмронликни мустаҳкамлайди ҳамда *Босы* (Эрон), *Гибин* (Кашмир–Каписа–Кобул)ни ўз назорат остига олади<sup>127</sup>. Бу пайтда Ғарбий Турк хоқонлиги Шаркий Туркистон, Амударё–Сирдарё оралиғи, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон, Хурсон, Шимолий Кавказ ва Шимолий Қора денгиз бўйларини ўз ичига олган йирик салтанатга айланади.

Демак, «жабғу-хоқон» ва «Тун жабғу-хоқон» унвонли тангаларни, улардаги тамға шакли () ва унвонлар мутаносиблигидан келиб чиқкан ҳолда хоқонликнинг **иккинчи босқич тангалари**, деб ҳисоблаш мумкин. Фикримизча, бу тип тангалар Ғарбий Турк хоқонлигининг *Ябғу-хоқонлик* палласига оид бўлиб, уларнинг даврий хронологиясини VII аср боши – 630-йиллар билан белгилаш мақсадга мувофиқ.

Чоч воҳасида зарб қилинган Ғарбий Турк хоқонлиги тангаларининг катта бир қисмини «хоқон» унвонли тангалар ташкил этади<sup>128</sup>. Хусусан, Тошкент воҳасидан топилаётган тангалар орасида

<sup>127</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 283.

<sup>128</sup> Бу тип тангалар илм оламига танитилганига 30 йилга яқин вакт ўтди (Ртвеладзе Э. В. Нумизматические материалы к истории раннесредневекового Чача // ОНУ, 8, 1982. – С. 31–38, 38). Фақат кўп йиллар давомида уларда жой олган суғдий жумлаларни муваффақиятли ўқиш имконияти бўлмагани сабабли ушбу тангаларнинг айнан қайси давлатта алоқадорлиги масаласи ҳал этилмасдан келди. Уларда «хоқон» унвони акс этгани ва Ғарбий Турк хоқонлигига тааллукли эканлиги илк бор 2005 йилда Э. В. Ртвеладзе томонидан ўртага ташланган бўлиб, дастлаб тадқиқотчи [...] *twyn γ'γn* – «Тунн хоқон» жумлаларини аниқлаган ва уларни Тун ябғу-хоқонга оид тангалар, деб ҳисоблаганди (Ртвеладзе Э. В. История и нумизматика... – С. 90–93). Айни йилларда биз тангандаги жумланинг қолган қисми *βγn* шаклида ўқилишини аниқлаб, бу тип тангалардаги бутун жумлани *βγn twyn γ'γ'n* – «Илохий Тон (Тўн) хоқон» (эҳтимол, *ton* (тўн) қадимги туркчада «бош, тўнгич» маъносида экани ва бу тип тангаларнинг «Илохий бош/тўнгич хоқон» иборалари билан бир неча Ғарбий турк хоқонлари томонидан чиқарилган) тарзида тиклаган эдик (Бабаяров Г. Древнетюркские монеты... – С. 32–33). Шу тариқа бу тип тангаларнинг бир неча варианatlари борлиги аниқланиб, улардан бир қисми «Илохий Тон (Тўн)-хоқон» жумлалари билан Ғарбий Турк хоқонлигининг бир неча хукмдорлари томонидан, бир қисми эса Тун ябғу-хоқон номидан (ёки унинг

күшалоқ портретли (хукмдор ва маликанинг бош қисми) ва икки ўркачли түя тасвири ҳамда ўртаси квадратсимон тешикли, хитой тангаларига тақлид тангалар учрайди (*қаранг*: илова I, 15–16, 18). Улардан биринчиси иконографик ва тамға шакли () жиҳатидан юқорида кўриб чиқилган «жабғу» ва «жабғу-хоқон» унвонли тангаларга жуда яқин бўлиб, кўплаб миқдорда топилиши билан алоҳида ажралиб туради. Бу тип тангаларда факат «хоқон» унвонининг учраши, тамғанинг кўшимча элементлар олганлиги, тасвирилардаги дастлабки шакл (прототип) анчагина ўзгаришга учраганлиги, улар хоқонликнинг сўнгги, **учинчи босқич тангалари** бўлганлигидан дарак беради. Бу давр тангаларида «жабғу» ва «жабғу-хоқон» унвонлари учрамаслиги ҳам Фарбий қанотнинг *Хоқонлик* палласига ўтиши билан боғлиқ, деб изоҳлаш имконини беради. Агар 630- йиллар бошида Хитойдаги Тан империяси Шаркий Турк хоқонлигига барҳам берганлиги эътиборга олинса, айни шу йилларда Фарбий қанот (яъни Ябғу-хоқонлик) марказий ҳокимиятнинг вориси ўлароқ мустақил хоқонликка айлангани ва хукмдорлар энди фақатгина «хоқон» деб аталиб, шу унвонда танга чиқара бошлагани<sup>129</sup> аён бўлади.

Юқорида қисман тўхталиб ўтилганидек, асосан Тошкент воҳаси ва қисман Фарғона водийсидан топилаётган<sup>130</sup> тангаларнинг икохотирасига авлодлари томонидан) бостирилган бўлиб чиқади.

<sup>129</sup> «Хоқон» унвони билан зарб қилинган тангалар ўз хусусиятлари (иконографияси, тамға шакллари)га кўра, хоқонликнинг биринчи (*Ябгулик*) ва иккинчи (*Ябғу-хоқонлик*) палласи тангаларидан анча фарқ қилиб, хукмдор тасвириларининг аслиятдан анча узоклашгани ва тамғага кўшимча элементлар илова қилингани кўзга ташланадики, бу эса уларнинг «жабғу» ва «жабғу-хоқон» унвонли тангалардан кейин бостирилганини тасдиқлади. Бундан ташқари, Чоч воҳасида чиқарилган Фарбий Турк хоқонлиги тангалари орасида факат ўртаси тўртбурчак тешикли «хоқон» унвонли тангаларда Хитой таъсири кузатилиб, уларда хоқонликка хос тасвир ва тангалар учрамайди (*қаранг*: илова I, 15–16). 650- йилларнинг охирларида Фарбий хоқонлик ҳам Тан империясига қарам бўлиб колган паллаларда зарб қилингани эҳтимоли юкори бўлган бу тангалар тип ва миқдор жиҳатидан камчиликни ташкил этади. Бу эса хоқонликнинг ўз танга зарбида қисқа бир муддат хитой анъаналарига бўйсунганидан дарак беради.

<sup>130</sup> Хоқонликка хос тангалар категорига Фарғона водийси (Кува)дан топилган тангаларни ҳам кўшиш мумкин. Аҳамиятлиси шуки, Чоч тангаларидан фарқли ўларок, Кува тангаларидаги жумлалар турк-рун (*Av*) ва сүфд ёзувидаги (*Rv*) битилгандир Уларда ўрин олган хукмдор тасвирилари ва тамғаларнинг Чоч тангаларидаги тасвир ва тамғалар билан айнан ўхшашлиги хоқонликка тааллукли тангаларнинг водийда ҳам кенг муомалада бўлганини кўрсатади. Шунингдек, ушбу тангалардан бир гурухи

нографик жиҳати ҳам уларнинг хоқонликка алоқадор эканлигини кўрсатади<sup>131</sup>.

Чоч тангалари орасида Тун ябғу-хоқон тангаларига ўхшаш, бир томонида ёнма-ён турган қўшалоқ тасвир: бош кийимсиз, узун сочли ҳукмдор (жабғу) ва уч мугузли бош кийим кийган малика (хотун) тасвирлари акс эттирилган тангалар (*қаранг*: илова I, 3) ўзининг иконографик хусусиятлари билан диққатни жалб қилади. Маълумки, қадимги туркӣ давлатчилик анъаналарига кўра, ҳукмдорнинг аёли хотун унвонига эга бўлиб, давлат бошқарувида фаол иштирок этган ва саройда хоконлан кейинги макомла бўлган<sup>132</sup>.

Фарғона водийсида зарб килинган, деб ҳисоблаш имконини берадиган далиллар мавжуд. Чунончи, VII аср иккинчи чорагида водийда Ашина хонадонининг бир тармоғи ҳукм сурган бўлиб, VIII аср ўрталаригача зарб килинган хитой тақлиди ўргаси тўртбурчак тешикли Фарғона тангаларида хоқон унвони ва **Ҳ** шаклли тамға учрайди. Мазкур тамғалар Farbий хоконликнинг ҳокимият рамзи бўлганлиги эҳтимоли юкори. Чунки бундай тамғаларнинг яқин ўхшашлари Чоч ва Фарғона водийси туркӣ тангаларидан ташқари Tўxористоннинг айрим туркӣ тангаларидан ҳам учраши бундан далолат бермоқда (*қаранг*: Смирнова О.И. Сводный каталог... – С. 338–339; Баратова Л.С. К исторической интерпретации... – С. 41–43; Ртвеладзе Э.В. История и нумизматика... – С. 119; Babayar G. Köktürk Kağanlığı sikkeleri... – S. 43–44, 153–155).

<sup>131</sup> Тангалардаги ҳукмдор тасвирлари қадимги туркӣларга хос киёфададир (елкагача тушган узун соч, соқолсиз, кенг юмалоқ юз, бироз кисиқ кўз). Бу тасвирлар Farbий турк хоқонлари ҳақида келтирилган маълумотларга мос келади. Жумладан, 629 йилда Тун ябғу-хоконнинг хузурида бўлган хитой роҳиби Сюан Цзан хоқонни бош кийимсиз, узун соchlари елкасига тушиб турган ва яшил тўн кийган холатда тасвирлайди (*қаранг*: Тугушева Л.Ю. Уйгурская версия биографии Сюань-Цзана. – М., 1991. – С. 5–6).

<sup>132</sup> Тангаларда ҳукмдор (ябғу / хоқон) билан ёнма-ён малика (хотун) тасвирларининг акс этиши туркӣ давлатчилик тизимида аёллар тутган мавкеи билан боғлиқдир. Шунингдек, тангалар иконографиясида диққатни тортадиган хусусиятлардан яна бири – қўшалоқ тасвирли тангалarda хотун уч мугузли (шохли) бош кийимида тасвирланишидир. Э.В. Ртвеладзе ва Л.С. Баратовалар фикрича, ушбу тасвирлар Марказий Осиёнинг бир қанча ҳудудларидан (асосан, Олтой, Мўғулестондан. – F. B.) топилган тош ҳайкал ва бошқа буюмларда ҳам учрайди (Ртвеладзе Э.В., Ртвеладзе Л.Л. Городище Ханабад // Древности Ташкента. – Т., 1976. – С. 26–27; Баратова Л.С. Византийско-согдийско-туркский симбиоз на монетах Средней Азии // Second International Congress on Turkic Civilization, Bishkek, October 4–6, 2004. – Bishkek 2005. – С. 418–419). Хусусан, Л.С. Баратованинг таъкидлашича, тангалардаги бу тасвир қадимги туркӣлар эътиқодига кўра болалар, жангчилар, ҳомиладорлик ва ҳосилдорлик ҳомийиси бўлган илоҳа Умай билан боғлиқдир. Ҳозирда ҳам Жанубий Сибир туркӣларида мавжуд бўлган ривоятга кўра, Умайнинг макони 60

Тангаларда аёл тасвири акс этишининг яна бир жиҳати, қадимги туркий давлатчилик анъанасида етакчи ўрин эгаллаган омил – давлат бошқарувида хотун мансуб бўлган ургунинг рамзийлаштирилишидир. Маълумки, Турк хоқонлигига хотунлар мансуб бўлган туркий ашида қабиласи вакиллари хоқонлик асосчиси – ашина қабиласи билан биргалиқда ҳокимият бошқарувида фаол иштирок этганлар<sup>133</sup>.

Тангаларда акс этган қадимги туркий давлатчилик анъаналаридан яна бири – Тун ябгу-хоқон тангаларининг бир гурухида чордана қуриб ўтирган хукмдор тасвири баъзи олимлар фикрича, қадимги туркларга хос бўлиб, санъатшуносликда бу тарз «турк (хукмдори) ўтириши» деб номланади<sup>134</sup>. Турк хоқонлиги таркибида бўлган Марказий Осиёнинг катта бир қисми (Жанубий Сибир, Мўғулистан, Шимолий Хитой, Шарқий Туркистон, Қозогистон) ва унга кўшни ҳудудлар (Шарқий Европа ва х. к.)дан тош хайкал балбаллар ва тошлар ҳамда сарой девор расмлари (Афросиёб, Панжикент)даги тасвирларнинг чордана қурган ҳолатдалиги бундан дарак беради<sup>135</sup>.

Хўш, ушбу тангалар аксариятининг Тошкент (Чоч) воҳасидан топилишининг боиси нимада? Фарбий турк хоқонларига таалуқли

---

Тоғли Олтойдаги уч чўққили Белуха тоғида жойлашган бўлиб, уч мугузли қалпок ушбу илоҳанинг рамзидир. Шунингдек, Жанубий Сибир туркий элатларидан бири бўлмиш телеутларда «Тароқдай бошли Май-эне (Умай-она)» ибораси учрайдики, ундан илоҳа Умайнинг уч мугузли тасаввур килинганини пайқаш мумкин (Osawa T. Güney Sibiry Türklerinde Doğumla İlgili Tanrıça Umay Üzerine Bir Görünüş // 38. Uluslar arası Tıp Tarihi Kongresi Bildiri Kitabı. – Ankara, 2005. – S. 1876). Хотуннинг Умайга менгзатилишини бошқа типдаги тангаларда учрайдиган тасвиirlар ҳам тасдиқлайди. Хусусан, Чоч тангалари орасида бири ўнг томонга қараб, бири тўғрига юзланиб ўтирган ҳолатда тасвирланган хукмдор ва малика (*Ay*) тасвиirlари мавжуд. Ушбу тангаларнинг орка томонида эса юкоридаги тангаларга ўхшаш тамға (*Rv*) жой олган (*қаранг*: илова I, 4). Мухими шундаки, тўғрига караган малика ҳам уч мугузли қалпоқ кийган бўлиб, ҳомиладор аёл тарзида тасвирланган. Бу эса унинг Умай шаклида тасаввур этилганига яна бир карра гувоҳлик беради.

<sup>133</sup> Торланбаева К. У. Дуальная организация... – С. 29–34.

<sup>134</sup> Esin E. Bağdaş ve Çökme, Türk töresinde iki oturş şeklinin kadim ikonografisi // STA, III. – İstanbul, 1970. – S. 238.

<sup>135</sup> Альбаум Л. И. Живопись Афрасиаба... С. 23; Moğolistan'daki Türk Anıtları Projesi Albümü – Album of the Turkish Monuments in Mongolia. Hazırlayanlar: O. F. Sertkaya, C. Alyılmaz, T. Battulga. – Ankara: TİKA, 2001. – S. 101, 145, 184; Досымбаева А. Батыс Тўрік қағанаты... – Б. 120–150.

тангаларнинг хоқонлик маркази бўлмиш Еттисув ҳудудидан эмас, айнан Чоч ҳудудидан топилиши қандай тарихий асосларга эга? Аввалио, мазкур тангаларнинг асосий қисми Тошкент воҳасининг илк ўрта асрларга тааллукли шаҳар ҳаробаларидан топилаётганлиги, бошқа регионларда эса бундай тангаларнинг оз миқдорда учраши, учраганда ҳам мутахассислар томонидан «келиб қолган тангалар» сифатида талқин қилиниши, уларнинг айнан Чочда зарб қилдирилганини тасдиқлади.

Агар хитой йилномалариға синчковлик билан назар ташланса, Фарбий хоқонлик бошқарув марказининг бир неча бор Чоч ҳудудига кўчирилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан, Истами ябгу хоқон 560-йилларда ғарбда, Эфталитларга қарашли ҳудудлардан биринчилардан бўлиб Чоч воҳасини қўлга киритади<sup>136</sup>. 605 йилда эса Фарбий турк хоқони Шегуй (611–617) Чочнинг маҳаллий ҳукмдорини ўлдириб, бу ерни улус (удел) сифатида тўғридан-тўғри ўз тасарруфиға олади ва бошқарувга хоқонликнинг ҳукмдор хонадонидан бўлмиш Тегин Тянчжи (*Теле Тянчжи*; 605–609)ни тайнилайди<sup>137</sup>. Шунингдек, хитой йилномаларида қайд этилишича, Фарбий турк хоқони Чуло (Чўра; 599–610) ўз давлати ҳудудида яна иккита «кичик хоқон» тайинлаб, улардан бирининг қароргоҳини *Ши-го* (луг. Чоч давлати)нинг шимолида таъсис қиласи ва бутун ўтроқ ҳукмдорликларни ушбу кичик хоқон воситасида бошқаради<sup>138</sup>.

Тун ябгу-хоқон (618–630) эса юқорида ҳам кўриб ўтилганидек, ўз ҳукмдорлигининг дастлабки йилларида ёқ қароргоҳини Чочнинг шимолидаги *Цянь-Цюань* (Минг-булоқ) мавзесига кўчиради. Шунингдек, яна бир хоқон Ашина Улуғ (Хэлу; 651–657) ўз қароргоҳини худди шу мавзега кўчиради<sup>139</sup>. Бундан ташқари, Фарбий хоқонлик ҳукмдорларидан яна бир неча нафари ўзаро таҳт талашувлар пайтида Чочга сингани маълум. Мисол тариқасида, хитой йилномаларида қайд этилган Элби Тулу (*Иби Дулу*; 638–642) хоқон 640- йиллар-

<sup>136</sup> Буряков Ю. К истории раннесредневекового Чача // О‘zbekiston tarixi, № 3, 2002. – С. 12.

<sup>137</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 313; Chavannes E. Documents sur les... – Р. 141.

<sup>138</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 279.

<sup>139</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 289; Taşağıl A. Gök-Türkler. II. – Ankara, 1999. – S. 71.

да Чочга қочиб, *Кохутун-чэн*<sup>140</sup> (Хотункат) шахрида паноҳ топгани воқеасини келтириб ўтиш мумкин<sup>141</sup>.

Араб географлари асарларида Шош (Чоч) воҳасида Жабгуват номли шаҳар борлиги ва бу ер қадимда Чоч хумдорларининг ҳарбий қароргоҳи бўлгани қайд этилади. Ушбу жой номининг, ҳам лугавий жиҳатдан «Жабгу шахри» маъносини билдиришига, ҳам пайдо бўлиш вақти VI–VII асрларга тўғри келишига асосланиб, кўпчилик тадқиқотчилар шаҳарнинг қароргоҳ сифатида айнан хоқонлик томонидан барпо қилинганини илгари суришади<sup>142</sup>. Шунингдек, араб географлари томонидан Жабгуваттага яқин Шошдаги шаҳарлардан бири сифатида қайд этилган Хотункатнинг барпо этилиши ҳам хоқонлик бошқарувига хос анъана билан бевосита боғлиқдир.

Демак, мазкур тарихий далиллар асосида Фарбий Турк хоқонлигининг ilk ва хос тангалари Чоч воҳасида зарб қилдирилган деб айтиш мумкин. Шу ўринда «нега Чоч воҳаси тангаларини хоқонликнинг хос тангалари» деб аташ керак, мазмундаги савол туғилади. Чоч тангаларидан бир кисмини «хоқонликнинг хос тангалари» деб аташнинг замирида хоқонлик даврида Амударё–Сирда-рё оралиғидаги воҳаларда бостирилган туркий тангалардан фарқли ҳолда<sup>143</sup>, уларда хоқонликка алоқадор конкрет ҳукмдор исмлари

<sup>140</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 288; Chavannes E. Documents sur les... – Р. 58. Бичурин ушбу шаҳар номини асл ҳолатида келтирмай, ўгириб «город Ханьша» тарзида берган. Бу эса О. И. Смирнова каби баъзи тадқиқотчиларни истисно килганда, аксарият тадқиқотчиларни мазкур шаҳар номининг Хотункат билан алоқадорлиги ҳақида фикр юритишларидан чалгитган (қар.: Смирнова О. И. Заметки о среднеазиатской титулатуре // ЭВ. Вып. 14. – М. -Л., 1961. – С. 65).

<sup>141</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 288; Chavannes E. Documents sur les... – Р. 58.

<sup>142</sup> Байтанаев Б. А. Вопросы локализации Нуджикета // Новые исследования по археологии Казахстана. Труды научно-практической конференции «Маргулановские чтения – 15». – Алматы, 2004. – С. 67–70, пр. 25.

<sup>143</sup> Фаргона, Самарқанд ва Тўхористоннинг туркий тангаларини «хоқонликка бевосита алоқадор тангалар» эмас, билвосита тангалар гурухига киритишнинг асосида уларнинг тўғридан-тўғри хоқонлар томонидан эмас, Ашина хонадонининг бошка тармоклари (Фаргона, Тўхористон) ёки ушбу хонадон билан қариндошлиқ ришталарини боғлаган сулолалар (Самарқанд) томонидан бостирилгани каби омиллар ётади (Бу ҳақда батафсилоқ қаранг: Бобоёров F. Илк ўрта асрлар тангаларида Ўзбекистон худудидаги давлатчиликка доир маълумотлар // Ўзбекистон тарихи манбашунослиги масалалари. – Т., 2010. – Б. 25–27, 29–31, 35–37).

(Тарду, Тун ябгу-хоқон) учраши, Ғарбий хоқонлик шаклланиш босқичларининг барча паллаларига хос унвонлар (*жабегу, жабегу-хоқон, хоқон*) кетма-кетлиги ва бу босқичларни маълум маънода ўзида акс эттирган тамгалар узвийлиги (ڦ - ڦ - ڦ) каби далиллар асосида ўз тасдигини топади.

Мазкур тангаларнинг аксарияти хоқонлик даврида воҳанинг энг иирик шаҳарлари (Қанқатепа, Хонобод ва б.) харобаларидан топиляётгани, уларнинг Чоч воҳасида зарб қилдирилганидан дарак бериши баробарида «хоқонликнинг айнан Чочда танга зарбини йўлга қўйишида қандай шарт-шароитлар роль ўйнаган бўлиши мумкин» мазмундаги саволни қўндаланг қўяди. Фикримизча, хоқонлар Чочни ўз тасарруфига олиб, воҳада кенг фаолият юрита бошлагач, бу ергаги танга-пул зарби анъанаси билан танишадилар ва ўз тангаларини бостира бошлайдилар<sup>144</sup>. Бу фикрни тасдиқлайдиган омиллардан яна

<sup>144</sup> Ғарбий Турк хоқонлиги тангалари масаласининг ҳал этилиши бир катор мунозарали фикрларнинг ўз ечимини топишига имконият яратди. Хусусан, Чоч, Фарғона, Суғд, Бухоро, Тўхористон, Кобул, Зобулистон, Гандхара воҳаларида хоқонликка тобе ҳукмдорлар томонидан зарб қилинган хоқон, хотун, ябгу, тегин, элтабар, тудун, тархон, тутуқ сингари сүғдий, бақтрий, паҳлавий ва браҳмий ёзувли тангалarda кўплаб туркий унвонлар учраши (Babayar G. Köktürk Kağanlığı sikkeleri... – S. 23–26, 30–32, 40–48) уларни хоқонликка бевосита ёки билвосита алокадор деб хисоблаш имконини берди. Улар орасида *жабегу, жабегу-хоқон* ва *хоқон* унвонли Чоч тангаларини, ҳам ушбу хоқонликнинг бош ҳукмдорлари номини ўзида акс эттирганлиги, ҳам хоқонликка хос ҳокимият рамзлари (олий унвонлар, «шоҳона сюжетлар», тамға шакллари ва х. к.)ни ўзига жо қилгани туфайли «хоқонликнинг хос тангалари» деб хисоблаш мумкин. Яъни улар хоқонликка бевосита алокадор тангалардир. Бу гурухга қадимги турк-рун ва сүғдий ёзувли «хоқон» унвонли Фарғона тангаларини (Смирнова О. И. Сводный каталог... – С. 58; Babayar G. Fergane bölgesinde bulunan Türk-Runik yazılı Köktürk sikkeleri üzerine // Dünden Bugüne İpek Yolu: Beklentiler ve Gerçekler. İstanbul, 2008. – S. 135–146) ҳам киритиш мумкин. Чунки уларнинг иконографик жиҳатлари ва тамға шакли Чоч воҳаси тангаларига жуда яқин. Туркий унвонли бошқа тангалар эса «хоқонликка билвосита алокадор тангалар»дир. Жумладан, кўшалоқ портретли (ҳукмдор ва малика) «жабгу», «Тун жабгу-хоқон» унвонли Чоч тангаларига ўхшаш кўшалоқ тасвири, фақат тамға шаклига кўра фарқланувчи сүғдий ёзувли Самарқанд («хотун» унвонли) (Смирнова О. И. Сводный каталог..., – С. 362–370) ва Тўхористон (Чагониён?), шунингдек, «Алл хоқон тутуқ» унвонли Ўтрор, «... *tk'up c 'cunk'*» («... Чоч тегини»), «... *tðwñt c 'cunk'*» («... Чоч тудуни») иборалари акс этган Чоч, «ябгу» унвонли Тўхористон ва «... Тегин-шоҳ» иборалари ўрин олган Кобул-Гандхара тангаларининг (нафақат туркий унвонларда зарб қилингани, балки аксариятининг иконографик жиҳатдан (ҳукмдор қиёфаси, соч шакли, тамға 64

бири эса Еттисувда танга зарби Чочга нисбатан анча кеч даврга, асосан, VII аср охири – VIII аср бошларига тўғри келишидир. Маълумки, Чочда танга зарб қилиш анъанаси милоднинг илк асрлари, асосан III–IV асрларга тегишли бўлиб, илк бор Қанғ давлати хукмдорлари томонидан танга зарб қилинган<sup>145</sup>. Бироқ Чоч воҳасининг Фарбий Турк хоқонлигига оид тангалари Қанғ даври тангаларидан бир катор хусусиятлари (иконографик ва палеографик жиҳатлари, ясалиш техникаси, вазн ва ҳажми)га кўра катта фарқ қиласди. Ташқи таъсирлар яққол кўзга ташланиб турадиган Қанғ тангаларидан фарқли ўлароқ хоқонлик тангалариларда қадимги туркий давлатчилик анъаналари кенг акс этган.

Нумизматик материаллар асосида Фарбий Турк хоқонлиги бошқарув тизимининг айрим жиҳатларига киска бир назар ташлаш шуни кўрсатадики, бу пайтда хоқонлик ўша даврнинг йирик салтанатлари бўлмиш кўшни Сосонийлар Эрони, Византия ва Хитой каби ўз танга-пул тизимиға эга бўлган. Демак, дастлаб кўчманчи мухитдан келиб чиққан Фарбий хоқонликни киска муддат ичida ўз бошқарувини ўтрок воҳаларга тадбиқ қилган давлат сифатида талқин қилиш мумкин.

Хуллас, ушбу сиёсий уюшма Буюк Турк хоқонлигининг таркибий – Фарбий қаноти бўлиб, давлат сифатида шаклланиш жараёнида Ябгулик (VI асрнинг 60- йиллари – шу асрнинг сўнггиchorаги) – Ябгу-хоқонлик (VII асрнинг боши – шу асрнинг 30 й. й.) – Хоқонлик (630- йиллардан то 740 йилгача) каби уч босқични босиб ўтган. Хоқонлигининг асосий қаноти Шарқий хоқонлик (яъни Шарқий Турк хоқонлиги)га 630- йилларда Хитойнинг Тан империяси томонидан барҳам берилгач, собиқ марказнинг меросхўри сифатида

---

ва турли рамзий белгилар) туркий характерда эканлиги уларнинг айнан Фарбий Турк хоқонлигига боғлиқ равишда бостирила бошлаганини кўрсатади. Яъни Фарбий хоқонликнинг бошқарув тизимиға хос мазкур унвонларнинг тангаларда акс этишини хоқонликка алоказор равишда пайдо бўлган туркий сулолалар фаолияти билан боғлаш учун асос бор. Бу эса хоқонликка хос бошқарув шаклининг нафакат марказий ҳокимиятда, балки унга тобе бошқарувларда ҳам тарқалганини яна бир карра тасдиқлади (*Қаранг. Göbl R. Dokumente zur Geschichte der Iranischen Hunnen in Baktrien und Indien. Band I. – Wiesbaden, 1967. – S. 140–141, 143, 167–168, 182, 192; Babayar G. Köktürk Kağanlığı sikkeleri... – S. 23–26, 30–32, 40–48*).

<sup>145</sup> Ртвеладзе Э. В. Древние и раннесредневековые монеты историко-культурных областей Узбекистана. Том 1. – Т., 2002. – С. 235–236.

*Хоқонлик* статусига эришган Ғарбий қанот, шу даврдан бошлаб том маънодаги мустақил давлат ҳолатини олган ва 657 йилгача том маънодаги мустақил давлат сифатида фаолият юритган, шу йилдан эътиборан то 740 йилгача Хитойнинг Тан сулоласига тобе ўлароқ ўз ҳокимиятини сақлаб қолган.

## 2. 2. 2. Хоқонликнинг юксалиш ва таназзул даврлари

Ғарбий Турк хоқонлиги 630- йилларга келиб алоҳида хоқонликка айлангач, то 657 йилгача мустақил давлат сифатида фаолият юритади. Қарийб 30 йиллик бир даврда уни хитой йилномаларидан аён бўлишича, *Моҳеду* (\*Баҳодур (630–631), *Сы Шеху кехан* (Сир ябғу-хоқон; 631–633), *Нишу Дулу* (\*Низук Дулу (633–634)), *Шаболо Хилиши* (\*Ишбара Хили Шер; 634–638), *Юйгу Дулу* (\*Юқуқ Дулу; 638–642), *И Кюйли Ши Би* (\*Эл Кулуг Шер Йелби; 640–641), *Иби Шаболо Шеху кехан* (\*Йелби Ишбара ябғу-хоқон; 641–642), *Иби Шегуй* (\*Йелби Шегуй; 642–649), *Ашина Ҳэлу* (\*Улуг; 651–657) каби хукмдорлар бошқаришади<sup>146</sup>.

Юқорида кўриб ўтилганидек, бунгача кечган 50 йилдан ортиқ даврда – 568–630 йиллар оралиғида Ғарбий қанот мақомида, яъни *Ябғулик* ва *Ябғу-хоқонлик* пайтида уни Истами ябғу (568–576), Тарду хоқон (576–583), Апа Турум (583–587), Нири (587–599), Чўра (603–611), Шегуй (611–618), Тун ябғу-хоқон (618–630) каби 7 нафар хукмдор бошқарган бўлиб, бу даврда Ғарбий Турк хоқонлиги сиёсий жиҳатдан асосан юксалиш даврини бошдан кечирди. Бу унинг йил сайин худудлари кенгайиб, Шимолий Кавказ, Қора денгиз бўйлари, Хурросон ва Шимолий Ҳиндистон худудларини ўз таркибига киритишида яққол кўзга ташланади. Истами ябғу (568–576) даврида бошланиб то Амударёгача этиб борган хоқонлик чегаралари у ва унинг ўғли Тарду (576–583) даврида гарбда Қора денгиз бўйларигача қадар чўзилади.

Бу йўналишдаги харакатлар, асосан, Шарқий Европага қочган, ашина туркларининг собиқ хужайнилари бўлмиш жуан-жуан (авар)ларни таъқиб этиш мақсадида ташкил қилинган бўлса-да, *хоқонликнинг* ўз иттифоқчиси Византияни уларнинг душмани

<sup>146</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 284–289; Кляшторный С. Г. Генеалогия и хронология западнотюркских... – С. 165–168.

хисобланувчи Аварларга ёрдам берганликда айблаб, Қора денгиз бўйидаги Херсон қалъасини босиб олиш билан яқунланади.

Шу ўринда хоқонлик қўшинларининг гарбда илк эгаллаган худуд – Волга ва Урол бўйларида илк пайдо бўлиш санаси хақида тадқиқотчилар икки хил фикр билдиришларини таъкидлаб ўтиш зуур. С. Г. Кляшторный бу воқеалар 558 йилда рўй берган, деб ҳисобласа<sup>147</sup>, С. Дестунис Византия тарихчиси Менандрнинг маълумотларига таяниб, Истами эфталитларни тор-мор қилгач, яни 563–565 йиллардан бошлаб аварларни таъқиб қила бошлади, деб ёзади<sup>148</sup>. А. Комарнинг фикрича, 558–561 йиллар орасида Шимолий Кавказда яшаган туркий *савир, берсил, утигуру, оногур* (ўн-ўғур) ва *огур* (ўғур) қабилаларини муваффақиятли равишда бўйсундирган аварлар 562 йилда бирданига бу худудлардан Дунайга силжишиади ва Карпат ҳавзасида ўзларига янги макон қидира бошлашадики, бу уларнинг тўсатдан Турк хоқонлиги хужумига дуч келишлари билан боғлиқдир. Шундан келиб чиқилса, хоқонлик қўшинларининг Шарқий Европада пайдо бўлиши 561 йилга тўғри келади<sup>149</sup>. Византия манбарида қайд этилишича, 568 йилда Волгабўйидаги *огур* (ўғур) қабиласи бошида «Истами номидан» тайнинланган ноиб турарди. Менандр ва Табарийнинг маълумотларидан аён бўлишича, Шимолий Кавказ ва Қора денгиз ҳавзаларининг хоқонлик томонидан эгалланиши 570/571 йилда ниҳоясига етади<sup>150</sup>. Бу пайтга келиб, Табарий асаридаги маълумотларга асосланилса, Шимолий Кавзодаги юқорида санаб ўтилган туркий қабилалардан ташқари, *алан, абхаз, баланжар* каби гайритуркий қабилалар ҳам хоқонликнинг кўл остига ўтган<sup>151</sup>.

576 йилда Истами ябғу вафот этгач, бошқарув унинг ўғли Тардунинг кўлига ўтди. Унинг сиёсий фаолиятини икки босқичга бўлиш мумкин: 1) Фарбий ўлкаларга қаратилган сиёсат – 576–583 йилларда хоқонлик қўшинлари икки йўналишда – бири жануби-гарбий

<sup>147</sup> Кляшторный С. Г., Савинов Д. Г. Степные империи Евразии. Изд. 2-я. – Санкт-Петербург, 2005. – С. 436.

<sup>148</sup> Комар А. Наследие тюркских каганатов... – С. 100.

<sup>149</sup> Комар А. Наследие тюркских каганатов... – С. 100.

<sup>150</sup> Феофилакт Симокатта. История ... – С. 624; Артамонов М. И. История Хазар... С. 156; Комар А. Наследие тюркских каганатов... – С. 101.

<sup>151</sup> Комар А. Наследие тюркских каганатов... – С. 101.

йўналиш бўйлаб, Амударёни кечиб ўтиб, Шимолий Афғонистон ва Хурносон худудларига уюштирган хужумлар; 2) Шарққа қаратилган сиёсат – 583 йилдан бошлаб то 603 йилгача унинг Шарқий хоқонлик тахти учун кураши ва ўзини иккала хоқонликни бирлаштирган хукмдор сифатида кўришга ҳаракат қилган даври.

576-йилда Истами ябунинг бошқа бир ўғли Турксанд (Туркшад)<sup>152</sup> Урол дарёси яқинида Византия элчиси Валентин билан кўришгандага элчига Византияниң икки юзли сиёсат юритаётганини айтиб, ўз норозилигини билдиради. Орадан кўп ўтмай эса у Кримга юриш қилиб, Византияниң бу ердаги мустамлакаси Босфорни бошиб олади. Ушбу истило арафасида Кримга яқин худудларда яшовчи эроний алланлар ва туркий қутриғур (тўқурғур / тўққиз ўғур) қабилалари хоқонликка бўйсунар эди<sup>153</sup>. Араб манбаларига қўра, туркларнинг истило ҳаракатлари Кавказдаги Абхазия, Бенжер ва Беленжерни ўз ичига олган эди<sup>154</sup>. Хоқонлик Византияга қарши қаратилган ушбу юришларини Византияниң Транскавказдаги мустамлакларидан бири бўлган Лазикага хужум уюштирган ҳолда давом эттиради. Тўғрироғи, бир томонлама олиб борилган ушбу иттифоқ ниҳоят 582 йилда бошланиб, 593 йилгача чўзилган хоқонлик ичидаги ички тартибсизликлар туфайли барҳам топди<sup>155</sup>.

589 йилда Хирот атрофида Сосонийлар лашкарбошиси Баҳром Чубин томонидан хоқонлик қўшинларининг мағлубиятга учратилиши натижасида бир вақтлар Турк хоқонлиги қўйл остига ўтган Хурносон ва Амударёнинг сўл қирғоғидан жануби-гарбдаги ерлар бир муддат қайтадан Эрон салтанати таркибиغا ўтди. Бироқ бу мағлубият хоқонликнинг Хурносон ва атрофидаги худудларга бўлган даъвосини тўхтатиб қўймади. Хусусан, хоқонлик ўз ички тартибсизликларига барҳам бергач, мазкур худудларга қайта-қайта хужум уюштира бошлияди.

588–589 йилларга келиб эса Византия жуда орзуманд бўлган хоқонлик билан эски иттифоқини қайта тикилашга эришди. Бироқ

<sup>152</sup> *Турксанд* – венгер олим Г. Немет фикрича, бу исмнинг асли Турк-шад бўлган (Golden P. B. Hazar Çalışmaları... – S. 49).

<sup>153</sup> Golden P. B. Hazar Çalışmaları... – S. 49.

<sup>154</sup> Golden P. B. Hazar Çalışmaları... – S. 49.

<sup>155</sup> Феофилакт Симокатта. История... – С. 285; Артамонов М. И. История Хазар... – С. 138; Гумилев Л. Н. Древние тюрки... – С. 107–108, 116–117.

591 йилда хоқонлик қўшинларининг Ҳирот атрофида Сосонийлардан енгилиши бу иттифоқнинг кучайишига ҳалақит берди. Афтидан ушбу мағлубиятдан кейин Турк хоқонлиги қайтадан ички муаммолар билан ўралашиб қолган кўринади. Чунки бу даврда хоқонлик – Византия иттифоқида бирор бир силжиш бўлганига доир маълумотлар учрамайди. Факат Византия манбаларида қайд этилишича, 598 йилга келиб, Константинополга ташриф буюрган бир турк элчиси император Маврикийга хоқонликнинг ички тартибсизликлардан батомом қутулгани ҳақида хабар беради<sup>156</sup>.

Истами ва Тарду даврида давом эттирилган янги ўлкаларни босиб олиш сиёсати орадан 10 йилдан кўпроқ вақт ўтгач, Шегуй (611–618) ва Тун ябгу-хоқон (618–630) ҳукмдорликлари даврида яна қайтадан жонланади. Улардан олдин ҳукмронлик қилган Апа Турум (583–587), Нири (587–599) ва Чўра (603–611) хоқонлар даврида бу сиёсат давом эттирилганига доир маълумот кам. Факат юқорида келтириб ўтилган турк элчиларининг Византияга 598 йилги ташрифи бундан истисно. Бу элчилик Шаркий Турк хоқонлигига тахтга ўтириб, ўзини хоқонликнинг ҳар иккала қанотининг «буюк хоқони» деб эълон қилган Тардунинг ташабbusи эди.

Истамининг эмас, унинг оғаси Буминнинг авлодидан бўлган мазкур учала ҳукмдордан кейин Ғарбий қанот бошқаруви 611 йилдан бошлаб яна Истами авлодлари (Шегуй ва Тун ябгу-хоқон) қўлига ўтгач, хоқонлик қўшинлари Эронга қайтадан хужум уюштира бошлайди. Бу ҳужумлар асосан Амударё ва Каспий денгизининг жануби-шарқий ўёналишлари орқали амалга оширилади. Чунончи, 616 йилда Чембуху бошчилигидаги турк қўшинларининг Исфаҳон ва Рай шаҳарларини босиб олгани арман манбаларида қайд этилади<sup>157</sup>. Шегуй томонидан ғарб ва жанубга ёйилиш сиёсати яна давом эттирилгани «Тан шу»даги ушбу маълумотда ўз ифодасини топган:

«Шегуй хоқон Да-ту (Тарду) хоқоннинг кичик ўғли эди<sup>158</sup>. Ҳокимият

<sup>156</sup> Golden P. B. Hazar Çalışmaları... – S. 50.

<sup>157</sup> Harmatta J., Litvinsky B. A. Toharistan and Gandhara... – P. 369.

<sup>158</sup> Аслида Шегуй Тардунинг невараси бўлиши керак. Чунки айни йилномада «Шегуй Тулунинг ўғли, Дату (Тарду)нинг неварасидир. Наслдан-наслга у мансуб бўлган хонадон аъзолари хоқон увонини олдилар ва Ғарбий қисмни бошқардилар. Энди бўлса, эшишишимча у ҳокимиятни қўлдан бой бериб, Чуло хоқонга бўйсунибди»

тепасига чиккач, худудларини кенгайтирган илк ҳукмдор у бўлди. Шарқда Киншан (Олтой)гача юриш килди. Ғарбда дентизгача (Каспийгача (?)) сафар ўюштириди. *Юймынъ* (Дунхуан)нинг ғарбидаги турли ҳукмдорликларнинг барчаси унинг ҳокимиятига тобе бўлди. Шу сабабли у Шимол турклари-нинг ракибига айланди. Қароргоҳини *Гүйцзи* (Кучан)нинг шимолида *Шанми* тоғида курди. Кейин вафот этди. Ўрнига иниси *Тун шеху-кеҳан* (Тун ябғу-хоқон) ўтириди<sup>159</sup>.

Тун ябғу-хоқон 618 йилда Еттисувда, ўша пайтда Ғарбий қанотнинг маркази бўлган Суяб шаҳрида таҳтга ўтиради. «Тан шу» йилномасида қайд этилишича, у дастлабки фаолиятини хоқонликнинг бошқарув тизимида ислоҳатлар ўтказиш билан бошлаб, бошқарув марказини Чоч воҳасининг шимолидаги Минг-булоқ мавзесига кўчиради ва бу ердан туриб, Ғарбий ўлкалар устидан назоратни кучайтиради<sup>160</sup>. Чочнинг ўзига хос хусусиятларини назарда тутган шекилли, хитой йилномаларида таъкидланишича, у бу ердан туриб ўз қўл остидаги катта-кичик ҳукмдорликлар бошқарувчиларининг ҳар бирига элтабар унвонини тақдим этади ва уларни назорат қилиш учун бирор *тудун* юборади. Бинобарин, элтабар унвони Турк хоқонлигига юкори даражали унвонлардан бири бўлиб, маъноси «элни, давлатни тутиб шаклида маълумот учрайди (*Қаране*: Chavannes E. Documents sur les... – Р. 17; Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 281).

<sup>159</sup> Chavannes E. Documents sur les... – Р. 23–24; Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 283; Taşağıl A. Gök-Türkler. I, 2. Baskı. – Ankara, 2003. – S. 92.

<sup>160</sup> Унинг ўз қароргоҳини Чоч воҳасига кўчиришдан мақсади ҳар ҳолда воҳанинг стратегик жиҳатдан муҳим бир ерда жойлашгани билан боғлиқ бўлса керак. Чунончи, илк ўрга асрларда Чоч нафқат бугунги Тошкент воҳасини ўз ичига олар, балки унинг худуди шимоли-шарқда Тарозгача, шимоли-ғарбда эса Тарбанд (Ўтрор/Фороб) худудини камраган бир ўлка ўлароқ, жўғрофий жойлашувига кўра Марказий Осиёнинг шимоли-шарқидаги кўчманчи-чорвадор элатлар билан минтақанинг жануби-ғарбидаги ўтрок-дехқон халклар орасида сиёсий-маданий ва тижорий алоқалар учун кўприк эди. Айниқса, бу худуднинг хоқонлик таркибиға кириб, воҳада тижорий ҳаёт гуркираб ўса бошлиши хоқонларнинг эътиборини тортмасдан қолмасди. Чоч воҳасида қароргоҳ куриш – бу, ҳам кўчманчилар устидан, ҳам ўтрок воҳалар устидан назоратни янада қулайлаштиришда қўл келарди. Дарвоқе, Чочнинг ўзига хос хусусиятлари ундан олдин ўтган ҳукмдорларнинг ҳам назаридан четда қолмаган, уларнинг бўйруғи билан воҳанинг маркази Бинкент (ҳозирги Тошкент) шахрининг яқингинасида Жабгуват номли шаҳар кад кўтарган, ҳатто Чўра хокон (599–610) ўз ҳукмронлиги даврида ташкил этилган иккита «кичик хоқонлик»дан бирининг маркази ғарбда, Чочнинг шимолидаги Минг-булоқ мавзесида барпо этилган эди.

турувчи», тудун унвони эса хоқонликнинг бошқарув тизимиға хос унвонлардан бири сифатида «бўйсундирилган ўлкалардан солик ийғиши ташкил қилувчи ва маҳаллий ҳукмдор устидан назорат қилувчи», яъни ноиб маъносида эди. Демак, тобе ҳукмдорларга, ҳам юқори унвон бериш, ҳам улар устидан бирор назоратчи тайинлаш каби ислоҳатларни амалга ошириш орқали у вассаллар устидан ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш ниятида бўлган.

Тун ябғу-хоқон ҳукмронлиги даврида хоқонлик ҳудуди ғарбда Шимолий Кавказдан янада ғарброқдаги ўлкаларга, жануби-ғарбда эса Хуросон ва Кобулгача кенгаяди. Бу ҳақда «Тан шу» йилномасида қуидагича маълумотлар акс этган:

«Тун ябғу-хоқон мард ва уддабурон киши эди. Бирор жангта киришса, қисқа вақтда ғалаба қозонарди. Мухораба ва ҳужумда тенгсиз бўлиб, бундай маҳорати соясида *tele* (40 дан ортиқ туркий қабилаларни ўз ичига олган) иттифокини ўзига боғлади. Ғарбда *Bo-si* (Форс/Эрон) ва *Гибин* (Каписа/Шимолий Ҳиндистон)ни бўйин эгдирди. Юз мингларча аскари бор эди»<sup>161</sup>.

Ғарбий Турк хоқонлигининг янги ўлкаларни қўлга киритишига бўлган интилиши Кавказ бўйлаб яна давом эттирила бошлайди. Бу вақтда Албания (Озарбайжон) ва Арманистон Сосонийлар қўл остидаги маҳаллий сулолалар томонидан бошқарилаётган эди. Сосонийларга қарши эски иттифоқчилар бўлмиш Византия ва хоқонлик алоқалари Тун ябғу-хоқон даврига келиб яна жонлана бошлайди. «Агван тарихи» асаридан маълум бўлишича, 626 йилда Византия императори Ираклий Сосонийларга қарши иттифоқни янада кучайтириш мақсадида Андрей бошчилигига туркларга навбатдаги элчилик ҳайъати юборади. Андрей Ғарбий турк хоқони Жебу-хоқон<sup>162</sup> (яъни

<sup>161</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 283; Chavannes E. Çin yilliklarına göre... – S. 52, 84–85.

<sup>162</sup> Жебу-хоқон – аслида, Жабғу-хоқон. Мазкур ҳукмдорнинг кимлиги масаласида тадқиқотчилар орасида якдиллик йўқ. Баъзи тадқиқотчилар ўша пайтда Тбилиссига ҳужум килган туркий кўшинлар Ғарбий Турк хоқонлигининг эмас, Хазар хоқонлиги (630–969) жангчилари эди, Жабғу-хоқон эса Хазар ҳукмдори бўлган деб ҳисоблашса, айрим олимлар уни Тун ябғу-хоқоннинг укаси бўлган деб билишади (Гумилев Л. Н. Кадимги турклар... – Б. 221). Гарчи византия ва арман манбаларда Жабғу-хоқон гоҳ Хазар ҳукмдори сифатида таърифланиб, гоҳ Шимол ҳукмдори билан боғлик маълумотлар баъзан чалкаштирилган ҳолда учраса ҳам, улар мазмунидан «Шимол ҳукмдори» деганда бош турк хоқони тушунилгани, «Жабғу-хоқон» эса Ғарбий турк

Тун ябгу-хоқон) билан учрашиб, унинг розилигини олгач, 1000 га яқин турк жангчи билан биргаликда орқага қайтган Византия элчилик ҳайъати йўл-йўлакай олдиларидан чиқкан хавф-хатарни мазкур жангчилар ёрдамида бартараф этиб, Дарбанд орқали Кура дарёсига етиб келгач, бу ердан денгиз йўли билан император хузурига етиб оладилар<sup>163</sup>. Византияning ушбу элчилик ҳайъатига қўшиб юборилган кишилар сонининг бу даражада қўп бўлиши хоқонлик учун ҳам мазкур иттифоқ муҳим бўлганидан дарак беради. Бундан ташқари, «1000 кишидан иборат жангчи»ning ҳаммаси ҳарбий бўлмай, уларнинг бир қисми тужжорлар бўлиши ҳам мумкин. Чунки ҳар бир элчилик миссияси билан биргаликда, қўп ҳолларда тижорат карвонларининг бирга қўшиб юборилганига доир маълумотлар талай.

Византия манбаларида қайд этилишича, император қўшинлари билан биргаликда Эронга қарши жанг қилиш учун 626 йилда «Шимол хоқони» ўз жияни Шад<sup>164</sup> бошчилигида қўшин юборади. Шад дастлаб Сосонийларнинг Шимолий Кавказдаги таянчи Дарбандни эгаллаб, сўнгра Кавказ Албанияси (Озарбайжон)га бостириб киради. Шад бошчилигидағи қўшинлар Кавказдан катта ўлжалар билан қайтиши, шунингдек, Сосонийлар шаҳоншоҳининг жиддий ҳарбий хукмдори эканлиги пайкалади. Бундан ташқари, Тбилиси атрофида император Ираклий билан Жебу-хоқон учрашуви пайтида императорнинг унга олий хукмдор сифатида илтифот кўрсатиши, ўз кизини беришга вაъда бериши каби маълумотлар ҳам унинг Хазар хукмдори ёки Фарбий хоқонлиқдаги иккинчи даражали шахс эмаслигини кўрсатади. Фикримизча, ушбу манбаларда Турк хоқонлиги ва Хазарлар гуё битта давлат сифатида талқин килиниб, воқеалар чалкаштириб юборилган ва бу кейинги тадқиқотларида ҳам мунозарали фикрларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Шу ўринда яна бир далил шуки, агар Ираклийга ёрдамга келган Жебу-хоқоннинг 628 йилда ўз мамлакати ичкарисида рўй берган тартибсизликлар туфайли орқага қайтиб кетгани ва 630 йилда ўлдирилиши каби ҳолатлар назарда тутилса, ушбу хукмдорнинг Тун ябгу-хоқон билан алоқадорлиги масаласи янада ойдинлашади. Қолаверса, хитой ийлномаларида ҳам «Шимол хоқони» деганда доимо Шарқий Турк хоқонлиги тушунилиши, *Босы* (Форс/Эрон)га ҳужум қилиб, хукмдор *Кусэҳо* (Хусрав)ни ўлдирган Фарбий турк хоқони сифатида эса *Шеху-кеҳан* (Ябгу-хоқон) эслатилиши ва Тун ябгу-хоқоннинг ўлими 630- йилларда содир бўлгани ҳакида ийлномалардаги маълумотлар ҳам бу масалани аниқлашда ёрдам беради.

<sup>163</sup> Артамонов М. И. История Хазар... – С. 154–156; Гумилев Л. Н. Древние тюрки... – С. 184.

<sup>164</sup> Шад – аслида бу атама Турк хоқонлигида шаҳзодалар унвони. Хоқоннинг тегин деб аталадиган ўғил ва жиянлари ўз қўшинига эга бўлиб, бирор ўлканинг бошқарувига тайинланса шад деб атала бошларди.

тайёргарлик кўраётганини пайқаган Тун ябғу-хоқон форсларга қарши юришга қарор қиласди.

626 йилда Тбилисси яқинларида Ираклий Зиебил (Тун ябғу-хоқон) билан учрашади. Никофор ва Феофаннинг қайдларида ушбу учрашувнинг тафсилотлари шу тариқа баён қилинади: «*Зиебел ва ёнидагилар императорнинг олдида эгилиши (таъзим қилиши), император эса тожини ўз бошидан олиб, Зиебилнинг бошига қўйди*»<sup>165</sup>. Иттифоқчиларнинг шаҳарни олишга қаратилган дастлабки уриниши натижасиз тугайди. Шундан кейин ўлкасига қайтган Тун ябғу-хоқон 627 йилда яна катта қўшинга бошчилик қилган ҳолда Тбилисисига яқинлашади ва шиддатли жанглардан кейин шаҳар қўлга киритилади<sup>166</sup>. Хоқонлик жангчилари шаҳарни мудофаа қилган Ибер (гуржи) хукмдорини ва форс саркардасини асир олади. Бу муваффақиятларидан янада рухланиб кетган Тун ябғу-хоқон, Тбилисисидан чиқиб ўз пойтатхига қайтар экан, бу ерда ўғли Шадни қолдиради ва унга Агвания, Арманистон каби Кавказ ўлкаларини тўлалигича забт қилишни тайинлайди.

628 йилда шаҳоншоҳ Хусрав Парвиз ўлдирилиб, Эрон тахтига мархум шаҳаншоҳнинг ўғли Шеруя ўтиради. Дарвоқе, Хусрав фожеаси билан боғлиқ воқеалар узоқ Хитойгача етиб борган бўлиб, йилномаларда бу ишнинг бошида турган шахс сифатида Ябғу-хоқон тилга олинади. Чунончи, хитой йилномаларида Ғарбий турк хукмдори *Шеху-кехан* (Ябғу-хоқон) *Босы* (Эрон)га бостириб кирганлиги ва хукмдор *Кусахо* (Хусрав)ни ўлдириб, ўрнига унинг ўғли *Шили* (Шеруя)ни тайинлагани ва бу ерга назорат қилиш учун ўз ноини юборгани, бироқ орадан кўп ўтмай Шеруя ўлгач, Эрон туркларга бўйсунишни хоҳламай унинг ўрнига Хусравнинг қизини тахтга ўтиргизилгани, турклар уни ҳам ўлдиришгани қайд этилади<sup>167</sup>. Бундан кўринадики, хоқонлик Сосонийларга Амударё йўналиши бўйлаб жануби-гарбдан хужум қилган ва Эрон ичкарисигача кириб бориб, ҳокимият ишларига аралашган ва ҳатто шаҳоншоҳларни ўзлари тайинлаган пайтлар ҳам бўлган.

Тун ябғу-хоқон томонидан Кавказдаги навбатдаги ўлкаларни ис-

<sup>165</sup> Артамонов М. И. История Хазар... – С. 155.

<sup>166</sup> Гумилев Л. Н. Древние тюрки... – С. 199.

<sup>167</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 326.

тило қилишга масъул қилинган ўғли Шад 629 йилда Агвания (Озарбайжон)ни эгаллайди. Хоқонликнинг Кавказда амалга оширган кейинги ҳарбий ҳатти-харакатлари Сосонийлар қўл остидаги Арманистонга қаратилади. 630 йилнинг баҳорида бошланган бу юришга лашкарбоши Чўрпон тархон бошчилик қиласди. Чўрпон тархон З минг кишилик қўшин билан Арманистонга хужум қилган чоғда, бу ерда 10 минг жангчидан иборат Сосонийлар қўшини бўлиб, уларга саркарда Гўнагн бошчилик қиласди. Кучлар тенг эмаслигини ҳис қилган Чўрпон тархон ҳарбий ҳийла ишлатиб, марказий осиёлик кўчманчиларга хос қадимий усулни қўллайди, яъни жанг вақтида гуё қўшиннинг бир қисмини қочгандай қилиб кўрсатади ва форсларни тузокқа туширади. Шу тариқа Кавказдаги Сосонийларга қарашли навбатдаги ўлка ҳам хоқонлик томонидан забт қилинади.

Хуллас, Фарбий Турк хоқонлигининг энг юксалган даври Тун ябғу-хоқон даври – 618–630 йилларга тўғри келиб, унинг ҳудуди гарбда то Кавказ ва Шимолий Қора денгизгача, жанубда эса Хурросон ва Шимолий Ҳиндистонгача чўзилади. Фақат 630- йилларга келиб хоқонлиқда ички курашлар авж олиб, янги ўлкаларни қўлга киритиш сиёсати барҳам топади. Хусусан, хитой йилномаларида қайд этилишича, Тун ябғу-хоқонни 630 йилда амакиси *Моҳеду* (Баҳодур) ўлдириб таҳтни эгаллайди. Таҳтга чиққач у ўзига *Кюйли Сиби ке-хан* (\*Кулуг Элби хоқон<sup>168</sup>) унвонини қабул қиласди<sup>169</sup>. Баҳодур хоқон ҳукмронлиги давомида Фарбий Турк хоқонлигининг марказий ҳудудларида том маънодаги ички тартибсизликлар бошланади. Хитой йилномаларининг гувоҳлик беришича, у зўрлик билан таҳтга чиққан бўлиб, халқ унинг ҳокимиятини осонликча тан олмайди. Амалдорлар эса унга итоат этишмайди<sup>170</sup>. Ҳар ҳолда бу ҳолат унинг Тун ябғу-хоқондек иқтидорли ҳукмдорни ўлдиришига норозиликнинг ифодаси эди.

Баҳодур хоқон ўзини «буюк хоқон» деб эълон қилиб, давлатни «кичик хоқонлик»ларга тақсимлаб бошқаришга харакат қиласди. Орадан кўп ўтмай, Баҳодур хоқоннинг бошқарувидан мамнун

<sup>168</sup> Кулуг Элби хоқон - хитой йилномаларида «машҳур, донгдор» маъносидаги кадимги туркча кулуг эпитети *цойли/кюйли* шаклида учрайди. Сиби сўзини баъзи тадқиқотчилар Сибир шаклида тиклашади.

<sup>169</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 284.

<sup>170</sup> Taşağlı A. Gök-Türkler. II... – S. 64.

бўлмаган *Te-le* қабилалари унга қарши исён кўтариб, мархум Тун ябғу-хоқоннинг ўғли *Сели Дэлэ* (\*Эл-тегин)нинг тарафини тутишади. Отаси ўлдирилгач, Баҳодур хоқон томонидан сиқувга олинган пайтда у Кан (Суғд)га қочган бўлиб, амакиси *Niiyu* (Незук) томонидан Еттисувга таклиф этилиб, «хоқон» деб эълон қилинган эди. Тахтга чиққац у *I-би [ша]-бо-ло Сы Ше-ху ке-хан* (\*Элби Ишбара Сир ябғу-хоқон)<sup>171</sup> деб атала бошлади.

Ҳокимиятдан воз кечмаган Баҳодур хоқон ва Сир ябғу-хоқон орасида бир неча маротаба жанг бўлиб ўтади. Нихоят мағлубиятга учраган Баҳодур хоқон Олтой тоғлари томонга қочади ва у ерда *Niiyu* (\*Низук) томонидан ўлдирилади. Рақибсиз қолган Сир ябғу-хоқонга давлат амалдорлари «буюк хоқон» унвонини тортиқ қилишади<sup>172</sup>. Хитой йилномаларида таъкидланишича, ҳалқ оммаси тез орада унинг ношуд бир одам эканини пайқаб қолади ва кўпчиликнинг кўнгли совийди. У ҳалқнинг хайриҳоҳлигидан айрилгач, саройни ташлаб қочади ва Суғдга, кейинчалик эса Тўхористонга сигинади<sup>173</sup>.

Шундан сўнг бир вақтлар Сир ябғу-хоқонни тахтга ўтқазган *Niiyu* (\*Незук) хоқонлик тахтига чиқади ва *Niiyu Дулу кехан* (\*Незук Дулу

<sup>171</sup> Тадқиқотчилар ушбу хоқон исмининг туркӣ шакли бўйича бир қатор фикрларни ўртага ташлашган. Жумладан, С. Г. Кляшторный уни Эль- билга Ишбара-ябғу-хоқон (Кляшторный С. Г. Генеалогия и хронология западнотюркских... – С. 166, 168), Ю. А. Зуев эса Йельби-[аш]пара Сир-ябғу-хоқон шаклида тиклайди (Зуев Ю. А. Ранние тюрки... – С. 182). Ҳар иккала тадқиқотчи мазкур ҳукмдор исмининг дастлабки қисми *I-би [ша]-бо-ло Сы* сўзини тиклашлари бир-биридан анча фарқ қилиб, уларни қабул килиш бирмунча мушкул. Айниқса, Кляшторнийнинг уни Эль- билга шаклида тиклаши анча исботталаб масала бўлиб, Зуев томонидан билдирилган таклиф бирмунча мантклирок. Бирок Зуевнинг хитой йилномаларида *ши-бо-ло* шаклида учрайдиган унвони Ашпара шаклида тиклашидан кўра кўпроқ, кўпчилик тадқиқотчилар томонидан қабул қилинган Ишбара вариантини келтирса тўғрирок бўларди. Унинг *I-би* сўзини Йельби шаклида тиклаши эса дикқатта сазовордорир. Тадқиқотчига кўра, Фарбий Турк хоқонлигининг бир қатор хоқон ва юкори лавозимли амалдорлари исмига кўшилиб келадиган ушбу сўз шомонлик билан алоқали атама бўлиб, якутлар ва олтойликларда сакланган *jelbir* атамаси шомонлар ёрдамчи руҳларни чақираётганда бажарадиган ритуаллар билан боғлиқdir (Зуев Ю. А. Ранние тюрки... – С. 181–182). Дарвоке, Фарбий турк хоқонлари томонидан Чочда зарб қилинган тангаларнинг битта типиси 'ургу (элпи/элби) атамаси учрайди (*қаранг*: илова VIII).

<sup>172</sup> Taşağıl A. Gök-Türkler. II... – S. 65.

<sup>173</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 284–285; Taşağıl A. Gök-Türkler. II... – S. 64.

хоқон; 633–634) унвонини олади. У қисқа муддатлик ҳукмронлиги даврида Хитойга яқинлашиш сиёсатини олиб боради<sup>174</sup>. Унинг вафотидан кейин иниси *Тунво Ше* (\*Тўнга-шад) хоқонлик тахтига ўтиради. Хитой йилномаларида *Шаболо Хилиши кехан* (\*Ишбара Эл Шер-хоқон)<sup>175</sup> шаклида қайд этилган мазкур ҳукмдор 634 йилда Нушиби қабилалари кўллаб-кувватлаши натижасида Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарувини қўлга киритади ва ҳукмронлигининг илк йиллариданоқ хоқонликнинг ҳарбий-маъмурий ҳолатини тиклашга уринади. Анъана бўйича хоқонликнинг марказий худудида яшовчи қабилаларни 10 та маъмурий бошқарувга тақсимлаб, улардан ҳар бирининг тепасига 1 нафардан *шад* унвонли бошлиқ тайинлайди<sup>176</sup>. Бу ҳақда «Тан шу» йилномасида қўйидаги маълумот жой олган:

«Хоқон ўз ўлкасини ўн қабилага бўлди. Ҳар қабиланинг тепасида бир донадан ўқ берилган бошқарувчи бор эди. (Ушбу ўн кишининг) номи «ўн шад» эди. Айни пайтда улар «Ўн ўқлар» деб аталарди. Ўнг ва сўл (кисмлар) га тақсимланган эди. Сўлда тепасида беш нафар улуғ ҷжсо (чўр) тайинланган беш Дулу қабиласи жой олганди. Улар *Суе-ше* (Суяб)нинг шарқида истиқомат қилишарди. Ўнгда эса тепасида беш нафар улуғ *секин* (эркин) атап-лувчи беш *Нушиби* қабиласи жойлашганди. *Суе-шенинг* ғарбида истиқомат қилишарди. Кейинчалик ҳар урукка бир ўқ номи берилди ва ушбу уруғ номи ўн хонадон номи билан бир хил бўлди»<sup>177</sup>.

Шу воқелардан кейин орадан кўп ўтмай Ғарбдаги қабилалар тўсатдан ҳаракатга кечиб, шаҳзода Юкуқ шадни *Иби Дулу-кехан* (\*Элби Дулу-хоқон) унвони билан тахтга ўтқазишиади. Айни вақтда *Нишу ше* (\*Низук-шад)нинг Ишбара Эл Шер-хоқонга қарши жанг бошлиши Ғарбий Турк хоқонлигига вазиятнинг таранглашувига

<sup>174</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 284–285.

<sup>175</sup> Мазкур хоқоннинг исмини баъзи тадқиқотчилар Ишбара Хилаш хоқон (Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности... – С. 408), баъзилар эса Ишбара Элтариш Шер хоқон шаклида тиклашади (Байпаков К. М. Западно-Тюркский и Тюргешский каганаты: тюроки и согдийцы, степ и города // Известия НАН РК. Средневековая археология. Серия общественных наук. №1, 2009. – С. 108).

<sup>176</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 286; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – S. 89.

<sup>177</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 286; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – S. 89.

олиб келади<sup>178</sup>. Маълумки, бир вақтлар мазкур шаҳзода Нушиби қабилалари томонидан хоқон эълон қилинганди. Нихоят, қабилалар тақсимоти бўйича Или дарёси чегара сифатида қабул қилинади. Или дарёсининг гарбидаги қабилалар Юқуқ Дулу-хоқон<sup>179</sup> қўл остига ўтади, шарқидагилар эса Ишбара Эл Шер-хоқон бошқарувида қолади.

«Тан шу» йилномасидан таъкидланишича, шу ондан эътиборан Фарбий Турк хоқонлиги икки қисмга бўлиниб кетгач, гарбий қисмнинг хукмдорига айланган Юқуқ Дулу-хоқон ўз қароргоҳини *Цзи-хе* төғининг гарбидаги қурдиради ва уни *Бэй тыхин* «Шимолий ўрда» деб номлайди<sup>180</sup>. Шу ерда туриб у шимолдаги *По-ма* (луг. «ола-чипор отлилар») ва *цигу / гиегу* (киргиз)ларни ўзига бўйсундиради ва ўзга қабилаларнинг *тутун* (тудун) ва *селифа* (элтабар)лари<sup>181</sup> билан яширинча келишиб, Ишбара Эл Шер-хоқонга қарши жангга тайёрлана бошлайди. Бундан хабар топган мазкур хоқон 639 йили *Боханна* (Фарғона)га кочади ва ўша ерда вафот этади.

639 йилда марҳум Ишбара Эл Шер-хоқоннинг қўл остидаги халқ унинг ўғлини *И кюй лиши Иби-кехан* (\*Эл кулуг Шер Элби-хоқон) унвони билан тахтга ўтқизишади. Орадан бир йил ўтгач, 640 йилда мазкур хоқон ҳам вафот этади. Нушибиларнинг беклари тахтга ўтқазиш учун Нишу (Гяна) шаднинг ўғли *Бихуду шэху* (Баходур? ябғу)ни кўллаб-куvvatлайдилар. 641 йилда у *Иби Шаболо Шэху-кехан* (\*Элби Ишбара Ябғу-хоқон) номи билан тахтга ўтиради<sup>182</sup>.

Хитой йилномаларида қайд этилишича, мазкур хоқон ўз қароргоҳини *Суй-хэ* (Чу) дарёсининг шимолида қуриб, унга *Нан тыхин* «Жанубий ўрда» деб ном беради. Бу ер шарқ томондан Или

<sup>178</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений... I. – С. 286; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – S. 89.

<sup>179</sup> *Иби Дулу* – ушбу хукмдорнинг исмини С.Г. Кляшторный Эл-Билга Турк хоқон шаклида тиклашга ҳаракат қиласи (Кляшторный С. Г. Генеалогия и хронология западнотюркских... – С. 166–167).

<sup>180</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений..., I. – С. 287; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – S. 90

<sup>181</sup> Мазкур маълумотни Н.Я. Бичурин Тутунъ Сийелифа шаклида келтирган (Бичурин Н.Я. Собрание сведений... I. – С. 287).

<sup>182</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений... I. – С. 287; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – S. 90.

дарёсига яқин әди<sup>183</sup>. Ўз ҳокимиятини кучайтирган мазкур хоқон Шарқий Туркистондаги Куча, *Шанишан* (Лобнорнинг жануби), *Цзюймо* (Хұттаннинг шарқы), *Тухоло* (Тұхористон), Қораشاҳр, *Ши* (Чоч), *Ши* (Кеш), *Хэ* (Күшония/Каттакүргон), *Му* (?)<sup>184</sup>, *Кан* (Сүғд)-ни бўйсундирганлиги хитой йилномаларида қайд этилади<sup>185</sup>.

Дастлабки вактларда Юқуқ Дулу-хоқон борган сари кучайиб бораётган Элби Ишбара Ябғу-хоқонга қарши ҳаракат олиб бормаган бўлса-да, кейинчалик ҳар иккала хоқон ўртасида бир неча бор самарасиз жанглар бўлиб ўтади. Нихоят Юқуқ Дулу-хоқон қўл остидаги *Ши-го тутун* (Чоч тудуни)ни унга қарши юборади. Чоч тудуни Элби Ишбара Ябғу-хоқонни тор-мор қилгач, хоқон ўлдирилади<sup>186</sup>. Унга қарашли ҳудудлар ҳам Юқуқ Дулу-хоқон қўл остига ўтади. Шарқда у *Хами* (Кумул)га босқинлар уюштиради, ғарбда эса Тұхористонга ҳужум қиласи<sup>187</sup>. Ҳар ҳолда у бу ҳаракатлари билан ўз ҳокимиятини тан олмаётган вассал ҳукмдорликларни тартибга чақиришни мақсад қилган кўринади.

Нушиби қабилалари Юқуқ Дулу-хоқонга қарши чиқа бошлайдилар. Натижада амалдорлар мархум Эл Кулуг Шер Элби-хоқоннинг ўғлини «Элби Шегүй-хоқон» унвони билан тахтга ўтқазишиади. Бу воқеалар асносида Юқуқ Дулу-хоқонга қарши Элби Шегүй *Байшуй-ху* (Исфижоб) шаҳрига Нушиби қабилалари бошчилигидаги ўз аскарларини жўнатади. Юқуқ Дулу-хоқон дастлаб жангда муваффақият қозониб, Нушибиларга катта талофат етказади. Шунга қарамай ўз қабиласи ёнига келиб, улар томонидан хоқон сифатида тан олинмаганини кўргач, Тұхористонга кетади.

Хитой йилномаларида *Иби Шегүй кехан* (\*Элби Шегүй-хоқон) шаклида учрайдиган мазкур ҳукмдор Юқуқ Дулу-хоқон сиёсий саҳнадан чекингач, Ғарбий Турк хоқонлигининг марказий ҳудудида якка ўзи хоқон бўлиб қолади. У ўз фаолияти давомида Хитой билан яқин алоқа ўрнатади. Элби Шегүй-хоқон Хитой саройига элчи

<sup>183</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 287; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – S. 90.

<sup>184</sup> *Му* – Марв?, эҳтимол, *Ми* – Маймурғ.

<sup>185</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 287; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – S. 90.

<sup>186</sup> Taşaǵıl A. Gök-Türkler. II... – S. 67.

<sup>187</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 287.

юбориб, хитойлик маликалардан бирига уйланиш истагини билдиради. Хитой йилномаларида қайд этилишича, император Тай цзун унинг хохишига рози бўлиш учун Шарқий Туркистондаги Куча, Хўтан, Суле (Кошғар), Чжусүзюйбо (Ёркенднинг жануби) ва Цунлин (Сарикўл/Помир) каби 5 хукмдорликнинг Ғарбий Турк хоқонлиги қарамоғидан чиқиб, тўй ҳадяси ўлароқ Хитойга бўйсуниши кераклигини таъкидлайди<sup>188</sup>. Ушбу маълумотдан кўринадики, гарчи Хитой Шарқий Туркистондаги воҳа хукмдорликларини қўлга киритиш учун 640 йилдаёқ фаол ҳаракатга кечган бўлса ҳам, хоқонликнинг мазкур хукмдорликлар устидаги мавқеи ҳамон сақланиб қолган эди.

Бироқ ушбу никоҳ амалга ошмай қолади. Боиси, айни шу воеалар жараёнида Талас дарёси ҳавзасидаги қабилаларни бошқариб турган Ашина Хэлу 649 йилда исён қўтаради ва хоқонликдаги бутун ҳокимиятни қўлга киритади<sup>189</sup>. У 651–657 йиллар мобайнида Ғарбий Турк хоқонлигининг бош хукмдори бўлади. Бу йиллар хоқонлик яна ўзининг аввалги мавқенини тиклашга ҳаракат қилган давр сифатида билинади. 650 йилдан бошлаб, ҳали хоқон бўлмасдан туриб, Тан империясига қарши кураш бошлаган Ашина Хэлу бош хукмдор бўлгач, хоқонликнинг аввалги мавқенини қайта тиклаш ва Хитой қўл остига ўтган ҳудудларни қайтариб олиш тараддудига тушади<sup>190</sup>. Йилномларда таъкидланишича, қароргоҳини Цюан-циян (Минг-булоқ)га кўчирган Ашина Хэлу «Ўн Ўқ» қабилаларининг барчасини ўз қўл остида тўплашга муваффақ бўлади ва жанговар қўшинининг сони бир неча юз мингдан ошади. У бошчилик қилган қўшинлар бир вақтлар хоқонликка қарашли бўлган, эндиликда эса Тан империясинг қўл остида бўлиб, Тин-чжоу деб номланаётган Турфон ва Гучен ўлкаларига кириб борадилар<sup>191</sup>. «Тан шу» йилномасида қайд этилишича, у Хитой қўл остидаги Кин-линг (Гучен ва Баркўл орасидаги вилоят), *Пу-лей* (Баркўл) ўлкаларини қўлга киритади<sup>192</sup>.

<sup>188</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 288.

<sup>189</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 288; Chavannes E. Çin yilliklarina göre... – S. 92.

<sup>190</sup> Малявкин А. Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. – Новосибирск, 1989. – С. 102.

<sup>191</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 289; Chavannes E. Çin yilliklarina göre... – S. 94.

<sup>192</sup> Chavannes E. Çin yilliklarina göre... – S. 96.

Ашина Хэлунинг муваффакиятларидан ташвишга тушган Тан империяси унга қарши кенг кўламда ҳаракатга кечиб, бир неча лашкарбошига гарбга юриш учун буйруқ беради. Шунингдек, Ашина Хэлуни тор-мор қилиш учун бир неча туркий қабилалар билан биргалиқда Хитой саройига сифинган хоқонлик хонадонига мансуб шаҳзодалар, жумладан, Ашина Мишэ ва Ашина Бучжен Хитой қўшинига жалб қилиниб, уларга юқори лавозим ва унвонлар берилган ҳолда лашкарбоши сифатида қўшинга бош қилиб юбориладилар<sup>193</sup>.

657 йилда хитой лашкарбошиси Су Дин-фанъ Ашина Хэлуни тор-мор қилиш учун сафарга чиқади. Унинг қароргоҳи бўлган Мингбулоққа етиб келган хитой қўшинлари бир қатор жанглардан сўнг хоқонни Суяб дарёси бўйида мағлубияттага учратади. Хоқон ва унинг ўғли Шиён Чоч хукмдори Шунеу Ше (шад)нинг ҳузурига қочиб, у ердаги Суду (Уштуркат?) шаҳрига бекинадилар. Бу ернинг ҳокими Инал тархон (хит. Инье даган) уларни тутиб, хитой қўшинларига топширади<sup>194</sup>. Чанъянга олиб келинган хоқон 1 йилдан кейин 658 йилда вафот этади.

Ашина Хэлунинг тор-мор этилишидан сўнг Тан империяси Фарбий Турк хоқонлигидаги мавжуд анъаналардан келиб чиқиб «янги маъмурий тақсимот»ларни жорий қиласди. Хоқонлик худудида уч умумий ҳарбий волийлик (протекторат) таъсис қилинади: 1) Шарқий Туркистонни ҳам ўз ичига олувчи Гунь-лин волийлиги; 2) Тангритоф (Тяншан) тоғларининг шимолидаги кенг минтақани ўз ичига олувчи Менг-чи волийлиги; 3) Тангритофнинг фарбидаги ўлкалар, яъни Боси (Эрон)гача бўлган ҳудудни ўз ичига олган Ань-си волийлиги. Шу ўринда ушбу маълумотдан Фарбий Турк хоқонлиги мустақил давлат сифатида барҳам топиш арафасида – 657 йилда ҳам Эронгача бўлган ҳудудда ўз ҳукмронлигини сақлаб қолгани аён бўлади.

Ушбу воқеликлардан кейинги ўнийлликларда ҳам Фарбий хоқонлик мустақил бир давлат мақомида бўлмаса-да, Тан империясига қарам давлат сифатида мавжуд бўлади. Хусусан, хитой манбалиридан маълум бўлишича, Тан императорлари «Ўн Ўқ» бошқаруви тартибини бузмасдан, беш Нушиби қабиласининг бошига ўзларига тобе Ашина Бужчен (657–667)ни хоқон сифатида тайинлаб,

<sup>193</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 291.

<sup>194</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 292.

қароргохи Суябда бўлган Менг-чи<sup>195</sup> гарнizonини таъсис қилади, беш Дулу қабиласининг бошига Истами (Шидянми) хоқоннинг бешинчи бугин авлоди бўлмиш Ашина Мише (657–662)ни хоқон сифатида тайинлаб, қароргохи Таласда бўлган Гуньлин гарнizonи ташкил қилади (*қаранғ*: илова III). Аслида, уларнинг иккаласи ҳам Тан императорлари тайинлаган «қўғирчоқ хоқонлар» бўлиб, айни пайтда мазкур гарнizonларнинг ҳарбий волийси эдилар<sup>196</sup>.

Айни шу йиллардан то 740- йилларгача Фарбий хоқонликда бир неча нафар Хитойга бўйсунувчи хоқонлар ҳукм сурадилар. Мазкур қўғирчоқ хоқонларнинг ичida Хитойга карши чиқиб, мустақиллик ҳаракатида бўлганлар ҳам топилган. Шу боис бўлса керак, гарчи Тан императорлари томонидан тайинланган бўлса-да, Ашина Мишэ (662), Ашина Юаньцзин (690-й. й.) қабилар турли баҳоналар билан Хитой томонидан ҳибсга олинади<sup>197</sup>.

Бу даврда Хитойдаги Тан сулоласи императорлари каби Тибет ҳукмдорлари ҳам Фарбий ўлкаларда ўз ҳокимиятини ўрнатиш учун бу ерларда таъсир доираси юқори бўлган ашина қабиласидан фойдаланишга ҳаракат қилади<sup>198</sup>. Жумладан, ўзини «Ўн Ўқ хоқони» деб эълон қилиб, Хитойнинг Ань-си ҳарбий волийлигига ҳужум уюштира бошлаган Ашина Тучжи хоқонни<sup>199</sup> (671–679) қўллаб-кувватлаган Тибет у билан иттифоқ тузади<sup>200</sup>. 693 йилда эса Хитойда маҳбусликда туғилган, юқорида Фарбий турк хоқони сифатида эслатиб ўтилган Ашина Юаньцзиннинг ўғли Ашина Туйцзи ўзини хоқон деб эълон қилиб, Тан империяси қўшинларига қарши ҳужумлар уюштира бошлагач, тибетликлар уни қўллаб-кувватлай бошлайди. Бироқ хоқонлик ва Тибетнинг бирлашган қўшинлари 694 йилда хитой қўшинларидан енгилади<sup>201</sup>. Хитойликлар унинг ўрнига 690- йилларнинг охирла-

<sup>195</sup> Бичуринда Хаочжи (Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 292).

<sup>196</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 292–293; Taşgil, 1999:97; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi’ne göre ... – S. 111.

<sup>197</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 294–295; Малявкин А. Г. История Восточного Туркестана... – С. 320–321.

<sup>198</sup> Малявкин А. Г. История Восточного Туркестана... – С. 321.

<sup>199</sup> Ушбу хоқоннинг исмини Н. Я. Бичурин Суйцзы шаклида берган (Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 295).

<sup>200</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 294.

<sup>201</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 295; Малявкин А. Г. История Восточного Туркестана... – С. 321.

рида Ашина Хусэло (Хусрав<sup>202</sup>)ни, кейинчалик Ашина Хуайдаони «қўғирчоқ хоқон» сифатида тайинлайдилар<sup>203</sup>.

Ушбу воқеалардан сўнг Ашина Туйцзи Хитойдан нисбатан узокроқ худудларга чекинган шекилли, унинг кейинги фаолияти Фарғонада давом этганига гувоҳ бўламиз. Хусусан, «Тан шу» йилномасидаги Ашина Туйцзининг фаолиятига бағишлиган қисмида унинг 694 йилда тибетликлар билан биргаликда мағлубиятга учратилгани зикр этилади. Ушбу йилноманинг хитой лашкарбошиси Кую Юан-ченга бағишлиган қисмида Туйцзи Фарғонага уюштирилган Тан қўшинлари ҳужумига қарши ҳарбий ҳаракатларнинг бошида турган шахс сифатида таърифланади. Жумладан, ушбу воқеалар баённида 690- йилларнинг охирларида лашкарбоши Кую Киен-куан Фарғонага ҳужум уюштириш хақида буйруқ олиб, бу ерни талонтарож қила бошлагач, фарғоналиклар Туйцзини бошлиқ сифатида танлаб, унинг раҳбарлигига хитойликларга қарши курашганлиги тасвирланади<sup>204</sup>. Бундан ташқари, у фарғоналиклар<sup>205</sup> ва Тибетнинг дастаги билан Шаркий Туркистон ва Еттисувдаги Хитойга қарашли «Тўрт гарнizon»ни қўлга киритишга қаратилган ҳаракатларга бошлиқ қилади.

Ашина Туйцзи хоқон Фарғонага чекингач, Фарбий Турк

<sup>202</sup> Хусэло – Ю.А. Зуевга кўра, ушбу исмни эроний Хусрав исми тенглаштириш мумкин (Зуев Ю.А. Ранние тюрки... – С. 148).

<sup>203</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений... I. – С. 295.

<sup>204</sup> Chavannes E. Çin yilliklarina göre... – S. 246–247.

<sup>205</sup> Тибет манбаларида туркийлар билан алоқали равишда *Другу ўул* (луг. «Турклар мамлакати» - Туркистон) топоними ишлатилиб, тадқиқотчилар ушбу атама остида бутун Фарбий Турк хоқонлиги худуди, баъзан Тўхористон ва Гандхарани, яъни Шимоли-Фарбий Ҳиндистонни ҳам ўз ичига олган худуд тушунилган, деб талқин қиласидилар (Uray G. The Old Tibetan sources... – Р. 281). Тибетча маълумотларни таҳлил қиласан Л. Петеч 700 йилги воқеалар муносабати билан тилга олинган *Другу ўул* атамаси остида эса айнан Фарғона назарда тутилган, деган хulosага келади. Унинг фикрича, Фарғонада туриб, хитойликларга қарши курашга бошлиқ қиласан Ашина Туйцзи тибет манбаларида Ton ya-bgo khagan (Тўн ябгу-хоқон) шаклида кайд этилган шахс билан бир бўлиб, у 694–695 йиллар ва 699–700 йилларнинг кишида Тибет хукмдорига ўз эҳтиромини билдириб турган ва 700 йилда *Другу ўулга* юборилган. Бир қатор тадқиқотчиларга кўра, Ашина Туйцзи – Тун ябгу-хоқон 700 йилдан бошлаб Фарғонада қисқа муддат хукмдорлик юритган (Uray G. The Old Tibetan sources... – Р. 281). Демак, ушбу хукмдор Фарбий Турк хоқонлиги тарихида Тун ябгу-хоқон исмли иккинчи киши бўлиб, уни II Тун ябгу-хоқон деб аташ мумкин.

хоқонлигига Хитойга қарши кучлар Тибет ёрдамида ўз мустақиллиги учун курашади. Хусусан, хитой йилномаларида ўzlари ҳақида жуда кам маълумот сақланиб қолган Ашина Пуло (Бўғра) ва Бабу сингари яна икки нафар Фарбий турк бошқарувчиларининг Тибетдан дастак олгани маълум<sup>206</sup>. Ҳар ҳолда, улар ҳам Хитойга қарши курашиш учун Тибет билан яқинлашиш йўлини туттган бўлса керак.

690- йилларнинг охириларига келиб, хитойликлар томонидан Фарбий Турк хоқони этиб тайинланган ва номигагина хукмдорлик юритаётган *Хусэло* (\*Хусрав) хоқон 699 йилда ўз хизматидаги лашкарбошиси бўлмиш *бага-тархон* унвонли, гарбий туркларнинг тургаш қабиласига мансуб Учжилэ (\*Йузлик<sup>207</sup>) тазики остида 60–70 минг атрофидаги халқини олиб, Хитойга сифинади ва пойтахт Чанъанда вафот этади<sup>208</sup>. Учжилэ эса Суябнинг шимоли-гарбидаги кучларни тўплаб, шаҳарни эгаллайди ва бош қароргоҳини шу ерда ўрнатади<sup>209</sup>. Хитой йилномаларида таъкидланишича, у моҳир саркарда бўлиб,

<sup>206</sup> Малявкин А.Г. История Восточного Туркестана... – С. 321

<sup>207</sup> Учжилэ – ушбу исмнинг туркий асли бир қатор тадқиқотчиларга кўра, Уч-элиг бўлган. Ю.А. Зуевга кўра эса ушбу исмни Йузлик шаклида тиклаш мантиқлироқdir (Зуев Ю.А. Ранние тюрки... – С. 149).

<sup>208</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений... I. – С. 295

<sup>209</sup> Кўпчилик тарихчилар Тургаш сулоласини Фарбий Турк хоқонлиги билан битта хисоблаб, уни Ашина сулоласининг давомчиси, деб талқин қилишади. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, минтақа тарихига оид тадқиқотларда «Фарбий Турк хоқонлиги» ва «Тургаш хоқонлиги» каби атамалар баъзан айнан битта худуд ва битта сиёсий уюшмага нисбатан ишлатилади, баъзан эса аксинча. Шу сабабли, бу иккала атама остида битта давлат уюшмасини тушуниш керакми ёки йўқми масаласи кўндаланг туради. Гарчи 699 йилда Тургаш сулоласи Еттисувда Фарбий Турк хоқонлигининг марказий ҳокимиятини эгаллаб, бу ерда то 756 йилгача хукм юритган ва Ашина сулоласини бошқарувдан четлатган каби кўринса-да, тургашлар ўз ҳокимиятини хоқонликнинг бутун худуди устида ёя олмаган шекилли. Боиси, уларнинг ўzlари Фарбий Турк хоқонлигининг бошқарувчи хонадони – Ашина сулоласига тобе бўлиб, хоқонлик асосини ташкил этувчи «Ўн Ўқ» тузилмасига мансуб 10 та қабиладан биттаси эди, холос. Бошқача қилиб айтганда, тургашлар бошка туркий уруғлар сингари Ашина сулоласига бўйсуниши шарт бўлиб, ҳокимиятни эгаллаш ва ўzlарини хоқонлик таҳтига даъвогарликка конуний ҳакки борлиги (легитимация) ни тасдиклай олишлари керак эди. Бу эса осонликча, ўз-ўзидан амалга ошадиган масала эмасди. Шу боис бўлса керак, тургаш бошликлари узок йиллар кураш олиб боришиларига тўғри келади. Токи, Ашина сулоласига мансуб шахслар бор экан, улар ўз ҳокимиятини ўzlари билан бир хил ижтимоий мавқедаги қабилалар учун қабул қилдириш осон кечмасди.

халқнинг ишончини қозонади ва тез орада кунчиқардан Шарқий турклар ва ғарбдан *Xу* (Фарбий ўлкалар), жануби-шарқдан эса *Си-чжоу* (Турфон)гача ёйилган ҳудудда ўз ҳокимиятини қуриб, Хусэ-лога қарашли ҳудудларни қўлга киритади<sup>210</sup>. Шу тариқа 699 йилда Фарбий Турк хоқонлигидаги Ашина сулоласидан ҳокимиятни тортиб олган Учжилэ Тургаш сулоласига асос солади. Ҳокимиятни қўлдан чиқарган Ашина сулоласининг баъзи вакиллари Хитойнинг ёрдамида ҳокимиятни қайтариб олишга тиришиб, ўзларини хоқон деб эълон қилишади ва Учжилэга қарши кураша бошлайдилар. Фарбий Турк хоқонлиги устидан ўзининг илгариги нуфузини қайтадан ўрнатишни хоҳлаган Тан империяси эса улардан ўз мақсадалари йўлида фойдаланишга уринади. Жумладан, 704 йилда марҳум Хусэло хоқоннинг ўғли Ашина Хуайдаога Хитой саройида унвон берилиб, «Ўн қабила/Ўн Ўқнинг хоқони» деб эълон қилинади ва у ота мерос ўлкасига юборилади<sup>211</sup>. Бироқ у бирор муваффақиятга эриша олмайди шекилли, кейинги фаолиятига доир йилномаларда маълумотлар акс этмаган

Ашина Хуайдаодан сўнгра Хитой саройи томонидан хоқон сифатида Еттисувга юборилган Ашина Мишенинг авлоди Ашина Хян 704 йилда ҳокимиятни қўлга киритиш илинжида тургашларга қарши кураш олиб боради. Бу ерда у баъзи муваффақиятларни қўлга киритади. Жумладан, у 714 йилда исён кўтарган қабила бошликларидан бири *Ту-тан* (Бичуринда Дудань)ни Суяб шахрида мағлуб қиласди ва баъзи уруғларни, шу жумладан, *Дулуларнинг шуниши* ва хулуву уругларини Хитойга бўйсундиришга эришади<sup>212</sup>. Шундан сўнг унга император муҳри босилган мактуб жўнатилади, бироз кейин эса у Тин-юан (Тин-чжоу) ўлкаси волийси тайинланиб, Шарқий турк хоқони *Мочжо* (Бекчўр Қапған (691–716))га орқа томондан зарба бериш вазифаси юклатилади<sup>213</sup>. Факат орадан кўп ўтмай тургашларнинг тазиики остида Хитойга қайтиб, императордан ёрдамчи куч сўрайди. Бироқ талаб қондирилмайди. Ашина Хян 717 йилда хитой

<sup>210</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 296; Зуев Ю. А. Ранние тюрки... – С. 150

<sup>211</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 295

<sup>212</sup> Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – S. 115

<sup>213</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 295–296; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – S. 115

қўшинлари ва уч қарлук қабиласи билан иттифоқчиликда тургашларга қарши яна бир карра ҳужум қилиб кўрса-да, муваффақият қозона олмайди. Шундан кейин у тахт даъвосидан воз кечади<sup>214</sup>.

Фарбий Турк хоқонлигининг Ашина сулоласидан бўлган сўнгги ҳукмдори Ашина Син<sup>215</sup> (Ашина Хуайдаонинг ўғли) эди. Гарчи Фарбий хоқонлика Тургаш сулоласининг ҳокимияти ўрнатилиб, тургашларнинг мавзеи йилдан-йилга кучаяётган бир пайтда Хитой дастаги билан ҳокимиятни қайтариб олиш илинжида бўлган Ашина Син узоқ йиллар давомида, то 740 йилда Кулон шаҳрида Тургаш лашкарбошиси *Моҳэ Даган* (Баға Тархон) томонидан ўлдирилгунга қадар, кўпроқ Хитой саройида яшаса ҳам, баъзи-баъзида марказга – Еттисувга юриш қилиб турганлиги маълум<sup>216</sup>.

Шу ўринда Фарбий Турк хоқонлигига оид бир масалага тўхталсак. Аввало, асосан хитой манбаларида, қисман сүғдий, араб, қадимги турк, тибет тилидаги манбаларда акс этган VIII аср биринчи ярмидаги тарихий воқеиликлар синчилкаб текширилса, ўша пайтда куйидагича сиёсий вазият ҳукм сургани аён бўлади. Фарбий Турк хоқонлигининг Еттисувдаги марказий бошқаруви Тургаш сулоласи кўлига ўтган бўлса ҳам, Ашина сулоласига мансуб хоқонларнинг ҳокимияти нисбий бўлса-да, то 740- йилларгача давом этади. Афтидан, Хитой саройида паноҳ топган Ашина сулоласи вакиллари

<sup>214</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений... I. – С. 295

<sup>215</sup> *Ашина Син* – мазкур ҳукмдор исми Бичуринда Ашина Синь (Бичурин Н.Я. Собрание сведений... I. – С. 296) ва Ашина Хинь (Бичурин Н.Я. Собрание сведений... I. – С. 300) шаклларида берилган бўлиб, бу эса тадқиқчиларни чалгитади. Э. Шаванн бу ҳукмдор исмини Ашина Хин (*Hin*) шаклида келтиради (Chavannes E. Çin yillardarına göre... – S. 116). Бинобарин, «Таншу» йилномасидаги ушбу ҳукмдорга алоқадор маълумотлар бўйича мазкур тадқиқчиларнинг русча ва французча таржималарида чалкашлик мавжуд. Дастрлаб у (Бичуринда Ашина Синь) *Цюйлан* (Кулон) шаҳрида тургашлардан *моҳэ-даган* (баға-тархон) томонидан ўлдирилди, деб қайд этилса (Бичурин Н.Я. Собрание сведений... I. – С. 296; Chavannes E. Çin yillardarına göre... – S. 116), кейинги саҳифаларда унинг *Данълань* (Шаваннда *Цзюйлань* (Кулон)) шаҳрида *Моҳэду* (Баҳодур) томонидан ўлдирилгани таъкидланади (Бичурин Н.Я. Собрание сведений... I. – С. 300; Chavannes E. Çin yillardarına göre... – S. 124). Бизнингча, мазкур ҳукмдорнинг сўнгги тақдиди билан боғлик воқеалар йилномада чалкаштириб юборилган. Яъни *моҳэ-даган* (баға-тархон) ва *моҳэду* (баҳодур) каби унвон ва эпитетларнинг талаффуз якинлиги хитойлик муаллифларни чалғитган.

<sup>216</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 296

ҳокимиятнинг тургашлар қўлига ўтиб кетишига рози бўлишмаган. Хусусан, уларнинг хитой императорларидан ёрдам олган ҳолда бир неча бор Шарқий Туркистон бўйлаб ҳаракат қилишгани ва йўл-йўлакай ўз аждодларининг таянч худудлари бўлмиш Беш-балиқ ва Юлдуз водийси (Или)да туриб, бу ердан Ғарбий хоқонликнинг маркази Еттисувга интилишгани маълум<sup>217</sup>.

Худди шу паллаларда Мўғулистан, Жанубий Сибир, Узок Шарқ ва Шимолий Хитойда ўз ҳокимиятини ёйган II Шарқий Турк хоқонлиги<sup>218</sup> (628–744) навбатдаги диққат-эътиборини ғарбга, бир вақтлар ўз қариндошларига – Ашина сулоласининг Истами хонадонига қарашли бўлган жойларга қаратса бошлайди. Айнан 699–700 йиллар орасида, яъни Ғарбий хоқонликда Турсаш сулоласи ҳокимияти барпо қилинган бир пайтда Шарқий хоқонлик қўшинлари ғарбга юриш қиласди. Ўрхун битиктошларида ушбу юриш «Ўн Ўқ ҳалқи – Турсаш хоқонига (уларни тартибга солиш мақсадида) қилинган» ҳаракат сифатида тавсифланади<sup>219</sup>. Жумладан, Бўгу-чўр Қапған хоқон (691–716) даврида ушбу хоқонлик қўшинлари Шарқий Туркистон шимолидаги, Гаочан (Турфон)га яқин жойлашган ва айни пайтда Хитой қўл остига ўтиб қолган Беш-балиқ шахрига муттасил равишда хужумлар уюштириб, уни хитойликлар қарамогидан чиқариб олишга ҳаракат қилишади<sup>220</sup>. Битиктошларда қайд этилишича, хоқонлик қўшинлари то Тўққиз Эрсен (Шарқий Туркистондағи воҳа хукмдорликлари) ва Кўрдан (Хўттан)гача етиб бориб, Тибет худудларига яқинлашган ҳоллар ҳам бўлган эди<sup>221</sup>.

Қапған хоқон нафақат Жунғория, Шарқий Туркистон каби нисбатан яқин худудларга ўз қўшинларини жўнатади, балки Шарқий

<sup>217</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 295

<sup>218</sup> Маркази Ўтукан бўлган собик Шарқий хоқонлик худудида 680- йилларда Хитойга қарам Ашина хонадони аъзолари ўзларининг 50 йил олдин кўлдан кетган давлатни қайта тикишга муваффақ бўлишади. Ашина қабиласига мансуб Қутлуғ Элтариш хоқон (682–691) ва ашида уруғи вакили Тунюкуқ ҳамкорлигига қайта ташкил топган мазкур хоқонлик (яъни II Шарқий Турк хоқонлиги) тез орада кучайиб, Олтойнинг шарқидан то Узок Шарққача, Жанубий Сибирдан то Шимолий Хитойгача бўлган меросий худудларни ўз ичига олган давлатга айланади.

<sup>219</sup> Абдураҳмонов Ф., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 105–106, 112

<sup>220</sup> Liu Mau-Tsai. Die chinesischen Nachrichten... – S. 236.

<sup>221</sup> Абдураҳмонов Ф., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 89; Orkun H. N. Eski Türk Yazitlari... – S. 23–24.

хоқонлик қўшинлари икки марта ғарбга юриш қиласди. Дастреб улар тургашларни бўйсундириш учун 699 йилда Еттисувга хужум уюштирган бўлсалар, иккинчи дафъа 710 йилда Сирдарёни кечиб ўтиб, то Тўхористонгача етиб борадилар. Маълумки, бу пайтларда Ўрта Осиёдаги воҳа хукмдорликларига уюштирилган араблар хужуми туфайли улар устидан Ғарбий Турк хоқонлигининг ҳокимияти заифлашиб қолган, Еттисув ва Юлдуз водийсида эса Тургаш сулоласи билан Ашина хонадони (Истами авлодлари) орасида ҳокимият ғавғолари авж олган бир палла эди. Гарчи Ғарбий Турк хоқонлигидаги марказий ҳокимият Тургаш сулоласи қўлига ўтган ва вассаллар устидан устунликни қўлга киритган тургаш хоқонлари катта ҳарбий кудратга эга бўлсалар-да, асосан Хитой ва унинг қарамоғидаги Ашина хонадонига мансуб «қўғирчоқ хоқонлар» билан муттасил равишда курашишга тўғри келади. Шу сабабли бўлса керак, тургашлар дастребки йилларда Амударё–Сирдарё оралигидаги ҳудудларга уюштирилаётган араблар хужумига етарлича эътибор қаратади.

Хуллас, бундай бир вазиятда шарқда, қайтадан кудратли давлат сифатида ташкил топган II Шарқий Турк хоқонлигининг яна аввали худудларда ўз хукмронлигини ўрнатишга қаратилган ҳаракатлари тез орада ўз натижаларини бера бошлияди. Дастреб Бўгу-чўр Қапған хоқон томонидан юборилган қўшинлар 710 йилда Еттисувда Тургаш хоқони Согэни мағлубиятга учратиб, тургашларни ўзларига бўйсундиришган ва то Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари атрофидағи ерлар (Кенгерес, Кангу-Тарман, Табар) уларнинг қўл остига ўтган бўлса<sup>222</sup>, кўп ўтмай мазкур хоқоннинг ўғли шаҳзода Инал бошлигидағи Шарқий хоқонлик қўшинлари Суғд ва Тўхористонгача етиб келишади<sup>223</sup>. 740 йилларгача арабларга қарши курашган Тўхористон,

<sup>222</sup> Гумилев Л. Н. Древние тюрки... – С. 301.

<sup>223</sup> Ҳар ҳолда хоқонликнинг ушбу юришлари Ўрта Осиё воҳаларидағи хукмдорликларга қаратилган бўлмай, мақсад араб истилоларининг олдини олиш эди. Зоро, битиктошнинг ушбу воқеалар баён қилинган бир қисми учиб кетган сатрида «тазик» (араб) атамасининг учраши бу тахминга асос беради. Шу тарика битиктошлардаги «Суғдни тартибга солайин» ёки «суғдак ҳалқи ҳаммаси келди. Ўша куни хужум килди, турк ҳалқи Темир-Капикқа, Тинси ўғли ётадиган токка етди» шаклидаги жумлаларни мазкур ҳарбий ҳаракатларнинг араб истилосига қарши инъикоси эди, деб хисоблаш мумкин. Дарвоқе, битиктошдаги маълумотлар билан Табарий асарида 710- йилларда арабларнинг Тўхористон ва Суғдда олиб борган ҳаракатлари, Суғд, Шош, Фарғона хукмдорларининг турк хоқонидан ёрдам сўраб

Бухоро, Суғд (Самарқанд, Панжикент), Чоч, Фарғонага каби Ўрта Осиёдаги воҳа ҳукмдорликлари бошини бириктирган раҳнамо сифатида «хоқон», «турк хоқони» ёки «туркаш хоқони» турганлиги араб манбалари ва сүғдий тилли ҳужжатлардан маълум. Аксарият тадқиқотчиларга кўра, манбалардаги мазкур «хоқон»лар Фарбий хоқонликнинг марказий бошқарувини қўлга олган Тургаш сулоласи вакиллари эди<sup>224</sup>.

Фарбий хоқонликнинг Ашина сулоласи вакиллари эса етарли ҳарбий кучга эга бўлмай, тобора тургашлар томонидан сикувга оли-наётган бир шароитда Ўрта Осиёдаги воқеаларга аралаша олишмаган бўлса керак. Шу тариқа, Шарқий хоқонликдан кейин қарийб 30 йил давомида арабларга қарши курашган воҳа давлатлар бошини бириктириб турган, ҳатто бир неча бор араблар устидан ғалаба қозониб, 738 йилда уларни Ўрта Осиёдан деярли қувиб чиқариб, Бадғисгача етиб борган, араблар томонидан Абу Музахим «зарба берувчилар отаси» лақаби билан аталган «турк хоқони» тургаш ҳукмдори Сулук (716–738) бўлиб чиқади<sup>225</sup>.

Хуллас, Фарбий Турк хоқонлиги Фарбий қанот сифатида 560-йилларда шаклана бошлаган бўлиб, унинг 630-йилларгача бўлган Ябгулик ёки Ябгу-хоқонлик мақомидаги дастлабки 60 йилини «юксалиш даври», 630–657 йиллар оралигини «мустакил хоқонлик», айни пайтда ички низолар даври, 657–740 йиллар оралигини эса «таназзул даври» ёки Хитой қарамоғидаги «қўғирчоқ хоқонлар» ҳукмронлик қилган давр шаклида таснифлаш мумкин. Юксалиш даврида у ҳудудий жиҳатдан кенгайиш, янги ўлкаларни эгаллаш (Шимолий Кавказ, Қора денгиз бўйлари, Хурросон, Шимолий Ҳиндистон), вассаллар устидан ўз ҳокимиятини кучайтириш (маҳаллий ҳукмдорларга элтабар унвонини бериб, улар устидан ноиб тудун тайинлаш),

---

мурожаат қилишлари ва хоқоннинг ушбу вилоятларга келиб, улар билан биргаликда арабларга қарши кураш олиб борганлиги тўғрисида келтирилган маълумотлар мазмунан мос келишини ҳам назардан кочирмаслик керак (Кляшторний С. Г. Из истории борьбы народов Средней Азии против арабов (по руническим текстам) // ЭВ, 1954. – № IX. – С. 55–64).

<sup>224</sup> Согдийские документы... II. – С. 80–84

<sup>225</sup> Esin E. Tarkhan Nizak or Tarkhan Tirek? An Enquiry concerning the Prince of Badhghis. Who in A. H. 91/A. D. 709–710 Opposed the ‘Omayyad Conquest of Central Asia // JAOS, Vol. 97. No. 3. 1977. – P. 324.

ташқи алоқаларда устунлик қозониш (Сосонийлар Эронини бир неча маротаба мағлубиятга учратиши, Византия билан иттифоқ тузиши, Хитой билан тенг даражада дипломатик алоқалар ўрнатиши) каби муваффакиятларга эришади. Иккинчи даврда эса хоқонлик, асосан, ўз ички масалалари билан ўралашиб қолиш (хоқонлар ўртасида ўзаро таҳлашувлар, *Дулу ва Нушиби* каби ички қанотлар орасида ги зиддиятлар), баъзи чекка ҳудудлар назоратининг қўлдан чиқиши (Шимолий Кавказ, Кора денгиз бўйлари, Шарқий Туркистон) ва тобе қабилаларнинг мустақилликка интилишлари (*се янто, қаргуқ, тургаш* ва х. к.) сингари воқеликларни бошдан кечиради. Учинчи даврда эса Фарбий Турк хоқонлиги айрим истисноларни ҳисобга олмагандা, ташқи таъсирларнинг ошиши (хоқонларнинг Хитой томонидан тайинланиши, араб истилоси натижасида Хурасон ва Амударё–Сирдарё оралиғида хоқонлик нуфузининг пасайиши) ва ички зиддиятлар ку чайиши (Тургаш сулоласининг марказий ҳудудларни эгаллаб олиши ва х. к.) каби том маънодаги таназзул палласига кириб, ниҳоят 740 йилда Ашина сулоласининг сўнгги вакили Ашина Синнинг тургаш амалдорлари томонидан ўлдирилиши натижасида барҳам топади.

Қисқаси, тарихшунослиқда «Шарқий Турк хоқонлиги» ва «Фарбий Турк хоқонлиги» деб юритиладиган мазкур давлатлар аслида, битта давлат – Буюк Турк хоқонлигининг иккита қисми бўлиб, улардан биринчиси марказий ҳокимиёт мавқега эга эди ва олий ҳукмдор – хоқон томонидан бошқариларди, иккинчиси унинг ғарбдаги таркибий қисми ўлароқ *ябгу* ёки *ябгу-хоқон* унвонли бошқарувчилар томонидан хоқон номидан ҳокимиёт юргизардилар. Яъни у Буюк Турк хоқонлигининг таркибий Фарбий қаноти бўлиб, давлат сифатида шаклланиш жараёнида *Ябгулик* (VI аср 60 йиллари – шу асрнинг сўнгги чораги) – *Ябгу-хоқонлик* (VII аср бошлари – шу асрнинг 30-йиллари) – *Хоқонлик* (630- йиллардан то 740- йилларгача) каби уч босқични босиб ўтган.

Турк хоқонлигининг икки қисмга бўлиниши қўшҳокимиётчилик ёки бошбошдоқлик билан эмас, марказий осиёлик қадимги кўчманчилар, шу жумладан, қадимги турклар давлатчилигига хос анъана – давлатнинг икки қанотга таксимланиб бошқарилиши билан боғлиқ эди. Мазкур анъанага кўра, Шарқий қисм сўл (чап) қанот ҳисобланиб, бошқарувчиси олий ҳукмдор саналар, Фарбий қисм эса

ўнг қанот, яъни марказга бўйсунувчи қанот ўлароқ, бошқарувчиси тобе ҳукмдор мавқеида эди ва ҳар иккала қанот бошқаруви меросий эди. Сўл қанотда ҳукмдор Ашина сулоласининг хонадонда энг ёши катта вакилининг авлодлари, ўнг қанотда эса хоқон инисининг авлодлари ўзларига тегишли меросий ҳокимиятни бошқарар эдилар. Хусусан, Шарқий хоқонлик бошқаруви хоқонликнинг асосчиси Бумин хоқон авлодлари кўлида, Фарбий хоқонлик ҳокимияти эса мазкур хоқоннинг иниси Истами ябгу авлодлари кўлида эди. Ябгу ёки ябгу-хоқон унвонларида ҳокимият юритган Истами авлодлари ўнг қанот бошқарувида нисбатан мустақил эдилар.

Гарчи ёзма манбаларда бўйсунувчи Фарбий қанот бошқарувчилари ҳам баъзан хоқон унвони билан тилга олинсалар-да, улар томонидан зарб қилинган тангалаarda дастлаб жабгу, кейинроқ жабгу-хоқон унвонлари ўрин олган. Қачонки, Шарқий Турк хоқонлиги давлат сифатида барҳам топгач, Фарбий хоқонлик бошқарувчилари ўз тангалаарини хоқон унвони билан зарб қилдира бошлаганлар. Бу эса қадимги турк давлатчилик анъаналарига амал қилинганлиги ва марказий ҳокимият мавжуд экан, ўнг қанот Ябгулик ёки Ябгу-хоқонлик мақомида бўлганини кўрсатади.

Хуллас, шу каби омиллар асосида шаклланган Фарбий Турк хоқонлиги 568 йилда, яъни хоқонлик кўшинлари гарбда Эфталитлар давлатига барҳам берган ва Истами ябғ жияни Муқан хоқон (Буминнинг ўғли (553–572)) томонидан хоқонликнинг ғарбдаги юришларига масъул қилинган бир пайтда Ябгулик ҳолатини олади. Шу тариқа муайян бир сиёсий бирликка айланган Фарбий қанот 630-йилларнинг бошида Тан империяси томонидан барҳам берилган Шарқий Турк хоқонлигининг вориси сифатида *Хоқонлик* шаклини олади ва то 657 йилгacha мустақил сиёсат юргизади. Гарчи 650- йиллар охирларидан бошлаб то 740 йилгacha Хитой қарамлигидаги давлат ҳолатига тушиб қолсалар-да, Фарбий турк хоқонлари Еттисувда нисбий бўлса ҳам ўз бошқарувини, шунингдек, воҳалардаги вассаллар устидан назоратни бирмунча даражада сақлаб қоладилар.

### **III БОБ. ҒАРБИЙ ТУРҚ ХОҚОНЛИГИНИНГ ДАВЛАТЧИЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

#### **3. 1. Хоқонликнинг давлат мафқураси**

Дунё халқлари ўтмишида тарих саҳнасига чиққан ҳар бир сиёсий уюшма, хоҳ у кичик бир давлат ёки империя бўлсин, хоҳ бирор қабила ёки жамоа уюшмаси бўлсин, ўз тамал тошини муайян бир ғоя – мафқурага асослашга ҳаракат қилган. Шунингдек, бирор давлат уюшмаси таркибида бўлиб, муайян бир бошқарувчи уруғ ҳокимияти остида бўлган ҳар қандай уруғ вакиллари агар ўз хўжайнлари қўлидаги ҳокимиятни тортиб олса, албатта бошқа уруғларни итоатда тутиб туриш учун маълум бир асос кўрсатиши керак бўлган. Шу маънодаки, ҳокимиятни янгигина қўлга киритган уруғ вакиллари ўзлари билан тенг хуқукли бошқа уруғларга ҳокимиятни эгалашга ҳаққи борлигини тасдиқловчи далиллар келтирад ва уларни бунга ишонтиришга ҳаракат қиласади. Ҳокимиятни қўлга киритиш учун тарафдорларига, шу жумладан, ўз уругига бошчилик қилган раҳнамо (лидер), собиқ хўжайнларидан ҳокимиятни тортиб олиб, ўзи мутлак ҳукмдор (монарх)га айланиши учун ҳукмдор бўлишга ҳақли эканини асослаб берадиган далиллар кўрсатиши шарт эди. Бунда у ўз тарафдорлари билан биргаликда, нафақат бошқа уруғ вакилларини, балки ўз уругдошларини, умуман олганда, давлат фуқароси бўлмиш барча аҳолини қониқтирадиган ҳокимият мафқурасини ишлаб чиқиши талаб этиларди. Шундагина унинг хуқуқ ва ваколатининг қонуний – легитимли экани умум тарафидан эътироф этиларди.

Ҳокимиятни қонунийлаштиришда, яъни легитимация масалаларида эса биринчи навбатда хуқуқий ва диний-мафқуравий асослар катта иш берарди. Фақат уларнинг ҳар бири ўз мафқурасига кўра бирмунча фарқланган бўлиб, баъзиларида этник яқинлик – тил ва маданият бирлиги устунлик қиласа, бошқаларида муайян бир таълимот (*mas. din*) сиёсий жиҳатдан бирлашишга олиб келган. Шу жиҳатдан олганда, хоқонликнинг давлат сифатида ташкил топиши асосида қандай мафқура ётишини таҳлил қилиш унинг давлат тузумини ёритишда муҳим аҳамиятга эга.

Аввало, бу масалани ўрганишда муҳим бўлган омил – хоқонликда

давлат ва у билан боғлиқ тушунчаларга тўхталсак. Ўрхун-Энасой битиктошларидан маълум бўлишича, қадимги туркларда «давлат» маъносида «эл» атамаси ишлатилган<sup>226</sup>. Шу ўринда «эл»нинг ижтиомий ва сиёсий структураси қандай эди мазмунида савол туғилади. Хоқонликдаги қабилалар иттифоқи, яъни *турк қара қамағ* будун («Турк (хоқонлиги) фуқароси») буд (қабила) / уруғ ва ўғуши (оила / уруғ)лардан ташкил топган бўлиб, сиёсий жиҳатдан у «эл»га уюшган эди. Қабила-уруғ уюшмаси (будун) ва ҳарбий-маъмурий ташкилот (эл) пухта ва мустаҳкам ижтиомий муносабатлар билан ўзаро бир-бирини тўлдиради. Ўрхун битиктошларидан бирида учрайдиган ибора билан айтганда хоқон «эл (давлат)ни тутиб турар ва халқни бошқарар»<sup>227</sup> эди.

Хоқон юқори мавқели амалдорлар – бекларга суянган. Турк хоқонлари ўз «tinglovchilari»га битиг – чақириқлар билан мурожаат қиласин экан («менинг сўзларимни яхшилаб тингла!» шаклида) икки тоифага – аслзода ва халққа эътиборини қаратган<sup>228</sup>. Мурожаат ёки чақириқнинг стеротипи (колипи) *турк беглар будун* (турк беклари ва халқ) бўлган. Аслзодалар ва халқ орасидаги тафовутни анчагина кескин қўйиш мисоллари *атлиғ* («номдор, номи улуғ») ва *игил қара будун* («оддий халқ») шаклида Уйғур хоқонлигига тааллуқли битиктошларда учрайди<sup>229</sup>. Беклар наслий жиҳатдан аслзодалар бўлиб, хукуқан бошқарув ишларида алоҳида имтиёзларга эга бўлган уруққа мансуб эди ва анъана бўйича уларнинг бу мавқеи рад қилинмасди. Хоқонликда аслзодаларнинг элита қисми *ашина* қабиласига мансуб кишилар бўлса, Уйғур хоқонлигига яълашар уруғи вакиллари бундай мавқега эга эди. Бир қатор бошқа аслзода уруғлар билан биргаликда иерархия умум томонидан қабул қилинган бўлиб, улар имтиёзли табақани ташкил қиласиди. Улардан *айгучи* (ҳарбий маслаҳатчи)<sup>230</sup>, *ана-тарқан* (қўшиннинг олий қўмондонлари), тўққиз

<sup>226</sup> Mori M. The T'u-chüeh Concept of Sovereign // Acta Asiatica. Bulleten of the Institute of Eastern culture, 41. – Tokyo, 1981. – P. 50–58; Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 71, 77, 101–103, 126, 129.

<sup>227</sup> Марков Г. Е. Кочевник и Азии... – С. 47–48; Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 71, 77, 101–103, 126.

<sup>228</sup> Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 126, 132–133.

<sup>229</sup> Кляшторный С. Г. Имперский фон древнетюркской цивилизации... – С. 16.

<sup>230</sup> Дадабаев X., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики... – С. 10.

«улуг буйруқлар» (уч нафар «ташки» ва олти нафар «ички» вазирлар) ўлароқ, бир қисми «эл»нинг юқори маъмурияти, бир қисми эса унинг ҳарбий-маъмурий бошқарувчиларидан иборат бўлиб, шу асосда империянинг олий аслзодалар тоифаси шаклланган эди<sup>231</sup>.

Хоқон ҳамма нарсадан аввал «мангу эл»<sup>232</sup> (яъни, империя) хотиржамлиги / фаровонлигининг кафолати бўлиб, «эл» мавжуд бўлишининг асосий шарти беклар ва «бутун халқ»нинг хоқонга садоқатли бўлиши эди. Хоқон исми давлат номининг эпоними (мас. «Элтарии хоқон элида», «Билга хоқон элида») ва синоними (мас. «Қапған хоқон ери») сифатида ўзини намоён киларди. Хоқон, битиктошлар тили билан айтганда «турк эли» учун «тинкаси қуригунча (истилоларга бошчилик) қилиши», «турк халқи» учун «тунлари ухламаслик ва кундузлари (ишсиз) ўтирмаслиги» шарт эди<sup>233</sup>. Уруш ва сулҳ, жанг ва битим барчаси «турк эли»нинг тинчлиги хоқон иродасига кўра ҳал қилинарди. Хоқоннинг ҳарбий ва дипломатик ҳуқуқлари мутлақ бўлиб, бу унинг бошқа вазифаларни бажаришига ҳалакит бермасди.

Хоқонлик жамиятида синфлар мавжуд эдими? масаласига тўхталадиган бўлсақ, П. Голденга кўра, хоқонликда мавжуд ижтимоий табақалашувга доир манбаларда жуда кам маълумот акс этган бўлса ҳам, қадимги турк битиктошларида учрайдиган қара будун (луг. «қора/авом халқ») ибораси муайян бир синф ёки тоифа мавжуд бўлғанлигидан дарак беради. Ижтимоий табақаланиш анча равнақ топган аҳолисига эга давлат доирасида маълум бир бошқарувчи синф ёки тоифанинг шаклланишига замин яратган бўлиши мумкин<sup>234</sup>. Шу билан биргаликда, тадқиқотчи А. Хазановнинг Турк хоқонлиги аслзодалари тобе ўтрок аҳоли учун муайян бир синф, фақат давлатнинг ўзи учун улар «бошқарувчи тоифа» бўлғанлиги ҳакидаги фикрини келтириб ўтади<sup>235</sup>. О. Прицак эса қара будун иборасининг қуи синф,

<sup>231</sup> Кляшторный С. Г. Имперский фон древнетюркской цивилизации... – С. 17

<sup>232</sup> Мангу эл – битиктошларда асосан бāнгү эл шаклида учраб, лугавий жихатдан «мангу (абадий) давлат» маъносини билдирган (User Ş. H. Köktürk ve Ötüken Uygur Kağanlığı Yazıtları. Söz Varlığı İncelemesi. 1. Baskı. – Konya, 2009. – S. 175).

<sup>233</sup> Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 90–91, 107.

<sup>234</sup> Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş. Çev. O. Karatay. – Ankara, 2002. – S. 121.

<sup>235</sup> Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş... – S. 121.

факат озод инсонларга нисбатан ишлатилганини таъкидлайди<sup>236</sup>.

Хоқонликнинг давлат мағкураси негизида «турк» этноси томонидан ташкил қилинган давлат - «мангу эл»ни мустақил ҳолатда сақлаб туриш билан биргаликда, унинг бошқа этнослар устидан ҳукмронлик қилишини ёки дўстона муносабатлар ўрнатишини таъминлаш ётариди. Бу мағкура битиктошларда акс этган хоқоннинг халққа мурожаат қилганида «Турк будун», «Турк беклари ва будуни», «Турк, Ўғуз беклари, будуни», «Турк Сир<sup>237</sup> будун» каби ибораларнинг жумла бошида жой олиши, давлат барпо қилиш ва давлат ҳудудларини кенгайтиришдан мақсад «Турк будун»нинг душманларини йўқотиб, унинг мустақил яшаши ва эгалланган ҳудудларда ҳоким табақага айланишини таъминлаш сифатида талқин қилинишида ўз ифодасини топади. Жумладан, Кул Тегин ва Билга хоқон битиктошларида учрайдиган қуйидаги сатрлар буни тасдиқлайди:

«(Аждодларим даврида) тўрт томон бутунлай душман экан. Лашкар ториб тўрт томондаги халқни бутунлай олганлар, бутунлай тобе қилганлар. Боши борни юкунтирган, тиззаси борни чўкаллатганлар. Олдинга (шарқка) Кадиркан йишиш (Хинган)га, оркага (ғарбга) Темир-қапиг (Тўхористон)гача манзил қилдирганлар. Иккаласининг орасида ташкилотсиз (бетартиб) яшаган Кўк туркларни тартибга солиб, шу тарика хукм сурар экан»<sup>238</sup>.

Шу билан биргаликда, битиктошларда давлатнинг хавфсизлигини

<sup>236</sup> Pritsak, 1980:17–18; Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş... – S. 119

<sup>237</sup> *Turk Sırı будун* – ушбу атама факат битиктошларда учраб, айнан кайси маънода кўлланилгани хақида тадқиқотчилар бир қарорга келишмаган. Кўпчилик «сир» сўзини алоҳида этномним хисоблашади ва уларни турли қабилалар билан тенглаштиришга харакат қилишади. Жумладан, С. Г. Кляшторный битиктошлардаги «турк сир» иборасини «турклар ва сирлар» шаклида ўтириб, ҳар иккаласини алоҳида этномним сифатида талқин қиласди. Тадқиқотчига кўра, *sırı* қабиласи Турк хоқонлиги даврида ашиналарнинг иттифоқчиси бўлиб, Уйғур хоқонлигига оид битиктошларда «турк (ва) сир» ибораси ўрнида «турк (ва) кибочоқ» ибораси ишлатила бошлиши «сир» ва «қипчоқ»лар бир деб караш имконини беради (Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности... – С. 514–516). Баъзи тадқиқотчилар эса *sırı* сўзини шарқий эроний *shir / şer* «шер, арслон» сўзи билан алоқадор деб изоҳлаб, уни йилномаларда ашина қабиласининг иттифоқчиси сифатида келтирилган ашида қабила билан тенглаштиради (Каржаубай С. Объединенный каганат тюроков в 745–760 годах. – Астана, 2002. – С. 161–166).

<sup>238</sup> Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 103; Tekin T. Orhon Yazıtları... – S. 39, 63

сақлаш учун қудратли давлатлар билан муросага келиб, улар билан савдо-сотиқ ишларини йўлга қўйиш лозимлиги уқтирилган сатрлар учрайди. Жумладан, уларда хоқонликнинг энг кучли рақиби Табгач (Хитой) томонидан бўладиган хавфдан халқни огоҳлантирувчи «Табгачнинг ширин сўзи, юмшиқ итаги бўлади» (яъни уларга учеб, алданиб қолма) мазмунидаги мурожаат сўзлар ўрин олган<sup>239</sup>.

Хоқонлик олий давлатчилик концепциясининг асосий тамойиларидан бири давлатнинг асосчилари ва бошқарувчи тоифаси мансуб бўлган турк этносига алоҳида ургу берилганлигига кўринади. Хитой йилномаларида турк хоқонлари унвонларининг таркибий бир қисми сифатида *да тужсюе* (луг. «буюк турк») ибораси учрайди<sup>240</sup>. Бу эса қадимги турклар ўз давлатини \*Улуғ Турк қаганлиги шаклида номлашган, деб тахмин қилишга имкон беради. Худди шунга ўхшаш ҳолат Чингизхон империяси даврида ҳам кўзга ташланиб, мўгуллар ўзларининг янги ташкил этилган давлатини Йеке Монгол Улус (луг. «Буюк Мўгул давлати») деб аташган<sup>241</sup>. Хоқонликка нисбатан шунга ўхшаш ибора бақтрий тилли хужжатларда ҳам ишлатилгани эҳтимоли юкори. Хусусан, 710 йилда тузилган хужжат (Дос Т)да *стороғо тороσаңço оислоғо* ибораси учраб, Н. Симс-Виллямс уни «буюк турк маликаси» шаклида таржима қиласиди, ҳар холда хужжатдаги «буюк турк» ибораси остида хоқонлик назарда тутилган<sup>242</sup>.

Хоқонликка алоқадор атамалар нафақат қадимги турк битиктошлиари, хитой йилномалари ва бақтрий тилли хужжатлардаги мазкур ибораларда ўз ифодасини топган, балки бошқа тиллардаги манбаларда ҳам хоқонликни ифодаловчи этник ёки географик атама сифатида ўрин олган. Жумладан, VII–VIII асрларга оид арман манбаларида «Туркастан» номи учраб, у гоҳ Итил (Волга) ёки Каспийдан шарқдаги ўлкаларни, гоҳ Амударёнинг юкори ҳавзасидаги жойларни ўз ичига олувчи мамлакат сифатида қайд этилган<sup>243</sup>. Шунинг-

<sup>239</sup> Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 89–90.

<sup>240</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 237.

<sup>241</sup> Трепавлов В. В. Государственный строй Монгольской империи ... – С. 118.

<sup>242</sup> Sims-Williams N. From the Kushan-shahs... – P. 256; Sims-Williams N. Bactrian Documents from... – P. 98.

<sup>243</sup> Армянская география VII века... – С. 79; Тер-Мкртичян Л. Х. Армянские источники... – С. 60–61; Ахмедов А. Нега Турон деб аталади? // Турон, 1992. – Б. 6;

дек, уларда Турк хоқонлиги ҳақида гап борганда баъзан «турклар», баъзан эса «Туркастан» атамалари қўлланилгани кўзга ташланади. Шунга ўхшаш ҳолат VIII–IX асрларга таалуқли тибет манбаларида кўзга ташланиб, уларда «Другу-йул» (луг. «Турклар мамлакати / Туркистон») атамаси остида баъзан Ғарбий Турк хоқонлигининг марказий ҳудуди - Еттисув, баъзан эса Фарғона ёки Тўхористон ёхуд Кобулистон<sup>244</sup> тушунилган. Шу ўринда Другу-йул атамасидан фарқли ҳолда айни тибет манбаларида II Шарқий Турк хоқонлиги учун *Вузчур* (691–716 йилларда ҳукм сурган Шарқий турк хоқони Бўгу-чўр Қапған номидан)<sup>245</sup> атамаси қўлланилгани диққатга сазовор. Турфондан топилган 639 йилга оид сүфдий тилли бир ҳужжатда эса «Туркистон» атамаси учраб, ушбу атама остида айнан қаер тушунилгани аниқланмаган бўлса-да<sup>246</sup>, ҳужжатнинг бошланиш қисмида хоқонликка хос элтабар унвонининг учраши ва унинг хоқонлик таркибидаги Чинанчканд шахри (Турфон)да тузилганлиги каби жиҳатлардан келиб чиқиб, ушбу атамани Ғарбий хоқонликнинг марказий ҳудуди, аникрофи, Еттисув билан тенглаштириш мумкин. Мазкур манбалар билан қарийб бир даврга мансуб паҳлавийча матнларда ҳам «Туркистон» атамаси Хурросон ва Амударёнинг юкори ҳавzasидаги мамлакат сифатида учрайди<sup>247</sup>. Қисқаси, мазкур манбалардан «Туркистон»нинг Ғарбий Турк хоқонлигини (ёки унинг ҳудудини) ифодаловчи этносиёсий ва географик атама бўлгани пайқалади (*қаранг*: илова IV). Демак, хоқонликка қўшни халқлар (арман, форс, тибет) хоқонлик ҳудудида турли халқлар яшаганидан

---

Kalankatlı M. Alban Tarihi... – S. 152, 199, 203, 206, 244

<sup>244</sup> Фарғона, Тўхористон ва Кобул водийсига нисбатан тибет манбаларида (Туркистон) атамасининг ишлатилиши асосида ҳар учала ҳукмдорликнинг хоқонликка тобе бўлгани ва ўша пайтда бу ерлар аҳолисининг катта бир қисмини туркӣ этнослар ташкил килгани ётса керак (*қаранг*. Uray G. The Old Tibetan sources... – Р. 281).

<sup>245</sup> Добрович М. Власть и пространство у древних тюрок... – С. 45.

<sup>246</sup> Исҳоқов М. Номи азал Туркистон // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, №45–46, 1993. – Б. 1, 5; Vaissière E. de la. Sogdian traders: a history. Translated by J. Ward. – Brill, Leiden – Boston, 2005. – Р. 169.

<sup>247</sup> Pahlavi Texts. The Bundahis-Bahman Yast... – S. 37, 41, 120; Бобоёров F. Илк ўрта аср манбаларида «Туркистон» атамаси // Ўзбек халқининг келиб чиқиши, илмий-методологик ёндошувлар, этногенетик ва этник тарих» мавзусидаги республика илмий-назарий семинар материаллари. – Т., 2004. – Б. 40–43.

қатый назар уни «турклар мамлакати» сифатида талқин қилишган. Бу эса ўз даврида «Туркистон» хоқонликни ифодалаган номлардан бири бўлган ёки қўшни халқлар уни шу ном билан аташган, деб хисоблаш имконини беради.

Шунингдек, VI аср охири – VII аср бошларида зарб қилинган сүгдий ёзуви Самарқанд тангасида *xwβ twryn* – «Турон хукмдори» ёки *xwβ twryn x'γ'n* – «Турон хукмдори Хоқон» ибораси акс этган бўлиб<sup>248</sup>, увон ва иконографик жиҳатлари уларнинг хоқонликка алоқадорлигини кўрсатади (*қаранг*: илова II, III. 1–2). Агар илк ўрта асрларда ёк «Турон» ва «Туркистон» атамалари деярли айни маънода ишлатила бошлаганидан келиб чиқилса<sup>249</sup>, ўша даврда хоқонликни ифодаловчи атамалардан бири сифатида «Турон» сўзи қўлланилгани аён бўлади. Қолаверса, танга-пулларда учрайдиган атамаларнинг расмий маъно кассб этиши ҳисобга олинадиган бўлса, хоқонларнинг ўз давлатини «Турон» деб атаганликлари эҳтимоли ортади.

Шу билан биргаликда, арман манбаларида «Ченастан» (Чинистон), «Ченастан жепутух» («Чинистон жабғуси») иборалари учраб, айрим тадқиқотчилар уларни Фарбий Турк хоқонлиги билан боғлайдилар<sup>250</sup>.

Энди яна хоқонлик бошқарувчилари – хоқонлар ва уларнинг ўз фукаросига муносабати масаласига қайтсак. Юқорида кўриб

<sup>248</sup> Бабайров Г., Кубатин А. К новому чтению и интерпретации легенд на некоторых доисламских монетах Самаркандинского Согда // Тарих тафаккури. «Баркамол авлод» йилига бағишлиланган Республика тарихчи олимларининг илмий ишлар тўплами. Масъул мухаррир ва тузувчи: Ш.Х. Вохидов. Бухоро, 2010. – С. 26–29

<sup>249</sup> Бир қатор тадқиқотчилар Турон – Туркистон атамалари нафақат ўрта асрларда, балки ундан анча олдин, эҳтимол исломнинг кириб келиши арафасида ҳам айни маънода қўлланилганини таъкидлайдилар (*қаранг*: Ахмедов А. Нега Турон деб аталади... – Б. 5–6; Маннонов Б. Туркистон ва Марказий Осиё // Мулоқот, №2, 1998. – Б. 6–8; Бобоёров Ф. Илк ўрта аср манбаларида Туркистон... – Б. 40–43; Камолиддин Ш.С. Древнетюркская топонимия в Средней Азии. – Т., 2006. – Б. 10–21). Шу ўринда Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий (Х аср) ва Абу Райхон Беруний асарларида Хуросондаги Марзи-Турон ёки Маздурон мавзееси қайд этилиб, мазкур алломалар унинг «Турклар чегараси» деган маънони ҳам беришини таъкидлаб ўтишган (Абу Райхон Беруни. Канон Мас’уда // Избранные произведение. V. Часть первая. Перевод и примечания Б.А. Розенфельда и А. Ахмедова. – Т., 1973. – С. 466; Баходиров Р. История Востока в «Ключах наук» // Шарқшунослик. – Т., 2009. – № 14. – С. 114).

<sup>250</sup> Dobrovits M. The nomadic ally of Heraclius // Chronica. Annual of the Institute of History University of Szeged. – Szeged, 2003. – Vol. 3. – P. 7.

ўтилганидек, хоқоннинг халқقا мурожаати асосан «Турк будун»га қаратилган бўлиши баробарида, хоқонлик таркибидаги туркий ва гайритуркий этнослар назарда тутилган ибораларнинг ҳам учраши хоқонликнинг ўз давлат мафкурасини бутун фуқароларига сингдиришга ҳаракат қилганидан дарак беради. Жумладан, битиктошларда нуфус ва сиёсий жиҳатдан нуфузли қабилалар, шу жумладан, ўгуз, тўйқиз ўгуз (уйғур), «ўн ўқ» / турғаш, басмил каби туркий этнослар тилга олиниб, уларнинг душманларча кайфияти қораланади ва уларга нисбатан «турким, будуним эди» шаклидаги иборалар кўлланилади<sup>251</sup>. Шу билан биргаликда, битиктошларда «(Мангу) тош ўрнатдим. Кўнглимдаги сўзларни ёздим. Ўн Ўқ ўғлим (Фарбий хоқонлик) ва Тат (гайритуркий)ларгача (барчангиз) буларни кўриб билинг» мазмундаги сатрлар орқали<sup>252</sup> хоқонларнинг ўз фуқароси орасида давлатнинг тотувликни саклашда қанчалик аҳамияти борлигини уқтироқчи бўлганини кўриш мумкин.

Хоқонлик ўз таркибидаги ўнлаб қабилаларга қарши кўплаб урушлар олиб боргани маълум. Битиктошларда уларга таъриф бериладиган пайтда деярли барчасига нисбатан қандайдир бир изоҳ берилгани, жанг сабаблари ва оқибатларини оқлашга ҳаракат қилингани кўзга ташланади. Бу, гўёки хоқонлик ахолисини ташкил қиласидиган турли қабила вакилларига хоқон томонидан жангу-жадалларнинг айбдори ким экани ва оқибати қандай бўлганини тушунтириш кайфияти бўлган, деб хисоблашга имкон беради. Хусусан, «Турғаш хоқони турким, (ўз) будуним эди, хоқони йўлдан озгани учун Ўн Ўқ халқи азият чекди» каби жумлалар<sup>253</sup> бунинг далилидир. Шунингдек, араб истилосига учраган Суғд ва Тўхористонга хоқонлик томонидан 710- йилларда амалга оширилган ҳарбий ҳаракатлар баён қилинап экан, «Сүгдақ халқини тартибга олайин дея, Йенчу-Ўгуз (Сирдарё)ни кечиб ўтиб, Темир-қапиғача сафарга чиқдик» мазмунидаги лавҳаларда<sup>254</sup> ҳам маълум маънода жангу-жадаллардан мақсад нима бўлганини тушунтиришга уринишни пайкаш мумкин.

<sup>251</sup> Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 106, 127; Tekin T. Orhon Yazitları... – S. 53, 67, 71.

<sup>252</sup> Tekin T. Orhon Yazitları... – S. 39.

<sup>253</sup> Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 103; Tekin T. Orhon Yazitları... – S. 67.

<sup>254</sup> Tekin T. Orhon Yazitları... – S. 49.

Шу ўринда, Турк хоқонлигининг давлат мафкураси билан боғлиқ бир масалага тўхталсак. Юқорида кўриб чиқилган сатрлардан хоқонликда «турк» атамаси тор ва кенг маънода ишлатилган сезилади. Тор маънода бу сўз хоқонликнинг асосчи ва ҳукмрон этноси учун қўлланилган бўлиб, ундан мақсад ўзини «турк» деб атайдиган қабила ва уруғлар бўлса, кенг маънода ушбу атама туркий тилда сўзлашувчи, бироқ алоҳида этник номга эга қабилаларни ҳам билдирган. Хусусан, хоқонлик учун анча йиллар давомида душман кайфиятда бўлиб келган ўгуз, уйғур, тургаш ва басмилларга нисбатан «турким, (ўз) халқим, кариндошим» шаклларида иборалар ишлатилиши уларнинг ҳам хоқонлик таркибидаги қабила, ҳам туркий этнос эканига ишорадир.

Шу билан биргаликда, бу даврда гарчи яқин тилда сўзлашса-да, туркий этносларнинг барчаси ҳам ўзини «турк» номи билан атамаган кўринади. Жумладан, Уйғур хоқонлигига тааллуқли битиктошда Муюнчўр хоқон «туркларни мағлубиятга учратдим» шаклида баҳс юритиши<sup>255</sup>, паҳлавийча «Махрнамаг» асарида «Уйғур хоқони» ибораси уруғ-қабилавий мансубликни аниқловчи сўз сифатида учраши бу фикрни тасдиқлайди<sup>256</sup>. Шунингдек, Тургаш хоқонлигига тааллуқли тангаларда доимо «Илохий Тургаш хоқон пули» иборасининг учраши<sup>257</sup>, яқинда топилган Қарлук ябгулиги тангаларида эса «Қарлук хоқон» ибораларининг акс этгани ҳам ҳар бир уруғ ёки қабила давлат курганда ўз этник номини олдинги планга олиб чиққанидан дарак беради. Хитой йилномаларида «Тангри томонидан юборилган Буюк Тукюе (турк империясининг) Билга (доно) хоқони», қадимги турк битиктошларида «Тангридай Тангридан (ҳокимият) топган Турк Билга хоқон» шаклидаги унвон ва сифатларнинг учраши (қаранг: илова V), худди шунга ўхшаб битиктошларда Уйғур хоқонлиги ҳукмдорларига алоқадор «Эл Этмиш Уйғур хоқон» каби иборалар ўрин олиши ҳукмдорларнинг ўзи етишиб чиқкан этник муҳит билан қаттиқ боғланганидан дарак беради.

Шу тариқа, Турк хоқонлигига оид битиктошларда акс этган давлат мафкураларидан бири, хоқонлар қўл остидаги фуқароларига, айниқса, унинг негизини ташкил қилувчи аҳолига нисбатан улар-

<sup>255</sup> Tekin T. Orhon Yazitları... – S. 228.

<sup>256</sup> Müller F. W. K. Ein Doppelblatt... – S. 9.

<sup>257</sup> Смирнова О. И. Сводный каталог... – С. 61.

нинг этник номи билан мурожаат қилғанликлари аён бўлади. Демак, хоқонлар шу тариқа фуқароларнинг эътиборини қозонишга урингандар, айни пайтда, ўз қариндош-урұғларини ҳам шу ном остида бирлаштиришга ҳаракат қилғанлар, деб ҳисоблаш мумкин.

Қадимги турк битиктошларидан маълум бўлишича, хоқонликнинг сиёсий фалсафасининг ядросида аслида битта асосий фикр (тезис) ётарди, у ҳам бўлса «дунё инсонлари жамиятини тузиш», яъни «тўрт томонли / бурчакли» дунёни барпо этиш эди<sup>258</sup>. Унинг мутлақ императиваси (талаби) ҳар бир ҳалқни битта этноста (яъни туркларга / Ашина хонадонига) бўйсундиришга интилиш ва улар устидан ҳукмронлик қилиш (ёки бошқа этнос ҳукмронлигидан (ўз ҳалқини) озод этиш) мақсад қилиб олинган эди. Бошқача айтганда, бунинг асосида муайян бир «жажон давлати қуриш» мафкураси ётарди. Шу боис, барча ҳалқлар ё бошқалари устидан ҳукмронлик қиласди, ё бўлмаса итоатда бўлади. Улар орасида муносабатлар ўрнатиш - бу ҳукмронликни сақлаш учун қураш ёки ундан ҳалос бўлишдир<sup>259</sup>.

### 3. 1. 1. Ҳокимият қонунийлигининг мафкуравий асослари

Марказий Осиёнинг қадимги ҳалқлари давлатчилик анъаналарига кўра, ҳокимиятнинг қонунийлигини исботлаш асосий шартлардан бири ҳисобланиб, ҳокимиятга ҳаққи борлигини асослашга уринган ҳар қайси ҳукмдор муайян бир асос топишга ҳаракат қилған ва бунинг учун турли усул ва воситаларга мурожаат этган. Хоҳ милоддан аввалги асрларда ҳукм сурған Хун империясини олиб қарайлик, хоҳ ундан деярли минг йил кейин барпо этилган Қорахонийлар давлати ёки Мўғуллар империясининг ташкил топиш жараёнларига назар ташлайлик, легитимация масалаларида яқин ўхшашиликка дуч келамиз. Агар хитой манбаларида Хун давлатининг асосчиси Маодунь (\*Баҳодур)нинг муваффақиятларида унинг доимо илохий кучлар томонидан қўллаб-кувватланиб турилиши билан боғлиқ маълумотларни учратсак<sup>260</sup>, мўгул афсоналарида эса Темучин (Чингизхон) туғилишдан олдин ва кейин юз берган воқеалар (илохий нурнинг одам

<sup>258</sup> Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности... – С. 464.

<sup>259</sup> Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности... – С. 464.

<sup>260</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 46, 54, 58.

суратига кириши ва аёл (Алан Гоа)нинг ундан ҳомиладор бўлиши, Темучиннинг панжасида қон парчасини тутган ҳолатда дунёга келиши ва х. к.)<sup>261</sup>. Қорахонийлар сулоласи вакиллари эса ўзларини афсонавий ҳукмдор Афросиёб авлодлари сифатида талқин қилиш орқали Турон<sup>262</sup> ўлласига ҳокимлик қилишга ҳуқуқли эканликларини даъво қилишган<sup>263</sup>.

Хўш, хоқонликнинг ташкил топиши ва ушбу давлат асосчилари-нинг ўз ҳокимият легитимлилигини тасдиқлаши қай тарзда кечган, бу масалада улар қандай воситаларга мурожаат қилишган? Агар хитой манбаларига назар ташласак, уларда нафақат Ашина хонадони билан боғлиқ диний афсоналарга, балки уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳокимииятга даъвогарлигини тасдиқловчи маълумотларга дуч келамиз. Хусусан, хитойча «Чжоу шу» йилномасида ашина турклари билан боғлиқ иккита афсона келтириладики, улардан биринчиси қуйидагича:

«Түкюе (турк)лар Сюнну (Хун)ларнинг алоҳида бир тармоғидир. Хонадон номи Ашина. Даастлаб Хунлардан мустақил бир қабила ташкил қилишади, аммо кейинчалик қўшни қабила босқинига дуч келишади. Ўн ёшли бир боладан бошқа қабила аъзоларининг барчаси қиличдан ўтказилиб, йўқ қилинади. Душман жангчилари боланинг анча ёш эканини кўриб, уни ўлдиришга кўнгиллари бўлмайди. Охир-оқибатда унинг оёкларини кесиб, усти ўтлар билан копланган бир ботқоқликка ташлаб кетишади. Ботқоқликнинг ичидаги урғочи бўри бор эди, у болани гўшт билан бокди. Шу тарика, бола вояга етди, урғочи бўри билан алока килди ва бўри ҳомиладор бўлди. Қўшни давлатларнинг ҳукмдори ўсмирнинг ҳалигача соғ эканидан хабар топгач, уни ўлдириш ниятида ўз одамларини қайтадан ўша ерга жўнатди. Ботқоқликка келганлар ўсмирнинг ёнида урғочи бўрини кўргач, уни ҳам ўлдиришни ислашди. Шу боис урғочи бўри Гаочан (Турфон) давлатининг шимолида жойлашган тоққа<sup>264</sup> қочиб, яширинди. Ушбу тоғда бир фор бор бўлиб, унинг ичи-

<sup>261</sup> Рашид-ад-дин. Сборник летописей. Том I. Книга первая. Перевод с персидского Л. А. Хетагурова. – М.-Л., 1952. – С. 63–65.

<sup>262</sup> Туron – ибтидоси то Авесто яратилган даврларга бориб тақалувчи ушбу топоним ўша даврда Марказий Осиёнинг катта бир қисми учун бирлаштирувчи ҳам, географик, ҳам сиёсий атама эди (Камолиддин Ш. С. Древнетюркская топонимия... – С. 10–13).

<sup>263</sup> Hunkan S. Türk Hakanlığı (Karahanlılar). – İstanbul, 2007. – S. 75–80.

<sup>264</sup> «Бэй ши» йилномасида бўрининг душманлардан қочиши воқеаси бошқачароқ тарзда келтирилади: «Ўшанда гўёки илохий бир борлик урғочи бўрини Ғарбий денгиз (Каспий ёки Орол)нинг шарқига отган эди; бўри Гаочан (Турфон) давлатининг шимоли-гарбига келиб тушди» (Liu Mau-Tsai. Çin kaynaklarına göre Doğu Türkleri.

да ўтлар билан қопланган кенг бир водий бор эди... Урғочи бўри у ерда ўн нафар ўғил дунёга келтириди. Ўғлонлар вояга етгач, фордан чиқиб ташқаридағи аёллар билан турмуш қуришди, улар кўп микдорда бола дунёга келтиришди. Ҳар насл ўзига бирор ном танлашди, улардан бир ўзига Ашина исмини олди. Унинг болалари билан болаларининг болалари кўпайишиди ва юзлаб оиласи ташкил қилдилар. Бир неча авлоддан кейин жуан-жуанларнинг тобелигига ўтиб, уларга хизмат килиш учун фордан ташкарига чиқишиди. Кин-шан (Олтой)нинг жанубий этакларида яшай бошлишди ва жуан-жуанларнинг хизматида темирчи уста юмушини бажардилар. Кин-шан тоги дубулгага ўхшар эди. Улар дубулғани *Тукюе* деб аташганликлари сабабли ўзларига *Тукюе* (турк) деган ном кўйдилар»<sup>265</sup>.

Хитой йилномаларида ашина туркларининг келиб чиқиши билан алоқадор иккинчи афсонанинг ҳам юқорида ривоятга ўхшаб кетадиган тарафлари бўлса-да, баъзи фарқлиликлари ҳам кўзга ташланади. Яъни:

«Бошқа бир афсонага кўра, *Тукюе* (турк)ларнинг аждодлари Сюнну (хун)ларнинг шимолида жойлашган Со<sup>266</sup> давлатига бориб тақалади. Урғбоши, ўн етти инига соҳиб Апанпу эди; бир урғочи бўри томонидан дунёга келтирилган иниларидан бирининг исми Ичи Нишиту эди. Оға-иниларининг барчаси, Апанпу ва бошқа эрқак биродарларининг барчаси баъдан аъзолари нуқсонли ҳолда туғган эдилар. Охир-оқибат уларнинг давлати (бошқалар томонидан) босқинга учраб, тор-мор бўлди ва таназзулга юз тутди. Факат бир пари Ичи Нишитуни сақлаб колиб, уни шундай кобилиятга эриштирдики, у ёмғир ёғдира олар, шамол эстиришга кодир эди. У икки аёлга уйланди. Ривоятга кўра, улардан бири ёз тангрисининг, иккинчиси эса киш тангрисининг кизи эди. Улардан бири тўрт ўғлонни дунёга келтириди. Ўғлонлардан Çeviri E. Kayaoğlu, D. Banoğlu. – İstanbul, 2006. – S. 14, n. 17).

<sup>265</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 220–221; Liu Mau-Tsai. Çin kaynaklarına göre Doğu Türkleri... S. 13–14

<sup>266</sup> Со давлати – баъзи тадқиқотчиларга кўра, сянби қабиласи илк ватанининг эски номи бўлиб, Хитойдаги *Toba* (Табғач) сулоласи сянбиларга бориб тақалади, бу эса *Тукюе* (турк)ларнинг келиб чиқиши Сянбилар билан алоқадор эканини кўрсатади (Liu Mau-Tsai. Çin kaynaklarına göre... – S. 14). Бошқа бир гуруҳ тадқиқотчилар эса ушбу атама замонавий хитой тилида “Со-го” деб ўқилса-да, аслида «Сак давлати» деган маънени билдиришини таъкидлайдилар. Ашина билан боғлиқ ривоятлардан биринчисида ушбу қабиланинг илк вакиллари Олтой тоғининг жанубига Ғарбий денгиз, яъни Каспийбўйларидан келганига доир ишоратлар борлиги, бу эса уларнинг келиб чиқиши қадимий Сак қабилаларига бориб тақалишини кўрсатишни игари сурган мазкур фикр тарафдорлари ушбу маълумотнинг иккинчи афсонадаги «*Тукюе* (турк)ларнинг аждодлари ... Со давлатига бориб тақалади» шаклидаги маълумот билан ҳамоҳанг келишига дикқат қаратадилар.

бири оппоқ оккүшга айланди. Бошқа бири *A-фу* (Абакан) билан *Киен* (Кем/юкори Енисей) дарёси орасидаги худудда давлат қурди. Ушбу давлатта *Кику* (Кирғиз) номи берилди. Учинчи ўғли *Чу-чи* дарёси (Енисей) ҳавзасыда хукм сурарди, тұртінчиси эса *Тсиең-ссе Че-ши* (Фарбий Саян) тоги этакларыда яшар эди. Бу тоғнинг тепасыда *Ананту* қабиласыннинг бошқа тармоқлари яшар эдилар. У ерларда хаво жуда совуқ бўлганидан, ўғлонларнинг энг каттаси қабила мансубларининг исиниши ва ҳәётда қола олишлари учун олов ёқар эди. Шу тарика тирик қолишга муваффақ бўлишди ва энг катта ўғлонни бошлиқ тайнинлашиб, унга *Тукюе* (турк) номини беришди. У *Натули шад* эди. Натулининг ўнта хотини бўлиб, ўғиллари оналари мансуб қабила номини олишган эди. *Ашина* унинг кичик хотинидан<sup>267</sup> ўғли эди. Натулининг вафотидан кейин ушбу ўн она ўғилларидан бирини унинг ўрнига танлаши лозим бўлди. Аёллар карор қабул килиш учун бир оғочнинг остида йиғилишди. Ораларидаги келишувга кўра, оғочда ким энг юксакликка сакрай олса, ўша ўғлон қабиланинг бошлиғи бўларди. Ашинанинг ўғли уларнинг ичидаги энг кичкинаси бўлса ҳам энг юксакка сакради. Шу тарика колган ўғлонлар уни раис деб, эълон килишди. У ўзига *Асян шад* унвонини танлади... Асян Шад-нинг невараси *Ту-мин* (Туман) эди<sup>268</sup>.

Гарчи хоқонлик асосчиларининг аждодлари ва уларнинг ҳукмдор бўлишининг қонунийлиги (легитимлилик) билан боғлиқ афсоналар бошқа тиллардаги манбаларда хитой йилномаларичалик бевосита бўлмасада, билвосита даражада акс этган. Хусусан, «Ўғузнома»да Туман образи учраб, у билан боғлиқ достонда келтирилган ривоятлар мазмунидан унинг ўз сулоласига асос соглани англашилади<sup>269</sup>. Шунингдек, Абу Райхон Беруний ўзининг «Хиндистон» асарида Кобулда жойлашган бир тоғдаги гордан чиқиб, ўз сулоласини барпо қилган кишининг турклардан бўлганилигини ёзди ва сулола номини Бархатекин шаклида келтириб, у билан боғлиқ маҳаллий аҳоли орасида мавжуд бўлган ривоятларни баён қиласиди<sup>270</sup>. С. Г. Кляшторный Беруний келтирган ривоят VII–IX асрларда Кобул ва унинг атрофларида ҳукмронлик қилган Кобул Тегин-шоҳлари сулоласи-га тегишли эканини, ушбу сулола келиб чиқиши жиҳатидан Турк

<sup>267</sup> «Чжоу шу» йилномасида ушбу маълумот «Ашина (Натулининг) ғайриконуний муносабат ўрнатган маъшуқасидан туғилган ўғли эди» шаклида келтирилади (Liu Mau-Tsai. Çin kaynaklarına göre Doğu Türkleri... S. 16).

<sup>268</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 221; Liu Mau-Tsai. Çin kaynaklarına göre... S. 15–16; Taşağıl A. Gök-Türkler. I... – S. 11.

<sup>269</sup> Togan A. Zeki Velidi. Oğuz Destanı. – İstanbul, 1972. – S. 56–62.

<sup>270</sup> Абу Райхон Беруний. Ҳиндистон // Танланган асарлар. II жилд. – Т., 1965. – Б. 311–312.

хоқонлигига, аниқроғи, хоқонликнинг асосчи хонағони Ашинага бориб тақалишини таъкидлаб, ушбу ривоят хитой манбаларида келтирилган бўри сиғинган тоғдаги гор билан боғлиқ афсонанинг бошқа бир варианти эканини ёзади<sup>271</sup>. У ўз фикрига Барахтекин атамасининг биринчи қисми *Барах* туркий тилларда «бароқ ит» деган маънени билдиришини ва ушбу сўз аслида бўри билан боғлиқ эканини далиллардан бири сифатида келтиради.

Марказий Осиёда кўчмандилар томонидан барпо этилган бир қатор давлатларда бўлгани каби хоқонликда ҳам ҳокимиятнинг илохий эканига ишониларди. Хусусан, У. Туроннинг таъкидлашича, туркий ҳокимиятнинг келиб чиқиши илохийлиги ва хоқонларнинг дунё ҳукмдори эканига бўлган ишонч хорижий ҳукмдорларга юборилган хат (нома)ларнинг бошланғич формуласида янада қатъйроқ кўзга ташланади. Дарвоке, турк хоқони Ишбара (581–587) куч-кудратга эришган пайтида Хитой императорига ёзган мактубини «Тангри томонидан юборилган (ёки самода туғилган) Буюк Тукюе (турк) империясининг доно хоқони Шаболо (Ишбара)» формуласи билан бошлаган бўлиб, бу битиктошларда ўрин олган унвон ва сифатларнинг айнан такрори эди. Тарду хоқон эса 598 йилда Византия императори Маврикийга юборган мактубида ўзини «дунёдаги етти иқлиминг эгаси ва етти ирқнинг хоқони» деб атаганди<sup>272</sup>.

Аслида, жаҳоншумул ҳокимият ҳақидаги тасаввурлар қадимги турк ёзма обидаларидан Кул Тегин ва Билга хоқон битиктошларининг бошланмасида ўрин олган «Тангридай Тангри яратган Турк Билга хоқон сабим (сўзим)» жумлаларида яққол ўз ифодасини топган<sup>273</sup>. Шарқий хоқонликдаги каби Фарбий хоқонлик мафкурасида ҳам Тангричилик эътиқоди доимо устунлик қилган. Гарчи Тун ябгу-хоқон сингари баъзи хоқонларни «будда динини қабул қилган» мазмундаги қарашлар ёки манбаларда шунга ишора мавжуд бўлсада, уларга танқидий ёндашиш керак бўлади. Сабаби, агар бирор бир хоқон будда ёки тангричиликдан бошқа бир динни давлат мафкураси даражасига чиқарса эди, бу ҳол хоқонлик ҳаётидаги яққол ўзини хис эттира бошлаши керак эди. Ваҳоланки, на битиктошларда, на ўша

<sup>271</sup> Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности... – С. 450–451.

<sup>272</sup> Turan O. Türk Cihan Hâkimiyeti Mefkûresi // TÜRKLER, 2. Cilt. Yeni Türkiye Yayınları, Ankara, 2002. – S. 850.

<sup>273</sup> Turan O. Türk Cihan Hâkimiyeti Mefkûresi... – С. 851.

давр моддий маданиятида бундай изларни күриш мушкул.

Қадимги хитойликлар Хитойни Чжун-го – «үрталиқ (марказий) давлат» деб аташарди. Яъни улар Хитойни Ернинг ўрта мавқеида жойлашган деб хисоблардилар. Шунга ўхшаш хоқонлиқда ҳам Ашина хонадони курган давлат дунёнинг маркази дея билинарди. Битиктошлардаги «*устта осмон, пастда ер яратилганда улар орасида инсон болалари яратилган, инсон болалари устидан ота-боболарим Бумин ва Истами хоқон бўлган, тўрт томонга қўшин тортган*»<sup>274</sup> каби сатрлар буни тасдиқлайди.

Давлатчилик концепциясига кўра, хоқонлиқда ҳам қўшнилари бўлмиш Тан Хитойи ва Сосонийлар Эронидаги каби ҳукмдор эга бўлган ҳокимият илоҳий бўлиб, у *Тангри* – «Осмон» томонидан хоқонга тақдим қилинади деб билинар эди. Жумладан, Хитой – императори ўз ҳокимиятини муқаддас *Тянь* – «Осмон» томонидан берилган деб ҳисоблаб, ўзини унинг ўғли тарзида *Тянь-цзи* – «Осмон ўғли» деб юритарди. Худди шундай Сосоний шаҳаншохлар ҳам ўзларига ҳокимиятни зардуштийларнинг бош худоси Ахурамазда берган деб талкин қиласар эдилар<sup>275</sup>. Турк хоқонлигининг бош ҳукмдорлари – хоқонлар ҳам гарчи ушбу икки империянинг концепциясини айнан такрорламасалар-да, мазмунан уларга яқин мафкурага эга эдилар. Яъни битиктошларда уқтирилгани каби хоқон – «Тангри ёрлақагани учун, ўзининг қути/бахти борлиги учун давлатни тутиб туарар»ди. Битиктошда Билга хоқоннинг ўғли ўзини «Тангридек/ Осмондек тангрида (кут) топган Турк Билга хоқон» дея таърифлайди<sup>276</sup>. Учала давлат ҳам империал характерда бўлганликлари учун ўз ҳокимиятини вассал ҳукмдорларга тақсимлашни лозим топмас ва ўзини ҳар доим улардан юқори деб билар эди.

Турк хоқонлигига ҳукмдорларнинг вазифаларидан бири хоқонлик расмий тарихнавислигининг ilk намуналаридан бўлмиш суғдий тилли Бугут битиктоши (588 й.) 4, 17- сатрларида таърифланганидек, «*улар бутун дунё ҳалоскорлари / дунёдаadolat ўрнатии*» ва «*халқни фаровон яшатии*» эди<sup>277</sup>. Худди шу мақсадда ёзилган

<sup>274</sup> Tekin T. Orhon Yazitları... – S. 38–39.

<sup>275</sup> Периханян А. Г. Общество и право Ирана в прафянский и сасанидский периоды. – М.: Наука, 1983. – С. 129–139.

<sup>276</sup> Tekin T. Orhon Yazitları... – S. 78–79.

<sup>277</sup> Кляшторный С. Г., Лившиц В. А. Согдийская надпись из Бугута // СНВ. –

қадимги турк битиктошларида ҳам шу тариқа иборалар учрайди; «*буудун бўғзи тўйқ эрди*», «*тўрт томонга қўшин тортиб, ... тартиб га согланлар*» ва ҳ. к.

Дунёни тўрт томондан иборат деб талқин қилиш ўша даврда кўплаб халқларда кенг тарқалган тушунча эди. Қадимги туркларнинг ўз давлатини «дунё маркази», «жаҳоншумул давлат» деб билишига ўхаш концепциялар йирик империяларга асос солган бир қатор халқларда, айникса, Марказий Осиё миңтақасига қўшни ҳудудларда яшайдиган баъзи этнослар орасида ҳам мавжуд эди. Шу билан биргаликда, туркий этнослар томонидан барпо этилган салтанатларни, хусусан, Турк хоқонлигини нафақат ушбу давлатга асос солган туркийлар, балки хоқонликка қўшни ҳудудларда яшовчи халқлар ҳам йирик «оламшумул» давлат сифатида эътироф этишган. Маълумки, бу даврда Евроосиёдаги геосиёсий жараёнлар ундаги тўрт империя: Византия, Сосонийлар Эрони, Турк хоқонлиги ва Хитойнинг дастлаб Суй, сўнгра Тан сулолалари билан боғлиқликда кечган бўлиб, бундай вазият ўша давр ёзма манбаларида акс этган «*жаяхон подшоликлари*» концепциясида янада яққолпроқ ўз ифодасини топган<sup>278</sup>. Асосан, Шарқ халқларида кенг тарқалган ушбу концепциялар асосида албатта тарихий ҳақиқатлар ётарди. Бир қатор тадқиқотчилар фикрича, Шарқ VI асрдаётк Турк хоқонлигини дунёнинг тўрт империясидан бири сифатида эътироф эта бошлаган эди. Ўз вақтида бу масалага эътибор қаратган В. В. Бартольд шундай ёзганди: «Ушбу ҳодисалар асосида буддавийларга хос дунёдаги тўрт монархияғояси ётган бўлиб, улар дунёнинг тўрт ўлкаси: жанубда филлар салтанати (Хиндистон), гарбда жавоҳиротлар подшоси (Эрон), шимолда отлар подшоси (Турк хоқонлиги) ва шарқда одамлар подшоси (Хитой) эди... Хитой расмий тарихларига кўра, империализмнинг жаҳоний синтези исломдан аввалги Зарафшоннинг Кушония (Самарқанддан гарбдаги) мавзесида ўз ташқи ифодасини топган эди, қайсики, бу ергаги бино деворларининг бирида хитой императорлари, бошқасида турк хонлари ва хинд брахманлари, учинчисида эса форс шоҳлари ва Рим императорлари акс эттирилганди»<sup>279</sup>.

---

Москва, 1971. – Вып. 10. – С. 140, 143.

<sup>278</sup> Хатамова М. Турк хоқонларининг Чоҷдаги кароргоҳлари: Жабгуват ва Хотункат // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 2009. – №1. – С. 3.

<sup>279</sup> Бартольд В.В. Работы по истории Ислама и Арабского халифата // Сочинения. 106

Мўғул империясининг давлат мафкурасини тадқиқ қилган россиялик тарихчи В. В. Трепавлов кўпчилик тарихчилар томонидан таъкидланган «Хунлар, Турк хоқонлиги ва мўғулларда мавжуд бўлган хоқоннинг Осмон билан алоқадорлиги ҳакидаги қарашларини Хитойга хос «Осмон ўғли», «Самовий мандат» доктринасидан олган» мазмунидаги фикрларни<sup>280</sup> рад қиласди. Тадқиқотчининг таъкидлашича, ушбу фикр тарафдорлари ўз нуқтаи назарларига қониқарли бир далил ёки асос келтириша олмаган бўлиб, О. Латтимор ва К. Сираторилар томонидан билдирилган «Хунларларнинг шанюйи Хитойга «тянь-цзи хуанди» («Осмон ўғли-хукмдор») формуласини нусха қилиб, ўзлаштириб олган шаклдаги қарашнинг ўзиёқ тарихий изоҳ талаб қиласди. Унинг фикрича, илк Хитой империяси ўлароқ «Осмоннинг ўғли, хукмдор-император» лавозимини жорий килган Чин сулоласидан бор-йўғи 18 йил кейин ташкил топган Хун давлати қандай қилиб ушбу унвонни ўзлаштириши мумкин. Чунки кучли мафкуравий таъсир учун бу муддат жуда камлик қиласди.

Хитой давлати, ҳам дашт давлатлари ҳам, ўзаро ўзларининг у ёки бу фарқлиликларини аниқ-тиниқ идрок этишган. VII асрда Шарқий Турк хоқонлиги йиқилгач, Тан императорига очиқчасига хоқонлик тахти таклиф қилинганида император рад жавобини бериб, шундай деган «Мен Осмоннинг Буюк Танинг ўғлимани, бундан ташқари, хоқоннинг шиларини мен ўз зиммамга ололмайман»<sup>281</sup>. Шунга ўхшаш кайфият Буюк Хитой деворидан шимолда хукмронлик қилган дашт хукмдорларида ҳам мавжуд бўлган<sup>282</sup>. Хитой империясига хос тартиб-қоидалар, хукуқий ва мафкуравий тушунчалар турк хоқонлари учун номақбул бўлиб, хитой маданияти турк фуқаросининг маромини бузиши (дестабилизация)дан хавфсирад эдилар<sup>283</sup>.

В. В. Трепавловнинг ушбу фикрларига кўшилган ҳолда шуни айтиш мумкинки, истисно тариқасида хитой императорларидан бири Тай Цзун (626–649) 630- ийларда Турк хоқонлиги парокандалик-  
T. VI. – Москва, 1966. – С. 216.

<sup>280</sup> Бернштам А. Н. Согдийская колонизация Семиречья // Краткие сообщения о докладах и полевых исследованиях института истории материальной культуры. – М. -Л., 1940. – №6. – С. 70.

<sup>281</sup> Трепавлов В. В. Государственный строй Монгольской империи ... – С. 71–72.

<sup>282</sup> Трепавлов В. В. Государственный строй Монгольской империи ... – С. 72.

<sup>283</sup> Трепавлов В. В. Государственный строй Монгольской империи ... – С. 72.

ка учрагач, хитой генераллари томонидан унга «Самовий хоқон» (Tian kehan) унвонини қабул қилишни таклиф этадилар. Шу тариқа у турклар устидан ўз ҳокимиятини ўрнатиши мумкин эди. Тай Цзун ушбу таклифни қабул қиласы. Бу ҳодиса туркларнинг хитой императорини ўз ҳукмдорлари сифатида тан олишига имкон беради. Тай Цзун ушбу қароридан норози бўлгандарга у шундай жавоб беради; «Қадим вақтлардан бери императорлар хитойликлар томонидан қадрланар, кўчманчилар томонидан эса бунинг акси эди. Фақат мен уларни тенг кўраман. Бу эса улар томонидан мени ўз оталаридек кўришига олиб келди». Демак, императорларнинг туркларга хос одатларни қабул қилиши хитой саройи томонидан яхши кутиб олинмаган. Шунингдек, Тай Цзуннинг бошқа хитой императорларидан фарқли равишда кўчманчи ҳукмдорларга хос «Тангри хоқон» унвонини олиб, ўзини «тўрт тарафдаги хорижий ҳалқларнинг ҳукмдори» сифатида эълон қилишига яна бир сабаб сифатида унинг ўзи келиб чиқиши жиҳатидан кўчманчи муҳитга мансублигини ҳам назарда тутиш керак бўлади. Маълумки, Тай Цзун мансуб бўлган Тан сулоласи вакиллари келиб чиқиши жиҳатидан *сянби* қабиласига тақалар эди<sup>284</sup>.

Трепавловнинг фикрларига тасдиқ сифатида битиктошларда туркий амалдорларнинг хитойликларга хос унвон ва исмларни қабул қилиши турк давлати ва жамиятини бузувчи унсур сифатида таъкидланиб, вазир Тунюқуқ томонидан айтилган қуйидаги сўзларни келтириш мумкин; «Турк беклари туркча отни ташлаб, табғач бекларининг табғачча отини қабул қилиб, табғач хоқонига қарам бўлди»<sup>285</sup>. Шунингдек, хитой йилномаларида *Могилян* (Билга хоқон; 716–734) ва вазир *Тунюйгу* (Тунюқуқ) орасида кечган хоқоннинг ўз қароргохи учун қалъя қурдириш ҳамда Будда ва Лао-цзи ибодатхонаси қуриши бўйича мунозараси келтирилган бўлиб, Тунюқуқнинг хоқонга хитой урф-одатларини қабул қилиш турклар учун яхши оқибат олиб келмаслигини тушунтиргани таъкидланади<sup>286</sup>. Ушбу маълумотлар ҳам хоқонликда хитойликларга хос урф-одатлар уларнинг жамияти ва ҳокимияти учун таҳликали экани яхши идрок қилинганидан дарак беради.

<sup>285</sup> Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности... С. 37; Tekin T. Orhon Yazitlari... – S. 41

<sup>286</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 274

### **3. 1. 2. Ҳокимиятнинг илоҳийлиги тушунчаси**

Қадимги турклар тушунчасига кўра, ҳокимият манбаи илоҳий бўлиб, яратувчи *Тангри* (худо) уни толели кишиларга тақдим этар ва улар воситасида ўз бандаларини бошқарарди. Яъни Тангри ўз бандалари устидан бошқарувни тўғридан-тўғри эмас, бирор восита билан амалга оширади, шаклида талқин қилинарди. Қадимги туркйлар наздида ушбу восита эса турк хоқони эди. Хоқонга давлатни бошқариш учун куч-кудрат ва масъулият Тангри томонидан инъом қилинади деб тушунилган бўлиб, шундан келиб чиқсан ҳолда, хоқон ўзини худо томонидан сайланган ва баъзи гайритабиий куч ва қобилияtlар ато қилинган киши сифатида кўради. Хоқон билан боғлиқ худди шу тушунча халқ томонидан ҳам эътироф этиларди.

Тангри томонидан фақат айрим кимсаларгагина «ато қилинадиган» куч ва қобилияtlар қадимги турк битиктошларида шу каби тушунчалар билан ифодаланади:

- а) «Кут» (сиёсий ҳокимият);
- б) «Улуш ва улуг» (қисмат, насиба, пай);
- в) «Куч» (куч-кувват).

Ушбу тушунчалар қадимги турк битиктошларида қўйидаги жумлаларда ўз ифодасини топган:

«Эл/Давлат берувчи Тангри»;  
«Тангри хоқон қилди» (КТб, Ш.: 25–26);  
«Тангри куч бергани учун отам хоқоннинг кўшини бўридай экан, ёғийси қўйдай экан» (КТб, Ш.: 11);  
«Тангри куч бергани учун ўша ерда биз янчдик, енгдик» (КТб, Ш.: 32–33);  
«Тангри билим бергани учун мен ўзим хоқонни тайинладим» (Тб, 5–6);  
«Тангри шундай депти, шубҳасиз: «Хон бердим, хонни ташлаб кетиб, (Хитойга) бўйсундинг. Бўйсунганинг учун, Тангри «ўл (йўқ бўл)» деган» (Тб, 2–3) ва х. к.<sup>287</sup>

**а) Кут.** Қадимги туркчада «қут-барака, баҳт-саодат» маънолари-

<sup>287</sup> Mori M. The T’u-chüeh Concept ... – Р. 50–58; Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 71, 77, 101–111, 126.

да күлланилган<sup>288</sup> қут сўзи илоҳийлик касб этиб, битиктошларда асосан сиёсий ҳокимиятга алоқадор равишда учрайди. Битиктошлардан маълум бўлишича, Тангри «кут» ато этиш орқали хоқонни «бошқариш/хукм этиш ҳамда хукмдорлик кучи ва ваколати», яъни «сиёсий ҳокимият» эгаси қиласр эди<sup>289</sup>. Хоқон Тангридан олган сиёсий ҳокимият воситасида дунёнинг тўрт тарафидаги халқлар устидаги хукм юргизиш ҳуқуқига эга эди<sup>290</sup>. Бу тушунча битиктошларда қуидагича ифодаланган:

«Олдинга кун чиқарга, ўнгга жанубга, орқага кунботарга, чапга шимолгача бўлган ерлардаги халқ(лар) менга (Билга хоқонга) қарайди. Шунчак халқни мамнун килдим. Улар энди (хечам) ёмон ахволда эмаслар» (КТб, 2-сатр; БХб, 2)<sup>291</sup>.

**б) «Улуш ва улуг (насиба)».** Ушбу сўзлар қадимги туркча «улашмоқ, тарқатмоқ» маъносидаги «уламақ» ёки «улашмақ» феълларидан шакланган от (исм) бўлиб, «улуш, пай, ҳисса, насиба, қисмат» каби умумий маъноларни беради. Тангри «улуг ва улуш» инъом қилиш орқали ўлкада мўл-кўлчилик ва баракатни ортиради. Натижада хоқон Тангри инъоми туфайли «иктисодий куч»га ҳам эга бўлар ва бу кучни халқ фойдасига ишлатарди. Яъни қўлида тўпланган моддий бойликни одилона шаклда халққа тарқатарди. Бошқача қилиб айтганда, Тангри хоқонга халқ учун «оталик» масъулиягини юкларди. Битиктошларда хоқоннинг бу вазифалари Билга хоқон тилидан шу тариқа ифодаланган:

«Тангри ёрлақасин! Кутим (бахтим) борлиги учун, улугим (насибам) борлиги учун ўлаётган халқни тирилтириб тарбият килдим. Ялангоч халқни кийимлик килдим, камбағал халқни бой қилдим, оз халқни кўп қилдим»<sup>292</sup>.

<sup>288</sup> Абдурахмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 107.

<sup>289</sup> Кумеков Б. Е. Об общем и особенном в развитии тюркской степной цивилизации // Journal of Turkic Civilization Studies. No. 1. – Bishkek, 2004. – С. 89–90.

<sup>290</sup> Koca A. Eski Türklerde Devlet Geleneği ve Teşkilati // TÜRKLER, 2. – Ankara, 2002. – S. 828.

<sup>291</sup> Абдурахмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 107.

<sup>292</sup> Абдурахмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 107; Tekin T. Orhon Yazitları... – S. 57.

Ёзма манбалардан маълум бўлишича, хоқонликда исён ва ғалаёнлар хоқонларнинг ўз зиммасидаги ушбу вазифаларни бажара олмаган, яъни иқтисодий ҳаётни яхшилай олмаган пайтда келиб чиқкан ва бу ҳолат хоқоннинг «улугсиз» (насибасиз)лиги туфайли деб талқин қилинганд<sup>293</sup>. Пировардида хоқон ўз ҳокимиятидан исёнлар натижасида четлаштирилган.

Хоқонликда қадимги турк анъаналарига кўра, мамлакат ҳукмдор супола вакилларининг умумий мулки ҳисобланган бўлиб, шу асосда улуши, яъни «хисса ажратиш» (пай) амалга оширилган<sup>294</sup>. Бу эса хоқонликда асосчи хонадоннинг меросга эгалик масаласида оила ҳуқуқидан ажралмаганидан дарак беради.

**в)** «*Куч*». Тангри томонидан берилган «куч» воситасида хоқоннинг жангдаги қобилияти ортади деб тушунилган. Хоқоннинг жангларда ғалаба қозониши ҳам яратувчининг лутфи сифатида қаралган бўлиб, бу ҳолат битиктошларда шу тариқа ифодаланади:

«Тангри куч бергани учун отам хоқоннинг кўшини бўридай экан, ёгийси кўйдай экан» (КТб, Ш.: 11);

«Тангри куч бергани учун ўша ерда биз янчдик, енгдик» (КТб, Ш.: 32–33)<sup>295</sup>.

Бу ҳолат хитой йилномаларидаги маълумотларда ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, унга кўра, хоқонлар ғалабадан сўнг от ёки кўй сўйиб қурбонлик қилиш орқали Тангрига ўз миннатдорчиликларини изхор қилишарди<sup>296</sup>.

Асоси «Тангри инояти» билан боғлиқ ҳолда тушунилган бу тарздаги ҳокимият шаклига социология фанида «харизматик ҳокимият» ибораси ишлатилади. Шу тариқа, қадимги туркий давлатлардаги ҳокимият типлари ҳам «харизматик» хусусият касб этиди. Ҳокимияти бундай тушунчча билан йўғрилган бўлишига, яъни хоқон Тангри томонидан баъзи ғайритабиий куч ва қобилиятларга эга қилинганд деб тушунилишига қарамай, қадимги турк жамияти-

<sup>293</sup> Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 103.

<sup>294</sup> Togan İ. Türk Tarihinde Uzlaşmacı: Ruhaniyat-Siyaset ve Boy-Devlet İlişkileri // Үчүнчү миң жылдыктын босогосунда турк цивилизациясы. Эл аралык илимий конгресстин материалдары. 2–3– октябрь, 2000, Бишкек. – Бишкек, 2003. – S. 300.

<sup>295</sup> Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 105.

<sup>296</sup> Liu Mau-Tsai. Çin kaynaklarına göre Doğu Türkleri... S. 23.

да хукмдор ғайритабиий борлық ҳисобланмаган. Яъни Олд Осиё-нинг айрим қадими хукмдорларига ўхшаб турк хоқонига «худо-қирол» сифатида қаралмаган<sup>297</sup>. Хоқоннинг бошқа одамлардан фарки фақатгина унинг илохий инъом олганида эди. Ҳокимиятининг Тангри томонидан берилганига ишонган турк хоқони ўзини доимо ҳокимият манбаига масъулиятли, деб биларди. Бундан ташқари, хоқон ўзини ёзилмаган қонун моҳиятидаги «Турк тўруси / тўраси» олдида масъулиятли ҳис қиласр эди. Хоқон, асосан, бутун ижро ва фаолиятларини «тўра»га мос равишда юритишга мажбур эди. Бундан кўринадики, хоқоннинг ҳокимияти фақатгина «илохий» бўлиб қолмай, айни пайтда «қонуний бир асос»га суюнар эди. Битиктошларда учрайдиган кўйидаги сатрлар бунга мисол бўла олади:

«Отам хоқон вафот этганда мен саккиз ёшимда қолдим. У (замондаги) қонунга кўра амаким хоқон бўлиб тахтга ўтирди» (БХб, Ш.: 14)<sup>298</sup>.

Бошқа томондан эса қадимги турк ҳокимият тушунчасига кўра, Тангри фақат сиёсий ҳокимиятни бериш эмас, уни қайтариб олиш курдатига ҳам эга эди. Тангрининг ушбу кучи турк хукмдорлари устидан ҳамиша сиёсий босим воситаси бўлиб келган. Шу боис, турк хукмдорлари Тангри берган сиёсий ҳокимият – иқтидорни кўлларида тутиб тура олиш учун бошқарувда доимий равишда муваффақиятли бўлишга мажбур эдилар. Яъни хоқонлар фақатгина хукмдорликка лойик бўлган муддатда ўз ўрнида қола оларди. Акс ҳолда эса, Тангридан берилган сиёсий иқтидор/ҳокимият (қут) яна Тангри томонидан қайтариб олинар эди. Масалан, II Шарқий Турк хоқонлиги хукмдори Қапған хоқон (691–716)нинг ўғли Инал хукмдорлик вазифаси ва масъулиятларини бажара олмаган, бошқарувда ноқобил ва жангларда муваффақиятсиз бўлгани учун амакиваччалари Билга ва Кул Тегинлар томонидан 716 йилда «қут тапламади», яъни «қут ундан мамнун бўлмади» дея тахтдан туширилади ва ҳокимиятдан узоқлаштирилади<sup>299</sup>.

Қадимги туркий давлатларда тож бошдан бошга ўтаркан, илохий

<sup>297</sup> Koca A. Eski Türklerde Devlet Geleneği... – S. 828

<sup>298</sup> Абдураҳмонов Ф., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 105; Tekin T. Orhon Yazitlari... – S. 67

<sup>299</sup> Koca A. Eski Türklerde Devlet Geleneği... – S. 828

инъом бўлмиш «қут» (сиёсий иқтидор/ҳокимият) бошқарувчи хонадон аъзолари орасида биридан иккинчисига қон йўли билан ўтарди. Фақат Тангри хонадон аъзолари орасида сайлаш ва танловни фақатгина биттаси фойдасига ишлатади дея талқин қилинарди. Ушбу сайлаш ва танлов кўп ҳолларда энг лойик ва қобилиятли хонадон аъзосига насиб қиласиди. Тангри иродасининг хонадон аъзоларидан қайси бири устида экани эса фақатгина тахт учун амалга оширилган курашлар натижасида аниқ бўларди. Шу сабабли қадимги турк давлатларида тахтга ворислик ҳуқуқи, сўнгти даврлар истисно қилинса, ҳеч бир вақт муайян тартибларга боғланмаган<sup>300</sup>. Бунинг табиий натижаси ўлароқ эса, хонадон аъзолари орасида тахт ғавғолари доимо бўлиб турган ва гўёки қонуний бир воқеа каби тезтез тақрорланган. Ҳатто ҳукмдор ҳаётда экан шаҳзодалардан бирини ўзига валиаҳд тайинлаши ҳам бошқа шаҳзодаларнинг тахт учун интилишларини тўхтатиб қола олмаган. Чунки валиаҳдан ташқари деярли барча шаҳзода ўз ҳаққининг қўлдан чиққани туйғусига берилган ҳолда, тахт учун курашиш ҳаракатини бошлаб юборарди.

Ҳам тахт даъвогарларининг, ҳам уларга ёрдам берувчи гурухларнинг тинчланиши эса, фақатгина тахт ғавғоси натижасида бўлса-да, ҳокимият тепасига моҳир ва қобилиятли хонадон аъзосининг келиши билан йўлга кўйилиши мумкин эди. Фақат нима бўлган тақдирда ҳам хонадоннинг бошқа аъзолари сиёсий эҳтиросларини жиловлай олмас, ўзлари учун қулай фурсат топган пайтда тахт учун курашиш ҳаракатини бошлаб юборардилар. Баъзан хонадон аъзолари, ҳам ташқаридан, ҳам ичкаридан дастак топар ёки ташвиқларга учарди. Бундай ҳолатларда кураш борган сари чукурлашиб, узоқ йиллар давом этган ички низоларга айланарди. Охир-оқибатда давлат заифлашиб, парчаланиш ва чўкиш ҳолатига тушарди.

Хоқонлик давлат ташкилотининг асосида қадимги туркларнинг самовий (космогоник – дунёнинг яратилиши) тушунчаси ётарди. Бошқача қилиб айтганда, қадимги турклар ўз давлатларини дунёнинг яратилиш тартибига мос равишда шакллантирган эдилар. Қадимги турк космогоник тасаввурлари битиктошларда шу тариқа акс этган:

---

<sup>300</sup> Koca A. Eski Türklerde Devlet Geleneği... – S. 829.

«Юкорида күк осмон, пастда қўнгир ер яратилганда иккисининг ўртасида киши ўғли (инсон боласи) яратилган. Инсон (болалари) устидан ота-бобом Бумин хоқон, Истами хоқон (тахтга) ўрнашганлар. (Улар тахтга) ўрнашиб, турк халқининг давлатини, тўра (конун)ни тутиб турғанлар, тартибга согланлар»<sup>301</sup>.

Ушбу сатрлардан аён бўладики, «осмон ва ер юзи», яъни бутун дунё турк давлатининг маконини ташкил этган. Қадимги турк хоқонлари эса жаҳоншумул (*универсал*), яъни бутун дунёning хукмдори ҳисобланган<sup>302</sup>. Ҳеч қандай айирмачилик қилинмасдан бутун инсонлар (*киши ўғли*) уларнинг халқи деб тушунилган. Туркий хукмдорлар сиёсий иқтидор (*құт*)ни тўғридан-тўғри Тангридан олади, деб талқин этилиб, илоҳий инъом восьитасида хукмдорига ўтадиган сиёсий иқтидор ҳокимият юқоридан пастга тўғри тушиши ва ер юзига тушгач, иккига ажralган ҳолда ўнг ва сўлга қараб, яъни шарқ ва ғарб йўналишида ёйилиши ҳақидаги тушунча мавжуд эди. Шу тариқа қадимги туркий давлатларда ўлка, халқ, сиёсий ташкилот ва маъмуриятлар, асосан «**шарқ-ғарб, ўнг-сўл, ички-ташқи, оқ-қора, катта-кичик**» шаклида иккига тақсимланар эди. Булар ичida «**шарқ**», яъни сўл томон доимо устун ҳисобланарди. Бошқача айтганда, ҳокимият ва устунлик шарқ томонда эди. Ғарб, яъни ўнг томон, шарққа – сўл томонга тобе ҳолатда эди.

Қадимги туркларда кун чиқиши томон муқаддас ҳисоблангани боис хоқон таҳтида шарққа қараган ҳолатда ўтиради. «Ўтоғ»нинг эшиги ҳам шарққа қаратилган бўларди. Хоқон ҳар тонгда «ўтоғ»нинг эшигидан чиққанда муқаддас ҳисобланувчи қуёшга салом берарди<sup>303</sup>.

Давлат бошқарувидаги юқори маъмуриятлар ҳам космогоник хусусиятга эга эди. Улар давлат маконини ташкил қиладиган дунёни «**тўрт томон/бурчак**» (*тўрут булунг*)дан иборат деб билишган. «Тўрт томон» деганда шарқ, ғарб, жануб ва шимол ўлароқ дунёning тўрт асосий тарафлари тушунилган.

<sup>301</sup> Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги турк тил... – Б. 101; Tekin T. Orhon Yazıtları... – S. 38–39.

<sup>302</sup> Koca A. Eski Türklerde Devlet Geleneği... – S. 833.

<sup>303</sup> Koca A. Eski Türklerde Devlet Geleneği... – S. 833.

### 3. 1. 3. Ҳокимият ва ҳукмдорлик рамзлари

Марказий Осиё кўчманчилари, хусусан, қадимги туркийлар талқинича, ҳокимият имтиёзли хонадон – «олтин уруг» вакилларининг ҳаққи эди. Жумладан, Хунларда *Тугу*, Турк ҳоқонлигига ва Хазарларда *Ашина*, Уйғурларда *Яелақар*, Қирғизлар *Ажы*, Печенегларда *Қанғар*, Можорларда *Қабар*, Булғорларда *Дуло* уруғига мансуб хонадонлар ҳокимият тепасида туришган<sup>304</sup>. Ҳар бир ҳукмдор муайян ҳокимият рамзларини қабул қилиб олар ва ўз ҳукмронлиги давомида ундан фойдаланар эди. Шу тариқа ҳукмдор, ҳам мамлакат ичкарисида, ҳам ташқарисида ушбу рамз ва аломатлар орқали эътироф этилар эди. Улар қўйидагича эди: «**от / унвон**» (ҳоқон, ябгу-ҳоқон, ябгу), «**эб/\*ӯтоғ**» (ӯтов/ҳукмдор чодири), **ӯрда**<sup>305</sup>, «**тахт**» (ӯргин, ўрнақ, ўрунлуқ)<sup>306</sup>, «**туғ**»<sup>307</sup>, «**байрок**», «**довул**» (қўбирга), «**жиға**»

<sup>304</sup> Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş... – S. 83; Koca A. Eski Türklerde Devlet Geleneği... – S. 841.

<sup>305</sup> Ўрда / Ўрду – Турк ҳоқонлиги давридан, эҳтимол, Хун империясидан бошлаб то сўнгги ўрта асрларгача мавжуд бўлган туркий давлатларнинг деярли барчасида *ordu* – ўрду ёки ўрда сўзи ҳокимият тизимининг муҳим муассасаси сифатида билинган. Маълум маънода давлатнинг маркази – пойтахт учун ҳам қўлланилган ўрду атамаси том маънода «ҳокимият маркази, ҳукмдор – ҳоқон ўтирадиган маҳсус жой, кароргоҳ» мазмунда эди. Яъни ўрду асосан пойтахт шаҳарнинг ичиди, марказда бўлиши билан биргалиқда, ҳукмдор сафарда бўлган жойда вактинчалик курилган маҳсус жойга нисбатан ҳам қўлланилган.

<sup>306</sup> Истами ябгунинг хузурига элчи бўлиб борган византиялик Земарх унинг товус шаклидаги таҳтта ўтиришини қайд қиласи (Çal H. Orhun Anıtları 2000 yıl kazisi: Karakuş tasvirli Sembolik Lahit // XIV. Türk Tarih Kongresi. Kongreye sunulan bildiriler, III. Cilt. – Ankara 2005. – S. 525, 538). Чоч воҳасида зарб қилинган Ғарбий Турк ҳоқонлиги тангларида ҳоқонликнинг Ябгулик даври (VI аср охиригига чораги – VII аср бошлари)га оид танглар ва Тун ябгу-ҳоқон (618–630) тангларининг баъзи типларида икки томонида арслон ёки барс тасвири бор таҳтда ўтирган ҳукмдор тасвири учрайди (Бабаяров Г. Древнетюркские монеты..., С. 9–10).

<sup>307</sup> Қадимги туркларда ҳокимият рамзи сифатида туғ билан боғлиқ маълумот «Девону луготит турк»да қўйидаги шаклда учрайди; «1. *туғ* – хон хузурида чалинадиган ногора ва довул. Чунончи, хон *туғ* урди дейдилар, хон довул (нофора) қоқди демактир; 2. *туғ* – туғ, байрок. Тўқуз туғелуг хон – тўққиз туғлиқ хон ёки ҳоқон. Қарамоғидаги шаҳар ва ўлкалар ошиб кетса ҳам, туғ тўққиздан оширилмайди. Хоннинг юқори мартабаси тўққиз билан фол қилинади. Бу хон туғлари тўқ сарик рангли шоҳи ёки ипакли матодан қилинади» (Кошғарий, Маҳмуд. Туркий сўзлар девони... III, – Б. 140). Гарчи ушбу маълумотлар Маҳмуд Кошғарий яшаган даврга

(бош кийимга тақиладиган попук), «**камар**» (құр), «**қилич**», «**ёй**», «**ханжар**», «**камчи**», «**тамға**» каби унсурлар<sup>308</sup>. Айниңса, хукмдор яшайдын жой, яғни давлатнинг маркази ҳисобланадын «**ўрда**» (кароргох, пойтахт) хукмдорлик ва ҳокимият аломати эди. Шунингдек, ҳоқон томонидан турли сабаблар туфайли ҳалққа бериладын «**тўй**» (зиёфат)лар ҳам хукмдорлик рамзи ҳисобланарди. Ушбу «**тўй**»лар давлат бошлигининг ҳокимияти ва моддий куч-кудратини намойиш қиласында эди. Тўғрироғи, хукмдорлар «**тўй**»лар воситасида унга ёрдам берган амалдорлар ва ҳалқ учун қанчалик катта фидойилик қила олишини кўрсатиши мақсад қилиб олинарди. Шу боис, «**тўй**»ларга барчанинг, айниңса, бекларнинг мутлақо қатнашиши лозим эди. Чунки «**тўй**»га қатнашиш тўғридан-тўғри ҳокимиятнинг эътирофи ва итоаткорлик маъносини англатарди.

Хоқонликнинг асосий давлат рамзларидан бири – байроқ бўлғанлигини бир қатор манбалар тасдиқлайди. Аввало, Фарбий Турк хоқонлигининг маркази Еттисувдаги коя расмларида байроқ кўтарган отликлар тасвири учраб, тадқиқотчилар улардан бир қисмини Фарбий хоқонликка тааллуқли, деб ҳисоблайдилар (*қаранг: илова VI*, 1)<sup>309</sup>. Ҳокимият тимсолларидан бири байрок бўлгани хионид бўлиб, кўпроқ Қорахонийлар ва Салжуқийлар билан алокадор бўлса-да (Genç R. Karahanlı Devlet Teşkilatı... – S. 94), маълум даражада Турк хоқонлиги давридаги *туғ анъанасига* ҳам тегишли бўлиши мумкин. Чунки “тўққиз” тушунчаси дастлаб Турк хоқонлигига мавжуд бўлиб, кейинчалик турк-мўғул давлатларида кўлланилгани маълум. Турк хоқонлиги давлатчилигини энг кўп ўзлаштирган (давом эттирган) Қорахонийлар даврида ҳам бу анъана мавжуд бўлиб, бош хукмдор – хоқоннинг түғларининг сони 9 донадан иборат эди (Genç R. Karahanlı Devlet Teşkilatı... – S. 95). Турк хоқонлиги даврида туг от, кутос ёки бошқа хайвонларнинг думидан қилинган ва жангчилар уни уруш пайтида найза учларига ёки от эгарига такиб кўйишган (Genç R. Karahanlı Devlet Teşkilatı... – S. 95). Битиктошларда душманни тор-мор қилган маънода *туғин эбиру* – «тўсикни айланаб» ёки «туғини ағдараб» ибораси учрайди (Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 75). М. Моде Афросиёб (Самарқанд) деворий суратларининг фарбий деворида акс этган 11 та түгни Фарбий Турк хоқонлигининг давлат рамзи деб талқин қиласи (*қар. Илова XV*). Унга кўра, ушбу түғларнинг 5 таси Ўн Ўқ қабилалар иттифокига мансуб 5 Дулу қабиласига, 5 таси эса Ўн Ўқларнинг 5 Нушиби қабиласига тегишли, ўргадаги қолган 1 дона түғ эса Ябгу-хоқонга хоқонга оид (Mode M. Reading the Afrasiab Murals: Some Comments on Reconstructions and Details // Royal Nauruz in Samarkand. Ed. Compareti M., de la Vaissière É. – Pisa – Roma, 2006. – P. 110).

<sup>308</sup> Koca A. Eski Türklerde Devlet Geleneği... – S. 829.

<sup>309</sup> Худяков Ю. С. Военное дело Западных тюрков // // Мәдени мұра Культурное 116

той йилномаларидаги баъзи маълумотларда ўз ифодасини топган. Уларда, асосан, Ашина сулоласининг байроби бўри боши тасвири туширилган ҳолатда тасвириланади<sup>310</sup>. Жумладан, 582 йилда хитой-ликлар *Хами* (Кумул)да турган Ғарбий турк ҳукмдори Тардуга бўри бошли байроқни Юан Хуи исмли амалдор орқали яширинча тақдим этгани, уни қабул қилган Тарду Шарқий турк ҳоқони Ишбара (582–587) билан муносабатларини узгани қайд этилади<sup>311</sup>. Шунингдек, Суй сулоласи амалдорларидан бири Лианг Шитоу исён кўтаргач, ўзини волий эълон қилиб Шарқий Турк ҳоқонлиги билан дўстона алоқа ўрнатган чоғда Шиби ҳоқон (609–619) унга бўри бошли байроқ тақдим қилгани ва *Тарду Билга-ҳоқон* унвони билан сийлагани таъкидланади<sup>312</sup>. Хитой лашкарбошиси Су Динфан эса 657 йилда Ғарбий турк ҳоқони Ашина Хэлу (Улуг)нинг қароргохига бостириб киргач, ўн мингга яқин одам билан бирга ҳукмдорлик нишонлари бўлмиш довул, байроқ ва бошқа ашёларни кўлга киритгани йилномларда алоҳида қайд этилади<sup>313</sup>.

Ўша давр удумига кўра, хар бир давлат ёки сулоланинг ўз мафкураси билан алоқадор алоҳида рамзий ранглари бўлган. Айрим тадқиқотчиларга кўра, Турк ҳоқонлигига сарик ёки ок ранг ҳукмдорлик рамзларидан бири эди. Хусусан, унвон ва бошқарув маркази ҳамда ок/сарик ранглар ҳоқонликнинг маънавий рамзлари, бошқа аломатлар эса моддий рамзлари эди<sup>314</sup>. Аслида, кўк ранг қадимги туркларни ифодалаганини тасдиқловчи кўплаб далиллар мавжуд. Жумладан, «Ган шу»да Суғддаги майдага ҳукмдорликлардан бири *Хэ / Гүйшиянни* (Кушания/Каттакўргон)да икки қаватли маҳсус бино барпо қилингани ва унинг шарқий девори Турк ҳоқонлари тасвири билан безатилгани қайд этилади<sup>315</sup>.

Қадимги турк битиктошларида эса қўй турк ибораси учраб, баъзи тадқиқотчилар уни Шарқий Турк ҳоқонлиги маъносидағи «қўй/наследие. № 1, – Астана, 2009. – С. 41.

<sup>310</sup> Taşağıl A. Gök-Türkler. – Ankara, 2003. – S. 66.

<sup>311</sup> Taşağıl A. Gök-Türkler. – Ankara, 2003. – S. 86.

<sup>312</sup> Taşağıl A. Gök-Türkler. – Ankara, 2003. – S. 66.

<sup>313</sup> Taşağıl A. Gök-Türkler. – Ankara, 1999. – S. 74.

<sup>314</sup> Erkoç H. İ. Eski Türklerde Devlet Teşkilatı. Basılmış Yüksek Lisans Tezi. – Ankara, 2008. – S. 73 .

<sup>315</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 315.

шарқий турклар» деб, талқин қилишса, баъзилари «кўқ» сўзи «осмон, илоҳий, асл, томир» маъмунидадир деб ҳисоблашади<sup>316</sup>. Фикримизча, ҳар иккала гурухнинг мазкур талқинларида жон бор, чунки қадимги туркларда шарқ, яъни кун чикар томон эъзозланиб, хоқонлар ҳар куни тонгда шарққа қараб юкунганликлари ҳам ушбу эътиқод билан боғлиқдир. Демак, қадимги туркларнинг кўк рангни «илоҳийлаштириши» замирида ушбу анъана ётади. Дарвоке, Афросиёб (Самарқанд) деворий расмларида хоқонлик амалдорлари кўк фонда тасвирланган бўлиб, аксарият тадқиқотчиларга кўра, унда қадимги туркларга хос рамзий ранг ифодаланган<sup>317</sup>. Бинобарин, бир қатор немис, француз ва рус олимларининг фикрича, Афросиёб деворий расмларининг бир қисмида Ғарбий турк хоқони ва уни курсаб турган туркий мулозимлар, хоқонликнинг ҳокимият рамзларидан бири 11 дона туғ (10+1, яъни «Ўн Ўқ/қабила ва марказий ҳокимият (ябгу-хоқон)») тасвирланган (қаранг: илова VI, 2a-b).<sup>318</sup>.

«Олтин»ни ифодаловчи сариқ ёки оқ рангларининг Турк хоқонлигига рамзий ранглар бўлганини тасдиқлайдиган далилларнинг мавжудлиги, хоқонликдаги рамзий ранглар масаласини чигалаштиради. Яъни ушбу ранглардан айнан қай бири хоқонликда асосий ўрин тутганини аниқлаш зарур бўлади. Византия манбаларида турк хоқонларининг таҳти олтинданд эканлиги айтилиб, хоқонлик пойтахтининг номи '*Ектай*' (Эктағ) деб аталиши ва унинг лугавий маъноси туркчада «олтин тоғ» мазмунида эканлиги таъкидланиши<sup>319</sup> ёки хитой йилномаларида хоқонликнинг «олтин уруги» ашина қабиласи рамзий тимсоли сифатида «олтин қуш» тилга олиниб, унинг *шар-дулы* (<*ўрта форс.* zarr duli «Олтин (куш) Дули/Тулу») деб аталиши<sup>320</sup> сариқ ёки оқ рангнинг рамзий маъно касб этгани-

<sup>316</sup> Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 115.

<sup>317</sup> Yatsenko S. A. The costume of foreign Embassies and Inhabitants of Samarkand on Wall-Painting of the VII c. in the Hall of Ambassadors from Afrasiab (interpretation of Image) // «Transoxiana», 8, [www.transoxiana.com.ar](http://www.transoxiana.com.ar). 2004. – P. 8; Arzhantseva I., Inevatkina O. Afrasiab wall-paintings... – P. 193.

<sup>318</sup> Mode M. Reading the Afrasiab Murals... – P. 110; Arzhantseva I., Inevatkina O. Afrasiab wall-paintings... – P. 183–202.

<sup>319</sup> Moravcsik G. Byzantinoturcica. II. – Berlin, 1958. – P. 122; Шювен П. О Византийских посольствах... – С. 35.

<sup>320</sup> Зуев Ю. А. Ранние тюрки... – С. 25.

дан далолат беради. Фикримизча, ушбу ранглар Хитойда бўлгани каби кўпроқ бошқарувчи хонадонни ифодалаб, «олий/империал ранг» ҳисобланган, кўк ранг эса анъанавий равишда қадимги туркӣ этносларни ифодалаган. Эҳтимол, сариқ олтин ранг Хитойдан ўзлаштирилган, кўк эса қадимги турклар мухитига хос рамзий ранглар бўлгандир.

Шу ўринда, рамзларга алоқадор равишида бир қатор ҳалқларга хос «муқаддас куш» талқини хоқонлик даврида ҳам мавжуд бўлгани дикқатни тортади<sup>321</sup>. Ҳусусан, тадқиқотчилар томонидан «Кул Тегиннинг боши» деб номланган Ўрхун водийси (Мўғалистон)дан топилган ҳайкалнинг уст қисмида бўркка ўхшаш бош кийимнинг тепасида қанотлари ёйилган «хумо» тасвири учрайди. Худди шунга ўхшаш тасвир яқин йилларда турк-мўғул олимларининг археологик қазишлари давомида «Билга хоқон мозор комплекси»дан топилган тож тепасида учраб, тадқиқотчилар уни Билга хоқон (716–734) билан алоқадор ҳисобламоқдалар<sup>322</sup>. Бундан ташқари, Мўғалистондаги хоқонлик даврига тааллукли кўплаб тош ёдгорликларда шунга ўхшаш куш тасвирлари учрайди (*қаранг*: илова VII, 3). Бу эса мазкур куш, эҳтимол, «хумо қуши» хоқонлик ҳокимиятига алоқадор рамзлардан бири бўлганидан дарак беради. Бинобарин, қадимги турк битиктошларида «Умай» номли илоҳа номи учраб, битиктошлар мазмунидан у Тангридан кейинги мавқеда турганлиги аён бўлади<sup>323</sup>. Ҳам ном ўхшашлиги (Хумо – Умай), ҳам мазкур илоҳанинг вазифаси ҳукмдорларга Тангридан бериладиган «харизма» (илоҳий қут)ни тақдим қилиш бўлганлигидан келиб чиқиладиган бўлса, мазкур ёдгорликлардаги қушнинг хумо эканлиги анча-мунча ўз тасдигини топади. Чунончи, Фарбий Турк хоқонлиги билан боғлиқ худудларда камар тақинчоқларида (Еттисув), шунингдек, танга сиртида – ҳукмдор ёнида уч қиррали қалпоқ кийган малика тасвири (Чоч) учраши ҳам ушбу рамзнинг хоқонлик худудида кенг тарқалганини кўрсатади

<sup>321</sup> Баъзи тадқиқотчилар Умай (хумо) қуши тасвирини хоқонлик герби бўлган, деб ҳисоблайдилар (Самашев З., Базылхан Н., Баяр Д. Древнетюркские каменные изваяния Евразийских степей // Культурное наследие. – Астана, 2009. – № 1. – С. 32).

<sup>322</sup> Самашев З., Базылхан Н., Баяр Д. Древнетюркские каменные... – С. 32, 37.

<sup>323</sup> Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 108.

(қаранг: илова VII)<sup>324</sup>.

Шу билан биргаликда, хоқонликка хос асосий рамзлардан бири «тамға» бўлганлиги бир қатор далиллар асосида ўз тасдигига эга. Асосан, марказий осиёлик кўчманичиларга хос анъана – ҳар бир урува қабиланинг ўз рамзий белгиси – тамғасига эга бўлиш анъанаси Турк хоқонлиги томонидан ҳам давом эттирилган. Хоқонликка оид тангалар ва битиктошлар сиртида учрайдиган рамзий белгилар бундан дарак беради. Бугунги кунда бир вактлар Турк хоқонлигининг марказий ҳудудларидан бўлмиш Марказий Осиёнинг қўплаб ҳудудларида, асосан Ўрхун (Мўгулистан)дан топилаётган археологик ёдгорликлар (битиктошлар, қоя битиклари ва б. лар) сиртида муайян тамғалар учраб, улар орасида «архар» (тоғ эчкиси) шаклини эслатувчи тамға диккатни жалб қиласди. Жумладан, турк хоқонлари томонидан ўрнатилган Кул Тегин (732 й.), Билга хоқон (735 й.) ва бошка бир қатор битиктошларнинг юкори қисмидаги  шаклини тамға жой олган бўлиб, ушбу битиктошларни биринчилардан бўлиб ўрганган олимлар мазкур тамғани «хонлик тамғаси» деб изоҳлаган эдилар<sup>325</sup>.

Гарчи бирор бир манбада айнан ушбу тамға Турк хоқонлигининг тамғаси эканлиги ҳақида тўғридан-тўғри маълумот учрамаса-да, хоқонлик тарихи бўйича шуғулланган кўпчилик тадқиқотчилар фикрича, ушбу тамға хоқонликнинг асосчи уруғи – ашина қабиласининг сулолавий белгиси бўлган ва шу боис у хокимият рамзларидан бири сифатида хоқонлар ва амалдорлар томонидан ўрнатилган ўнлаб битиктошлар, тош ҳайкаллар, ёдгорлик тошлари сиртида ва қояларда акс эттирилган<sup>326</sup>.

Ушбу фикр тарафдорларининг фойдасига шуни қўшимча қилиш

<sup>324</sup> Досымбаева А. Западный Тюркский каганат ва культурном наследии казахской степи // Культурное наследие. Астана, 2009, № 1 (22). – С. 21; Рогожинский А. Е. Новые находки памятников древнетюркской эпиграфики и монументального искусства на юге и востоке Казахстана // Рольnomадов в формировании культурного наследия Казахстана. Научные чтения памяти Н. Э. Масанова: Сб. мат-ов Межд. науч. конф. – Алматы, 2010. – С. 342; Бабаяров Г. Древнетюркские монеты... – С. 11, 14–15, 17, 32.

<sup>325</sup> Radloff W. Moğolistan Tarihi Eserleri Atlasi (Атлас древностей Монголии. СПб., 1892, 1899. Анкара нашри). Ankara 1994. – S. 16–18, 58–60, 63–64.

<sup>326</sup> Radloff W. Moğolistan Tarihi Eserleri... – S. 16–18, 58–60, 63–64; Album, 2001:23, 84, 168, 220, 274, 297–298.

мумкинки, хитой манбасида ашина қабиласининг тамғаси сифатида **Ӯ** шаклли белги<sup>327</sup> келтирилган<sup>328</sup>. Ушбу тамғани битиктошлардаги архарсимон тамғанинг варианларидан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Шунингдек, Чоч (Тошкент) воҳаси ва Фаргона водийсидан топиляётган VI–VIII асрларга тааллуқли Фарбий Турк хоқонлигига оид тангаларда Ашина сулоласи бошқарувчилари томонидан олий унвонлар сифатида қўлланилган жабгу, джабгу–хоқон, хоқон унвонлари баробарида **Ӯ/Ӯ**→**Ӯ/Ӯ**→**Ӯ/Ӯ** шаклли тамғалар учрайди (қаранг: илова I-II). Мазкур тамғаларни хоқонликка хос архарсимон тамғанинг варианлари деб ҳисоблаш мумкин<sup>329</sup>. Хитой манбасидаги ва тангалардаги тамғаларнинг шаклан битиктошлардаги архарсимон тамғадан бирмунча фарқланиши эса ушбу тамғаларнинг қоғозга чизилгани ёки металлга босилгани билан изоҳлаш мумкин. Бундан ташқари, Марказий Осиё кўчманчиларида мавжуд бўлган анъянага кўра, бирор бир уруғдан ажралиб чиқкан тармоқ «аждод

<sup>327</sup> Ю.А. Зуев фикрича, хитой йилномаларида ашина қабиласи тамғаси сифатида келтирилган мазкуртамға қарғани эслатади (Зуев Ю.А. Тамги лошадей из вассальных княжеств // Новые материалы по древней и средневековой истории Казахстана. – Алма-Ата: Изд-во АН КазССР, 1960. – С. 93–140). Тўри, бир қарашда ушбу тамға шаклан қарғага ўхшаб кетади, бироқ хоқонликка алоқадор битиктошларда доимо архарсимон тамғанинг ўрин олиши ашина қабиласининг тамғаси тог эчкиси шаклида бўлганини кўрсатади. Хитой йилномаларида ашина тамғаси сифатида келтирилган ушбу тамға эса архарсимон тамғанинг стилизацияга учраган бошқа бир варианти бўлиши мумкин. Эҳтимол, архарсимон тамға хитой муаллифлари томонидан тасвиrlаниш жараённида муайян даражада шаклан ўзгаришга учрагандир. Шуни ҳам ҳисобга олиш зарурки, кадимда ёзув ёки тамға бирор предмет (тош, тахта ёки бошқа буюм)га ёзилиш жараённида шаклий ўзгаришларга учраши табиий ҳол бўлган. Яъни ёзилаётган объектнинг қаттиқ ёки юмшоқлиги ёхуд ёзув куроли харф ёки тамғанинг шаклига таъсир кўрсатган.

<sup>328</sup> Зуев Ю.А. Тамги лошадей ... – S. 132

<sup>329</sup> Тангалардаги мазкур тамғалар аслида битта асос (прототип)дан шаклланган бўлиб, куйидагича эволюцион жараёнларни босиб ўтган: **Ӯ** – **Ӯ** – **Ӯ**. Тамғаларнинг бир-биридан шаклан бироз фарқланиши эса бизнингча, Фарбий Турк хоқонлиги шаклланишининг учта босқичи билан боғлик: 1- босқич. Турк хоқонлигига таркибида унинг бир қаноти – Ябгулик даври (тангада жабгу унвони, **Ӯ** шаклли тамға); 2- босқич. Турк хоқонлигига номинал боғлиқ пайтда – Ябгухоқонлик даври (тангада жабгу–хоқон унвони, **Ӯ** шаклли тамға); 3- босқич. 630 йилда Турк хоқонлигига Хитой томонидан барҳам берилгач, Фарбий Турк хоқонлиги алоҳида давлат сифатини олган давр - Хоқонлик даври (тангада хоқон унвони, **Ӯ** шаклли тамға).

урұғ» тамғасига муайян бир белги қўшиб, ўз тамғасига эга бўлади. Яъни асосий тамға сақланган ҳолда унга бирор белги қўшилади. Шу тариқа маълум маънода фарқли тамға вужудга келади.

Хуллас, дунёнинг кўплаб қадимги давлатларида бўлганидек, Фарбий Турк хоқонлигига ҳам ўзига хос ҳукмдорлик аломатлари ёки ҳокимият рамзлари – символлар мавжуд бўлиб, улар асосан қўйидагича эди: 1) унвон ва лақаблар; 2) бошқарув/хукумат маркази (пойтахт); қароргоҳ, 3) танга зарби; 4) ўтоғ (чодир), сарой; 5) тахт; 6) тож; 7) қўриқчилар гуруҳи (гвардия); 8) соябон; 9) байрок (бўри бошли); 10) туғ (10 дона); 11) довул/дўмбира (барабан); 12) кийим (бош кийим, тўн, камар); 13) курол-яроғ (ўқ-ёй, совут/зирҳ); 14) тамға; 15) маҳсус ранг (сарик/оқ ранг ва кўк); 16) ҳумо қуши (+аёл илоҳа Умай) тасвири ва х. к.

Хуллас, қадимги турклардаги давлатчилик концепциясига кўра, сиёсий уюшма сифатидаги «давлат» маъносига эл сўзи ишлатилиб, ушбу сўз остида давлатни ташкил этувчи асосий унсурлар; *тўру* – ҳокимият/қонун, *улуш* – мамлакат, *будун* – халқ тушунилган. Ҳатто асосий маъноси «давлат» бўлган эл атамаси давлатни ташкил қилувчи ушбу уч унсурнинг ҳар бири билан тенг маъно берувчи синоним сўз сифатида ҳам қўлланилган. Мафкуравий жиҳатдан давлатга – халқнинг мустақиллигини сақлаш, умуман олганда, жамият барқарорлигини муҳофаза қилувчи ташкилот сифатида қаралган ва хоқонлар унинг кафолати ҳисобланиб, Тангри (худо) томонидан унга давлатни асраб қолиш учун маҳсус ваколат берилган, деб тушунилган.

### **3. 2. Хоқонликнинг давлатчилик хусусиятлари**

Фарбий Турк хоқонлиги давлат тузумини ёритиш учун аввало унинг давлат сифатида шаклланиш жараёнида қай даражада давлат малакасига эга бўлганлиги масалаласини тадқиқ қилиш керак бўлади. Ушбу масалани ёритиш учун аввало, ашина туркларининг Жуан-жуанларига қарам бўлган даврлари ва хоқонлик ташкил топишининг илк ўн йилликларига қисқача назар ташлаш лозим.

Маълумки, Олтой тоғларининг жанубий-фарбий этакларида яшовчи ашина қабиласи 530–550 йиллар оралиғида *шад* ёки *ябгу* каби

унвонларга эга қабила бошлиқлари томонидан бошқарилиб, Жуан-жуанларга «темир қазиб бериш» (яъни темир эритиш ва буюмлар ясаш) билан шуғулланарди<sup>330</sup>. 552 йилда мазкур ябгу ва шадларнинг авлодлари Бумин ва Истами раҳбарлигига мустақиллик учун курашлар туфайли мустақил давлат топгач, Бумин собиқ хўжайнинлари бўлмиш Жуан-жуанларга хос хоқон унвонини қабул қиласди<sup>331</sup> ва шу тариқа давлатнинг олий ҳукмдорлари ушбу унвон билан ҳокимият юрита бошлайдилар. Бундан кўринадики, хоқонлик ўз давлатини барпо этиш мобайнида Жуан-жуанларда мавжуд бошқарув анъана-ларидан фойдалана бошлайди. Буюк Турк хоқонлигининг таркибий бир қисми – гарбий қаноти бўлган Фарбий Турк хоқонлиги эса давлат сифатида шаклланиш жараёнида мазкур сюзереннинг малакала-ридан фойдаланади. Бу ушбу хоқонликнинг ўз бошқарувини «давлат улуси» (метрополия) = марказ ва икки қанот тариқасида ташкил этишида ўз аксини топган.

Аввало, хоқонликка хос давлатчилигик билан боғлиқ ҳокимият ва унинг бошқарувчи тоифаси, уларнинг вазифа ва ваколатлари қандай бўлгани масаласи билан танишиб чиқсан.

### **3. 2. 1. Давлат бошлигининг вазифа ва масъулиятлари**

Қадимги туркларда ҳукмдор бутун давлат ташкилотининг боши ва жамоанинг лидери сифатида энг катта куч ва ваколатларни ўз шахсида мужассамлаштирасди. Унинг ҳар бир буйруги қонун ҳукми ҳисобланар ва қадрланарди. Давлат бошқарувининг барча жабхаларидаги вазифадор шахслар ва бутун халқ ҳукмдорнинг буйрук ва фармонларига бўйсуниш мажбуриятида эди. Бошқа бир томондан эса ҳукмдор бош йаргучи (қози) эди. У шу жихати билан бош маҳкамага раҳбарлик қиласди. Ўз шахсига ва давлатга қарши гуноҳкор бўлганларни ушлашга доир қарор чиқара олар, уларни сўрқ қиласди, ўлим ёки бошқа жазоларни бера оларди<sup>332</sup>.

Хоқон давлатнинг боши ўлароқ ички ва ташки сиёсатни амалга

<sup>330</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 221, 228; Liu Mau-Tsai. Çin kaynaklarına göre Doğu Türkleri... – S. 14.

<sup>331</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 228; Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş... – S. 119.

<sup>332</sup> Koca A. Eski Türklerde Devlet Geleneği... – S. 831.

оширап, жанг ва сулҳ ҳақида қарор берар, жанг, босқин ва хужумлар пайтида қўшинга раҳбарлик қилар, элчилар жўнатар, элчиларни қабул қилар, давлат бошқарувининг ҳар бир поғонасидағи вазифадорларни тайинлар ёки вазифасидан олиб ташлар эди<sup>333</sup>.

Турк хоқонларининг энг муҳим вазифаларидан бири турли-туман халқларни бир давлат байроғи атрофида бирлаштириш эди. Чунки хоқон дунё ҳокимиятининг Тангри тарафидан унга бир вазифа сифатида берилганига ишонар эди. Шу тариқа улар «жаҳоншумул ҳокимият» ғоясини ўз олдига мақсад қилиб олишарди. Қадимги турклар тушунчасига кўра, бу фақат қурол воситасида амалга оширилиши мумкин эди. Бунинг учун хоқонлар қўшинни бошлаб жанглар олиб бориш, давлатларни ўртадан олиб ташлаш, халқларни итоат остига олиш, бирлик ва бутунликни сақлаш каби масъулиятларни ўз зиммасига оларди. Бу ғоя хоқонлар тилидан битиктошларда шу тариқа ўрин олган:

«Олдинга - кун чикарга, ўнгга - жанубга, орқага - қунботарга, чапга - шимолгача бўлган ер орасидаги халқлар ҳаммаси менга қарайди» (КТБ. 2-сатр);

«Давлатлини давлатсизлантиридик, хоқонлини хоқонсизлантиридик, тиззаси борни чўкаллатдик, боши борни таъзим эттиридик» (КТБ. 18- сатр)<sup>334</sup>.

Шу билан биргалиқда, хоқонлик ўзига хос «миллий» характерга эга бўлиб, хоқонларнинг туркий тилли этносларни бирлаштириш орқали жаҳоншумул давлат барпо эта олишига ишонилган. Бу, асосан битиктошларда хоқонлар бирорта жанг тафсилотини, унинг сабаб ва оқибатини ҳикоя қилар экан, «турким эди» ёки «будуним (халқим) эди» сўзлари билан ифодалаганида ҳам қўзга ташланади. Хусусан, тургашларга қарши олиб борилган жанг ҳақида сўз бораркан «Турким, будуним эди» жумласи учрайди<sup>335</sup>. Шунингдек, Билга хоқон тилидан амалдорлар ва халқка қилинган мурожаатда «Turk Cir, Tўққиз Ўзбеклари» ибораси билан бошлангани ёки «Tўққиз Ўзбуз ўз будуним эди» каби жумлаларда ўз ифодасини топади<sup>336</sup>.

<sup>333</sup> Koca A. Eski Türklerde Devlet Geleneği... – S. 831.

<sup>334</sup> Абдураҳмонов Ф., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 89, 105–106.

<sup>335</sup> Абдураҳмонов Ф., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 106, 112.

<sup>336</sup> Абдураҳмонов Ф., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 106, 126.

Қадимги туркларда давлат бошқарувда нобоп хоқонлар даври-да таназзулга учрар, давлат ва жамият тартибига путур етар, *тўру* бузилар эди. Бундай вазиятларда тўру - тўрани янгитдан тартибга солиш ва қўриклиш хоқоннинг гарданига тушар эди. Бошқа томондан қонун (*тўру*)ни тартибга солиш хоқоннинг вазифаларидан бири эди. Туркий давлатларда қонунсиз, факат ҳукмдорнинг шахсий иродасига боғлиқ бир бошқарув шакли мавжуд бўлмаган<sup>337</sup>. Ҳар қандай ҳукмдор қонунларни йўлга кўйиш ва уларни адолатли равишда амалга оширишни ўз зиммасига оларди. Зеро, қадимги туркларда адолатни давлатнинг пойдевори ҳисоблайдиган муайян ҳукукий тушунча устувор эди. Бу тушунча Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадғу билиг» асарида «Бекликнинг тамал тоши адолатдир» тариқасида учрайдиган ибораларда ўз ифодасини топади<sup>338</sup>. Қадимги туркий давлатчилик асосларини акс эттирган ушбу асарда «одил ва тўғри қонун»га нисбатан «кўни тўру» (адолатли қонун) ибораси ишлатилган бўлиб, адид «кўни тўру»ни ҳукмдор Кунтўлди образи орқали ёритишига ҳаракат қилган. Бундан кўринадики, қадимги турк ҳукмдори күёшга менгзатилган. Чунки қўёш ўз нури ва иссиғини бутун тирик мавжудларга тенг шаклда улашади, деб тасаввур қилинган.

Хоқоннинг вазифаларидан яна бири иқтисодий ҳаёт билан боғлиқ эди. Чунки қадимги туркларда «халқ давлат учун» эмас, «давлат халқ учун» тушунчаси мавжуд эди. Ушбу тушунчанинг табиий натижаси ўлароқ, хоқон халқни иқтисодий жиҳатдан фаровонликка эриштируви ва тўкин-сочинлик ичida яшатишни ўзига бош гоя қилиб оларди. Битиктошларда бу гоя Билга хоқон тилидан шу тариқа ифодаланади:

«Тангри ёрлақасин, бахтим бор учун, насибам бор учун ўлаётган халқни тирилтириб тарбият қилдим, ялангоч халқни кийимлик қилдим, камбағал халқни бой қилдим, оз халқни кўп қилдим» (КТб. 30- сатр)<sup>339</sup>.

Хоқонлар иқтисодий фаровонликни орттириш учун баъзи тадбирларни амалга ошириши зарур эди. Ушбу тадбирларнинг бошида ички тутувлик ва интизомни сақлаш туарар эди. Чунки баъзан хоқонларнинг бошқарувдаги камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилиши, баъзан эса

<sup>337</sup> Koca A. Eski Türklerde Devlet Geleneği... – S. 831.

<sup>338</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг ... – Б. 15–16.

<sup>339</sup> Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 107.

тахт талашувлар сабабли давлат нуфузи заифлашар, ички тотувлик ва интизом бузилар эди. Натижада қабила ва уруглар кетма-кет давлатга қарши исён қилар ёки давлатдан ажралиб чиқар эди. Ички тартибсизликлар иқтисодий фаолиятларнинг кенг кўламда инқирозга юз тутишига олиб келарди. Бу вазият фақатгина тахт тепасига кучли ва қобилиятли хоқоннинг чиқиши билан ўз измига тушарди.

Иқтисодий тадбирлар орасида қўшни давлатлар билан тижорий алоқалар ўрнатиш орқали халқ мухтоҷ бўлган молларни таъминлаш омили мавжуд эди. Чунки Марказий Осиёнинг шимоли-шарқий қисмларининг табиат ва иқлим шароити дехқончиликка кенг имкон бермасди. Шу боис, хоқонлик байзи эҳтиёжларини қўшни мамлакатлардан таъминлаш мажбуриятида қоларди. Бу эҳтиёж эса ё қўшни давлатлар билан тижорий шартномалар тузиш ёки талончилик ҳаракатлари олиб бориш, ё бўлмаса айрим мамлакатларни хирож тўлашга мажбурлаш орқали амалга ошиши мумкин эди<sup>340</sup>. Жумладан, қадимги турк битиктошларида Хитой билан ўрнатилган тижорий алоқаларга доир қуйидаги сатрлар ўрин олган:

«Давлатни тутиб турадиган ер (худди шу) Ўтукан йиш (водий) экан. Бу ерда ўрнашиб, Табғач халқи билан (алоқаларни) тузатдим. Олтин, кумуш, ипак ва ипакли газламаларни муаммосиз бераяпти» (КТб. 5- сатр)<sup>341</sup>.

Хоқонлик бутун фаолияти давомида кўплаб жангур-жадаллар олиб борган ва бунинг натижасида катта миқдорда бойликларни кўлга киритган. Гарчи бу бойликларнинг катта бир қисми ҳарбий ҳаракатлар давомида сарф этиладиган харажатларга кетган бўлсада, хоқонликнинг иқтисодий эҳтиёжларини кондирадиган даражада бойликлар тўпланиши имконияти мавжуд эди. Айниқса, ўша даврда кийматли бўлган ипак ва ипакдан тайёрланган матолар, мўйна, шароблар, чорва моллари (асосан от), тинимсиз жанглар натижасида эгалланган қимматбаҳо буюмлар хоқонлик иқтисодий ҳаётининг барқарорлигини таъминлаб турган. Кўлга киритилган бойликларнинг бир қисми хоқонлик аҳолиси, хусусан, давлатнинг асосчи уруғи ва иттифоқдош қабилалар эҳтиёжи учун ишлатилган бўлиб, бу ҳолат

<sup>340</sup> Koca A. Eski Türklerde Devlet Geleneği... – S. 832.

<sup>341</sup> Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 89; Tekin T. Orhon Yazitları... – S. 35.

битиктошлардаги қуйидаги сатрларда ўз ифодасини топади:

«Сариқ олтинини, оқ кумушини, кирғоли ипагини, экіндан қилинган ичкилигини, хос (махсус) отини, айғирини, қора киш (сувсар)ини, күк ол-махон (мўйнаси)ини туркларимга, халқимга эгаллаб бердим»<sup>342</sup>.

Тунюқұқ битиктошидаги айрим сатрлар мазмунидан келиб чиқиб Ю. А. Зуев «хоқонга факат ҳарбий функцияларни бажариш бириктирилганды» деб ҳисоблады<sup>343</sup>. Унга қарши чиқкан Т. С. Жумаганбетов бу фикрни хоқон ҳокимияттуну ҳаддан ташқари соддалаштириб күрсатышга уриниш деб таъкидлайды ва худди шу ёдномада ва хитой йилномаларида «Түрк эли»да олий ҳокимияттинг характери бошқача баҳоланганини олға суради<sup>344</sup>. Тадқиқтчига күра, хоқон давлат бошлиғи сифатида ҳокимияттинг турли мутаносибликларга эга уч соҳасини ўз қўлида тўплаган эди. Хоқонлик ҳокимиятига жамияттинг уч субъекти молик эди: хоқон, беклар ва уларнинг озод жамоадошлари бўлмиш халқ. Ҳар учала субъекттинг ҳокимиятдаги иштироки турлича эди. Хоқон ҳокимиятни катта кўламда эгаллаган бўлса-да, бироқ мутлоқ эмасди, беклар нисбатан камроқ ҳокимиятга эга эди. «...Халқнинг ҳокимиятдаги ўрни факат муайян вактларда ўртага чиқарди». Хоқон диний ҳокимиятни ҳам ўз зиммасига олган биринчи руҳоний (Л.С. Потапов фикрича, «оқ шаман») сифатида икки асосий культ – Тангри ва Ашина хонадонининг коҳини (бахшиси) бўлиб, у умри давомида ўз вазифасини бажаради, яъни монарх эди<sup>345</sup>.

Қадимги туркларда монархнинг сиёсий ҳокимиятини турли омиллар чеклаб турарди. Улар орасида ушбу жамиятда ҳокимияттинг икки субъекти - биринчиси, халқ (кора будун) ҳокимияти мавжуд бўлиб, унинг давлат бошқарувидаги роли нисбатан оз даражада фаол эди (бу масалада хоқон ҳокимиятига «Ўн Ўқ» қабилаларининг тўғридан-

<sup>342</sup> Orhun H. N. Eski Türk Yazitları..., – S. 58; Абдураҳмонов F., Рустамов А. Кадимги туркий тил... – Б. 133; Tekin T. Orhon Yazitları... – S. 61.

<sup>343</sup> Зуев Ю. А. Ранние тюрки... – С. 88.

<sup>344</sup> Жумаганбетов Т. С. Власть кагана в древнетюркской государственной организации // <http://www.google.ru>

<sup>345</sup> Арсал С. М. Тюркская история и право. Казань, «Фэн», 2002. – С. 215; Жумаганбетов Т. С. Власть кагана в древнетюркской государственной организации... – С. 15.

түғри таъсирга эга бўлганини айтиб ўтиш лозим). Халқ хохиши ва манфаати юзасидан хоқон шуни хисобга олиши зарур эди: айнан у халққа давлатга дастак бўлишлари учун мурожаат қиласарди. Бу Билга хоқон тилидан хоқоннинг ўз битиктоши ва Кул Тегин битиктошида халққа қаратилган қуйидагича нутқ бошламаларида ўз ифодасини топган:

«Турк беклари ва будуни (халқи)! Буни эшитинг. Турк будуннинг (сенинг) тирилиб, (кандай) эл (давлат) тутишингни бу ерга нақшладим»; «Турк Ўғуз беклари, будун (халқ) эшитинг! Тепадан осмон босмаган бўлса, остда ер ёримаган бўлса, (эй) турк халки, давлатингни, хукуматингни ким буза оларди?»<sup>346</sup>.

Шу билан бирга, битиктошлардаги айрим иборалар хукумат наздида халқнинг анчагина мавқеи бўлганидан дарак беради. Хусусан, Кул Тегин битиктошида Хитой асоратига тушиб қолган вақтда халқ ўз давлатининг қарамлигидан изтироб чекиб, унинг келажагидан ташвишлангани шу тариқа ифодаланади:

«Турк қора қамуғ будун (Барча турк фукароси)<sup>347</sup> шундай демиш: «Элли (давлатли) будун эдим, давлатим энди кани?»<sup>348</sup>.

Иккинчиси, беклар, улар, ҳам ҳокимият ваколатига эга бўлиб, ҳам якка ўзлари, ҳамда қабила-уруғ бошқарувчилари кенгаши шаклида бошқарувда иштирок этарди. Ниҳоят анъанавий қонунлар – *тўру / тўра* мавжуд бўлиб, асрлар давомида шаклланган ва хоқондан олдин мавжуд бўлган анъанавий одатий хукуқ шаклидаги тартиб-қоидалар ва нормалардан ташкил топганди.

Хоқоннинг бош вазифаси давлат худудларини ҳимоя қилиш,

<sup>346</sup> Кул Тегин битиктоши (*Қаранг. Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил...* – Б. 90, 106; Tekin T. *Orhon Yazılıları...* – S. 37, 45); Билга хоқон битиктоши (*Қаранг. Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил...* – Б. 129; Tekin T. *Orhon Yazılıları...* – S. 59, 69).

<sup>347</sup> *Турк қара қамуғ будун* иборасининг эквиваленти Чингизхон империяси даврида қамуғ монгол «ҳамма мӯғул (халқи)» шаклида учраб, мазмунан янги ташкил топган давлат таркибида барча мӯғул қабилаларини англатган (Крадин, Скрынникова, 2006:132–133).

<sup>348</sup> Кул Тегин битиктоши (*Қаранг. Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил...* – Б. 104; Tekin T. *Orhon Yazılıları...* – S. 41–42).

унинг чегараларини кенгайтириш, ҳокимият манбаси бўлмиш халқнинг, хусусан, турк будунининг иқтисодий фаровонлигини ошириш, «турк давлати ва халқининг обруси ва шон-шуҳратини таъминлаш» ва ҳоказолар эди<sup>349</sup>.

Хоқон ўз вазифаларидан ташқари, кенг ҳуқуқларга ҳам эга эди. Осойишталик пайтида у давлат бошқарувига раҳбарлик қилар, сарой ва давлат бошқарувчилари (*буйруқ* «вазир»лар) билан бирга жамият ва хўжалик ҳаётини сақлаш, давлатга таалуқли муҳим масалаларни давлат кенгашида муҳокама қилиш ташаббускори эди. Жанг вақтида эса хоқон бутун қўшинга қўмандонлик қиласидан ва шу тариқа жамият устидан фавқулодда ҳуқуқларга эга бўларди.

Тахтга чиқсан пайтдан бошлабоқ хоқон давлатнинг олий бошқаруви манфаатларидан келиб чиқиб, ҳоқонликка ва аймоқларга тегишли маъмурий улусларни қайтадан тақсимлаш, турли маъмурий ва давлат лавозимларига ўз яқинлари, қариндошлари ва аслзода икки қабилага – ашина ва ашидага мансуб вакилларни тайинлаш ваколатни қўлга киритарди<sup>350</sup>. Булар қаторига Ғарбий Турк ҳоқонлигидаги «Ўн Ўқ» тузилмасидаги 10 нафар қабилани ҳам киритиш мумкин.

Давлатнинг муҳим масалаларини ечишда хоқон расмий диний маросимларга амал қилган ҳолда аслзодалар кенгаши – маслаҳати кўмагида аввало Тангрига ва Бумин ҳоқоннинг руҳига мурожаат қилар эди<sup>351</sup>. Хоқон ҳокимиятининг хусусусияти шунда эдики, бошқарувнинг бир қатор аспектларини у ўз характеристи, омадлилиги ва иродасига кўра чеклар ёки кенгайтира олар эди. Шу боис, қадимги турк битиктошларида вокеликлар доимо Тангри ва хоқон иродасига боғлиқ равища қайд этиладики, бу фақатгина қадимги туркларнинг диний нутқи ва муқаддаслаштириш атрибуллари (аломатлари) бўлмай, балки ҳоқонлиқдаги давлат олий ҳокимият васфига хос асо-

<sup>349</sup> Арсал С. М. Тюркская история... – С. 218; Жумаганбетов Т. С. Власть кагана в древнетюркской государственной организации... – С . 16.

<sup>350</sup> Жумаганбетов Т. С. Власть кагана в древнетюркской государственной организации... – С . 16.

<sup>351</sup> 123. Кляшторный С. Г. Открытие и изучение древнетюркских и согдийских эпиграфических памятников Центральной Азии / С. Г. Кляшторный, В. А. Лившиц // Археология и этнография Монголии. – Новосибирск: Наука, 1978. – С. 55-56. ; Жумаганбетов Т. С. Власть кагана в древнетюркской государственной организации... – С . 16.

сий қоидаларнинг конкретлаштирилиши ҳам эди.

### 3. 2. 2. Тахт ва унга меросхўрлик

Қадимги туркларда «тахт» билан боғлиқ ўрун, ўрунлик, ўрнақ, ўргин каби сўзлар учраб, баъзи тадқиқотчилар Ўрхун битиктошларидаги бўд ёки бу ўд ибораларини ҳам бу сўз билан боғлайдилар<sup>352</sup>. Ёзма манбалар ва археологик топилмалар (сарой деворий расмлари, тош ҳайкаллар, коятошларга чизилган суратлар ва нумизматик материаллар) қадимги турк давлатчилигига тахтнинг алоҳида ўрин эгаллаганидан дарак беради.

Истами ябгунинг хузурига элчи бўлиб борган византийлик Земарх унинг товус шаклидаги тахтда ўтиришини қайд қиласди<sup>353</sup>. Чоч воҳасида зарб қилинган Фарбий Турк хоқонлиги тангларида хоқонликнинг Ябгулик даври (VI аср охиригина – VII аср бошлари)га оид танглар ва Тун ябгу-хоқон (618–630) тангларининг баъзи типларида анъанавий тахтда, баъзан эса арслон тасвири тахтда ўтирган хукмдор тасвири учрайди<sup>354</sup>.

Олий ҳукмдорлар (шанюй, хоқон, қоон, хон ва х. к.) одатда Марказий Осиёнинг қадимги қўчманчи асосли давлатларида дастлаб сайланган. Буни уларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ афсоналар ҳам, хитой йилномаларида қайдлар ҳам тасдиқлайди. Анъанага кўра, улар қабила-уруг ичидаги ким энг қобилиятли ва кучли бўлса, ўша кишини ўзларига йўлбошли, сардор этиб сайлаганлар. Масалан, хунларда *Maodun* (\*Баҳодур), сянбиларда *Tanishixuay*, туркларда *Ashina* сингари. Бу омил ҳарбий демократия билан боғлиқ бўлиб, кейинчалик аста-секин ҳокимият акадан-укага мерос бўлиб ўтадиган бўлган<sup>355</sup>.

Хун империясида эса дастлаб тахт отадан - ўғилга, кейинчалик

---

<sup>352</sup>

<sup>353</sup> Çal H. Orhun Anıtları 2000 yıl kazısı: Karakuş tasvirli Sembolik Lahit // XIV. Türk Tarih Kongresi. Kongreye sunulan bildiriler, III. Cilt. – Ankara, 2005. – S. 525, 538.

<sup>354</sup> Бабаяров Г. Древнетюркские монеты... С. 9–10.

<sup>355</sup> Хатамова М. М. Турк хоқонлигига давлат бошқаруви // Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганиш бўйича материаллар. Тошкент: Фан, 2007. – Б. 67.

эса акадан-указа ўтадиган бўлган. Турк хоқонлигидаги таҳт кўплаб қадимги давлатлардан фарқли ҳолда вертикал тарзда отадан-ўғилга эмас, балки горизонтал ҳолатда акадан-указа ўтарди. Бу ҳолат унинг ҳар иккала қаноти бошқарувида таҳтга ўтирган хукмдорларнинг аксариятида (акадан кейин ўрнига укасининг таҳтга ўтириши ҳолати) ўз ифодасини топган. Хоқонликдаги бу одат битиктошларда «*(отам хоқон вафот) этгач, тўра (одат / қонун) бўйича амаким хоқон таҳтга ўтируди*»<sup>356</sup> мазмундаги маълумотлар асосида ҳам ўз тасдигига эга. Шу билан бирга, хоқонликда, асосан, таҳтнинг горизонтал ҳолатда мерос қилиб олиниши кўзга ташланса-да, баъзан бу ҳолат вертикал ҳолатда отадан-ўғилга ўтиш орқали амалга оширилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Дарвоке, хоқонлик асосчилари Бумин ва Истами даврида худди шундай ҳолатни кўриш мумкин. Бумин вафот этганда ўрнига укаси Истами эмас, марҳум хоқоннинг ўғли Қора хоқон (552–553) ўтиради. Бироқ Қора хоқон вафот этгач, унинг ўз ўғиллари бўлишига қарамай, марҳум хоқоннинг ўрнини укаси Муқан хоқон (553–572) эгаллади. Шу тариқа таҳтнинг горизонтал ҳолатда ўтиши кўп йиллар давом этади.

Шарқий хоқонликдаги худди шу ҳолат Фарбий хоқонлик бошқарувида ҳам кўзга ташланади. Бу ерда ҳам баъзан таҳт отадан-ўғилга, баъзан эса акадан-указа ўтганини кўриш мумкин. Фарбий хоқонликнинг илк бошқарувчиси Истами (568–576) вафот этгач, унинг ўрнига ўғли Тарду (576–583) ўтиради. Буминнинг авлоди бўлмиш Апа Турум хоқон 583 йилда Тардунинг ўрнини эгаллаб олгач, Фарбий хоқонлик бошқаруви 583–610 йилларда бир муддат Истами авлодлари қўлидан чиққан пайтда ҳам таҳт алмашинувининг икки тури қўлланилганини кўриш мумкин. 587 йилда Апа Турумнинг бу ердаги ҳокимиятига Шарқий турк хоқони Чулоҳоу барҳам бергач, бўшаб қолган таҳтга собиқ хоқоннинг укаси Нири (587–599) ўтиради<sup>357</sup>. Унинг вафотидан кейин эса Фарбий хоқонлик таҳтига марҳум хоқоннинг ўғли Чўра (599–610) чиқади. Нихоят 610 йилга келиб Истамининг авлодлари бир вақтлар мерос қилинган ҳокимиятга даъво қила бошлайдилар. Бу даврда бир муддат ҳокимият горизонтал

<sup>356</sup> Абдурахмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 105; Tekin T. Orhun Yazitlar... – S. 43.

<sup>357</sup> Osawa T. Batı Göktürk Kağanlığının'daki... – S. 80.

холатда ўтганига гувоҳ бўлиш мумкин. Тахтни Тардунинг невараси Шегуй (611–617) эгаллаб, бир неча йил бошқарувни кўлда тутиб вафот этгач, унинг ўрнига Тун ябгу-хоқон (618–630), ундан кейин эса амакиси баҳодур (630), ундан кейин эса Тун ябгу-хоқоннинг ўғли Сир ябгу-хоқон (631–633) ўтиргани маълум.

М.Р. Дромпп Шарқий Турк хоқонлигида таҳт акадан-уқага 8, амакидан-жиянга 3, отадан-ўғилга 3, жияндан-жиянга 1 маротаба ўтганига доир маълумотлар учрашини ёзади<sup>358</sup>. Баъзи тадқиқотчилар эса, Ғарбий Турк хоқонлигида бу ҳолат ортиқча кузатилмагани, таҳт, асосан, отадан-ўғилга ўтганини таъкидлайдилар<sup>359</sup>. Бироқ хоқонликнинг ҳар иккала бош қанотида ҳам дастлабки йилларда, асосан, анъаналарга риоя қилингани, бироқ кейинчалик бу одат бузилгани кўзга ташланади.

Аслида, қадимги турк тўруси (одат / қонун) бўйича, таҳтга аввал хонадоннинг энг ёши катта вакили чиқиши, у вафот этгач, марҳумнинг укаси, у ҳам вафот этган хоқоннинг акасининг ўғли ўтириши лозим эди. Бироқ ҳар доим ҳам бунга амал қилинавермаган кўринади. Баъзан хоқонлик саройидаги кайфият, яъни Ашина хонадони вакиллари ва амалдорлар вазиятдан келиб чиқсан ҳолда ҳокимият ворисийлигининг ҳар иккала тури кўлланганликларигаiga дуч келиш мумкин. Фақат бундай вазиятларда турли норозиликлар келиб чиқсанига гувоҳ бўламизки, бу эса шаҳзода ва амалдорларнинг «тўру» бузилганини рўкач қилиб, таҳтга чиқишнинг одат бўйича амалга оширилишини талаб қилганликлари билан боғлиқ эди. Жумладан, II Шарқий Турк хоқонлигининг асосчиси Кутлуғ Элтариш (682–691) вафот этгач, унинг ўрнига укаси Қапған Бўгучўр (691–716) таҳтга чиқиб, ҳаётлиги даврида тўру бўйича марҳум акасининг ўғли - жияни Билгани таҳт вориси деб эълон қиласдан, ўз ўғли Инални валиаҳд деб эълон қиласди, бу эса мазкур хоқон вафот этиши биланоқ, таҳт учун қонли курашлар бошланишига сабаб бўлади. 716 йилда Қалған хоқон байирқу қабиласи вакили томонидан ўлдирилиб, унинг ўрнига

<sup>358</sup> Drompp M. R. Supernumerary Sovereigns: Superfluity and Mutability in the Elite Power Structure of the Early Turks (Tu-jue) // Rulers from the Steppe: State Formation on the Eurasian Periphery. Ed. By G. Seaman. – Los Angeles, 1991. – Vol. 2. – P. 95, 104; Торланбаева К. У. Дуальная организация... – С. 33.

<sup>359</sup> Торланбаева К. У. Дуальная организация... – С. 33.

ўғли Инал ўтиргач, унга қарши амакиваччалари Билга ва Кул Тегин исён күтариб, тахтни тортиб олишгани ҳам тўранинг бузилиши билан боғлиқ бўлиши керак.

Хоқонликдаги тахтга чиқиш одатидан яхши хабардор бўлмаган хитойликлар бу воқеаларни турлича талқин қилишган. Хусусан, хитойлик муаллифлар хоқонлик тахтидаги бундай тахт алмашинувларни файриодатий ҳисоблаб, бу ҳолатни «мархум хоқоннинг ўғли ёш бўлгани учун унинг амакиси тахтни эгаллаб олди» ва ҳоказо тарзида изоҳлаганлар. Чунки хитой империяларида тахт ҳар доим отадан-ўғилга мерос сифатида ўтар эди.

Хоқонлиқда кўпинча тахт ҳукмдор ҳаётлиги вақтида васият қилиб қолдирилар эди. Хитой йилномаларида баъзан хоқонлар укаси, жијани ёки ўғлига тахтни васият қилганига доир маълумотлар учрайди. Жумладан, Шарқий турк хоқони Ишбара вафотидан олдин катта ўғли қолиб, кичик ўғли Чулоҳоуга тахтни васият қиласди<sup>360</sup>.

Турк хоқонлигининг давомчиси бўлмиш Уйғур хоқонлиги (745–840) билан бошқарув тизими деярли бир хил бўлган Қучу Уйғур давлатида хоқон нафақат асосий ҳукмдор бўлиб қолмасдан, айни пайтда бош ҳакам (судья) ва бош қўмондон ҳам ҳисобланган. Сафарларда унга оғир қуролланган гвардиядан иборат ҳарбий бўлинма (туман) ҳамроҳлик қилган<sup>361</sup>. Ҳукмдор шахси муқаддаслаштирилган бўлиб, у ҳалқقا кам кўриниш қилган ва доимо зарбоф кийимлар кийган, олтин камар таққан дабдабали мулозим ва қўриқчилар қуршовида юрган. Хоқон саройдан чиққанида ҳалқ унинг олдидагина эмас, балки ҳатто унинг оти олдида ҳам тиз чўкиб турган<sup>362</sup>.

Хуллас, Фарбий Турк хоқонлигига ҳам Шарқий хоқонликдаги каби анъанага кўра тахтга эгалиқ, асосан кўплаб қадимги давлатлардан фарқли ҳолда вертикал тарзда отадан-ўғилга эмас, балки горизонтал ҳолатда акадан-указга ўтиш тартибига асосланган.

### 3. 2. 3. Ҳукуматнинг олий амалдорлари

Хоқонлиқда олий ҳукмдор хоқон харизматик бир васфга эга

<sup>360</sup> Taşağıl A. Gök-Türkler. II... – S. 116.

<sup>361</sup> Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности... – С. 426.

<sup>362</sup> Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности... – С. 426.

бўлса ҳам, давлат ва халқ тақдирни билан боғлиқ масалаларда якка ўзи қарор қабул қилиш ваколатига эга эмасди. Хоқонни ҳам назорат қилувчи муайян бир ҳукумат мавжуд бўлганинги борасида бир қатор тадқиқотчилар яқдилдиirlар<sup>363</sup>. Бошқарувчи хонадон (Ашина сулоласи)га мансуб *хоқон, ябгу, шад* ва *тегин* (шаҳзода)лар ҳукуматнинг доимий аъзолари эди. Шу билан биргаликда, ҳукмдорнинг аёли *хотун* ҳам улар қаторидан жой оларди.

Агар «бош хотун»нинг ашида қабиласига мансублиги ва айни пайтда ушбу уруғ вакилларининг «қуда уруғ» (фратрия) сифатида Ашина сулоласининг иттифоқчиси эканлиги эътиборга олинса, ушбу урукка мансуб амалдорлар, хусусан, ҳукмдор аёлининг яқин қариндошларидан бўлган амалдорларнинг ҳокимиятдаги иштироқи юкори бўлгани аён бўлади. Бунинг тасдиғи 682–720 йиллар оралиғида З нафар хоқон (Элтариш, Қапған, Билга)га *айгучи* («бош маслаҳатчи, вазир»)лик қилган, айни пайтда Билга хоқоннинг қайнотаси бўлган Тунюқуқ (хит. *Ашида Юанчжен*)нинг ушбу қабила вакили сифатида хоқонлик бошқарувида катта мавқега эга бўлганида кўринади<sup>364</sup>.

Маълумки, Турк хоқонлиги бошқарувида *хотун* фаол иштирок этган. Хоқоннинг ҳокимияти унинг бош аёли – хотун мансуб бўлган нуфузли Ашида қабиласи кўллаб-кувватлашисиз тўлиқ бўла олмасди. Баъзи тадқиқотчилар фикрича, улар (яъни хоқон – хотун) биргаликда давлат ҳокимиятининг иккилик (дуал) бўлинишини гавдалантиради<sup>365</sup>. Жумладан, Т.С. Жумаганбетов хоқон ҳокимиятига фақат она томондан ашида қабиласига мансуб, ота томондан эса табиийки ашина қабиласидан бўлган шахзодалар дъаво қила олганини таъкидлаб, хоқонлар билан никоҳ иттифоқида бўлганлардан бошқа бирорта уруғ вакилининг ҳокимиятга чиққанлиги ҳолати деярли учрамаслигини ёзади. Истисно ўлароқ фақат хитой маликасидан туғилган шахзоданинг таҳтга чиққанлиги ҳақида битта маълумот учрашини мисол сифатида келтиради (ягона мисол Чуло хоқон)<sup>366</sup>.

<sup>363</sup> Gömeç S. Kök Türk Tarihi. – Ankara, 1997. – S. 108.

<sup>364</sup> Тунюқуқ битиктоши (*қаранг*. Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 71–80).

<sup>365</sup> Жумаганбетов Т. С. Власть кагана в древнетюркской государственной организации... – С. 16.

<sup>366</sup> Жумаганбетов Т. С. Власть кагана в древнетюркской государственной

Хотуннинг статуси (хуқуқий ҳолати) хоқон билан ёнма-ён тас-вирланган Фарбий Турк хоқонлиги тангаларида ҳам ўз ифодасини топган<sup>367</sup>. Хотун номига зеби-зийнат буюмлар сиртига эзгу тилаклар ёзилган, сарой этикет (сарой аҳлларига хос мулозимат ва муомалалар)ида хотунга ҳам хоқонга бўлганидек teng ҳурмат кўрсатилган<sup>368</sup>. Мафкуравий жиҳатдан фақат хоқон ва хотун уруғлари ҳокимиятни легитимли (қонуний) қила оларди. Бундай ҳолат Марказий Осиё-нинг илк турк мусулмон ва файри мусулмон давлатлари учун ҳам истисно эмас. Бунга мисол тарикасида бошқарувда хотуннинг ҳиссаси катта бўлган Салжуқийлар, Хоразмшоҳ-Ануштегинийлар ва Корахитойлар давлатини келтириш мумкин<sup>369</sup>.

Хоқонликнинг марказий бошқаруви – саройда ҳукмрон хона-дон аъзоларидан ташқари яна буйруқ<sup>370</sup> – (вазир)лар ҳам жой ол-ган. Қадимги турк битиктошларида буйруқ шаклида учрайдиган ушбу унвонни тадқиқотчилар қадимги туркча *buuyur-*, *buuyurmaq* «буюрмоқ, амр қилмоқ» феълидан шаклланган, деб ҳисоблашади<sup>371</sup>. Агар ҳокимият ишларида буйруқ, амр ва фармонларни бериш бирин-чи навбатда бош ҳукмдор – хоқоннинг ваколати бўлганини назарда тутадиган бўлсақ, «вазир» маъносидаги мазкур унвоннинг айнан ушбу феълдан ясалгани диққатга сазовордир. Хоқонликдаги мавжуд бошқа унвон ва лавозим номларидан фарқли ҳолда ушбу унвон номи айнан «буюрмоқ» феълидан ясалиши, албатта унинг бошқарувда эгаллаган мавқеи билан боғлиқ бўлиши керак. Демак, хоқонликда бош ҳукмдордан ташқари асосий буйруқларни берувчи амалдор –

---

организации... – С . 17.

<sup>367</sup> Жумаганбетов Т. С. Власть кагана в древнетюркской государственной организации... – С . 17; Бабаяров Г. Древнетюркские монеты... – С . 15, 29.

<sup>368</sup> Кар. Жумаганбетов Т. С. Власть кагана в древнетюркской государственной организации... – С . 17.

<sup>369</sup> Жумаганбетов Т. С. Власть кагана в древнетюркской государственной организации... – С . 17.

<sup>370</sup> буйруқ – ушбу унвоннинг функцияси кейинчалик бироз ўзгаришга учрагани маълум. Жумладан, Маҳмуд Кошгари ушбу унвонга «хоқон ёнида катталарни (аслзодаларни) ўз жойига ўтказувчи киши» шаклида изоҳ беради (*Divanü Lügat-it Türk Tercümesi*. Cilt I-IV. Çev. B. Atalay. – Ankara 1985. – Cilt I. – S. 359; Donuk A. Eski Türk devletlerinde idari-askeri unvan ve terimler. – İstanbul, 1988. – S. 12).

<sup>371</sup> Древнетюркский словарь... – С . 121; Clauson G. An Etymological Dictionary of Pre-Thirteenth-Century Turkish-Oxford, 1972. – P. 187, 439.

вазирларнинг буйруқ деб аталиши, уларнинг ҳукумат ишларида катта мавқега эга бўлганликлари ва ҳокимиият ишлари билан боғлиқ асосий амр ва фармонларни чиқаришда ваколатли бўлганлигини кўрсатади. Дарвоке, қадимги турк битиктошларида давлат юксалишининг асосий сабабчилари ҳақида гап борар экан, ҳоқонлар билан бирга бошқа амалдорлар эмас, айнан вазирларнинг «билга (доно) ҳоқон экан, алп (баҳодир) ҳоқон экан, буйруқ (вазирлар)и ҳам билга ва алп экан» шаклида, акси ҳолда, яъни ҳоқонлик таназзуленинг асосий айборлари сифатида, ҳам ҳоқонларнинг, ҳам вазирларнинг «билигсиз (жоҳил) ҳоқон ўрнашган экан, йаблақ (ёмон) ҳоқон ўрнашган экан, буйруқлари ҳам билигсиз экан, қўрқоқ экан» тарзида айбланиб, тилга олинганига гувоҳ бўлиш мумкин<sup>372</sup>. Шу билан биргаликда, бажарган функциясига кўра, вазирларга яқин бўлган айгучи<sup>373</sup> лавозими ҳам мавжуд бўлиб, ушбу унвон эгаси «давлат маслаҳатчиси, бош мушовир, давлат кенгаши бошлиғи» вазифасида эди<sup>374</sup>. Ҳоқон ва вазирлар билан боғлиқ юқорида келтирилган ифодаларнинг ўхшаши битиктошларда айгучи унвонли мансбадорларга нисбатан «ҳоқони алп экан, айгучи (маслаҳатчи)си билга (доно) экан» тарзида қайд этиладики<sup>375</sup>, бу эса ушбу лавозим эгаларининг давлат ишларида қанчалик юқори мавқе тутганлигидан дарак беради.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ҳоқонликнинг бошқарув ҳокимиятида вазирлар неча кишидан иборат бўлганлиги ма-саласида тадқиқотчилар орасида яқдил фикр йўқ эди. Фақат Уйғур ҳоқонлигига тааллуқли Терхин битиктоши (760- йиллар)даги «Улуғ буйруқ тўқуз бўлмиши» (луг. «Улуғ (йирик) вазирлари тўққиз (нафар) бўлипти») жумлалардан келиб чиқиб, Турк ҳоқонлигига ҳам 9 нафар юқори даражадаги вазирлар

<sup>372</sup> Кул Тегин битиктоши (қаранг. Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 101–103).

<sup>373</sup> Келиб чиқиши жиҳатидан қадимги туркча ай «айт, сўзла» феъли ва гучи ҳаракат номи кўшимчаси (fy) билан от ясовчи (чи) кўшимчаларнинг кўшилишидан ясалган деб хисобланадиган ушбу унвоннинг том маъноси «сўйловчи, маслаҳатчи» эди.

<sup>374</sup> Древнетюркский словарь... – С. 28; Donuk A. Eski Türk devletlerinde idari-askeri unvan ve terimler. – İstanbul, 1988. – S. 2–3

<sup>375</sup> Тунюқуқ битиктоши (қаранг. Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 74).

бўлган, деб ҳисоблашади<sup>376</sup>. Ушбу битиктошнинг мазмунидан хоқоннинг ёнида «ички буйрук» ва «ташқи буйрук»дан иборат «тўққиз (нафар) улуғ буйрук» жой олгани ва уларнинг ҳар бири ўз «бошлиғи»га эга бўлгани англашилади. Гарчи баъзи тадқиқотчилар мазкур «9 вазир»лик тартиби Тўққиз Ўғузларнинг 9 та қабиласи ёки Уйғур хоқонлигининг 9 та қабила иттифоқига алоқадор бўлиши мумкинлигини таъкидлашса-да<sup>377</sup>, ушбу тартиб қадимги туркларда «9» ракамининг муқаддас ҳисоблангани билан боғлиқ равища бошқарувдаги турли соҳаларнинг ҳар бирига 1 нафардан вазир тайинланиб, уларнинг жаъми 9 нафар бўлгани эҳтимоли юқори. Баъзи тадқиқотчилар хитой манбалари («Син Таншу») га асосланиб, улардан 3 нафари ички (саройга оид) вазирлар, 6 нафари эса ташқи вазирлар бўлганини таъкидлайдилар<sup>378</sup>. Уйғур хоқонлигига оид Ўрхун битиктошларида ҳам ич буйрук (ички (саройга мансуб) вазирлар), ўға<sup>379</sup> буйрук (луғ. «донишманд вазир» ёки «ўға вазирлар») каби атамаларнинг учраши, шунингдек, «буйрук... ич буйрук» шаклида вазирлар ва уларнинг бажарган функциясига алоқадор атамаларнинг биргаликда келиши, улар орасида даража фарқи бўлганига гувоҳлик беради<sup>380</sup>.

Вазирлар орасида *ana-ўға* (луғ. «бош донишманд / вазир», «бош маслаҳатчи») унвони билан аталувчи амалдорлар бўлиб, улар қолган вазирларни назорат қилишган. Мазкур унвон манбаларда Қучу Уйғур давлати билан алоқали равища учраб, афтидан ушбу унвон

<sup>376</sup> Gömeç S. Kök Türk Tarihi... – S. 109.

<sup>377</sup> Тихонов Д. И. Хозяйство и общественный строй Уйгурского каганата X – XIV вв. – М. -Л.: Наука, 1966. – С. 149; Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности... – С. 140.

<sup>378</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 305; Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности... – С. 427; Gömeç S. Kök Türk Tarihi... – S. 109.

<sup>379</sup> ўға (öge) – ушбу атама айрим тадқиқотчилар фикрича, қадимги туркча ўғ (ög) «акл, завоеват» сўзларидан шаклланган бўлиб, ўға «давлат маслаҳатчи»ларига нисбатан кўлланилган. Битиктошларда «эл ўғаси» таъбири учраши ушбу унвон эгасининг «давлат кенгаши бошлиғи», жумладан, «вазирлар боши» мавқеида бўлганидан дарак беради (Donuk A. Eski Türk devletlerinde... – S. 55).

<sup>380</sup> Билга хоқон битиктоши (қаранг. Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 132).

эгалари «бош вазир» мансабидаги амалдор сифатида хоқонга яқын бўлишган ва хукмдор пойтахтда бўлмаган пайтда ҳокимият ишларини юритишган<sup>381</sup>. Ушбу вазирлардан бири уйғур хоқонининг амакиси бўлиши «бош вазир»лар хоқонлар хонадонига мансуб шахслар орасидан ҳам тайинланганидан дарак беради.

Ўга унвони буйруқ унвони билан биргаликда келганда «вазир» маъносини билдиrsa ҳам, аслида ушбу унвон «давлат маслаҳатчиси» вазифасидаги амалдорларга нисбатан кўлланилиб, нисбатан куйироқ даражада бўлган. Г. Дёрфернинг фикрича, ушбу унвон эгалари оддий вазирлар ва давлат маслаҳатчиларига тегишли бўлиб, бажара-диган функциясига кўра мусулмонлардаги вазирга тўғри келган<sup>382</sup>. Тадқиқотчининг фикрича, ўгалар ҳам сарой кенгашига кирган, факат даражасига кўра, буйруқ ва эркиндан қуида турган. Фикри-мизча, унинг бу гапида жон бор, бироқ бу талқин эркин унвонига эмас, кул-эркинга нисбатан тўғри.

Гарчи хоқонлик даври манбаларида бу унвонга доир етарли маълумотлар учрамаса-да, Гансу Уйғур давлати (IX–XI асрлар) билан алоқадор хўтган-сак (?) матнлари асосида ушбу унвон эгаларининг вазифаси нималардан иборат бўлганини аниқлаш мумкин. Жумладан, ушбу матнларда бош амалдорлар сифатида тилга олинган «ўга»лар орасида Ўгуз-ўга, Кўнгир ана-ўга, Турк-ўга, Тўлас-ўга сингари иборалар учраб, тадқиқотчилар уларни мазкур Уйғур давлати таркибидаги туркий қабилаларга мансуб бўлган деб ҳисоблашади<sup>383</sup>. Яъни улар муайян қабиланинг вакили, айни пайтда ўз қабиласи билан боғлиқ масалаларда ваколатли амалдор сифатида бошқарувнинг марказий аппаратида иштирок этишган. Бунга асосланиб, хоқонликдаги давлат маслаҳатчилари ва вазирлар таркиби ҳам турли қабила вакилларидан иборат бўлган деб ҳисоблаш мумкин. Эҳтимол, хоқонликдаги нуфузли қабилалардан ҳар қайсиси бошқарувнинг марказий аппаратида вазир ёки маслаҳатчи қаторида жой олган бир нафардан ўз вакилига эга бўлган.

Вазирлар айни пайтда хоқонлик қўшинларига бошчилик

<sup>381</sup> Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности... – С. 428.

<sup>382</sup> Шервашидзе И. Н. Фрагмент древнетюркской лексики. Титулatura // Вопросы языкоznания. 1990. № 3. – С. 83.

<sup>383</sup> Çandarlıoğlu G. Sarı Uygurlar ... – S. 35–37, 41.

қилишган. Ҳатто улар бошқарув ишларини түлиқ ўз қўлларига олишга ҳаракат қилганига доир маълумотлар ҳам учрайди. Жумладан, Уйғур хоқонлигига бир маротаба ҳақиқий ҳокимият «улуғ буйруқ»лардан бирига тўла ўтганлиги, икки маротаба эса (780 ва 795 йилларда) хоқонларни тахтдан тушириб, уларнинг ўрнини вазири егаллагани







ҳакида маълумотлар етиб келган<sup>384</sup>. Бирок қадимги турк давлатчилик анъанасига кўра, хоқон уруғидан бўлмаган амалдор тахтга даъвогарлик қилиш хуқуқига эга бўлмаган. Шу боис, улар собиқ сулола номини ўзлаштиришга ҳаракат қилишган<sup>385</sup>.

Турк хоқонлиги бошқарувида алоҳида мавқега эга вазирлардан бири эса адлия ва хуқуқ ишларидан масъул бўлган. Битиктошлардан маълум бўлишича, улар \*йарғучи ёки йарған деб аталиб, у хоқон томонидан тайинланган. Битиктошларда Билга хоқон тилидан «Инанчу апа (бош) йарған тархон оти (унвони)ни бердим»<sup>386</sup> шаклида келтирилган маълумот бунга далил бўлади. Мазкур сатрлардаги инанчу ва йарған сўзлари тадқиқотчилар фикрича, вазирларга алоқали унвон ва эпитетлар бўлиб, бу ушбу сўзларнинг ҳам луғавий маъносидан, ҳам битиктошлар асосида ўз тасдигини топади. Хусусан, Энасой битиктошларида «Эл (давлат) ўгаси (вазири) инанчу билга», «Урунг (сарой, қароргоҳ?) боши эрдим, инанчу эрдим» шаклида учрайдиган иборалар ва уйғурча буддавий матнлардаги «эл инанч тирак» (луғ. «давлат ишончлиси, тиргаги») каби атамалар асосида айрим тадқиқотчилар инанчу сўзини вазир лавозимидаги шахсларга қўлланилган деб ҳисоблашади<sup>387</sup>. Шунингдек, инанчу унвонининг асосида қадимги туркча инанмақ «ишонмоқ» феъли ётиши ҳам ушбу унвон эгалари хукмдорнинг ишончли кишиси бўлганидан дарақ беради. «Девону лугатит-турк»да ушбу сўз инанч бэг шаклида учраб, «ишончли бек» тариқасида изоҳлангани ҳам бу фикрни тасдиқлайди<sup>388</sup>. Йарған ёки йарғучи унвонлари эса қадимги туркча йар «тергамоқ, тергов қилмоқ» ёки «қарор қилмоқ, хукм қилмоқ» феълларидан шаклланган<sup>389</sup>. Демак, Турк хоқонлигига ҳам олий ҳокимият органи «тўқиз вазир»дан иборат кенгаш бўлган деб ҳисоблаш мумкин.

Бундан ташқари, давлат (сарой) кенгашига қатнашувчилар ора-

<sup>384</sup> Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности... – С. 427.

<sup>385</sup> Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности... – С. 427.

<sup>386</sup> Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 114.

<sup>387</sup> Donuk A. Eski Türk devletlerinde idari-askeri unvan ve terimler. – İstanbul, 1988. – S. 17.

<sup>388</sup> Кошғарий, Махмуд. Туркий сўзлар девони... I. – Б. 213.

<sup>389</sup> Donuk A. Eski Türk devletlerinde idari-askeri unvan ve terimler. – İstanbul, 1988. – S. 91.

сида бўйла унвонли амалдорлар ҳам бўлган. Улар Г. Дёрфернинг фикрича, «давлат кенгасига мансуб» бўлишган<sup>390</sup>. Тадқиқотчи ушбу унвонни II Шарқий Турк хоқонлиги бошқарувида нуфузли вазир бўлган Тунюкуқнинг доимий фахрий унвони сифатида талқин қиласди. Шу ўринда, унинг унвонлари орасида битиктошларда бўйла *бага-тархон* ва бўйла *қутлуг-йарған* каби марказий бошқарувга оид кўп таркибли унвонлар учраши ҳам дикқатга сазовор.

Хоқонни сайлаш қурултойда кўриб чиқилган. Қурултойда давлат кенгаси аъзолари – бошқарувчи хонадон вакиллари, *тегин* – шаҳзодалар, вазирлар ва бошқа марказий аппаратдаги амалдорлар иштирок этишган. Хитой йилномаларидағи маълумотлар мазмунидан кўринаидики, номзоди кўрсатилаётган шахс Ашина хонадони вакили бўлиши баробарида она тарафдан ҳам туркий бўлиши шарт бўлган. Жумладан, Шарқий турк хоқони Таспар (572–581) вафот этгач, давлат кенгаси чакирилиб, мархум хоқоннинг «*бир вақтлар акаси* (*Муқан*)нинг ўз ўғли ўрнига, унинг таҳтга чиққишини васият қилгани, шу сабабли акасининг ҳаракатларига вафо кўрсатиш учун у ўлгандан кейин таҳтга *Муқан*нинг ўғли Далобян (*Турум*) ўтиришини истаси» ҳақидаги васияти бўйича мунозаралар олиб борилиб, амалдорлар васият бўйича Далобянни хоқон сайлашмоқчи бўлишади. Бироқ кўпчилик унинг онаси туркий қабиладан бўлмаганини рўйкач қилиб, норозилик билдиргач, соф туркий шаҳзодалардан бири Анлонинг номзоди кўрсатилади ва кенгашда тортишув чиқади. Кенгашдаги мунозаралардан бир натижа чиқмагач, мархум Қора хоқоннинг ўғли Шету<sup>391</sup> давлат мажлисига келиб, «*агар Таспарнинг ўғли Anglo таҳтга чиқса, унга итоат қилишини, Далобян таҳтга ўтирган тақдирда давлатни муҳофаза қилиши лозим бўлишини, ўзининг эса узун наизаси ва ўтиқир пичоги билан чегарарада қутиб туришини*» айтади. Унга қарши чиқа олмаган кенгаш аҳли Анлони таҳтга чиқаришга қарор қилишади<sup>392</sup>.

Анло таҳтга ўтиргандан кўп ўтмай, Далобян таҳтга даъвогар эканлигини айтиб, унга таҳдид кила бошлайди. Натижада Анлонинг давлат хавфсизлигини таъминлай олмаслиги маълум бўлгач, давлат

<sup>390</sup> Шервашидзе И. Н. Фрагмент древнетюркской лексики... – С. 81.

<sup>391</sup> Бичуринда Найету (Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 235).

<sup>392</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 234–235; Taşağıl A. Gök-Türkler. I, 2. Baskı. – Ankara, 2003. – S. 34.

кенгаши қайтадан чақирилиб, түрт нафар хоқоннинг ўғли (Анло, Далобян, Шету, Чулохоу) орасида энг доно ва муносиби Шету экани ҳақида бир қарорга келишиб, уни тахтга даъват этишади. Анло бошлигигида қолган шаҳзодалар ҳам бу қарорга рози бўладилар. Шету Эл Кулуг шад Бага Ишбара хоқон унвони билан тахтга ўтиради<sup>393</sup>.

### 3. 2. 4. Ҳукумат бюрократик аппаратининг этник таркиби

Хоқонлик бошқарув аппаратининг асосий қисмини шубҳасиз туркӣ қабилаларга мансуб амалдорлар ташкил қилган. Шарқий Турк хоқонлигига ҳукумат аъзолари асосан ашина ва ашида қабилалари вакилларидан иборат бўлса, Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарувида эса «Ўн Ўқ» ҳарбий-маъмурӣ тузилмасида жой олган 10 нафар туркӣ қабила ва улар таркибидаги уруғлар вакиллари ўрин олишган.

Шу билан биргаликда, ҳоқонлик бюрократиясида гайритуркий этнос вакиллари ҳам қатнашган. Ҳусусан, ҳоқонликнинг ҳар иккала қисмида ҳам сұғдийларнинг иштироки сезиларли даражада бўлган. Бу ҳақда «Жиу Тан шу»да Шарқий Турк хоқонлигига алокадор қуидагича маълумот учрайди:

«Ҳиёли кехан (Элиг-хоқон) Ху (сұғдий)лардан бирини давлат вазифасига тайинлаган ҳар маротабада (бошқарувчи) хонадон мансублари ундан узоклашдилар. Ҳу (сұғдий)ларнинг шошилинч ҳаракат киладиган ва бир ишда событ турмайдиган табиати бор эди. Қонунни қўлларига олиб, ўзбошимчалик билан иш тутишар ва ҳар йил (ҳарбий?) сафарга чиқиб, мамлакат халқини фалокатга бошлардилар»<sup>394</sup>.

Ушбу маълумотдан кўринадики, сұғдийлар нафақат бошқарув ишларига аралашиб, ҳоқонликка хос қонунларни ҳам ўз ихтиёрларига мос равишда ишлатишга ҳаракат қилишган, хатто ҳоқонни ҳарбий сафарга ундейдиган маслаҳатчиларга айланишган. Бу эса уларнинг саройда эътибор қозониб, ҳоқоннинг яқин кишиларига айланганликларидан дарак беради. Шу билан биргаликда, мазкур маълумотдаги «хоқон Ҳу (сұғдий)лардан бирини давлат вазифасига тайинлаган ҳар маротабада (бошқарувчи) хонадон мансублари

<sup>393</sup> Taşağıl A. Gök-Türkler. I, 2. Baskı. – Ankara, 2003. – S. 34.

<sup>394</sup> Togan İ., Kara G., Baysal C. Çin kaynaklarında Türkler... – S. 325.

ундан узоқлашидилар» шаклидаги сатрлар суғдийларнинг бошқарув ишларида фаол иштирок этиб, юқори мансабларга эришганликла-ри, бу эса туркий амалдорлар томонидан ҳар доим ҳам илиқ кутиб олинавермаганидан дарак беради. Буни қуидаги Шарқий хоқонлик билан боғлиқ маълумотлар ҳам тасдиқлайди:

«Ашина Симо Сиєели-кехан (\*Элиг-хоқон)нинг авлоди эди. Шиби ва Чуло (хоқон)лар унинг Ашина хонадонидан эканлигига шубҳа билан қарашарди. Чунки кўриниши Ху (суғдий)ларга ўхшаб, Тукюе (турк)лардан фарқ қиласарди. Шу сабабдан Чуло ва Сиєели қўл остида доимо *Kиаби Теле* (\*Чабиши-тегин) вазифасида қолиб, бирор қўшинга раҳбарлик қилиш учун *шад* бўла олмаганди»<sup>395</sup>.

Ушбу маълумотдан аён бўлишича, хоқонликда энг юксак унвонларни эгаллаш учун ашина қабиласига мансуб бўлиш шарт бўлган. Жумладан, мазкур шахзоданинг туркларга эмас, *Ху* (суғдий)ларга ўхшаш бўлганлиги боис, хоқонлар унга бирор қўшинга бош бўлиш ҳуқукини берувчи *шад* унвонини беришмаган ва у *тегин* унвони билан фаолият юритишга мажбур бўлган.

Бундан ташқари, хоқонликнинг бошқарув аппаратида хитойликлар ҳам бўлган. Хитой саройидаги келишмовчиликлар туфайли хоқонликнинг Шарқий қисми (*Ўтукан*)га сифинган хитойлик амалдорларнинг бу ерда қолиб, бошқарувда иштирок этганига доир ушбу маълумотлар буни тасдиқлайди:

«Илгари Суй сулоласи даврида У-Юан (Wu-Yüan) умум волийси бўлган Чжан Чансун ички тартибсизликлар туфайли ўз бошқарувидаги Юан шахри халқи билан биргаликда *Тукюе* (турк)ларга бориб қўшилган эди. Унга (турк)лар томонидан) *Коло Теле* (\*Қора Тегин) унвони берилди»<sup>396</sup>.

Бундан кўринадики, хоқонликнинг марказий бошқарувида қатнашган файритуркий этнослар вакилларига ҳам хоқонликка хос унвонлар берилган.

### 3. 2. 5. Давлат кенгаши – қурултой

<sup>395</sup> Liu Mau-Tsai. Çin kaynaklarına göre Doğu Türkleri... – S. 203.

<sup>396</sup> Togan İ., Kara G., Baysal C. Çin kaynaklarında Türkler... – S. 111, 325.

Түрк хоқонлари давлатга оид қарорларни якка ўзи чиқара олмасди. Қадимги туркий давлатларда ижтимоий, сиёсий, ҳарбий, иқтисодий ва маданий масалалар кўриб чиқиладиган, тортишувлар ва кенгашишлардан сўнг қарор қабул қилинадиган мажлислар бор эди. Ушбу мажлислар *той* («тўй»), «кенгаш», «тернак» ва «курултой» (?) каби номлар билан аталарди. Кенгаш аъзолари эса «тўйғун» деб номланарди. Давлат кенгашига хоқон раислик қиласарди. Хоқон бўлмаган пайтларда эса кенгаш *айгучи* ёки ўга унвони билан аталадиган давлат маслаҳатчиларининг раислигига йиғиларди. Бошда *хотун* ва *ябгу / шад* ўлароқ *тегин*, *элтабар*, *эркин*, *кул-чўр*, *ана*, *тудун*, *тархон* сингари унвонларга эга ҳарбий ва идорий лавозимдагилар давлат кенгашининг табиий аъзолари эди. Шу тариқа давлат кенгашидаги аъзоларнинг бир қисми бошқарувчи хонадондан, бир қисми эса хонадон ташқарисидан танлаб олинар эди. Хоқонликда давлат мажлиси – қурултой шу жиҳати билан фақат Чингизхон хонадони вакиллари қатнашадиган маҳсус қурултойлардан фарқ қилган<sup>397</sup>.

Хитой йилномаларида Шаркий Турк хоқонлигига Хун салтанатидагига ўхшаш<sup>398</sup> маҳсус қурултой ўтказиладиган жой тилга олиниб, унинг хоқон яшайдиган *Ту-кин* (Ўтукан) тоғидан 400–500 ли (1 ли – 0,5 км) масофадаги *Тамин* (Тамир) дарёси бўйида жойлашгани ва ҳар йилнинг бешинчи ойининг ўртасида, яъни май ойида ўтказилгани қайд этилади<sup>399</sup>. Айни йилномаларда Фарбий Турк хоқонлигига эса қурултой ўтказиладиган маҳсус жой Суяб шаҳридан 40 ли шимолда

<sup>397</sup> Koca A. Eski Türklerde Devlet Geleneği... – S. 832

<sup>398</sup> Хун империясида ҳар йилнинг биринчи, бешинчи ва тўққизинчи ойларида давлат йигилишлари ташкил қилинган. Улардан биринчиси диний моҳиятда эди. Иккинчи йигилиш кўпроқ байрам моҳиятида эди. Асосийси, учинчиси эса катта ва кенг қамровли бўлиб, тўққизинчи ойда Шанси ўлкасидаги *Тайлум* деб аталадиган бир майдонда амалга ошириларди. Тайлумдаги катта мажлисга қатнашиш учун бошда *йенчи* «хотун» билан биргаликда шаҳзодалар, юкори даражали амалдорлар, лашкарбошилар ўз кўшинлари билан, шунингдек, тобе уруғлар ва жамоалар қатнашар эдилар. Мажлисга қатнашиш давлатга ва хукмдорга тобелик ишорати ҳисобланар, акси ҳолатда эса итоатсизлик ва исён маъносида эди. Ушбу йигилишда кўшин тафтиш килинар, инсон ва чорва саноги амалга оширилар, мамлакат масалалари билан боғлиқ музокаралар бажарилар, давлат сиёсати кенгашилиб қарорлар чиқарилар, ҳокимиятга кенг ваколатлар берилар ва хукмдорнинг легитимлиги қайтадан тасдикланар эди (Koca A. Eski Türklerde Devlet Geleneği... – S. 833).

<sup>399</sup> Liu Mau-Tsai. Çin kaynaklarına göre Doğu Türkleri... – S. 23.

жойлашган Цзедан тогида бир йилда бир марта ўтказилган ва унда амалдорлар тайинланганига доир маълумотлар учрайди<sup>400</sup>.

Хун ва Мўғул (Чингиз) империяларида давлат кенгашлари – қурултойларга хукмдор (шанюй, қоон) уруfigа мансуб аслзода хонадон вакиллари ва тобе қабила бошликлари қатнашганлигига доир бирмунча батафсилроқ ёзма маълумотлар етиб келган<sup>401</sup>. Улар асосида, шунингдек, хоқонликка алоқадор баъзи маълумотлардан келиб чиқиб, хоқонликда қурултой иштирокчиларининг таркиби ҳам шунга ўхшаш бўлган, деб тасаввур қилиш мумкин. Битиктошлар ва хитой йилномаларида хоқонликнинг давлат кенгаши аъзолари *toygun* (тўйгун) тарзида қайд этилиши ҳам бу масалада муайян тасаввурлар беради.

Қурултой ўтказиладиган майдонда оддий ҳалқдан ҳам кўплаб вакиллар йигилган бўлиб, кенгашда давлат масалаларини ҳал қилаётган аслзодалар билан биргаликда улар ҳам қурултой давомида ташкил этиладиган турли мусобақалар (асосан, от пойгалари)да иштирок этишарди. Одатда қурултойлар бир неча кун давом этар ва кенгаш масалаларни кўриб чиқиши баробарида барча қатнашчилар иштирокида қуйидаги амаллар бажарилар эди: 1) дастлаб диний ибодатларни бажариш, яъни Тангрига ва ота-боболар руҳига қурбонлик келтириш; 2) жам бўлиб таом ейиш ва ичкиликлар (қимиз) ичиш. Бунда кўпинча хоқон томонидан ҳалққа таом тарқатилган; 3) мусобақалар ўтказиш. Кўпинча от пойгаси (улок / кўпкари?), мерганлик (ўқ-ёй билан нишонга уриш), кураш ва х. к.; 4) давлат масалалари (кўпроқ сиёсий ишлар)ни муҳокама қилиш учун кенгаши аъзоларини йигиши.

Хоқоннинг вазифаларидан бири ҳалқ фаровонлигини сақлаш бўлиб, у қадимги турк битиктошларида хоқонлар тилидан келтирилган «буудун (ҳалқ) бўғзи тўйқ эрди», «оч буудунни тўйдирдим, ялангоч буудунни кийдирдим» каби ифодаларда ўз аксини топади<sup>402</sup>. Шунингдек, қадимги турк хукмдорлари фаолиятига доир тарихий асарлар ва достонлар (мас. «Ўғузнома», «Китоби Дада Қуркут») да хоқонларнинг ҳалқ кўнглини олиш учун катта зиёфатлар бериб

<sup>400</sup> Лурье П. Б. Заметки о раннеисламском дорожнике в Китай // Материалы и исследования по археологии Кыргызстана. – Бишкек, 2005. – Вып. 1. – С. 86.

<sup>401</sup> Seyitdanlıoğlu M. Eski Türklerde Devlet Meclisi «Toy» Üzerine Düşünceler // TA D. – Ankara, 2009. – C ilt XXVIII, sayı 45. – S. 9.

<sup>402</sup> Tekin T. Orhon Yazıtları... – S. 70–71.

турганлиги қайд этилади. Ушбу асарлардан маълум бўлишича, хукмдорлар зиёфати *toy* «тўй» деб аталиб, унга жамиятнинг барча табақасидан вакиллар иштирок этган. Бошқача қилиб айтганда, қурултойнинг мақсадларидан бири ана шу «тўй»ларни амалга ошириш бўлган. Қурултой ўтказилаётган кунлар давомида давлат кенгаши аъзолари ва ҳалққа тортиладиган таомлар аксарият ҳолларда хоқон томонидан таъминланган. Гарчи Турк хоқонлиги даврида ўтказилган бундай зиёфатларнинг ўтказилиш тартибига доир батағ-сил маълумотлар сақланиб қолмаган бўлса-да, ушбу хоқонликдан кейин мавжуд бўлган бир қатор туркий давлатларда қурултой тартиби ва унда бажарилган амалларга доир маълумотлар асосида бундай тадбирларга доир айрим тасаввурлар ҳосил қилиш мумкин. Хусусан, Сомонийлар давлати хизматида бўлган туркий амалдорлар билан алоқали бир воқеа Низом ул-мулк томонидан шу тариқа таърифланадики, унга асосланиб қурултой ва унинг моҳияти ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш мумкин:

«Қўшин ичиди Тўлун Ўга деган бир ёши улуғ киши бор эди. Бу кекса турк сипоҳсолорга шундай маслаҳат берди: «лашкарбошиларга ва улардан куйи мавқедаги қўшин бошликларига кўнуғингда тўй бер. Хукмдоргу буни исташаётганини, Балософунни кўлига олган гайримуслим туркларнинг устига юриш килиш учун тўй берилиши кераклиги айни муддао эканлигини сўйла ва ундан бу тўйда ишлатишга карз сифатида ипак матолар, олтин, кумуш идишлар ва бошқа ашёлар иста: тўйда лашкарбошиларга, улардан куйи мавқедагиларга вазиятни ва мақсадни тушунтир. Ҳаммамиз сенинг хукмдорлигинг учун қасам ичайлик, ош еяйлик<sup>403</sup>, сўнгра шароб мажлисига бориб, уч қадаҳ<sup>404</sup> (ичкилик) ичайлик. У ерда турган олтин, кумуш нарса-

<sup>403</sup> *Osh /taom eйии –* ибтидоси қадимги туркларга бориб тақаладиган ушбу одат то сўнгги ўрта асрларгача бир қатор туркий давлатлар бошқарувида сакланиб қолган. Жумладан, Усмонийлар салтанати даврида саройга улуфаларини олиш учун келган яничар аскарлари ўзларига берилган шўрвани ичишлари уларнинг итоат этишини ифодалаган ва, хоҳ подшоҳ бўлсин, хоҳ бошқа давлат амалдорлари бўлсин, бу ҳолатдан фоят хурсанд бўлишган, яничарларининг шурвани ичишни рад қилишлари эса уларнинг исён кўтаришларидан дарак берган, бу эса сарой аҳлиниң чукур саросимага тушиб қолишларига олиб келган (*Sümer F. Türk Devletleri Tarihinde Şahis Adları. II. – İstanbul, 1999. – S. 548.*)

<sup>404</sup> Уч қадаҳ ичии – тадқиқчилар фикрича, қадимги туркларда амалдорларнинг биргалиқда уч қадаҳ иччилик ичиши «итоат, боғлиқлик ва садоқат»ни ифодалайдиган анъана билан алоқадордир (*Sümer F. Türk Devletleri... – S. 548*). Марвазий уйғур хоқони ҳақида баҳс юритганда хоқоннинг минг нафар муҳофиз аскари «шакерий»

ларни, бошқа қадрли ашёларни лашкарбошилар ва қўшин бошлиқларига улашайлик»<sup>405</sup>.

Хоқондан кейин давлат ташкилотида муҳим мавқени эгалланган кенгаш аъзолари қарор қабул қилиш ва ижро ваколатлариға эга эдилар. Асосан, давлатнинг юқори даражали амалдорларидан таркиб топган қурултой аъзолари хоқонни сайлаш ҳуқуқига эга бўлиб, баъзан ушбу мажлисларда хоқоннинг бир қатор ваколатлари чекланган ҳоллар ҳам учраб турарди. Бунда, асосан, ҳукмдорнинг сиёсий ва иқтисодий масалаларда муваффақиятсизлиги туфайли унга нисбатан норозиликларнинг кучайиши сабаб бўларди. Шунингдек, қурултойларда ҳукмдорнинг ҳали арзирлик ишларни амалга оширмасдан туриб, ўзини турли шарафловчи унвон ёки эпитетлар билан атаси<sup>406</sup> ёки хоқоннинг келиб чиқишига алоқадор турли миш-мишларнинг тарқалиши<sup>407</sup> билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилганини тасдиқлайдиган маълумотлар мавжуд.

Қурултой қарори билан «олий ҳукмдор» – хоқон этиб сайланган Ашина хонадони вакили кенгаш аъзолари томонидан, яъни хо-

---

(сүжд. чокар)лари борлиги, уларнинг кунда уч маротаба таом ейишлари ва таомдан сўнг эса уч қадаҳ ичкилик ичишларини зикр этади. В. В. Минорский юқорида келтирилган Сомонийлар кўшинида мавжуд «уч қадаҳ ичиш» анъанасининг Ўйғур хоқонлигидаги ушбу анъананинг давоми деб талкин киласди (Sümer F. Türk Devletleri... – S. 548). Фикримизча, хитой йилномаларида келтирилган Турк хоқонлиги унвонлар тизимига доир «Семиз ва ёғли кишиларни *Сан-то-ло* (қад. турк. *тўлу* «тўла») дейишиди. *Да-ло-бян* (\*турум) ички қадаҳи маъносидадир. (У) уч оёкли шароб идишига (ёки мугуз/шохга) ўхшайди» (Taşağıl A. Gök-Türkler. I... – S. 96, 114) шаклидаги маълумот юкорида келтирилган форс (Низом ул-мулк) ва араб (Марвазий) муаллифлари асарларидағи «уч қадаҳ ичиш» анъанасини эслатади. Шу ўринда хитойча “сан” сўзи “уч” (ракам) маъносини билдиришини ҳам эътиборга олиш лозим.

<sup>405</sup> Sümer F. Türk Devletleri... – S. 547.

<sup>406</sup> Бирор хоқон ўзига *ана*, баҳодур каби эпитетларни қабул килиши ҳалқ ва аслзодаларнинг норозилигини келтириб чикарадиган ҳолатлар эди (Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 284).

<sup>407</sup> Хоқоннинг она томонидан хоқонликка иттифоқчи уруғ вакили бўлмасдан гайри этнос (*mas.* сүфдийлар, хитойлар)га мансуб бўлиши ҳам норозиликларга сабаб бўларди. Масалан, *Сиёли кехан* (\*Элиг-хоқон)нинг авлоди Ашина Симо *Ху* (сүфдий)ларга ўхшаб, *Тукюе* (турк)лардан фарқ қилгани боис, *Киаби Теле* (\*Чабиштегин) вазифасида қолиб, бирор кўшинга раҳбарлик қила олмагани ва *ше* (шад) бўла олмагани йилномаларда қайд этилади (Liu Mau Tsai. Çin yillardarına göre... – S. 203).

надоннинг ябгу, шад, тегин каби аъзолари, буйруқ – вазирлар, ўга – давлат маслаҳатчилари сингари марказий ҳокимият вакиллари ҳамда қанот бошқарувчилари (Шарқий хоқонликда *Тұлас ва Тарадуш*; Фарбий хоқонликда *Дулу ва Нушиби*) – «икки шад» бошчилигидаги *кул-чўр*, *кул-эркин/ана-тархон*, *шадапит беклар*, буйруқ беклар каби амалдорлар ҳамроҳлигига кигиз устига ўтиргизилиб, кигизнинг тўрт томонидан амалдорлар тутган ҳолатда юқорига силкитилган ва «хоқон» эълон қилинган. Гўёки, «кигизга ўтқазилган хоқоннинг ҳавога силкитилиши» орқали унинг Тангри билан боғланиши (муносабат ўрнатиши) таъминланарди<sup>408</sup>. Гарчи кигизни ушлаб турган кишилар айнан қандай вазифадаги амалдорлардан иборат бўлганига доир манбаларда батафсил маълумотлар учрамаса-да, айрим далиллар асосида Турк хоқонлигига «хоқонни эълон қилиш» ана шу тариқа амалга оширилган, деб тасаввур қилиш мумкин. Хоқонлик даврида ҳукмдор эълони қадимги туркча *olur* («ўтирмоқ» феълидан ясалган) сўз билан ифодаланган. Кейинчалик ҳам ўнлаб туркий сулолаларда давом этган бу одатга нисбатан «хон кўтарув» ибораси қўлланилган.

Давлатга алоқадор масалалар ўртага чиқканда давлатнинг ўнг ва сўл қисмларида беклар (шадлар ва ябгулар) хоқон бошчилигига мажлисда йигилишар ва ушбу мажлисда олинган қарорларга кўра ҳаракат қилинарди. Биргалиқда ҳаракатга кечиладиган ҳарбий сафарларда эса бутун қўшин хоқон раҳбарлигига жипслашарди. Қўшин тартиби ҳам иккилик (кўшалоқ) тизим асосида ташкил топганди. Яъни қўшинда ҳар бир киши қайси жабҳага мансублигига қараб, қўшиннинг ўнг ёки сўл қанотларида жой эгалларди.

### 3. 2. 6. Погонали улус тизими

Қадимги туркийлар тарихи билан шуғулланган аксарият тадқиқотчилар фикрича, хоқонликнинг ўзига хос жиҳатлардан бири – давлат бошқарувида жорий қилинган «погонали-улус / улуш тизими»дир. Кейинчалик Қорахонийлар каби бир қатор туркий давлатлар бошқарувида йўлга қўйилган бу усулага доир қарашларни биринчилардан бўлиб илгари сурган Л.Н. Гумилев бу тизимни «удель-

<sup>408</sup> Togan İ., Kara G., Baysal C. Çin kaynaklarında Türkler... – S. 74.

но-лествичная система» (погонали улус тизими) деб номлаганди<sup>409</sup>. Тадқиқотчига кўра, ушбу тизим Муқан хоқон (553–572) хукмронлиги даврида йўлга қўйилган бўлиб, моҳиятан «погонали улус тизими» асосида босиб олинган чексиз худудларни қўлдан чиқармасдан, итоат остида тутиб туриш учун хоқонликнинг бошқарувчи хона-донига мансуб вакиллар, аникрофи, шахзодалар турли тобе ўлкалар бошқарувига тайинланар ва ҳар бир вакилнинг ихтиёрига муай-ян бир ўлка улус сифатида ажратиб бериларди. Ушбу усулнинг «погонали» деб аталишининг мазмуни шундаки, ўз улусига эга бўлган ҳар бир Ашина хонадони вакили – шахзода тахтга ворислик қилиш хукуқига эга бўлар ва то ўз навбати келгунгача чекига туш-ган улусни бошқаришда давом этарди. Янги тизимга мувофиқ тахт отадан-болага эмас, балки акадан-указга, кичик амакидан (хоқоннинг укасидан)-катта жиян (марҳум хоқоннинг ўғли)га ўтарди. Гумилев-нинг фикрича, шу тариқа хоқонликда тахт-талашувларнинг олдини олишга ва кенг худудларга ёйилган ҳокимият барқарорлигини таъ-минлашга ҳаракат қилинган<sup>410</sup>.

Тадқиқотчининг ёзишича, «мағлуб қавмларнинг кўзи бўри калла-си тасвири акс эттирилган байроқ ва зирҳли туркий суворийга тушиб тургандагина содик ва итоатда бўларди. Етарли аскарий қувватга эга бўлган марказий хукумат вакилигина ғалаённи ва бўлгинчиликнинг олдини ола биларди. Бироқ қўлида ҳам ҳокимият, ҳам аскарий қувват бўлган, хон ўрдасидан жуда узоқдаги ноибни хонга содиқликка нима мажбур қила оларди? Тўғри, ноибликка қариндошлардан тайинлаш мумкин, бироқ бу билан вазият ўзгариб қолмасди, чун-ки қариндошлар орасидаги урушлар янги бир ҳодиса эмасди. Мана шундай бир ҳолатда погоналиулус тизими ишлаб чиқилди. Ушбу усулнинг мазмуни жўнгина эди: ноибнинг яхши ниятлари ва шахсий сифатлари унинг содиқлигига кафолат бўла олмас экан, уни марказий хукуматга боғлаб қўядиган манфаат ўйлаб топиш лозим. Погонали-улус тизими тахтга ворислик қилиш навбатини ўрнатди. Муқанхон

<sup>409</sup> Ҳокимият ворисийлигининг бундай тартиби *печенег* турклари воситасида Киев Руси давлати томонидан ўзлаштирилган ва у «погонавий» («лествица») деб ном олган. Шу асосда Л. Н. Гумилев таклиф қилган «погонали улус тизими» («удельно-лествичная система») атamasи келиб чиқкан (Гумилев Л. Н. Удельно-лествичная система у тюрок в VI–VIII веках // СЭ. – М., 1959. – №3. – С. 11–25).

<sup>410</sup> Гумилев Л. Н. Древние тюрки... – С. 56–57.

низомига мувофиқ тахт отадан болага түгридан-түгри эмас, балки акадан-үкага, кичик амакидан катта жиянга ўтадиган бўлди. Тахтга ворис ҳисобланган шаҳзодалар навбат кутиб, тахтга эришгунча улусни бошқарар эди»<sup>411</sup>.

Погонали улус тизимидан келиб чиқиб, хоқонликда дастлабки йилларда, хусусан 568 йилда 4 та улуш/улус мавжуд бўлгани, 576 йилга келгач, уларнинг сони 8 тага етганини таъкидлаган Л. Н. Гумилевга кўра, анча чигал ва мураккаб улуш (улус) тизимининг погонали мерос йўли дастлабки даврларда анча ижобий натижка берди. Икки марта тахта вояга етмаган шаҳзодалар келиши ва оқибатда салтанат жиддий бир жар ёқасига келиб қолишининг олди олиниб, ҳокимият доимо тажрибали кишилар кўлида бўлди. Улус беклари эртами-кеч олий ҳокимиятга эришиш илинжида ғалаёну-фитналарга қўл уришмади ва давлат барча йўналишлар бўйлаб кенгайиб борди<sup>412</sup>.

Ўрта асрларда турк-мўғул қабилалари томонидан барпо қилинган сиёсий уюшмаларда ҳам улус тизими мавжуд бўлиб, ушбу атама луғавий жиҳатдан «халқ», «маълум бир қабила, халқ яшаб турган ҳудуд»ни ифодалаш билан биргаликда, бирор ҳукмдорнинг улуши (ҳиссаси ёки пайи) маъносида ҳам қўлланилган. *Улусбеги* эса муайян бир унвон сифатида маълум бир улус бошқарувчисига нисбатан қўлланилган ва ушбу унвонга эга амалдор ҳукмдор (хон)нинг жойлардаги энг асосий вакили - ноиби ҳисобланган. Жумладан, Шайбонийлар даврига оид манбаларда ушбу унвон учраб, баъзан мавқе жиҳатидан у *амир ул-умаро* (олий мартабали амир) мансабига тўғри келган<sup>413</sup>.

Аслида, ушбу тизим хоқонлик томонидан ўйлаб топилган усул бўлмасдан, Хунлардан ўзлаштирилганлиги ҳакида фикрлар мавжуд<sup>414</sup>. Бу борада ҳам Л.Н. Гумилевнинг қуйидаги фикрлари дикқатга сазовор: «Улус (улуш) тизими Ашина ҳукмдорларининг аждодла-

<sup>411</sup> Гумилев Л. Н. Древние тюрки... – С. 57; Гумилев Л. Н. Қадимги турклар... – Б. 65–66.

<sup>412</sup> Гумилев Л. Н. Древние тюрки... – С. 58–59; Гумилев Л. Н. Қадимги турклар. – Т., 2007. – Б. 66–67.

<sup>413</sup> Будагов Л. З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Т. I. – СПб., 1869. – С. 264.

<sup>414</sup> Кумеков Б. Е. Об общем и особенном в развитии... – С. 89.

ри V асрда жануб хунларининг авлодларида мавжуд тахтга ворислик андозаларидан ўзлаштиришган деб тахмин қилиш мумкин, бироқ хунлардан фарқли улароқ уларнинг мақсади бошқача эди»<sup>415</sup>.

Т.С. Жумаганбетов фикрича, поғонали-улус тизими тахт меросийлиги ва давлат лавозимларини тайинлаш тартибининг асосий қонуни эди. Тадқиқотчига кўра, ушбу тизим на европаликларга ва на хитойликларга хос эди, қайсики, уларда майорат тизимиға амал қилинган, яъни давлат ҳокимияти ва асосий мол-мулк отадан катта ўғилга мерос қолган бўлса, қадимги туркларда мархум хоқон ўрнини ёш бўйича ундан кейин келувчи иниси олар, ушбу хоқон ҳам ўлса унинг навбатдаги иниси хоқон бўлиб қоларди ва ҳ. к. <sup>416</sup> Ҳоқонларнинг оға-ини линияси тугагач эса тўнгич оға (ака)нинг тунгич ўғли хоқон бўларди. Ушбу тартиб Бумин ва Истами авлодларининг бош ҳукмдори – хоқондан то энг кичик аъзосигача тарқалган эди. Ҳокимият ўтишининг бундай шакли хоқон ҳокимиятини жамиятдан масофада сақлаб турар ва бу тартиб уни бир қатор ўзгаришлар билан бирга хусусий, жамият усти – давлат ҳокимиятига айлантиради. Шу тариқа олий ҳокимият хоқон ва унинг яқин қариндошлари бўлажак амалдорлар қўлида йиғилиб, улар жамиятни бошқариш ва ҳокимиятни тутиб туришга ёрдам берардилар.

Хоқоннинг давлат ҳокимияти уруғ бошлиқлари, лашкарбошилар ва бошқа аслзодалар кенгашида ишлаб чиқиладиган умумжамоа қарорларига асосланган бўлиб, хоқоннинг асосий фармонлари коллектив характерга эга эди. Ҳозирги кун нуқтаи назари билан олиб қараганда, Турк хоқонлигига давлат ҳокимияти асосан ижро-чи таркиблардан иборат эди. Қонун чиқарувчи – вакиллик органи ва рухоний ҳокимият амалий жиҳатдан ижрочи ҳокимият билан бирлаштирилган эди. Хоқон ҳокимиятининг кўп резервлилиги иккита тартиб, яъни давлат лавозимларининг алмашувчанлигига асосланувчи ҳамхукмдорлик (соправительство) ва поғонали-улус (улуш) тизими шаклланиши натижаси эди. Хоқон ҳокимиятининг бундай характеристери нафақат сиёсий элитанинг давлат ташкилоти (тузуми)га эргашувчанлик ва марказга бўйсунувчанлик кайфиятини таъминларди,

<sup>415</sup> Гумилев Л. Н. Древние тюрки... – С. 59; Гумилев Л. Н. Қадимги турклар... – Б. 67.

<sup>416</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 277, 278, 283, 286; Жумаганбетов Т. С. Власть кагана в древнетюркской государственной организации... – С. 17.

балки кўпчиликни ташкил этувчи тобеларнинг қўллаб-кувватлаши ва нуфузини ҳам сақлаб турарди<sup>417</sup>.

Фақат поғонали-улус тизими ҳақидаги тадқиқотчиларнинг мазкур қарашлари анча асосли кўринса-да, ҳалигача тўлақонли ўз тарафдорини топмаган. Хусусан, Қораҳонийлар давлат тузумини маҳсус тадқиқ қиласган туркиялик тарихчи Р. Генч Қораҳонийлар бошқарувида қўшҳокимиятчилик – «шерик хоқон»лик<sup>418</sup> мавжуд бўлганлиги ва Ғарбий Қораҳонийлар бошқарувчиларининг Қораҳонийлар давлати бошқарувига «шерик»лик қилганлигига доир О. Прицак томонидан билдирилган фикрларни танқид қиласди. Айни тадқиқотчи Прицакнинг Шарқий ва Ғарбий Қораҳонийларда «икки нафар бош ҳукмдордан ташқари ҳокимиятда бошқарувчи суполага мансуб тағин тўрт кичик (куюи) хоқон билан биргаликда олти нафар ҳукмдор вакили ўрин олганди. Ҳокимиятда поғона-поғона юқориляб боришга асосланган ушбу рутбалар муайян бир тизимни ташкил қиласди. Шу тариқа, масалан, *арслон илиг* мақоми (ўрни) бўшаб колган тақдирда, *бўғра-хон* (шерик хоқон)нинг ўрнини эгаллар, *бўғра-хон* эса айни шаклда *арслонхон* (улуг хоқон)нинг ўрнига

<sup>417</sup> Жумаганбетов Т. С. Власть кагана в древнетюркской государственной организации... – С. 17.

<sup>418</sup> Хоқонлиқда қўшҳокимиятчилик мавжуд бўлган деб ҳисобловчи тадқиқотчилар «шерик-хоқон» иборасини ишлатадилар. Хоқонликинг Шарқий қаноти устун бўлганини таъкидлаган И. Тўғон «Давлатнинг Ғарбий қаноти «Ворисийликда ва ҳокимиятда шериклик» принципига кўра оиланинг нисбатан кичик ёшдагилари томонидан бошқарилган. Фақат манбалардан аён бўлишича, Шарқий қанотда ҳам, Шарқий қанотнинг шарқида ҳам ёки баъзан шимолида ҳам «шерик-хоқон»лар бўлган» деб ёзади (Togan İ. Türk Tarihinde Uzlaşmacı... – S. 300). Аслида, юқорида бир неча жойда таъкидлаб ўтганимиздек, Турк хоқонлигининг Шарқий ва Ғарбий қанотларининг ҳар бирида алоҳида ҳукмдор мавжуд бўлганини «шерик-хоқон»лар тарзида изоҳлаш мунозарали. Чунки Шарқий қанот (Шарқий Турк хоқонлиги) марказий ҳокимият мавқеида бўлиб, унинг бошқарувчиси энг олий унвон бўлмиш «хоқон» унвонига, Ғарбий қанот (Ғарбий Турк хоқонлиги) эса марказга тобе ҳокимият ўлароқ бошқарувчилари хоқондан қуий турувчи «ябгу» ёки «ябғуҳоқон» унвонига эга бўлишган. Яъни Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарувчиларининг мазкур унвонлари бежиз бўлмай, марказга ёки хоқонга бўйсунниши ифодалаган ва бу қадимги турк давлатчилик анъаналарига асосланган. Агар шундай бўлмагандан эди, Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарувчилари дастлаб ўз тангаларини «жабгу» ёки «жабғу-хоқон» унвонлари билан эмас, тўғридан-тўғри «хоқон» унвони билан бостирган бўлур эдилар.

ўтириши мумкин эди»<sup>419</sup> шаклидаги фикрларига қарши чиқиб, на Қорахонийларда ва на ундан олдинги ёки кейинги туркий давлатларда бундай тизим мавжуд бўлганлигини таъкидлайди<sup>420</sup>. Ўз фикрларининг тасдиги сифатида Р. Генч дуал (иккилиқ) ташкилот Қорахонийлар салтанатига хос эмас бўлмай, Фарбий қисм (Фарбий Қорахонийлар. – F. B.) худди Турк хоқонлиги давридагидек Истами ябғу бошқарувига ўхшаш шаклда хоқон номидан бошқарилганини олга суради. Мазкур тадқиқотчига кўра, «Муштарак масъулият тушунчасининг натижаси ўлароқ давлатнинг баъзи қисм ва вилоятларини бош ҳукмдор номидан бошқариш тизими мавжуд бўлиб, агар О. Прицак илгари сурганидек поғонама-поғона юқорилашга асосланган бир тизим мавзу бахс бўлгандা эди, на ҳасталанган бирор ҳукмдорнинг ўз ўрнини ўғлига топширгани ва на валиаҳд тай-инлангани ҳақида гап бўлиши мумкин бўлурди. Ҳатто ўзини кучли ҳис қилган вақтда мустақил ҳаракат этган хонадон аъзоларининг ҳам бўлмаслиги, бўлган тақдирда ҳам ўз навбатини кутиб туришлари лозим бўлмасмиди?»<sup>421</sup>. Шу ўринда, Р. Генчнинг Қорахонийлар давлатида, ўз навбатида ундан олдин ва кейин ҳукм сурган туркий давлатларда хоқонлар эга бўлган унвонларнинг турлича эканлиги, умуман ҳокимиятда кўплаб фарқли унвонлар мавжуд бўлиши асосида бошқа бир омил ётиши ҳақидаги фикрлари дикқатга сазовордир. Тадқиқотчининг фикрича, «Қорахонийларда ҳукмдор билан нариги хонадон (яъни Фарбий Қорахонийлар. – F.B.) аъзолари орасидаги муносабатлар ва хонадон аъзоларининг бошқарув функциялари оз-кўп Буюк Салжуқийлар давлатиники кабидир. Яъни ҳар бир хонадон аъзоси ўз ҳукми остидаги ўлкани тобелигига бўлган (сюзерен) ҳукмдор номидан бошқарган, фурсат топган пайтда тахтга даъвогарлик қилиб, салтанатни кўлга киритишга уринган ёки ўзи бошқариб турган жойда мустақил фаолият юритган»<sup>422</sup>.

Бизнингча, ўз вақтида Л.Н. Гумилев томонидан билдирилган хоқонлик бошқарувида «поғонали-улус тизими»га амал қилинганлиги борасидаги фикрлар бирмунча мунозарали бўлиб,

<sup>419</sup> Pritsak O. Karahanlılar // İA. – İstanbul, 1952. – Cilt VI. – S. 253.

<sup>420</sup> Genç R. Karahanlı Devlet Teşkilatı... – S 186.

<sup>421</sup> Genç R. Karahanlı Devlet Teşkilatı... – S. 187.

<sup>422</sup> Genç R. Karahanlı Devlet Teşkilatı... – S . 187.

Р. Генчнинг мазкур қарашларини инобатга олиш зарур. Чунки унинг қарашлари бир неча жиҳатдан Ғарбий Турк хоқонлиги учун ҳам тўғри келади. Қисқаси, хоқонликка хос «улус тизими» масаласи янада чуқурроқ тадқиқотларга муҳтоҷ эканлигини таъкидланган ҳолда, ҳозирчалик унинг Мўғуллар (Чингизийлар) давридаги «улус тизими»<sup>423</sup> даражасига чиқмагани ва ҳали «кўртак ҳолати»да бўлғанлигини айтиш мумкин.

### **3. 3. Ғарбий Турк хоқонлигига унвонлар тизими**

Ҳар қандай сиёсий уюшманинг давлат тузуми тадқиқ этилар экан, албатта унинг унвонлар тизими қандай бўлғанлиги масаласига мурожаат қилишга тўғри келади. Шу жиҳатдан олганда, Ғарбий Турк хоқонлигига мавжуд бўлған унвонлар тизими билан танишиб чиқиш нафакат хоқонликнинг давлат тузумини ёритишида муҳим мезонлардан бири, балки унинг бутун тарихини ўрганишда ўзига хос ўрин тутадиган манба эканлигини эътироф этиш лозим. Боиси, хоқонлик тарихига доир маълумотлар берувчи турли тиллардаги манбаларнинг аксариятида ўнлаб унвонлар учрашидан ташқари, уларда хоқонликнинг юзлаб катта-кичик амалдорларидан деярли барчаси ўз исмлари билан эмас, кўпроқ унвонлари билан қайд этилади. Демак, хоқонлик тарихини ўрганаётган ҳар бир тадқиқотчи, авваламбор унинг унвонлар тизими билан танишиб чиқиши зарур бўлади.

Хоқонликка алоқадор унвонлар асосан хитой йилномалари ва қадимги турк битиктошларида сакланиб қолган бўлиб, улар асосида хоқонликдаги унвонлар тизими бўйича муайян тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Шунингдек, Византия (юонон), арман, сурёний, суғдий, бақтрий ва тибет тилидаги манбаларда ҳам хоқонликка хос анчагина унвонлар ўрин олган. Ушбу тиллардаги маълумотларнинг аҳамияти шундаки, улар қадимги турк битиктошларида учрамайди-

---

<sup>423</sup> Владимирцов Б. Я. Общественный строй монголов. Монгольский кочевой феодализм / Работы по истории и этнографии монгольских народов Б. Я. Владимирцов. Сост. Г. И. Слесарчук. – М.: Вост. лит., 2002. – С. 393–394.

ган ёки ўқилиши муаммоли бўлган унвонларга аниқлик киритишга ёрдам берибина қолмай, балки иероглиф ёзувли хитой йилномала-ридаги унвонларни тиклашда ўрни бекиёсdir. Чунки мазкур тиллар-нинг барчаси алифболи ёзувга эга бўлиб, бу эса уларда қадимги турк-ча унвонларнинг аслиятга яқин ёзилишини таъминлаган. Қисқаси, бугунги кунда Турк хоқонлигига хос унвонларга алоқадор ўнлаб тиллардаги маълумотлар асосида хоқонликда қирқдан ортиқ унвон ва элликка яқин эпитетлар мавжуд бўлганлиги аниқланди (қаранг: илова VIII).

Шу пайтгача Турк хоқонлигининг унвонлар тизими алоҳида олиниб маҳсус ўрганилмаган бўлса-да, хоқонлик тарихи билан шуғулланган тадқиқотчиларнинг кўпчилиги масалага у ёки бу даражада тўхталиб ўтишган. Жумладан, ўтган асрда француз шарқшуноси Э. Шаванн, немис туркологи Г. Дёрфер, Г.Й. Рамстедт, польяк О. Прицак, инглиз туркологи Ж. Клосон, рус тарихчи ва турколог олимлари Н. Бернштам, Л.Н. Гумилев, Н.А. Баскаков, С.Г. Кляшторный, грузиялик турколог И.Н. Шервашидзе, қозоғистонлик хитойшунос Ю.А. Зуев, туркиялик тарихчи Б. Ўгел, италян туркологи А. Бомбаци ва бошқалар хоқонлик тарихининг турли масалаларини ёритиш мобайнида унвонлар масаласини у ёки бу даражада кўриб чиқишган<sup>424</sup>. Ҳозирги кунда эса хоқонлик тарихини маҳсус ўрганаётган дунё тарихчи ва туркологлари тадқиқотларида ҳам қадимги туркий унвонларга катта эътибор қаратилаётгани кўзга ташланади. Улар орасида С.Г. Кляшторный, туркиялик тарихчилардан А. Донук, Ф. Сумер, С. Гўмеч, И. Тўғон, америкалик туркологлар П.Б. Голден, фин шарқшуноси В. Рибацки ишларини алоҳида келтириб ўтиш мумкин<sup>425</sup>. Айниқса, В. Рибацкининг тадқиқоти

<sup>424</sup> Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. 6. – СПб., 1903; Ramstedt G.J. Alttürkische und mongolische Titel // Journal de la société finno-ougrienne. – Helsinki, 1951. – № 55. – S. 59–82; Pritsak O. Karahanlılar // İA. – İstanbul, 1952. – Cilt VI. – S. 251–273; Doerfer G. Türkische und mongolische Elementen in Neopersische. Bd. II. – Wiesbaden, 1965, 1967; Bombaci A. Qui Était Jebu Hak'an ? // Turcica. – Paris, 1970. – T. 2. – P. 7–24; Clauson G. An Etymological Dictionary of Pre-Thirteenth-Century Turkish. – Oxford, 1972 ба б.

<sup>425</sup> Кляшторный С. Г. Древнетюркские рунические памятники как источники по истории Средней Азии. – М.: Наука, 1964; Ўша муаллиф. Памятники древнетюркской письменности и этнокультурная история Центральной Азии. – СПб.: Наука, 2006; Golden P.B. An Introduction to the History of the Turkic Peoples. – Wiesbaden, 158

Түрк ва Үйғур хоқонлиги унвонлар тизимиға маҳсус бағишланлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шунингдек, гарчи Г. Дёрфернинг тадқиқоти қадимги туркий унвонларга бевосита бағишланмаган бўлса-да, бу масалани анчагина қамраб олганини эътироф этиш зарур.

Ушбу муаллифлар тадқиқотлари натижасида хоқонликдан унвонлар тизимининг кўпгина жиҳатлари, жумладан, уларнинг микдори, бажарган функцияси, келиб чиқиши ва ҳоказо масалалар муайян даражада ўз ечимини топди. Бироқ хоқонликка хос унвонларнинг шаклланиши ва бажарган функцияларига доир маҳсус критериялар ишлаб чиқилмагани бу борада бир қатор мунозарали фикрлар пайдо бўлишига олиб келди. Хусусан, хоқонликнинг ўзига хос хусусиятлари ва ўша давр шарт-шароитлари ҳисобга олинган ҳолда олиб борилган тадқиқотларнинг озлиги боис, қадимги туркий унвонларнинг этимологияси ва келиб чиқишига доир бир-бирини рад қилувчи ёки бирёқламали фикрлар билдирилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, хоқонликда мавжуд унвонларнинг аксариятини бегона этнослар билан боғлаш, уларни умуман бошқа этносиёсий уюшмалардан излаш, баъзан эса хоқонликка ҳудуд жиҳатидан анча узоқ бир муҳитдан қидириш бир қатор тадқиқотчилар ишларида устуворлик қилганига дуч келамиз. Шу билан биргаликда, хоқонлик даврига тааллуқли барча тиллардаги манбаларнинг, жумладан, сұғдий ва бақтрий тилидаги ҳужжат ва нумизматик материалларнинг етарлича жалб қилинмаганлиги бу масалада қатор мұаммоли фикрларнинг давом этишига олиб келмоқда. Бундай мұаммолар қаторига Шарқий Турк хоқонлиги ва у билан боғлиқ маълумотларга кўпроқ эътибор қаратилганини ҳам киритиш лозим. Чунончи, Фарбий хоқонликдан унвонлар тадқиқотчилар назаридан анча четда қолган бўлиб, бу эса ушбу масалага доир нуқсонли фикрларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

---

1992; Rybatzki V. Titles of Turk and Uigur Rulers in Old Turkic Inscriptions // CAJ. – Wiesbaden, 2000. – № 44. – P. 205–292; Donuk A. Eski Türk devletlerinde idari-askeri unvan ve terimler. – İstanbul, 1988. – S. 2–60; Gömeç S. Kök Türkçe yazılı belgelerde yer alan unvanlar // Türk kültürü. – Ankara, 2000. – № 443. – S. 129–142; Erkoç H. İ. Eski Türklerde Devlet Teşkilatı. Basılmamış Yüksek Lisans Tezi. – Ankara, 2008 ва б.

### **3. 3. 1. Хоқонлик бошқарувидаги унвонлар ва уларнинг функцияси**

Фарбий хоқонлик унвонлар тизимини таснифлаш учун Т. Барфилднинг хоқонлик бошқарув тизимиға доир билдирилган фикрларига асосланиш мумкин. Аввало таъкидлаб ўтиш зарур, тадқиқотчи Шарқий Турк хоқонлигига асосий эътиборини қаратган бўлиб, унга кўра, Турк хоқонлиги конфедерация шаклидаги империя кўринишида бўлиб, Хун империясида бўлгани каби унинг уч асосий бошқарув даражаси (характери) мавжуд бўлган: **1)** империявий ҳокимият ва сарой амалдорлари; **2)** бутун империя худудидаги қабилаларни бошқарадиган хоқонлик амалдорлари; **3)** маҳаллий ўз-ўзини бошқариш масъул меросий қабила бошлиqlари<sup>426</sup>.

Фикримизча, Т. Барфилднинг мазкур таснифи хоқонликнинг унвонлар тизимиға ҳам тааллуқлидир. Агар Фарбий Турк хоқонлигининг унвонлар тизимиға ҳам шу тарзда ёндашилса бу борада қуйидаги ҳолат кўзга ташланади:

1. Марказий (империявий) ҳокимият ва уни ташкил қилувчи сарой амалдорлари ҳамда қанот бошқарувчиларининг унвонлари;
2. Бутун хоқонлик таркибидағи вассал қабилалар ва воҳа ҳукмдорликларини назорат қилувчи хоқонлик вакилларининг унвонлари;
3. Маҳаллий ўз-ўзини бошқаришга масъул вассал қабилалар ва ҳукмдорликлар бошқарувчиларининг меросий унвонлари.

Ушбу таснифга кўра, **биринчи гурухга** марказий ҳокимиятни бошқарувчи хонадон аъзолари – *хоқон* «бош олий ҳукмдор», *хотун* «бош малика», қунчуй «малика, саройга мансуб хонимлар», *ябгу / ябгу-хоқон* «хоқон ўринбосари / Фарбий хоқонликнинг бош бошқарувчиси», *шад* «улус бошлиғи, шаҳзода», *тегин* «шахзода» каби империал унвонлар билан биргаликда марказий (сарой) бошқарувда – *айгучи* «бош вазир», *буйруқ* «вазир», *инанчу* «нонзир, вазир» бўйла, ўга «давлат маслаҳатчилари», *тўйғун* «давлат кенгаши аъзоси», ичраки «сарой ходими, маҳрам», *битикчи* «коғитиб, девон бошлиғи», *тамғачи* «муҳрдор, котиб», *йарғучи / йарған*

<sup>426</sup> Барфильд Т. Дж. Опасная граница... – С. 111.

«терговчи», чигши «(бирор ўлкадаги) терговчи», сабчи / элчи / йалабач «элчи», бег «бек, амалдорлар» ҳамда қанот бошқарувларида жой олувчи кул-чўр «бош чўр», кул-эркин «бош эркин», шадапит «қанотдаги ҳарбий амалдор» унвонларини киритиш мумкин<sup>427</sup>. Шунингдек, уларни «бошқарувнинг марказий аппаратига хос унвонлар» ёки бошқача қилиб айтганда, «давлат улуси»нинг марказида ва қанотларида қўлланилган унвонлар, деб ҳисоблаш лозим. Хоқонлик иерархиясига хос элтабар «ноиб, йирик қабила бошлиғи», тудун «назоратчи ноиб», чўр «йирик қабила бошлиғи», эркин «кичикроқ қабила бошлиғи», тархон «ҳарбий бошлиқ», тутуқ «ҳарбий во-лий» сингари унвонлар ҳам марказий бошқарув аъзолари (эҳтимол, иккинчи даражали амалдорлар)нинг унвонлари эди. Шунингдек, бу гурухга субоши «лашкарбоши», чабии «кўшин нозими», сангун «генерал», ана-тархон «бош кўмандон», урунгу «байроқдор?», йелма ери «илфор кўшин жангчиси», аллагут «алп жангчилар боши», бингбоши «мингбоши», бешюзбоши, юзбоши ва бошқа шу тоифадаги ҳарбий унвонлар ҳам киради (қаранг: илова **VIII**).

Иккинчи гуруҳ бутун хоқонлик таркибидағи вассал қабила ва ҳукмдорликларни бошқарадиган хоқонлик амалдорларининг шад, тегин, элтабар, тудун, чўр, эркин, тархон, тутуқ каби унвонларидан иборат эди. Факат бу гурухни даражасига кўра тўрт тоифага бўлиш лозим бўлади: 1) Бошқарувига хоқонлик хонадони вакиллари тайинланган шад ёки тегин каби империявий унвонларга эга амалдорлар (бу ерда Чоч, Фаргона, Тўхористон, Дехистон (?), Кобулистан каби вассал ҳукмдорликлар бошқарувида бевосита Ашина хонадони вакиллари турганилиги назарда тутилаяпти); 2) Бошқарувида ўзларининг азалий сулолалари ҳокимияти давом этиб, маҳаллий унвонлар билан биргаликда хоқон томонидан тақдим этилган элтабар унвонига эга вассал ҳукмдорлар; 3) Хоқонлик томонидан вассалларни назорат қилиш учун юборилган тудун унвонли амалдорлар; 4) Чўр, эркин, тархон, тутуқ каби хоқонлик иерархиясига хос, бироқ мавке жиҳатидан қўйи амалдорларга тегишли унвони бўлгани боис, вассалларнинг ички бошқарувида ҳам маҳаллий ҳукмдордан нисба-

<sup>427</sup> Donuk A. Eski Türk devletlerinde idari-askeri unvan ve terimler. – İstanbul, 1988. – S. 2–60; Gömeç S. Kök Türkçe yazılı belgelerde yer alan unvanlar // Türk kültürü. – Ankara, 2000. – № 443. – S. 129–142.

тан қуий вазифаларни эгаллаган амалдорлар. Бу ҳолат, асосан, воҳа ҳукмдорликлари бошқарувида кўпроқ кўзга ташланади.

**Учинчи гурӯҳ**, яъни маҳаллий ўз-ўзини бошқаришга масъул вассал қабилалар ва ҳукмдорликлар бошқарувчиларининг меросий унвонлари бўлиб, улар ўзларининг анъанавий маҳаллий унвонларини сақлаб қолишган. Шу билан биргаликда, кўчманчилар орасида қитаний қабиласининг 8 та уруфи бошида эркин унвонли бошлиқлар туриши ҳақида маълумот учрайдики<sup>428</sup>, бу эса учинчи гурӯҳда ҳам хоқонликка хос нисбатан кичик унвонлар мавжуд бўлган деб тахмин қилишга имкон беради. Фақат ушбу қабила бошқарувчиларининг хоқонлик вакилларими ёки уларнинг ўз ичидан чиққан йўлбошчиларими эканлиги ноааниқлигини айтиб ўтиш лозим. Воҳа ҳукмдорликлари орасида эса эркин унвони Тўхористондаги Хуттал, Кумед каби ҳукмдорликлар мисолида учраб<sup>429</sup>, ҳар иккаласи бошқарувчиларининг туркий қабилаларга мансублиги мазкур унвоннинг хоқонликка алоқадор равишда вассалларнинг ички бошқарувида кўлланилганини кўрсатади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, хоқонликнинг бошқарув тузумида қарийб 40 га яқин унвон ва 50 дан ортиқ эпитетлар мавжуд бўлиб, уларни қуидагича гуруҳларга бўлиш мумкин: **1) расмий:** а) маъмурӣ, б) ҳарбий; **2) ижтимоий:** а) диний, б) рамзий/фаҳрий. Жумладан, ябгу, шад, тегин, элтабар, тудун, тутуқ, чўр, мархон, эркин, инанчу, буйруқ каби ўнлаб унвонлар ва уларнинг олдида келувчи апа, инал, кул, тун ва ҳоказо кўплаб эпитетлар расмий характерда бўлиб, улардан аксарияти маъмурӣ унвонлар бўлса, бир кисми ҳарбий эди. Айниқса, улар орасида тутуқ, чўр, мархон, эркин каби унвонлар кўпроқ ҳарбий характердаги унвонлар бўлиши баробарида вассал қабилалар ва воҳа ҳукмдорликларига юборилган хоқонлик маъмурларининг унвони сифатида ҳам учрайди. Бу эса уларни ҳарбий-маъмурӣ унвонлар бўлган, деб хисоблаш имконини беради. Дарвоҷе, бу масалада Фарбий хоқонликнинг ҳарбий-маъмурӣ тузилмаси бўлмиш «Ўн Ўқ» бошқарувида чўр ва эркин унвонлари қабила бошлиқлари турганлигини эътиборга олиш зарур.

<sup>428</sup> Материалы по истории древних кочевых народов ... – С. 163; Е Лун-ли. История государства киданей (Цидань го чжи). Перевод с китайского, введение, комментарий и приложения В. С. Таскина. – М.: Наука, 1979. – С. 345–346.

<sup>429</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 324–326.

Диний ҳамда рамзий / фахрий характердаги ижтимоий унвон ва эпитетларга \*эв-хөқөн, йарған<sup>430</sup>, бўгу, йелби ва ҳоказоларни мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Эҳтимол, арслон, барс, бўри, бўгра, тўнга каби кучли ҳайвонлар номидан ясалган ва алп, баҳодур, билга, бўгу, кул/кулуг, себиг, қутлуғ ва ҳоказо каби инсон жасорати ҳамда фазилати билан боғлиқ эпитетларни ҳам ушбу гурухга киритиш мумкин. Бироқ айнан шундай ёки аксинча эканлигини тасдиқлайдиган муайян маълумотлар йўқлиги сабабли бу ҳақда ҳозирча аниқ бир фикр айтиш қийин.

Дарвое, юқорида ҳам қисман кўриб ўтилганидек, Ғарбий Турк хоқонлигидаги энг юқори унвонлардан бири ябѓу бўлиб, у Шарқий Турк хоқонлигига бош ҳукмдор унвони хоқондан кейин турган бўлса, хоқонликнинг Ғарбий қаноти (Ғарбий Турк хоқонлиги)нинг илк палласида ушбу қанот бошқарувчиларининг бош унвони бўлган. Ғарбий хоқонликнинг иккинчи босқичида эса бош ҳукмдор ябѓу-хоқон унвонига эга бўлган. Яъни ябѓу Ғарбий хоқонликнинг биринчи босқичида бош унвон бўлиб, иккинчи босқичида бош бошқарувчи ябѓу-хоқон деб атала бошлагач, иккинчи даражадаги унвон ҳолатини олган. Фақат 630- йилларда Шарқий хоқонлик фаолиятига Тан су-поласи томонидан барҳам берилгач, Ғарбий қанот бошқарувчилари олий унвон сифатида хоқон унвонида ҳукм юрита бошлаган паллада ябѓу хонадоннинг хоқондан кейин турувчи юқори даражали вакиллари – хоқон ўринбосарига нисбатан ишлатила бошлагани кўзга ташланади.

Кези келганда хоқонликка хос унвонларнинг вассаллар бошқарувида қай даржада амал қилган масаласига тўхталиб ўтсан. Бу масалада Чоч, Фарғона ва Тўхористон бошқарувида қўлланилган унвонлар таркиби яққол мисол бўла олади. Чоч воҳаси бошқарувида қарийб айни вақтларда тегин, шад, элтабар, тудун, мархон каби туркий унвонлар мавжуд бўлса ҳам, улар орасида Ашина хонадонига мансуб *Тегинлар* воҳанинг асосий ҳуқдорлари бўлгани маълум<sup>431</sup>.

<sup>430</sup> йарған – ушбу унвонни хитой йилномаларида Турк хоқонлигига алоқадор равиша учраб, бажарадиган функцияси курбонлик маросимларини бажариш ва ёмон рухларга карши чора-тадбирларни амалга ошириш бўлган йехан / жехан унвони билан тенглаштириш мумкин (*қаранг*. Taşağıl A. Gök-Türkler. I, 2. Baskı. – Ankara, 2003. – S. 115).

<sup>431</sup> Chavannes E. Documents sur les... – Р. 140–142; Бичурин Н. Я. Собрание 163

Тўхористонда эса *ябгу*, *шад*, *тегин*, *элтабар*, *тудун*, *тархон*, *эркин* каби хоқонлик бошқарувига хос бир қатор унвонлар учраб, бу ерда Ашина хонадонининг бир тармоғи бўлмиш *Ябгулар* сулоласи ҳокимиятни бошқаришарди<sup>432</sup>. Гарчи Фарғона ҳукмдорлари ҳам келиб чиқиш жиҳатдан Ашина хонадонига мансуб бўлишса-да, ушбу сулола вакилларининг айнан қайси унвондан бош унвон сифатида фойдаланганларни хақида аниқ бир фикр айтиш қийин. Ҳусусан, VII–VIII асрларда Фарғонани бошқарган ҳукмдорларнинг туркий унвонлари турлича бўлиб, улар \**тегин*, *чўр*, *тутуқ*, *тархон* шаклларида учрайди<sup>433</sup>. Дарвоке, сүғдий А–14 рақамли ҳужжатда «Фарғона ҳукмдори» ва «Фарғона тутуги» иборалари биргаликда учраб, ҳужжат мазмунидан улардан бири водийнинг бош ҳукмдорига нисбатан, иккинчиси эса нисбатан қўйи даражадаги амалдорга нисбатан ишлатилгани аён бўлади. Бу эса Фарғона бошқарувида унвонига кўра бир-биридан мавқеи жиҳатдан фарқланувчи туркий амалдорлар бўлганини кўрсатади.

Хитой ийлномаларида *тегин* Чочдаги бош сулола, *тудун* эса иккинчи даражали сулола вакилининг унвони сифатида қайд этилиши, *тархон* бўлса воҳадаги шаҳарлардан бирининг бошқарувчи сифатида учраши Чочда ҳам шунга ўхшаш ҳолат бўлганидан даррак беради. Тўхористонда эса *ябгу*, *шад*, *тегин* воҳанинг бош ҳукмдорлари ва уларнинг қариндошлари унвони сифатида, *тудун*, *тархон*, *эркин* бўлса нисбатан кичик ва Тўхористон ябгуларига бўйсунувчи ҳукмдорликлар бошқарувчилари боғлиқ равишда учрайди. Бу эса «ҳоқонликка хос бошқарув анъаналари мазкур воҳа ҳукмдорликларида анча кенг ёйилган эди, улардан баъзилари (асосан, Тўхористон, Чоч)да хоқонликнинг унвонлар тизимиға амал қилинган» деб тахмин қилиш имконини яратади.

Шу ўринда, улардан ҳар учаласида бош сулола сифатида Ашина хонадонининг тармоқлари турганини назарда тутиш керак бўлади.

---

сведений... II. – С. 313–314; Согдийские документы... II. – С. 82–83.

<sup>432</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 321; Гафуров Б. Г. Таджики, древнейшая, древняя и средневековая история. – М., 1972. – С. 227; Гоибов Г. Ранние походы арабов в Среднюю Азию. – Душанбе, 1989. – С. 30–31.

<sup>433</sup> Chavannes E. Documents sur les... – Р. 149; Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 319; История ат-Табари... – С. 185; Смирнова О. И. Очерки из истории... – С. 256; Sümer F. Türk Devletleri... – S. 483, 492.

Шунингдек, ҳар учала ҳукмдорликда мавжуд унвонларнинг маълум бир тартибда келиши бир қатор тадқиқотчилар илгари сурган «воҳаларда хоқонликка хос унвонларнинг учраши давр русуми билан алоқали»<sup>434</sup> мазмунидаги фикрларнинг бирёзламали эканидан дарак беради.

Хоқонлик бошқарувидаги мавжуд унвонларнинг бир қисми фахрий бўлиши билан биргаликда, уларнинг кўпчилиги бирор вазифа ёки мансаб номини ифодалаган. Хоқонликдаги ҳар бир мансабдор шахс муайян унвонга эга бўлиб, уларга нисбатан мавқе жихатидан фарқланувчи бир неча ўнлаб унвонлар қўлланилиши баробарида умумий маънода мухим амалдорларни ифодаловчи *бег* (бек) атамаси ишлатиларди. Шу ўринда Г. Дёрфернинг ушбу атамани «князь (ҳоким), алоҳида бир уруғнинг ёки мухим мансабдор шахслар гурухининг бошлиғи» сифатида изоҳлаши диққатга сазовордир<sup>435</sup>. Дарвоҷе, битиктошларда хоқоннинг ҳалқка ва амалдорларга нисбатан қилган мурожаатида қуйидагича сатрлар ўрин олган бўлиб, улар мазмунидан *бег* сўзи айнан қай маънода қўлланилганини аниқлаш мумкин:

«Тангридек Тангри яратган Турк Билга хоқон сўзим: отам Турк Билга хоқон таҳтга ўтирганида содик турк *беглари*, гарбдаги *Tarduš beglari*, кулчўр бошчилигидаги (бутун) *шадапит beglar*, шарқдаги *Tjulas beglari*, *anap-tarxon* бошчилигидаги (бутун) *шадапит beglar*, *ataman-tarxon*, *Tunjuk* бўйла *baga-tarxon* ва *buyruk* (вазир)лар, ич *buyruk* (хосса вазирлари) *sebig* кул-эркин бошчилигидаги (бутун) *buyruklar*. Бунча содик беклар отам хоқонга бениҳоя олқиши ва ифтихорда (?) бўлдилар. (Отам хоқон ҳам) турк бекларини ва ҳалқини бениҳоя олқишилади ва фахрланди»<sup>436</sup>.

Бундан кўринадики, *бег* сўзи амалдорлар, шу жумладан, юқори мартабадаги шахслар учун умумловчи маънода ҳам ишлатилган. Ашина хонадони ўрнини олган ва хоқонликнинг бошқарув анъаналарини тўлиқ давом эттирган Уйғур хоқонлиги (745–840) битиктошларида ҳам *бег* сўзи мухим амалдорлар жаъмини ифодаловчи атама

<sup>434</sup> Gibb H. Orta Asya'da Arap fütuhati. Çev. M. Hakkı. – İstanbul, 1930. – S. 4–9; Stark S. Nomaden und Seßhaft... – S. 389.

<sup>435</sup> Doerfer G. Türkische und mongolische... – S. 393.

<sup>436</sup> Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 132; Tekin T. Orhon Yazitları... – S. 78–81; Dobrovits M. The *Tölis* and *Tarduš* ... – P. 39–40.

сифатида учрайди. Жумладан, Тарят (Терхин) битиктошида юқорида күриб ўтилганга ўхшаш бир неча амалдорларни ўзига бириктирган икки қанот билан боғлиқ равищда «*Тұлас беклар, Тардұш беклар*» иборалари<sup>437</sup> ишлатилганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Турли лавозим эгалари бўлмиш мансабдор шахслар – беглардан ташқари, хоқонликда хизматчи – маъмурлар тоифаси ҳам мавжуд бўлиб, афтидан улар \**tapuγchi* деб юритилган. Бундай дейишимизга сабаб, Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадғу билиг» асаридан маълум бўлишича, Қорахонийлар давлатида сарой хизматчиси ёки маъмур маъносида *tapuγchi* атамаси ишлатилиб<sup>438</sup>, унинг илдизлари то Турк хоқонлиги давригача бориб тақалишидир. Ҳусусан, Тўхористондаги ҳукмдорликлардан бири Руб (ҳоз. Руй)да 639, 678, 682 каби фарқли йилларда тузилган бақтрий хужжатлари (Doc. N, P, Q)да *χαγανο ταποαγλιο νιλιτοβηρο* (бақтр.-турк. «хоқоннинг тапуғлиги (хизматчи-си) элтабар») ёки 710 йилда тузилган бақтрийча хужжат (Doc. T)да маликага нисбатан *χοτολογο ταπαγλιο βιλγανο σαβοονο* (турк. «Қутлуғ тапуғлуг билга-себук») иборалари қўлланилган бўлиб<sup>439</sup>, улардағи *tapuγluğ* сўзи лугавий жиҳатдан «хизматли, хизматчи, хизмат кўрсатган» мазмунидадир<sup>440</sup>.

Юқорида қисман кўриб чиқилган хоқонликка хос унвонларнинг айнан қачон, қайси муҳитда ва қандай шартлар остида пайдо бўлгани масаласини тадқиқ қилиш хоқонликнинг бошқарув тузумини ёритишида ўзига хос ўрин тутади. Масалага бевосита алоқадор фикрлардан бири шуки, баъзи тадқиқотчилар ашина қабиласи вакиллари Жуан-жуан давлатига барҳам бериб, ўз давлатига асос солгач, унга қарашли бир қатор унвонларни қабул қилиб олганини олға сурадилар. Жумладан, Г. Дёрфер Турк хоқонлиги *хоқон, хотун, ябгу, шад, тегин*<sup>441</sup>, баҳодур унвонларини Жуан-жуан давлатидан қабул қилганини таъкидлайдики<sup>442</sup>, булар қаторига эркин, элтабар

<sup>437</sup> Tekin T. Orhon Türkçesi Grameri. – İstanbul, 2003. – S. 227.

<sup>438</sup> Genç R. Karahanlı Devlet Teşkilatı... – S. 157.

<sup>439</sup> Sims-Williams N. From the Kushan-shahs... – P. 255–256; Sims-Williams N. Bactrian Documents from... – P. 74, 82, 88.

<sup>440</sup> Древнетюркский словарь... – С. 535.

<sup>441</sup> Крюков М. В. Восточный Туркестан... – С. 295.

<sup>442</sup> Doerfer G. Türkische und mongolische... – S. 396.

каби соф туркий асосли унвонларни ҳам қўшиш мумкин<sup>443</sup>. Дарвоқе, хоқонликдан анча олдин, яъни V–VI асрларда мазкур унвонлар Жуан-жуан бошқарув тизими билан боғлиқ равишда учраб, бу ушбу давлат тарихига доир хитой йилномаларида маълумотлар асосида ўз тасдигини топади<sup>444</sup>.

Шу ўринда, бир қатор тадқиқотчилар орасида ашина қабиласининг илк сардорлари эга бўлган унвонлар ўз келиб чиқишига кўра, Юечжи-Кушон ва Эфталитлар билан алокадор, мазмундаги фикрларнинг<sup>445</sup> ҳам мавжудлигини айтиб ўтиш керак. Тўғри, ябгу унвони илк бор фаол равишда Кушон салтанати (мил. авв. I – мил. III асрлар) бошқарувида кўрина бошлайди, бироқ ундан ҳам олдин ушбу унвоннинг Хун давлати<sup>446</sup> ва унга қўшни сиёсий уюшма (Юечжи, Усун)ларда мавжуд бўлганини эътиборга олиш лозим. Бу унвон нисбатан хоқонликка яқин даврда яшаб ўтган Эфталитлар давлатида (420–565) ҳам мавжуд бўлганлиги бақтрий ҳужжатлари асосида ўз исботини топди<sup>447</sup>. Шунингдек, *тегин* унвони Эфталитларнинг Шимолий Ҳиндистондаги вакилларининг унвони бўлганини тасдиклайдиган маълумотлар мавжуд<sup>448</sup>. Шундай бўлишига қарамай, келиб чиқишидан қатъий назар, хоқонлик мазкур унвонларнинг кўпчилиги айнан Жуан-жуанлардан қабул қилган, деб хисоблаш мантиқлироқ. Чунки Ашина хонадони ўз давлатини даставвал Жуан-жуанлар давлати устида қурган бўлиб, асосчилари – ашина қабиласи вакиллари ушбу давлатнинг марказий худуди бўлмиш Турфоннинг шимоли-шарқий қисми ва *Хами* (Қумул)нинг шимоли

<sup>443</sup> Материалы по истории древних кочевых народов ... – С. 140.

<sup>444</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 187, 201; Материалы по истории древних кочевых народов... – С. 140, 163.

<sup>445</sup> Малявкин А. Г. История Восточного Туркестана... – С. 337.

<sup>446</sup> Баъзи тадқиқотчилар хитой йилномаларида хун ҳукмдорининг бош унвони сифатида учрайдиган *шанюй* атамасини прототуркча \*давгу, қадимги туркча *жабгу* ёки ябгу унвонлари билан тенгглаштирадилар (Clauson G. An Etymological Dictionary... – Р. 873). Хунларга доир хитой манбаларида учрайдиган маълумотлар билан анча мос келадиган «Ўғузнома»да илк турк ҳукмдорларининг унвони *жабгу* шаклида учраши (Togan A. Zeki Velidi. Oğuz Destanı... – S. 53–55) ҳам бу фикрда жон бор деб тахмин қилишга имкон беради.

<sup>447</sup> Sims-Williams N. From the Kushan-shahs... – P. 254–255.

<sup>448</sup> Göhçe S. İlkçağda Hindistan'da Türk varlığı // The Journal of Indo-Turcica. – İstanbul, 2008. – S. 19.

(Шарқий Жунгория)даги минтақага яқын жой Жанубий Олтойда истиқомат қилишгандык. Хуллас, Турк хоқонлиги бошқарувидаги унвонлардан бир қисми (мас. *хоқон*, *ябгу*, *тегин*) Марказий Осиёнинг шимоли-шарқий ҳудудларида мавжуд бўлган кўчманчи асосли давлатлар бошқарувида учраб, кейинчалик улар Сянби, Жуан-жуан ва Эфталитлар томонидан ва ниҳоят бевосита Жуан-жуанлар орқали хоқонлик томонидан ўзлаштирилган. Шу ўринда, Эфталитлар давлати Жуан-жуанларнинг бир тармоғи, аникроғи унинг ғарбий қаноти бўлгани ҳақидаги фикрларнинг тобора тарафдор топаётганини айтиб ўтиш лозим<sup>449</sup>.

«Жиу Тан шу»да хоқонликдаги унвонлар тартиби деярли юқоридагилар билан бир хил тарзда берилиши баробарида «(Давлатнинг расмий, маъмурий мақомларини эгаллаган амалдорлар)... Бу (ўз) мавқеига ваколатли бўлиб тайинланиши ҳам мумкин эди. Фақат (бир кишининг ваколатан юритадиган мақомлари) бирдан кўп бўлиши ҳам мумкин эди. (Бундай ваколатдагилардан) бирор таси ўлса, (марҳумнинг) ўели ёки укаларидан бири унинг ўрнини эгалларди»<sup>450</sup> мазмунда кўшимча изоҳлар келтириладики, улар асосида вазифадор шахслар қай тартибда тайинлангани, мансаблар биридан иккинчисига қандай қилиб ўтгани ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Демак, хоқонликда мансаблар асосан, меросий бўлиб, бирор вазифадор шахс ўлса, унинг ваколати (унвони ва мансаби) ўғли ёки укасига ўтган.

Хонадон вакиллари бўлмаган амалдорларга кўлланилган унвонлар тартибига назар ташлайдиган бўлсак, энг юқорида *элтабар*, кейин *тудун*, сўнгра *эркин*, ундан кейин *тархон* ва ҳоказо турганлиги аён бўлади. Бу юқорида қисман келтириб ўтганимиздек, ҳам ёзма манбалар (қадимги турк битиктошлари, арман, юон, бақтрий), ҳам нумизматик материаллар асосида ўз тасдигига эга.

Аслида, хоқонлик иерархиясида дастлабки пайтларда *элтабар* унвони *ябгу*, *шад* ва *тегин* унвонларидан кейин, бошқа унвонлар са-

<sup>449</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 221–222; Osawa T. The cult-religious relation... – Р. 48–49.

<sup>450</sup> Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş... – S. 88; Vaissiére E. de la. Is There a «Nationality of the Hepthalites»? // Bulletin of the Asia Institute. New Series. – London, 2003. Vol. 17. – P. 119–132.

<sup>451</sup> Togan İ., Kara G., Baysal C. Çin kaynaklarında Türkler... – S. 80.

фининг эса бошида турган. Бу фикр хитой йилномаларида «*Гарбий турклардан Тун ябгу-хоқон вассал (воҳа) ҳукмдорларига элтабар унвонини берди*» мазмундаги маълумотларда ва қадимги турк битиктошларида «*Аз элтабари*», «*Қарлук элтабари*», «*Үйгур элтабари*» каби иборалар хоқонликдаги нисбатан йирик қабилалар бошликлари билан боғлиқ равишда учрашида кўринади<sup>452</sup>. Дарвоҷе, хитой йилномаларида ҳам *хойху* (уйғур), *байегу* (байирқу)<sup>453</sup>, *пугу* (\*буғу), *тунло* (түнгра), хунъ каби йирик қабилалар бошқарувчилари *силифа* (элтабар) унвони билан тилга олинади<sup>454</sup>. Кези келганда айтиб ўтиш керак, хоқонлик томонидан вассалларга берилган ушбу унвон Чиначканд (Турфон) сұғдий хужжатида (639), Чоч тангалари ва Руб (Афғонистон) бакътрий ёзувлари хужжатларида (639–682) маҳаллий ҳукмдорларнинг унвони сифатида ўрин олган бўлиб<sup>455</sup>, бу эса мазкур тартибининг воҳа ҳукмдорликлари томонидан қабул қилинганидан дарак беради. Буни хитой йилномаларида воҳа ҳукмдорликлари бошқарувчиларининг бир қисми *силифа* (элтабар) унвони билан тилга олингани ҳам тасдиқлайди<sup>456</sup>.

Вассал ҳукмдорликларнинг маҳаллий бошқарувчилари «элтабар» унвони берилиши муайян тартиблар билан алоқадор эди. Афтидан, олий унвонлар (*ябгу, шад, тегин*) ва нисбатан қуи мавқедаги амалдорлар эга унвонлар (*тудун, мархон, эркин, чўр*) ўртасида жой олган элтабар унвонининг тобе ҳукмдорларга берилиши хоқонлик наздида вассаллар бошқарувини ўз олий ҳокимиятидан қуи, иккинчисидан, яъни хонадонга мансуб бўлмаган амалдордан эса юқори юқори туришини ифодалар эди. Шу ўринда С. Г. Кляшторный томониданнинг Тун ябгу-хоқон томонидан тобе воҳа ҳукмдорликлари бошқарувчилари туркий унвонлар берилиши хоқонликнинг уларни ўз маъмурий иерархиясига киритганининг ифодаси эди мазмун-

<sup>452</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 283; Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 110, 130; Tekin T. Orhon Yazitları... – S. 75, 77.

<sup>453</sup> Қул Тегин битиктошида байирқу қабиласининг бошлиғи Улуг Эркин шаклида учрайди (Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 108).

<sup>454</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 344, 345; Taşağıl A. Gök-Türkler. II... – S. 41–42, 43, 45, 47.

<sup>455</sup> Grenet F., de la Vaissiere E. The last days... – P. 177–178; Бабаяров Г. Древнетюркские монеты..., С. 42, 49; Sims-Williams N. Bactrian Documents from... – P. 74, 82, 88.

<sup>456</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 297.

даги фикри диққатга сазовор<sup>457</sup>. Демак, хоқонлик ўз вассаллари бўлмиш воҳа ҳукмдорликлари бошқарувчиларига элтабар унвони бериш орқали уларни ўз маъмурий иерархиясига киритганлигини ифодалаш билан бирга, мавқе жиҳатдан уларни йирик ва нуфузли кўчманчи қабила бошликлари билан тенг кўрганлигини ҳам кўрсатади деб ҳисоблаш мумкин.

Хоқонликнинг унвонлар тизимида энг кенг тарқалган унвонлардан бири *тудун* эди. Хитой йилномаларида ушбу унвон кўпинча элтабардан кейин, қолганларидан эса олдин тилга олиниб, бажарадиган функцияси «бўйсундирилган ўлкаларни назорат қилиш ва солиқ йигишини ташкил этиш» эканлиги таъкидланади<sup>458</sup>. Бошқа тиллардаги манбаларнинг деярли барчасида ушбу унвон учраб, улар мазмунидан мазкур унвон эгаси маҳаллий ҳукмдорларнинг ёнида жой олган шахсларга нисбатан қўлланилгани аён бўлади. Айникса, А-14 рақамили сугдий хужжатда Чоч ҳукмдори билан биргаликда, *тудун* унвонли шахс тилга олиниб, хужжат контекстидан унинг Чочга боғлиқ сиёсий ишларни ҳал қилувчи амалдор эканлиги англашилади<sup>459</sup>. Шунингдек, Турфондан топилган «Гаочан халқининг юкори мавқели мансабдорларни зиёрат қилиш чоғида келтирилган ашёлар қайди» учровчи хитойча хужжатлар парчасида туркларнинг Гаочандаги бир нафар *тудун* ва бошқа маъмурлари ҳақида маълумот учрайди<sup>460</sup>. Вассаллар бошқарувида ушбу унвоннинг VI аср охиридан бошлаб то VIII аср бошларигача қарийб ўзликсиз равишда учраши хоқонликка хос ноиб - *тудун* юбориш тартибининг анча изчил бўлганидан дарак беради.

Хоқонликка хос унвонлардан энг кенг тарқалгани *тархон* унвони бўлиб, бир қатор тадқиқотчилар уни ҳам маъмурий, ҳам ҳарбий унвон ҳисоблайдилар<sup>461</sup>. Хитой йилномаларида келтирилган хоқонлик унвонлар тартибида ушбу унвон анча қўйида жой олган. Шунингдек, юкорида ҳам кўриб ўтилганидек, Чочдаги шаҳарлардан бири нинг ҳокими сифатида *инье даган* (\*инал-тархон) қайд этилиши,

<sup>457</sup> Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности... – С. 408.

<sup>458</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 283; Chavannes E. Çin yillardarına göre... – S. 53.

<sup>459</sup> Согдийские документы... II. – С. 80–82.

<sup>460</sup> Skaff K. J. Western Turk Rule... – P. 99–100.

<sup>461</sup> Gömeç S. Kök Türkçe yazılı belgelerde yer alan unvanlar... – S. 139.

бақтрий тилли ҳужжатларда эса *ηναλ ταρχαν* (инал-тархон) унвонли амалдорнинг бошқалариға нисбатан қўйироқда тилга олиниши<sup>462</sup> ушбу фикрни тасдиқлайди. Устига-устак, хитой йилномаларида Тўхористондаги бир қатор майда хукмдорликларнинг Хитойга элчи қилиб юборган амалдорлари исми таркибида *даган* (тархон) унвоннинг жой олиши, суғдий ҳужжатда Панч амалдорларидан бири нинг унвони *тархон* таріқасида учраши<sup>463</sup> ушбу унвоннинг нисбатан қўйи мавқени эгаллагани ва унга эга шахсларнинг, ҳам хоқонлик марказий бошқарувида, ҳам вассаллар бошқарувида бирмунча қўйи поғонани банд қилганликларидан ёки бўлмаса хоқонларнинг жойлардаги маҳсус вакиллари бўлганидан дарак беради. Дарвоҷе, *тархон* унвонли амалдорлар хоқонлик бошқарувида, айниқса, унинг вассалларида энг кўп учрайдиган унвонлиги билан ажralиб туради. Хусусан, Сюан Цзан ўз саёҳати давомида Ғарбий турк хоқонининг қўшиналари сафида жой олган 200 га яқин ҳарбий бошлиқларнинг *тархон* деб аталиши ҳақида маълумот бериб, унга йўлбошловчилик килиш учун тайинланган хоқонлик вакилига Ябғу-хоқон томонидан моду *даган* (ботур / баҳодур-тархон) унвони берилганини таъкидлайди<sup>464</sup>. Шунингдек, 620- йилларда Кавказга килинган ҳарбий юришлар сўнгидаги хоқонлик қўшинига бош қилиб қолдирилган вакилнинг Чорпан тархон<sup>465</sup> эканлиги каби далиллар ушбу унвоннинг кўпроқ ҳарбий васфга эгалигидан дарак беради.

Бундан ташқари, Чоч, Фарғона, Панч, Тўхористон (Балх, Термиз, Хуттал, Бадғис ва ҳ. к.) баъзи амалдорлари хитой, суғдий, бақтрий ва араб манбаларида *тархон* унвони билан тилга олиниши<sup>466</sup> ушбу унвоннинг тарқалиш ареалининг қанчалик кенг бўлганини

<sup>462</sup> Sims-Williams N. Bactrian Documents from... – Р. 74.

<sup>463</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 325–326; Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар... – Б. 27–28.

<sup>464</sup> Зуев Ю. А. Ранние тюрки... – С. 263–265.

<sup>465</sup> Kalankatlı M. Alban Tarihi... – S. 176; Гумилев Л. Н. Древние тюрки... – С. 201.

<sup>466</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 292; II. – С. 319; Chavannes E. Documents sur les... – Р. 149; Taşgil A. Gök-Türkler. II... – S. 97; Малявкин А. Г. Танские хроники... – С. 87, 282; Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар... – Б. 27–28; История ат-Табари... – С. 127, 129, 256–258; Davary D. G. Baktrisch ein Wörterbuch... – S. 100, 170–171, 287; Sims-Williams N. Bactrian Documents from... – Р. 74, 82, 88; Şeşen R. İslam Coğrafyacılara göre Türkler ve Türk ülkeleri. – Ankara, TTK, 2001. – S. 186, 188.

тасдиқлайди. Мазкур маълумотлар мазмунидан *тархон* унвонли амалдорларнинг функцияларидан бири қўшинга раҳбарлик қилиш бўлганини пайқаш мумкин. Айниқса, Бадғис ҳокими Низак-тархон (ваф. 705 й.), Фаргона хукмдори Арслон-тархон (740 й. й.) фаолиятларида уларнинг мавқеи анча сезилади. *Тархон* унвонининг дастлабки функцияси ҳарбийлик бўлганини тасдиқлайдиган яна бир далил, битиктошларда унинг хоқонлик даврида ҳарбий унвон сифатида биллинган *сангун* билан бирга келишидир. Жумладан, Уйғур хоқонлиги (745–840)га оид битиктошилардан бирида *қуттуз тархон-сангун* унвони учрайди<sup>467</sup>. Афтидан, тархонлар гарданида дипломатик алоқаларда раҳбарлик қилиш ҳам бўлган кўринади. Айниқса, VIII аср биринчи чорагида Тўхористондаги хукмдорликлардан Хитойга юборилган кўплаб элчиларнинг шу унвон билан тилга олиниши бу фикрни тасдиқлайди<sup>468</sup>.

*Тархон* унвонининг бажарган функцияси ва манбаларда қай ҳолатда учрашидан келиб чиқилса, ушбу унвоннинг чўр ва эркин унвонлари билан мавқеи teng ёки нисбий даражада фарқли бўлган деган фикрга бориш мумкин. Боиси, чўр ва эркин каби унвонлар асосан ҳарбий унвонлар қаторида жой олган бўлса-да, вассаллар бошқарувида уларнинг асосий бошқарувчининг эмас, нисбатан кичик хукмдорлик (аникроғи ҳокимлик)ни бошқарган амалдорнинг унвони сифатида учраши бу фикрга асос беради. Ҳар учала унвонни деярли teng ёки параллел унвонлар деб ҳисоблашимизга эса марказий бошқарув ва қанот амалдорлари унвони тилга олинар экан, «гарбдаги Тардуш беклари, бошда кул-чўр... Шарқдаги Тўлас беклари, бошда *ана-тархон*... Сарой вазирлари, бошда *себиг* кул-эркин...» шаклида бир тартибда тизилиши асос беради.

Маълумки, Ғарбий Турк хоқонлигидаги икки қанот – *Нушиби* ва *Дулу* каби қабилалар иттифоқи таркибидаги қабилалар бошлиқларига эркин ва чўр унвонлари берилган эди. Шунингдек, юкорида қитан қабиласи таркибидаги 8 уруғ мисолида кўриб чиқилганидек, нисбатан кучсиз қабилалар бошлиқлари эркин унвони билан юритиларди. Қадимги турк давлатчилик анъаналарига кўра, Ғарбий хоқонликнинг *Дулу* қаноти айнан Шарқий қанот бўлганлиги учун

<sup>467</sup> Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности... – С. 165.

<sup>468</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 225–226.

ҳам Ҳарбий қанотта нисбатан бирмунча юқори мавқеда эди. Бу ушбу қанот таркибидаги 5 нафар уруғ бошқарувчиларининг чўр унвонига эга бўлганида<sup>469</sup> ҳам ўз тасдифини топади.

Хоқонликнинг унвонлар тизимида *тутуқ* унвони учраб, аксари ят тадқиқотчилар уни «бирор вилоятнинг ҳарбий-маъмурий ҳокими маъносидаги хитойча дуду сўзидан ўзлашган» ҳисоблайдилар ва хоқонликда ҳам ушбу унвон эгаларининг худди шундай вазифани бажарган деб талқин қиласдилар<sup>470</sup>. Шу билан биргаликда, ушбу унвонни қадимги туркча *тут* «тутмок» феълидан шаклланган, деб қаровчи тадқиқотчилар ҳам талай<sup>471</sup>. Бироқ *тутуқ* унвони хитойчадан ўзлашганлиги ҳақиқатга яқин кўринади<sup>472</sup>. Чунки ушбу унвон хоқонликдан анча олдин, милодий IV асрда Хитой бошқарувида анча фаол равишда учрайди. Хоқонлик тарихига алоқадор манбаларда мазкур унвон эгасининг айнан қайси вазифани бажарганлигига доир батафсил маълумот учрамайди. Шунга қарамай, *тутуқ* унвонининг Хитой сулолалари бошқарувидаги вазифасидан келиб чиқиб, шунингдек, баъзи маълумотларга асосланиб, уни хоқонларнинг жойлардаги вакили (эҳтимол, ҳарбий) – ноиби бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. Жумладан, битиктошларда хоқонликка қарши олиб борилган жангларга йўлбошчилик қиласдан «*Табғаҷ (Хитой) ўнг-тутуқ*», «*Аз (қабиласи) тутуги*» ҳақида гап бориши<sup>473</sup>, А–14 ракамли Муғтоғи сүғдий ҳужжатида «*хоқонга ва Фарғона ҳукмдорига аталаған ҳат топширилган Фарғона тутуги*», Ўтрор тангларида «*Алл-хоқон тутуқ*» жумлалари учраши<sup>474</sup> ушбу унвон эгаларининг ҳарбий ва маъмурий ишлар билан машгул бўлганидан дарак беради.

Юқорида кўриб ўтилганидек, хоқонликнинг фақат марказий

<sup>469</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 289.

<sup>470</sup> Ecsedy H. Old Turkic titles of Chinese origin // Acta Orient. Hung. T. XVIII. – 1965. – P. 84; Gabain A. von. Eski Türkçenin Grameri. Türkçe çev. M. Akalın. – Ankara: TTK, 1988. – S. 302.

<sup>471</sup> Бернштам А. Н Социально-экономический строй... – С. 114; Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 119.

<sup>472</sup> Ecsedy H. Old Turkic titles ... – P. 84; Джуманалиев Т. Д. Очерки политической истории кочевников Притяньшана с древности до конца XVII века. – Бишкек, 2007. – С. 197.

<sup>473</sup> Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 108–109.

<sup>474</sup> Согдийские документы... II. – С. 80–85; Смирнова О. И. Сводный каталог... – С. 341.

бошқарувига хос *айгучи, буйруқ, бўйла, ўга, йаргучи, битикчи* каби унвонлар мавжуд бўлиб<sup>475</sup>, улар на вассаллар ва на Ашина хонадони вакиллари бошқарган ҳукмдорликлар бошқарувида учрайди. *Буйруқ* унвони «вазир», *ўга* эса «давлат маслаҳатчиси, нозир» маъносида бўлиб, ушбу унвонларга эга амалдорлар ҳукмдор саройида вазифадор бўлиб, давлат кенгаши аъзолари эдилар. Улар хоқон сайлаш, курултой чақириш, қарорлар қабул қилиш ва уларнинг ижросини таъминлаш каби вазифаларни бажаришарди. Аслида, ҳар иккала унвоннинг бажарадиган вазифалари бир хил бўлса ҳам, улар орасида муайян фарқ бўлгани кўзга ташланади. Жумладан, мавзуу баҳс хўтансак (?) матнларида *ўга* ва *буйруқ* унвонларига алоқадор учраган «*Канчжоудаги мулкларга барча ер эгалари бўлмиши янги ўга ва буйруқлар жойлашасанти*» шаклидаги маълумотда улар Гансу Уйғур давлатининг энг юқори амалдорлари сифатида тилга олинади<sup>476</sup>. Бироқ ушбу матнларда бир неча ўнлаб *ўга* унвонли амалдорлар, ҳатто «70 нафар *ўга*» ибораси қайд этиладики, бу эса ушбу унвон эгаларининг бошқарувда кўпчиликни ташкил қилганини кўрсатиш баробарида унинг мавқеи *буйруқ* – вазирга нисбатан қуий бўлганидан дарак беради. Дарвоке, Маҳмуд Кошғарий *ўга* сўзини «тегиндан бир даражада қуий, оддий халққа мансуб, ёши улуғ ва ақлли кишиларга берилган лақаб» шаклида таърифлайди<sup>477</sup>.

Хоқонликнинг унвонлар тизимида харбий унвонлар ҳам ўзига хос ўрин эгаллаган. Жумладан, битиктошларда *субоши, чабии, бингбоси, бешюзбоши, юзбоши*, *\*ўнбоши* каби унвонлар учрайди. Шунингдек, хитой йилномаларида хоқонлик амалдорларининг унвони сифатида *чабиши / цяби* (чабиш) бир неча бор қайд этилади<sup>478</sup>. *Субоши* луғавий жиҳатдан қадимги туркча су «қўшин» ва *башы* «бош, раҳбар», яъни «қўшин бошлиғи, лашкарбоши» маъносида бўлиб, *чабиши* (човуш) эса «қўшинда вазифадор шахс, лашкар бошликларидан бири» сифатида эди. Маҳмуд Кошғарий чабишни «жангда сафларни тузатувчи, дам олиш вақтида аскарни зулм қилишдан сақловчи

<sup>475</sup> Ушбу унвонларга тадқиқотнинг бошқа қисмларида батафсил тўхталганимиз боис, бу ерда қисқача тавсифлашни лозим топдик.

<sup>476</sup> Çandarlıoğlu G. Sarı Uygurlar ... – S. 34, 43.

<sup>477</sup> Divanü Lügat-it Türk Tercümesi... I. – S. 90.

<sup>478</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 250.

одам» шаклида таърифлайди<sup>479</sup>. Бинобарин, кейинчалик бир қатор туркий сулолаларда бўлгани каби хоқонлик даврида *чабии/човуши* «қўмондон, хабарчи» вазифасини бажариб, қўшни давлатларга элчи (ҳарбий мақсадларда?) юборилган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилган<sup>480</sup>.

Ҳарбий унвонларнинг бундай номланиши хоқонликнинг моҳиятнан «ўнлик тизими»га эга ҳарбий империя бўлганлиги билан изоҳланади (*қаранг*: илова VIII).

### 3. 3. 2. Хоқонлиқда унвон бериш тартиблари

Ҳарбий Турк хоқонлигига унвон бериш тартиби қандай бўлганлиги масаласини кўриб чиқишдан олдин, лугавий жиҳатдан қадимги туркларда «унвон» сўзини ифодалашда қайси иборалар ишлатилганига назар ташлаш керак бўлади. Ўрхун битиктошларидаги аслида бирор предмет номи ёки муайян киши исми маъносидаги *ат* (от) сўзи учраб, улардаги жумлалар мазмунидан унинг «унвон» сўзини ифодалашда ҳам ишлатилганига гувоҳ бўламиз. Жумладан, Кул Тегин битиктошида хоқонлар тилидан келтирилган «*Turk beglar turk atyin yatti. Tabgachы beglar, Tabgach atyin tutupan, Tabgach қаганقا кўрмии*» жумлаларини кўпчилик туркологлар «Турк беклари турк унвонларини ташлади. Хитой хизматидаги (турк) беклар хитой унвонларини олиб, Хитой хоқонига тобе бўлганлар» шаклида ўйришган<sup>481</sup>. Шунингдек, битиктошда Аз ёки Қирғиз хоқонини тайинлаш воқеаси хоқонлар тилидан баён қилинап экан «*Bars beg erhti, қагan at bunta biz bertimiz – Bars (исмли бошқарувчисининг унвони) бек эди, хоқон унвонини бу ерда (унга) биз бердик*»<sup>482</sup> шаклида маълумотлар учраб, улар мазмунидан *ат* сўзи «унвон» маъносини билдириши аён бўлиши билан биргаликда, унвонлар хоқон томонидан берилгани ҳам ўз ифодасини топади. Дарвоҷе, Маҳмуд Кошғарий

<sup>479</sup> Divanü Lügat-it Türk Tercümesi... I. – S. 349.

<sup>480</sup> Donuk A. Eski Türk devletlerinde idari-askeri unvan ve terimler. – İstanbul, 1988. – S. 93; Бунятов З. М. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов (1097–1231). – М.: Наука, 1986. – С. 91.

<sup>481</sup> Tekin T. Orhon Yazitları... – S. 41.

<sup>482</sup> Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 106; Tekin T. Orhon Yazitları... – S. 67–69.

ўз асарида *āt* сўзини дастлаб «ном, исм» сифатида изоҳлаш баробарида, унинг изидан худди шу сўзнинг «унвон» маъноси ҳам борлигини айтиб, *бек ангар ат берди* – «хукмдор унга унвон берди» мазмунда ибора келтиради ва аслзода кишини *атлығ* деб аташларини таъкидлайди<sup>483</sup>.

Ўз вақтида Турк хоқонлигидаги унвонлар тизимиға тўхталиб ўтган Л. Н. Гумилевнинг ушбу масалага алоқадор баъзи фикрлари диккатга сазовордир. Тадқиқотчининг фикрича, қадимги туркларда мавжуд анъанага кўра, ҳар бир шахснинг ёши ва фаолияти билан боғлиқ ўз исмлари бўлиб, шахснинг жамиятда тутган мавқеидан келиб чиқилган ҳолда муайян исм танланар, аниқроғи, жамият аъзолари томонидан ном берилар эди. Яъни шахснинг болалик ва улғайган пайтлари бир-биридан фарқ қилас, унга жамиятда тутган ўрнига кўра лақаб ва унвонлар тақалар, аксарият ҳолларда шахс ўз исми билан эмас, лақаб ёки унвони билан чақирилар эди. Бунинг энг ёрқин намуналари фарқли воқеалар муносабати билан турли тиллардаги манбаларда ўрин олган хоқонликнинг бошқарувчи тоифаси исмлари мисолида кўринади. Хусусан, ҳар қайси бек – амалдор келиб чиқиши ҳайвон номларидан олинган ўзининг шахсий исмларидан ташқари, лавозимиға қараб ўзгариб турадиган унвон-лақабларга эга бўларди<sup>484</sup>. Турк хоқонларининг айримлари тарихий асарларда икки ёки учта ном билан учрашига эътибор қаратган тадқиқотчи бунинг хукмдор бўлгунга қадар ва хоқон бўлгача пофонали-улуш тизимиға уйғун ном олиши билан боғлиқлигини таъкидлайди<sup>485</sup>. Ҳақиқатан ҳам хитой йилномаларида ҳар бир хукмдор фаолияти ёритилар экан, улардан деярли барчасининг хоқон бўлгунгача ва тахтга чиқиш арафасида янгидан берилган исмлари ҳақида кўплаб маълумотлар учратиш мумкин<sup>486</sup>. Гумилев хитой йилномаларида хоқонлик вакилларидан бирининг исми дастлаб *Шэ-ту* шаклида келтирилгани, хоқонлик шарқидаги улус бошқарувчиси бўлиб турган пайтда *Эрфу* (кад. турк. *Эр-бег*) исмини олгани, хоқонлик тахтига чиқаётганда эса *Или гойлу Ше Моҳэ Шаболо* хоқон унвонини қабул қилганини мисол қилиб келтиради. Тадқиқотчи мазкур лақаб-унвоннинг туркий асли-

<sup>483</sup> Divanü Lügat-it Türk Tercümesi... I. – S. 107.

<sup>484</sup> Гумилев Л. Н. Древние тюрки... – С. 57.

<sup>485</sup> Гумилев Л. Н. Древние тюрки... – С. 90.

<sup>486</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 233, 235, 239.

ни Эл Кулуг-шад Бага Ишбара хоқон шаклида тиклайди ва мазмунан «Давлатнинг шонли шади, илохий курдатли хоқон» маъносини билдиришини ёзади<sup>487</sup>.

Тадқиқотчининг фикрларига қўшимча равишда шуни айтиш мумкинки, хитой йилномаларида хоқонликнинг ҳар иккала қисмидаги ҳукмдорлардан деярли барчасининг тахтга чиқиши арафасида исми қанақа бўлгани ва тахтга чиққач, қандай исм ва унвон олгани ҳақида маълумотлар ўрин олган. Масалан, 630 йилда Тун ябғу-хоқонни ўлдириб, ўрнини эгаллаган Ғарбий турк ҳукмдори ҳақида «Моҳеду (Баҳодур) ... Кюйли Сиби (\*Кулуг Сибир) хоқон унвони билан таҳтга ўтириди» шаклида маълумот учраса, 630–640 йиллар орасида биринкетин Ғарбий хоқонликни бошқарган Тунво ше (\*Тўнга-шад) исмли шаҳзоданинг Шаболо Хилиши (\*Ишбара Хилиши) хоқон унвони билан, Юйге ше (\*Юқуқ-шад) исмли шаҳзода эса Иби Дулу (\*Йелби Тулу) хоқон унвони билан тахтга чиққанлиги зикр қилинади<sup>488</sup>. Демак, мазкур хоқонлар балоғат даврида муайян эпитетлар олишган бўлиб, хоқон бўлгач, ушбу эпитетлар қаторига шахсий фазилатлари билан боғлиқ янги эпитетлар кўшилган. Йилномаларда бирор ҳукмдор ҳақида «таҳтга чиқишидан олдинги ва кейинги исми» деб келтирилган исмлар таркибига назар ташланса, улардан аксарияти хоҳ шаҳзодалик вактидаги бўлсин, хоҳ тахтга чиққач қабул қилинган бўлсин, шахсий исм эмас, муайян эпитет ва унвон эканлиги аён бўлади. Айниқса, тахтга чиқмасдан аввалги исми сифатида қайд этилган Баҳодур, Тўнга-шад, Йуқуқ-шад, Қутлуғ-шад, Бўгу-чўр исмларидан бирортаси шахсий исм эмас, эпитетли унвонлар эканлиги дикқатга сазовордир.

Шу ўринда, «улар эпитет ва унвондан шаклланган шахсий исмлар бўлиши ҳам мумкинку» шаклида савол туғилиши мумкин. Фақат шаҳзодалар, умуман олганда, Ашина хонадони мансублари исми таркибига назар ташланса, асосан, бир-бирига ўхшаш ҳамда эпитет ва унвонларни эслатадиган номлардан иборат бўлгани маълум бўлади. Бундан ташқари, шаҳзодаларнинг хоқон бўлишдан аввал ҳам маълум бир вазифани эгаллаб турганлиги ҳисобга олинса, ҳукмдорларнинг хоқон бўлишдан олдинги исми кўпроқ эпитетли унвонлар бўлиши

<sup>487</sup> Гумилев Л. Н. Древние тюрки... – С. 57; Гумилев Л. Н. Қадимги турклар... – Б. 67.

<sup>488</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 284, 286.

табиий ҳолдир. Бинобарин, бу ҳолат нафақат хоқонликнинг олий бошқарувчи тоифаси, балки катта-кичик мавқедаги барча амалдорларнинг ўз шахсий исми билан эмас, эпитетлери унвонлари билан манбаларда қайд этилганини эътироф этиш лозим. Демак, хоқонлиқда ҳукмдор ва амалдорлардан барчасини ўз шахсий исми билан эмас, эпитет ва унвонлари билан чақириш расм бўлган ва бу ҳолат турли тилларда ўз аксини топмасдан қолмаган.

Наинки, хоқонлик, балки ундан кейин мавжуд бўлган ўнлаб туркий давлат уюшмалари тарихига алоқадор турли тиллардаги манбаларда ҳукмдор ва амалдорлар ўз шахсий исми билан эмас, асосан, унвон ва эпитетлари билан қайд этилгани кўзга ташланади. Айникса, бу ҳолат хоқонлиқдан ташқари<sup>489</sup> Ўйғур ва Қирғиз хоқонликларига тааллуқли қадимги турк битиктошларида ўзини яққол намоён қиласди. Тўгри, хитой йилномаларида бирор турк хоқонининг тахтга чиқишидан олдинги исми қандай бўлгани кўрсатиб ўтилади, бироқ уларнинг ҳам аксарияти айнан шахсий исм эмас, унвон ёки эпитет характеристидадир. Фикримизча, мазкур ҳолат замирида қадимги туркларга хос анъана – бирор шахсга мурожаат қилинаётганда айнан болалиқдаги исми билан эмас, айни вақтда жамиятдаги ўрнига қараб берилган унвони ёки лақаби билан аташ одати ётади. Хусусан, битиктошларда *эр аты* – «эр йигит номи / унвони», *эр ат булты* – «эр йигит унвонига / лақабига соҳиб бўлди» каби иборалар учраб, тадқиқотчилар уларни қадимги туркларда ҳар бир шахс болалик, ўсмирлик ва балоғат ёшида фарқли исмлар билан аталиши анъанаси билан боғлайдилар<sup>490</sup>.

Ушбу ибораларни фақат унвон ёки эпитет билан боғлик деб тушунмасдан, том маънода шахснинг кўрсатган матонати туфайли жамоадошлар томонидан берилган лақаб бўлиш ҳам мумкин деб қараш лозим. Бироқ битиктошларда *эр ат* иборасига маҳсус урғу берилиб, шахснинг муайян унвон ва эпитетлари тилга олинаётганда учраши уни унвон тизими билан боғлашни тақозо қиласди. *Эр ат* қозониш жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун муҳим шартлардан бири бўлиб, унга эришиш учун даъвогар ўзининг яхши фазилатларини

<sup>489</sup> Кызласов И. Л. Прочтение наскальных рунических надписей Кыргызстана // Материалы и исследования по археологии Кыргызстана. – Бишкек, 2005. – С. 54–61.

<sup>490</sup> Абдураҳмонов Ф., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 108; Tekin T. Orhon Türkçesi Grameri..., – S. 233, 235; Tekin T. Orhon Yazıtları... – S. 47.

күрсатиши, шу жумладан, жангларда қаҳрамонлик қилиши шарт бўлган. Битиктошларда шу билан боғлиқ эрдам, эр эрдами шаклида иборалар ҳам кўп учраб, лугавий жиҳатдан биринчиси «фазилат», иккинчиси эса «эр йигитлик фазилати» маъносидадир<sup>491</sup>. Эр эрдами қадимги турк жамиятида энг муҳим хислат ҳисобланган бўлиб, битиктошларнинг деярли барчасида жамият аъзоларининг фаолиятлари: жанг ва ов пайтидаги муваффақиятлар, халққа ва давлатга хизмат қилиш, бошқа юртларга элчи бўлиб бориш ва ҳоказолар «эр йигитлик фазилати» сифатида тилга олинади.

Дарвоқе, Кул Тегин битиктошида Билга хоқон тилидан келтирилган «Умайдек онам хотун қутига иним Кул Тегин эр от (эр йигитлик унвони) топди»<sup>492</sup> мазмунидаги маълумот учрайди. Бизнингча, кўпинча хоқонлик жамиятида кўрсатган фазилатларига қараб берилган эр *ат*, асосан, лақаб ёки эпитетли унвонлардан иборат бўлган. Бунга мисол сифатида шахзода Кул Тегин исмини кўрсатиш мумкин. *Кул* эпитети лугавий жиҳатдан «донгдор, шухратли» маъносида бўлиб, *кул-тегин* эса «донгдор шахзода» маъносидадир. Ҳам қадимги турк битиктошлари, ҳам хитой йилномаларидан маълум бўлишича, хоқонликнинг ҳарбий ҳаракатларида мазкур шахзода бош фигуralардан бири сифатида келади. Бу эса унинг жамиятда қозонган шухрати туфайли *кул-тегин* унвонига эга бўлган деб ҳисоблаш имконини беради.

Юқорида «манбаларда Турк хоқонлиги амалдорлари шахсий исми билан деярли қайд этилмаган, кўпинча улар ўзлари эга бўлган унвон ва эпитетлари орқали бизга маълум» деб таъкидлаб ўтилдики, бундай дейиш учун яна бир сабаб, хоқонликка алоқадор тарихий шахсларнинг кўпчилиги, асосан, бир-бирига ўхшаш унвон ва эпитетларни эслатадиган номлар билан тилга олинишидир. Жумладан, II Шарқий Турк хоқонлигининг асосчиси Кутлуғ (682–691) «элни, давлатни тўплаган» маъносидаги Элтерии номи остида битиктошларда тилга олинса<sup>493</sup>, унинг укаси Бўгу-чўр Қапған хоқон (691–716) Тан империяси томонидан \*Элтерии улуг шанюй (хит. сийетелиши да

<sup>491</sup> Orkun H. N. Eski Türk Yazitlari... – S. 231–235.

<sup>492</sup> Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркӣ тил... – Б. 108.

<sup>493</sup> Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркӣ тил... – Б. 78, 104.

шанюй) унвонига лойик күрилгани йилномаларда зикр қилинади<sup>494</sup>. Бу эса Элтериии сўзи Қутлуғ хоқоннинг ҳам аслида шахсий исми эмас, балки эпитети ёки фахрий унвони бўлган деб хисоблашга имкон беради.

Афтидан, «эр йигитлик унвони», яъни эпитети бирор шахснинг балогат ёшида қозонилиб, то у вафот этгунгача мансаб пиллапояларида кўтарилиш босқичларидф унвонларга кўшилиб ишлатилган кўринади. Шу ўринда мазкур Шарқий турк хоқонлари Қутлуғ Элтериш ва Бўгу-чўр Қапған исмларини келтириш мумкин. Аслида уларнинг бирортаси шахсий исм бўлмай, бир қисми эр *at* бўлса, иккинчи қисми эса муайян босқичларда эгаллаган унвонлариdir. Бундай дейишга сабаб, хитой манбаларида Элтериш хоқон вақти-вақти билан *\*Кўтлуғ-чўр*, *\*Кўтлуғ-шад*, *\*Кўтлуғ-хоқон* шаклларида тилга олинса, Қапған хоқон хитой ва тибет манбаларида *Бўгу-чўр*, кадимги турк битиктошларида эса *Бўгу-хоқон*, *Бўгу-шад* тарзида қайд этилади<sup>495</sup>. Бундан кўринадики, мазкур ҳукмдорлар кейинчалик хоқон унвонини олишдан аввал *шад*, ундан ҳам аввал эса чўр унвонига эга бўлиб, ўз пайтида қўтлуғ, бўгу эпитетларига эга бўлишган. Гарчи илк эпитети ҳақида маълумот сақланиб қолмаган бўлса-да, булар қаторига Билга (716–734) ва Ўзмиш (742–744) каби хоқонларни ҳам кўшиш мумкин. Хусусан, улардан биринчисининг унвони хитой йилномаларида *бигя-ша* (\*билга-шад), битиктошларда *Билга-хоқон* шаклида, иккинчисиники эса битиктошларда *Ўзмиш-тегин*, йилномаларда *усумиши кехан* (\*Ўзмиш-хоқон) шаклларида қайд этилади<sup>496</sup>. Эҳтимол, ушбу эпитетлар уларнинг муайян «эр йигитлик унвонлари» бўлиб, улар балогат даврида жамият ва сиёсий ҳаётда кўрсатган илк фазилатлари туфайли бунга эришган бўлишлари мумкин.

Энди Турк хоқонлигига амалдорларга унвон бериш тартиби қандай бўлган, амалдорларнинг даражалари қай тарзда оширилган ва унвон эгалари ўзларининг алоҳида белгилари билан фарқланганми-йўқми масаласига келсак. Хитой йилномаларида Ғарбий туркларнинг пойттахт *Суе* (Суяб) шахридан 40 ли (20 км) шарқдаги *Цзядан*

<sup>494</sup> Togan İ., Kara G., Baysal C. Çin kaynaklarında Türkler... – S. 240.

<sup>495</sup> Rybatzki V. Titles of Turk and Uigur Rulers in Old Turkic Inscriptions // CAJ. – Wiesbaden, 2000. – No 44. – P. 223.

<sup>496</sup> Rybatzki V. Titles of Turk and Uigur Rulers... – P. 228–230; Каржаубай С. Объединенный каганат тюрков ... – С. 76.

деб номланувчи тоғда йилда бир маротаба йиғилиб, диний маросимларни амалга оширганликлари ва амалдорларни лавозимлар тайинлаганликлари ҳақида маълумот учрайди<sup>497</sup>. Ушбу маълумот асосида ҳар бир хоқон давлат кенгаши – құрултой қақырғани ва унда амалдорларни муайян вазифаларга тайинлаб, турли унвонлар берганини тасаввур қилиш мүмкін. Унвонлар қадимги туркій қонунлар мажмуюи – *тұру / тұрага* асосан берилған бўлиб, битиктошларда учрайдиган «*ўл тұруда ўза әчим қаған үлтурти – Ўша тұра* (қонун) бўйича амаким хоқон (бўлиб тахтга) ўтириди»<sup>498</sup> тарзидаги жумлалар бунга мисол бўла олади.

Унвонлар асосан хоқон томонидан берилганини битиктошлардаги хоқонлар фаолиятига доир «*Тұлас, Тардүш будунуг анта этмии. Йабегү, шадығ анта бермиш – Тұлас ва Тардүш будун* (қанот бошқаруви)ни ўшанда жорий қилибди. (Уларга) ябегу ва шад унвонларини ўшанды берибди»<sup>499</sup> шаклидаги маълумотлар ва Ғарбий турк хукмдори Ябгу-хоқоннинг хитой роҳиби Сюан Цзан (629–645) билан Хиндистонгача хамроҳлик қилиб бориши учун жангчиларидан бирини масъул қилиб, унга баҳодур-тархон унвонини бериши ҳақидаги маълумотлар тасдиқлайди<sup>500</sup>.

Хоқонликда унвонлар берилиш тартиби билан боғлиқ яна бир далил шуки, юқорида хитой манбалари асосида келтирилган «*У(лар)нинг унвонлари ябегу, шад, тегин. Асосан, улар хоқоннинг ўғли, оғаинилари ва ушбу хонадон аъзоларидан бўлишиади. Шунингдек, эркин, кул-чўр, йенхунда?, элтабар, тудун, ссучин (эркин) ва бошқа лавозимларга ҳамма тайинланиши мүмкін эди*» мазмундаги маълумотнинг хоқонликда фақат бошқарувчи хонадон аъзолари олиш ҳуқуқига эга унвонлар, шунингдек, ҳам ушбу хонадон вакиллари, ҳам унга мансуб бўлмаган шахслар олишга ҳақли унвонлар мавжуд бўлганини кўрсатишидир. Демак, 4 та унвон – хоқон, ябегу, шад, тегин фақат Ашина хонадони вакилларига тааллуқли бўлиб, қолганлари эса ушбу хонадон аъзоларига ҳам, турли уруғ ва қабила вакилларига ҳам берилган. Фақат истисно тарикасида баъзи хитой

<sup>497</sup> Лурье П. Б. Заметки о раннеисламском дорожнике ... – С. 86.

<sup>498</sup> Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркій тил... – Б. 105.

<sup>499</sup> Tekin T. Orhon Yazıtları... – S. 43.

<sup>500</sup> Зуев Ю. А. Ранние тюрки... – С. 263–265.

амалдорларига хоқонлик томонидан *тегин, шад* унвонлари берилганига доир маълумотлар учрайдики<sup>501</sup>, ҳар ҳолда, бу хоқонларнинг Хитой империясини құдратли давлат деб билғанларлари ва унинг амалдорларини ўз томонига оғдириш мақсади билан боғлиқдир.

Шунингдек, юқорида күриб ўтилганидек, хоқонлик вассалларга *элтабар* унвонини берган бўлиб, уларнинг назоратига бирор вакил – *тудун* унвонли амалдор юбориш анъанаси ҳам хоқонликда унвон бериш тартиби қандай бўлгани масаласини ёритишда бирмунча хизмат қиласи. Дарвөс, вассалларга унвон берилар экан, хоқонлар ўзига хос усул кўллаган бўлиб, нисбатан йирик қабила бошлиқлари ва ўтрок воҳа хукмдорларига *элтабар*, кичикроқ қабила ва уруғларга эса қўйироқ даражадаги *эркин* унвонини берганлиги маълум.

Шу ўринда мазкур масала бўйича муайян тасаввур хосил қилиш учун хоқонликдан олдин ва кейин ўтган давлат уюшмаларига доир маълумотларга мурожаат қилиш зарурияти туғилади. Жумладан, марказий осиёлик чорвадор этносларда унвон бериш тартибига доир хитой манбаларида бир катор маълумотлар сакланиб қолган бўлиб, улар орасида «Вэйшу» йилномасида жуан-жуанлар билан боғлиқ келтирилган кўйидаги маълумотлар дикқатга сазовор:

«Жуан-жуанларда мавжуд одатга кўра, хукмдорлар ва амалдорлар ба-жарган ишларига караб унвон олишади. Бу худди «Ўрталиқ давлат» (Хитой)-да ўлгандан кейин бериладиган унвонлар кабидир, факат уларда вафотидан кейин фаҳрий унвонлар берилмайди»<sup>502</sup>.

Агар Турк хоқонлигидаги унвонларнинг муҳим бир қисми Жуан-жуан давлатидан ўзлашганидан келиб чиқилса, хоқонликнинг унвон бериш тартиби ҳам жуан-жуанларникуга муайян даражада ўхшаш бўлган деб хисоблаш мумкин. Айниқса, жуан-жуанларга алоқадор «уларда вафотидан кейин фаҳрий унвонлар берилмайди» мазмундаги маълумотнинг хоқонликка ҳам мос келишини таъкидлаш лозим. Чунки на қадимги турк битиктошларида, на хитой йилномалари ва бошқа тиллардаги манбаларда қадимги туркларда амалдор вафот этганидан сўнг мархумга унвонлар берилганига доир маълумотлар акс этган.

<sup>501</sup> Drompp M.R. Supernumerary Sovereigns... – Р. 190.

<sup>502</sup> Материалы по истории древних кочевых народов ... – С. 269.

Хоқонликда унвонлар берилиш тартиби билан боғлиқ яна бир масала, ҳар бир янги ҳукмдорнинг ўз вазифасига бошлаган пайтда сарой мансублари ва амалдорларга нисбатан қандай йўл тутганлиги масаласидир. Таъкидлаб ўтиш керак, бу ҳақда манбаларда тўғридан-тўғри батафсил маълумот учрамаса-да, айрим мисоллар асосида бу борада муайян тасаввурга эга бўлиш мумкин. Албатта, ҳар бир янги ҳоқон табиий равишда биринчি навбатда сафдошлари ва хайриҳоҳларини ўз атрофига йиғиш, уларга турли юқори лавозимларни беришга ҳаракат қилган. Бирок бу масалада ҳам ҳоқонлар мавжуд одат ва ҳуқуклар мажмуаси – *тўргу* амал қилиши шарт бўлган кўринадики, шу сабабли бўлса керак, битиктошларда «амаким ҳоқон бўлгач, ўша *тўру* бўйича *ябгу* ва *шадни тайнинлабди*» жумлалари ўрин олган<sup>503</sup>. Шунингдек, ҳоқонларнинг амалдорлар билан, энг аввало, бошқарувчи хонадон аъзолари билан умумий тил топишиши ёки уларнинг истаклари билан муайян даражада ҳисоблашишлари зарур бўлган. Бу, Шарқий турк ҳоқони Ишбара (581–587) ўз биродарлари ва қариндошлари бўлмиш шаҳзодаларни мамлакатнинг турли ҳудудларига «кичик ҳоқон»лар сифатида тайнинлагани ва шу тариқа ҳокимиятини мустаҳкамлагани ҳақидаги маълумотлар асосида ўз тасдигини топади<sup>504</sup>. Бу эса ҳоқонларнинг чексиз ва мутлақ ҳокимиятга эга бўлмагани, қурултой чақириш орқали амалдорлар ва кенгаш аъзолари билан маслаҳатлашиб иш тутиши шарт бўлганидан дарак беради. Ишбара ҳоқон вафотидан олдин катта ўғли қолиб, кичик ўғли Чулохуга таҳтни васият қилиши муносабати билан кенгаш аъзолари ва янги сайланажак ҳоқон масаласида саройда келиб чиқкан мунозаралар<sup>505</sup> ҳам бунинг далилидир.

Шу ўринда ҳоқонликда унвон эгаларининг қўлга киритган имтиёzlари масаласига қисқача тўхтальсак. Ю.А. Зуевнинг таъкидлашича, Қадимги туркларда жамият аъзоларининг ўрни ва сиёсий мавқеи кўп ҳолларда улар эга бўлган унвонларга қараб белгиланар ва унвонларнинг кўпчилиги меросий эди. Қадимги турк жамияти давлатчилик тарихининг илк одимларида ёқ қатъий равишда даражаларга

<sup>503</sup> Абдураҳмонов Ф., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 105.

<sup>504</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 235–239; Джуманалиев Т. Д. Эволюция каганской власти в древнетюркском государстве // Second International Congress on Turkic Civilization. Bishkek, October 4–6, 2004. – Bishkek, 2005. – С. 183.

<sup>505</sup> Taşaǵıl A. Gök-Türkler. II... – S. 116.

бўлинган бўлиб, бирор унвоннинг берилиши эса шахснинг ижтиёмий алоқалар ва ўзаро бўйсуниш тизимида тутган ўрнига асосла-нарди<sup>506</sup>. Хитой йилномаларида ҳам таъкидланганидек, хоқонликда унвонлар (шунингдек, лавозимлар) кўпинча меросий бўлиб, улар отадан-ўғилга, акадан-укага ўтарди. Яъни улар муайян даражада оиласларга тегишли эди. Демак, лавозимлар берилишини маълум шахслар, шу жумладан, уларнинг оиласлари томонидан қўлга киритилган ўзига хос имтиёзлар сифатида қарамоқ лозим. Бу ҳолат нафақат хоқонлик бошқарувига хос, балки ундан кейинги кўплаб туркий су-лолалар бошқарувида<sup>507</sup> кўзга ташланади.

Энди хоқонликнинг унвонлар тизимига алоқадор яна бир масала - унвонларнинг сони қанча бўлганига тўхталиб ўтсак. Маълумки, хитой йилномаларида хоқонлик бошқарувидаги унвонларнинг сони ҳақида турлича рақамлар берилган бўлиб, баъзан уларнинг сони 10, баъзан 20 ёки 28 та эканлиги айтилса-да, аслида унвонларнинг умумий сони 40 га яқин бўлган (қаранг: илова VIII). Унвонлар миқдори бўйича берилган рақамлар ҳам ўзининг муайян изоҳларига эга бўлиб, «уларда давлат ташкил этишининг дастлабки ўйларида ҳаммаси бўлиб, 10 хил юқори ҳамда қуийи даражали лавозим ва унвонларга эга амалдорлар бор эди» шаклидаги хитойча маълумот бунга асос беради<sup>508</sup>. Ю.А. Зуев фикрича, VI аср ўрталарида 10 та бўлган унвон, Гарбий турклар билан алоқали равишда 28 унвон шаклида учрай бошлайди<sup>509</sup>. «Таншу» йилномасининг хоқонликка алоқадор илк саҳифаларида эса катта-кичик 20 та унвон борлиги қайд этилади<sup>510</sup>. Эҳтимол, ҳақиқатан ҳам хоқонлик ташкил топишнинг дастлабки даврларида бошқарув тизимидағи унвонлар сони 10 ёки ундан сал ортиқроқ бўлгандир. Агар *хоқон, хотун, ябгу, шад, тегин, элтабар*,

<sup>506</sup> Зуев Ю. А. Ранние тюрки... – С. 279.

<sup>507</sup> Унвон ва мансаб номларининг меросий ўтиши ҳатто сўнгги ўрта асрларда ҳам бир қатор туркий давлатлар бошқарувида давом этгани кўзга ташланади. Жумладан, бу одат XIX асрларда қабила уюшмалари ҳолатида бўлган туркманларда ҳам мавжуд бўлиб, *бек, ботир, оталиқ, юзбоши* ва ҳ. к. лар кўпинча авлоддан-авлодга ўтган (Брегель Ю. Э. Хорезмские туркмены в XIX в веке. – М., Изд-во Восточной литературы, 1961. – С. 131–136).

<sup>508</sup> Taşaǵıl A. Gök-Türkler. – Ankara, 1995. – S. 96–97, 113; Зуев Ю. А. Ранние тюрки... – С. 279, 280.

<sup>509</sup> Зуев Ю. А. Ранние тюрки... – С. 279.

<sup>510</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 229.

*эркин* каби унвонлар ва *бага*, *баҳодур* сингари эпитетлардан катта бир қисмининг хоқонлик ташкил топиши арафасида Жуан-жуан давлатидан ўзлаштирилгани, бир қисми эса ашина қабиласи мазкур давлат таркибида муайян сиёсий бирлик бўлган пайтида қабила бошқарувчилари эга унвонлар (*мас.* ябғу, шад) бўлгани ва уларнинг тўплам миқдори 10 га яқин эканлиги назарда тутилса, хитой йилномасидаги мазкур маълумотлар реал воқеликни акс эттирган бўлиб чиқади. Унвонлар миқдори 20 ёки 28 та қилиб кўрсатилиши эса хоқонликнинг қудрати ошиб, худудий жиҳатдан кенгайган сари янги унвонлар жорий қилганлиги билан изоҳланса керак. Гарчи хитой йилномаларида бу борада маълумот учраса-да, уларнинг барчаси бир жойда келтирилмаган. Шунингдек, хоқонликка хос ҳарбий унвонлардан аксарияти йилномаларда ўрин олмаган бўлиб, келтирилганлари ҳам асл туркий шаклда ёки унга яқинроқ тарзда берилгани унчалик кўзга ташланмайди.

Таъкидлаш жоиз, гарчи хоқонликда унвонлар сони 40 га яқин бўлгани хақида хитой йилномаларида маълумот учрамаса-да, йилномаларда турли воқеалар муносабати билан келтириб ўтилган унвонлар сони санаб чиқилса шу рақамга яқинлашиб қолади. Битиктошларда учрайдиган унвонлар бир жойга тўпланганда эса уларнинг миқдори қирқ атрофида бўлгани янада ойдинлашади.

Шу ўринда, Турк хоқонлиги (яъни Шарқий Турк хоқонлиги)дан фарқли равишда Фарбий Турк хоқонлигининг факат ўзига хос унвонлар бўлганми, деган савол туғилиши мумкин. Мазкур масалани ёритишдан олдин Фарбий хоқонликка кўпроқ даражада тегишли бўлган ябгу ёки ябгу-хоқон унвонларига тўхталиб ўтсак. Аввало, шуну айтиб ўтиш керакки, ушбу қўшалоқ унвон – ябгу-хоқон асосан Фарбий Турк хоқонлиги билан алоқали равишда учраб, хоқонликдан олдин ўтган ёки кейинчалик ташкил топган Марказий Осиё давлатлари бошқарувида деярли учрамайди. Фақатгина Фарбий Турк хоқонлиги заифлашган бир вақтдан фойдаланиб, 630- йилларда алоҳида давлатга айланган *Се-янто* (Сир-Тардуш) хоқонлигига давлатнинг икки қисмга бўлинниб идора қилина бошлагани ва фарбий қисм ҳужмдорига ябгу-хоқон унвонини берилгани хитой йилномаларида қайд этилади<sup>511</sup>. Айтиш мумкинки, мазкур давлат ўз

<sup>511</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 340–342.

бошқарувида Турк хоқонлигига хос тизимни күчириб олган бўлиб, қадимги турк давлатчилик анъаналарига мувофиқ айнан Ғарбий қисм бошқарувчиларига ушбу унвонни жорий қилган.

Агар хитой йилномаларидағи маълумотлар ва нумизматик материаллардан келиб чиқиб, Ғарбий Турк хоқонлигининг шаклланиш босқичларига назар ташланса, уларнинг қуидаги деформациясини кузатиш мумкин: *ябгу* → *ябгу-хоқон* → *хоқон*. Яъни 1) 560-йилларда Шарқий (марказий) хоқонликнинг Ғарбий қисми (қанот) ҳолатида бўлган пайтда Ғарбий хоқонлик бошқарувидаги Истамининг авлодлари дастлаб фақат *ябгу* унвонига эга бўлишган; 2) VI аср охиригча чораги – VII асрнинг 30-йилларигача бўлган давр мобайнида Ғарбий қанот Ябгу-хоқонлик шаклини олган ва марказий ҳокимиятга нисбий маънода боғлиқ бўлиб турган пайтда *ябгу-хоқон* унвони билан фаолият юритишиган. Шу билан биргаликда, Марказий хоқонлик ҳокимиятидан мустақил бўлишга интилган айрим Ғарбий хоқонлик ҳукмдорлари фақат *хоқон* унвони билан фаолият юрита бошлаган ҳоллар ҳам бўлган. Бу пайтда Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарув тизимида *ябгу* унвони қўлланилишда давом этган, фақат даражасига кўра у *ябгу-хоқон* унвонидан кейин турган; 3) VII асрнинг 30-йилларига келиб Шарқий Турк хоқонлиги давлат васфини йўқотгач, Ғарбий Турк хоқонлигининг бош ҳукмдорлари олий унвон сифатида *хоқон* унвони билан фаолият юритила бошлаганлар (*қаранг*: илова IX). Бу даврда ҳам *ябгу* унвони иккинчи даражали унвон сифатида қўлланилишда давом этган. Ниҳоят, Ғарбий хоқонликдаги ҳокимият Ашина сулоласидан тургашлар қўлига ўтган пайтда ушбу унвон ҳоқондан кейин турувчи унвон ўлароқ сақланиб қолган<sup>512</sup>.

«Таншу»да *си-фа* ва *йен-хун-да* шаклидаги<sup>513</sup> унвонларнинг Ғарбий туркларга тааллукли эканлиги айтилиб, қолган унвонлари Шарқий туркларнидан фарқ қилмаслиги таъкидланади<sup>514</sup>. Айтиб ўтиш зарур, шу пайтгача ушбу унвонларнинг маҳаллий шакли аниқланмаган бўлиб, биринчиси *си-ли-фа* (элтабар)<sup>515</sup>, иккинчиси

<sup>512</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений... I. – С. 299.

<sup>513</sup> Н.Я. Бичурин ушбу унвонларни *Сыфаян* ва *Хунда* шаклларида берган (Бичурин Н.Я. Собрание сведений... I. – С. 279).

<sup>514</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений... I. – С. 279; Taşağıl A. Gök-Türkler. – Ankara, 1995. – S. 114.

<sup>515</sup> Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – S. 42.

эса *йе-хан* (йарған) унвонларининг хитойчада фарқлироқ берилган варианtlари бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Балки *йен-хун-дани* битиктошларда *тудун йамтар*, *ишбара йамтар* каби амалдорлар исми ва унвонининг бир қисми сифатида жой олган *йамтар* сўзи<sup>516</sup> билан тенглаштириш мумкинdir. Шу ўринда унинг бири унвон, иккинчилиги эса эпитет билан бирга келиши диққатни тортади. Маълумки, хоқонликнинг унвонлар тизимида бунга ўхшаш ҳолат кўп кузатилади.

Фарбий Турк хоқонлигидаги мавжуд унвонлар тартибида доир «Тун-дян» асарида келтирилган қуйидаги маълумот ҳам бошқа хитой ийлномаларида келтирилган маълумотлар билан деярли бир хил берилиши баробарида бироз фарқли эканига гувоҳ бўлиш мумкин;

«У(лар)нинг унвонлари *ябгу*, *шад*, *тегин*. Асосан, улар хоқоннинг ўғли, оға-инилари ва ушбу хонадон аъзоларидан бўлишади. Шунингдек, *эркин*, *кул-чўр*, *йенхунда* (?), *эттабар*, *тудун*, *ссучин* ва бошқа лавозимларга ҳамма тайинланиши мумкин эди»<sup>517</sup>.

Ушбу маълумотда унвонлар қаторида *хоқон* унвони Фарбий турк ҳукмдорларининг унвони сифатида берилмагани диққатга сазовордир. Ҳар ҳолда бу Фарбий турк бошқаруви ҳали Шарқий Турк хоқонлигининг таркибий бир қисми бўлган даврларни акс эттира керак.

Шу билан биргаликда, қадимги туркларга хос бაъзи эпитетларнинг Шарқий Турк хоқонлиги билан боғлиқ ҳолда деярли учрамасдан, айнан Фарбий хоқонлик ва унинг вассаллари бошқарувида кўзга ташланиши диққатга сазовордир. Хусусан, *арслон*, *бўғра*, *низук*, *тарду* каби эпитетлар кўпроқ Фарбий хоқонлик билан алоқали рашида учрайди. Жумладан, *арслон* эпитети сүғдий-туркий аралаш сулолалари бошқарган Бухоро (Шери Кишвар – \*Эл-Арслон<sup>518</sup> (580 й. й.); *Асилан Дафодан* *Фали* (720-йиллар))<sup>519</sup>, Ашина хонадони ва

<sup>516</sup> Gömeç S. Kök Türkçe yazılı belgelerde yer alan unvanlar ... – S. 135, 141.

<sup>517</sup> Taşağıl A. Gök-Türkler. I, 2. Baskı. – Ankara, 2003. – S. 107.

<sup>518</sup> Frye R. N. The History of Bukhara. Translated from a Persian abridgment of the Arabic original by Narshakhi. – Cambridge, 1954. – P. 108.

<sup>519</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 312; Chavannes E. Documents sur les... – Р. 138.

туркий сулолар тарафидан бошқарилган Фаргона (*Асилан даган* (Арслон-тархон (720–740)) бошқарувчисининг исмли *Исилан сыгин* (Арслон (?)-эркин (742–745)) бўлган Кумед ҳукмдорлиги мисолларида<sup>520</sup> ўз тасдигига эга. «Эркак тұя» маъносидаги бўғра эпитети эса Тўхористон ябгулиги томонидан Хитойга юборилган элчи *Ашина Дэлэ пуло* (\*Тегин Бўғра (706, 718))<sup>521</sup>, Уструшона ҳукмдори *Гэло пуло* (Қора-бўғра (737–742))<sup>522</sup> ва Кабудон ҳукмдори *Суду пуло* (\*Сатуқ (?)-бўғра (738))<sup>523</sup> мисолларида кўринади. Бу эса *арслон* ва бўғра эпитетларининг пайдо бўлиши Farбий хоқонлик мухити билан боғлиқ эмасмикан деган савонни келтириб чиқаради. Шунингдек, *Нишу Дулу* (\*Низук Тулу (633–634)), *Нишу мохэ ше* (\*Низук бағашад), *Нишуфу* (\*Низук-бек) каби асосан Farбий турк хоқонлари ва шаҳзодалари исми ва эпитети сифатида \*низук (хит. *нишу*, пахл. *нижук*, бақт. *низук*) эпитети учраши ҳам диққатга сазовордир<sup>524</sup>. Шу билан биргаликда, Farбий хоқонликнинг *Нишиби* қаноти таркибидаги *асигїе* (изгил) қабиласи бошқарувчиларининг *нишу сигин* (\*низук-эркин), ушбу хоқонлик лашкарбошиларидан бири, эҳтимол ҳулуву (\*улуг-ўқ) қабиласига мансуб амалдор *нишу чжо* (\*низук-чўр) унвонларига эга бўлганликлари маълум<sup>525</sup>. Бундан ташқари, Farбий хоқонлик таркибидаги вассал Бадғис ҳукмдорлиги бошқарувчиси Низак-тархон (ваф. 705) исмининг замирада асли бақтрийча *низук* унвони ётиши ҳакидаги фикрларни ҳам инобатга олиш зарур. Балки, асли бақтрийча бўлган ушбу эпитетнинг хоқонлик томонидан ўзлаштирилиши айнан Farбий Турк хоқонлиги мухитида рўй берган

<sup>520</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений... II. – С. 324–225; Мандельштам А. М. Материалы к историко-географическому обзору Памира и Припамирских областей (с древнейших времен до X в. н. э.). – Сталинабад: Издво АН ТаджССР, 1957. – С. 135–136.

<sup>521</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 321; Chavannes E. Documents sur les... – Р. 287, 291.

<sup>522</sup> Смирнова О. И. Сводный каталог... – С. 425, 428; Грицина А. А. Усрушанские были. – Т., 2000. – С. 43.

<sup>523</sup> Смирнова О. И. Сводный каталог... – С. 425, 428.

<sup>524</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 285; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – С. 55, 91, 112, 114.

<sup>525</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 289; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – С. 55, 91, 112, 114; Малявкин А. Г. Танские хроники... – С. 168; Taşagil A. Gök-Türkler. II... – С. 71.

бўлиши мумкин.

*Тарду* эпитети эса Тарду хоқон (576–603), *Кюе Дату ше* (\*Кул Тарду-шад)<sup>526</sup>, *Нишу Дулу Дату кехан* (\*Низук Тулу Тарду хоқон (630-й. й.))<sup>527</sup>, Тўхористон ябгулари *Дату ше* (\*Тарду-шад (620-й. й.))<sup>528</sup> ва *Гу Дулу тун дату* (\*Кутлуг Тун-тарду (720-й. й.)) сингари аксарияти Ашина хонадонининг Фарбий хоқонликни бошқарган тармоғига тегишли ҳолда учрайди<sup>529</sup>. Луғавий маъноси тахминан «(довруқ) тарқатувчи, (хокимиятини) ғарбга тарқатувчи, гарбни эгалловчи» бўлган *тарду* эпитетининг кўпроқ Фарбий хоқонлик муҳитига хослиги ҳам бежиз бўлмаса керак.

Шу ўринда, «Фарбий Турк хоқонлиги муҳити» деганда айнан нима тушунилади мазмунидаги савол туғилиши мумкин. Аввало, ўз этник таркибиға қўра, Шарқий хоқонликдан фарқ қилиб, кўчманчи ва ўтроқ аҳоли ўзаро тифиз контактдаги ҳудудларни ўз ичига олган Фарбий хоқонликнинг аҳолиси полистник характерда бўлганилигини ҳисобга олиш керак. Хусусан, Шарқий Туркистондаги тўхор ва хўтган (шарқий эроний) ҳамда Амударё–Сирдарё оралиғи ва унга тулаш ҳудудларда асосан сұғдий, бақтрий, паҳлавий, хоразмий каби шарқий эроний тилли воҳа давлатларининг Фарбий Турк хоқонлиги таркибида бўлиши, зардуштий, моний, буддавий динларга эътиқод қилувчи аҳолининг борлиги<sup>530</sup> хоқонликка нафақат маданий ва мағкуравий жиҳатдан таъсир қилган, балки унинг сиёсий бошқаруви билан боғлиқ унвонлар тизимиға ҳам таъсир кўрсатмасдан қолмаган бўлса керак. Бу эса ушбу хоқонликда турли дунёқарашлар ва диний эътиқодларнинг бир-биридан ўзаро таъсирланиши учун имконият яратган. Фикримизча, Фарбий хоқонликдаги баъзи ўзига хос эпитет ва унвонларнинг пайдо бўлишида бу каби омиллар рол ўйнаган бўлиши мумкин. Айниқса, низук эпитетининг шарқий эроний (эҳтимол, бақтрий) тили асосида изоҳланиши диққатни жалб киласи.

Фарбий Турк хоқонлигининг факат ўзигагина хос баъзи унвон

<sup>526</sup> Чўра хоқон (603–610)нинг укаси.

<sup>527</sup> Taşağıl A. Gök-Türkler. II... – S. 65, 93.

<sup>528</sup> Тун ябгу-хоқоннинг ўғли (Тугушева Л. Ю. Уйгурская версия... – Б. 68, 202).

<sup>529</sup> Ögel, 1963:31–32; Тугушева Л. Ю. Уйгурская версия... – Б. 68, 202; Harmatta J., Litvinsky B. A. Toharistan and Gandhara... – Р. 273; Taşağıl A. Gök-Türkler. I... – S. 91

<sup>530</sup> Горячева В. Д. Городская культура... – С. 147–164.

ва эпитетларнинг мавжудлиги хоқонликдаги полиэтниклик билан изоҳланиши билан бирга, *арслон* ва *бўғра* каби соф туркий асосли эпитетларнинг айнан шу хоқонлик бошқарувига алоқадор равища учраши ўз изоҳини талаб қилади. Фикримизча, бу масалани ечишда диний омиллар ётса керак. Яъни *бўғра* зардустийликда муқаддас ҳайвон қульти бўлса, *арслон* буддавий ва монихей жамиятларда эъзоздаги ҳайвон культи бўлиб, хоқонликнинг айнан Ғарбий қисмида ушбу ҳайвон номлари билан боғлиқ эпитетларнинг пайдо бўлиши бежиз бўлмаса керак. Эҳтимол, мазкур эпитетларнинг келиб чиқиши ушбу ҳайвон культлари қадимги турклар эътиқодида ҳам мустаҳкам ўрин олганлигига алоқадор бўлиши ҳам мумкин<sup>531</sup>.

Хоқонликда мавжуд иерархик тизимни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, эпитет ва унвонлар жорий қилинар экан, муйян бир тартибга риоя этилган. Бу айниқса, Чоч воҳасида зарб қилинган Ғарбий Турк хоқонлиги тангларининг дастлаб *жабгу-хоқон* унвонида зарб қилина бошлагани, охирги этапда эса тангларда факат *хоқон* унвонининг ўрин олишида ўз ифодасини топади. Демак, хоқонлик бошқарувчилари ўз иерархиясида бирор ўзгариш қиласар экан, ўша даврда мавжуд легитимация қоидаларига амал қилган. Бу қоидалар эса қадимги турк жамиятига хос бўлган ва унвонлар кетма-кетлиги, унвонга талабгор шахснинг даъвоси анъаналарга тўғри келадими-йўқми жихатлари эътиборга олинган. Акс ҳолда, Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарувчилари ўзлари учун ортиқча бир сиёсий босими бўлмаган марказий бошқарув – Шарқий Турк хоқонлиги ҳукмдорларидан фарқланмаган ҳолда энг олий унвон – *хоқон* унвони билан ўз тангларини бостирган бўлур эди. Қачонки, ғарбий қанот ҳудуд жихатдан кенгайиб, сиёсий куч-қудрати Шарқий хоқонлик билан тенглашган пайтда ўз тангларини *жабгу-хоқон* унвонида бостирган бўлсалар, марказий бошқарув (яъни Шарқий Турк хоқонлиги)га Тан империяси томонидан барҳам берилгач, яъни бош сюзерен барҳам топган пайтдагина ўз тангларида *хоқон* унвонини акс эттира бошлаганлар. Бу эса Ғарбий қанотнинг мавжуд қоидаларга биноан собиқ хоқонликнинг вориси сифатида ўзини мустақил дав-

<sup>531</sup> Esin E. İslamiyetten önceki Türk kültür târîhi ve İslâma Giriş. – İstanbul, 1978. – S. 93.  
190

лат деб ҳисоблаган деб тахмин қилишга имкон яратади.

Хоқонликда унвонлар бериш тартибига алоқадор яна бир жиҳат ҳар қайси амалдорнинг ўзига хос уст-бош кийим-кечаклари бўлганлигидир. Баъзи тадқиқотчилар фикрича, амалдорларнинг лавозимига кўра ўзаро фарқланувчи кийим-кечак ва тақинчоқлари мавжуд бўлиб<sup>532</sup>, бу уларнинг бошқарувда эгаллаган мавқеи ва дара-жасини кўрсатиб турган.

Хуллас, Турк хоқонлигига унвонлар берилиш тартиб ўз моҳиятига кўра қисқача шундай бўлган. Шу ўринда хоқонлик бошқарувидағи унвонларнинг иерархияси, бажарган функцияси, умуман олганда мазмун-моҳияти ҳакида немис туркологи Г. Дёрфер томонидан билдирилган лўнда ва яхлитилиги билан ажralиб турадиган фикрларни келтириш билан чекланамиз. Хусусан, қадимги туркий унвонларни бирмунча чуқурроқ таҳлил қилган ушбу тадқиқотчи хоқонликка хос унвонларни қуйидагича 5 категория (тоифа)га ажратиш лозимлигини таъкидлайди:

1. **Махсус даражали унвонлар:** **a)** *χayap* «улуг хон, бутун федерациянинг олий бошлиғи», **b)** *χan* «хон. *Qırğız* ва шунга ўхшаш федерациянинг бошлиғи», **c)** *tegin*, ушбу унвон тор маънода хоннинг ўринбосари, кенг маънода эса у хоқондан ташқари ҳокимиятнинг бутун олий аъзоларини ўзида бирлаштирувчи унвон эди, **d)** *bäg* «князь (ҳоким), алоҳида бир ургунинг ёки муҳим мансабдор шахслар гурухининг бошлиғи».

2. **Фаҳрий рутбалар ва мансабга тааллукли атамалар:** *tarxan* «имтиёзли шахс; алоҳида хизматлари учун имтиёзни кўлга киритган шахс», *\*bātūr (bağatur)* «жангда ўзини кўрсатган шахс», *ičrāki* «аъён (хон саройидаги амалдор)», *bojlā* (бўйла) «давлат кенгашига қатнашувчи (мансуб) шахс», *šadapī* «саройга маҳсус (тааллукли) бўлмаган, аммо вақтинчалик қабила бошқарувчиси мансабига тайинланган шахс»...

3. **вазифадор унвонлар:** **a)** *tegin* = хоқон ўринбосари, **b)** ва **c)** *yabyu* ва *šad*<sup>533</sup>... **d)** ва **e)** *čor* (ёки *kül-čor*) унвонли юксак мартабали амалдор мавжуд эди. Улар бошқарувчи хонадонга мансуб бўлиши шарт бўлмай, ўз қўшинига эга эмасди, бироқ ябғу ва шадга

<sup>532</sup> Зуев Ю. А. Ранние тюрки... – С. 263–264.

<sup>533</sup> Liu Mau-Tsai. Die chinesischen Nachrichten... – S. 8, 132, 179, 429.

бўйсунувчи давлат улуси *bäglarinинг* бошида турарди... *apa* ва *çor* бошқа муносабатларда тахминан бир мартабани эгалларди ... **f)** Мамлакатнинг бошқа қисмлари губернатор вазифасини бажарувчи турли вассал княз (хукмдор)лар томонидан бошқарилиб, муайян вассаллар ва коалиция сардорларининг, масалан, қарлуклар, азлар ва уйгурлар бошлиқларининг унвони *eltäbär...* **g)** *eltäbär* унвонли амалдорларга нисбатан анчагина кам автономияга эга ва кичик хукмдорликка тайинланган амалдорлар *tutıq*лар мавжуд бўлиб, улар хон (хоқон) томонидан тайинланувчи вақтингачалик губернаторлар эди, **h)** Губернаторлар юқори коллегия томонидан тайинланган *tudun* ёки *kül tudun* орқали назорат қилиниб, ушбу унвон эгаларининг ўхшами мўғул хонларининг сиёсий жиҳатдан ўзларининг рус вассалларини бошқарувчи ва ўлпон йигишни кузатиб борувчи ва х. к. ваколатидаги Олтин Ўрда «босқоқ»лари мисолида кўринади, **i)** Умумдавлат бошқарувчи хукумат тепасида *buğruq* «бош-вазир, улуғ вазир, рейхсканцлер» жой оларди, **j)** Алоҳида Федерациялар бошқарувчи бошида *erkin* ёки *kül-erkin* турарди (масалан, *Yer-Bayırqu* ва *Qarluq* федерацияларида); бундан ташқари, у *buğruk* (вазир) ўринбосарининг унвони сифатида кўлланилар эди... **k)** *ügä* (аслида *ögä*) унвони оддий давлат маслаҳатчилари ва вазирларни ифодалаб, бу мусулмонлардаги вазирга тўғри келади; шунингдек, *ügä* сарой кенгашига таркибига киради, аммо мартаба жиҳатидан *buğruq* ва *erkin* (аслида кул-эркин) унвонларига қараганда қуйида эди. Бундан ташқари, улар майда князь (хукмдор)ларнинг маслаҳатчилари эдилар... **l)** ва **m)** Ҳарбий унвон сифатида *sü başı* «кўшин бошлиғи, генерал» ва *bişa başı* «авангارد (илгор кўшин) бошлиғи» унвонлари ҳам мавжуд эди<sup>534</sup>.

Хоқонликнинг унвонлар тизимига доир Г. Дёрфернинг ушбу талқинлари бъязи мунозарали жойларини хисобга олмаганда, умумий маънода тўғри бўлиб, бошқа тадқиқотчилар фикридан ўзининг яхлитлиги ва батафсиллиги билан ажralиб туради.

Демак, хоқонлик унвонларни жорий қилар экан, айниқса вассалларга унвон бериш жараёнида муайян тартиб-қоидаларга амал қилган. Бу эса хоқонлик томонидан унвонлар берилишида маълум бир тизим ишлаб чиқилганини кўрсатади. Дарвоке, Турк хоқонлиги

<sup>534</sup> Doerfer G. Türkische und mongolische... – S. 393–398; Шервашидзе И. Н. Фрагмент древнетюркской лексики... – С. 81–83.

ва ундан кейинги милодий бир мингийилликнинг охирларигача асосан Евроосиёнинг дашт худудларидағи ўнлаб катта-кичик туркий ва гайритуркий давлат уюшмаларининг унвонлар тизимида ўзаро ўхшаш маълум бир қолип бўлгани кўзга ташланади (*мас. Уйғур, Тургаш, Кимак хоқонликлари, Қарлуқ, Ўғуз ябгуликлари, Мўғул империяси ва х. к.*)<sup>535</sup>. Бу ҳолат нафақат эътиқод ва мафкурасида қадимги турк анъаналари устуворлик қилган давлат тузилмаларига, балки асосан буддавийлик ва монийлик, қисман эса ислом дини ҳукмрон мафкура бўлган туркий давлатлар бошқарувига ҳам хосдир. Жумладан, муайян бир турк-ислом давлати бўлмиш Қораҳонийлар давлатида қадимги туркларга хос унвонлар тизими деярли ўзгаришсиз қўлланилишида давом этгани маълум<sup>536</sup>.

Шу билан биргаликда, мазкур туркий давлатларнинг бошқарув билан боғлиқ факат ўзига хос хусусиятлари мавжуд эди. Хусусан, бу ҳукмдор сулолаларнинг ўз этник мансублиги ифодаси сифатида муайян этномимларни унвонлар тизимида қўллашларида намоён бўлади: Турк хоқонлигига – *турк-хоқон*, Уйғур хоқонлигига (745–840) – *уйғур-хоқон*, Тургаш хоқонлигига (699–756) – *тургаш-хоқон*, Қарлуқ ябгулигига (VIII–IX асрлар) – *қарлуқ-хоқон* ва х. к. Аҳамиятлиси, ушбу сулолаларнинг аксарияти ўз этник мансублигини кўпроқ танга зарбида акс эттиришган бўлиб, улар томонидан зарб қилинган тангаларда бу яққол кўзга ташланади. Бу масалада дикқатни тортадиган хусус, Қораҳонийлар давлатида ҳукмдорлардан бир нечаси ўз тангаларини *турк-хоқон* унвони билан бостирганлигидир<sup>537</sup>. Шу ўринда, унвонлар таркибида учрайдиган *турк* сўзи этник мансублик билан эмас, «куч, қудрат» маъносидаги муайян бир эпитет сифатида қўлланилгани билан боғлиқмасмикан мазмунида савол туғилиши мумкин. Факат *уйғур-хоқон*, *тургаш-хоқон*, *қарлуқ-хоқон* каби ибораларнинг унвонлар атрибутидан бири сифатида учраши бу

<sup>535</sup> Владимирцов Е. Я. Чингисхан. 1922. – Петербург – Москва, 1922. – С. 13–14; Тихонов Д. И. Хозяйство и общественный строй... – С. 51–52; Агаджанов С. Г. Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX–XIII вв. – Ашгабад: Ылым, 1969. – С. 139–146; Кумеков Б. Е. Государство Кимаков IX–XI вв. по арабским источникам. – Алма-Ата: Наука, 1972. – С. 116–117; Трапавлов В. В. Государственный строй Монгольской империи ... – С. 14–17.

<sup>536</sup> Кочнев Б. Д. Нумизматическая история... – С. 28–31.

<sup>537</sup> Кочнев Б. Д. Нумизматическая история... – С. 28–31.

масалага этниклик жиҳатидан қарашни тақозо қиласы.

Шунингдек, мазкур туркий сулолалардаги унвонлар тизимининг яна бир ўзига хос жиҳати, унвонларнинг таркибий қисми ўлароқ, олий ҳукмдор эпитетларида фарқиликларнинг мавжудлигидир. Айникса, бу ҳолат ҳокимиятнинг илохийлигини ифодаловчи ибораларнинг қўлланилишида ўзини намоён қиласы. Бу масалага эътибор қаратган В. Рибацки, *тангридек тангрида бўлмии* иборасининг фақат II Шарқий Турк хоқонлиги томонидан, *тангрида бўлмии* Уйғур хоқонлигининг Яғлақар сулоласи (745–795) томонидан, *тангрида қут/улуг бўлмии* ибораси эса ушбу хоқонликнинг Эдиз сулоласи (795–840) вакиллари томонидан қўлланилган деб таъкидлайди<sup>538</sup>. Тадқиқотчининг ушбу талқинлари умумий маънода тўғри бўлса ҳам, *тангридек тангрида бўлмии* ибораси фақатгина II Шарқий турк хоқонларига хос бўлмай, хоқонликнинг ҳар икки палласига тегишилдири. В. Рибацки бу талқинни мазкур ибораларнинг битиктошлардаги шакли асосида олган бўлиб, улар асосан II Шарқий Турк хоқонлиги ҳукмдорлик қилган 682–744 йилларга тўғри келади. Аслида эса I Шарқий Турк хоқонлигига оид Буфут битиктошида (588) βγγ («илохий, тангри»)<sup>539</sup> ва Фарбий Турк хоқонлиги тангларида сүғдийча *prn βγγ* (луғ. «илохий қут») ибораларнинг жой олганлиги<sup>540</sup> бу фикрнинг бирёқламали эканини кўрсатади. Булар қаторига Фарбий турк хоқонларига тегишли сүғдий тилли Или битиктошини (599) қўшиш мумкин. Унда ҳам юқоридагилар сингари βγγ сўзи хоқонлар исми ва унвони олдида келувчи эпитет сифатида учрайди<sup>541</sup>. Бундан ташқари, мазкур тадқиқотчининг ўзи ҳам таъкидлаб ёзганидек, I Турк хоқонлигига доир хитойча маълумотларда Ишбара хоқон (581–587) билан алоқадор равишда учрайдиган *шень тянцизи* (*sheng tian zi*) унвони «тангридек» мазмундаги туркча иборанинг хитойча таржимасидир<sup>542</sup>. Ҳукмдорлигининг илк даврларида ушбу хоқон Хитой императорига элчилар орқали йўллаган мактубида ўзининг тўлиқ унвонини «*Тангрида бўлмии эл қуттуз шад турк бил-*

<sup>538</sup> Rybatzki V. Titles of Turk and Uigur Rulers... – P. 244.

<sup>539</sup> Çağatay S., Tezcan S. Köktürk Tarihinin çok önemli bir belgesi: Sogutça Bugut Yazısı // TDAY. Belleten. – Ankara, 1976. – S. 249.

<sup>540</sup> Бабаяров Г. Древнетюркские монеты..., С. 24, 35.

<sup>541</sup> Osawa T. Aspect of the Relationship... – P. 475–476.

<sup>542</sup> Rybatzki V. Titles of Turk and Uigur Rulers... – P. 226.

*га бага иибара хоқон» шаклида<sup>543</sup> ифодалаганинг ўзиёқ В. Рибац-кининг фикрлари мунозарали эканини кўрсатади.*

Хуллас, Турк хоқонлигининг ҳар иккала қисми – Фарбий хоқонлик ва Шаркий хоқонликнинг унвонлар тизимини таҳлил қилиш ва ўзаро таққослаш шундан дарак берадики, хоқонликдаги унвонлар марказий бошқарувда, қанотларда ва вассаллар бошқарувида қўлланилган унвонлар каби турларга бўлинган. Хоқонликнинг унвонлар тизимини унинг таркибига кўра қуидагича турларга ажратиш мумкин: *маъмурӣ, ҳарбий, юридик ва диний*. Улар орасида ҳарбий ва ҳарбий-маъмурий унвонлар кўпчиликни ташкил қилиб, бу хоқонликнинг ҳарбий васфдаги давлат бўлгани билан боғлиқдир.

Хоқонлик бошқарувида унвонларнинг бунчалик кўп миқдорни ташкил этиши ва бунда қайси омиллар асосий ўрин эгаллагани, ички эҳтиёжлар бирламчими ёки ташки таъсирларми масаласига ҳам юқорида кўриб чиқилган мисоллар орқали жавоб топиш мумкин. Қисқача қилиб айтганда, хоқонлик бошқарув тузумида бўлгани каби унвонлар тизимида ҳам ўзидан олдинги мавжуд анъаналарни давом эттириб, ўз ички эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда уларни ривожлантириди ва янада мукаммаллашувига катта ҳисса қўшди. Шу билан биргаликда, хоқонлик ниҳоятда кенгайган ҳудудида турли хил хўжалик тарзига эга халқларни бошқариш учун янги тартиблар жорий қилас экан, амалдорларга маҳсус унвонлар берди. Шунингдек, хоқонликнинг унвонлар тизими шаклланишида бир неча ғайритуркий этносларга хос анъаналар муайян дараҷада таъсир кўрсатди ва хоқонлик бундан унумли фойдалана билди. Хоқонликка хос унвонлар тизими эса ундан кейин тарих саҳнасига чиқсан ўнлаб туркий ва ғайритуркий давлат уюшмалари учун муайян бир намуна - этalon бўлиб хизмат қилди.

Фарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми ва унинг ўзига хос хусусиятлари билан танишиб чиқиш қуидаги хulosаларга имкон беради:

– Фарбий хоқонлик муайян бир давлат сифатида ўз мафкурасига эга бўлган. Қадимги турклардаги давлатчилик концепциясига кўра, сиёсий уюшма сифатидаги «давлат» маъносида эл сўзи ишлатилиб,

<sup>543</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 237; Трепавлов В. В. Государственный строй Монгольской империи ... – С. 63.

ушбу сўз остида давлатни ташкил этувчи асосий унсурлар; *тўру* – ҳокимият / қонун, *улуш* – мамлакат, *будун* – халқ тушунилган. Мафкуравий жиҳатдан давлат халқнинг мустақиллигини сақлаш, умуман олганда, жамият барқарорлигини муҳофаза қилувчи ташкилот сифатида бўлган ва хоқонлар унинг кафолати ҳисобланниб, *Тангри* (тангри) томонидан унга давлатни асрар қолиш учун маҳсус ваколат берилган дея эътироф этилган;

– Фарбий Турк хоқонлигига дастлабки пайтларда «ябгу», сўнгра, «ябгу-хоқон», кейинчалик эса «хоқон» давлат бошлиги ҳисобланган. Давлат бошқарувчиларининг бундай фарқли унвонларга эга бўлиши ушбу хоқонликнинг давлат сифатида шаклланиш босқичлари билан боғлиқ бўлиб, дастлаб унинг бошқарувчиси – ябгу олий ҳокимият мақомидаги Турк хоқонлиги (яъни Шарқий Турк хоқонлиги) олий ҳукмдори бўлмиш хоқонга бўйсунган. Кейинчалик, уни *ябгу-хоқон* унвонли ҳукмдорлар бошқариб, улар Шарқий турк хоқонларига нисбий бўлса-да, бўйсунишда давом этганлар. Ниҳоят, Шарқий хоқонлик барҳам топиб, Фарбий Турк хоқонлиги алоҳида мустақил давлатга айлангач, унинг давлат бошлиги *хоқон* унвонига эга бўлган;

– Фарбий хоқонликда ҳам Шарқий хоқонликда бўлганидек давлат бошқаруви қадимги туркларнинг ашина қабиласига мансуб бошқарувчи хонадонининг умумий мулки сифатида қаралиб, ушбу хонадон 10 нафар иттифоқдош туркий қабила («Ўн Ўқ» тузилмаси) билан ҳамкорлиқда бошқарув ишлари, давлат хавфсизлиги, мудофаа ва ҳарбий харакатлар олиб борилган;

– хоқонликда ҳокимият меросий бўлиб, Ашина хонадонига мансуб вакиллар (ябгу, шад, тегин) тахтга чиқиши ҳукуқига эга бўлганлар. Тахтга асосан хонадоннинг энг ёши улуғ аъзоси ўтириб, давлат бошлиги вафот этгач, унинг ўрнига ўғли эмас, амакиси ёки ака-укаларидан бири ўтирган. Хоқонликда давлат бошлиги маҳсус йиғин – *тўй* / қурултойда сайланиб, уни сайлашда хонадон вакиллари, ҳукумат кенгаши (буйруқ – вазирлар, ўга – давлат маслаҳатчилари, сарой аҳли) ва «Ўн Ўқ» тузилмасига мансуб иттифоқчи қабилалар бошлиқлари иштирок этишган;

– Фарбий Турк хоқонлиги давлат бошқарувида ўзига хос тажриба ва малакага эга бўлган. Хусусан, у ўзидан олдин Марказий Осиё минтақасида мавжуд бўлган кўчманчи ва ярим кўчманчи васфдаги

қадимий давлатлар уюшмалари: Хун, Юечжи, Усун ва Қанғ давлатларига хос бошқарув анъаналарни давом эттирган. Бу, асосан хоқонликнинг кўчманчи қабилаларни бошқаришда уларнинг мавжуд бошқарувчи тоифасига таяниши баробарида улар устидан ўз валини назоратчи сифатида тайинлаши, ҳарбий ҳаракатларни ташкил этишда ушбу давлатларга хос «ўнлик тизим»ни давом эттириши, қадимий бошқарув марказлари ўрнида ўз қароргоҳларини барпо этиши, бошқарув аппаратида қадимий давлатларга хос унвонлардан маълум даражада фойдалангани каби холатларда ўз тасдигига эга;

– шу билан биргалиқда, хоқонлик улардан фарқли равишда эҳтиёж ва заруриятдан келиб чиқиб<sup>544</sup>, бошқарувни янада мукаммалаштирган ва бу соҳада ўзидан олдин ўтган давлатлардан анча устун бир тизимни яратган. Бу, асосан хоқонлик бошқарувида 40 га яқин катта-кичик унвонлар ва 50 дан ортиқ эпитетлар қўлланилганида янада яққолроқ ўз ифодасини топади.

---

<sup>544</sup> Кычанов Е. И. Кочевые государства... – С. 104–109; Данилов С. В. Древние и средневековые города кочевых обществах Центральной Азии: Дис... док. ист. наук. – Улан-Удэ, 2005. – С. 238–239.

## **IV БОБ. ФАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИНИНГ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ:**

**МАМЫРИЙ-ХУДУДИЙ ТУЗИЛМАЛАР, МАРКАЗИЙ  
ХОКИМИЯТ, ВАССАЛ ҲУКМДОРЛИКЛАР  
ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ**

### **4. 1. Хоқонликнинг маъмурий-худудий тузилиши**

Марказий худуди Еттисув ва Жунгория текислигини ўз ичига олган Farbiiy Turk hoqonligi ўzinining eng kuchaygan paitida Qora denqizning shimoli, Azov denqizi va Don darёsi ҳavzalariidan to Tianshan toғlarinинг чекка шарқий tizmalariiga hamda Farbiiy Oltoidan to Shimoliy Xindistoniga bўlgan xududga chўzilgan, bir-biriidan farqli xўjaliq tipiga ega kўchmanchi, yarim kўchmanchi va ytrok axoli ustidan xukmronlik қilgan imperiya ўlarok, ўziga xos maъmuriy tuziliшга ega edi.

Аввало, Farbiiy Turk hoqonliginинг маъмурий жиҳатdan қандай tuziliшga ega bўlgani masalasining ўрганилиш daражасига қисқacha tўxtaлиб ўtsak. Aйтиб ўтиш lозим, bu borada makh-sus tадқиқot olib borilmagan bўlib, kўpчилик tадқиқotchilar bu masalaga, asosan, Sharқий Turk hoqonligi tarixini ўрганиш mobainida қисқacha tўxtaлиб ўtiшgan. Bu borada muқimlashgan asosiy fikrغا kўra, Farbiiy Turk hoqonliginинг markazi Etтisuv bўlib, maъmuriy жиҳatdan Dulu va Nuшиби deb ataluvchi ikkita қanotga bўlinib boшқarilardи va biirinchisi Чу va Или darёlari oraliғida, ikkinchi қanot mansublari esa Talaс darёsi ҳavzalariida istiqomat қiliшарди (*қaranг*: ilova X). Mazkur қanotlar tarkibidagi қabilalar kўchmanchi-chorvador axoli bўlib, ular chўр va erkin unvonli hokonlik vakkilari tomonidan boшқarilgan<sup>545</sup>. Shuningdek, tадқiқotchilar mazkur hoqonliknинг қolgan xududlari, shu жумладан vassal xududlar: Qora denqiz bўylari, Shimoliy Kavказ, Volga-Urol bўylari, Amudarё-Sirdarё oraliғi, Sharқий Turkiston, Shimoliy Xindiston va Xurosonnинг maъmuriy жиҳatdan

<sup>545</sup> Кляшторный С. Г. Генеалогия и хронология западнотюркских... – С. 64–70; Баратова Л. С. Турк хоқонлиги... – Б. 54–59; Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş... – S. 109–111.

қандай бошқарилгани масаласига кам эътибор қаратишган бўлиб, хитой йилномаларида қайд этилган – хоқонлик томонидан уларнинг маҳаллий сулолалар бошқарувчиларига элтабар унвони берилгани ва назоратчи сифатида бирор тудун юборилгани ҳақидаги маълумотни келтириш билан чекланишади<sup>546</sup>.

Аслида, Ғарбий Турк хоқонлигининг маъмурий тузилиши моҳиятан қандай бўлганини аниқлаш учун хоқонликнинг қандай маъмурий бирликлардан ташкил топгани ва улар қай тарзда бошқарилгани, марказ билан вассаллар алоқалари, улус ва қанот тизимининг мазмун-моҳияти, бу ҳақда манбалар нима дейди каби масалаларни алоҳида таҳлил қилиш лозим бўлади.

**Хоқонлик маъмурий тузилишининг ёзма манбалардаги акс этиши.** Ғарбий Турк хоқонлигининг маъмурий тузилиши ўз даври манбаларида барча тафсилотлари билан тилга олинмаган бўлса-да, асосан хитой йилномалари ва қисман бошқа тиллардаги маълумотлар орқали бу ҳақда муайян тасаввурлар ҳосил қилиш мумкин.

Бу масалани ёритишда аввало хоқонликнинг шаклланиш жараёнлари ва худудий чегараларига доир ўз даври маълумотларига муарожаат қилсан. Ғарбий хоқонликнинг тамал тошини қўйган Истами хоқон билан боғлиқ хитой йилномаларида куйидагича маълумотлар акс этган:

«Шидяни (Истами) бир вақтлар шанъюй (буюк хоқон)га ҳамрохлик қилас экан, ўн нафар ийрик кўмондонни бошқарарди. Юз минг кўшини бор эди. Ғарбий ўлкалардаги турли Ҳу (ўтроклар, асосан суғдийлар. – F. B.) хукмдорликларини итоатига олди. Хоқон бўлди ва унинг ҳокимияти «Ўн қабила» деб аталди. Авлодлари наслдан-наслга ушбу ҳалқни бошқарди»<sup>547</sup>.

Мазкур маълумотдан аён бўлишича, Истами Турк хоқонлигининг бош хукмдори – хоқонга бўйсунар, шу билан биргаликда, у хоқонликнинг асосчиларидан бири сифатида давлатнинг сиёсий ишлари, айниқса унинг Ғарбий ўлкалардаги фаолиятларига масъул асосий фигура эди. Шу сабабли бўлса керак, унинг хитой йилномаларида «шанъюй»га<sup>548</sup>, яъни «буюк хоқонга ҳамроҳлик қилган» шахс

<sup>546</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 283; Баратова Л. С. Турк хоқонлиги... – Б. 54–59; Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş... – S. 110.

<sup>547</sup> Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – S. 69.

<sup>548</sup> Хитой йилномаларидаги «шанъюй»дан мақсад хоқонликнинг олий хукмдори

бўлгани алоҳида таъкидланади. Маълумки, хоқонликнинг илк «олтин даври» Муқан хоқон (553–572) даврига тўғри келиб, қисқа 3 йиллик муддат ичидаги – 555 йилга келиб, жуан-жуанларнинг тўлиқ тор-мор этилиши, шарқда Олтой тоғларидан анча йироқда жойлашган узоқ шарқлик қабилалардан қитаний (қорахитой), қумоси (татаби), шивэй каби қадимги мўғул қабилаларининг шимолда Енисей үзигу (киргиз)-ларининг бўйсундирилиши, жанубда Шарқий Туркистондаги воҳа ҳукмдорликларининг эгалланиши, ғарбда эса Эфталитлар давлатига қарши ҳарбий юришлар уюштирила бошлаши айнан Муқан хоқон ташаббусида амалга оширилган эди<sup>549</sup>. Демак, Истамининг хитой йилномаларида «ўн нафар иирик қўмондонни бошқарарди. Юз минг қўшини бор эди... Хоқон бўлди ва унинг ҳокимияти «Ўн қабила» деб атальди» шаклида тилга олиниши асосан унинг Муқан хоқон билан ҳамкорлик қилган даврига тўғри келади. Шу тариқа Истами ўз жияни Муқан хоқон томонидан «Ўн Ўқ» бошқарувига тайинланган ва ғарбдаги мамлакатларни бўйсундиришга масъул қилинган деб ҳисоблаш мумкин. Чунончи, манбаларда хоқонликнинг Эфталитларни тор-мор килиши, Сосонийлар Эрони билан тўқнашувлар, Волгабўйи ва Кавказ йўналишидаги истилолар бошида турган ҳукмдор сифатида Истамининг кўрсатилиши<sup>550</sup> бежиз бўлмаса керак.

Демак, Турк хоқонлигининг ғарбий қисмида «Ўн Ўқ» ташкилотига маъмурий-ҳарбий тузилма сифатида асос солиниши Истами фаолияти билан боғлиқ ва бу давр 560- йилларга тўғри келади деб ҳисоблаш мумкин. Шунингдек, хитой йилномаларида келтирилган «Ўн Ўқ» тузилмасига доир маълумотлар орасида бир-бирига зид лавҳалар учраши ва шу туфайли тадқиқотчилар орасида фарқли талқинлар ўртага чиққанини ҳам айтиб ўтиш лозим. Хусусан, «Тан-

---

хоқон экани аён бўлса-да, ушбу атама остида айнан қайси ҳукмдор Бумин (551–552), Қора хоқон (552–553) ёки Мухан (553–572) тушунилгани учкалик аниқ эмас. Э. Шаваннинг фикрича, бу ерда Бумин ҳақида гап боради (Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – S. 69). Бироқ хоқонлик ташкил топғандан сўнг Истами сиёсий фаолиятининг асосий қисми Мухан хоқон даврига тўғри келишини ҳисобга олинса, бу ерда «шанъюй»дан мақсад Мухан хоқон бўлиши ҳам мумкин.

<sup>549</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 229; Е Лун-ли. История государства киданей... – С. 506–510.

<sup>550</sup> Комар А. Наследие тюркских каганатов... – С. 100–101.

шү» йилномасида *Шаболо Хилиши* (қад. турк. Ишбара Эл Шер?) хоқон шаклида қайд этилган Фарбий турк ҳукмдори 634 йилда *Нушиби* қабилалар иттифоқининг қўллаб-қувватлаши натижасида Фарбий Турк хоқонлиги бошқарувини қўлга киритгани айтилиб, у томонидан амалга оширилган ўзгартиришлар қуйидагича тасвиранади:

«Хоқон ўз давлатини ўн қабилага бўлди. Ҳар қабиланинг тепасида бир донадан ўқ берилган бошқарувчи бор эди. (Ушбу ўн кишининг) номи «ўн шад» эди. Айни пайтда улар «Ўн Ўклар» деб аталаради. Ўнг ва сўл (қисмлар)-га тақсимланган эди. Сўлда тепасида беш нафар улуғ чжо (чўр) тайинланган беш *Дулу* қабиласи жой олганди. Улар *Суе-ше* (Суяб)нинг шаркида истиқомат қилишарди. Ўнгда эса тепасида беш нафар улуғ секин (эркин) атавучи беш *Нушиби* қабиласи жойлашганди. *Суе-шенинг* гарбида истиқомат қилишарди. Кейинчалик ҳар урукка бирор бир ўқнинг номи берилди ва уруғ номи ўн хонадон номи билан бир хил бўлди»<sup>551</sup>.

Шу ўринда мазкур маълумот бўйича К.М. Байпаков томонидан билдирилган фикрлар диккатга сазовордир. Тадқиқотчига кўра «мазкур турк хоқони ўтказган янги ислоҳатга кўра, ҳар бир қабила бошлиғи хоқонга шахсан боғлиқ ҳолда эркин ва чўр унвонига эга бўлишади ва шу тариқа улар хоқон томонидан ўз қабиласига «бошқарувчи» сифатида тайинланган вакиллар мақомини оладилар. Бундан ташқари, уларнинг бошида *шад* унвонли бошқарувчи мавжуд бўлиб, улар қабилаларнинг ўз ичидан чиққан вакил ёки қабила аслзодалари эмас, балки бошқарувчи хонадонга мансуб эдилар. Улар ҳар бир қабилани хоқонлик номидан бошқариш ва назоратда тутиш мақсадида юборилган бўлиб, марказий ҳокимият манфаатлари учун хизмат қиласарди»<sup>552</sup>. Шу шаклда маҳаллий қабила бошлиқларининг сиёсий ташабbusлари кескин чегараланганди.

Мазкур маълумотлардан янги хоқоннинг ўз ҳукмронлигининг илк йиллариданоқ хоқонликнинг ҳарбий-маъмурий ҳолатини тиклашга урингани аён бўлса-да, баъзи тадқиқотчилар «Ўн Ўқ» тузилмаси-нинг айнан шу йилларда ташкил этилганини олға суришларини айтиб ўтиш зарур. Бу масалани таҳлил қилишдан аввал шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Ишбара Хили Шер хоқондан кейин ҳукмронлик

<sup>551</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 286; Chavannes E. Çin Kaynaklarına göre. ., – S. 89.

<sup>552</sup> Байпаков К. М. Западно-Тюркский и Тюргешский каганаты... – С. 108.

қилган яна уч хоқон даврида ушбу тизимга ўзгартириш киритилгани ёки аксинча масаласида манбаларда маълумот учрамаса ҳам, 651–657 йилларда ҳукмронлик қилган Ашина Хэлү (\*Улуғ) хоқон кўл остида ўн аймокли Дулу ва Нушибилар жой олгани ва улардан биринчи қанотга мансуб қабилалар тепасида чўр унвонли 5 нафар бошлиқ, иккинчи қанотдагилар тепасида эса эркин унвонли 5 нафар бошлиқ тургани йилномаларда қайд этилади<sup>553</sup>. Бундан кўринадики, бу даврда ҳам қанотлар тизими Ишбара Эл Шер хоқон давридагига ўхшаш тартибда эди. Фақат Ашина Хэлү даврида қанотларга доир бироз фарқли маълумотлар акс этган бўлиб, бу пайтда ҳа икки қанот бошида шад унвонли бошқарувчилар турганига доир маълумот учрамайди. Шунингдек, олдингисидан фарқли ҳолда аввал алоҳида қайд этилмаган қанотлар таркибидаги 10 нафар қабиланинг номлари тартиб билан келтирилиши баробарида, қабила бошқарувчиларининг унвонлари бирмунча бошқачароқ шаклда, яъни «5 нафар улуғ чўр, 5 нафар улуғ эркин» шаклида эмас, бирмунча фарқли равишда чўр унвони эпитетлар билан кул-чўр, ҳэлоши чўр, чўпон-чўр шаклларида, эркин унвони эса эпитетлар билан кул-эркин, тун шибо эркин, низук-эркин, чўпон-эркин шаклларида берилади<sup>554</sup>.

Хитой йилномаларида ушбу маълумотлар қанотлар тизими гўё мазкур хоқонлар даврида ташкил қилинган ёки ўзгартириш киритилгандек таассурот қолдирса-да, баъзи далиллар аслида бу тузилма хоқонликнинг илк даврларида ёк мавжуд бўлганидан дарак беради. Аввало, хитой йилномалирида Истами фаолияти билан боғлиқ келтирилган юқоридаги лавҳаларни яна бир бор эслаб ўтиш лозим. Шу ўринда, бу масалага доир А. Г. Малявкин томонидан билдирилган фикрлар дикқатга сазовордир. Тадқиқотчига кўра, «Ўн Ўқ хоқони» ибораси хитой йилномаларида илк бор Шаболо Хилиши (Ишбара Эл Шер) хоқон ўз мамлакатини ўн дона «ўқ» (қабила)га тақсимлаб, бошқарувда ислоҳот ўтказган пайтдан бошлаб учраши, шунингдек, «Цин Таншу» йилномасида мазкур ҳукмдор ҳақида «Кутимаганда давлат ўн қабилага тақсимланган эди. Ҳар қайси қабилани бирор киши бошқарииши буйруқ қилиниб,

<sup>553</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 289.

<sup>554</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 289.

уларнинг ҳаммаси «ўн шад» деб аталган эди. Ҳар бир шадга бир донадан ўқ берилганди» тарзида сўз юритилиши «Ўн Ўқ» тузилмасининг ҳақиқий расмий характердалигини кўрсатади. Унинг фикрича, мазкур маълумот ушбу тизим ҳақида мавжуд маҳаллий уруғ-қабилачилик тақсимоти анъанаси билан алоқали эмасдек таассурот уйғотса ҳам, бундай тахмин мамлакатдаги ҳақиқий аҳволга тўғри келмайди<sup>555</sup>. Тадқиқотчига кўра, мазкур маълумотда «кутилмаганда» ибораси учраши, афтидан, Тан сулоласи тарихчилари хоқонликнинг уруғ-қабилавий таркиби ва мамлакатдаги ички сиёсий аҳвол ҳақида етарлича аниқ маълумотларга эга бўлмаганидан дарак беради. Унинг фикрига қисман қўшилган ҳолда, шуни айтиш таъкидлаш керакки, Фарбий хоқонликнинг қанотлари «Ўн Ўқ» тузилмаси ёки шунга ўхшаш ўн нафар қабиладан иборат бирор қабилалар иттифоқининг хоқонлиқдан аввал ҳам мавжуд бўлгани ёки аксинчалигини тасдиқлайдиган маълумотлар учрамайди. Яъни Еттисувда хоқонлик ҳокимияти ўрнатилмасдан олдин ҳам А. Г. Малявкин таъкидлаганидек, бу ерда «маҳаллий уруғ-қабилачилик тақсимоти» асосида «Ўн қабила» (Ўн Ўқ) қабилалар уюшмаси мавжуд эди деб айтиш учун етарли далиллар йўқ. Фикримизча, Еттисув ва атрофлари хоқонлик томонидан кўлга киритилгач, бу ердаги Ашина хонадонига хайриҳоҳ маҳаллий туркӣ қабилалар махсус қанотларга бириктирилиб, «Ўн Ўқ» ҳарбий-маъмурий тузилмаси (иттифоқи) ташкил қилинган деб ҳисоблаш ҳақиқатга яқинроқ.

Аслида қанотлар бошқарувини йўлга қўйиш ва уларга 10 нафар қабилани бириктириш Турк хоқонлигигагина хос эмасди. Гарчи хоқонликдаги билан айнан бир хил бўлмаса-да, бу анъана ундан олдин ўтган Марказий Осиёнинг кўчманчи асосли бир неча сиёсий уюшмалари бошқарувида ҳам мавжуд эди. Дарвоқе, Турк хоқонлигининг «ўнлик тизими»га хос «Ўн қабила» таркибий жиҳатдан алоҳида, яъни қабила номлари ва улар бошқарувчиларининг номлари аввал ўтган сулолаларни кидан фарқли бўлиб, бу масалада ҳар икки қанот ўзига хос номларга эга эди. Қисқаси, ушбу анъана негизида мазкур дав-

<sup>555</sup> Малявкин А. Г. Танские хроники... – С. 175.

латларнинг ҳарбий таркибиага хос «ўнлик тизими» ётган бўлиб, хоқонлик ўз маъмурий бошқарувида ундан унумли фойдаланган (қаранг: илова XI).

#### **4. 1. 1. Маъмурий-худудий бирликлар**

Дастлаб, хоқонликнинг маъмурий-худудий жиҳатдан қандай бошқарилгани масаласига тўхталсак. Бу ҳақда асосан хитой йилномаларида маълумотлар сақланиб қолган бўлиб, улар мазмунидан хоқонликнинг «маҳсус ташкил қилинган» маъмурий бирликлари, яъни қанот тизими ва маҳаллий бошқаруви ўзларининг аввалдан мавжуд сулолалари қўлига топширилган кўчманчи қабилалар ва воҳа ҳукмдорликлари – вассаллар бошқарувидан иборат бўлганини маълум бўлади. Фарбий Турк хоқонлиги маъмурий жиҳатдан шартли равишда қўйидаги 2 та ҳудуддан иборат бўлган, деб ҳисоблаш мумкин (қаранг: илова XII):

1) **Ҳарбий-маъмурий худудлар.** Бу ҳудуд хоқонликнинг асосан кўчманчи аҳолисидан иборат бўлиб, у марказий ҳудуд («давлат улуси» / метрополия)ни ташкил этган. Яъни Еттисув–Юлдуз водийси<sup>556</sup> – Жунгория текислиги.

2) **Тобе ҳудудлар.** Улар асосан хоқонликка бўйсунувчи вассал («элтабарлик» ва «эркинлик»)лар бўлиб, ҳар бири ўз бошқарувчи сулоласига эга воҳа ҳукмдорликлари ва қисман кўчманчи сиёсий уюшмалар эди. Яъни Шарқий Туркистон (марказий қисми), Амударё–Сирдарё оралиғи ва унга туташ ҳудудлар, Хурросон ва Шимолий Ҳиндистондаги ўтрок воҳа ҳукмдорликлари ҳамда Жануби–Фарбий Олтой, Иртиш ҳавзаси, Сирдарёнинг ўрта ҳавзаси, Волга–Урол бўйлари, Шимолий Кавказ, Қора дengизнинг шимолий ҳавзасидаги кўчманчи ва ярим кўчманчи қабила бошқаруви.

Фарбий Турк хоқонлигининг марказий ҳудудида яшовчи аҳолининг маъмурий бўлининиши ҳудудий эмас, уруғ-қабилавий

<sup>556</sup> Юлдуз водийси – Хитой таркибидаги Шинжонг Уйғур автоном райони (Шарқий Туркистон)даги Тяншан (Тангритог)нинг шимолида, Хайдин-гол дарёсининг юкори ҳавзасида жойлашган ҳозирги Кичик Юлдуз яйлови атрофлари (Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. – Т.: «Ўзбекистон», 1997. – Б. 128).

эди. Яъни уларнинг хоқонлик томонидан маъмурий жиҳатдан бошқарилиши маълум табиий-географик ҳудудлардан кўра, кўпроқ қайси уруғ, қабила ёки қабилалар иттифоқига мансублигига қараб, улар устидан хоқонлик вакили – ноиб тайинланар ва ноиблар уларнинг ўз уруғ бошлиқларини назоратда тутиш орқали бошқарувни амалга оширади. Хоқонлик аҳолисининг асосий ядросини ташкил қилувчи мазкур кўчманчи этносларни шартли равишда қуидагича маъмурий-географик ҳудудларга<sup>557</sup> бўлиш мумкин:

**I.** Марказий Еттисув: Тяншан тоғларининг шимолий этакларининг ўрта қисми, маркази Суяб шаҳри ва унинг атрофидаги аҳолиси ярим ўтрок, ярим кўчманчи ҳудудлар. Ушбу ҳудуд Иссиккўлнинг ғарбий ҳавзаларидан бошланиб то Таласгача чўзилган бўлиб, унда Балосогун, Тун, Суяб, Навокат, Шуйкат, Шилжи, Кулон, Ашпара каби ўнлаб шаҳарлар ўрин олган эди. Улар аҳолисининг асосий қисмини тужжор сугдийлар ва туркийлар ташкил қилас, бир қисми эса Ўрта Осиё, Шарқий Туркистоннинг турли воҳалари ва бошқа ўлкалардан келган тужжорлардан, ҳатто форс ва сурёний савдогарлардан иборат эди;

**II.** Талас дарёсининг ғарби – Сирдарёning ўрта ҳавзалари. Хитой ийлномаларидан маълум бўлишича, *Канцзюй* (Кангуй/Канг)нинг<sup>558</sup> шимолида *аде* (адиз), *хэжсе*, *боху*, *бэйган*, *жюйхай*, *хэбэйси*, *хэясо*, *суба*, *емо*, *кэда* сингари *теле* (\*тегрег) қабилалар иттифоқига мансуб қабила ва уруғлар истиқомат қиласарди.

**III.** Талас дарёси ҳавзалари. Бу ерда *Нушиби* қабилалар

<sup>557</sup> Ғарбий Турк хоқонлигининг марказий ҳудудлари ва вассал ҳукмдорликлар жойлашувига доир Ю. Брегелнинг тадқиқотлари орқали бирмунча батафсилроқ маълумотларга эга бўлиш мумкин (Bregel Y. An historical atlas of Central Asia. – Leiden – Boston, Brill, 2003. – Р. 14–19).

<sup>558</sup> Хитойча «Тундян» асарида *Канцзюй* (K'ang-chü) шаклида келтирилган ушбу жой номини айрим хитойшунос олимлар, шу жумладан, туркиялик А. Ташагил ва ўзбекистонлик А. Хўжаевлар Самарқанд билан тенглаштиришади ҳамда мазкур уруғларни Самарқанднинг шимоли ва Сирдарё ҳавзаларида яшаган туркий этнослар сифатида кўрсатишади (қар.: Taşgil A. Gök-Türkler. III, Ankara, 2004. – S. 45, 131; Хўжаев А., Хўжаев К. Қадимги манбаларда... – Б. 16, 30–31). Бирок хитой манбасидаги мазкур маълумотлар контекстидан Канцзюйдан максад маркази Сирдарёning ўрта ҳавзаларини ўз ичига олган қадимги Канкия/Қанг (хоз. хитойча ўқилиши Канцзюй, Бичурин таржимасида Кангюй) тушунилгани ва у «Тундян»да янглиш ўлароқ ўша даврда Самарқандни ифодалайдиган *Канго* билан аралаштириб юборилгани маълум бўлади.

иттифоқининг беш нафар қабиласи яшарди. Бу ҳудуднинг шимолий-шарқий қисмида Чу дарёси жойлашган ҳамда у *Нүшиби* ва *Дулу* қабилаларининг чегара ҳудуди эди;

**IV.** Чу дарёсининг шимоли-шарқий ҳавзаларидан то Или дарёси-гача бўлган ҳудуд. Бу ерда *Дулу* қабилалар иттифоқига мансуб 5 та қабила истиқомат қиласади;

**V.** Или дарёси ҳавзасида *Дулу* қабилалар иттифоқига аъзо *turgasi* қабиласи яшарди;

**VI.** Олтой тоғларининг жануби-ғарбий этакларидан ғарбдаги ҳудудлар. Бу ерда Иртиш дарёси ҳавзаларида учта уруғдан ташкил топган қарлуқ қабиласи истиқомат қилиб, унинг жануби-шарқида Тарбағатай тоғлари жой олган эди;

**VII.** Тарбағатай тоғлари этаклари. Бу ҳудудда *Дулу* қабилалар иттифоқига мансуб чумуқун қабиласи истиқомат қиласади;

**VIII.** Тяншан тоғларининг шимоли-шарқий чеккасидаги ҳудудлар. Ушбу ҳудуд Шарқий Турк хоқонлигининг ғарбий чегараларидан бошланиб, *Хами* (Кумул) воҳасининг шимоли-ғарби<sup>559</sup>, Турфон воҳасининг шимоли, Беш-балиқ атрофлари, Жунгория текислигининг жануби-шарқий қисмлари билан чегараланар эди. Бу ҳудудда *Теле* қабилалар иттифоқига мансуб *шиби*, *булочи*, *иши*, *субо*, *нахо*, *укуан*, *еии*, *юхихуан* каби катта-кичик қабила ва уруғлар истиқомат қиласади<sup>560</sup>. Улардан бироз шарқда, Шарқий Турк хоқонлигининг жануби-ғарбий чегарасига қўшни ҳудудда *се-янто* номли йирик туркий қабила истиқомат қилиб, *теле* қабилалар иттифоқи таркиида эди<sup>561</sup>. Уларнинг катта бир қисми Шарқий Турк хоқонлиги ҳудудида ҳам яшаб, Ўтукан тоғининг шарқида қўчиб юришарди. Тяншан тоғларининг шимоли-шарқий этакларида яшовчи *се-янтоларга* жануби-ғарбдан қўшни ўлароқ, Беш-балиқ (Урумчи)нинг шимоли-шарқида, Барқўлнинг эса ғарбига чуюе (чигил?) қабиласи яшаб, хитой йилномаларида кейинчалик улар *Шато Тукюе* («Шато («кумйини») турклари») номи билан тилга олина бошлайди<sup>562</sup>.

<sup>559</sup> Каримова Н. Взаимоотношения народов Центральной Азии и Китая в XIV–XVII вв. (по материалам китайских источников): Дисс. док. ист. наук. – Ташкент, ИВАНРУз, 2006. – С. 213.

<sup>560</sup> Taşaǵıl A. Gök-Türkler. III... – S. 45.

<sup>561</sup> Taşaǵıl A. Gök-Türkler. III... – S. 140.

<sup>562</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 357–358; Taşaǵıl A. Gök-Türkler.

**IX.** Юлдуз водийсини ўз ичига олувчи, Тяншан тоғларининг шимолидан бошлаб, ғарбда Иссиқкүлгача, шарқда Жунғория текислигигача чўзилган худуд. Бу худуддаги Кунгес, Текес, Сайрам, Манас каби дарёлар ҳавзаларида *Дулуларга мансуб шуниши, шешети, хулуву* (\*улуг-ўқ) қабилалари ва улардан алоҳида *чуми* (\*чумул) қабиласи яшарди;

**X.** Балхаш кўлининг шимоли–Иртиш дарёси ҳавзаларида яшаган Кимак қабилалари иттифоқи худуди. Кимаклар маркази Иртиш дарёсининг ҳавzasи ўлароқ, ғарбда Урол дарёсигача, шарқда эса Ғарбий Олтойгача чўзилган кенг худудда яшовчи туркий қабилалардан иборат қабилалар уюшмаси бўлиб, Б. Кумековнинг фикрича, улар Ғарбий Турк хоқонлиги таркибидағи қабилалардан эдилар<sup>563</sup>.

Ушбу маъмурий-худудий бўлиниш аслида нисбий бўлиб, ўша давр анъаналарига кўра, чегаралар табиий-географик обьектлар орқали белгиланар эди. Яъни тоғлар, дарёлар, табиий ёриқ ва жарликлар чегараларни белгиловчи обьектлар эди. Шунингдек, анъанавий этник мансубликлар ҳам чегараларни белгилайдиган мезонлардан бири бўлган.

#### 4. 1. 2. «Давлат улуси» ва «қанотлар»

Аввало, давлат (яъни Ғарбий Турк хоқонлиги)нинг бош маъмурий бирлиги бўлмиш марказий худуд – метрополия, яъни «давлат улуси» – хоқонликнинг бевосита ўзига қарашли худуд чегаралари ҳакидаги маълумотлар билан танишсак. Гарчи манбаларда бу масалада ба-тафсил маълумотлар учрамаса-да, хитой йилномаларида Ғарбий ўлкалардаги бирорта воҳа ҳукмдорлиги ҳакида гап бор боргандга, аксарият ҳолларда уларнинг «Ўрталиқ мамлакат» (Хитой)нинг пойтахти Чанъан шаҳридан ёки Ғарбий турклар (Ғарбий Турк хоқонлиги марказий худуди)дан қанчалик узоқликда жойлашганини мезон қилиб олишгани кўзга ташланадики, унга асосланиб, хоқонликнинг «давлат улуси» чегаралари ҳакида муайян тасаввурга эга бўлиш мумкин. Жумладан, «Бэй ши» йилномасида Фаргона ҳукмдорлиги III... – S. 99.

<sup>563</sup> Кумеков Б. Государство Кимаков IX–XI вв. по арабским источникам. – Алматы: Наука, 1972. – С. 57–58, 61–63; Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş... – S. 167.

ҳақида: «Бохан (Фарғона) Пиёз төглари (Помир)дан гарбда 500 ли (250 км) масофада жойлашган... унинг шимоли-шарқида эса Түкюе (турк)лар ўрдаси 2000 ли (1000 км) масофададир»<sup>564</sup> ёки «Бей шу» ва «Суй шу» йилномаларида Кошғар ҳукмдорлигига доир «Шимоли-гарбда Пиёз төгларига туташи... гарбда Бохан (Фарғона) гача 1000 ли... шимоли-гарбдан Түкюе (турк)лар ўрдасигача 1000 ли атрофидан»<sup>565</sup> шаклида маълумотлар учраса, «Таншу» йилномасида Чоч ҳақида гап борганда «Ши (Тош) ҳукмдорлиги ... пойтахт (Чанъан)дан 9000 ли, шимоли-шарқда Фарбий туркларгача чўзилган, шимоли-гарбдан Бола (Фороб / Ўтрор) билан туташи»<sup>566</sup> каби далиллар келтирилиб, улар асосида Фарбий Турк хоқонлигининг ўзига хос марказий сиёсий-маъмурий ҳудуди – «давлат улуси» бўлгани ва унинг марказида Еттисув жой олганини айтиш мумкин.

Хоқонликка қарашли мазкур «давлат улуси»нинг чегаралари географик жиҳатдан шимолда Балхаш кўли, шимоли-шарқда Или дарёси ҳавзалари, шарқда Жунгория, жануб ва жанубигарбда Тангриотганинг шимолий этаклари, гарбда эса Талас дарёси ҳавзаларигача чўзилган эди. Қисқаси, Фарбий Турк хоқонлиги энг кучайган даври – VII аср биринчи чорагида чегаралари Қора денгизнинг шимоли, Хуросон, Шимолий Ҳиндистон, Тибет ҳудудларигача бўлган кенг ҳудудни ўз ичига олган империя бўлиши билан бирга ўз марказий ҳудудига эга эди ва у Еттисув ҳамда унинг яқин атрофлари билан чегараланаарди. Демак, Дулу ва Нушиби қабилалари иттифоқига мансуб қабила ва уруғлар яшайдиган ҳудуд Фарбий Турк хоқонлигининг марказий ҳудуди эди.

Шу ўринда, Турк хоқонлигининг ҳар иккала қисми ўзининг «давлат улуси»га эга бўлиб, ҳарбий-маъмурий жиҳатдан қанотларга тақсимланиши замирида нима ётарди, мазмунида савол туғилиши табиий. Фикримизча, хоқонлик ўз ҳавфисзилигини таъминлаш ва ҳарбий сафарлар уюштириш мақсадида анъанавий бошқарув усулларига мурожаат этиб, қанотлар ташкил қилган, қанотлардаги ҳар бир қабила 10 минг нафардан, жаъми 100 минг нафар жангчи етиштириб

<sup>564</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 274.

<sup>565</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 258, 284.

<sup>566</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 313; Chavannes E. Documents sur les... – Р. 140–141.

бериши күзда тутилган эди. Гарчи кам эҳтимолли бўлса ҳам айтиб ўтиш жоиз, ҳар бир қанот ўзининг жойлашувига кўра, хоқонлик ҳудудларидан бир қисмининг хавфсизлигини таъминлаш (чегараларни кўриқлаш, яқин жойлашган ҳудудлардаги вассалларни назорат қилиш, жангларда қатнашиш)га масъул бўлган кўринади. Яъни Ғарбий хоқонликнинг *Дулу* қаноти таркибидаги қабилалар хоқонлик ҳудудининг шарқий қисмида фаолият юритиб, шу жабҳада олиб борилган жангларда иштирок этган бўлсалар, *Нушиби* қанотидагилар эса ғарбий жабҳадаги сиёсий воқеаларга аралашган.

Ҳар ҳолда ҳар иккала қанотга мансуб қабилалар келиб чиқиш жиҳатидан ашина қабиласига яқин ёки у билан иттифоқдош содик қабилалар бўлганки, уларнинг садоқати туфайли хоқонлик ўз ҳудудини кенгайтирган ёки вассалларни бошқарган. Гарчи хоқонлик таркибида бир неча ўнлаб нуфузли туркий ҳамда ғайритуркий қабила ва уруғлар жой олган бўлса-да, улардан аксарияти курол кучи билан бўйсундирилиб, вассалларга айлантирилгани боис, хоқонлик уларга ишончсиз караган кўринади. Шу сабабли улар «давлат улуси»га кирилмаган бўлса керак.

Шу тариқа ҳар бири 5 қабилани ўз ичига оловчи *Дулу* ва *Нушиби* қабилалар иттифоқи асосида ташкил этилган ва «Ўн Ўқ» деб номланган икки қанотдан иборат ҳарбий-маъмурий тузилмаси Ғарбий Турк хоқонлигининг марказий ҳудуди - «давлат улуси»ни ташкил қилиб, улар хоқонликнинг ҳарбий-сиёсий таянчи бўлган деб ҳисоблаш лозим. Ушбу қабилалар хоқон сайлашда ҳам ўз таъсир доирасига эга бўлиб, бу кейинчалик ҳар иккала қанотга мансуб қабилаларнинг ўзларига тарафдор хоқонни тахтга ўтқазиш учун ўзаро низолашувга боришлирага олиб келган<sup>567</sup>.

Шу ўринда «Ўн Ўқ» тузилмасининг мазмун-моҳиятига доир му-такассислар томонидан билдирилган баъзи фикрларга тўхтласак. С. Г. Кляшторный хоқонликнинг кўчманчи аҳолиси устидан «Ўн ўқли (қабилали) қабилалар иттифоқи» ташкил этилгани ҳақида ёзиб, айнан шу боис Ғарбий Турк хоқонлиги қадимги турк битиктошларида *Он Оқ* будун «Ўн Ўқ ҳалқи», *Он Оқ* эли «Ўн Ўқ давлати» ёки оддий *Он Оқ* «Ўн Ўқ» деб номланганини таъкидлайди<sup>568</sup>. Тадқиқотчининг фи-

<sup>567</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 287, 291–293.

<sup>568</sup> Кляшторный С. Г. Генеалогия и хронология западнотюркских... – С. 165–168; 209

крича, хитой йилномаларининг бирида Истами «Ўн қабила хоқони» шаклида тилга олинган бўлиб, бундай тузилманинг тўла ўхшашини Шарқий турклардаги ҳарбий-маъмурй тузилма мисолида учратиш мумкин. «Ўн Ўқ» тузилмасининг моҳияти ва бажарган функцияси, умуман олганда қандай мақсадда ташкил этилгани масаласида С. Г. Кляшторныйнинг «ўқ» тизими уруғ-қабила ташкилоти эмас, ҳарбий-маъмурй ташкилот эди мазмундаги фикри диққатга сазовордир. Тадқиқотчига кўра, эҳтимол бундай «ўқ»лар таркибига умумий номга эга бир неча қабилалар кирган бўлиши мумкин<sup>569</sup>. Унинг фикрича, ҳар бир «ўқ» бир туман, яъни 10 минглик отлиқ кўшиндан ташкил топган бўлиб, уларнинг бошида «улуғ йўлбошчи/бошлиқ» (шад) турган ва улар ўз байрофига эга бўлишган<sup>570</sup>. Хоқонлиқда бу шаклдаги ҳарбий-маъмурй бўлинишнинг илдизи қадимга бориб тақалишини олга сурган Кляшторный, Хун империяси қабилалар иттифоқи «шарқий» ва «гарбий» томонлардан иборатлиги, Ўғуз конфедерациясида ҳам шунга ўхша什 ҳолат бўлгани ва унинг ярим мифологик прототипи Ўғузхон улусининг бўз-ўқ ва уч-ўқларга бўлинишида ўз ифодасини топишини таъкидлайди. Ўғуз конфедерациясининг кичик тармоғи – уч-ўқ («Уч Ўқ»)нинг ҳокимият рамзи «ўқ-ёй» бўлган. Тадқиқотчига кўра, Ашина сулоласининг гарбий тармоғидаги ябгу-хоқонлар ҳам хоқон уругининг кичик линияси бўлиб, шу жиҳатдан улар шарқий тармоқ хоқонларига боғлиқ эдики, бу «Ўғузнома»даги афсонавий шажарада келтирилган учўқ ва бўзўқ тизимиға мос келади<sup>571</sup>. Худди шу тизим VIII асрда Уйғур хоқонлиги томонидан ўзлаштиргани ва Уйғур қабилалар иттифоқи 10 қабиладан иборат бўлганини таъкидлаган мазкур олим, Турк хоқонликнинг гарбий худудларида унинг шарқий худудларидаги ўхша什 ҳарбий-маъмурй тизим ташкил топганлиги, бироқ у шарқийнидан алоҳида бўлганига эътибор қаратади.

Демак, Ғарбий Турк хоқонлигининг «Ўн Ўқ» маъмурий бошқаруви ёки тузилмасининг генезисида марказий осиёлик кўчманчиларга хос

---

Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности... – С. 403.

<sup>569</sup> Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности... – С. 403.

<sup>570</sup> Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности... – С. 403.

<sup>571</sup> Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности... – С. 404.

анъана – қўшинни «ўнликлар» асосида ташкил этиш<sup>572</sup>, яъни ҳарбий жиҳатдан «ўнлик тизими» асосида қанотларга бўлиш ётади деб ҳисоблаш мумкин (қаранг: илова XI).

Қанот тизимининг ҳарбий-сиёсий мақсадда ташкил этилгани Шарқий хоқонликнинг қанотлари мисолида ҳам қўзга ташланиб, бу битиктошларда тургашлар ва хоқонлик орасидаги ўзаро жанг-жадаллар пайтида Бўгу-чўр Қапған хоқон томонидан вазир Тунюқукка «(жсангга) лашкарбоши Инал хоқон билан Тардуди шади борсин» мазмунида топшириқ берилгани мисолида ўз аксини топган<sup>573</sup>. Мальумки, Тардум – Шарқий хоқонликнинг ўнг қанотининг номи.

Хўш, Ашина хонадони «давлат улуси» ва «қанотлар бошқаруви» тизимини ўз ҳарбий мақсадларига кўра тузган экан, бу каби тузилмалар қандай шартлар остида, қачон, қайси хукмдор томонидан ташкил қилинган эди мазмунида савол туғилмайдими? Ҳар ҳолда, «қанот бошқаруви», ҳам Ашина хонадони, ҳам қанот мансублари орасидаги ўзаро манфаатдорлик асосида тузилган бўлиб, хоқонлик турли уруғларга имтиёзлар бериш орқали уларни ўзининг хайриҳоҳларига айлантирган бўлиши керак. Бу имтиёзлар тахминан қуидагича бўлган:

1) бошқарувда шитирок этиши. Турли мансаб ва амалларнинг қанот мансубларига тақсимланиши, хоқон сайлашда улар хоҳиш-истакларининг инобатга олиниши. Шунингдек, вассаллар бошқарувига ноиб сифатида айнан иттифоқчи қабила вакилларининг юборилиши;

2) никоҳ алоқаларини йўлга қўйши. Хукмдорнинг бош аёли - хотуннинг иттифоқчи уруғлардан бирига мансуб бўлиши;

3) моддий манфаатдорлик. Асосан, жангда қўлга тушган ўлжаларни бўлиб олиш.

Бу нұқтаи назарни далиллар билан тасдиқлаш учун аввало мансбаларга мурожаат қилиб қўрайлик. Хитой йилномаларида Ғарбий турклардан Дулу хоқон (633-634) ўз қўл остидаги «ўнг қанот» (Дулу қабилалар иттифоқи)га мансуб хулуғу (\*улуг-ўқ?) қабиласининг

<sup>572</sup> Кумеков Б. Е. Об общем и особенном в развитии... – С. 89; Ercilasun A. B. Askerlikte Onlu Sisteme Türklerin Katkıları // Second International Congress on Turkic civilization. Bishkek, October 4–6, 2004. – Bishkek, 2005. – S. 156–157.

<sup>573</sup> Tekin T. Orhon Yazıtları... – S. 89.

кул-чўр унвонли бошқарувчисининг қизига уйлангани<sup>574</sup>, Шарқий туркларда эса Могилян (Билга) хоқон *ашида* (\*аждар?) қабиласига мансуб бош вазир *Тунюйгу* (Тунюқуқ)нинг қизига уйлангани ҳақида маълумотлар учрайдикى<sup>575</sup>, улар асосида Ашина хонадони қанот қабилалари билан иттифоқ ташкил этар экан, улар билан ўзаро никоҳ аҳдини тузган, яъни «куда уруғлар» бўлиш орқали ҳокимиятни биргаликда бошқаришни йўлга кўйган, деб ҳисоблаш мумкин. Шу тариқа, хоқонлик муайян қабилалар билан бошқарувдаги «шерикчилик» асосида уларнинг доимий қўллаб-қувватлашларига эришган. Буни қанот тизимининг вужудга келишида муайян бир омил ёки шартлардан бири дейиш мумкин.

Бу усул аслида, янгилик бўлмай, илк бор Хун империяси даврида йўлга кўйилган<sup>576</sup> ва ундан кейин Турк хоқонлигигача яшаб ўтган бир қатор кўчманчи асосли давлатларда у ёки бу даражада давом этиб, ниҳоят хоқонликка ўзлашган эди. Чунончи, хоқонликнинг бошқарув тизимида йўлга кўйилган энг мақбул усуллардан бири – ҳукмдор сулола мансуб уруғ билан бирорта нуфузли уруғ орасида никоҳ алоқалари йўлга кўйилиб, ҳокимиятни бошқаришда уларнинг кучига таянилар эди. Яъни хоқон мансуб бўлган уруғ билан хотун мансуб бўлган уруғ орасида аҳдлашувга биноан ҳокимиятнинг хавф-сизлигини таъминлашда хотун уруғи фаол қатнашарди.

Бу усул Марказий Осиё кўчманчи давлатларида қадимдан мавжуд анъана бўлиб, тадқиқотчилар уни «куда уруғлар», «уруғ қудачилиги» ёки «қўрагонлик тизими» деб аташади<sup>577</sup>. Таомилга кўра, киз берган уруғ ҳокимиятни бошқаришда фаол қатнашиб, юқори амал ва мансабларга эга бўлишарди. Гарчи хоқоннинг бошқа уруғлардан кўплаб аёллари бўлиши билан биргаликда, бош хотун доимо «анъанавий куда уруғ»дан бўлар, унинг фарзанди асосий меросчўр сифатида билинарди. Турк хоқонлигига, айниқса II Шарқий Турк хоқонлиги

<sup>574</sup> Ушбу маълумотни Н. Я. Бичурин, А. Ташагил каби синологлар «Ҳэлунинг қизига Кулчўр уйланган эди» шаклида таржима килишган (Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 289; Taşağıl A. Gök-Türkler. II... – S. 96).

<sup>575</sup> Taşağıl A. Gök-Türkler. II... – S. 96; Liu Mau-Tsai. Çin kaynaklarına göre Doğu Türkleri... S. 239

<sup>576</sup> Mori M. Kuzey Asya'daki Eski Bozkır Devletlerinin Teşkilâti // Journal of Turkic Civilization Studies. No. 1. – Bishkek, 2004. – P. 80–81

<sup>577</sup> Pritsak O. Die Karachaniden // Der Islam, XXX. – Berlin, 1952. – S. 52–54.

даврида хоқон мансуб *ашина* ва хотун мансуб *ашида* қабилалари орасида шундай «кудачилик» анъанаси йўлга қўйилган бўлиб, ҳар иккала қабила вакиллари ҳокимиятни биргаликда бошқаришган. Яъни бошқарувда хоқон уруғи билан хотун уруғи ҳамжиҳатлиқда бошқарувчи «ҳамхукмронлик» (соправительство) тизими йўлга қўйилган эди<sup>578</sup>. Ўз навбатида бу тизимнинг генезиси юқорида айтиб ўтганимиздек қадимга – Хун империяси даврига бориб тақалади. Хусусан, хун хукмдори – шанюй *лоанъоди* уруғига, хотун эса эчжси уруғига мансуб бўлиб, ушбу иккала уруғ орасида қудачилик йўлга қўйилган эди<sup>579</sup>. Ушбу анъана Турк хоқонлигидан кейинги туркий давлатлардан ташқари, мўгулларда ҳам давом этганлиги маълум. Жумладан, Уйғур хоқонлиги (744–840) даврида хоқонлар туркий *ялақар* уруғидан, хотунлар эса эдиз уруғидан бўлишган. Чингизхон ва унинг авлодлари даврида эса турк-мўғул аслли *қиёт* ва *қўнгирот* уруғлари орасида «кудачилик» мавжуд бўлган<sup>580</sup>.

Манбаларда қанотлар тизимида аъзо уруғ вакилларининг бошқарувда «имтиёзларга эга бўлиши» қанотларга бирлашишнинг муҳим шартларидан бири бўлганини тасдиқловчи далиллар мавжуд. «Тан шу» йилномасида 640- йиллари Тўхористондаги Кумед ҳокимлигини *Тукюе Янто* (Янто турклари)га мансуб амалдор бошқариши таъкидланади<sup>581</sup>. Шунингдек, мазкур йилномада 640 йилларда Чочни бошқарган *тудун* унвонли амалдор исми билан биргаликда *Шешети* ибораси учраб, тадқиқотчилар фикрича, Чоч тудуни *Дулу* қабилалар иттифоки таркибидаги қабилалардан бирига мансуб бўлган<sup>582</sup>. Ушбу далиллар асосида қанотга мансуб бўлган қабила ва уруғлар имтиёзли тоифа сифатида хоқонлик ҳокимиятида, айниқса вассаллар бошқарувида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган деб тахмин қиласа бўлади. Эҳтимол, бу ҳолат қанот бошқаруви ташкил этилаётганда унга номзод уруғлар учун бошқарувда иштирок этиш имтиёзи берилганидан дарак берса керак.

<sup>578</sup> Торланбаева К. У. Дуальная организация... С. 29.

<sup>579</sup> Mori M. Kuzey Asya'daki Eski Bozkır Devletlerinin Teşkilati... – S. 80–82; Торланбаева К. У. Дуальная организация... С. 29.

<sup>580</sup> Торланбаева К. У. Дуальная организация... С. 29–30.

<sup>581</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 324.

<sup>582</sup> Chavannes E. Documents sur les... – Р. 141, н. 3; Малявкин А. Г. Танские хроники... – С. 270.

Вассал ҳукмдорларнинг бош аёли хоқонлик марказий ҳокимиятида бўлгани каби қадимги туркча хотун унвони билан юритилганки, бу эса балки хоқонлар ўз қизларини вассалларга узатгач, уларнинг мавқеини кўтариш мақсадида ушбу унвоннинг улар томонидан қўлланилишига изн беришганмикан, мазмундаги тахминни келтириб чиқаради. Хусусан, Қораشاҳр, Чоч, Самарқанд, Бухоро ва Тўхористонда ҳукмдорнинг аёли ёки ҳукмдор аёлга тегишли ўлароқ ушбу унвонни учратиш мумкин<sup>583</sup>.

Эҳтимол, қанот ичидаги қабилалар ашина қабиласининг тармоқлари бўлиб, қанотлар этногенетик қариндошлиқ тартибиغا кўра тузилган бўлиши ҳам мумкин. Хусусан, битиктошларда ўғуз, тўйқиз ўғуз (уйғур), *турғаш*, *басмил* каби туркий этнослар тилга олинганда уларга нисбатан «турким, будуним эди» шаклидаги иборалар қўлланилиши бу фикрни тасдиқлайди<sup>584</sup>. Бу фикрга яна бир далил сифатида бир қатор тадқиқчиларнинг *турғаш* этнонимини *турк-эши* («кичик турк»), «туркка ўхшаш», «туркка эш / иттифоқчи» тарзида изоҳлашларини<sup>585</sup> ҳам келтириш мумкин. Маълумки, хитой йилномаларида кўп ҳолларда *туқиши* (*турғаш*) Ғарбий хоқонликнинг Дулу қанотига мансуб нуфузли қабилалардан бири сифатида қайд этилади. Тибет манбаларида ҳам шунга ўхшашроқ маълумот акс этган бўлиб, унга кўра, «шимол ўлкалари»нинг пойттахи – Шубалиқ (Суяб) шахри, бошқарувчилари – хиркин (эркин) ва даркан (тархон), уларнинг маслаҳатчилари – другийус (*турғаш*) ва амача<sup>586</sup>, хизматчилари нағдруг (луг. «қора турк») ва амача бўлган<sup>587</sup>.

Албатта, Шарқий ва Ғарбий хоқонликларнинг қанотларидаги қабилалар ва уруғларнинг барчасини ашина қабиласига мансуб бўлган, шунинг учун ҳам улар қон-қариндошлиқ асосида қанотларга бирлашган деб хисоблаш учун тўла асос йўқ. Улардан бир қисми

<sup>583</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 311; Chavannes E. Çin yillardarına göre... – S. 305; Смирнова О. И. Сводный каталог... – С. 362–370.

<sup>584</sup> Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 106, 127; Tekin T. Orhon Yazıtları... – S. 53, 67, 71.

<sup>585</sup> Kafesoğlu İ. Türk Milli Kültürü... – S. 132.

<sup>586</sup> Амача – Шарқий Туркистондаги қадимги воҳа давлатларида ҳукмдор маслаҳатчиларининг унвони бўлган (Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности... – С. 257).

<sup>587</sup> Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности... – С. 257.

ашина қабиласи билан келиб чиқиши жиҳатидан яқин уруғлар, бир қисми эса қуда-андачилик асосида бошқарувчи хонадон билан иттифоқ тузиб, шу шарт остида қанотларга бирлашган уруғлар эканлиги эҳтимоли катта. Шу ўринда, этник жиҳатидан ашина қабиласига яқин ёки унинг бир тармоғи бўлган баъзи уруғларнинг хоқонликка доимо душманона кайфиятда бўлиб, исёнлар кўтариб турганини эътибордан соқит қилмаслик керак. Масалан, қарлук, ўгуз, басмил каби йирик қабила ва уруғларнинг бир неча бор исён кўтаришгани битиктошлар орқали маълум<sup>588</sup>. Эҳтимол, мазкур этносларнинг ҳар иккала хоқонлик қанотлари таркибида жой олмагани шу билан изоҳланар.

Шунингдек, Ашина хонадони бу тизимни жорий килиш жараёнида муайян қабила ва уруғлар вакили бўлмиш жангчиларга қўлга киритилажак бойликлардан бирга фойдаланиш, яъни моддий манфаатдорликни ваъда қилган бўлиши ҳам мумкин. Балки бунда ғалабадан сўнг ўлжаларни бўлиб олиш асосий омиллардан бўлгандир. Дарвоқе, хоқонлар қўлга киритилган бойликларни иттифоқчи уруғлар билан бўлишиб олмасдан, ўз манфаатини ўйлашлари натижасида уларнинг ҳукмдордан кўнгли қолиб, исён кўтарганларлири ҳақида кўплаб маълумотлар учрайди. Жумладан, Тун ябғу-хоқон (618–630) ҳақида йилномаларда «қудратига ва бойликларига ишониб, қўл остидагиларга ёмон муомала қиларди. Қабила вакиллари ундан нафратлана бошлиди» шаклида сўз юритилади<sup>589</sup>.

#### *4.1.2.1. «Давлат улуси»нинг маъмурӣ-ҳудудий чегаралари.*

Юқорида бир неча бор тилга олиб ўтилганидек, Ғарбий Турк хоқонлигига давлатга қарашли маҳсус улус («давлат улуси» – «государственный удел» / метрополия) – бевосита хоқонликка қарайдиган ҳудуд мавжуд бўлиб, у ўзининг муайян чегараларига эга эди. Яъни марказий ҳудуд Еттисув–Юлдуз водийси–Жунғория текислиги ҳудудларини ўз ичига олган ва асосан кўчманчи туркий этнослар яшайдиган бу жойлар «давлат улуси»ни ташкил қиласарди. Бу ҳудуд ўз жойлашувига кўра, Марказий Осиё минтақасининг бошқа ҳудудларидан табиий-географик жиҳатдан алоҳида бўлиб, унинг та-

<sup>588</sup> Абдурахмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 106, 127; Tekin T. Orhon Yazitlari... – S. 53, 67, 71.

<sup>589</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 284; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre..., – S. 57.

бий чегаралари ғарбда Шимоли-Фарбий Тяншан тоғлари – Таласдан то шарқда Шимоли-Шарқий Тяншан–Беш-балиққача, жануби ушбу тоғ тизмаларининг шимолидан то шимол ва шимоли-шарқида Балхаш кўли, Или дарёси ҳавзалари, Тарбағатай тоғлари билан чегараланар эди. Шунингдек, ушбу «давлат улуси» жанубда Тяншан тоғларининг жануби-шарқи, жануби ва жануби-ғарбидаги табиий-географик воҳалар, ўз навбатида бирор воҳа хукмдорликлари бўлган *Хами* (Кумул)–*Гаочан* (Турфон)–*Агни* (Кораشاҳр)–*КучаКошғар*–*Фарғона*–Чоч билан ҳамхудуд эди (*қаранг*: илова XII).

Ғарбий Турк хоқонлигининг ушбу «давлат улуси»нинг шимоли-шарқида Иртиш дарёси ҳавзаларида яшовчи вассал қарлуқ қабилалари ва Жунгориянинг шарқий қисмларида истиқомат қилувчи вассал *се-янто* қабилалари орқали Олтой тоғларининг жануби-шарқий қисмидан бошланувчи Шарқий Турк хоқонлиги билан, жануби-ғарбда Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларида яшовчи турли туркий қабилалар билан чегарадош эди. «Давлат улуси»нинг шимолида эса Жунгория Олатови ва Жанубий Сибирнинг ғарбий қисми – кам аҳолили ўрмон-дашт зоналари ўрин олганди.

Ғарбий Турк хоқонлигининг худудий чегараларига доир «Жиу Таншу» йилномасидаги қуйидаги маълумот диққатни тортади:

«Ғарбий туркларнинг ўлкаси Усунларнинг эски мамлакати эди. Шарқда *Түкюе* (турк) хукмдорлигига (Шарқий Турк хоқонлигига), ғарбда *Лейчу* (Орол/Каспий (?)) денгизига, жанубда *Суле* (Кошғар)га, шимолда *Ханхай* (Шимоли-Ғарбий Мўғулистон)гача чўзилганди»<sup>590</sup>.

Шу ўринда, мазкур маълумот «Ғарбий хоқонликнинг хос ҳудуди, яъни «давлат улуси»ни қўрсатадими» мазмунда савол туғилиши мумкин. Бироқ шарқ ва шимоли-шарқдаги Шарқий Турк хоқонлигига чегарадош ҳудудлар: Олтой тоғларининг жануби-ғарби ва Тяншан тоғларининг шимоли-ғарбига *Теле* (\*Тегрег) қабилалар иттифоқи ва қарлуқ, *се-янто*, *чуг* (чигил) каби қабилалар истиқомат қилиб, улар «Ўн Ўқ» тузилмасига кирмасди. Мазкур йилномада Ғарбий туркларнинг ғарбдаги чекка ҳудуди сифатида қўрсатилган *Лейчу* (Орол) денгизи, ҳатто ундан анча шарқдаги Еттисувга нисбатан яқин ҳудуд бўлмиш Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари (Фороб / Ўтрор), Исфижоб

<sup>590</sup> Chavannes E. Çin yillardarına göre..., – S. 48–49.

(Сайрам) каби вилоятлардаги қабилалар ҳам «Үн Үқ» тузилмасига кирмаган. «Үн Үқ»ларнинг гарбий қисми бўлмиш *Нушиби* қабилалар иттифоқи ҳам асосан, Чу дарёсининг гарбида, Талас дарёси ҳавзаларида яшаган бўлиб, улар яшайдиган худуд Сирдарё бўйидаги мазкур вилоятларни ўз ичига олгани ҳақида маълумот учрамайди. Бундан ташқари, манбалар (хитой, қадимги турк, сүгдий ва ҳ.к.) да бу ерда бошқа воҳа хукмдорликлари каби *Бола* (Фороб)/ Тарбанд (Кангу-Тарман), *Бейшийху* (Исфижоб) каби кичик хукмдорликлар тилга олинган бўлиб<sup>591</sup>, улар баъзан Чоч хукмдорлигининг шимолий ҳудудлари сифатида тилга олинади<sup>592</sup>. Бу каби далиллар Сирда-рё ўрта ҳавзаларининг Гарбий Турк хоқонлигига тааллуқли «давлат улуси»га кирмаганидан дарак беради.

#### **4.1.2.2. Қанотларнинг уруғ-қабилавий таркиби.**

Гарбий хоқонликнинг шарқий ва ғарбий қанотлари таркибидаги қабила ва уруғларни айнан қайси этнослар ташкил қилгани масаласига келсак, уларнинг номи, яшаган ҳудудларига доир батафсил маълумотлар асосан хитой йилномаларида учраб, қадимги турк битиктошлари, тибет ва хўтсан-сак (?) манбаларида бу ҳақда қисқа маълумотлар топиш мумкин. Бошқа тиллардаги манбаларда эса на «Үн Үқ» бошқарувига ва на унинг қанотларига доир маълумотлар деярли акс этган.

«Таншу»да қанот таркибилиги уруғлар куйидагича тартибда келтирилади:

1) **Сўл / Шарқий қанот.** Дулу қабилалари ва улар бошқарувчиларининг унвони:

1. Чумугун люй чжо (\*Чумуқун улуғ (?)-чўр),
2. Хулу цзюй<sup>593</sup> кюе чжо (\*Улуг-ўқ кул-чўр),

<sup>591</sup> Chavannes E. Çin yıllıklarına göre..., – S. 192; Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 109; Согдийские документы... II. – С. 80–82.

<sup>592</sup> Согдийские документы... II. – С. 78–79.

<sup>593</sup> *Хулцзюй* – баъзан ушбу этноним хулуву шаклида ҳам келади (Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 289). Ушбу этнонимнинг қадимги туркча шаклини бир катор тадқиқотчилар \*Улуг-ўқ шаклида тикилашган бўлиб (Зуев Ю. А. Ранние тюрки... – С. 165), бу эса «агар мазкур фикр тўғри бўлса, у ҳолда чумуқун эмас, улуғ-ўқ қанотнинг бош қабиласи бўлмаганмикан» мазмунидаги саволни келтириб чиқаради.

3. Шэшэти дун чжо (\*шэшэти тун-чүр),
4. Тукиши хэлоши чжо (\*Тургаш --(?) чүр).
5. Шуниши чубан чжо (\*Сунгуз? чүпон-чүр).

2) **Үнг/Фарбий қанот.** Нушиби қабилалари ва улар бошқарувчиларининг унвонлари:

1. Асигье кюе сигин (\*Изгил<sup>594</sup> кул-эркин),
2. Гэшу кюе сигин (\*Кўшу кул-эркин),
3. Басайган дун шибо сигин (\*Барсхон тун шибо (?) эркин)),
4. Асигье нишу сигин (\*Изгил низук-эркин),
5. Гэшу чубан сигин (\*Кўшу чўпон-эркин)<sup>595</sup>.

Юқоридаги қабилалар тартиби хитой йилномаларида шу шаклда келтирилган бўлиб, қадимги турк битиктошларида айнан шунга ўхшаш ҳолат кузатилмайди. Битиктошларда «Ўн Ўқ будун», «Ўн Ўқ хоқони» каби атамалар учраса-да, уни ташкил қилувчи қабилалардан фақат тургашлар тилга олинади. Жумладан, Кул Тегин ва Билга хоқон битиктошларида «Ўн Ўқ ўғлим (вассалим) Тургаш хоқони» ёки «(Биздан енгилиб) Тургаш хоқони, вазирлари ва беклари ўлди. Ўн Ўқ будун машаққат тортди»<sup>596</sup> сингари жумлалардан ушбу қабиланинг «Ўн Ўқ»ларга мансуб эканлиги англашилади.

Шунингдек, битиктошларда изгил, қўшу каби этнонимлар учраб<sup>597</sup>, уларга алоқадор маълумотлар мазмунидан ушбу қабилаларининг айнан Фарбий хоқонлик қанотларига мансуб ёки аксинчалигини аниқлаш мушкул. Фақат ушбу қабила номлари Шарқий турк хоқонларининг Фарбий хоқонлик ҳудудига – тургаш ва қарлуқларга қарши юриши баёнида тилга олиниши, хитой манбаларида қанотлар таркибида кўрсатилган *асигье* билан изгил, гэшу билан эса қўшу этнонимлари бир бўлса керак деб, тахмин қилишга имкон беради. Дарвоқе, Тибет манбаларидан VIII асрга тааллукли хужжатда

<sup>594</sup> *Asigye* – ушбу этнонимни изгил шаклида тиклаш ҳам тахминий бўлиб, айрим тадқиқчилар хитой йилномаларида *tele* қабилалар конфедерацияси таркибида кўрсатилган *ссучие* (ssü-chieh) этнонимини битиктошларда Шарқий хоқонликка қарши жанг қилган қабила сифатида қайд этилган изгиллар билан тенглаштиришади (Golden P. B. Türk Halkları tarihine... – S. 116).

<sup>595</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 289; Маявкин А. Г. Танские хроники... – С. 168; Taşağıl A. Gök-Türkler. II... – S. 71.

<sup>596</sup> Tekin T. Orhon Yazıtları... – S. 43, 53.

<sup>597</sup> Orkun H. N. Eski Türk Yazıtları... – S. 48; Tekin T. Orhon Yazıtları... – S. 49–51.

*«Гарбда ўн қабила бор... Қароргоҳи текислик. Ерлари унумдор, яйловлари кенг»* шаклидаги лавҳадан кейин «гушу» (эхтимол, хитой манбаларидағи гәшиу, қадимги турк битиктошларидағи қүшиу) деб аталувчи аёллар қабиласи ҳақида гап борадики<sup>598</sup>, улар мазмунан Фарбий Турк хоқонлиги ва унинг таркибидаги айрим қабилаларга доир хитой манбаларида келтирилган маълумотларга тұғри келади.

Хитой йилномаларида келтирилган «Ўн Ўқ»ларга мансуб қабилалар ва уларнинг тартибига асосланиб, ҳам қанотлар орасида, ҳам қанот ичидә иерархик жиҳатдан юқори ва қуий даражалар мавжуд бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Биринчидан, қадимги турк давлатчилик анъаналарига кўра, сўл, яъни шарқий қанотнинг мавкеи ўнг қанотга нисбатан юқори бўлиб, бу Хун империясида «Сўл донишманд ҳукмдор» ва II Шарқий Турк хоқонлигига «Сўл қанот шади» таҳт вориси ҳисобланганида ўз ифодасини топган бўлса, Фарбий хоқонликда Дулу қабилалари иттифоки бошқарувчиларининг чўр, Нушиби қабилалари иттифоки бошқарувчилар эса эркин унвонларига эга бўлганликлари асосида ўз тасдигига эга. Маълумки, хоқонлик унвонлар тизимида чўр унвони эркиндан бирмунча юқори турган.

Қанотлар ичидаги қабилалар орасида иерархик жиҳатдан фарқка келсак, йилномаларда қабилалар номи келтирилар экан: «Нушибиларнинг беши сигин (эркин)и бор эди. Номлари Асиг'ие нишу сигин (\*Изгил низук-эркин)... Энг кучлиси бу эди» деб таъкидланиши, шунингдек, қабила номлари «биринчиси, иккинчиси... » шаклида тартиб бўйича берилиши<sup>599</sup>, бу ҳақда муайян тасаввур ҳосил қилиш имконини яратади. Хусусан, Дулу қабилалари орасида Чумугун (Чумуқун) биринчи, Ҳулу ғозий (Улуг-ўқ) иккинчи ўринда тилга олиниб, улардан иккинчисининг бошқарувчиси Ашина Хэлу (\*Улуг: 651–657) хоқонга ўз қизини берганлиги таъкидланади<sup>600</sup>.

Агар Марказий Осиёнинг кўчманчи асосли давлатларида ҳукмрон сулола мансуб қабилалар билан нуфузли уруғлар орасида «кудачилик» асосида бошқарувда ҳамкорлик қилиш анъанаси мавжуд бўлгани эътиборга олинса, Фарбий турк хоқонларининг улуг-ўқ

<sup>598</sup> Абдухолик Абдурасул ўғли. Туркий халклар тарихига оид тибетча ҳужжат // ОНЫ. – Тошкент, 1997. – №6. – Б. 76.

<sup>599</sup> Taşağıl A. Gök-Türkler. II.. – S. 96.

<sup>600</sup> Малявкин А. Г. Танские хроники... – С. 168.

қабиласидан қиз олиши асосида ушбу қабиланинг қанот ичидаги эгаллаган нуфузи билан боғлиқ бўлиши омили ётади деб ҳисоблаш мумкин. Эҳтимол, ушбу қабила номининг улуг-ўқ деб аталиши замирида ҳам унинг қанот иерархиясида юқори мавқелардан бирини эгаллаши ётгандир. Чумуқун қабиласининг қанот иерархиясида энг юқори поғонада турганини тасдиқлайдиган яна бир далил эса хитой йилномаларида Ғарбий Турк хоқонлиги ҳақида гап борганда, «Чумуқун ва Ғарбий туркларнинг бошқа қабилалари» шаклидаги жумлалар учрашидир. Жумладан, Шарқий турк хоқони Бўгу-чўр Қапған (691–716) ўз ўғли *Почу* (Бекей)ни «кичик хоқон» тайинлаб, уни «Чумуқун ва бошқа Ўн Ўқларнинг 40 000 дан ортиқ суворийлари тенасига бошлиқ қўлгани» ҳақида маълумотлар учрайди<sup>601</sup>.

Бундан ташқари, қанот ичидаги қабилалар орасидаги даража фарқи бўлганини кўрсатадиган бошқа яна бир далил шуки, ҳар қайси қабила бошида чўр ёки эркин унвонли бошқарувчи туриши баробарида улардан ҳар бири *кул*, *низук*, *тун*, *чўпон* сингари эпитетларга эга бўлганликларидир. Хоқонлик бошқарувида *кул*, *низук*, *тун* эпитети билан бирга келадиган унвонлар юқори даражали бўлиши билан биргаликда, мазкур эпитетларнинг ўзаро даража фарқи ҳам ҳам бор эди. Юқоридаги келтирилган тартибга кўра, ҳар иккала қанотга мансуб қабилалар орасида бошқарувчилари *кул-чўр*, *кул-эркин* унвонларига эга қабилалар биринчи ёки иккинчи ўринда, *чўпон-чўр*, *чўпон-эркин* унвонлilar эса энг қуйида жой олганлиги кўзга ташланади. Бу эса қадимги туркларда юқори мансаб номларидан ҳисобланган *кулчўр*, *кул-эркин* каби эпитетли унвонларнинг мавқеи қанот тизимида ҳам ўз ифодасини топганидан дарак беради. Шу билан биргаликда, ушбу тартиб хоқонликнинг унвонлар тизимида *кул*, *низук*, *тун* эпитетларидан қай бири юқорироқ мавқеда бўлганини аниқлашга ҳам ёрдам беради.

Шунингдек, тадқиқотчиларнинг «хоқонликда маҳаллий қабила гурухларининг мажмуи Шарқий ва Ғарбий қанотларга, яъни Тўлас ва Тардушга бўлинган» мазмундаги фикри ҳам батафсилроқ изоҳ талаб қилади. Чунки мазкур жумлалардан келиб чиқилса, унинг бутун ҳудудида яшовчи қабилалар мазкур қанотлардан бирига биритирилган бўлиб чиқади. Аслида, хоқонликнинг фақат Шарқий

<sup>601</sup> Togan İ., Kara G., Baysal C. Çin kaynaklarında Türkler... – S. 255.

қисми, яъни Шарқий Турк хоқонлиги *Tұлас* ва *Тардуди* қаби қанот бошқарувларидан иборат бўлиб, ушбу тузилма унинг бутун ҳудудидаги қабилаларни эмас, факат Ўтукан ва унинг яқин атрофидаги қабилаларни, яъни Шарқий хоқонликнинг «давлат улуси» таркибидаги аҳолини қамраб олган эди. Бу, ҳар иккала қанот аҳолисига нисбатан битиктошларда «*Тұлас (ва) Тардуди будун (халқи)ни (қанот сифатида) ўша пайтда тузган*» ёки «*Тардуди будунни тартибга солиб ўтирибди*» иборалари<sup>602</sup> акс этганида ҳам ўз тасдиғини топади. Марказдан анча узокдаги қитаний, моҳэ, қуриқан, қирғиз, аз ва ҳоказо қабилалар мазкур қанотлар таркибига кирмасди. Ғарбий Турк хоқонлигининг *Нушиби* ва *Дулу* қаби қанотларга бўлиниши ҳам ҳудди шунга ўхшаш бўлиб, қадимги анъаналар билан боғлиқидир<sup>603</sup> (қаранг: илова X). Яъни унинг «давлат улуси» – бу «Ўн Ўқ» деб номланувчи ҳарбий-маъмурий бошқарувдан иборат бўлган.

Юқорида бир неча бор келтириб ўтилганидек, Ғарбий Турк хоқонлигидаги мазкур иккала қанотнинг ҳар бири 5 нафардан қабилани ўз ичига олиб, ўзининг муайян ҳудудига эга бу қабилалар чўр ёки эркин унвонли амалдорлар томонидан бошқарилган бўлсада, ўз навбатида ҳар иккала қанот тепасида бошқарувчи хонадонга мансуб *шад* унвонли шаҳзодалар турарди. Яъни таркибига 5 тадан қабилани бириттирган *Нушиби* ва *Дулу* қабилалар иттифоқининг бошига 1 нафардан *шад* тайинланган эди. Шу тариқа иккала қанот 2 нафар шаҳзода – *шад* орқали бевосита *ябгу / ябгу-хоқон / хоқон* бошчилик қиласидаган марказий аппарат – *ичракига* бўйсунарди. Шу билан биргаликда, бир муддат ушбу қабилалар иттифоқи таркибидаги ҳар бир қабилага 1 нафардан *шад* тайинлангани ва шу сабабли улар «Ўн шад» ёки «Ўн Ўқ / қабила» деб аталгани ҳақида маълумот<sup>604</sup> эса мазкур қанотлардан ҳар бирини бирор шаҳзодага бириттиришга уриниш бўлганидан дарак беради. Шунингдек, «Син Таншу» йилномасида 660- йилларда ҳар иккала қанот бошқарувчиси *ябгу* унвонига эга бўлгани ҳақида маълумот учрайди<sup>605</sup>. Фикримизча, бу ҳолат айнан шу йилларда Ғарбий хоқонликнинг сиёсий бирлигига путур ет-

<sup>602</sup> Tekin T. Orhon Yazıtları... – S. 43; Tekin T. Orhon Türkçesi Grameri... – S. 225.

<sup>603</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 286; Chavannes E. Çin yillardarına göre... – S. 89.

<sup>604</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 286.

<sup>605</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 293–294.

ган ва хитойликлар ҳар бир қанотнинг бошига бирор ҳоқонлик ваки-ли тайинлаб, ҳоқонликни ўз кўл остида тутишга ҳаракат қилгани билан алоқадор бўлса керак. Хитой манбаларидан маълум бўлишича, Тан сулоласи «Ўн Ўқ бошқаруви» тартибини бузмасдан беш *Нушиби*-би қабиласининг бошига Хитойга тобе Ашина Бужчен (657–667) ни ҳоқон сифатида тайинлаб, қароргоҳи Суябда бўлган *Менг-чи* (Бичуринда *Хаочжи*) гарнизонини, беш *Дулу* қабиласининг бошига эса Истами ҳоқон (хит. *Шидянми кехан*)нинг бешинчи бугин авлоди бўлмиш Ашина Мише (657–662)ни ҳоқон сифатида тайинлаб, қароргоҳи Таласда бўлган *Гунълин* гарнизонини ташкил қилади<sup>606</sup>.

Демак, «давлат улуси» қабила-урӯчиликка асосланган ўз ички маъмурий бўлинишига эга бўлиб, у ўз навбатида қанот бошқарувига, қанот бошқаруви эса ҳоқонликнинг марказий бошқарувига бўйсунар эди. Шу тариқа эркин ёки чўрлар *шадга*, *шад* эса *ябгу* ёки ҳоқонга бўйсунган ҳолда «давлат улуси» бошқарилган.

Турк ҳоқонлигининг ҳар иккала қисми – Шарқий ва Ғарбий қанотлар (Шарқий Турк ҳоқонлиги ва Ғарбий Турк ҳоқонлиги) ўз таркибиға кўра, марказ ва ички икки қанот – «давлат улуси» ва вассал худудлардан ташкил топган бўлиб, биринчиси марказий, иккинчиси эса таркибий ҳудуд моҳиятида эди. Фақат Шарқий ҳоқонликда бундай вассал бошқарувлар асосан ўз хукмдорига эга кўчманчи қабилалар (уйғур, қыргиз, қитани, байирқу ва ҳ.к.)дан иборат бўлса, Ғарбий ҳоқонлик ундан фарқли ҳолда, ҳам вассал қабилалар (*қарлуқ*, *чигил*, *се-янто* ва ҳ.к.), ҳам воҳа хукмдорликлари (Турфон, Кучा, Чоч, Фарғона, Суғд ва ҳ.к.)ни ўз ичига оларди.

Қисқаси, Турк ҳоқонлигининг мазкур иккала асосий қисми (бош қанотлари)нинг «давлат улуслари» ҳудудий жиҳатдан бошқарув марказлари Ўтукан ва Суяб атрофидаги қабилаларни ўз ичига оларди. Мазкур қанотлар ҳам ўз ичида иккитадан қанотга бўлиниб, улар қанотлари орқали вассаллар билан ҳамҳудуд эдилар. Жумладан, пойтахти Суяб бўлган Ғарбий Турк ҳоқонлигининг «давлат улуси» шимол ва шимоли-шарқдан *кимак*, *қарлуқ*, шарқда *теле* (\*Тегрег), *се-янто*<sup>607</sup> қабилалари билан, жануби-шарқда Турфон,

<sup>606</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 292–293; Taşgil A. Gök-Türkler. II... – S. 97; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre ... – S. 111, n. 1.

<sup>607</sup> *Се-янто* – кўпчилик тадқиқотчилар хитой йилномаларидағи атамасини қадимги турк битиктошлари ва хўтган-сак (?) хужжатларида алоҳида-алоҳида учрайдиган *cirp* 222

Кумул, жанубда Қораشاҳр, Куча, Кошғар, жануби-гарбда Фаргона, Чоч, гарбда эса Сирдарё ўрта ҳавзасидаги Тарбанд (Фороб/Ўтрор) ҳукмдорларлари билан ҳамхудуд бўлса<sup>608</sup>, маркази Ўтукан бўлмиш Шарқий Турк хоқонлиги *Тўлас ва Тардус* деб аталадиган шарқий ва ғарбий қанотлардан иборат «давлат улуси» орқали шимол ва шимоли-гарбда Жанубий Сибирдаги қыргиз, чик, аз қабилалари, шимоли-шарқда уйғур, байирқу, тўнгра, ўғуз, татар қабилалари, жануби-гарбда эса туйухун қабиласи ҳамда Жанубий Олтой атрофларида Ғарбий хоқонлик билан ҳамхудуд эди. Шарқий хоқонликнинг «давлат улуси» жанубдан Гоби чўли ва Ордос орқали бевосита Хитой билан чегарадош эди.

#### **4.1.2.3. Қанотлар тизимининг генезиси.**

Юқорида келтирилган маълумотлардан хитойлик муаллифлар «Ўн Ўқ / Ўн аймок» атамасининг келиб чиқишига изоҳ беришга ҳаракат қилишгани кўриниб турибди. Ушбу маълумотлар маълум маънода бир-бирини тўлдирса-да, мазкур тузилманинг айнан нимага асосланганини тушунтириб бера олмайди.

Агар қадимги туркийларга хос анъана – «ўнлик тизими» замирида «Ўн Ўқ» атамаси пайдо бўлган ёки Еттисувда 10 та туркий қабила яшаганлиги туфайли, яъни уларнинг миқдоридан келиб чиқиб ушбу атама шаклланган деб ҳисобланадиган бўлса, унда туркий этнослар яшайдиган ҳар қандай худудлардан бирида «Ўн Ўқ» маъмурий тузилмаси ташкил топиши мумкин эди-ку? мазмунидаги савол туғилади.

Бизнингча, мазкур масалани ечишда хоқонликдан олдин мавжуд бўлган анъаналарга мурожаат қилиш тўғри бўлади. Маълумки, Ғарбий Турк хоқонлигининг таянч худуди – маркази бўлган Еттисув милоднинг илк асрларидан бери Усун қабилалар иттифоқининг макони сифатида хитой йилномаларида эътироф этилади<sup>609</sup>. Бу масалани ҳал қилишда ўз вактида усун ва ашина туркларининг келиб

---

ва *тардус* қабила номлари асосида сир-тардущ шаклида тиклашган (Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş... – S. 117). Бирок бу фикр Хауссиг томонидан танкид қилинган бўлиб, унинг фикрича, *се-янто* этненимини юонон манбаларида Хитойга яқин ўлка сифатида тилга олинган *Серинда* билан тенглаштириш мантиклироқдир (*қаранг*). Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş... – S. 117).

<sup>608</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 279, 289, 339, 347.

<sup>609</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 279; II. – С. 155–156.

чиқиши бир эканлиги масаласига тўхталган Ю. А. Зуевнинг фикрлари диққатга сазовор. Унга кўра, «Ўн Ўқ» тузилмасининг замрида усунларга хос анъана ётади<sup>610</sup>. Чунончи, «Шижи», «Ханшу» каби қадимий хитой йилномаларида усунлар қўшини бир неча ўн минглик қўшиндан ташкил топгани қайд этилиши билан биргаликда, ҳар доим усун жангчилари ҳакида гап борганда «усунларнинг 10 000 отлик қўшини» ибораси учрайди<sup>611</sup>. Бундан ташқари, усунларнинг биринчи ҳукмдори Гумоннинг **10 нафар ўғли** бўлганига доир маълумот эса ушбу анъананинг усун қабиласига алокадор эканлиги ҳақидаги фикрларни яна бир бор тасдиклади<sup>612</sup>. Айтиш мумкинки, усунларнинг кейинчалик асосий таянч худуд сифатида Еттисувга келиб жойлашувлари натижасида ушбу анъана - ўнлик тизим мазкур худудда ёйлади. Шу тариқа усунлар худудида шаклланган Ғарбий Турк хоқонлиги ҳам мавжуд анъаналарни давом эттириб, «ўнлик маъмурий тизими»ни мерос қилиб олган ва «Ўн Ўқ» атамаси пайдо бўлган деб тахмин қилиш ҳам мумкин.

Шу сабабли бўлса керак, хитой йилномаларида Ғарбий Турк хоқонлигининг марказий худудлари ҳакида гап кетганда, «эски Усун ерлари» ибораси ишлатилади. Лекин «Ўн Ўқ» маъмурий тузилмасининг шаклланишида хоқонликка хос анъаналар иштироқи бўлганини ҳам рад этиб бўлмайди. Айниқса, «Ўн Ўқлар» таркибидаги ўн нафар кўчманчи туркий қабиланинг тепасида бирор *шад* тайинланиши ёки «Ўн Ўқ» тузилмасининг ҳар бири алоҳида тайинланган чўр унвонли бошқарувчига эга 5 *Дулу* ва эрқин унвонига эга 5 *Нушиби* тармоғига бўлинниши ҳам Ғарбий турк хоқонлари фаолияти билан боғлиқлиги шубҳасиз. Афтидан, хоқонлик бошқарувни қулайлаштириш ва кўчманчи қабилалар устидан назоратни қўлда тутиш учун ҳам мавжуд маҳаллий анъаналар билан ўз бошқарув анъаналарини ўзаро уйғуллаштирган кўринади.

Шу билан биргаликда, бир қатор тадқиқотчилар Марказий Осиё минтақасида мавжуд бўлган қадимги кўчманчи давлатларнинг деярли барчасида ўнлик тизими мавжуд бўлгани фикрини олға сурадилар. Ҳусусан, ўнлик тизимнинг ilk кўринишлари хунлар давриданоқ

<sup>610</sup> Зуев Ю. А. Ранние тюрки... – С. 25.

<sup>611</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 156–157.

<sup>612</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 156; Зуев Ю. А. Ранние тюрки... – С. 32.

маълум бўлган деб ҳисобловчи тадқиқотчилардан бири В. Самолинга кўра, Турк хоқонлигига хос *On Oq* (ўн қабила) усули Хун давлат тузумида мавжуд бўлган «Ўн шоҳ» (ўн дона мугуз) тизимини эслатади<sup>613</sup>.

Маълумки, Ғарбий Турк хоқонлигига қўшин «ўнлик тизим»дан ташкил топган эди. Бунинг мисолини қадимги турк битиктошлари, хитой йилномалари ва араб манбаларида келтирилган маълумотлардан топиш мумкин. Жумладан, битиктошларда учрайдиган «Ўн Ўқ» атамасининг ўзиёқ ҳар бири 10 мингдан жангчи етиштириб берувчи 10 та турк қабиласи маъносида бўлган. Хитой йилномаларида Истами (хит. *Шидянми*) хоқоннинг «ўн нафар катта қабиланинг бошликлари жами 100 минг жангчи билан ғарбий ўлкалардаги *Xу* (суғдийлар) мамлакатларини қўл остига олиш учун юборилган»лиги, унинг бешинчи буғин авлоди Ашина Хэлу (\*Улуғ (651–657)) «Ўн қабилани бирлаштириб, уларни бошқарарди. Жами юз минг тажрибали жангчилари бор эди» тарзида тилга олиниши<sup>614</sup> ҳам Ғарбий хоқонлик қўшини «ўнлик тизим»дан ташкил топганини тасдиклайди. Араб тилидаги манбаларда ҳам шунга ўхшаш маълумот учрайди. Жумладан, З. Штарк ибн ал-Фақиҳнинг «Ахбор ал-булдон» (Х аср) асарида халифа Ҳишам ибн Абдулмалик (724–743) «турклар ҳукмдори»га элчи юборганда хоқоннинг ҳузурида 10 нафар қўлида байроқ кўтарган отлиқ ҳозир бўлгани ва уларнинг ҳар бири 10 минг жангчини ўз байроғи остида тўплаганига доир келтирилган маълумотга эътибор қаратади<sup>615</sup>.

Демак, бир-биридан фарқли тиллардаги манбаларда деярли бир хил маълумот учраши Ғарбий Турк хоқонлигига қўшин «ўнлик тизим»дан ташкил топганини кўрсатади. Яъни Ғарбий хоқонлик ҳар бири 10 минг нафардан жангчи етиштириб берадиган 10 та қабила билан боғлиқ равишда «Ўн Ўқ» - «Ўн қабила» деб юритилган.

<sup>613</sup> Samolin W. Hsingnu, Hun, Turk // CAJ. – Wiesabedn, 1956. – Vol. III, No. 2. – P. 146.

<sup>614</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 291; Taşgil A. Gök-Türkler. II... – S. 96; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... – S. 122, n. 1.

<sup>615</sup> Асадов Ф. Длинные стены: забытая граница с кочевниками-турками Центральной Азии в VII–X // Цивилизации и культуры Центральной Азии в единстве и многообразии. Материалы Международной конференции Самарканд 7–8 сентября 2009 г. – Самарканд–Ташкент, 2010. – С. 38–38.

#### **4. 1. 3. Хоқонликнинг маъмурий аппарати**

Хоқонликнинг маъмурий бирликлари турли-туман унвонларга эга амалдор воситасида бошқарилган. Аввало бу масалага доир тадқиқотчилар томонидан билдирилган баъзи дикқатга сазовор фикрларга тўхталиб ўтсак. Хусусан америкалик тадқиқотчи Т. Барфилдга кўра, Турк хоқонлиги империя конфедерациялари тартиби бўйича тузилган эди. Яъни Хун империясида бўлгани каби хоқонликнинг уч асосий бошқарув даражаси - шакли (характери) мавжуд бўлган: **1)** империявий ҳокимият ва сарой амалдорлари, **2)** бутун империя худудидаги қабилаларни бошқарадиган хоқонлик амалдорлари, **3)** маҳаллий ўз-ўзини бошқариш масалаларига масъул меросий қабила бошлиқлари.

Тадқиқотчининг фикрича, империяда энг юқори унвон хоқон эди, бирок Хунлардаги *шанюйдан* фарқли ҳолда, ушбу унвонга бир шахс эмас, бир неча шахслар эга бўлишган. Бош хоқон баъзан империянинг таркибий қисмларини бошқариш учун «кичик хоқон»ларни тайинлар эди. Хоқоннинг расмий таҳт вориси *ябгу* унвонига эга эди. Афтидан, Турк хоқонлигининг пайдо бўлгунга қадар *ябгу* энг юқори унвон бўлган, чунки Жуан-жуан империяси таркибида бўлган пайтлардаёқ, турклар ўз йўлбошчиси бўлган «улуг ябгу» бошчилигига кучая бошлаган эди. Хоқонликдаги империявий ноиблар *шад* унвонига эга эди. Улар *ябгу* билан биргалиқда империя таркибидаги қабилаларни бошқарар эди. Ушбу унвонлар эгалари *тегин* (шаҳзода) аталиб, улар хоқоннинг ўғиллари, aka-укалари, амакилари ва жиянлари бўлишган. Уларнинг барчаси Ашина хонадонининг аъзолари эди. Империя таркибидаги қабилаларнинг *бек* деб аталадиган ўз бошқарувчилари бўлган. Кучли қабилалар бошлиқлари *элтабар* унвонига, нисбатан кучсизлари эса *эркин* унвонига эга эдилар. Уларнинг барчаси хоқонлик ноибларидан бирига бўйсунарди. Ушбу маҳаллий қабила гурухларининг мажмуи Шарқий ва Фарбий қанотларга, яъни Тўлас ва Тардушга бўлинган. Бевосита бошқарилмаган, нисбатан узокда жойлашган қабилаларни солиқ йиғиш ва уларни тобеликда тутиш учун хоқон ишончли вакиллар – *тудун* тайинлаган<sup>616</sup>.

Т. Барфилднинг ушбу фикрлари умуман олганда тўғри. Факат

<sup>616</sup> Барфильд Т. Дж. Опасная граница... – С. 111.

унинг фикрлари, асосан, II Шарқий Турк хоқонлиги нуқтаи назаридан айтилгани боис<sup>617</sup>, бир қатор мунозарали жойлари бор. Аввалио, Турк хоқонлиги, айниқса, унинг Ғарбий қаноти - Ғарбий Турк хоқонлиги таркибида нафақат қабила уюшмалари, балки ўтрок воҳа ҳукмдорликлари ҳам жой олган бўлиб, хоқонликнинг бошқарув характеристини таърифлашда масалага унинг ҳар иккала хусусияти (кўчманчи ва ўтроклик)ни назарда тутган ҳолда ёндашиш зарур бўлади.

Агар тадқиқотчининг юқоридаги «2) бутун империя худудидаги қабилаларни бошқарадиган хоқонлик амалдорлари», «кучли қабилалар бошликлари элтабар унвонига, нисбатан кучсизлари эса эркин унвонига эга эди. Уларнинг барчаси хоқонлик ноибларидан бирига бўйсунарди» ва «турклар бевосита бошқарилмаган, нисбатан узоқда жойлашган қабилаларни назорат қилиш, солиқ йиғиш ва уларни тобеликда тутиш учун хоқон томонидан ишончли вакиллар – тудун тайинланган» каби фикрларини олиб қарайдиган бўлсак, биринчидан, «империя худудидаги қабилаларни бошқарадиган хоқонлик амалдорлари» деганда 20 дан ортиқ воҳа ҳукмдорликлари бошқаруви ҳам тушуниладими-йўқми ёки хоқонлик уларнинг бошқарувига аралашмаганми мазмунидаги савол туғилади. Ҳолбуки, «хоқонлик амалдорлари» мазкур ҳукмдорликлар бошқарувида бевосита ва билвосита қатнашган бўлиб, бу Чоч, Фаргона, Тўхористон, Кобулистон каби нисбатан йирик воҳа ҳукмдорликларида Ашина хонадони аъзолари (*ябгу, шад, тегин*), қолганларида (шунингдек, айтиб ўтилган мазкур 4 ҳукмдорликда ҳам) эса элтабар, тудун,

<sup>617</sup> Тадқиқотчиларнинг кўпчилиги «Турк хоқонлиги» деганда асосий фикрни маркази Ўтукан (Ғарбий Мўгулистан) бўлган Шарқий Турк хоқонлигига, аникрофи, унинг иккинчи палласи – II Шарқий Турк хоқонлиги (682–744) даврига эътибор қаратишади. Бунга сабаб хоқонликнинг ушбу кисми кўчманчи мухитни ўзида якқол акс эттиргани, асосий манбаларнинг, у хоҳ қадимги турк битиктошлари бўлсин, хоҳ хитой йилномалари бўлсин, кўпроқ мазкур худудга қаратилгани ва ҳоказолардир. Шунингдек, Ғарбий Турк хоқонлигига доир маълумотларнинг нисбатан тарқоқ, илмий жамоатчиликка оз таниш бўлган манбалар (асосан, суғдий ва бақтрий ҳужжатлар, нумизматик материаллар)дан иборатлиги хоқонлик тарихининг турли масалаларини тадқиқ қилиш жараённида унинг Ғарбий кисмига мурожаат қилишини бирмунча камайтирган. Бироқ модомики, «Турк хоқонлиги» атамаси ишлатилиб, тадқиқот обьекти килиб олинлар экан, унинг тарихига бир бутун сифатида қараш лозим бўлади.

*тархон, тутук, чўр, эркин* каби унвонларнинг учрашида ўз ифодасини топади<sup>618</sup>. Айниқса, *элтабар* ва *тудун* унвонларининг мазкур ҳукмдорликлардан бир қанчасига алоқадор ёзма ёдгорликлар (хитой йилномалари, сүғдий, бактрий ҳужжатлар ва танглар)да ўрин олиши хоқонлик бошқарувига хос ушбу тартибнинг нафақат қўчманчи қабилаларга, балки ўтроқларга ҳам жорий қилинганидан дарак беради (*қаранг*: илова XIII).

Хуллас, юқорида кўриб чиқилган мисоллар орқали Ғарбий Турк хоқонлиги худуди маъмурий жиҳатдан асосан қуйидагича бирликлардан иборат бўлган деб ҳисоблаш мумкин: 1) *марказ*: Талас, Чу ва Или дарёлари ҳавзалари, яъни Еттисув–Юлдуз водийси – Жунгориянинг катта бир қисмидан ташкил топган «давлат улуси». Ушбу маъмурий бирлик ўнта қабиладан иборат бўлиб, «Ўн Ўқ» деб аталарди ҳамда Дулу ва Нушиби каби икки қанотга бўлинарди. Ўз навбатида иккала қанот 5 нафардан қабилани ўз ичига оларди ва ҳар бир қабила бошида бирор бошлиқ турарди. Мазкур қанотларнинг биринчисида 5 нафар чўр ва иккинчисида эса 5 нафар эркин хоқонлар номидан бошқарув ишларини амалга оширади; 2) *марказга тобе*: ўзининг ярим мустакил бошқарув худудига эга вассал кўчманчи қабилалар. Булар Жануби–Ғарбий Олтой, Тяншаннинг шимолий қисми, Иртиш ҳавзаси, Сирдарёнинг ўрта ва куи ҳавзаси, Волга–Урол бўйи, Шимолий Кавказ ҳамда Қора денгизнинг шимолида яшаб, ўз маҳаллий бошқарувига эга турли–туман қабила ва уруғлар эди. Улар мавқеига қараб, хоқонлик томонидан элтабар ёки эркинлар воситасида назоратда тутиларди; 3) *вассал* воҳа ҳукмдорликлари. Ҳар бири ўзининг маҳаллий бошқарувчи сулолаларига эга Шарқий Туркистон, Амударё–Сирдарё оралиги ва унга туташ ҳудудлар, Афғонистон, Шимолий Хиндистон, Хурсондаги воҳа ҳукмдорликлари мустакил ўз ички бошқарувини сақлаган бўлиб, хоқонлик томонидан тобе ҳукмдорларга элтабар унвони берилиб, улар тудун унвонли вақиллар орқали назоратда тутиларди. Воҳа ҳукмдорликларининг кўпчилигига бошқарувчилар қадимий маҳаллий сулолаларга мансуб бўлса, салмоқли бир қисмида эса келиб чиқиши хоқонларга

<sup>618</sup> Согдийские документы... II. – С. 80–85, 144–146; Sims-Williams N. Bactrian Documents from... – Р. 74, 82, 88, 94, 98, 106, 110; Бабаяров Г. Древнетюркские монеты..., – С. 46–62.

тақалувчи шаҳзодалар ўз сулоласига асос солган эдилар.

#### **4. 2. Хоқонликнинг бошқарув марказлари**

Марказий Осиёда қадим ва ўрта асрларда мавжуд бўлган ҳар қайси давлат уюшмаси ўзининг бир неча бошқарув марказларига – пойтахт, ёзлик ва қишилик қароргоҳларга эга бўлган. Бу, асосан минтақанинг кўчманчи хўжалик тарзи устувор ҳалқлари томонидан барпо этилган давлат уюшмаларида яққол кўзга ташланади. Кўпроқ хитой йилномларидағи маълумотлар асосида Хун, Қанг каби кўчманчи давлатларда бир вақтда ёзлик ва қишилик қароргоҳлардан ташкил топган бошқарув марказлари мавжуд бўлгани ҳакида маълумотлар бор. Шунингдек, Марказий Осиёнинг ўтрок ҳудудларини эгаллаб, бу ерларда ўз давлатини қурган, келиб чиқиши кўчманчи этнослар билан алоқали сулолалар ҳам аждодларига хос анъянани давом эттирган ҳолда янги муҳит – ўтрок-дехқончилик тарзи ҳукмрон ҳудудларда бир вақтнинг ўзида иккита қароргоҳ; ёзлик ва қишилик қароргоҳдан бошқарув маркази сифатида фойдаланганликлари маълум. Жумладан, Кушон империяси, Эфталитлар давлати каби келиб чиқиши кўчманчи муҳитга алоқадор бўлиб, ўтрок ҳудудларда ўз тамал тошини қўйган давлатларнинг 2 тадан бошқарув маркази бўлгани манбаларда қайд этилади<sup>619</sup>.


Ўз давлатига Олтой тоғларининг жанубий этакларида асос солган ашина қабиласи вакиллари эса киска муддатда Узқ Шарқдан то Амударёгача бўлган ҳудудни бирлаштирган йирик салтанат соҳибларига айлангач, ҳудудларини Шарқий ва Ғарбий қанот каби икки қисмга тақсимлаб бошқара бошлиши натижада иккита бошқарув марказининг пайдо бўлишига олиб келади. Бир вақтнинг ўзида, ҳам Шарқий қанот бошқарувчиси, ҳам бутун хоқонликнинг олий ҳукмдори мавқеидаги Муқан хоқон (553–572) ўз ҳокимият маркази бўлмиш қароргоҳини Ордос (Шимолий Хитой)да барпо этган бир паллада, Ғарбий қанот бошқарувчиси Истами ўз ҳокимият маркази сифатида Тяньшаннинг марказий қисмида жойлашган Юлдуз водийсидағи Эк-тоғ (Оқ-тоғ)ни танлайди. Фақат мазкур қанотдаги бошқарув марказларининг турли даврларда фарқли ҳудудлар билан боғлиқ

<sup>619</sup> Konukçu E. Akhunlar // TÜRKLER, 1. – Ankara, 2002. – S. 827–830.



Илова. I. Чонса зарб этилаган Еарбий Турсун хоконанинг таңгасари

Мәсін Н. Ербей Тұрк ходондағы бебосшы 55 Баласынан шаалдук



**Илова III. Император Гао-цзун (649-683) даврида Марказий Оснёдаги Хитой волийликлари**  
(The Cambridge History of China. Vol. 3, 1993. Map 8.)



Илова IV. VII-VIII асрларга оид турли тиллардаги манбаларда “Туркистон” атамаси ва уларнинг жойлашув ўрни

№	Давлат номи	Олий хукмдор тўлиқ увонининг элементлари				
		Хокимияти Тангри / Осмон химоятида (самовий) эканлигига ишоралар		Этно-сиёсий белгилари	Фахрий эпитетлари	Хос увонлари
		Манбалардаги шакли	Лугавий маъноси			
1	Хун империяси	Тангри кути / ўғли	Тангри / Осмон томонидан тайинланган	Хун (прототурк)	Улуг	Шанъой / Ябгу (?)
2	Турк хоконлиги	Тангридек Тангрида булмиш / бўлмиш	Тангридек / Осмондек ёки Осмондан топган / тутгилган (Тайинланган)	Қадимги турк	Билга (Доно) ёки хукмрон	Хокон
3	Мўтул империяси	Мангутангри кучун-дур (кучи билан)	Мангутангри / Осмон кучи билан (Тайинланган)	Буюк Мўтул давлати	Далай (оксан)	Хон


Илова V. Марказий Осиё кўчмачи империялари олий хукмдорлари увонларининг ўзаро таккоси  
(В.В. Трапавлов (1993, с. 66) жадвали асосида)



1



2 а



2б

Илова VI. Фарбий Турк хоқонлигига алоқадор байрөк ва туғлар  
(Еттисув - 1, Афросиеб / Самарқанд - 2 а-б)




13


Илова VII. Фарбий Турк хоқонлиги тангаларидағы тасвиirlарда ўрин олган уч кирралы қалпоқ (8-12) қадимги туркларда мифологиясига хос илоха Умай рамзи бўлиб, бундай тасвиirlар Еттисувдан тошликтан балбаллар (тош ҳайкаллар), камар тақиңчоклари (1-3, 5-7), Олтойдан тошликтан харсанг тош (4) сиртида учрайди. Улар Мўтулистон тошилмалари: қадимги турк-рун ёзуви тош лавҳа (13), Билга хоқон ёдгорлигидан чиққан тоҷда ўрин олган (14), тош лавҳа сиртига чизилган ва Кул Тегин ҳайкалининг бош қисмидаги акс этган хумо қуши тасвиirlари билан яқин ўхшашликка эга.

№	Уивонлар	Эпитетлар		Уивонлар	Эпитетлар
1	айгучи	Апа	24	тудун	себег/себук
2	бек	Алп	25	тутук	соқол
3	битикчи	ануш (нишу?)	26	ўга	сир
4	буйрук	*ару	27	чабиш	тай
5	бўйла	Арслон	28	чиғши	тарду
6	идук-кут	баҳодур	29	чур	тирак/тиргак?
7	ичраки	Бага	30	Шад	*тэриш
8	инанчу	Барс	31	шадапит	тўнга
9	йарган	бангу/мангу	32	злтабар	тўғон
10	мингабоши	Билга	33	эркин	тулу (?)
11	бешнозбоши	Бўгу	34	кан (хон)	тун
12	юзбоши	Бўри	35	қаган (хокон)	турум
13	*элликбоши	Бўтра	36	катун (хотун)	шегай (?)
14	*ўнбоши	*йелби	37	кунчуй	*кари
15	сангун	Йенчу	38	Ябгу	капган
16	субоши	йўлуг	39	ялабач/элчи	кора
17	тархон	Йукуқ	40		кут/кутлуг
18	тамган	Инал	41		эл
19	тамгачи	*ирбис	42		*элиг
20	тайангү	ишибара	43		эр
21	тегин	кул/кули/кулуг	44		эв
22	тэркэн	Куч	45		улуг
23	тўманбоши	*низук (нишу?)	46		ўнг (?)


**Илова VIII. Хоконликнинг уивонлар тизимига хос мансаб ва лавозимлар хамда уивонлар ва эпитетлар**




**Илова IX. Фарбий Турк хоқонлигининг ижтимоний-сиёсий холати:** давлат шакли, маъмурӣ тузилиши, марказ, канот бошқарувчилари ва вассалларга берилган унвонлар



**Илова X. Фарбий Турк хоқонлигининг энг юксалган давридаги чегара ҳудудлари**




Илова XI. Фарбий Турк хоқонлигінін жарбий-мәмурлар түзилиши ва “үйлик” тизими




Илова XII. Фарбий Турк хоқонлиги ҳамда уннің таркибындағы вассал воҳа ҳукмдорліквари қабилаларнинг таҳминий худудлары (6-аср охирлары - 7-аср иккінчи чорагы)

Иллюстрация XIII. Бонжакувида түрк түвөн ва эпиграфтар күләннилгән Гарбий Түрк хөхчилтүү гаркибиштагы вассал тоо хүкмөрлүктөрү



Илова XIV. Фарбий Турк хоқонигининг бошкарува марказлари: Эк-төг (мик кароргоҳ), Сүбән (бөш кароргоҳ), Минг-булук (ёзмик кароргоҳ), Жабгулат (кишлик кароргоҳ)

(П. Брезельевнина "Брил Освоение первых эпох" сары ассоцие. Караган : Бород. Y. An historical atlas of Central Asia - Leiden-Boston, Brill, 2013.)



Илова XV. Афросиёб (Самарқанд) деворий расмларининг Фарбий залида Фарбий турк хоқони, туркий сарой амалдорлари ва мулозимлар тасвирлантган (М. Моде ва Э. де ла Вессиер (2006 й.) талқини)

равища учрашини ҳар ҳолда, бундай марказларнинг бошқа жойларга кўчирилгани ва қароргохлар ўзгариб тургани билан изоҳлаш мумкин. Эҳтимол, Эк-тоғнинг асосан баланд тоғлар билан ўралган тор водийда жойлашгани ва стратегик жиҳатдан нокулай жойлашганилиги тез орада Фарбий қанот бошқарув марказининг бошқа жойга кўчирилишига олиб келган.

Давлатнинг бошқарув маркази бўлган ўрда иккала қанот (яъни Шаркий ва Фарбий Турк хоқонликларининг ўз ички қанотлари) ўртасида – *иҷраки* (марказ)да ўрин олган бўлиб, у Фарбий Турк хоқонлигига Суяб (Оқ-бешим / Еттисув)<sup>620</sup>, Шаркий Турк хоқонлигига Ўтукан<sup>621</sup> (Мўғулистан)да жойлашган эди. «Ўрда»нинг қоқ ўртасида хоқоннинг «ўтоги»и ёки «сарой»и жой олган бўлиб, хоқон ушбу жойда яшарди. Саройда хоқон хузурида йигилган пайтда амалдорлар ўз мавқеига кўра жой олишарди. Хоқоннинг орқасида ва ёнида хонадон аъзолари; хоқоннинг инилари, жиянлари ва ўғиллари, иттифоқчи қабила / уруғ вакиллари, ўнгда юкори мартабадаги *шадапит* (унвонли) беклар ва сўлда *тарқат* (тархонлар) ва *буйрук* (вазир) беклари каби амалдорлар саф олишарди<sup>622</sup>. Бу ҳақда хоқон номидан битиктошларда ифодаланган қўйидаги сатрлар муайян тасаввур берга олади:

«Сўзимни тугал эшитгил! Кейиннимдаги ини, жияним, ўғил(лар)им, иттифоқ уруғим – халқим, ўнгдаги шадапит беклар, сўлдаги тархонлар, буйрук беклари»<sup>623</sup>.

Айни пайтда Фарбий Турк хоқонлигининг бир неча бошқарув марказлари – ўрдалари бўлганлиги турли тиллардаги манба маълумотлари асосида ўз тасдигини топади. Факат бир вақтнинг ўзида бир

<sup>620</sup> Кызласов Л. Р. Городская цивилизация Срединной и Северной Азии: исторические и археологические исследования. – М.: Вост. лит. 2006. – С. 342–346.

<sup>621</sup> Ўтукан – Жанубий Олтой тоғлари шарқидаги тоғлар ёки Хангай тоғларидаги водий (**Thomsen** V. Orhon ve Yenisey yazitlarının ilk çözümü. İlk Bildiri. Çözülmüş Orhun yazıtları (Türkçe terc. V. Köken). – Ankara 1993. – Б. 179).

<sup>622</sup> Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 89; Koca A. Eski Türklerde Devlet Geleneği... – S. 833; Джуманалиев Т. Д. Эволюция каганской власти... – С. 185.

<sup>623</sup> Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 89; Tekin T. Orhon yazitları..., – S. 34–35.

неча ўрдаларнинг мавжудлиги ҳокимиятдаги тарқоқлик ёки бошқа омиллар билан боғлиқ бўлмай, балки қадимги марказий осиёликларга, шу жумладан, қадимги туркларга хос анъана – ёзлик, қишилик, стратегик марказ сингари бир неча қароргоҳларнинг бўлиши билан алоқадордир.

Қуйида Ғарбий хоқонликнинг бутун фаолияти давомида унинг бошқарув марказлари ёки қароргоҳлари моҳиятида бўлган жойлар кўриб чиқилади.

#### 4. 2. 1. Пойтахт

Фарқли тиллардаги ёзма манбаларда Ғарбий Турк хоқонлигининг бошқарув марказлари турли худудлар билан боғлиқ ҳолда фарқли номларда келтирилади. Бу, асосан, марказий осиёлик кўчманчиларга хос анъана – бир вақтнинг ўзида бир неча қароргоҳлар мавжуд бўлиши билан боғлиқ бўлса-да, бироқ хоқонликнинг бутун тарихи мобайнида битта шаҳарнинг асосий бошқарув маркази – пойтахт вазифасини ўтагани кўзга ташланади. Хусусан, хитой, араб ва тибет манбаларидан Суяб шаҳри Ғарбий Турк хоқонлигининг пойтахти бўлгани аён бўлади.

##### *Суяб.*

Хитой йилномаларида Ғарбий Турк хоқонлигининг асосий бошқарув маркази - пойтахти сифатида *Сүйе* (Суяб), араб манбаларида эса *Сүйаб* шаҳри қайд этилади<sup>624</sup>. Тадқиқотчиларнинг эътироф этишича, Суяб шаҳри Ғарбий Турк хоқонлигининг бош қароргоҳи ва тижорат маркази эди. Ҳозирда ушбу шаҳар харобалари Тўқмоқ шаҳридан 8 км масофада жойлашган Оқ-Бешим (Ак-Бешим) тепалиги ўрнидадир<sup>625</sup>. Ўз вақтида Сюан Цзан Суябнинг жойлашувини қуидагича таърифлаганди:

«Тиник кўл (Иссиқ-кўл)дан шимоли-тарбга томон 500 ли (250 км)дан кўпроқ масофа юрилгач, *Сүй-е* (Суяб) дарёси бўйидаги шаҳарга борилади. Ушбу шаҳар айланасига 6–7 ли. Унда турли мамлакатлардан бўлган савдо-

<sup>624</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 286–287, 295–296; История ат-Табари... – С. 185, 243.

<sup>625</sup> Семенов Г. Л. История археологического изучения Ак-Бешима // Суяб. Ак-Бешим. – СПб., 2002. – С. 4–10; Горячева В. Д. Городская культура... – С. 41–42.

гарлар ва ху (үтроклар, сүфдий)лар аралаш яшашади. Сүй-едан ғарбга түғрийн аныкчылыкта да үнлаб бир хил шаҳарлар ўрин олган бўлиб, уларнинг хар қайси ўз бошқарувчисига эга. Гарчи улар бир-бираига қарам эмас, бироқ барчаси Түкюе (турк)ларга бўйсунишади»<sup>626</sup>.

Суяб шахри Ғарбий Турк хоқонлигининг асосий қароргоҳи сифатида бир неча бор хитой ийлномаларида қайд этилган бўлса-да, унинг ўрни яқин вақтларгача аниқ кўрсатиб берилмаган эди. Ўз вақтида В. В. Бартольд Суябни Иссиқкўлдан ғарброкда излашни таклиф қилган бўлса, кейинчалик эса уни Оқ-Бешим харобаси билан тенглаштирган эди<sup>627</sup>. Бироқ унинг ушбу таклифи бошқа тадқиқотчилар томонидан қабул қилинмасдан келди. Ўз вақтида А. Н. Бернштам Суябни Чон-Кемин водийсидаги (Қирғизистон) Новороссийск қишлоғи ёнидаги шаҳар харобаси билан тенглаштиргач<sup>628</sup>, бу фикр бошқа тадқиқотчилар орасида кенг ёйилди.

Инглиз туркологи Ж. Клосон археологик қазишлар натижаси ва нумизматик топилмаларга таянган ҳолда Оқ-Бешим шаҳар харобасини Суяб билан тенглаштиришни таклиф қилган<sup>629</sup>. Бироқ ўша пайтда совет тарихчилари ва археологлари уни қўллаб-кувватлашмасдан, А. Н. Бернштамнинг Суяб Чон-Кемин водийсида жойлашгани ҳақидаги фикрига тарафдор бўлишиди<sup>630</sup>. XX аср 80- йилларида маҳаллий аграр мутахассислар ер хайдаш ва шаҳар харобаси ички қисмини қисман шудгор қилиш давомида тасодифан археологик кашфиёт қилишиди, яъни улар қалъя деворлари атрофида жойлашган ибодатхонанинг қолдиқлари ва тепаликларни топишиди. Бу эса Ж. Клосон фаразининг тасдиқланишига олиб келди. Оқ-Бешимдан топилган будда ёдгорлик тоши парчасида хитой ёзуви мавжуд бўлиб, синолог Г. П. Супруненко томонидан тадқиқ қилингач, унда *Суе-чжень* (луг. «Суяб шаҳри») қалъя коменданти ёрдамчиси Ду Хуай деган кимсанинг фаолияти

<sup>626</sup> Камышев А. М. Раннесредневековый монетный комплекс Семиречья. История возникновения денежных отношений на территории Кыргызстана. – Бишкек, 2002. – С. 19; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre ... – S. 110–113.

<sup>627</sup> Бартольд В. В. О христианстве в Туркестане в домонгольский период // Сочинения. V. – М.: Наука, 1964. – С. 281–283.

<sup>628</sup> Бернштам А.Н. Труды Семиреченской археологической экспедиции «Поселение Чуйской долины». МИА, вып. 14. – М.-Л., 1950. – С. 12-14, 21-22.

<sup>629</sup> Clauson G. Ak-Beshim Sūyâb // AM. – Paris, 1961. – Vol. 4. – P. 126–127.

<sup>630</sup> Камышев А. М. Раннесредневековый монетный комплекс... – С. 19.

улуғлангани хусусидаги маълумот аниқлади. Хитой йилномалари-га кўра, VII асрнинг 80- йилларида худди шу исмдаги киши Суяб қалъасининг коменданти ва ноиби бўлган<sup>631</sup>.

Суяб шаҳри хоқонликнинг пойтахти бўлганини тасдиқлайдиган маълумот бошқа тиллардаги манбаларда ҳам сақланиб қолган. Хусусан, қадимги тибетча «Хукмдорликлар каталоги»да Тибетнинг кўшнилари сифатида кўрсатилган «саккизта шимолий ўлка»нинг пойтахти сифатида *Šūbalīq* номи учрайди. Мазкур жойни қадимги туркча *Чубалиқ*, яъни «Чу (дарёси қирғогидаги) шаҳар» деб тиклаш мумкин. Дарвоке, баъзи тадқиқотчilar тибет манбасидаги Шубалиқ кўрғонини Маҳмуд Кошгарийда асарида учрайдиган Балосоғун шаҳрининг ёнидаги «Шу шаҳри» билан tengлаштиришади<sup>632</sup>. Бундан чиқадики, Шубалиқни Суяб шаҳри билан tengлаштириш ва уни Суябнинг туркий номи деб талқин қилиш мумкин.

Ёзма манбаларда, асосан, хитой йилномаларида баъзан «фalon-чи хоқон қароргоҳини falon ҳудудга кўчирди» мазмунида қайдлар учраса-да, уларда Фарбий хоқонлик билан боғлиқ воқеликлар баён қилинар экан, воқеалар марказида доимо Суяб шаҳрининг туриши унинг хоқонлик учун пойтахт вазифасини ўтаганидан дарак беради.

#### 4. 2. 2. Қароргоҳ ва стратегик марказлар

Юқорида айтиб ўтилганидек, марказий осиёлик кўчманчилар анъанаси бўйича бир вақтнинг ўзида давлатнинг бир неча бошқарув марказлари қароргоҳлари бўлиб, улар ҳар хил вазифаларни бажаарар эди. Хусусан, Фарбий Турк хоқонлигига асосий бошқарув маркази – пойтахтдан ташқари яна ёзлик ва қишилик қароргоҳлар бўлгани, хукмдорлар йилнинг муайян вақтларида ушбу марказларда туриб давлат бошқарувини олиб борганликлари маълум. Жумладан, хитой роҳиби Сюан Цзанроҳиби Сюан Цзан (629–645) Тароз яқинида *Бин-йу* (қад. турк. *Бинг-йул* – «Минг-булоқ») деб аталувчи, мингга яқин катта-кичик булоқлар ва мўл ўтлоқларга эга тоб борлиги, бу ерда ов қилиш ёки ёввойи ҳайвонларни ўлдириш хоқон томонидан

<sup>631</sup> Лубо-Лусниченко Е. И. Сведения китайских письменных... – С. 123.

<sup>632</sup> Uray G. The Old Tibetan sources... – P. 300.

манъ қилинганини ёзид, уни Ябгу-хоқоннинг ёз ойларида иссиқдан сақланадиган махсус жойи ўлароқ таърифлаган эдики<sup>633</sup>, ушбу маълумот мазмунидан бу ер хоқонлар учун ёзлик қароргоҳ вазифасини бажаргани пайқалади.

Манбаларда хоқонликнинг шу ва шунга ўхшаш бир неча қароргоҳлари қайд этилган бўлиб, уларни қуидагича келтириш мумкин:

### **Эк-төг.**

Земарх бошчилигидаги Византия элчилик ҳайъати 568 йилда *'Ektáy* (Эк-тағ)да Сизабул (Истами) ябгунинг хузурида бўладилар<sup>634</sup>. Яна бир Византия элчиси Валентин 576 или худди шу жойда Истамининг ўғли ва вориси бўлмиш Тарду (576–603) билан кўришади. Ушбу элчиликлар тафсилотини ёзган Византия тарихчиси Менандр Эк-тағ (Эк-тоғ) сўзини «Олтин-тоғ» шаклида таржима қиласди<sup>635</sup>. Асарини 630 йилда ёзган византиялик бошка бир тарихчи Феофилакт Симокатта ўз асарида турк хоқонининг қароргоҳи жойлашган «Олтин-тоғ» ҳакида қуидагича маълумот келтиради: «Туркларда шундай қонун борки, унга кўра, энг қудратли хоқон олтин төг устида жой олади. Бу төг ўзининг унумдорлиги, сермева ва подага бойлиги билан ажралиб туради. Соғлик учун фойдали ва бу ерда зилзила жуда кам содир бўлади»<sup>636</sup>.

Мазкур жойнинг айнан қаерда жойлашгани ҳақида тадқиқотчилар турлича фикр билдиришган. Жумладан, Э. Шаваниннинг фикрича, *'Ektáy* хитой йилномаларидан «Суй шу»да *A-кие* шаклида, «Тан шу»да эса «Бэй-шан (луг. «Оқ-төг») деб аталаидиган Акие-тиен тоги» жумлалари мисолида учраб, Шарқий Туркистондаги Кучा шаҳридан шимолда жойлашган «Оқ тоғ»ларга тўғри келади<sup>637</sup>. Тадқиқотчига кўра, *Акие* ва *Акие-тиен* сўzlари асли *Ak-тағ* (Оқтоғ) бўлган туркий топонимнинг хитой иероглифларида берилишидир.

<sup>633</sup> Зуев Ю. А. Ранние тюрки... – С. 269; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi’не göre ... – S. 115, n. 1.

<sup>634</sup> Пигулевская Н. В. Сирийские источники... – С. 75.

<sup>635</sup> Moravcsik G. Byzantinoturcica..., – Р. 122; Шювен П. О Византийских посольствах ... – С. 35.

<sup>636</sup> Шювен П. О Византийских посольствах... – С. 36.

<sup>637</sup> Chavannes E. Documents sur les... – Р. 235–237; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – S. 300–301.

Шу ўринда, Тунюкуқ битиктошида Элтариш хоқон томонидан 689 йилда тургашларга қарши амалга оширилган сафар асносида тилга олинган «Эк-тағ»ни эслаш кифоя<sup>638</sup>.

Э. Шаванн ўз фикрининг тасдиги сифатида Текес<sup>639</sup> дарёсининг шимолий томонида жойлашган тоғ номи ҳозиргача маҳаллий аҳоли тилида *Алтан тав* (Олтин тоғ) деб аталишини келтириб ўтади<sup>640</sup>. Шу ўринда Тяншан тоғлари жанубий тизмаларининг Куча хукмдорлигига яқин қисмлари қадимги маҳаллий аҳоли (тўхорлар) томонидан «Оқ тоғлар» деб юритилгани ва ушбу хукмдорлик номининг хитой манбаларида *Цюйцзы* (Кюйцзи) деб номлангани дикқатга сазовордир. Тадқиқотчиларнинг фикрича, маҳаллий тўхор халки тилидаги «оқ» маъносидаги *kutsi* сўзи ҳам мазкур тоғ номи билан алоқадордир<sup>641</sup>.

Қисқаси, Эк-тоғнинг жойлашуви бўйича дастлаб Э. Шаванн томонидан билдирилган фикрлар аксарият тадқиқотчилар томонидан қабул қилинган. Шунга қарамай бу масалада фарқли қарашлар давом этиб келаётир. Масалан, П. Шювенга кўра, Эк-тоғни «олтин» сўзи билан боғлаш рамзий маъно касб этган, аслида у анча ғарбда жойлашган Талас атрофларида жой бўлиши керак<sup>642</sup>. Тадқиқотчининг фикрича, Эк-тоғ – Олтин-тоғ шаклида «олтин» сўзига алоқадор ном билан аталиши рамзий ва империал аҳамиятга эга бўлиб, буни Чингизийларда «Олтин Ўрда» мисолида учратиш мумкин. Анъана бўйича «Олтин ўрда» доимо меросий ўлароқ, бошқарувчи хонадон аъзоларидан биридан иккинчисига ўтувчи катта тармоқ (урӯғ) қароргоҳи эди. Шунга ўхшаш Ғарбий хоқонликнинг бош қароргоҳи қаерда жойлашмасин «Олтин тоғ» деб аталган бўлиши мумкин.

Эк-тоғ атамасининг юон манбаларида «маъноси «Олтин тоғ»дир» шаклида талқин қилинганидан келиб чиқиб, баъзи тадқиқотчилар Ғарбий хоқонлик марказини битиктошлардаги *Алтун-йыши* – Олтой

<sup>638</sup> Tekin T. Orhon Yazitları... – S. 101.

<sup>639</sup> Текес дарёси – Юлдуз водийси (ХХР таркибида Шинжонг Уйғур автоном райони (Шарқий Туркистон)даги Тяншан (Тангритоғ)нинг шимолида жойлашган (*Қаранг*: Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида... – Б. 128).

<sup>640</sup> Chavannes E. Çin yilliklarına göre... – S. 301.

<sup>641</sup> Крюков М. В. Восточный Туркестан в III в. до н. э. – VI в. н. э. // Восточный Туркестан в древности и раннем средневековье. Очерки истории. Под. ред. С. Л. Тихвинского, – Б. А. Литвинского. – М., 1988. – С. 281.

<sup>642</sup> Шювен П. О Византийских посольствах... – С. 35–36.

тоғларида жойлашган, деб ҳисоблайдилар<sup>643</sup>.

Япон тадқиқотчиси Н. Мидори фикрича, Истамининг пойтахти Юлдуз водийсида жойлашган Кичик Юлдуз дарёси яқинида жойлашган бўлиб, бу ерда ҳозирги номи Эшекбашы-ола деб аталувчи баланд төф бор. Бу ердан Куча 160 км масофада жануби-гарбда жойлашган<sup>644</sup>. Яна бир япон туркологи Т. Осавага кўра, айнан шу төф Эк-төф бўлиши мумкин. Боиси қадимги турк қабилалари томонидан мазкур төф муқаддас деб билинган. Тадқиқотчи ўз фикрининг тасдиғи сифатида Византия элчилари ташриф буюрган йилларда Истами Тяншан тоғларининг шимолидаги Или дарёси ҳавзаларида истиқомат қилувчи *Теле* қабилалари иттифоқини бўйсундириш учун фаолият юритганига доир маълумотларни келтиради. Элчилар Истамини фақат шу йўналишга яқин манзилда учратганлигини таъкидлаган Т. Осава Эк-төгни Олтой тоғлари билан тенглаштириш асоссиздеб ҳисоблайди. Унга кўра, бу ер «Оқ төф» бўлиб, Куча шаҳридан шимолдаги, хитой йилномаларида *Аку-да* шаклида учрайдиган тоққа тўғри келади. Шу боис, Фарбий хоқонликнинг илк қароргоҳини Олтой тоғларида эмас, Тяншан тоғларидаги Юлдуз водийсида бўлгандеб ҳисоблаш керак<sup>645</sup>.

Хуллас, бугунги кунда аксарият тадқиқотчилар Эк-төф Фарбий хоқонликнинг илк қароргоҳи бўлгани ҳамда унинг Марказий Тяншаннинг Текес ва Кунгес дарёлари ҳавзасидаги Юлдуз водийсида жойлашган манзил экани борасида ҳамфирдирлар.

### ***Беш-балиқ.***

Қадимги турк битиктошларида Беш-балиқ (луг. «Беш шаҳар») шаклида тилга олинган ва стратегик жиҳатдан мухим мавзе-да жойлашган<sup>646</sup> ушбу жой Фарбий Турк хоқонлигининг илк

<sup>643</sup> Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 76.

<sup>644</sup> Osawa T. The cult-religious relation... – Р. 53.

<sup>645</sup> Osawa T. The cult-religious relation... – Р. 53.

<sup>646</sup> Беш-балиқ, ҳам Шаркий Туркистондаги хоқонликка вассал воҳа хукмдорликлар (Турфон, Кумул)га, ҳам Хитойга яқин жойлашган шаҳар бўлиб, бу ерда турли этнослар: тўхорлар, турклар, суғдийлар ва хитойлар яшашган. Бу унинг номи хитойча *Бейтин* (луг. «Беш шаҳар»), суғдийча *Панчкат* (луг. «Беш шаҳар») шаклларида учрашида ҳам ўз ифодасини топган (Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 128; Лурье П. Б. Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии. Дисс. кандидата филологических наук. – СПб., 2004. – С. 93).

қароргохларидан бири бўлган деб хисобланади. Хусусан, Т. Осавага кўра, 583–587 йилларда ҳукмронлик қилган Апа хоқон (Далобян / Тўраман) ўз бошқарув маркази сифатида Юлдуз водийси (ҳар ҳолда Эк-тоғ. – F. B.)ни танлагач, бири шимолда, бири эса жанубда жойлашган иккита «кичик хоқонлик» таъсис қиласди. Шимолдаги «кичик хоқонлик»нинг қароргохи Беш-балиқ (Жимсар / Турфон)да, жанубдаги қароргоҳ эса Минг-булоқ (Мерке / Еттисув)да жойлашади<sup>647</sup>. Унинг невараси Чўра хоқон (603–610) ҳам худди шунга ўхшаш «кичик хоқонлик»лар ташкил қилиб, уларнинг қароргохларини ушбу мавзеларда қуради<sup>648</sup>.

Мазкур ҳар иккала ҳукмдордан аввал ҳам Беш-балиқ Ғарбий хоқонликнинг бошқарув марказларидан бири бўлганини тасдиқловчи далиллар мавжуд. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, 563 йилда Турк хоқонлигининг бош ҳукмдори Муқан хоқон (553–572) марказий бошқарувни Ўтукан (Мўғулистан)га кўчириб, пойтахтни ўша ерда қургач, айни йилда Ғарбий қанотдан масъул Истами ябғу Юлдуз водийсини қароргоҳ сифатида танлайди<sup>649</sup>. Бунгача ўтган 10 йилдан ортиқ вақт мобайнида Турк хоқонлигининг бошқарув маркази ягона бўлиб, баъзи тадқиқотчилар фикрича, у Беш-балиқ атрофида, баъзиларга кўра эса Олтой тоғларининг жануби-шарқидаги даштиклида жойлашган эди<sup>650</sup>. Биринчи фикр тарафдорлари Жуанжуан хоқонлиги кўл остида ўз хўжайнларига тоғли жойда темир қазиб бериш билан шуғулланган ашина қабиласи яшаган худуднинг Турфон воҳасининг шимолидаги тоғларга тўғри келишини таъкидлашадики, бу ер Беш-балиққа яқин бир жой эди. Дарвоке, С. Г. Кляшторный хитой манбаларида ашина қабиласи аждодларининг дастлаб Ғарбий денгиз атрофида истиқомат қилиб, кейинчалик шарққа силжигани ва Гаочан (Турфон)нинг шимоли-гарбидаги тоғлар орасидаги водийда, аниқроғи, форда яшай бошлашгани ҳақидаги ривоят асосида ашина туркларининг хоқонликка асос солиш арафасидаги макони Турфон воҳасига тўғри келишини олға суради<sup>651</sup>. Бир қатор япон та-

<sup>647</sup> Osawa T. The cult-religious relation... – P. 54.

<sup>648</sup> Osawa T. The cult-religious relation... – P. 54.

<sup>649</sup> Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre ... – S. 2.

<sup>650</sup> Osawa T. The cult-religious relation... – P. 48.

<sup>651</sup> Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности... – С. 390–395; Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Пратюркский язык-

рихчилари, хусусан, Т. Осава хоқонликнинг илк таянч ҳудуди Тяньшан тоғларининг шарқидаги Богдо-ола (*хит.* Богдошан) тизмалари этаклари бўлганини илгари суради<sup>652</sup>. Тадқиқотчига кўра, хоқонлик асосчиси Бумин (Туман) 552 йилда Жуан-жуан хукмдори Анагуай хоқонга Хами (Кумул)нинг шимолидаги Баркўл атрофида зарба бергач, ўз қароргохини Беш-балиқ (Жимсар)дан Баркўл атрофига кўчириб келтирган бўлиши мумкин<sup>653</sup>. Баркўл Тяньшан тоғининг шимолида жойлашган бўлиб, Турфондан тахминан 350–400 км масофада эди.

Демак, Беш-балиқ нафақат Фарбий Турк хоқонлигининг, балки умумхоқонликнинг илк қароргоҳларидан бири бўлгани маълум бўлади. Кейинчалиқ, хоқонлик ўз қароргоҳларини янада фарброқقا – Минг-булоқ ва Жабғуқат (Чоч)га кўчирган пайтларда ҳам бу жой ўз мавқенини сақлаб қолади. Хусусан, Шегуй хоқон хукмронлигининг илк йиллариданоқ қароргоҳ сифатида ушбу шаҳарни танлагани<sup>654</sup>, Тун ябғу-хоқон даврида эса бу ерда буддавий ибодатхона қурилиб, *Кехан футу чен* («Хоқон-ступа шахри») деб номлангани Сюан Цзан қайдларида учрайди<sup>655</sup>.

Факат Фарбий Турк хоқонлигида бошбошдоқликлар юз берган 640- йилларда Беш-балиқ Тан империясининг Фарбий ўлкалардаги протекторатларидан бири – Тин-чжоу округининг марказига айланади ва хоқонлик Хитойга қарам бўлган 657 йилдан то 740 йилгача Хитой қўшинларининг гарнizonи вазифасини бажаради<sup>656</sup>.

II Шарқий Турк хоқонлиги даврида ҳам Беш-балиқ ўз аҳамиятини йўқотмаган эди. 716 йилда Бўгу-чўр Капган хоқон (691–716) ўғли Инал бошчилигига қўшин юбориб, хитойликлар кўлида бўлган Беш-балиқ шаҳрини эгаллашга ҳаракат қиласди<sup>657</sup>. Бу пайтда маркази Беш-балиқ шаҳри бўлган Тин-юан (Тин-чжоу) округи волийлигига хитой императори томонидан Фарбий туркларнинг «қўғирчоқ хоқони»

---

основа. Картина мира пратюрского этноса по данным языка. Отв. ред. Э. Р. Тенишев, А. В. Дыбо. – М., 2006. – С. 405.

<sup>652</sup> Osawa T. The cult-religious relation... – P. 48.

<sup>653</sup> Osawa T. The cult-religious relation... – P. 48–49.

<sup>654</sup> Esin E. İslamiyetten önceki Türk kültür târîhi... – S. 120, 230, n. 10.

<sup>655</sup> Beal S. The life of Hiuan Tsiang... – P. 42, 45; Taşağıl A. Gök-Türkler. II... – S. 51.

<sup>656</sup> Гумилев Л. Н. Древние тюрки... – С. 226.

<sup>657</sup> Liu Mau-Tsai. Die chinesischen Nachrichten... – S. 306–307.

Ашина Хян (705–717) тайынланган эди<sup>658</sup>. Бундан күринадики, ушбу шаҳар Фарбий Турк хоқонлиги шаклланишининг илк босқичларидан то таназзулига қадар унинг бошқарув марказларидан бири сифатида ўз аҳамиятини йўқотмаган эди.

### **Минг-булоқ.**

Тароздан шарқда, Мерке атрофидаги Минг-булоқ мавзеси хитой ийлномаларида бир неча бор Фарбий хоқонликнинг марказларидан бири сифатида қайд этилади. «Таншу» ийлномасида Чуло (Чўра) хоқон (603–610)нинг иккита «кичик хоқонлик» таъсис қилгани ва улардан биринининг бошқарув марказини *Ши-го* (Чоч)нинг шимолида *Цянь-Цюань* (луг. «Минг-булоқ») мавзеда барпо этгани қайд этилади<sup>659</sup>. Шунингдек, айни йилномада Тун ябғу-хоқон (618–630) ўз ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ, қароргоҳини воҳанинг шимолидаги мавзесига кўчиргани ва бу ердан туриб, вассал Фарбий ўлкалар устидан назоратни кучайтиргани таъкидланади<sup>660</sup>. Бундан ташқари, 651–657 йилларда хоқонликнинг сўнгги мустақил ҳукмдорларидан бири, Истами ябғунинг бешинчи бўғин авлоди бўлмиш Ишбара хоқон Ашина Хэлу (\*Улуғ) ҳам ўз қароргоҳи сифатида Минг-булоқни танлагани маълум<sup>661</sup>. Бу ер ҳаттоқи, Фарбий Турк хоқонлигининг барҳам топишига қадар, яъни VIII аср ўрталаригача хоқонларнинг ёзлик қароргоҳи вазифасини бажаришда давом этганини тасдиқлайдиган айрим маълумотлар мавжуд. Жумладан, Табарий ўз асарида 736 йилги воқеаларни баён этар экан, турк хоқонига тааллукли яловларга мўл тоғ – кўрик борлиги, унга бирор кишининг яқинлаши ёки ов қилиши таъкидлангани хусусида ёзиб, бу жой хоқон кўшинига жанг пайтида захира етказиб беришга мўлжалланганини таъкидлайди<sup>662</sup>. Дарвоқе, юкорида ҳам келтириб ўтилганидек, Табарийдан анча олдин роҳиб Сюан Цзан Тароз яқинида *Бин-йу* (қад. турк. *Бинг-йул* – «Минг-булоқ») деб аталувчи, мингга яқин катта-кичик булоқлар ва мўл ўтлоқларга эга тоғ борли-

<sup>658</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 295–296; Chavannes E. Çin yilliklarına göre... – S. 115.

<sup>659</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 279.

<sup>660</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 283.

<sup>661</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 289; Taşgil A. Gök-Türkler. II... – S. 71.

<sup>662</sup> История ат-Табари... – С. 242; Stark S. Nomaden und Seßhaftes... – S. 393–394.

ги, бу ерда ов қилиш ёки ёввойи ҳайвонларни ўлдириш хоқон томонидан манъ қилинганини ёзган ва уни Ябгу-хоқоннинг ёз ойларида иссиқдан сақланадиган маҳсус жойи ўлароқ таърифлаган эди<sup>663</sup>. Демак, Минг-булоқ Фарбий Турк хоқонлигининг узок йиллар давомида ёзлик қароргоҳи вазифасини бажарган.

### **Жабгуват.**

Араб географлари воҳанинг маркази Бинкент (ҳоз. Тошкент) шаҳрининг яқингинасида, ундан 2 фарсаҳ (таксм. 16 км) шимоли-шарқда Жабгуват номли шаҳар мавжудлигини зикр қилишган бўлиб<sup>664</sup>, тадқиқотчиларга кўра, ушбу шаҳарнинг пайдо бўлиши хоқонлик билан алоқадордир. Бунинг асосида бир томондан археологик тадқиқотлар натижасида шаҳарнинг айнан VI–VII асрларда барпо қилинганинг аниқланиши<sup>665</sup>, қолаверса, ушбу шаҳар номининг лугавий жиҳатдан «Жабғу шаҳри», яъни «Хукмдор шаҳри» маъносини билдириши каби омиллар ётади. Маълумки, туркий халқларда қадимдан пойтахт ёки қароргоҳ шаҳар номини хукмдорнинг унвони билан аташ анъана эди. Демак, Чоч воҳасидаги шаҳарлардан бири-нинг Жабгуват деб аталишида ҳам қадимги туркий анъана ётади деб ҳисоблашга асос бор. Гарчи бир қатор тадқиқотчилар Жабгуватни Тун ябғу-хоқоннинг қишилик қароргоҳи бўлган деб ҳисоблашсада<sup>666</sup>, ушбу шаҳарнинг ундан анча олдин, Фарбий хоқонликнинг бош ҳукмдорлари ябғу / жабғу унвони билан хукм юритаётган пайт – VI аср охирларида худди шу мақсадда барпо этилгани эҳтимолдан холи эмас. Айнан шу пайтларда жабғу унвони бир муддат Фарбий қанот бош ҳукмдорларига нисбатан қўлланилгани ва улардан бир нечтаси айнан Чоч воҳасига ташриф буюрганликлари назарда тутилса, Жабгуватнинг хоқонликка алоқадор равишда пайдо бўлгани

<sup>663</sup> Зуев Ю. А. Ранние тюрки... – С. 269; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi’ne göre ... – S. 115, n. 1.

<sup>664</sup> al-Istakhri, Abu Ishak al-Farisi. Viae regnorum. Ed. M. J. de Goeje. BGA. Pars 1. – Lugduni-Batavorum: E. J. Brill, 1967. – P. 345; Hudud al-‘Alam. The regions of the world, a persian geography. Translated and explained by V. Minorsky. – London, 1970. – P. 117, 357.

<sup>665</sup> Ушбу шаҳарнинг ўрни хозирги Тошкент шаҳрининг шимоли-шарқида, Дурман қишилогидан қариб 4 км масоффада жойлашган Оқ-ота ёдгорлигига тўғри келади деб ҳисобланади (Буряков Ю. Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. – Т., 1975. – С. 74–75).

<sup>666</sup> Байтанаев Б. А. Вопросы локализации... – С. 67–70, прим. 25.

масаласида шубҳага ўрин қолмайди. Шу ўринда араб географлари асарларида учрайдиган «Жабгуват – чиройли шаҳар бўлиб, қадимда Чочнинг ҳарбий лагери – лашкаргоҳи эди» шаклидаги маълумот ушбу шаҳарнинг нима мақсадда барпо қилинганини янада ойдинлаштиради.

Араб географлари асарларида Жабгуват билан деярли ёнма-ён жойлашган *Хотункат*<sup>667</sup> номли шаҳарнинг қайд этилиши, ҳатто ушбу шаҳар номининг хитой йилномаларида араблардан анча один, 640- йилларда Фарбий турк хоқонларидан бири *Иби Дулу ке-хан* (\*Эл-Билга Тулу хоқон: 638–642)нинг Чочга қочиб, *Кохотун-чэн* (луг. «Хотун шаҳри»)га сифиниши муносабати билан учраши ҳам диққатга сазовордир<sup>668</sup>. Аҳамиятлиси шундаки, ушбу шаҳар номи остида ҳам қадимги туркий анъана – давлат бошқарувида бош ҳукмдор – хоқон билан биргаликда, доимо унинг аёли хотун унвонли малика жой олиши анъанаси ётганлигини кўриш мумкин. Бу, аввало, қадимдан туркий халқлар кенг тарқалган ҳудудларда *Хотун-балиқ* («Хотун шаҳри»), *Хотун-сини*, *Хотун-арт*, *Хотун-сув* номли топонимларнинг учрашида ўз тасдиғини топса, иккинчидан, Хотункат шаҳрининг айнан Жабгуват шаҳри билан ёнма-ён жойлашган шаҳар сифатида эслатилишининг ўзиёқ, унинг хоқонликка алоқадор равишда қад ростлаганини кўрсатади. Шунингдек, археологик тадқиқотлар ушбу шаҳарнинг ҳам VI–VII асрларда вужудга келганини тасдиқлаши, Хотункатнинг хоқонлик билан боғлиқлиги борасида шубҳага ўрин қолдирмайди. Қисқаси, Жабгуват–Хотункат параллели бу – хоқонлик сиёсий марказида ҳукмдор ўрдаси (ёки чодири) билан ёнма-ён малика ўрдаси жой олиши анъанасининг Чоч воҳасида ёнма-ён жойлашган шаҳарлар мисолида акс этишидир дейиш мумкин.

Бундан ташқари, хитой ва юонон (Византия) манбаларидаги маълумотлар мазмунидан Тароз (Талас) шаҳри ҳам вақти-вақти билан Фарбий Турк хоқонлигининг қароргоҳларидан бири бўлганлиги аён

<sup>667</sup> *Хотункат* – ушбу шаҳарнинг ўрни ҳозирги Тошкент шаҳрининг шимоли-шарқида, Дурман қишлоғидан 4 км жанубда жойлашган Оқ-ота тепалигининг жанубидаги Туғайтепа ёдгорлигига тўғри келади (Буряков Ю. Ф. Историческая топография... – С. 73–74).

<sup>668</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 288; Chavannes E. Documents sur les... – Р. 58.

бўлади<sup>669</sup>.

Хуллас, Фарбий Турк хоқонлигининг бошқарув марказлари билан қисқача танишиб чиқиш шундан дарак берадики, хоқонликнинг бир неча қароргоҳлари мавжуд бўлган. Бу, аввало, хоқонлик сиёсий ҳаётида қайси ҳудуднинг аҳамияти ортганлиги билан боғлиқ бўлиб, чегаралар кенгайган сари уларнинг ўрни алмасиб турган. Шу билан биргаликда, кейинчалик ҳам эски бошқарув марказлари нисбий бўлса-да, ўз мавқенини сақлаганлиги кўзга ташланади. Яъни хоқонлар вазиятга қараб уларни қароргоҳ сифатида танлашда давом этишган. Фақат Суяб шаҳри хоқонликнинг асосий бошқарув маркази – пойтахт бўлиб қолаверган ва бу ерни эгаллаган хонадон аъзоси бош ҳукмдор мавқенини қўлга киритган. Ундан бошқа шаҳарлар эса кўпинча қишилик ёки ёзлик қароргоҳ ёхуд стратегик марказ вазифасини ўташган. Хусусан, Беш-балиқ ва Жабгуватга ҳам қишилик қароргоҳ, ҳам стратегик марказ, Эк-тоғ ва Минг-булоққа эса ёзлик қароргоҳ сифатида қараш лозим (қаранг: илова XIV). Мазкур масалада бу сўнгги икки жойнинг бирор аҳоли масканлари – шаҳар ёки қишлоқлар бўлмай, тоғ бағрида жойлашган яйловлар бўлганини ҳисобга олиш зарур.

Демак, Фарбий Турк хоқонлигининг қароргоҳлари масаласида ҳам қадим ва ўрта асрларда Марказий Осиёда хукм сурган сулолаларга хос бир вақтнинг ўзида бир нечта бошқарув марказлари бўлиши анъ-анасининг давом этганини кўриш мумкин.

#### **4. 3. Фарбий Турк хоқонлигининг вассаллар бошқаруви**

Фарбий Турк хоқонлиги муайян бир империя ўлароқ, бир неча ўнлаб қабила ва уруғлар бошқарувларини ва 20 дан ортиқ воҳа ҳукмдорликларини ўз таркибига олган бўлиб, уларнинг қай тарзда бошқарилганлиги масаласини ёритиш хоқонлик давлат тузумининг моҳиятини аниқлашда ўзига хос ўрин тутади.

<sup>669</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 292–293; Mode M. Reading the Afrasiab Murals... – Р. 122.

#### **4. 3. 1. Хоқонлик таркибидаги вассаллар**

Фарбий Турк хоқонлиги энг куч-кудратга эришган пайтда унинг кўл остида бўлган худудларнинг ижтимоий-сиёсий ҳолати қай тарзда бўлгани ва худудий-географик жиҳатдан қандай регионлардан ташкил топгани масаласи билан танишиб чиқсан (қаранг: илова XII):

**1) хоқонликнинг марказий худудларига яқин жойларда яшовчи, кўчманчи ҳаёт ҳукмрон дашт, тоғ ва тоғ олди худудлари:** Жунғориянинг шимоли, Сирдарёнинг ўрта хавзаси ва Фарбий Олтойда яшовчи вассал кўчманчи қабила бошқарувлари. Бу гурухга кўчманчи ҳаёт устувор бўлган Волга–Урол бўйлари, Шимолий Кавказ ва Қора денгиз бўйи худудлари ҳам киради;

**2) ўтроқ турмуш тарзи устувор воҳалар:** Шаркий Туркистон; Амударё–Сирдарё оралиғи ва унга туташ худудлар; Шимолий Ҳиндистон (Афғонистон ҳам дохил); Шимоли-Шаркий Эрон (Хуро-сон).

Хоқонлик таркибидаги ўтроқ воҳалар куйидаги регионларда жойлашган эди:

**I. Шаркий Туркистон:** 1) *Ҳами* (Кумул), 2) *Гаочан* (Турфон), 3) *Анси* (Қораشاҳр), 4) *Гүйцзи* (Куча), 5) Кошғар, 6) Хўтан;

**II. Амударё–Сирдарё оралиғи ва унга туташ худудлар:** 1) Чоч (бир муддат Фороб/Ўтрор ва Исфижоб ҳам кирган), 2) Фарғона, 3) Уструшона, 4) Суғд (Самарқанд, Маймурғ, Кушония, Панч, Кеш, Нахшаб ва б.), 5) Бухоро, 6) Тўхористон, 7) Хоразм;

**III. Шимолий Ҳиндистон ва Афғонистон:** 1) Гандхара, 2) Кашмир, 3) Кобулистон, 4) Зобулистон;

**IV. Шимоли-Шаркий Эрон – Жанубий Туркманистон (Хуро-сон):** 1) Дехистон, 2) Гургон, 3) Марв.

Шартли равишда келтирилган ушбу жадвалдан хоқонлик таркибига кирган воҳа ҳукмдорликларининг сони 20 га яқин бўлгани маълум бўлади. Гарчи ушбу худудлар кўчманчи ёки ўтроқ турмуш тарзи ҳукмрон шаклда икки хил хўжалик типига ажратилса-да, мазкур худудлардан ҳар бирининг ўзида ҳам кўчманчи-чорвадор, ҳам ўтроқ-дехқон хўжалик турмуш тарзлари мавжуд бўлгани маълум. Шу билан биргаликда, юкорида кўчманчи ҳаёт ҳукмрон худуд сифатида айтиб ўтилган Шимолий Қора денгиз бўйидан то Фарбий Ол-

тойгача бўлган улкан дашт (степ)да ҳам асосан тижорат марказлари тариқасида ўлароқ, баъзан эса дехқончилик ва хунармандчилик марказлари сифатида шаҳарлар мавжуд бўлган.

Воҳа хукмдорликларининг хоқонлик таркибига киритилиши маълум сиёсий жараёнлар доирасида кечган. Маълумки, Олтой тоғларининг жанубий этакларида истиқомат қилувчи туркий ашина қабиласи ўз хўжайини бўлмиш Жуан-жуан хоқонлигига зарба бергач, 552 йилда Турк хоқонлиги ташкил топади ва қисқа муддат ичida Узок Шарқдан то Шимолий Кора денгиз соҳилларигача, Жанубий Сибирдан то Шимолий Ҳиндистонгача бўлган улкан ҳудудни бирлаштирган йирик салтанатга айланади. Ташкил топишининг дастлабки ўн йилликларида ёқ хоқонлик ўз ҳудудини қадимги марказий осиёлик кўчманчилар анъанасига мувофиқ равишда икки қисмга – бири маркази Ўрхун водийси (Мўгулистон) ўлароқ, Жанубий Сибир, Узок Шарқ, Шимолий Хитой ва Олтой тоғининг кун чиқишидаги ҳудудларни ўз ичига олган **Шарқий қисм** (қанот)га<sup>670</sup>, иккинчиси эса маркази Еттисув бўлиб, Олтой тоғининг ғарбидан бошланиб, то Шимолий Кора денгизгача, Волга–Уролбўйларидан то Шимолий Ҳиндистонгача чўзилган ҳудудларни камраган **Фарбий қисм** (қанот) га таксимлайди. Кейинчалиқ, Турк хоқонлигининг асосий марказий бошқаруви моҳиятидаги Шарқий қанотга бўйсунувчи ушбу Фарбий қанот замирида Фарбий Турк хоқонлиги шаклланади ва VIII асрнинг ўрталаригача бўлган бутун тарихи мобайнида шарқдаги хоқонликдан фарқли ўлароқ, Еттисув ва атрофидаги кўчманчи қабилалар билан бирга асосан, Шарқий Туркистон ва Амударё–Сирдарё оралиғидаги воҳа хукмдорликларини, қисман эса Хуросон ва Шимолий Ҳиндистон ҳудудларидаги бир қатор воҳа хукмдорликларини ўз ичига олиб, улар устидан ўзига хос бошқарув усул ва воситаларини ишлаб чиқсан давлат уюшмаси сифатида ўзини намоён қилади.

Хоқонликнинг ўз вассалларини, айниқса, воҳа хукмдорликларини қандай бошқаргани масаласини ёритиш учун аввало, уларнинг қачон

<sup>670</sup> Турк хоқонлигининг шарқий ва фарбий қисмларига нисбатан «қанот» иборасини кўпчилик тадқиқотчилар ишлатадилар. Бироқ биз ўкувчиларнинг чалғимаслиги учун бу ибора ҳар иккала қисмнинг ички маъмурӣ қисмларига тўғри келишини хисобга олган ҳолда, кўпроқ улар (Шарқий ва Фарбий Турк хоқонликлари)га нисбатан «қисм» сўзини ишлатишни лозим топдик. Бу ҳақда тадқиқотимизнинг «Фарбий Турк хоқонлигининг маъмурӣ тузилиши» параграфида батафсил тўхтадлик.

ва қай тарзда вассалга айлантирилгани масаласига тұхтаб ўтиш лозим. Асосан, хитой йилномаларида, қисман эса бошқа (византия, араб, форс) манбаларидан аён бўлишича, Турк хоқонлиги 550- йилларнинг ўрталарида Шаркий Туркистондаги воҳа ҳукмдорликларини, 560- йилларда Амударё–Сирдарё оралигидаги Тўхористонгача бўлган ҳукмдорликларни (Чоч, Фарғона, Уструшона, Суғд, Бухоро, Хоразм), 580- йилларда эса Тўхористон, Кобулистон, Хурасоннинг катта бир қисмидаги ҳукмдорликларни кўл остига олади. Уларнинг хоқонлик таркибиға олинини мазкур тиллардаги манбаларда батағсил тасвирланмасдан, балки бир-икки жумла орқали ифодаланган. Хитой йилномаларида Турк хоқонлигининг илк фаолияти ёритиляётганда *Тукюе* (турк)лар *Ида* (Эфталитлар) давлатини мағлуб этиши қисқача баён қилинар экан, хоқонлик ушбу давлат таркибидаги Фарбий ўлкаларни кўлга киритгани тилга олинади<sup>671</sup>. «Бэйши», «Сўйшу» каби йилномаларда Фарбий ўлкаларга ажратилган бобларда ҳар бир воҳа ҳукмдорлиги алоҳида-алоҳида тавсифланганда ҳам уларнинг *Тукюеларга* қарам эканлиги қисқача қайд этилади.

Византия манбаларida эса 568 йилда Византияга борган хоқонлик элчиларининг эфталитларнинг батамом тор-мор этилгани ва унинг кўл остидаги ҳудудлар уларнинг қарамоғига ўтганини таъкидлагани тилга олинади<sup>672</sup>. Шунингдек, юон манбаларida Византия элчилари 560- йилларнинг охиirlари – 570- йиллар мобайнида Турк хоқонлигига ташриф буориб, қайтиб кетишаётганида вассал ҳукмдорликларнинг ҳам Византияга элчи юборишга изн сўраб хоқонликка мурожаат қилиши қисқача баён этилиб, турк хоқони мавжуд вассал (ҳукмдорликлар)дан факат Хвалис (Хоразм)га элчи юбориш учун рухсат бергани таъкидланади<sup>673</sup>. Араб манбаларida ҳам шунга ўхшаш ҳолат кўзга ташланади. Жумладан, Диноварий Сосонийлар ва хоқонлик Ҳайталлар (Эфталитлар) давлатини тор-мор қилиб, унга тегишли ҳудудларни ўзаро тақсимлашгани, турклар Чоч, Фарғона, Суғд ва Бухорони кўлга киритгани, Сосонийлар эса Тўхористон (Чагониён ва ҳ. к.) ҳамда Кобулистонни ўзига олгани-

<sup>671</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 229.

<sup>672</sup> Феофилакт Симокатта. История... – С. 624; Комар А. Наследие тюркских каганатов... – С. 100–101.

<sup>673</sup> Шювен П. О Византийских посольствах... – С. 33–38.

ни қайд этади<sup>674</sup>. Шунингдек, арман манбаларидан «Ашхарацуйц»да келтирилган «Сикифия, яъни Анахтарк, ки бу Турклар (мамлакати) дир, Этил (Волга дарёси)дан бошланади ва Эмавон (Помир ёки Ҳимолай?)га бориб этади, ундан Чинлар мамлакатигача чўзилади... Сикифияда 44 та халқ яшайди: сүгдийлар, тўхорлар, эфталийлар ва бошқа варварча исмли халқлар» мазмунидаги маълумотдан ҳам арман муаллифларининг «Сикифия», «Туркистон» ва «Турклар мамлакати» атамалари остида Турк хоқонлигини ифодалашгани ва ушбу давлат таркибида кўплаб халқлар, шу жумладан, сұғдийлар, тўхористонликлар, эфталитлар ва бошқа бир қатор этнослар вассал ҳолатда яшаганликларига ургу беришганини англаш мумкин<sup>675</sup>.

Бундан ташқари, араб манбаларида Самарқанд хукмдори Ғурак (710–738) араблар билан учрашганда ўзини хоқоннинг кулларидан ва чокар (хос аскар)ларидан бири сифатида таърифлагани қайд этилади<sup>676</sup>. Муғ тоғи сұғдий ҳужжатларидан В–17 рақами хужжат (мактуб)да Панжикент хукмдори Деваштич (709–722) хоқондан ўзига «юксак мартаба ва эҳтиром» келганини таъкидлайди. Тадқиқотчилар фикрича, бу билан улар ўзларини турк хоқонининг вассали сифатида билишини ифодалашган<sup>677</sup>. Шунга ўхшаш маълумотлар хитой йилномаларида ҳам учрайди. «Тан шу» йилномасида 590–620 йилларда Самарқандни бошқарган 2 нафар маҳаллий хукмдорнинг Ғарбий турк хоқонларига куёв бўлиб, «туркларга бўйсунгандилиги» ва атроф (Суғд)даги қолган хукмдорликлар устидан устунликка эга бўлганликлари алоҳида таъкидлаб ўтилади<sup>678</sup>.

Кўриниб турибдики, хоқонликнинг воҳа хукмдорликларини ўз вассалларига айлантириши ёки воҳалар бошқарувчилари ўзларини хоқонликка қанчалик даражада вассал деб билганликлари билан

<sup>674</sup> Chavannes E. Documents sur les... – P. 229; Kafesoğlu İ. Türk Milli Kültürü... – S. 94; Shaban M. A. Khurasan at the Time of Arab Conquest // İran and Islam. İn memory of the Late Vladimir Minorsky. Edinburg, 1971. – P. 482–483; Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Т.: Фан, 1995. – Б. 201; Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи... – Б. 81.

<sup>675</sup> Армянская география VII века... – С. 79.

<sup>676</sup> История ат-Табари... – С. 225.

<sup>677</sup> Согдийские документы... II. – С. 115, 117; Grenet F., de la Vaissiere E. The last days... – P. 157.

<sup>678</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 311; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – S. 185, 305.

боғлиқ воқеалар манбаларда жуда қисқа ҳолатда ўз ифодасини топган. Яъни ушбу ҳукмдорликлар хоқонликнинг вассалига айланиш жараёнинга ушбу манбалардан бирортасида маҳсус тўхталиб ўтилмаган. Шу сабабли хоқонлик ва вассаллар масаласининг моҳиятини тўлақонли очиб бериш анча мушкул. Бу ҳолат кўпроқ сюзерен (хоқонлик) ва вассаллар (воҳа ҳукмдорликлари) орасидаги муносабатларнинг илк босқичига – яъни 550/560–580 йилларга тааллуқлидир.

Тадқиқотчиларнинг аксарияти бу даврда (ҳатто кўпчиликнинг эътироф этишича, хоқонликнинг бутун тарихи мобайнида) Турк хоқонлиги ва унинг вассаллари орасидаги муносабатлар асосан хоқонлик улардан хирож олиш билан чекланиб, уларнинг ички ишларига аралашмагани ва воҳа ҳукмдорликларининг ҳар бири ярим мустақил бўлгани борасида ҳамфирдирилар. Бироқ бу қарашларни тўлақонли равишда тўғри, деб бўлмайди ва масалани янада теранрок тадқиқ этиш талаб қилинади. Чунки 580- йилларда Суғдга *тегин* тайинлангани ва Тўхористонга бир *тегин* юборилиб, унга тулаш ҳудудлар ҳам у орқали назоратга олингани қайд этиладики<sup>679</sup>, хоқонлик нима мақсадда бундай йўл тутгани масаласи очиқ қолмоқда. Шунга ўхшашрок ҳолат Бухоро билан боғлиқ воқеалар баёнида ҳам кўзга ташланади. Хусусан, 580- йилларда Қорачурин хоқоннинг ўз ўғли Шер-и Кишварни Бухородаги нотинчлик (Аброй қўзғолони)ни бостириш учун юборганини Наршахий қайд этиб ўтади<sup>680</sup>. Бироқ бу воқеа айнан шу йилларда юз бергани ёки аксинча ҳали тўлақонли ечилмаган масала. Эҳтимол, хоқонлик бирор курдатли кучга яқин ёки чегара ҳудудларда жойлашган воҳа ҳукмдорликлари устидаги мавқеини кафолатлаш учун ўз уларга бошқарувчи хонадонидан ноиб ёки назоратчилар юборгандир. У ҳолда, бу даврда, яъни дастлабки 50 йилга яқин давр мобайнида (560–600 йиллар) хоқонлик нафақат воҳа ҳукмдорликларини маҳаллий сулолалар воситасида улардан ўлпон олиш орқали билвосита бошқарганини, балки вазиятдан келиб чиққан ҳолда айримларини Ашина хонадонига алоқадор янги сулолалар (ёки ноибликлар) орқали бошқара бошлаганини тахмин килиш мумкин.

<sup>679</sup> Taşağıl A. Gök-Türkler. – Ankara, 1995. – S. 88.

<sup>680</sup> Наршахий, Абу Бакр. Бухоро тарихи..., – Б. 16–17.

VII аср бошларига келгач, хоқонликнинг вассалларга муносабатига доир бирмунча батағсилроқ маълумотлар учрай бошлади. Хусусан, Чоч ҳукмдори *Ние* (605 й.)<sup>681</sup>, Фарғона ҳукмдори *Киби* (630-йиллар) хоқонлик томонидан ўлдирилиб, уларнинг ўрнини Ашина сулоласи вакиллари кўлга олиши<sup>682</sup>, Тўхористонда Фарбий турк ҳукмдорининг ўғли Тарду шад ўзини «Тўхор(истон) ябгуси» деб эълон қилиши<sup>683</sup>, 620-йиллар арафасида ҳар бир воҳа ҳукмдорлиги бошқарувчисига *элтабар* унвони берилиши ва уларнинг назорати учун бирор *тудуннинг* юборилиши, ҳатто 600-йилларнинг бошларидаги баъзи воҳа ҳукмдорликлари бошида *элтабарларнинг* мавжудлиги – ушбу воқеалар деярли бир-бирига яқин йилларда юз берадики, бу эса бир қатор саволларни кўндаланг қўяди. Аввало, хоқонликнинг вассаллар билан муносабатларида ўзгаришлар – баъзи ҳукмдорликлардаги маҳаллий сулолалар ўрнини хоқонлик вакиллари олиши, хоқонликка хос *элтабар* унвонининг айнан маҳаллий ҳукмдорларга тақдим этилиши ва назорат қилиш учун бирор *тудунлик* тизимининг жорий қилиниши қандайдир бир зарурият билан боғлиқ эдими?

Бу масала бўйича қуидагича тахминлар қилиш мумкин, яъни хоқонлик ва вассаллар орасидаги муносабатларга шу каби воқеликлар таъсир қилган:

– факат ўлпон олиб туриш ва ички ишларга аралашмаслик мутьян муаммоларни келтириб чиқарган; соликларнинг бекаму-куст тўланишида англашмовчиликлар чиқкан. Шу сабабли бўлса керак, хоқонлик томонидан ҳар бир вассалга бир нафардан *тудун* юборилган. Маълумки, тудунларнинг вазифаси соликлар йигинини ташкил қилиш ва вассал ҳукмдор устидан назорат қилиш бўлган. Ҳатто Чоч каби хоқонлик томонидан Тегинлар орқали бевосита бошқариладиган ҳукмдорликда ҳам *тудунлик* тизими жорий этиладики, бу эса хоқонлик билан алоқадор сулола ўзи бошқараётган ҳукмдорликда солик йигиб жўнатиш масаласида хоқонлик зарарига

<sup>681</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 273, 288; Chavannes E. Documents sur les... – Р. 140–142; Малявкин А. Г. Танские хроники... – С. 166, 270, к. 638; Ходжаев, А. Сведения о Ташкенте... – С. 45.

<sup>682</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 319; Chavannes E. Documents sur les... – Р. 148.

<sup>683</sup> Тугушева Л. Ю. Уйгурская версия... – Б. 68, 202.

иш кўрган бўлиши, шу боис унинг устидан бевосита назорат қилиш учун ҳам бундай тизим ўрнатилганидан дарак берса керак;

– хоқонликнинг марказий ҳудудларида таҳт талашувлар, иттифоқдош қабилаларнинг ўз мавқеи учун кураши ва ҳ. к. каби нотинчилклар рўй берган пайтда вассал ҳукмдорликларнинг марказ назоратидан қочишига интилиши ва оқибатда хоқонлик улар устига қўшин тортиб, ўз вассали – маҳаллий ҳукмдорни ўлдириб, ўрнига Ашина хонадонидан вакил тайинлаган бўлиши мумкин. Шунингдек, вассаллар ўз сюзеренининг заифлашуви натижасида ундан кучлироқ бир сиёсий кучга, шу жумладан, Хитойга яқинлашиш сиёсатини тутиши хоқонликнинг ўз вассалига нисбатан ҳарбий куч ишлатишга сабаб бўлгандир, эҳтимол. Ҳусусан, хитой йилномаларида воҳа ҳукмдорликларидан бир қанчаси Фарбий Турк хоқонлиги заифлашган 630- йилларда Хитойга элчи юборгани қайд этилади (Гаочан, Куча, Қораشاҳр, Кошғар, Хўтсан, Суғд ва ҳ. к.)<sup>684</sup>. Хоқонлик томонидан Кумул, Қораشاҳр, Маймурғ ва ҳоказоларнинг жазолангани борасида маълумот учрайдики, бу уларнинг мазкур ҳатти-харакатига жавоб тариқасида амалга оширилган деб ҳисоблаш имконини беради;

– айнан анча йиллардан кейин кўп жойларда билвосита эмас, бевосита бошқаришга ўтилиши – бу кўпчилик империал давлатларга хос тартиб – истилонинг дастлабки даврларда мавжуд нотинч вазиятни тинчлантириш ва тобе аҳоли устидан назоратни қўллайлаштириш учун аввалдан мавжуд бўлган маҳаллий сулолага таяниш усулини қўллаш билан боғлиқ бўлиши мумкин, яъни дастлабки босқич. Бу босқичда янги хўжайнилар ўзлари учун нотаниш бўлган муҳитда ҳали тобелар устидан мутлақ ҳокимият ўрната олмаган бўлади ва шу сабабли бўйин эгган маҳаллий сулолага таянади. Вақт ўтган саин келгинди кучлар янги муҳитга мослашади ва тобора воситачига эҳтиёж сезилмай боради. Натижада эса бирор баҳона топилиб (масалан, кичик бир англашмовчилик рўйкач қилинади. Чунки ўз қўшинсони 5–10 мингдан ошмаган вассалнинг 100 мингга яқин қўшинли сюзеренга қарши бош кўтариши ёки катта муаммо туғдириши ғалати ҳол), эски сулола ҳокимиятияга барҳам берилади ва янги хўжайнилар ўз хонадони вакилини тайинлайди. Бизнингча, Чоч, Фаргона,

<sup>684</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 292, 294, 297, 301–302, 311.

Тўхористон ва Кобулистанда худди шу ҳолат рўй берган. Бироқ баъзи жойларда ўз хўжайинлари ишончини тўла оқлаган, содик (лояль) маҳаллий сулолалар ўз ҳокимиятини давом эттирган бўлишлари ҳам мумкин. Дарвоқе, Суғд (Панч ва Самарқанд) ва Уструшонада анча йилларгача; Хоразм ва Суғд (Кеш)да эса содик ҳукмдорлар ўз бошқарувларини то хоқонлик инқизозигача сақлаб қолган.

Хуллас, Фарбий Турк хоқонлигининг вақт ўтиши билан вассаллар устидан назоратни кучайтириши - бу бирор хоқоннинг ўзича ишлаб чиқсан шахсий ташаббуси билан эмас, муйян омиллар билан боғлиқ. Шу ўринда хоқонликнинг қўл остидалиги пайтида воҳа ҳукмдорликлардан бирортасининг ўз сюзеренига қарши бош кўтарган ҳоллар ёки мустақиллик учун курашган ҳолатлар бўлганми деган савол туғилади. Хитой йилномаларида 605 йилда, яъни хоқонлик таркибига кирганига 50 йилга яқин вақт бўлган бир пайтда *Ши* (Чоч) ҳукмдори *Тукюелар* билан ихтилофга боргани ва Шегуй хоқон Чочга юриш қилиб, тор-мор қилгани ва уларнинг ҳукмдорини ўлдириб, ўрнига Тегин Тянҷжини тайинлагани ва унга ноиб сифатида бу ерни бошқаришни буюргани таъкидланади<sup>685</sup>. Бундан ташқари, 640- йилларда Дулу хоқоннинг *Кангюй* (Суғд)га ҳужум қилиб, *Ми* (Маймурғ) ҳукмдорлигини тор-мор қилгани қайд этилади<sup>686</sup>. Шунингдек, мазкур хоқоннинг Тўхористонга, кейинроқ *Иву* (Хами)га ҳужум қилиб бу ерларни забт қилганига доир маълумотлар ҳам учрайди<sup>687</sup>.

Энди хоқонликнинг вассал воҳа ҳукмдорликларини қай шаклда, қандай усул ва воситалар билан бошқаргани, умуман олганда, хоқонлик ва унинг вассаллари орасидаги муносабатлар моҳиятан нималардан иборат бўлгани масаласига тўхталсак. Фақат бу мавзуга ўтишдан олдин, шу масала билан бевосита боғлиқ баъзи жихатларга тўхталиб ўтамиз. Хоқонлиқдан аввал ҳам Марказий Осиёда Скиф-Сак, Юечжи, Хун, Қанғ, Усун, Кушон, Хионитлар, Кидаритлар, Эфталитлар, Жуан-жуанлар каби милоддан аввалги бир мингйиллик ўрталаридан то милодий бир минг йиллик ўрталаригача бўлган минг

<sup>685</sup> Chavannes E. Çin yillardarına göre... – S. 192–193, k. 171.

<sup>686</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 287; Chavannes E. Çin yillardarına göre... – S. 91.

<sup>687</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 287.

йилдан ошик вақт мобайнида, навбатма-навбат ҳукм сурган катта-  
кичик давлат уюшмаларининг аксарияти дастлаб кўчманчи мухитда  
шаклланиб, кейинчалик мазкур минтақанинг ўтрок воҳалари усти-  
дан ҳам ўз ҳокимиятини ёйғанликлари маълум.

Аввало, Марказий Осиёда минтақасида мавжуд бўлган воҳа  
хукмдорликлари билан боғлиқ шуни айтиб ўтиш керакки, уларнинг  
кўпчилиги бирор дарё ҳавзасида жойлашган бўлиб, ўз географик  
жойлашувлари; бирор водий, воҳа ёки бошқа табиий алоҳидалик  
асосида шаклланган, давлат сифатида шаклланиш пайтида эса би-  
рор шаҳар давлатидан воҳа давлатига ўтиш жараёнларини бошдан  
кечирган эдилар. Жумладан, Кобул, Мургоб, Амударё, Зарафшон,  
Сирдарё, Тарим каби дарёлар ҳавзалари ҳамда Тяншан (Тангритоғ),  
Хисор, Ҳиндикуш, Помир, Кухи Бобо (Банди Туркистон / Шимолий  
Афғонистон), Копетдоғ сингари тоғ тизмаларидағи дара ва водийлар  
ушбу воҳа давлатлари учун табиий чегара вазифасини ўтаган эди.

Хоқонлик тарихининг энг муаммоли масалаларидан бири бу  
вассалларни қай тарзда бошқарганлигидир. Бу борада дикқатга  
сазовор фикрлардан бири X. И. Эркўч томонидан билдирилган  
бўлиб, унинг фикрича, Турк хоқонлигига марказда ўтирувчи «буюк  
хоқон»дан ташқари, давлатни ташкил этувчи қабила ва уруғлар мар-  
каз томонидан тайинланган ноиблар ёки «улуг хоқон»га тобе раис-  
лар (бошқарувчилар) томонидан бошқарилар эди<sup>688</sup>. Унинг фикри  
Фарбий Турк хоқонлиги учун ҳам мос келишини таъкидлаган ҳолда  
айтиш мумкинки, хоқонликда факат қабила ва уруғлар эмас, балки  
воҳа хукмдорликлари ҳам марказ томонидан тайинланган ноиблар  
ёки тобе хукмдорлар томонидан бошқариларди.

Ушбу тадқиқотчи хоқонлик ўз провинция (вассал)лар бошқарувида  
552 йилдан то 744 йилгача давом этган стандарт ва узлуксиз бир  
бошқарув ташкилотини йўлга қўйган деб бўлмаслигини таъкидлайди  
ва баъзи пайтларда хоқонлик айrim қабила ва ўлкаларни ябгу ва  
*шад* унвонли амалдорлар воситасида бошқаргани, улар эса асосан  
Ашина хонадонига мансуб бўлганини ёзади. Унга кўра, баъзан дав-  
латга тобе халқларнинг бошқарилишида *шадлар* кўпроқ ўрин эгал-  
лаган бўлса, баъзан тобелардан бир қисмининг тепасига «кичик  
хоқон»лар тайинланар, баъзан эса айrim халқларнинг бошқарувига

<sup>688</sup> Erkoç H. İ. Eski Türklerde Devlet Teşkilatı... – S. 226.

*шад, тегин* ва *тудунлар* юборилар эди. Тадқиқотчи айрим ҳолларда «кичик хоқон»лардан бири факат битта қабилани бошқарыб турган бир пайтда бошқа бир «кичик хоқон»нинг бошқаруви остида бирдан кўп қабилалар жой оларди, деб таъкидлайди<sup>689</sup>. Шунингдек, у чўр, элтабар, эркин, тудун ва тўйғун унвонига эга вакилларнинг давлатга тобе ҳалқлар тепасига тайинланиб, ушбу ҳалқларни «улугъ хоқон» номидан бошқарганини ёзди. Унга кўра, тудунлар баъзан тўғридан-тўғри марказ вакили сифатида тобе ҳалқларни бошқараарди ёки марказ ваколати бўйича факат солик ва молиявий назорат ишлари билан машғул бўлишарди. Тадқиқотчига кўра, асосан кўктурк будунини (яъни «давлат улусини». – F. B.) ташкил қилувчи қабилалар тепасида эса *бег* унвонига эга бошқарувчилар туради<sup>690</sup>.

Хоқонликнинг вассал ўлкалардаги бошқаруви ҳақидаги фикрларини давом эттириб Эркўч «баъзан қаршимизга тартибли бир марказ – сўл қанот – ўнг қанот учлиги чиқадики, бунга алоқадор кўлимизда бир қанча мисоллар мавжуд. Факат айрим пайтларда марказдан, сўл қанот ва ўнг қанотдан ҳам ташкари, бошқа провинциал (вассал) бошқарувлар ҳам бўлгани кўзга ташланади. Яъни бу борада стандарт бир амалиёт йўқ» деб таъкидлайди<sup>691</sup>.

Унинг мазкур фикрлари дажонбор, бироқ хоқонлик бошқарувидаги бу ҳолатни муайян тартиб мавжуд бўлмаган ёки палапартишилик, деб баҳолаб бўлмайди. Чунки вассаллар бошқарувидаги мазкур тафовут хоқонликнинг муайян даврларига тўғри келиб, бошланғичда турли қабила ва ҳукмдорликлар бўйсундирилиши жараёнида асосан хонадон аъзолари – *тегин* ва *шадлар* юборилгани, кейинчалик, яъни вассаллар устидан хоқонлик ҳокимияти тўла ўрнатилган пайтда хонадонга мансуб бўлмаган вакиллар – элтабар ва тудунлар тайинлангани маълум бир тизим билан боғлиқ эди. Тобе қабилалардан баъзиларига элтабар, баъзиларига эса эркин ёки чўр унвонли вакилларнинг тайинланиши ҳам шунчаки тасодифий бўлмай, балки улардан қай бири нуфузлироқ ёки аксинчалиги билан боғлиқ эди. Баъзи вассаллар бошқарувида *мархон* ёки *тутуқ* унвонли хоқонлик вакилларининг учраши эса, ушбу унвон эгаларининг маъмурийлик-

<sup>689</sup> Erkoç H. İ. Eski Türklerde Devlet Teşkilatı... – S. 226–227.

<sup>690</sup> Erkoç H. İ. Eski Türklerde Devlet Teşkilatı... – S. 227.

<sup>691</sup> Erkoç H. İ. Eski Türklerde Devlet Teşkilatı... – S. 227.

дан кўра кўпроқ ҳарбийлик вассфига эгалиги билан изоҳланадики, бу эса вазиятга кўра хоқонлик жойларда ўз ҳарбий вакилларини сақлаб турганидан дарак беради. Хоқонлик бошқарувининг вассалларга нисбатан жорий қилинган амалиётлари ичida айниқса элтабарлик ва тудунлик тизими алоҳида аҳамиятга эгадир. Бинобарин, ушбу тизим вассаллар бошқарувида улар устидан хоқонлик назорати ўрнатилган дастлабки паллалардан бошлаб то хоқонликнинг таназзулигача муайян даражада сақланиб қолганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бу эса Эркўч томонидан билдирилган «хоқонлик ўз провинция (вассал)лар бошқарувида 552 йилдан то 744 йилгача давом этган стандарт ва узлусиз бир бошқарув ташкилотини йўлга қўйган эди деб бўлмайди» мазмундаги фикрнинг бирёклама эканини кўрсатади.

Ҳ. Еркўч хоқонликка хос провинциал бошқарув шаклининг бошқа ўтрок давлатлар тизимидан фарқли ўзига хос жиҳатларидан бири сифатида хоқонликнинг ўз ҳудудини аниқ ҳудудларига эга вилоятларга тақсимламасдан, аксинча ҳар бир қабила ёки бир неча қабилалар тепасига бирор вакил тайинлаганини мисол қилиб келтиради. Унга кўра, Хитой ёки Римдагига тескари ўлароқ, хоқонлик таркибидағи маъмурий бирликлар – провинция (вассал)лар вилоятлар шаклида эмас, давлатга тобе уруғлар, қабилалар ёки шаҳар-давлатлардан иборат бўлиб, хоқонликнинг муайян бир қисмининг бирор-бир вакилга берилиши тўғридан-тўғри ҳудуднинг эмас, ўша ерда яшовчи халқлар назоратининг маҳаллий вакилларига топширилганини ифодаларди<sup>692</sup>. Тадқиқотчи Римдаги Миср провинцияси ёки Аббосийлардаги Хурсон волийлигига ўхшаш тартибот хоқонлиқда мавжуд бўлмаганини таъкидлаб, ўтрок халқлардаги провинция ёки вилоят марказларининг ўрнида «кичик хоқон»ларнинг, ябгу ёки шадларнинг чодир саройлари, яъни қароргоҳлари мавжуд бўлганини ёзади.

Босиб олинган ўлкалар бошқарувида асосан ўз хонадон вакилларини тайинлаган Қорахонийлар ва Чингизийлардан фарқли ўлароқ, хоқонликнинг кўпчилик вассаллари бошқарувида маҳаллий сулолалар ҳокимияти давом этган, бирор ҳар учала давлат вассаллари моҳият жиҳатидан катта фарқ қилмаган. Дарвоҳе, хоқонлик дастлабки пайтларда вассаллар бошқарувини асосан маҳаллий сулолаларга топширган ва улар устидан тудун воситасида назорат қилиш

<sup>692</sup> Erkoç H. İ. Eski Türklerde Devlet Teşkilatı... – S. 227.

билан кифояланган бўлса ҳам, кейинчалик бир неча ҳукмдорлик (Чоч, Фарғона, Тўхористон, Кобулистон) бошқарувига Ашина хонадони аъзоларини тайинлагани, қолганларининг ҳам бир қанчасида хоқонликка бевосита ва билвосита алоқадор туркий сулолалар ҳукм юрита бошлаганини эътироф этиш зарур. Демак, хоқонликнинг вассаллар борасидаги бундай фаолиятини «ҳокимиятни ҳукмрон хонадон қўлида тутиш», яъни марказлаштириш учун илк қадам деб ҳисоблаш, Корахонийлар ва Чингизийларникини эса бу усулнинг «ривожлантирилган шакли» сифатида талқин қилиш мумкин.

Шу ўринда, «Ғарбий Турк хоқонлиги барча қабила бошқарувлари ва воҳа ҳукмдорликларининг маълум маънода мустақил ички бошқарувига барҳам берса ва уларни вилоятларга тақсимлаб, бошқарувига Ашина хонадони вакилларини тайинласа, вассалларни назоратда тутиш янада қулайроқ ва унумлироқ бўлмасмиди» ёки «хоқонликнинг таназзулига вассалларнинг ўз ички бошқарувини сақлаб қолганлиги, яъни давлатнинг марказлашмагани маълум даражада таъсир кўрсатган бўлиши мумкин-ку» мазмунда саволлар туғилиши табиий. Аввало, шуни таъқидлаш керакки, хоқонликтарки-бидаги вассал воҳа ҳукмдорликлари хоқонликка хавф тугдирадиган даражада сиёсий кучга эмасдилар. Ёзма манбаларда ҳам баъзи майда ҳатти-ҳаракатларни истисно қилгандা, улардан бирортаси хоқонликнинг ички сиёсатига таъсир кўрсатадиган кўламда қарши ҳаракат олиб борганлигига доир маълумотлар учрамайди. Дарвоке, хоқонликнинг воҳаларни ўз тасарруфига олган 560–580 йиллар оралиғидан то 650- йилларгача, карийб 70–80 йил давомида, ҳатто ундан кейин 700 йилгача, яъни 30 йиллик Хитой асорати даврида ҳам хоқонлик ва вассаллар орасида илиқ муносабат давом этганини турли тиллардаги манба маълумотларига таяниб айтиш мумкин. 700-йилларнинг бошларидан то 740- йилларгача бўлган давр Ғарбий Турк хоқонлигидаги ҳокимият Тургаш хоқонлиги қўлига ўтган ёки воҳа давлатлар устидан II Шарқий Турк хоқонлиги ҳокимияти ўрнатилган пайтларда ҳам хоқонлар ва вассаллар ўртасида бундай муносабат давом этаверганлиги ўтроқларнинг кучли ҳарбий-сиёсий куч манбай бўлмиш кўчманчи салтанатларга эҳтиёж туйганининг ифодасидир. Ҳусусан, 640- йиллардан бошлаб то VIII аср бошларигача Шарқий Туркистондаги воҳа давлатларидан бир қанчасининг тобора кучая-

ётган Хитой хавфи олдида доимий равишда хоқонлик томонига интилишлари, VII аср охирлари – VIII аср биринчи ярми оралиғида эса Хурсон ва Амударё–Сирдарё оралиғидаги Марв, Тұхористон, Бухоро, Суғд (Самарқанд, Панч) хукмдорларининг араб истилосига қарши курашда хоқонга мурожаати<sup>693</sup> – буларнинг барчаси замирида иқтисодий ҳаёти тинч зироаткорлик, хунармандчилик ва савдога ихтинослашған ўтрокларнинг ўз осойишталигини сақлашда хоқонлик каби азалдан таъминлаб келган сиёсий кучларга мухтож әдилар. Ўз навбатида Марказий Осиёнинг шимоли-шарқий қисмидә давлатларини барпо қилған күчманчилар ҳам давлат сифатида яшаб қолиши учун ўтроклар етказиб берадиган дехкончилик ва хунармандчилик маҳсулотларига эхтиёж сезардилар. Чунки улар айнан шу йўл орқали ўз ахолисининг моддий эхтиёжларини қондирад, ҳарбий соҳада муваффақиятга эришишлари ҳам кўпроқ шунга боғлиқ эди.

Хоқонликнинг вассалларни бошқаришига алоқадор яна бир масала шуки, ўтрок воҳалардан фарқли ўлароқ, тобе кўчманчи қабилалар ўзининг ички бошқарувини сақлаб қолиши доимий равишда жиддий муаммо эди. Чунки улар ҳарбий жиҳатдан фаол ва баъзилари бир неча ўн минглик қўшин чиқаришга қодир бўлиб, хоқонлик томонидан содир этилган бирор ножӯя ҳаракат уларнинг истаган пайтда хўжайниларига қарши ғаним бўлишларига олиб келарди. Маълумки, хоқонлик бундай қабилаларга уларнинг ўзларидан чиқкан қабила раисларини бошлиқ сифатида қолдирган ва уларга ўз вакилларини назоратчи сифатида юборган эди. Бу даврга тааллуқли ёзма манбалар (асосан, хитой йилномалари) асосида хоқонликнинг кўчманчи қабилаларга айрим имтиёзлар бериб (масалан, қуда уруғ бўлиш орқали иттифоқ тузиш, бўйсундирилган ўлкалар бошқарувига тайинлаш каби), улар билан муроса йўлини топиш, пировардида мурайян хавфнинг олдини олишга ҳаракат қилған, деб айтиш мумкин. Шунга қарамай, хоқонликнинг асосий фаолияти *Теле* (\*Тегрег) қабилалар иттифоқига мансуб турли-туман қабила ва уруғларнинг исёнларини бостириш билан овора бўлгани манбалардан маълум<sup>694</sup>. Бироқ бу холат факат хоқонликка хос бўлмай, Қорахонийларда – асосан, қарлуқ, чигил ва ёғемолар, Салжуқийларда – туркманлар,

<sup>693</sup> Согдийские документы... II. – С. 80–83.

<sup>694</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 228, 341–343.

Чингизийларда эса бир неча турк-мұғул қабилаларининг доимо ички хавф бўлиб келганликлари, шу боис улар ҳам ўз бошқарувларининг баъзи ҳиссаларини мазкур қабилалар билан баҳам кўришга мажбур бўлганликлари мълум. Жумладан, Чингизий сулолалар *найман*, *қўнгирот*, *татар* каби ҳарбий жиҳатдан кучли қабилаларни ўзларига иттифоқдош қилган бўлиб, улар вакилларини амир сифатида бўйсундирилган ўлкалар бошқарувига тайинлар ёки лашкарбошилик вазифаси кўпроқ уларга ажратилар эди. Тўғри, мұғулларнидидан фарқли ҳолда, хоқонлик даврида қанотларга мансуб бўлмаган қабила вакилларининг марказий ёки вассаллар бошқарувида фаолият юритганига доир кенг кўламли маълумотлар учрамаса-да, айрим маълумотлар мазмунидан *янто*, *халаҗ*, ўгуз, қарлуқ қабилалари вакилларининг вассал ўлкалардаги вилоятларда ҳокимият юритгани аён бўлади<sup>695</sup>.

#### 4. 3. 2. Хоқонликнинг вассаллар бошқарувидаги тажрибаси

Фарбий Турк хоқонлиги вассаллар билан муносабатлар ўрнатар экан айнан қандай усул ва воситаларга мурожаат қилгани масаласини ёритишдан аввал ундан олдин ўтган давлатлар бу масалада қандай йўл туттганликлари масаласига назар ташлаш керак бўлади.

Марказий Осиё воҳа давлатлари учун хос хусусиятлардан бири шу эдики, уларнинг аксарияти бирор йирик салтанат таркибига кирган пайтда ҳам ўз нисбий мустақиллигини сақлашга интилар, ўз сулоласи бошқаруви дахлсизлигини таъминлашни мақсад қилган маҳаллий хукмдорлар эса янги хўжайнилари билан муроса қилиш йўлини тутиб келарди. Уларнинг нисбий бўлса-да, ўз ярим мустақиллигини, ҳеч бўлмаганда ички бошқарувда эркин бўлганини кўрсатадиган далиллар орасида биринчи навбатда шубҳасиз танга-пуллар турса керак. Хусусан, Шарқий Туркистон, Амударё-Сирдарё оралиғи ва унга туташ ҳудудлардаги мавжуд воҳа хукмдорликларидан бир қанчаси милоднинг бошлариданоқ ўз танга-пулларини зарб қилдиришгани

<sup>695</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 324; Marquart J. Eranshahr nach der Geographic... – S. 249–255; Sims-Williams N. From the Kushan-shahs... – P. 256; Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т., 2001. – Б. 146, 186.

каби бир қатор омиллар уларнинг ўз ички бошқарувида маълум маънода мустақил бўлганидан дарак беради. Гарчи Кушонлар, Хионитлар ёки Эфталитлар даврида мазкур воҳа давлатлари билан ушбу йирик давлатлар, яъни уларнинг сюзеренлари орасида хўжайин – тобе муносабатлари қандай бўлганига доир муфассал маълумотлар сақланиб қолмаган бўлса-да, баъзи жиҳатлардан келиб чиқиб бу борада ҳам муайян тасаввурларга эга бўлиш мумкин.

Аввало, юқорида айтиб ўтилганидек, уларда мавжуд бўлган анъ-анавий танга зарби, шунингдек, айрим ёзма манбалардаги маълумотлар сюзеренлар алмашинуви жараёнида ҳам воҳа давлатларида маҳаллий сулолалар сақланиб қолганидан дарак беради. Яъни Кушон салтанати давридаги воҳалар бошқаруви билан Хионитлар ёки Эфталитлар давридаги бошқарув орасида катта фарқлар бўлмаган, шекилли. Фақат баъзи пайтларда воҳа ҳукмдорликларидан бирор-тасида сюзерен аралашуви туфайли сулола алмашуви бўлганини назарда тутсак, улар орасида катта фарқ кўзга ташланмайди. Бироқ сулола алмашинуви хақидаги маълумотлар узук-юлук ҳолатда етиб келгани учун ҳам бу борада аниқ бир фикр айтиш қийин. Хусусан, хитой йилномаларидағи маълумотлардан хоқонлик қўшинлари Амударё–Сирдарё оралиғи ҳудудига кириб келган пайтда бу ердаги воҳа давлатлари аксариятининг бошқарувчи сулоласи Чжаову хона-донинга мансуб бўлиб, *Ань* (Бухоро), *Цао* (Кабудон), *Ши* (Чоч), *Ми* (Маймурғ), *Хэ* (Кушония), *Хосюнь* (Хоразм), *Маоди* (Битик ёки Вардона?), *Шыши* (Кеш), *Кан* (Самарқанд) каби тармоқларга бўлинар, улар орасида Самарқанддаги сулола марказий хонадон ҳисобланар эди<sup>696</sup>. Бироқ мазкур сулолаларнинг асосчилари ушбу воҳа давлатларининг туб маҳаллий ахолисига мансуб бўлмай, хитой йилномаларида таъкидланишича, бу ерларга улар Цил-ян тоглари (Шарқий Туркистоннинг шимоли)дан кўчиб келган бўлиб<sup>697</sup>, уларнинг қачон ва қайси этно-сиёсий жараёнлар натижасида ушбу ҳудудларга келиб қолганликлари етарлича аниқланган эмас.

Турк хоқонлиги ташкил топиш арафасида Марказий Осиёдаги ўтрок ҳудудларида бир қисми Жуан-жуанларга, бир қисми эса Эфта-

<sup>696</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 310; Chavannes E. Documents sur les... – Р. 134; Смирнова О. И. Очерки из истории... – С. 37.

<sup>697</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 310.

литларга бўйсунувчи воҳа ҳукмдорликлари мавжуд эди. Жумладан, Шарқий Туркистондаги Гаочан (Турфон), Куча, Қорашаҳр каби воҳа ҳукмдорликлари тўхор этносига мансуб маҳаллий сулолалар томонидан бошқарилиб, учала хонадон ҳам Жуан-жуанларга бўйсунса, Кошғар ва Хўтганда эса шарқий эроний тилли этнослар (хўтан-сак?, сүғдийлар)га мансуб буддавий хонадонлар ҳукм суринб, уларнинг барчаси Эфталитларга тобе эди<sup>698</sup>. Мазкур минтақанинг жануби-гарбий қисмидаги ўтроқ ҳудудлар – Амударё–Сирдарё оралиғи ва унга жанубдан кўшни Бадахшон, Бомиён, Кобул, Гандхара воҳалари хамда Хурросон Эфталитлар кўл остида бўлиб, уларнинг ўз бошқарувчи сулолалари мавжуд эди. Юқорида кўриб ўтилганидек, Амударё–Сирдарё оралиғида Чоч, Фарғона, Суғд (Самарқанд, Кабудон, Маймурғ, Кушония, Кеш), Бухоро, Битик / Вардона? ва ҳоказоларда Чжаову хонадонига мансуб сулолалар ҳукм сурардилар. Агар хитой йилномаларига таянадиган бўлсақ, Хосюнь (Хоразм) ҳукмдорлари ҳам Чжаовуларга мансуб эди<sup>699</sup>. Араб-форс тилли манбаларда эса Хоразмнинг бошқарувчи сулоласи Афригийлар шаклида тилга олинади<sup>700</sup>. Ҳатто хитой йилномаларида Амударёнинг чап қирғоидаги *My* (Амул / Чоржуй) ёки Марв ҳукмдорларининг Чжаову хонадонига мансублигига ишора қилувчи маълумотлар учрайди<sup>701</sup>.

Амударёнинг юқори ҳавзасидаги бир неча ўнлаб воҳа ҳукмдорликларидан иборат Тўхористон эса Эфталитлар давлатининг таянч ҳудуди ҳисобланиб, афтидан хоқонлиқдан олдин ҳам бу ерлар ўз маҳаллий бошқарувига эга сулолалар томонидан бошқарилган. Бирок улардаги бошқарувчи сулолаларининг келиб чиқиши етарлича ўрганилмагани боис, бу масалада муайян бир фикр билдириш қийин. Эҳтимол, улардан аксариятининг бошқарувида келиб чиқиши бевосита Эфталитларга бориб тақалувчи сулолалар турган бўлиши ҳам мумкин. Чунки маҳаллий сулолаларига эга ва улар орқали билвосита бошқарилувчи Шарқий Туркистон (Кошғар, Хўтган) ва Амударё–

<sup>698</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 269; Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş... – S. 66.

<sup>699</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 310; Chavannes E. Documents sur les... – Р. 134.

<sup>700</sup> Абу Райхон Беруний. Қадимги ҳалқлардан колган ёдгорликлар / Таржимон А. Расулов / Танланган асарлар. I жилд. – Т.: Фан, 1968. – Б. 71–72.

<sup>701</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 271.

Сирдарё оралиғидаги күпчилик воҳа ҳукмдорларни (Чоч, Фарғона, Уструшона, Суғд, Бухоро, Хоразм)дан фарқли ҳолда, Тўхористон (шу жумладан, Бадаҳшон) Эфталитлар давлатининг марказий (таянч) худудлари эди. Ҳудди шунга ўхшаш ҳолат Хурросон ва Кобул водийсида ҳам мавжуд бўлганга ўхшайди. Жумладан, Хурросоннинг Гургон ва Дехистон каби воҳа ҳукмдорларни тегин, сул (чўр) унвонига эга сулолалар мавжуд бўлиб, бир қатор тадқиқотчилар уларнинг келиб чиқишини эфталитларга боғлашади<sup>702</sup>. Шунга ўхшаш ҳолат Кобул водийси бошқарувида ҳам кўзга ташланади. Ҳусусан, Кобул ва унинг атрофидаги ҳудудлар (Зобулистон, Каписа) ҳамда Гандхара Эфталитлар давлатининг ҳокимияти анча чукур ёйилган худудлар эди ва бу ерлар тегин унвонли (?), келиб чиқиши эфталитларга тақалувчи сулола томонидан бошқариларди<sup>703</sup>. Ҳуллас, хоқонлик ўз ҳокимиятини ўрнатиши арафасида Тўхористон, Хурросон ва Кобулда тўғридан-тўғри эфталитлар билан алоқадор сулолалар мавжуд бўлиб, улар устидан бевосита бошқарув жорий қилинган эди.

Гарчи ижтимоий жиҳатдан келиб чиқиши Кушонлар, Хионитлар, Эфталитлар сулоласи билан деярли бир хил бўлса ҳам, давлат сифатида шаклланиш жараёнлари уларга ўхшаб Амударё ҳавзаларида, яъни ўтроқлик шароитида эмас, балки Хун ва Жуан-жуанлар давлати каби кўчманчилик муҳитида шаклланган Турк хоқонлигининг ўтроқ вассаллар устидан назоратни қандай ташкил қилгани ва бунда қай усуулларга мурожаат этгани масаласини ёритиш учун албатта кейинги икки давлат тарихига назар ташлаб ўтишни мантиқлироқ ҳисоблаймиз. Агар бу масалада Хун империяси тарихига назар ташлайдиган бўлсак, қуидаги ҳолат кўзга ташланади;

1) Хунлар ўзларига бўйсунувчи Усун, Ухуан, Кангюй ва бошқа бир қатор давлат уюшмалари билан ўзаро алоқаларда биргина

<sup>702</sup> Бу масала етарлича ўрганилмаган. Араб манбаларида мазкур ҳукмдорларни бошқарувчилари аксарият ҳолларда туркий сулола мансублари сифатида кўрсатилади (қар.: История ат-Табари... – С. 167; Frye R. N., Sayılı A. Selçuklulardan evvel Orta Şark'ta Türkler... – S. 198). Араб истилоси арафасида Дехистон ва Гургон ҳукмдорларининг бошқарувчилари тегин ва сул (чўр) унвонлари билан тилга олиниши ҳамда турк сифатида талқин қилиниши ушбу сулолаларнинг келиб чиқиши Турк хоқонлигига тақалади, деб тахмин килишга имкон беради (қар.: История ат-Табари... – С. 165, 167; Stark S. Nomaden und Seßhaftes... – S. 385).

<sup>703</sup> Chavannes E. Çin yillardarına göre... – S. 287.

қарам қилиш (вассалитет) билан чекланган эди. Жумладан, Маодун шаной даврида бўйсундирилган *лауфанд* ва *байян* қабилалари ўз бошлиқларига эга эди;

2) Хун ҳукмдорлари баъзи қабилаларни бошқаришни ўз вакиллариға топширган. Жумладан, *Хагас* (Қирғиз) ўлкасининг бошқарувига хитойлик асиrlардан бири бўлмиш Ли Лин тайинланган бўлса, Динлин қабилаларига бошқарувчи ўлароқ яна бир хитойлик асири Вэй Люй жўнатилган эди;

3) Хитой йилномаларида Хун давлати ташкил топган илк йилларданоқ, хусусан, ушбу давлат асосчиси Маодун ва унинг меросхўри, хунларнинг «Фарбий чегаралар ҳукмдори» Чичжу шаньюй даврида «Фарбий ўлкалар бошқаруви учун «тобе [ерларни] идора қилувчи» ҳарбий волийлик (*тунбу дувэй*)» ташкил қилингани, ушбу ҳарбий волий доимий равишда *Яньци* (Қораشاҳр)да ўтириб, бойлик ундириш ва ушбу давлатларнинг хирож тўлашини назорат билан шуғулланиши қайд этилади<sup>704</sup>;

4) Фарбий ўлкалардаги ҳар бир ҳукмдорлик ўз бошқарувчисига эга эди. Бироқ хитой йилномаларида қайд этилган «Хун давлатининг фарбий чегаралари бошқарувчиси Жи-чжо Фарбий ўлкалар бошқарувига пристав тайинлади, қайсики ... ҳукмдорликлардан анчагина миқдордаги ўлпон тўплади»<sup>705</sup> мазмундаги маълумот уларнинг махсус вакиллар воситасида назорат қилинганидан дарак беради.

А. Ҳазановнинг таъкидлашича, кўчманчиларнинг ҳукмрон гурухлари тобеларга ўз ноибларини мажбуран қабул қилдиришган ёки уларнинг аслзодаларини ўз бошқарув структурасига киритишга ҳаракат қилишган. Факат бу ҳолат тобеларнинг энг юқори қатламига мансуб аслзодаларигагина насиб қилган. Кўчманчи сиёсий уюшмалар ва давлат тузилмаларида ўлпончилик / тобелик муносабатлари устуворлик қилган муддатда уларда ҳар хил ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ҳамда турли манфаатларга эга бўлган икки имтиёзли қатлам мавжуд бўлди. Яъни бу икки имтиёзли қатлам – кўчманчиларнинг ҳукмрон гурухига мансуб аслзодалар ва тобеларнинг аслзодалари эди.

<sup>704</sup> Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности... – С. 388.

<sup>705</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 170, 351.

Худди шунга ўхшаш ҳолатлар ҳам Ғарбий Турк хоқонлигининг, ҳам Шаркий (Марказий) Турк хоқонлигининг ўз вассаллари ни бошқариш тартибида яққол кўзга ташланади. Хусусан, Узоқ Шарқдаги туркий ва гайритуркий (мўғул аслли) қабилалар: *кидан* (қорахитой), *моҳэ*, *шивей*, *кумоси* (қай / татаби) қабилалари тарихига доир хитой йилномаларида ажратилган бобларда қуидагича маълумотлар учрайди:

- 1) «(Шивэй) қабилаларидан бирортасининг хукмдори йўқ, ҳалқи камбағал ва заиф. Шу боис *түкюе* (турк)лар доимо уларни уч нафар *тудун* орқали бошқаришади» («Суйшу»); «(Шивэй) қабилалари бошқарувида ягона хукмдор мавжуд эмас, факат *моҳеду* (баҳодур) деб аталувчи йирик қабила бошликлари бор. Улар ўз кўчманчиларини бошқаришади, бироқ *түкюелар* нинг тобесидир» («Таншу»);
- 2) «(Кидан) қабилалари *түкюе* (турк)ларга қарам. Турк хоқони *Шаболо* (Ишбара: 582–587) Кидан қабилаларини бошқариш учун Панъҷжи исмли *тудун* (унвонли ноибн) юборди» («Суйшу»); «У (кидан)ларнинг хукмдори даҳэ уруғидан бўлиб, 40 минг айло даражадаги жангчига эга. Саккизта қабилага бўлинади ва ҳар бир қабила бошлиғи *түкюе* (турк)ларга тобе ва улар *сыцзин* (эркин) деб аталади» («Таншу»);
- 3) «Кумоси (кай)лар дастлаб *түкюе* (турк)га қарам эди, бироқ кейинчалик доимий равища кучайиб бордилар ва *жухэван*, *моҳэфу*, *цигэ*, *мугун* ва *шигэ* деб аталувчи бешта қабиладан иборат бўлдилар. Улардан ҳар бирининг бошида *сыцзин* (эркин) деб номланадиган ўз бошлиқлари бор» («Таншу»)<sup>706</sup>.

Ушбу маълумотлардан аён бўладики, Шаркий хоқонлик вассал қабилалардан баъзиларини *тудун*, баъзиларини эса эркин унвонига эга вакиллари орқали бошқарган. Юкорида ҳам келтириб ўтилганидек, вассаллар бошқарувида бу каби фарқлиликларнинг мавжудлигини тадқиқотчилар кучли қабилалар бошликлари *элтабар* унвонини, нисбатан кучсизлари эса эркин унвонини олишга ҳақли бўлганлиги билан боғлаб<sup>707</sup>, хоқонлик йирик вассал қабилалар бошлиқларига ва воҳа хукмдорликларнинг бошқарувчиларига *элтабар* унвонини тақдим қилган деб ҳисоблашади. Ҳақиқатан ҳам *элтабар* унвонли бошқарувчилар томонидан идора қилинган қабилалар таркибиғи назар ташласак, уларнинг аксарияти ўз даври сиёсий

<sup>706</sup> Материалы по истории древних кочевых народов ... – С. 136, 140, 143, 156–157, 163.

<sup>707</sup> Барфилд Т. Дж. Опасная граница... – С. 111.

ҳаётида фаол иштирок этган қабилалар бўлиб чиқади. Хусусан, қадимги турк битиктошларида «Аз элтабари», «Қарлуқ элтабари», «Үйгүр элтабари» каби иборалар хоқонлиқдаги нисбатан йирик қабилалар бошликлари билан боғлиқ равишда учраса<sup>708</sup>, хитой йилномаларида *хойху* (уйгур), *байегу* (байиркү)<sup>709</sup>, *пугу* (\*буғу), *тунло* (тўнгра), *хұнъ* каби йирик қабилалар бошқарувчилари *силифа* (элтабар) унвони билан тилга олинади<sup>710</sup>.

Дарвоқе, хоқонликдан кейин хукм сурган бир қатор туркий неғизга эга кўчманчи сиёсий уюшмаларда элтабар унвонининг бошқа унвонлардан фарқли ҳолда нисбатан кучлироқ қабила бошликлари томонидан ишлатилганини тасдиқлайдиган маълумотлар мавжуд. Жумладан, ўғуз қабилаларининг бошқарувчилари эркин унвонига эга бўлиб, улар орасида энг нуфузлиси элтабар унвонини қўллагани ҳакидаги маълумот бундан далолат беради<sup>711</sup>. Демак, эркин унвони хоқонлик томонидан нисбатан кичик қабила ва уруг бошқарувчиларига берилган. Бу «Таншу» йилномасида «*Киданлар саккизта қабилага бўлинади ҳамда ҳар бир қабила бошлиги тукюе* (турк)ларга *тобе ва улар сығин* (эркин) деб *аталади*»<sup>712</sup> шаклида маълумот учраши баробарида *доланге* (теленгут), *гулиган* (қуриқан) *бай-си* (\*урунг-қай) каби қабилалар *тукюеларга* бўйсунувчи *сыгин* (эркин)лар воситасида бошқарилиши қайд қилинишида ўз тасдигини топади<sup>713</sup>. Эҳтимол, нисбатан кичик қабилалар бўлгани боис улар бошқарувга эркин унвонли хоқонлик вакиллари масъул қилинган бўлиши мумкин.

Воҳа хукмдорликларида кам учрайдиган эркин унвонининг акси ўлароқ, элтабар унвони воҳалар бошқарувига алоқадор равища хитой, сүғдий, бактрий ва бошқа тиллардаги манбаларда нисбатан кўпроқ акс этадики, бу эса хоқонликнинг уларга фарқли статус

<sup>708</sup> Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 110, 130; Tekin T. Orhon Yazitları... – S. 75, 77.

<sup>709</sup> Күл Тегин битиктошида Байирку қабиласининг бошлиги Улуг Эркин шаклида учрайди (Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 108).

<sup>710</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 344, 345; Taşaǵıl, 1999:41–42, 43, 45, 47.

<sup>711</sup> Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности... – С. 314.

<sup>712</sup> Материалы по истории древних кочевых народов ... – С. 163.

<sup>713</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 346, 348, 349, 362.

берганлигидан дарак беради. Бу хитой йилномаларида учрайдиган «*Гарбий турклардан Түн ябгу-хоқон вассал (воҳа) ҳукмдорларига элтабар унвонини берди*» мазмунидаги маълумот асосида ўз тасдифини топади. Шу ўринда С. Г. Кляшторный томонидан шу маълумот асосида илгари сурилган «тобе воҳа ҳукмдорликлари бошқарувчиларига туркй унвонлар берилиши хоқонлик уларни ўз маъмурий иерархиясига киритганинг ифодасидир»<sup>714</sup> шаклидаги талқинини келтириб ўтиш жоиз.

Демақ, хоқонлик ўз вассаллари бўлмиш воҳа ҳукмдорликлари бошқарувчиларига элтабар унвони бериш - уларни ўз маъмурий иерархиясига киритганинг ифодалashi билан бирга, мавке жиҳатдан уларни йирик ва нуфузли кўчманчи қабила бошлиqlари билан тенг кўрганлигини ҳам кўрсатади деб ҳисоблаш мумкин. Шу ўринда 634–638 йилларда ҳукм сурган Гарбий турк хоқони Ишбара Телиши / Хилиши (Эл-Шер?) ўз қўл остидаги қабила ва уруғларни элтабар ва тудун унвонли амалдорлар воситасида бошқаргани «Син Таншу»да қайд этилганинги<sup>715</sup> ҳам эътиборга олиш лозим. Қисқаси, хоқонликнинг ўтроқлар ва кўчманчилар бошқарувида қўллаган усули моҳият жиҳатидан катта фарқ қилмаган.

Шу тариқа, хоқонлик таркибидағи вассалларни мавкеи жиҳатидан нисбатан кучли ва заиф гурухлардан иборат эди деб ҳисоблаш мумкин. Биринчиси «элтабарлик»лар бўлиб, ҳар бири ўз бошқарувчи сулоласига эга, асосан воҳа ҳукмдорликлари ва қисман кўчманчи сиёсий уюшмалар эди. Шарқий Туркистон (марказий қисми), Амударё–Сирдарё оралиги ва унга туташ худудлар, Шимолий Ҳиндистон, Хурсондаги ўтроқ воҳа ҳукмдорликлари, шунингдек, Қора денгиз, Шимолий Кавказ ва Волга–Урал бўйларида ярим кўчманчи қабила уюшмалари (*алан, булғор, хазар* ва х. к.)дан иборат эди.

Афтидан, Марказий Осиёда тарихан мавжуд бўлган давлатларда бўлгани каби Гарбий Турк хоқонлигига ҳам вассалларни бошқариш масаласида барча учун ягона усул қўлланилмаган кўринади. Чунки ўтроқ воҳалардан айримларида маҳаллий сулолалар ўз ўрнида қолдирилган бўлса, айримларида бундай сулолаларга барҳам бери-

<sup>714</sup> Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности... – С. 408.

<sup>715</sup> Chavannes E. Documents sur les... – P. 57–59; Erkoç H. İ. Eski Türklerde Devlet Teşkilatı... – S. 179.

либ, ўрнига Ашина хонадони вакиллари тайинланган эди. Аввало, бу мавжуд вазият ва эҳтиёж билан боғлиқ масала эди. Яъни бирор-бир тебе хукмдорлик қай тарзда бўйсундирилгани ва бўйсундирилиш арафасида қандай йўл тутилганига қараб янги хўжайин уларга бошқарувчи тайинлаган ёки эскиларини ўз ўрнида қолдирган. Бундан ташқари, вассал хукмдорликнинг ички ҳолати, бошқарувчи табақанинг янги хўжайнинг муносабатига қараб ҳам бошқарувчилар тайинланган бўлиши керак.

Хоқонликнинг вассалларни, айниқса, ўтрок вассалларни бошқаришдаги тажрибаси ва малакаси масаласида яна бир омилга тўхтасак. Кўпчилик тадқиқотчилар хоқонликдан аввал ўтган Хун, Сянби, Жуан-жуан, Те-ле каби кўчманчи давлат уюшмалири ёки қабила иттифоқларининг деярли барчаси Шарқий Туркистондаги воҳаларни эгаллашга интилганликларини, бунинг асосида эса иқтисодий эҳтиёжлар ётишини таъкидлайдилар<sup>716</sup>. Чunksи кўчманчилар нафақат дехқончилик маҳсулотлари, балки қуроляроғ таъминотида ҳам ўтрокларга эҳтиёж турдилар. Пировардида, уларнинг ўтрок дехқонлар билан битта давлат уюшмаси таркибида бўлиши доимо кўчманчи жамиятларнинг ўтроклар таъсирида тараққий этишларига олиб келган. Хоқонликнинг ўтрок воҳаларни эгаллашда айни йўлни тутиши асосида ҳам худди шундай иқтисодий манфаатлар ётган бўлиши табиий. Бироқ хоқонлик мазкур давлат уюшмалиридан фарқли ўлароқ, факатгина Шарқий Туркистон воҳалари билан чекланиб қолмасдан, ўз худудини янада кенгайтиришига нима сабаб бўлган эди? Фикримизча, бунинг асосида шу каби шартлар ётган: 1) Хоқонлик ўз ганимлари бўлмиш жуан-жуанларга батамом барҳам бериш мақсадида бўлиб бунга доир хитой ва юонон манбаларида ишоралар учрайди. Шу боис хоқонлик қўшинлари уларни таъқиб қилиб то Шимолий Қора денгиз бўйларигача етиб борди. Афтидан, хоқонлик Амударё–Сирдарё оралиғи, Шимолий Хиндистон ва Хурсондаги ўтрок воҳаларни эгаллаши замирида ҳам «Жуан-жуан душманлиги» ётган бўлиб, бу пайтда мазкур худудларда Эфталитлар давлати ҳукмронлик қиласидан ўз навбатида улар Жуан-жуанларнинг иттифоқчиси (эҳтимол, фарбий қаноти) ҳолатида эди. Шу сабабли Турк хоқонлиги ушбу давлатга барҳам

<sup>716</sup> Малявкин А. Г. История Восточного Туркестана... – С. 297–351.

бергач, унинг таркибидаги ўтрок ҳудудларда ҳоким бўлиб қолади; 2) Хоқонлик асосчилари ўзлари каби асли кўчманчи муҳитдан чиқиб, ўтрок воҳаларнинг ички ҳудудларигача силжиган ва у ерларда ўз давлатини ташкил қилган Кушон, Хионит, Кидарит ва Эфталитлар мозийисидан хабардор эди ва уларнинг анъаналарини давом эттирган ҳолда, ўз ҳудудини улар қўл остида бўлган ҳудудлар устида барпо этишга интилади.

#### **4. 3. 3. Вассаллар бошқарувида қўлланилган усул ва воситалар**

**1) Бевосита ва билвосита бошқарув.** Ғарбий Турк хоқонлигининг вассалларни бошқарувдаги қўллаган усул ва воситаларни аниқлаш учун кўпроқ воҳа давлатларига доир маълумотлар акс этган хитой йилномаларига мурожаат қилиш зарур бўлади. Аввало, хоқонликнинг воҳа ҳукмдорликларини қай шаклда, қандай усул ва воситалар орқали бошқаргани, умуман, хоқонлик ва унинг вассаллари орасидаги муносабатлар моҳиятини таҳлил қилишдан олдин масалага бевосита алоқадор баъзи омилларга тўхталиб ўтсак.

Милоддан аввалги сўнгги мингийиллик ўрталаридан то милодий бир мингийиллик ўрталаригача бўлган узок вакт мобайнида хоқонликдан олдин Марказий Осиёда Скиф-Сак, Юечжи, Хун, Қанғ, Усун, Кушон, Хионит, Кидарит, Эфталит, Жуан-жуанлар каби на-вбатма-навбат ҳукм сурган катта-кичик давлат уюшмаларининг аксарияти дастлаб кўчманчи муҳитда шаклланиб, кейинчалик мазкур минтақадаги ўтрок воҳалар устидан ўз ҳокимиятини ўрнатганишгани маълум. Гарчи уларнинг воҳалар устидан ҳукмронлиги қандай бўлганини батафсил ёритувчи манбалар учрамаса-да, баъзи ёзма маълумотлар мазмуни, шунингдек, Шарқий Туркистон, Амударё-Сирдарё оралиғи ҳамда унга туташ ҳудудлардаги мавжуд воҳа ҳукмдорликларидан бир қанчасининг милод бошлариданоқ ўз танга-пулларини зарб қилдиришгани каби омиллар шуни кўрсатадики, улар маълум маънода ўз ички бошқарувларида мустақил бўлишган.

Афтидан, бу ҳолат хоқонликнинг воҳа ҳукмдорликларини ўз қўл остига олган дастлабки йилларда ҳам давом этган кўринади. Боиси, VI аср 60- йилларида хоқонлик Эфталитлар давлатига зарба берга-

ни ва унинг кўл остидаги ҳудудларни қўлга киритганига доир хитой ва юонон манбаларида маълумотлар учраса-да, бироқ шу асрнинг охирларигача унинг бирор-бир воҳа ҳукмдорлиги бошқарувига аралашгани ёки бирорта маҳаллий сулолани ўз бошқарувидан маҳрум қилгани маълум эмас. Ҳар ҳолда, хоқонлик дастлабки йилларда уларнинг ички бошқарувига аралашмасдан ўлпон олиб туриш билан чекланган кўринади. Ўлпончилик масаласи манбаларда батағсил ёритилмаган бўлса-да, баъзи маълумотлар асосида вассалларнинг ўз хўжайинларига йилда бир маротаба хирож юбориб турганликлари, ўлпон йиғиш эса марказдан – хоқонлар томонидан юборилган *тудун* унвонли вакиллар томонидан назорат қилиб борилганини тахмин қилиш мумкин. Асосий вазифаси «тобе ўлкалар бошқарувчилари устидан назорат қилиш ва солик йиғишни ташкил қилиш»дан иборат бўлган *тудунлар*, аслида, хоқонларнинг ўз вассаллари устидан тайинлаган вакиллари – ноиблар бўлиб, бундай анъана айнан қаҷон жорий қилингани унчалик аниқ эмас. Шунга қарамай, хитой йилномаларида Тун ябғу-хоқон (618–630) ўз вассалларига *силифа* (элтабар) унвони бергани ва уларнинг назоратига бир нафардан *тутунъ* (тудун) жўнатганининг қайд этилишига асосланиб<sup>717</sup>, кўпчилик тадқиқотчилар айнан 620- йиллардан бошлаб *тудун* – ноиб юбориш усули йўлга қўйилган деган фикрга келишган.

Аслида, хоқонлик 560- йилларда ўз вассалларига эга бўлган даврдан ёки ундан сал кейинроқ, ушбу усулни қўллай бошлаганини тасдиқлайдиган айрим далиллар мавжуд. Тахминан 577 йилда тузилган Гаочан (Турфон)га тааллуқли хитойча бир ҳужжатда ушбу ҳукмдорликка алоқадор хитойча ва маҳаллий унвонлар билан бирга туркий *тудун* унвони ҳам учрайди<sup>718</sup>. Шунингдек, ҳужжатлар орасида 599 йили ёзилган диний бир матнда Гаочан ҳукмдорининг унвони *силифа* шаклида учраса, VI аср охирги йилларига оид бошқа бир ҳужжатда эса хоқон томонидан Гаочангага юборилган *тудун* ва унинг маъмури ҳақида гап боради<sup>719</sup>. Ж. К. Скэфф таъбири билан айтганда,

<sup>717</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 283; Taşgil A. Gök-Türkler. – Ankara, 1995. – S. 92.

<sup>718</sup> Sarıtaş E. Göktürk Kültürüünin Gaochanglılara etkileri üzerine bazı bilgiler // XV. Türk Tarih Kongresi, Ankara, 9–13 Eylül 2002. Kongreye sunulan Bildiriler. Cilt III. – Ankara, 2005. – S. 477.

<sup>719</sup> Skaff K. J. Western Turk Rule... – P. 366.

мазкур маълумотлар «хоқонликнинг ушбу тизими хитой манбалари ишонтиришга ҳаракат қилган санадан анча олдин, энг камида Гаочан ҳукмдорлигига нисбатан қўлланилганига доир далил» бўлиши баробарида «Тун ябгу-хоқон ҳукмронлиги давридан 20 йилча аввал жорий қилинганидан далолат беради»<sup>720</sup>. Ҳақиқатан ҳам, элтабар Гаочан ҳукмдорлари унвони сифатида, *тудун* эса улар устидан назорат қиласидан амалдорнинг унвони сифатида учраши ва Тун ябгу-хоқон ўз вассалларига элтабар унвонини бериб, назорати сифатида *тудун* жўнатгани воқеалари орасидаги яқин ўхшашлик, бу усул хоқонликнинг ilk пайтларида ёк йўлга қўйила бошлаган деган мазмунидаги фикрга асос беради (қаранг: илова XIII).

Бинобарин, элтабар унвони хоқонлик бошқарув тизимидағи юқори даражали унвонлардан бири бўлиб, бу сўз қадимги туркий тилда лугавий жиҳатдан «бошқарувга, давлатга, элга эга» деган маънени билдирган<sup>721</sup>. Бир қатор тадқиқотчилар Ўрхун битиктошларида айрим қабила бошқарувчилари *хоқон* унвонида, баъзилари эса элтабар унвонида учрашига асосланиб таъкидлаганларидек, қадимги туркий давлатчиликда кучли сиёсий уюшмага эга йирик қабилалар иттифоки учун *хоқонли будун / ҳалқ*, ундан қўйироқ даражадагиларга эса элтабарли будун иборасини ишлатиш анъанаси мавжуд бўлган. Агар шу ҳолат ҳисобга олинса, хоқонлик томонидан вассал воҳа ҳукмдорликларига ҳам «элтабарли будун» сифатида қаралгани маълум бўлади. Зоро, хитой йилномаларида «*У (турк)ларнинг унвонлари ябгу, шад, тегин. Ушбу унвонларга хоқоннинг ўғли, ога-инилари ва бошқарувчи хонадон аъзолари эга бўлишади.* Эркин, кул-чўр, йен-хунта?, элтабар, тудун, ссу-чин ва бошқа лавозимларга ҳамма тайинланиши мумкин» ва «*Тун ябгу-хоқон Farbdagi ўлкалар ҳукмдорларига элтабар унвони берди*» шаклидаги маълумотлар ушбу унвоннинг айнан қандай вазифани бажаргани ва туб моҳиятини очиб беради»<sup>722</sup>.

Шу ўринда, хоқонликнинг ўз вассалларини бошқариши билан боғлиқ бошқа бир масалага тўхталсак. Мана бир асрдан ортиқ вақт ўтибдики, аксарият тадқиқотчилар «Турк хоқонлиги бутун тарихи давомида ўтроқ ҳукмдорликлардан факат ўлпон олиб турган бўлиб, уларнинг бошқарув ишига аралашмаган» мазмундаги фикрни

<sup>720</sup> Skaff K. J. Western Turk Rule... – P. 366.

<sup>721</sup> Togan İ., Kara G., Baysal C. Çin kaynaklarında Türkler... – S. 85.

<sup>722</sup> Taşağıl A. Gök-Türkler. I, 2. Baskı. – Ankara, 2003. – S. 107.

ҳозиргача такрорлаб келишмоқда<sup>723</sup>. Аслида, хоқонлик даврининг фақат бир қисмига тегишли бўлган бу фикр, гўё унинг бутун даври учун ҳам хосдек қабул қилинган шекилли, баъзи истисноларни ҳисобга олмаганда, кўпчилик тадқиқотларчилар айнан шу фикри тақрорлайдилар. Шунга қарамай, баъзи тадқиқотларчилар хоқонлик ўз вассалларини улус сифатида Ашина хонадони аъзоларига – шаҳзодаларга тақсимлаб берган деб таъкидлашади ва Чочни дастлаб Тардунинг, кейинчалик Шегуй шаднинг, Бухорони Янг-су тегин ва Нишу Гана шаднинг чекига тушган улус сифатида таърифлашадики, бу давр VI аср сўнгти чораги – VII аср биринчи ярмига тўғри кела-ди<sup>724</sup>.

Шунингдек, 590- йилларда Суғдга ва Тўхористонга хоқонлик томонидан юборилган вакиллар айнан *тегин* унвони билан учраши назарда тутилса<sup>725</sup>, мазкур ўлкаларга ҳам улус тизими жорий қилинмадимикин деган савол келиб чиқади. Агар «Таншу» йилномасида «[Хоқоннинг] ўғиллари ва оға-инилари «тегин», ўз ҳукми остидаги аскарлар билан бошқа қабилаларни идора қилувчи [тегинлар]нинг ҳаммаси «шад» деб аталарди»<sup>726</sup> шаклида келтирилган маълумотдан келиб чиқилса, бу масала анча-мунча ойдинлашади. Яни деярли айни йилларда Чоч, Суғд ва Тўхористонда *тегин* унвонли вакилларининг бир муддат фаолият юритишлари хоқонлик томонидан унга тобе воҳа хукмдорликлари бошқарувида ҳам улус тизимини жорий этишга уриниш бўлган мазмунидаги тахминга имкон беради.

Агар юқорида кўриб ўтилганидек, хоқонлик VII аср охирги чорагида Чоч, Бухоро, Суғд ва Тўхористонга ўхшаб бошқа воҳаларнинг ҳар қайсисига бирор нафар *тегин* ёки *шад* унвонли

<sup>723</sup> Gibb H. Orta Asya'da... – S. 4–9; Массон В. М. Ромодин В. А. История Афганистана. Том I. С древнейших времен до начала XVI века. – М., Наука, 1964. – С. 218; Хидоятов Г. А. Менинг жонажон тарихим. – Т., 1992. – С. 76–78; Аскarov А. Некоторые вопросы истории становления узбекской государственности // Общественные науки Узбекистана. – Ташкент, 1997. – № 3–4. – С. 65–76.

<sup>724</sup> Markwart J. Wehr und Arang. Untersuchungen zur mythischen und geschichtlichen Landeskunde von Ostiran. – Leiden, 1938. – S. 14; Гумилев Л. Н. Древние тюрки... – С. 115, 132.

<sup>725</sup> Liu Mau-Tsai. Die chinesischen Nachrichten... – S. 56; Taşağıl A. GökTürkler. – Ankara, 1995. – S. 88.

<sup>726</sup> Togan İ., Kara G., Baysal C. Çin kaynaklarında Türkler... – S. 80.

вакил жүннатганини тасдиқлайдиган маълумотлар мавжуд бўлганда эди, масала ойдинлашарди. Ҳозирча шуни айтиш мумкинки, гарчи воҳа ҳукмдорликлари хоқонлик томонидан бирорта шаҳзодага улус қилиб берилган ёки аксинчалигидан қатъий назар, уларнинг аксариятида маҳаллий сулолалар ўз бошқарувини давом эттирган кўринади. Эҳтимол, хоқонлик илк кезларда ўтроклар бошқарувида ҳам кўчманчиларга қўллаган усул – ҳар бир қабила идорасида уларнинг ўзларидан бўлган бошлиқни ўз ўрнида қолдириш баробарида уларни бирор тегинга «улус» сифатида ажратиб бериш усулини кўллашга уриниб кўргандир.

Хоқонлик ва унинг вассаллари бошқаруви билан боғлиқ бошқа бир масала шуки, баъзи тадқиқчиларга кўра «хоқонлик даврида Мовароуннаҳр ва Хурсонда бир қатор туркий унвонлар учраши – бу муайян бир тартиб билан боғлиқ бўлмасдан, аксинча, баъзи маҳаллий ҳукмдорларнинг туркий унвонларга эга бўлиши «давр модаси» билан алоқалидир»<sup>727</sup>. Агар бу даврда вассал воҳа ҳукмдорликларида туркий унвонларнинг учраши бирор қоида ёки тартиб билан боғлиқ эмас, шунчаки тасодиф ёки «давр модаси» бўлганда эди, хоқонликка хос унвонларни тобе бошқарувчилардан ҳар қайиси ўзи хоҳлаган унвонни қабул қилган бўларди ва бу борада муайян тартиб кўзга ташланмаслиги керак эди. Аксинча, воҳа ҳукмдорликлари бошқарувида учрайдиган туркий унвонлардан ҳар қайиси хоқонлик иерархиясида қандай қўлланилган бўлса, шу тартибга асосланган ҳолда даражасига қараб ишлатилганга гувоҳ бўламиз. Бунинг мисоли Тўхористонда хоқонликка хос ябгу-шад / тегин-тудун / тархон ёки Чочда тегин-элтабар-тудун-тархон шаклидаги унвонлар қўлланилиб, улар даражасига кўра юқори ёки қуий мавқеда бўлгани ўз ифодасини топади (*қаранг*: илова XIII).

Ушбу масалага қисман тааллуқли яна бир фикрга кўра эса хоқонликнинг бошқарувига хос энг олий даражали унвон *хоқон*, гўёки VII аср охирлари–VIII аср биринчи ярмида баъзи воҳа ҳукмдорликларида ҳам қўлланилган. Ҳусусан, Э. В. Ртвеладзе *хоқон* унвони билан зарб қилинган лангарсимон тамға ва тия тасвирили Чоч тангаларини таҳлил қилиб, шу фикрни олға суради: «Қуйироқ даражадаги тегин, тудун ва бошқа унвонлардан фарқли ҳолда хоқон унвони дастлаб милодий VI–VII асрларда фақат Турк хоқонлигининг

<sup>727</sup> Gibb H. Orta Asya'da... – S. 5–7; Stark S. Nomaden und Seßhafte... – S. 389.

бош хукмдорларига тааллуқли бўлган. Кейинчалик у ўзининг аввали мазмунини йўқотган ва милодий VII аср охири–VIII аср бошларига келиб, ҳатто, майда хукмдорлик бошқарувчилари ҳам ўзларини хоқон деб атай бошлаганлар»<sup>728</sup>. Бироқ ёзма манбалар на бу даврда, на ундан олдин ёки кейинги даврларда бирорта кичик воҳа хукмдорининг ўзини хоқон деб атагани ҳақида маълумот бермади. Ҳолбуки, айнан шу даврда Амударё–Сирдарё оралиғига араб истилоси хавф солиб тургани муносабати билан турк хоқонлари мазкур худуддаги деярли барча воҳаларга тез-тез ташриф буюриб туришган. Буни араб ва сүфдий тилдаги манбаларда хоқонларнинг Чоч, Фарғона, Суғд, Бухоро, Тўхористон хукмдорларига бошчилик қиласланган ҳолда арабларга карши биргалиқда курашганини кўрсатувчи маълумотлар тасдиқлайди<sup>729</sup>. Бинобарин, хоқонлар бу ерларда бўлиб турган бир пайтда қандайдир бир майда хукмдорлик бошқарувчисининг «ўзини хоқон деб атай бошлаши» ёки шунга журъат қилиши мумкин эдими?! Аслида, Чочда зарб этилган мазкур тангалар Фарбий турк хоқонларига тааллуқли эканлигининг аниқланиши<sup>730</sup> бу масалани ҳал этди деб хисоблаш мумкин.

Эътироф этиш керакки, кейинги йилларда хоқонлик ва унинг вассаллар бошқаруви масаласида аввалгилардан фарқли ёндашилган тадқиқотлар пайдо бўла бошлади. Шу масалада америкалик тадқиқотчи Ж. К. Скэфф илгари сурган қуйидаги фикрлар диққатга сазовордир: «Фарбий турклар ва уларнинг таркибидағи қабилалар ҳамда тургашлар каби ворислари VI асрдан то VIII аср гача Туркистон яни Амударё–Сирдарё оралиғи, шарқий Туркистоннинг ўтрок ҳаёт кечирадиган воҳаларини бошқарганлар. Ушбу туркий халқлар, асосан, дашт минтақасида яшайдиган чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли бўлишига қарамасдан, Туркистоннинг зироатчи воҳаларини назорат остида тутишга ҳаддан зиёд эътибор қаратганлар. Фақат уларнинг Туркистонга ҳоким бўлиш истаклари нинг сабаблари ва шу мақсадда улар томонидан шакллантирилган бошқарув масаласи ханузгача етарли даражада ёритилмаган»<sup>731</sup>. Скэффнинг фикрича, хоқонлик Туркистондаги воҳаларни қуйидаги

<sup>728</sup> Ртвеладзе Э.В. История и нумизматика Чача... – С. 92.

<sup>729</sup> Согдийские документы... II. – С. 80–85.

<sup>730</sup> Бабаяров Г. Древнетюркские монеты..., С. 20, 35.

<sup>731</sup> Skaff K. J. Western Turk Rule... – P. 364.

2 усулда бошқарган: **1)** бевосита (тўғридан-тўғри) бошқарув; **2)** билвосита бошқарув. Тадқиқотчининг фикрича, бевосита бошқариш хоқонликнинг ҳукмдор сулоласига мансуб вакилларнинг бирор воҳа бошқарувига тайинланишида кузатилади; бунга Тўхористон, Фарғона ҳамда Чочни мисол келтириш мумкин. Бошқарувнинг бундай шакли бирор-бир аниқ қоида билан боғлиқ бўлмай, балки истисно эканини таъкидлаган Скэфф, хоқонликнинг билвосита бошқарувини қуидагича таърифлайди: «Бу даврда энг маъқул усул маҳаллий элитанинг ўзларига қарашли ўтрок воҳаларда аввалги мавқеларини сақлаб қолишларига рухсат берилишидир. Маҳаллий ҳукмдорлар ўзининг ўтрок табаа (аҳоли)сидан йиққан **солиқ ва хирожларни ҳукмрон кўчманчиларга етказиб беришга масъул** во-ситачи ролини ва хизматини ўз зиммаларига олган эдилар. Бундай тизимнинг яққол мисоли «Таншу»да Тун ябғу-хоқон фаолиятига доир келтирилган «*Farбий ўлкалар ҳукмдорларига элтабар унвонини берди ҳамда назорат қилиши ва солиқлар йигинини текшириб туриши учун ҳар бирига алоҳида тудун юборди*» мазмундаги маълумотларда кўзга ташланади»<sup>732</sup>.

Гарчи ушбу тадқиқотчи ўз фикрига далил сифатида баъзи мисоллар келтирса-да, уларнинг таҳлилига чуқур тўхталмайди ва бу масалани кўпроқ Гаочан (Турфон) мисолида кўриб чиқади. Шунингдек, унинг баъзи қарашлари етарлича асосланмаган. Аввало, унинг Чоч, Фарғона ва Тўхористонда хоқонлик билан боғлиқ туркий сулолалар ташкил топиши бу ерларда кўчманчилар учун мос яйловлар мавжуд бўлгани билан боғлиқ мазмунидаги фикрига тўлақонли қўшилиб бўлмайди. Мазкур худудларда хоқонликка алоқадор сулолаларнинг пайдо бўлиши замирида бошқа сабаблар ётишини таъкидлаган холда айтиш мумкинки, бу вақтда нафақат ушбу уч регионда, балки Бухоро, Панч (Суғд), Кобул ва яна бошқа жойларда ҳам туркий сулолалар ташкил топган эди. Шунингдек, Амударё-Сирдарё оралиғи ва Шарқий Туркистондаги деярли барча воҳаларнинг муайян қисми яйловлардан иборат эди.

Бундан ташқари, тадқиқотчининг Чоч воҳасида 605 йили Тегин Тянҷжи томонидан туркий сулолага асос солингани ва унинг авлодидан бўлган сулола вакилларининг VIII аср ўрталаригача ҳукм суриш-

<sup>732</sup> Skaff K. J. Western Turk Rule... – P. 366.

лари мобайнида доимий равишда *түдүн* унвонига эга бўлганликлари ҳақидаги фикри ҳам баҳслидир<sup>733</sup>. Аслида эса қарийб 150 йилча Чочни бошқарган *Тегинлар* сулоласига мансуб ҳукмдорлар доимо *тегин* унвонинидан фойдаланишган, *түдүн* эса Чочдаги бошқа бир туркий сулолага тегишили бўлган<sup>734</sup>.

Энди хоқонлик ва унинг вассаллари орасидаги муносабатларнинг кейинги босқичи таҳлилига ўтсак. Асосан, хитой йилномалири ва қисман бошқа манбалардаги маълумотлар мазмуни шундан дарак берадики, VII аср бошларига келга, Фарбий турк хоқонлари томонидан бир катор воҳаларнинг бошқарувчи сулолаларига барҳам берилиб, улар ўрнига Ашина хонадони вакилларини тайинлана бошлиди. Жумладан, 605 йилда хоқонлик бошқарувида *шад* мартабасида бўлган Шегуй (611–618) Чочнинг маҳаллий ҳукмдорини ўлдиртириб, бу ерни ўз тасарруфига олади ва воҳанинг бошқарувига Теле Тянчжи (*турк. Тегин Тянчжи*) исмли шаҳзодалардан бирини тайинлайди<sup>735</sup>. «Таншу» йилномасида келтирилишича, 609 или Тянчжи Чочда туриб, Хитойга элчи юборади. Демак, мазкур шаҳзода бу пайтга келиб Чоч ҳукмдорига айланган ва бу ердан туриб ўз элчиларини юбориш ҳуқуқига эга бўлган. Шунингдек, хитой манбаларида Чоч ҳукмдорларидан бири *шад* унвонли бир эслатилиши (Шу-жу шад; 657 й.), 740- йилларда эса Хитойга бир неча бор ўз элчиларини юборган Чоч ҳукмдорининг *тегин* унвонида тилга олиниши, воҳада хоқонлик билан алоқали *Тегинлар* сулоласи ташкил топганидан дарак беради. VII–VIII асрлар мобайнида воҳада зарб қилинган мис тангаларнинг бир неча типида сүғдий ёзувида *tk'up c 'sunk xwβ* («Чоч ҳукмдори Тегин») иборасининг учраши ҳам бу даврда Чочни *Тегинлар* сулоласи бошқарганини яна бир бор тасдиқлайди<sup>736</sup>. Афтидан, ушбу сулоланинг асосчиси мазкур Тегин Тянчжи бўлган.

Шунингдек, «Таншу» йилномасида 640–750 йиллар орасида воҳани бошқарган 4 нафар Чоч ҳукмдори *түдүн* унвонида учраши<sup>737</sup>, А–14 рақамли сүғдий ҳужжатда (720- йиллар) *tðwn* унвонли

<sup>733</sup> Skaff K. J. Western Turk Rule... – P. 365.

<sup>734</sup> Бабаяров Г. Древнетюркские монеты..., С. 52, 56–62.

<sup>735</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 313; Chavannes E. Documents sur les... – Р. 141.

<sup>736</sup> Бабаяров Г. Древнетюркские монеты..., С. 40–50.

<sup>737</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 313–314.

шахс Чоч билан алоқали сиёсий масалаларни ҳал қилувчи амалдор сифатида тилга олиниши<sup>738</sup>, Табарий асарида «*Тудун малик аш-Шош*» («Шош хукмдори Тудун») ибораси қайд этилиши<sup>739</sup>, Беруний эса «тудун» сўзини Шошнинг қадим хукмдорлари унвони тариқасида кўрсатиши<sup>740</sup>, айнан *Тегинлар* сулоласи билан деярли бир вақтда воҳада *Тудунлар* сулоласи мавжуд бўлганидан дарак беради. Зотан, VII–VIII асрларга тааллукли тангаларда *tōwn c'synt xwβ* («Чоч хукмдори Тудун») иборасининг учрашининг ўзиёқ бу фикрни тасдиқлайди.

Дарвоқе, хитой йилномаларида Чоч Тегинлари тўғридан-тўғри *Ши-го ван* («Чоч давлати хукмдори»), Тудунлар эса баъзан *Ши-го Фу-ван* («Чоч давлатининг хукмдор муовини») шаклида тилга олиниши<sup>741</sup> биринчисининг бош сулола, бошқасининг эса иккинчи даражали сулола бўлганидан дарак беради. Шунга қарамай, 640–750 йиллар мобайнида Чоч билан боғлиқ сиёсий воқеаларда тегинлар эмас, ҳал қилувчи шахслар сифатида доимо тудунлар иштирок этиши, уларнинг Чоч ҳокимияти жиловини ўз кўлларига олганини кўрсатади. Бу хоқонларнинг вассаллар назоратига бевосита тудунларни масъул килганликлари билан боғлиқ бўлса керак.

Шу ўринда хоқонлик Чоч воҳаси бошқарувига шаҳзода – тегинларни тайинлаб, бу ер бошқарувини бевосита ўз кўлига олган бўлса, унда бу ерга тудун жўнатишга зарурат бормиди деган савол туғилади. Юқорида кўриб ўтилганидек, Чоч воҳаси бошқарувига масъул шаҳзодалар бу ернинг бошқарувчи сулоласи вакиллари сифатида Хитойга ўз элчиларини юборишгани ва танга-пул зарб қилдира бошлашгани уларнинг ўз ички бошқарувида маълум маънодаги мустақиллигини ифода этарди. Хуллас, Чоч Тегинлари хоқонлик наздида бошқа вассал хукмдорликлардан унча фарқ қилмайдиган маҳаллий хукмдорларга айлануб улгурган чофи, хоқонлар эндилиқда ушбу сулола вакилларига *элтабар* унвони бериш билан бирга, уларни назоратда тутиб туриш мақсадида *тудун* унвонли ўз вакилларини

<sup>738</sup> Согдийские документы... II, – С. 82–83.

<sup>739</sup> История ат-Табари... – С. 269.

<sup>740</sup> Абу Райхан Бируни. Памятники минувших поколений / Перевод с арабского и примечания М.А. Салье // Бируни. Избранные произведения. – Т. I. – Т.: АН Уз ССР, 1957. – С. 111

<sup>741</sup> Chavannes E. Documents sur les... – P. 142; 1904:67, 69–70, 74, 92.

жўнаташган. Бу фикр Чоч Тегинларига тааллуқли тангаларда с'сунк үвбв tk' rytpyr («Чоч хукмдори Тегин?-Элтабар») жумлаларининг учрашида ҳам ўз тасдигини топади<sup>742</sup>.

Шунингдек, баъзи бир далиллар 605 йили Чочнинг маҳаллий хукмдори ўлдирилган бўлса-да, хоқонлик бу ердаги маҳаллий сулола фаолиятига чек қўймаганидан дарак беради. Гарчи улар *Тегин* ёки *Тудунлар* сулолалари билан тенг мавқеда бўлмаса ҳам, ўз ҳокимиятини номигагина давом эттирган кўринади. Чунончи, VI–VIII асрларга тааллуқли Чоч тангаларининг катта бир қисми *Тегинлар* (ঢ) ва *Тудунлар* (ঢ) сулоласи тангаларидан фарқли тамгалар (ঢ) билан зарб қилинган бўлиб, уларнинг баъзи типларида с'сунк хвб («Чоч хукмдори»), баъзиларида эса фақат хуеву («хукмдор») сўзи учрайди<sup>743</sup>. Ушбу тангаларнинг биринчи типи маҳаллий сулола томонидан воҳада *Тегинлар* сулоласи ташкил топгунгача чиқарилган, иккинчи типи эса мазкур маҳаллий сулоланинг аввалги мавқеи қўлдан бой берилган пайтда зарб қилинган бўлиши эҳтимоли юқорироқ. Балки А–14 рақамли суғдий хужжатда *тудун* унвонли амалдор билан бирга Чоч хукмдори сифатида тилга олинган шахс (с'сунк хвб) ушбу сулола вакили бўлгандир. Мазкур хужжатнинг бош сатрларида с'сунк хвб ҳакида баҳс юритилса ҳам кейинги сатрларида воҳанинг сиёсий ишларини ҳал қилувчи шахс сифатида фақат тудун тилга олинадики, бу эса амалдаги ҳокимият ушбу сулола вакилларида бўлмагани билан боғлиқ эмасмикин мазмунидаги фикрга туртки беради.

Фарбий турк хоқонлари Чочда бўлганидек, ўзларининг марказий ҳудуди – Еттисувга жануби-гарбдан қўшни бўлган Фаргона ҳукмдорлиги бошқарувига ҳам яқиндан аралаша бошлайдилар. Жумладан, «Таншу» ийлномасида қайд этилишича, Чжен-гуань даврида (627–649) Фарбий турклардан *Ган Моҳэду* (\*Тўн Баҳодур), *Боҳанна* (Фаргона)нинг *Киби* исмли ҳукмдорин ўлдиргани ва ҳокимият *Ашена Шуни* исмли шахс кўлига ўтган<sup>744</sup>. Бир қатор тадқиқотчилар ушбу шахсни Фарбий Турк хоқонлигига мансуб шаҳзода деб ҳисоблашади<sup>745</sup>. Йилномада келтирилишича, Ашена Шунинг

<sup>742</sup> Бабаяров Г. Древнетюркские монеты..., – С. 48, 49.

<sup>743</sup> Бабаяров Г. Древнетюркские монеты..., – С. 75, 76.

<sup>744</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 319.

<sup>745</sup> Chavannes E. Documents sur les... – Р. 148.

ўлимидан кейин ўғли Йебочжи ҳокимиятни қўлга олиб, марҳум Кибининг қариндоши Аляоцан хукмдор қилиб тайинланади. Йебочжи Гіесай (Косон) шахрида, Аляоцан эса Ху-мин (Куба?) шахрида туриб фаолият юрита бошлашади. Шундан кейин 656 йили Йебочжи Хитойга совға-саломлар билан элчи юборгани қайд этилади<sup>746</sup>. Демак, бу пайтда Фарғонада келиб чиқиши ҳоқонларга тақалувчи сулола ташкил топган бўлиб, ҳоқонлик водийни бевосита ўз вакиллари орқали бошқара бошлаши баробарида маҳаллий сулоланинг фаолиятига барҳам бермаган.

Водийдаги Ашина сулоласи вакиллари ўз мавқеини анчагача сақлаб қолишади. Хусусан, хитой сайёхи Хой Чао (726 й.) Фарғонада иккита ҳокимият мавжудлиги, бири Сирдарё шимолида Түкюе (турк)лар ҳокимияти (маркази Косон), жанубида эса Даши (араб)лар бошқаруви борлиги ҳақида маълумот беради<sup>747</sup>. «Ташу» ийлномасидан маълум бўлишича, Фарғонани 738–751 йиллар давомида Асиланъ даганъ-чжсу (Арслон тархон-чўр) исмли туркий ҳукмдор бошқаради<sup>748</sup>. Ушбу ҳукмдордан олдинги ва кейинги бир неча Фарғона ҳукмдорлари исмининг таркибий қисми сифатида ҳоқонликка хос чўр унвони учраши ҳам диққатга сазовордир. Жумладан, Табарий ўз асарида қароргоҳи Исфарада жойлашган таҳтовориси Балаза ҳақида ёзиган, у кейинчалик Фарғона ҳукмдори бўлган Журнинг отаси эканини қайд этади<sup>749</sup>. Мазкур исм аслида туркий чўр унвони билан алоқадор бўлиши мумкин.

Айни пайтда, VII–VIII асрларга тааллукли Фарғона тангларида «ҳоқон» унвони билан бирга, Турк ҳоқонлиги тамғасига (ፊ) ўхшаш архар шаклли тамға жой олган (ሃ). Бу, ҳар ҳолда, водийда Ашина хонадонининг бир тармоғи ҳукм сургани билан алоқалидир. Мазкур тангларнинг ўртаси квадрат шаклда тешилган бўлиб, Ўрта Осиёда бу типдаги тангларни зарб қилиш анъянаси, асосан, Фарбий Турк ҳоқонлигининг Хитойга бир муддат қарам бўлиб қолган пайтидан, аникроғи, 650- йиллардан бошлаб кенг ёйилган эди. Демак, Фарғонадаги ҳоқонликка алоқадор сулола вакиллари шу пайтдан эъ-

<sup>746</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 319.

<sup>747</sup> Бернштам А. Н. Турки и Средняя Азия... – С. 193.

<sup>748</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 319; Chavannes E. Documents sur les... – Р. 149.

<sup>749</sup> История ат-Табари... – С. 185.

тиборан хитой тангларига тақлидан танглар зарб қилдира бошлашади. Бунгача Фарғонада ҳам Чочда босиб чиқарилган Фарбий Турк хоқонлиги тангларига иконографик жиҳатдан яқин ўхшашликка эга танглар зарб қилдирилган бўлиб, тамға шакллари уларнинг водийни бошқарган Ашина сулоласига оидлигини тасдиқлайди. Шунингдек, асли фарғоналиқ бўлган Миср Ихшидийлари сулоласи (935–969) хукмдори **Туғуч ибн Чук ибн Йелтегин Ахшид ибн Фурон ибн Фури ибн Хоғон** шажарасида **Бурон**, **Бўри** каби туркий исмлар билан бирга, **Йелтегин**, **Хоқон** сингари исмлар (аслида унвонлар) учрайдики<sup>750</sup>, бу эса Фарғона хукмдорларининг келиб чиқиши Фарбий турк хоқонларига тақалади деган тахминни янада кучайтиради.

Гарчи Чочдаги каби Фарғонада ҳам Ашина сулоласи қарор топган бўлса-да, хоқонлик бу ерни ўз назоратида тутиб туриш учун бошқа воситалардан фойдаланган кўринади. Чунончи, Ашина сулоласидан алоҳида *тутуқ*, *тархон* ёки *чўр* унвонли Фарғона хукмдорлари ҳам учраб, улар хоқонлик хонадонига бевосита алоқали бўлмасдан, унга билвосита алоқадор бошқа бирор туркий қабилага мансуб бўлишлари мумкин. А–14 рақамли сүғдий ҳужжатда *βry'n'k twttk* («Фарғона тутуғи») иборасининг учраши эса хоқонликнинг бу ерни бошқаришда ўз хонадон вакилларидан кўра кўпроқ ноиб вазифасидаги *тутуқлар* хизматидан фойдалангани билан боғлиқдир. *Тутуқ* унвони хоқонлик бошқарув тизимида, асосан, ҳарбий маъмурият бошлиғига нисбатан кўлланилганини назарда тутадиган бўлсак, Фарғонадаги ҳам Ашина сулоласини, ҳам маҳаллий сулолани назоратда тутиш учун водийда *тутуқлик* хизмати жорий қилинган бўлиб чиқади. Хусусан, бу уларнинг хоқонларга бевосита даҳлдор амалдор бўлганини кўрсатадиган далил – мазкур сүғдий ҳужжатдаги «Хоқонга ва Фарғона ҳукмдорига ёзилган номани Фарғона тутуғига топширдим»<sup>751</sup> шаклидаги маълумот асосида ўз тасдиғини топади.

Хоқонлик томонидан бевосита бошқарилган воҳа хукмдорликларидан яна бири Тўхористон бўлиб, бу ер бошқаларига нисбатан анча кенг ҳудудни ўз ичига олар эди. Хитой йилномаларида *Тухоло* (Тўхористон) 27 та майда хукмдорликдан ташкил топгани ва уларнинг барчаси қароргоҳи *Xo* (Қундуз)да бўлган, келиб чиқиши

<sup>750</sup> Togan Z. V. Umumi Türk Tarihine Giriş... – S. 178–179.

<sup>751</sup> Согдийские документы... II. – С. 80–85.

Ашина хонадонига мансуб *шеху* (қад. турк. *ябгү*) унвонли ҳукмдорга бўйсуниши таъкидланади<sup>752</sup>. Дарвоқе, Балх, Термиз, Чагониён, Хуттал, Кумед, Вохон, Шугнон, Қубодиён, Вахш, Шуман, Ахарун, Каррон, Руб, Самингон, Шубурғон, Гузгон, Гарчистон, Бадғис каби ярим мустақил ҳукмдорликлардан ташкил топган Тўхористонни туркий ябгулар бошқариши араб манбаларидаги ҳам бир неча бор қайд этилади<sup>753</sup>.

Тўхористоннинг хоқонлик таркибига киритилиши бошқаларга нисбатан бироз кейинрок, 580- йилларда амалга оширилган бўлиб, бу ердаги назорат ҳам уларнидан анча фарқли эди. Хусусан, сиёсий бошқарув маркази анча узоқда – Еттисувда бўлган хоқонлик учун Тўхористонда барча майда ҳукмдорликлар бошини бириттириб, уларни итоатда тутиб турувчи, муайян бир сиёсий уюшмага эҳтиёжи бор эди. Шу тариқа, собиқ Эфталитлар давлатининг сиёсий марказлари Қундуз ва Балх хоқонликнинг таянч шаҳарларига айланади ва хоқонлар дастлабки йиллардан бошлиб бу ерда ўз ноибларини жойлаштира бошлидилар. Юқорида кўриб ўтилганидек, 590-йиллар атрофида Тўхористон бошқарувига Тарду хоқон (576–603) ўзининг *тегин* унвонли ўғлини юборган бўлса, 620- йилларда Тун ябгу-хоқон ўз ўғли Тарду-шадни жўнатади. 620- йиллардан то 750-йилларга қадар Тўхористонни бошқарган сулола вакиллари *Тардушад* (620?–630), *Тегин-шад* (630–645), *Ишбара ябгу* (645–650), *Ашина Учжебо* (653–660), Гун *Ишбара ябгу*, *Надунили* (700–720), *Қутлуғ Тун Тарду* (720–730), *Сулайман? Қора* (Шилеман Гяло; 750 й.) каби аксарияти туркий исм ва унвонларга эга бўлиб, улар *Ябгулар* сулоласи номи остида қарийб 150 йил ҳукм сурадилар<sup>754</sup>.

Бу вактда бевосита Ашина хонадонига тақалувчи сулолалар томонидан бошқарилган Чоч ва Фарғонадан фарқли ўлароқ, Тўхористон ҳукмдорларининг ябгу унвони билан ҳукм юритишлари хоқонлик учун бу ер алоҳида аҳамиятга эга бўлганидан дарак беради. Тўхористондаги мавжуд кичик ҳукмдорликларнинг аксариятида хоқонликка бевосита ва билвосита дахлдор сулолалар вужуд-

<sup>752</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 321.

<sup>753</sup> История ат-Табари... – С. 124.

<sup>754</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 321–322; Chavannes E. Documents sur les... – P. 155–158; Harmatta J., Litvinsky B. A. Toharistan and Gandhara... – P. 373; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre ... – S. 138–139.

га келиши ҳам шу билан боғлиқ бўлиши мумкин. Хусусан, Термиз, Чагониён, Балх, Бадғис, Хуттал, Воҳон, Вахш, Шуман, Аҳарун, Кумед, Кубодиён ва ҳ. к. лар бошқарувида туркий сулолалар турган<sup>755</sup>.

Хўш, хоқонликнинг маҳаллий хукмдорларга элтабар унвони бериш ва тудун юбориш усули Тўхористон ва унинг таркибидаги хукмдорликлар бошқарувида қай даражада ўз аксини топган? Йилномаларда *Шаболо гайлифа* (қад. турк. Ишбара элтабар) Воҳон хукмдори сифатида 656–660 йилларда, бошқа бир *гайлифа* (элтабар) эса Хуттал хукмдори сифатида 730- йилларда Хитойга элчи юборгани қайд этилади<sup>756</sup>. Шунингдек, Шуман ва Аҳарунни ҳам туркий сулола бошқарган бўлиб, Сюан Цзан уларни туркий *хису* қабиласига мансуб, деб ёзадики<sup>757</sup>, Муғ тоги суғдий хужжатларининг (720- йиллар) бир нечасида *Lytptyr; дутptyr* (элтабар) ёки *хису* элтабар унвонли амалдор ҳақида гап боришига таяниб, ушбу амалдорни Ф. Грене ва Э. де ла Весьнерлар мазкур ҳудудлар билан боғлашади<sup>758</sup>.

Тўхористон таркибидаги майда хукмдорликлардан бири Рубда 639–757 йиллар оралиғида тузилган бақтрий тилли бир неча хужжатда *иілітөбηро* (элтабар) унвони учрайди<sup>759</sup>. Хусусан, 639, 678, 682 каби фарқли йилларда тузилган бақтрий хужжатлари (Doc. N, P, Q)да *χαγανο ταποαγλιγο иілітөбηро* (бақтр.-турк. «хоқоннинг тапуғлиғи (хизматчиси) элтабар») ёки 710 йилда тузилган ҳадя қилингандик ҳақидаги бақтрийча бақтрийча хужжат (Doc. T)да туркий маликага нисбатан *χотолою ταπαγλιпо вілғауно σαβοօօօ* (*турк. «Қутлуғ тапуғлуг билга-себук / себиг»*) иборалари кўлланилган бўлиб<sup>760</sup>, улардаги *тапуғлуг* сўзи луғавий жиҳатдан «хизматли, хизматчи, хизмат кўрсатган» мазмунидадир<sup>761</sup>. Хужжатлар мазмунидан

<sup>755</sup> Гафуров Б. Г. Таджики... – С. 227; Гоибов Г. Ранние походы... – С. 30–31; Бобоёров Ф. Турк хоқонлиги даврида Тоҳаристон // Мозийдан садо. – Т., 2002. – №4. – Б. 10–11.

<sup>756</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 324, 326.

<sup>757</sup> Гафуров Б. Г. Таджики... – С. 227; Гоибов Г. Ранние походы... – С. 30–31.

<sup>758</sup> Grenet F., de la Vaissiere E. The last days... – Р. 177.

<sup>759</sup> Sims-Williams N. Bactrian Documents from... – Р. 74, 126.

<sup>760</sup> Sims-Williams N. From the Kushan-shahs... – Р. 255–256; Sims-Williams N. Bactrian Documents from... – Р. 74, 82, 88.

<sup>761</sup> Древнетюркский словарь... – С. 535.

Руб ҳукмдори, яньи элтабар хоқоннинг «хизматчиси»<sup>762</sup> сифатида эътироф этилгани сезилади.

Тудун унвони эса Тўхористоннинг маркази – Қундузга яқин мавзе билан боғлиқ радио шаҳрида 702 йилга оид бир хужжатда учраб, унда *стороторко* («Турклар ҳукмдори») ва *гаҳо табово* («Газ тудуни») иборалари ёнма-ён келади<sup>763</sup>. Шунингдек, бақтрий ёзувли VII–VIII асрларга оид туркий тангаларда *табово тарҳаво* («тудун-тархон») унвони учраса, Табарий асли бомиёнлик Хуттал ҳукмдори Тудун тархон (737 й.) ҳақида ёзади<sup>764</sup>.

Ушбу маълумотлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Тўхористон ябгулигининг бошқарув шакли моҳиятан Фарбий Турк хоқонлигига бирмунча ўхшашиб бўлиб, хоқонликка хос ябгу, шад, тегин каби юқори даражали унвонлар унинг марказий бошқарувида, тасарруфидаги кичик ҳукмдорликлар бошқарувида эса элтабар, тудун, тархон, эркин сингари хоқонлик иерархиясида нисбатан қуий поғонадаги унвонлар жорий қилинган. Шу билан бирга, улар бошқарувидаги *худот*, *шоҳ*, *шер* каби маҳаллий эроний унвонлар қўлланилишда давом этган. Тўхористоннинг бошқаруви билан боғлиқ дикқатга сазовор яна бир жиҳат шуки, ўлканинг бир қатор кичик ҳукмдорликлари бошқарувчилари *тардӯши*, *халаҷ*, *қарлуқ* сингари хоқонликдаги юқори нуфузли туркий уруғларга мансуб эди. «Таншу» йилномасидан маълум бўлишича, 642–643 йилларда Кумед ҳукмдори *ян-то* туркларига мансуб бўлса<sup>765</sup>, бақтрий тилли хужжатларда *халаҷ* турклари Тўхористон ўлкасининг бир неча жойида бошқарувчи тоифа

<sup>762</sup> Ушбу хужжатларни илк бор тадқиқ қилиб, илмий жамоатчиликка танитган инглиз олими Н. Симс-Вильямс дастлабки таржималарида *хоқонни* Руб ҳукмдорининг унвони сифатида берган, бу эса бир қатор янгилиш фикрларнинг пайдо бўлиши олиб келган эди (*қар.*: Stark S. Nomaden und Seßhafte... – S. 389). Япон олими Ю. Ёшида мазкур бақтрий хужжатларидаги жумлани «хоқоннинг элтабари» шаклида тузатган бўлиб, Н. Симс-Вильямс ҳам унинг бу талқинини қабул қиласан (*қар.*: Yoshida Y. Review of BDI // BDI, 14. – 2003. – P. 154–159; Sims-Williams N. Turks and other peoples in the Bactrian documents // Ötüken’den İstanbul'a Türkçenin 1290 Yılı (720–2010) – From Ötüken to İstanbul, 1290 Years of Turkish (720–2010). 3–5 Aralık, İstanbul / 3th – 5th December 2010, İstanbul. – İstanbul, 2011. – P. 20).

<sup>763</sup> Sims-Williams N. Bactrian Documents from... – P. 94.

<sup>764</sup> История ат-Табари... – С. 256.

<sup>765</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 324.

сифатида келади<sup>766</sup>. Шуман ва Ахарун бошқарувчилари ўлароқ, хитой йилномаларида қайд этилган *Хису турклари* ўғузлар бўлиши мумкин (хису = ўғуз). Шунингдек, араб ва форс манбаларида Сеистон ва атрофларига хужум қилган араб қўшинларининг бу ерларда ҳоким ғуз (ўғуз) ва ҳалаж (ёки қарлуқ) туркларига дуч келишгани қайд этилади<sup>767</sup>. Дарвоке, қарлуқ қабиласининг Тўхористон ва Бадахшонга силжиши эса айнан VII–VIII асрларга тўғри келади<sup>768</sup>. Бу далиллар эса хоқонлик майда хукмдорликлар бошқарувига бошқа туркий қабила / уруғларни ҳам жалб қилган дейишга асос беради.

Фарбий Турк хоқонлигининг жануби-гарбдаги энг чекка худуди бўлмиш Кобулистон хукмдорлигини ҳам хоқонликка бевосита алоқадор *Тегин-шоҳлар* ёки *Кобулиоҳлар* деб аталган сулола бошқарган. Ушбу ўлка VII аср охирида хоқонлик таркибига киритилган бўлиб, то 630- йилларгача Тўхористон ябгулиги воситасида бошқарилган. 660- йиллар атрофида бу ерда ҳам туркий сулола ташкил топиб, у IX аср ўрталаригача хукм сурган<sup>769</sup>. Шимолий Ҳиндистон (буғунги Покистон)даги тарихий ўлкалар бўлмиш Гандхара, Пешовар, Удабандапур (Оҳинд), Уйдана (Сват), Лампака (Ламған), Каписа вилоятларини ўз ичига олган Кобулистоннинг мазкур сулола вакиллари бутун тарихи давомида *тегин* унвонига эга бўлиб, ушбу унвон уларнинг бактрий, қадимги хинд ва паҳлавий тилли танга-пулларида акс этган. Кобулга бўйсунувчи ва Руҳхаж, Сеистон, Давар, Буст каби ҳокимликларни ўз ичига олувчи, маркази Фазни шаҳри бўлган Зобулистоннинг бошқарувчилари эса элтабар унвони эга бўлишган. Жумладан, Зобулистон бошқарувчилари араб манбаларида *rutmib*<sup>770</sup>, браҳми ёзувли тангаларда *hitivra*, хитой йилномаларида *силифа* шаклларида учраб, кўпчилик тадқиқотчилар уларни туркий элтабар унвони билан тенглаштиришади<sup>771</sup>.

Хуллас, юқорида кўриб чиқилган маълумотлар, асосан, Фарбий

<sup>766</sup> Sims-Williams N. Bactrian Documents from... – P. 98.

<sup>767</sup> Marquart J. Eranshahr nach der Geographic... – S. 249–255.

<sup>768</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни... – Б. 146, 186.

<sup>769</sup> Esin E. İslamiyetten önceki Türk kültür târîhi... – S. 236–238; Humbach H. Pangul, a Turco-Bactrian Ruler // Bulletin of the Asia Institute. New Series. – London, 1996. – Vol. 10. – P. 247–251.

<sup>770</sup> История ат-Табари... – С. 133.

<sup>771</sup> Harmatta J., Litvinsky B. A. Toharistan and Gandhara... – P. 377–378.

Турк хоқонлигига алоқадор сулолалар томонидан бошқарилган воҳа ҳукмдорликларига дахлдордир. Ж. К. Скэфф таъбири билан айтганда эса, улар «воҳаларнинг бевосита (тӯғридан-тӯғри) бошқарилиши» билан алоқалидир. Бундан ташқари, Шарқий Туркистондаги ҳукмдорликларнинг барчаси ва Ўрта Осиёдаги ўнлаб катта-кичик ҳукмдорликларнинг бир қисми хоқонлик томонидан билвосита бошқарилган бўлиб, маҳаллий сулолаларнинг кўпчилигига ўз фаолиятини давом эттиришига рухсат берилган. Шу билан биргаликда, юқорида айтиб ўтилганидек, хоқонлик томонидан уларга элтабар унвони берилиб, назорат учун бирор нафар тудун юборилганини тасдиқловчи маълумотлар ҳам мавжуд<sup>772</sup>. Факат бевосита туркий сулолалар томонидан бошқарилган воҳалардан фарқли ўлароқ, хоқонлик уларни бошқаришда никоҳ муносабатларидан унумли фойдаланган.

Ушбу муносабатларни таҳлил қилишдан олдин яна бир масаала-га тўхталиб ўтиш зарур. Маълумки, Фарбий турк хоқонлари томонидан воҳа ҳукмдорликлари тепасидаги ҳар қайси маҳаллий сулола бошқарувчиларига туркий элтабар унвони берилиши хоқонларнинг уларни ўз вассали деб ҳисоблашларининг ифодаси эди. Шунингдек, маҳаллий сулолаларнинг ўз бошқарув тизимиға хос анъянавий унвонларнинг ишлатилишига хоқонлар томонидан бирор бир эътиroz билдирилмаган шекилли, Фарғона ва Самарқандда *ихшид*, Кешда *ихрид*, Уструшонада *афшин*, Бухоро ва Чагониёнда *худом*, Хоразм, Термиз ва Хутталда *шоҳ*, Марвда *марзбон* сингари аксарияти шарқий эроний тилларга хос унвонларнинг кўлланишда давом этгани кўзга ташланади. Ҳатто ушбу ҳукмдорликларнинг бир қанчасида бошқарувни бевосита қўлга олиб, ўз сулоласига асос солган хоқонлик билан алоқали баъзи туркий сулола вакиллари ҳам мазкур унвонларни ўзлаштирганликлари кўринади. Ҳусусан, Фарғонадаги туркий сулола вакиллари чўр, *тархон* каби хоқонликка хос унвонларни кўллаш билан биргаликда маҳаллий *ихшид* унвонни ўзлаштирганликлари сабабли бўлса керак, ўша давр араб-форс манбаларида Ихшидийлар хонадони водийдаги бош сулола сифатида қайд этилади. Дарвоқе, юқорида келтирилган асли фарғоналиқ Миср Ихшидийлари сулола-

<sup>772</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 297; Arzhantseva I., Inevatkina O. Afrasiab wall-paintings... – Р. 193, 199.

си шажарасида Түгуч, Чук, Элтегин, Бурон, Бўри, Хоқон каби туркий исм ва унвонларнинг учраши<sup>773</sup> Фарғона ихшиidlари бошқарувида қай даражада туркий ва тўхорча (ёки эроний) унвонлар омухталашганидан дарак беради. Худди шунга ўхшаш ҳолатга Бухорода VII–VIII асрларда ҳукм сурган туркий-суғдий аслли Бухорхудотлар сулоласи бошқарувида хоқонликка хос хотун, тегин (Эл-тегин), бидун/тудун, Арслон каби исм, унвон ва эпитетлар билан биргаликда бош сулола номи араб-форс манбаларида доимо *Бухорхудотлар* шаклида тилга олиниши мисолида гувоҳ бўлиш мумкин.

Шунингдек, хоқонлик томонидан бирор воҳа ҳукмдорлиги бошқарувига тайинланган баъзи туркий сулолалар вакиллари кўпроқ анъанавий маҳаллий унвонларга рағбат кўрсатганлиги маълум. Жумладан, Самарқандда 650–750 йиллар оралигига ҳукм сурган туркий-суғдий аслли Ихшидийлар сулоласи вакилларининг кўпчилиги, гарчи Тархун, Фурак, Турғар, Бекчўр каби туркий исмларга эга бўлиши баробарида *ихшид* унвонини қўллашда давом этган бўлса, Нахшабнинг туркий ҳукмдорлари ғайритуркий *испаҳбод* унвонидан фойдаланишган<sup>774</sup>. Аксинча, келиб чиқиши суғдий бўлган, куёв сифатида Панч (Панжикент) ҳокимиятини чўр унвонли туркий сулола вакилларидан қабул қилиб олган Деваштич маҳаллий *афшин* унвонидан истифода қилиш билан биргаликда араб манбаларидан маълум бўлишича, *шур* (чўр) унвонини қўллашда ҳам давом этган<sup>775</sup>. Шу ўринда, вассал ҳукмдорликларда чўр унвонининг кўплаб учрай бошлиши II Шарқий Турк хоқонлиги даврига тўғри келиши диққатга сазовордир. Хусусан, «Таншу» йилномасида Самарқанд ҳукмдори Улега (Фурак; 710–738) *Мочжо* (Бўгу-чўр)<sup>776</sup> исмли иккинчи ўғлини *Mi* (Маймурғ) шахрига ҳоким этиб тайинлагани ҳақида маълумот

<sup>773</sup> Togan Z. V. Umumi Türk Tarhine Giriş... – S. 178–179.

<sup>774</sup> История ат-Табари... – С. 244.

<sup>775</sup> Лившиц В. А. Правители Панча (Согдийцы и тюрок) // Народы Азии и Африки. – М.: Наука, 1979. – №4. – С. 66–67.

<sup>776</sup> *Мочжо* – Э. Шавонн мазкур исмни хитой йилномаларида ўрин олган Шарқий турк хоқони Мочжо (691–716) билан бир хил исм деб ҳисобаса, П. Пельо ҳар иккала исмни Бекчўр шаклида тиклайди (Chavannes E. Documents sur les... – Р. 136, к. 5; Kafesoğlu İ. Türk Milli Kültürü... – S. 108. n. 345). Бизнингча, Фурак мазкур турк хоқони шарафига ўз ўғлини Бекчўр/Бўгучўр деб атаган бўлиши мумкин (Бабаяров Г. Древнетюркские монеты..., С. 72–73). Бошқа томондан эса бу ҳол Суғд бошқарувида туркий чўр унвони қўлланилгани билан изоҳланиши ҳам мумкин.

акс этган<sup>777</sup>. Шунингдек, юқорида кўриб ўтилганидек, 693–708 йилларда ҳукмдорлик қилган Панч бошқарувчисининг исми Чакин Чўр Билга бўлса, араб манбаларида эса *шур* (чўр) Панч ҳукмдорлари аждодларининг исми сифатида қайд этилади<sup>778</sup>. Булар қаторига араблар босқини арафасида ва ундан кейин хукмронлик қилган *Жур* (чўр) ёки Билгачўр, Алтучўр каби Фарғона ҳукмдорлари исмини қўшиш мумкин<sup>779</sup>. Бу каби вассал ҳукмдорлар исмида чўр унвонининг учраши қарийб бир даврга тўғри келиши ҳар ҳолда бир тасодиф бўлмаса керак. Улар 680- йилларда Шарқий Турк хоқонлигини қайтадан тиклаган Элтариш (682–691) ва Қапған (691–716) хоқонларнинг унвони *Кутлуғ-чўр* ҳамда *Бўғучўр* бўлганлиги билан нечоғлиқ боғлиқ? Эҳтимол, бу вассаллар ва сюзеренлар орасидаги муносабатларнинг муайян бир ифодаси бўлгандир.

Чоч ва Тўхористондаги унчалик аралаш бўлмаган, келиб чиқиш жиҳатидан тўғридан-тўғри Турк хоқонлигига туташувчи сулолалар ўз бошқарув тизимини хоқонлик бошқарувига хос равишда ташкил қилгани кўринади. Хусусан, Чочда *тегин / шад – тудун – мархон* каби унвонлар кетма-кетлигидан ташқари, Тун, Баҳодур, Кул, Инал, Чабиш сингари туркий исм ва эпитетлар учраса, Тўхористон ябгулигига унвонлар *ябгу – шад – тегин – тудун – мархон* узвийлиги баробарида Тарду, Ишбара, Кутлуғ, Тун, Бўғра каби туркий исм ва эпитетлар мавжуд бўлиб, шу жиҳатдан ҳар иккала ҳукмдорликнинг хоқонликка хос анъаналарни ўзида мужассамлаштирганининг бир ифодаси эди.

#### **4. 3. 4. Никоҳ муносабатлари вассалларни бошқариш воситаси сифатида**

Хоқонликнинг ўз вассаллари бўлмиш, ҳам кўчманчи сиёсий уюшмаларни, ҳам ўтрок воҳа давлатларини бошқаришда қўллаган усулларидан яна бири бу никоҳ муносабатларидир. Дарвоқе, хоқонлик тарихини акс эттирган ёзма манбалар орқали бу ҳақда муайян та-

<sup>777</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 311; Chavannes E. Documents sur les... – Р. 136, k. 5.

<sup>778</sup> Лившиц В. А. Правители Панча... – С. 66–67; Отахўжаев А. Суғд шаҳрининг турк хокими // Шарқшунослик, ТДШИ. – Тошкент, 2001. – №2. – Б. 40–42.

<sup>779</sup> История ат-Табари... – С. 185; Смирнова О. И. Очерки из истории... – С. 256.

саввурларга ҳаминқадар эга бўлиш мумкин. Айтиб ўтиш керакки, бу мавзу бир қатор тадқиқотчилар, шу жумладан, америкалик тарихчи Ж. К. Скэфф ва турк тарихчиси Э. Саритош тадқиқотларида ўрин олган бўлиб, улар бу масалани асосан хитой йилномаларидағи маълумотлар асосида кўриб чиқишган<sup>780</sup>.

Холбуки, хоқонлик тарихига доир маълумот берувчи илк ўрта асрларга тааллуқли деярли барча ёзма манбалардан бу ҳақда маълумот топиш мумкин. Хусусан, араб, форс ва арман манбаларида турк хоқонларидан бирининг ўз қизи Фақим (Қакум / Кайен)ни Сосонийлар шохи Хусрав Ануширвон (531–579)га узатгани қайд этиладики<sup>781</sup>, тадқиқотчилар мазкур ҳукмдорни хоқонлик асосчиларидан бири Истами ябгу-хоқон (568–576) билан тенглаштиришади. Мазкур турк маликасидан туғилгани учун Эрон шохи IV Ҳурмуз (579–590)нинг лақаби «Туркзода» бўлган<sup>782</sup>. Яна бир шоҳ Хусрав Парвиз (591–628) эса араб тарихчиси Жоҳиззинг маълумот беришича, турк хоқонининг қизига уйланади<sup>783</sup>. Эҳтимол, ушбу хоқон VII аср илк чорагида ҳукмронлик қилган Фарбий турк ҳукмдори Тун ябгу-хоқон (618–630) бўлса керак. Ушбу манбалардан аён бўлишича, турк маликалари Сосонийлар саройида алоҳида мавқега эга бўлиб, улар шоҳ саройида бўлган муддатда Эрондаги ҳокимият хоқонлик таъсир доирасига кирган. Зоро, «Таншу» йилномасида 620- йилларда *Босы* (Форс)нинг хоқонлик тобесига айлангани қайд этилиб, бу ҳол *Шили* (Шеруя; 628–629) ҳукмронлиги даврида янада жиҳдий тус олгани таъкидланади<sup>784</sup>.

Турк хоқонлиги билан унга тобе ҳукмдорликлар, яъни 560- йиллардан бошлаб хоқонлик таркибиға кирган, бироқ ўзининг анъанавий ички бошқарувини сақлаб қолган воҳа давлатлари орасида никоҳ муносабатларининг йўлга қўйилган эди. Хусусан, хоқонлик

<sup>780</sup> Skaff K. J. Western Turk Rule... – Р. 97–106; Saritaş E. Göktürk Kültürüünün Gaochanglılara etkileri... – S. 475–478.

<sup>781</sup> Taşağıl A. Gök-Türkler. – Ankara, 1995. – S. 32; ТерМкртичян Л. Х. Армянские источники... – С. 57; Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи... – 81; Şeşen R. İslam Coğrafyacılarına göre... – S. 4.

<sup>782</sup> Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – S. 305.

<sup>783</sup> Şeşen R. Eski Araplar'a göre Türkler // Türkiyat Mecmuası. – Ankara, 1969. – Cild XV. – S. 13.

<sup>784</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 327.

вассалларидан бири бўлмиш Самарқанд бошқарувчиларидан икки нафарининг Ғарбий турк хоқонларининг қизларига уйлангани хитой йилномаларида қайд этилади. Жумладан, «Бэйши» ва «Суйшу»да *Кан* (Самарқанд) хукмдорларидан Шифубининг хотини турк хоқони *Даду* (Тарду; 576–603) хоқоннинг қизи эканлиги айтилса, «Таншу»да эса яна бир Самарқанд хукмдори Кюймучкининг Суй сулоласи (581–618) даврида Ғарбий турк хоқони *Шеху-кехан* (Ябғу-хоқон) нинг қизига уйлангани қайд қилиниб: «*У шу вақтдан эътиборан туркларга бўйсунди*», – дея таъкидлаб ўтилади<sup>785</sup>. Тадқиқотчилар мазкур Ябғу-хоқонни машҳур Ғарбий турк хоқони Тун ябғу-хоқон билан тенглаштиришади. Шунингдек, VI–VII асрларга таалтукли Суғд (Самарқанд?) тангалари орасида кўшалоқ портретли – хукмдор ва малика тасвири тангалар учрайдики, балки ушбу тангалар бу ернинг маҳаллий хукмдори ва унинг аёли бўлмиш турк хоқонининг қизи номидан зарб қилинган бўлиши мумкин<sup>786</sup>. Айниқса, ушбу тангаларнинг орқа томонида туркий *x’itwñ* – «хотун» унвонининг учраши диккатга сазовор<sup>787</sup>.

Гарчи Ғарбий Турк хоқонлиги таркибига кирган бўлса-да, ўз анъ-анавий бошқарув тизимини сақлаб қолган Шарқий Туркистондаги Турфон, Қорашаҳр, Куча, Кошғар ва Хўтан каби воҳа давлатлари билан хоқонлик орасида никоҳ муносабатлари ўрнатилганига доир маълумотлар хитой манбаларида кўплаб учрайди. Хусусан, 590-йиллар атрофида Гаочанни бошқарган хукмдор Кюй Гяннинг хотини турк хоқонларидан бирининг қизи эди ва ушбу хукмдорлик туркларга бўйсунарди. «Бэйши» йилномасида учрайдиган маълумотга кўра, Гаочан хукмдори Кюй Гян ўлгач, ўғли Бо-я отасининг ўрнига таҳтга ўтирган ва турклар ундан ўзларининг урф-одатига биноан унинг ўгай онасига уйланишини исташган. Чунки Бо-янинг ўгай онаси турк хоқонининг қизи эди<sup>788</sup>.

«Таншу» йилномасида қайд этилишича, Чжен-гуан (627–649)

<sup>785</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 311; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – S. 305

<sup>786</sup> Babayar G. Köktürk Kağanlığı sikkeleri... – S. 33, 162–164

<sup>787</sup> Смирнова О. И. Сводный каталог... – С. 362–370, No. 1482–1497

<sup>788</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 254; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – S. 147; Skaff K. J. Western Turk Rule... – P. 101; Sarıtaş E. Göktürk Kültürüneñ Gaochanglılara etkileri... – S. 476.

даврида Сулэ (Кошғар) ҳукмдори Амочжи түкюе (турк) хоқонининг қизига уйланган бўлса, VII аср ўрталарида Гўйци (Куч) ҳукмдори бўлган Хали Бушибининг хотинининг исми Ашина эди<sup>789</sup>. Э. Шаванн фикрича, мазкур аёл исмидан у туркларнинг бошқарувчи сулоласи – Ашина хонадонига мансублиги аён бўлади.

Бу каби мисолларни хоқонлик ва Сосонийлар Эрони орасида ихтилофли ҳудуд бўлиб, бир муддат хоқонлик таркибида кирган Марв ҳукмдорлигига ҳам кўриш мумкин. Араб тарихчиси Диноварий келтирган маълумотлардан аён бўлишича, VII аср ўрталарида Марв ҳукмдори Махуя турк хоқонининг куёви бўлиб, хоқонликка тобе бўлган<sup>790</sup>. Дарвоке, 650 йилда сўнгги Сосоний шохи Марвга сифинган пайтида Махуя уни шаҳарга киритмаслик учун турк хоқонига мурожаат қилиши бежиз бўлмаган.

Бундан ташқари, айрим манбаларда учрайдиган маълумотлардан хоқонликнинг фақат воҳа ҳукмдорликлари билангида эмас, балки унга бўйсунувчи кўчманчи характердаги ҳукмдорликлар билан ҳам никоҳ муносабатларини йўлга қўйгани аён бўлади. Хусусан, битиктошларда никоҳ муносабатларига доир маълумотлар акс этган бўлиб, Кул Тегин битиктошида (732 й.) хоқонликка тобе қирғизлар ҳукмдори ҳақида гап борганда шу тариқа маълумотлар ўрин олган: «*Барс бек эди. Хоқон [деб] бунда биз унвон бердик. Синглим хоқонзодани бердик*»<sup>791</sup>. 735 йилда ўрнатилган Билга хоқон битиктошида эса хоқонликнинг яна бир тобеси бўлмиш тургашлар билан йўлга қўйилган никоҳ муносабатлари ҳақида қуидагича маълумотлар учрайди; «*Мен Тургаш хоқонга қизимни ... бениҳоя улуг маросим билан узатдим. Тургаш хоқоннинг қизини бениҳоя улуг маросим билан ўғлимга олиб бердим*»<sup>792</sup>.

Ушбу маълумотлардан аён бўлишича, никоҳ муносабатлари хоқонлик ташқи сиёсатида муҳим ўрин эгаллаган бўлиб, ундан асосан вассал ҳукмдорликларни бошқаришда унумли фойдаланилган. Бу борада Ж. К. Скэфф томонидан билдирилган фикрлар диққатга сазовордир. Унинг фикрича, «итоатда тутиш учун мутаносиб (мақбул)

<sup>789</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 301; Chavannes E. Çin yillardarına göre... – S. 165, 168.

<sup>790</sup> Esin E. Tarkhan Nizak or Tarkhan Tirek... – С. 326.

<sup>791</sup> Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 106.

<sup>792</sup> Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 132–133.

воситаларнинг энг яхши усули кўчманчилар ва ўтроқ хукмдорлар орасида никоҳ алоқаларини йўлга қўйиш эди. Хитой йилномалирида ушбу усулнинг олтига мисолини топдим. Биттасини хисобга олмагандা, барча воқеаларда ушбу усул туркларнинг аслзода бир аёлни турмуш қуриш учун ўтроқ бошқарувчига узатиши тарзида эди. Хитой йилномаларида мазкур никоҳ муносабатларига ортиқча эътибор берилмаганига ва фақатгина йўл-йўлакай қайд қилиниб кетишига қарамай, ушбу усул ҳақида бир қатор муҳим тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин. Балки бу қиз олиб-қиз бериш кенг миқёсда степ (дашт) ва воҳа ўртасидаги алоқаларни кучайтирувчи восита сифатида йўлга қўйилганини кўрсатса керак. Никоҳ алоқалари воситасида сиёсий муносабат ўрнатиш (иттифоқ ташкил қилиш) кўчманчилар сиёсий маданиятининг ўзига хос хусусиятидир. Ушбу усул бошқа қабилалар билан ўрнатилган никоҳ алоқаларига таянувчи кўчманчи уруғ ва қабилалар орасида ё ўзаро бир-бирига ҳужум қиласлик сигнали ёки «истилолар учун бир қўшимча чора» сифатида амалга оширилган. Воҳа давлатлари ва қабилалар бошқарувчилари орасида амалга оширилган никоҳ муносабатлари кўчманчиларининг ўтроқ минтақаларда назорат муаммосини ҳал этиш учун кўлланилганидан дарак беради. Шу ўринда кўчманчилар одатича, асосан, келин берган томоннинг келин олган томондан устун эканини кўзда тутганини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур»<sup>793</sup>.

Унинг фикрларига қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, хоқонлар нафақат ўтроқ воҳа хукмдорликлари, балки кўчманчи васфли давлатларни итоатда тутиш учун ҳам уларга қиз берганлар. Бунга юқорида келтирилган қирғиз ва турғаш қабилалари билан ўрнатилган никоҳ муносабатлари гувоҳлик беради.

Турли тиллардаги ёзма манбалардан Марв, Самарқанд, Гаочан, Куча, Кошғар, Корашаҳр каби Фарбий Турк хоқонлигига тобе хукмдорликларнинг бошқарувчилари хоқонларнинг қизларига уйланганликлари маълум бўлса-да, Чоч, Фарғона, Тўхористон, Кобул каби хукмдорликларнинг бошқарувчилари билан боғлиқ бундай маълумотлар учрамайди. Бу ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин? Бизнингча, бу тобе хукмдорликларнинг воситали ва бевосита (тўғридан-тўғри) бошқарилиши билан боғлиқ бўлиши керак. Турк хоқонлиги

<sup>793</sup> Skaff K. J. Western Turk Rule... – P. 100.

келиб чиқиши хоқонлик билан алоқали бўлмаган маҳаллий сулолалар бошқарувчиларини куёв қилиш орқали уларни итоатда тутган бўлса, Чоч, Фарғона, Тўхористон, Кобул каби ҳукмдорликларни бошқаришда бу усулга эҳтиёж сезилмаган кўринади. Сабаби, ушбу ҳукмдорликлар келиб чиқиши хоқонликка бориб тақалувчи сулолалар орқали бошқарилганида бўлса керак. Бу ерда эндогам (ички) эмас, қадимги туркларга хос экзогам (ташқи) никоҳ устуворлик қилганини кўриш мумкин.

Хоқонларнинг ўз вассалларига киз бериб, уларни ўзларига тобе қилиш анъанаси замирида муайян бир тизим ётади. Бунинг яққол ифодасини хоқонликдан кейинги йирик дашт салтанатларидан бўлган Чингизхон империяси мисолида кўриш мумкин. Жумладан, Чингизий сулолалар айrim иттифоқдош уруғ бошлиқлари ёки вассал ҳукмдорларга бошқарувчи хонадонга мансуб кизларни узатиш орқали уларни *кўрагон*, яъни куёв қилиб, маҳсус имтиёзлар берган. Мўгуллардаги бу анъанани тадқиқотчилар «*кўрагонлик тизими*» деб аташади<sup>794</sup>. Хоқонликдаги мазкур анъаналарни ҳам ушбу тизим билан алоқали деб ҳисоблаш мумкин.

Бу масала юзасидан О. Прицакнинг қуйидаги фикрлари алоҳида эътиборга молик. Тадқиқотчи, кўчманчи туркий қабилалар иттифоқига хос хусусиятларни 4 асосда тавсифлайди: 1) ҳукмдор уруғлар ва улар билан иттифоқчи аслзода уруғлар (*Schwägerstämme* = «бажанақ» / «*кўрагон*», яъни куда-анда – турклар ва мўгулларда). Бунга кўра, ҳукмдор уруғ вакиллари ўз аёлларини асосан аслзода оиласлар – «*Schwägerstämme*»дан танларди (яъни муайян бир аслзода қабила ёки урукқа мансуб аслзода оиласлардан. – *F. B.*). Шу тариқа ҳокимият аслзода уруғларнинг бошқарувчи хонадони аъзолари воситасида бошқарилар эди. Прицак, ушбу аслзода уруғларга мисол сифатида Туркий қабила иттифоқли Шарқий Турк хоқонлигидаги Тўққиз Ўғузларни, Фарбий Турк хоқонлигидаги Ўн Ўқларни, Қарлуклардаги Уч Ўқларни, Уйгар хоқонлигидаги Тўққиз Ўғуз ва Ўн Уйурларни келтиради; 2) иттифоқча истаган пайтларда қатнашувчи ушбу аслзода уруғларга бошқарувчиларини ўз ичидан танлашларига рухсат берилган эди (хоқонликнинг бош сулоласи вакиллари «назоратчи» бир васфга эга бўлишига қарамай). Уларнинг аслзодалиги ҳукмдор

<sup>794</sup> Pritsak O. Die Karachaniden // Der Islam, XXX. – Berlin, 1952. – S. 52–54.

хонадонга мансуб шахс томонидан белгиланаρ эди; 3) солиқ түловчи вассаллар (булар күпинча «зиёли» халқлар, яни ўтрок ахоли эди. Турк хоқонлигидаги суғдийлар каби); 4) қул қабилалар, яни қилич билан бошқарылган халқлар<sup>795</sup>.

О. Прицакнинг фикрига құшимча ўлароқ Турк хоқонлигига «кўрагонлик тизими» янада кенг қамровли бўлган, деб қарашиб имконини берувчи қуйидаги далилларни келтириш мумкин. Биринчидан, Ашина хонадони Чингизийлардан фарқли ўлароқ, факат иттифоқчи аслзода уруғлар билангина куда-андачилик ўрнатиб қолмай, балки ўтрок вассалларга ҳам ўз қизларини узатган, яни уларга «кўрагон»лик имтиёзини берган. Бундай дейишга сабаб, турк хоқонларига куёв бўлган воҳа ҳукмдорларининг ўз атрофидаги бошқа ҳукмдорларга нисбатан мавқеи бирмунча юкори бўлганликларидир. Ҳар ҳолда бу, уларнинг хоқонларга куёв бўлиш орқали муайян «имтиёз»ларни кўлга киритганликлари билан боғлик бўлса керак. Бинобарин, хитой йилномаларида 690–710 йиллар оралиғида Самарқандни бошқарган маҳаллий ҳукмдорлардан 2 нафарининг Ғарбий турк хоқонларига куёв бўлгач, хоқонликка бўйсунганилиги қайд этилишида ўз тасдигини топади<sup>796</sup>. Қизиғи шундаки, айни вақтда Самарқанд бошқарувчилари Суғддаги қолган ҳукмдорликлар бошқарувчиларидан устун эканликлари йилномаларда алоҳида таъкидланади. Афтидан, хоқонлар «кўрагон» танлар экан, бошқаларига нисбатан нуфузлироқ воҳа ҳукмдорларига эътибор қаратган кўринади. Чунки Гаочан, Кошғар, Самарқанд, Марв каби вассаллар ўша даврда йирик воҳа ҳукмдорликлари сифатида билинар, ўз навбатида улар стратегик аҳамиятга эга худудларда жойлашган эди.

Демак, хоқонлар ўз қизларини вассал ҳукмдорларга узатиш орқали бир томондан уларнинг тобелигини кафолатлаган бўлсалар, иккинчи томондан улар билан қариндошлиқ ришталари боғлаб, гўё улар учун Ашина хонадони «аъзоси»га айланиш ва шу тарика баъзи «имтиёз»ларни кўлга киритиш имкониятини яратганлар. Бироқ «имтиёз»и кўшин бошлиғи бўлиш ва ҳоказо каби марказий

<sup>795</sup> Pritsak O. Die Karachaniden... – S. 52–54; Golden P. B. Hazar Çalışmaları... – S. 51.

<sup>796</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 311; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – S. 305.

бошқарувда қатнашишдан иборат бўлган Чингизийлардан фарқли ҳолда, хоқонликда «кўрагон»лар ўз маҳаллий бошқарувларида қолишиган. Яъни улар хоқонликнинг марказий бошқарувида иштирок этмаганлар. Боиси, вассаллар масаласида хоқонлик ва Чингизхон империяси моҳиятан фарқ қилган бўлиб, Ашина хонадони эгалланган худудларда воҳа ҳукмдорликларидағи маҳаллий бошқарувчиларнинг кўпчилигини ўз ўрнида қолдирган ва кейинчалик уларни куёв – «кўрагон» қилган бўлса, Чингизийлар ўз қизларини асосан бўйсундирилган кўчманчи уруғ ва қабила бошлиқларига бериш орқали бу тизимни жорий қилишиган. Тўғри, Чингизхон ўз қизини ярим ўтрок-ярим кўчманчи воҳа ҳукмдори бўлмиш Турфон Уйғур давлатининг *идиқут* унвонли ҳукмдори Барчуққа узатгани ва уни ўғли сифатида кўришини таъкидлаб, унинг ўз маҳаллий бошқарувда давом этишини тайинлаганига доир маълумот учрайди<sup>797</sup>. Шу билан бирга, Барчук идиқут ўз қўшини билан мўғулларга қўшилиб, уларнинг гарбий ўлкаларни истило қилишида иштирок этгани маълум. Фақат бу холат истисно бўлиб, мўғуллар воҳалардаги маҳаллий сулолаларга барҳам бериб, бошқарувга ўз хонадон мансублари ёки ҳамкор уруғ вакилларини тайинлаганликлари маълум. Дарвоқе, Чингиз хонадони ўз қизларини асосан нуфузли турк-мўғул уруғ вакиллари – амирларга турмушга узатишган ва улар хонадоннинг яқин аъзоси сифатида давлат бошқарувида иштирок этишган.

Демак, ушбу маълумотлар никоҳ муносабатлари нафақат хоқонликнинг ташқи сиёсатида, балки бошқарув тизимида ҳам муҳим ўрин тутганилигидан дарак беради.

#### **4. 3. 5. Хоқонликнинг ўз вассалларидан ўлпон ундириш тизими**

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, Марказий Осиёнинг қадимги давлат уюшмаларида ҳукмрон сулолалар ва тобелар орасидаги алоқалар кўпроқ ўлпончиликка асосланарди. Яъни вассаллар ўз сюзеренларига вақти-вақти билан ўлпон юбориб туришар ва бу уларнинг тобелигини ифодаларди. Бу борада Гарбий Турк хоқонлиги

<sup>797</sup> Izgi Ö. Çin elçisi Wang Yen-Te'nin Uygur seyahatnmesi. – Ankara: TTK, 2000. – S. 30.  
290

тарихига мурожаат қиласар эканмиз, хоқонликнинг ўлпончилик тизимига доир муайян маълумотлар сақланиб қолганига гувоҳ бўламиз.

Аввало шуни таъкидлаш лозим, воҳа ҳукмдорликлари ўз хўжайини бўлмиш Фарбий Турк хоқонлигига қай шаклда ва қанча микдорда ўлпон тўлаганликларига доир тўғридан-тўғри маълумотлар учрамаса ҳам, баъзи маълумотлар мазмунидан бу борада муайян тасавур ҳосил қилиш мумкин. Жумладан, йилномаларда Сулэ (Кошғар) ҳукмдорлигининг бошқарувчиси ҳар йили *Тукюе* (турк)-ларга ўлпон юбориши қайд этилади<sup>798</sup>. Шунингдек, Сюан Цзан билан бирга Тун ябғу-хоқон ҳузурига борган Гаочан (Турфон) ҳукмдори элчилари хоқонга ўз ҳукмдорлари юборган 500 тўп ипак газлами ни олиб йўлга чиққани ҳақидаги маълумот ҳам йиллик ўлпон билан алоқадор бўлиши керак. Ушбу маълумотлар хоқонлик ва вассаллар орасида ўлпон етакчи ўрин тутганидан дарак беради.

Шу ўринда масалага бевосита алоқадор қуйидаги баъзи масалаларга тўхталиб ўтиш керак бўлади. Ҳудуди 2–3 минг, баъзан 3–4 минг чакирим атрофида ҳудудларга ёйилган хоқонлик марказдан узоқ масофадаги вассал ҳукмдорликларни бошқарган бўлиб, марказ ва тобелар орасидаги алоқа – коммуникация қай тарзда амалга оширилгани масаласи муҳимdir. Ҳусусан, Фарбий Турк хоқонлигига коммуникация масалалари, шу жумладан, вассал ҳукмдорликлар билан муносабат ўрнатиш, уларни итоатда тутиб туриш ва солиқлар йигинини ташкил қилишда қандай воситалардан фойдаланилган, бу ҳақда манбалар нима дейди? Тобе ҳукмдорликларнинг бирор тасида хоқонликка қарши ҳатти-ҳаракатлар содир бўлса, уни тезда бостириш учун қандай усулларга мурожаат қилинган? Марказдан туриб жазо отрядларини юборишганми ёки вассалларга яқин бир жойда гарнizon сақлаб, у орқали исёнларнинг олди олинганми? Ёки хоқонлар ўз қизларини вассалларга бериш орқали уларни мазкур малика - хотунлар воситасида итоатда тутишганми?

Аввало, гарнizonлар масаласига келсақ, Ж. К. Скэффнинг фикрича, хоқонлик воҳа давлатларини бошқариш учун уларнинг ҳудудида ҳарбий гарнizonлар курган ҳоллар бўлган. Тадқиқотчи ўз фикрининг тасдиғи сифатида Тяншан тоғларининг шимолида жойлашган *Кехан* футу («Хоқон ступа шаҳри» – Беш-балиқ)да Фарбий

<sup>798</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 258.

Түрк хоқонлигининг ҳарбий гарнizonи бўлганини, Ғарбий турк лидерларидан бири *Йугу-ше* (Юкуқ-шад) томонидан хоқонликни ўлпон ва солиқ билан таъминлаган Гаочан ҳукмдорлигини кўриқлаш мақсадида мазкур шаҳарда гарнizon қуриш учун ябгу унвонли бир амалдор юборилганини мисол келтиради. Гаочандан 125 км шимолда жойлашган мазкур гарнizon ўз жойлашувига кўра, стратегик жиҳатдан қулай ерда жойлашган бўлиб, Гаочанни ҳам ташки ҳавфлардан сақлаш, ҳам маҳаллий ҳукмдорларни итоатда тутиш ва агар керак бўлса, вассал ҳукмдорликларга ҳарбий куч ишлатишлари мумкинлигини ҳар доим эслатиб туриш мақсадида барпо этилганди. Тадқиқотчига кўра, бундай гарнizonлар, эҳтимол, бошқа шаҳарларда ҳам мавжуд бўлган, бироқ бу ҳақда манбаларда етарлича маълумотлар сақланиб көлмаган.

Ўз фикрини давом эттириб Скэфф: «агар бошқа шаҳарларда ҳам гарнizonлар мавжуд бўлса ҳам, улардан нисбатан кичик бўлғанлари шаҳар деворлари ичкарисида, анча йириклари эса шаҳардан анча узоқда, кўп сонли чорвани боқа олиш имкониятига эга жойларда сақлаб турилганлигини тахмин қиласиз» деб таъкидлайди<sup>799</sup>. Унинг фикрича, хоқонлик гарнizon қуриш учун айнан Гаочанни танламасдан, Беш-балиқни маъқул кўришининг замирида ҳам бу ернинг чорвани етарлича боқа олишга қулай бўлганлиги омили ётади. Шу билан биргаликда, тадқиқотчига кўра, вассалларга юборилган вакиллар ва гарнizonларнинг энг асосий вазифаси хоқонликка етарли миқдорда хирож юборилишини таъминлаш эди. Бироқ хоқонлик воҳа ҳукмдорликларида ортиқча ҳарбий куч сақлаб турмаганлиги боис, узоқдан туриб бўлса-да, маҳаллий ҳалқни итоатда бўлишга мажбурлайдиган усулларни ишлаб чиқишига ёки янада кучайтиришга ҳаракат килганлиги эҳтимоли юқори.

Хоқонлик воҳа ҳукмдорликларини билвосита бошқариш масаласида икки стратегик усул кўллаганини таъкидлаган Скэффга кўра, улардан бири мутаносиб (мувоғик келувчи), иккинчиси эса мажбурловчи моҳиятда эди. Биринчи ҳолатда вассалларга қиз бериш, яъни никоҳ орқали, иккинчи ҳолатда бўлса, хоқонлик ўз вассаллига нисбатан ҳарбий босим ўтказиш ва уларга ўз урф-одатларини

<sup>799</sup> Skaff K. J. Western Turk Rule... – P. 100.

қабул қилдириш усули ётарди<sup>800</sup>. Иккинчи усулда хоқонлик вассалларнинг бошқарувчи тоифасига, баъзан эса уларнинг бутун халқига жорий қилган ҳолатлар учраб, гарчи бу урф-одатлар кучли босим моҳиятида бўлмаса ҳам, мажбурловчи васфга эга эди ва замирида ўтрокларга кўчманчиларнинг одатларини қабул қилдирувчи моҳият ётарди<sup>801</sup>. Тадқиқотчига кўра, назорат остида тутиш ва бирор исён ҳаракатининг олдини олиш учун ҳарбий гарнизонлар жорий қилинган.

Бизнингча, бундай гарнизонлар ҳамма воҳа ҳукмдорликларида ҳам қурилмаган бўлиб бунга етиёж ҳам йўқ еди. Асосан, Хитой ва Сосонийлар каби хоқонликка хавф туғдирадиган давлатларга чегарадош воҳа ҳукмдорликларида бу усул кўлланилгани эҳтимоли юқори. Бунга юқорида кўриб чиқилган Гаочан ҳукмдорлиги яққол мисол бўла олади. Ушбу ҳукмдорлик бошқаларига нисбатан Хитойга анча яқин масофада жойлашган эди.

Афтидан, 640- йилларда хоқонликнинг Шарқий Туркистондаги вассалларига Хитой хавфи туғилган пайтда гарнизонлар фаолияти кучайтирилган кўринади. С. Г. Кляшторный фикрича, Фарбий Турк хоқонлиги вужудга келишининг илк йилларида ёк Шарқий Туркистон шаҳарларида ўз ҳокимиyatини кучайтиришга ҳаракат қилган бўлса-да, бу ҳаракат айнан VII асрнинг 30–40- йилларида, бу ерларга нисбатан Хитой ҳарбий ҳужумлари реал тус олган пайтларда янада орттирилган<sup>802</sup>. Хитой йилномаларида келтирилишича, 630 йилда Гаочан ҳукмдори «Тукюе (яъни *Фарбий Турк хоқонлиги*) билан алоҳа ўрнатади» ва шундан кейин «Гаочандаги Хитой элчихонаси сиқувга олина бошлияди»<sup>803</sup>. Устига-устак, Хитой ҳужумидан қўрқиб, хоқонлик билан алоқаларни узмоқчи бўлган Қумул ҳукмдорлигига қарши *Фарбий турк* хоқони ва Турфон ҳукмдори «бирлашган қўшиинлари билан *Иву (Қумул)га ҳужум қилади*». Шунингдек, Корашаҳр ҳукмдори бошқа бир *Фарбий турк* хоқони Хилаш (?) билан «дўстлик ўрнатганлиги» ва хоқонликдаги ички тартибсизликларни

<sup>800</sup> Skaff K. J. Western Turk Rule... – P. 100.

<sup>801</sup> Skaff K. J. Western Turk Rule... – P. 101.

<sup>802</sup> Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности... – С. 410.

<sup>803</sup> Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности... – С. 410.

бостиришда иштирок этганилиги ҳақида маълумотлар учрайди<sup>804</sup>. 640 йилда Куча ҳукмдорлигининг хоқонликка тобелиги кучайтирилган бўлса, худди шу йилларда Кошғар ҳукмдори хоқоннинг қизига уйланиб, алоқаларни мустаҳкамлайди<sup>805</sup>. Демак, ушбу маълумотлар Хитой хавфининг олдини олиш мақсадида Фарбий Турк хоқонлиги томонидан маҳсус амалга оширилган деб хуласа чиқаришга имкон беради.

Хоқонликнинг жануби-гарбдан қўшниси ва доимий равишда рақиби бўлган Сосонийлар империясига яқин худудларда – Тўхористон ва Хурносонда ҳам вазият Шарқий Туркистондагига бирмунча ўхшаш эди. Фақат бу масалада Хитойнинг акси ўлароқ, Сосонийлар хоқонлик ташкил топишининг дастлабки пайтлари – 580–600 йиллар орасида Амударёни кечиб ўтишга уринган ва рақибига катта хавф туғдирган бўлса-да, VII аср илк чорагидан бошлаб кучлар нисбати ўзгарган ва Сосонийлар Эрони борган сари таназзулга юз тута бошлаганини назардан қочирмаслик керак. Ҳатто, 620- йилларга келиб Тун ябгу-хокон (618–630) даврида Сосонийлар устидан хоқонликнинг ўз устунлигини ўрнатиши жануби-гарбдан бўладиган хавфни анчагина пасайтириб юборган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Шундай бўлса ҳам, бошқа воҳа ҳукмдорликларидан фарқли ўлароқ, хоқонлик хонадонига мансуб Ябгулар сулоласининг (620–750) айнан Тўхористонда ташкил этилиши бежиз бўлмаса керак.

Шунга ўхшаш Дехистон каби хоқонликнинг энг чекка худуди ва бир вақтлар Сосонийларга қарашли бўлган ҳукмдорликлар тепасида *тегин* унвонли бошқарувчилар турганилиги бу ернинг ҳам стратегик жиҳатдан хоқонлик назаридаги худуд бўлганидан дарак беради. Яъни хоқонлик Дехистон бошқарувига ишончли вакил сифатида *тегин* унвонли шаҳзодаларни тайинлаган эди дейиш мумкин. Демак, Тўхористон ва Дехистоннинг Ашина хонадонига мансуб (?) вакиллари хоқонлик учун бу ерларда маълум маънода чегара хавфсизлигини таъминловчи вазифасини ўташган. Дарвоқе, Амударё ҳавzasига яқин худудда VII–VIII асрларга оид ҳарбий қалъа (Тавкатепа / Сурхондарё) деворий расмларининг топилиши ва унда туркий аскарлар

<sup>804</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 296; Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности... – С. 410.

<sup>805</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 300; Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности... – С. 410.

тасвирланганининг аниқланиши<sup>806</sup>, ушбу ёдгорлик хоқонлик даври-да гарнизон вазифасини ўтаган деб ҳисоблашга имкон беради.

Фикримизча, хоқонликнинг вассаллари устидан ўз назоратини қай тарзда амалга оширганини ёритишда қуйидаги далилларнинг ўрни катта. Гаочан (Турфон) халқининг юқори мавқели мансабдорларни зиёрат қилиш чогида келтирилган ашёлар қайди учровчи хужжатларда турклар томонидан Гаочанда бир нафар тудун ва бошқа бир қатор маъмурлар тайинлангани қайд этилади<sup>807</sup>. Шу билан бирга, ушбу қайдномаларда Гаочан ахолисининг турк назоратчиларини ашё (озиқ-овқат) билан таъминлаб турганига доир маълумотлар ўрин олган. Ушбу хужжатларда тилга олинган турк маъмурлари – 1 нафар тудун, 1 нафар элчи, шунингдек, Шулую хоқон Вудулуннинг юксак маъмури, Шимол хоқонининг элчиси ва тудуннинг 1 нафар маъмуридир. «Бир нафар тудун»нинг ва «Шулую хоқон»нинг хизматидаги «юксак маъмурлар»нинг борлиги тудуннинг ушбу воҳа хукмдорлигига тайинлаб қўйилган ягона турк вакили бўлмаганини кўрсатади<sup>808</sup>. «Шулую хоқон» ва «Шимол хоқони» каби битта ҳужжатда иккита хоқоннинг учраши катта изоҳ талаб киладиган масала эмас.

М. Дромпп, Шарқий Турк хоқонлигига бир нафар «Буюк / Бош хоқон» ва қуидан юқорига тўғри беш-олти «хоқон» мавжуд бўлган деб ёzáди. Ушбу тадқиқотчи биттадан кўп хоқон мавжудлигини ҳокимият структурасининг эгилувчан (қайишқоқ)лиги билан алоқали ҳисоблайди. Шу жиҳатдан Гаочандан топилган, бироқ юқорида келтирилган хужжат билан айни даврга оид ёки аксинчалиги ноаниқ бошқа бир хужжатда ҳам «Жануб хоқонининг элчисига мол-ашё берилгани» ҳақида маълумот учраши ҳам дикқатга сазовор. Туркларнинг воҳа шаҳарларига юборган бир неча амалдор ва элчилари, эҳтимол, ушбу шаҳарларни бошқаришда тўғридан-тўғри ваколатли бўлмасалар-да, улар хоқонлик бошқаруви билан воҳа бошқаруви орасида уйғунликни таъминлаб, назоратда тутиб туришган<sup>809</sup>.

<sup>806</sup> Абдуллаев К. Живопись крепости Тавка... – С. 235.

<sup>807</sup> Skaff K. J. Western Turk Rule... – P. 99–100.

<sup>808</sup> Skaff K. J. Western Turk Rule... – P. 99–100.

<sup>809</sup> Skaff K. J. Western Turk Rule... – P. 100.

Ж. К. Скэффнинг фикрича, «Гаочанга бир вактнинг ўзида элчилар юборган хоқонлик бошқарувчиларининг кўплиги бизга Гаочан устидан нуфузга эга бўлган бир неча элита мавжуд бўлган мазмунидаги натижага боришимизга имкон беради. Гаочандаги турк эли-таларининг ваколат доираси бир-бири билан муросада эканлиги анча кейинги даврларда – XIII аср охирлари ва Темур ҳокимиияти остидаги XIV аср охирларида мўғуллар бошқарувига хос ташкилий тузилишни эслатади. Мўғулларнинг Хитойдаги Юан сулоласи ҳарбий ташкилотининг тузилиши бўйича тадқиқотлар олиб борган Чжичжин Хсиао уларда масъулиятнинг бир пайтнинг ўзида бир неча кишига юклатилиши «ҳокимииятни сунистеъмол қилиш»нинг олдини олиш мақсадида ташкил қилингани билан боғлиқлигини таъкидлаб, акс ҳолда кераксиз бир қарама-қарши назорат тизими яратилган бўлур эди деб ёзади. Бошқа бир тадқиқотда Элизабет Эндикотт-Уэст худди шундай принципнинг Юан фуқаро бошқарувида хам жорий қилингани айтиб ўтади. Хронологик ва географик жиҳатдан қанчалик мўғуллар ва Темурдан алоҳида бўлсалар-да, турклар хам Гаочанда шунга ўхшаш бошқарув маданиятини жорий қилганлар»<sup>810</sup>.

Мазкур маълумотлардан Фарбий Турк хоқонлиги дастлабки йилларда ўз вассалларини бошқариш учун тобе ҳукмдорликлар назорати учун бирор *тегин* (шахзода) юборгани, кейинчалик эса маҳаллий ҳукмдорларга элтабар унвонини бериб, улар назоратига бирор тудун тайинлагани ёки айрим маҳаллий сулолаларни ағдариб, ё бўлмаса мавқеидан тушириб, ўрнига ўз хонадонидан вакил жойлаштиргани аён бўлади.

Хоқонликнинг вассаллар бошқарувида бундай хилма-хил усуллардан фойдаланишини қандай изоҳлаш мумкин? Айниқса, хоқонликнинг баъзи жойларда маҳаллий сулола бошқарувига ортиқча аралашмагани, баъзи жойларда эса аксинча бўлганлиги ўзининг қандай изоҳига эга? Фикримизча, хоқонлик турли усул ва воситаларни жорий қилишда уларнинг ҳар бирига хос мавжуд вазиятдан келиб чиқсан. Демокчимизки, айрим маҳаллий сулола вакиллари доимий равишда хоқонликка яхши итоат қилган ҳолда унинг ишончини қозонган бўлса, баъзилари аксинча йўл тутган. Яъни мавжуд сиёсий аҳволдан келиб чиқиб, баъзи ҳукмдорликлар хоқонликка

<sup>810</sup> Skaff K. J. Western Turk Rule... – P. 100.

бўлган муносабатларини ўзгартиришга уриниши (Хитойга элчи жўнатиши, ўлпон тўлашдаги қингирликлар ва х. к.)ларидан келиб чиқиб, хоқонлар маҳаллий сулолани ағдариб ташлаган ёки ўз ўрнида қолдирган бўлиши мумкин.

Бинобарин, 605 йили Чочнинг, 630- йилларда эса Фарғона хукмдорининг хоқонлик вакиллари томонидан ўлдирилиши, ҳар ҳолда ушбу хукмдорликлар бошқарувчиларининг мустақил сиёсат юритишга уринишлари билан эмас, уларнинг ўлпон тўлашни пайсалга солишлари туфайли бўлса керак. Чунки сон жиҳатдан жуда кам қўшинга эга Чоч ёки Фарғонанинг бир неча юз минг қўшинли хоқонликка қарши чиққани кам эҳтимоллидир. Шунингдек, айrim воҳаларда маҳаллий амалдорлар ўз бошқарувчисидан шикоят қилиб хоқонга мурожаат қилиши сулола алмашувига олиб келган бўлиши мумкин. Масалан, 580- йилларда Аброй исмли хукмдорнинг зулмидан шикоят қилган буҳоролик зодагонлар хоҳишига кўра, Қорачурин (Тарду?) хоқон ўз ўғли Шер-и Кишвар (Эл-Арслон)ни Буҳорога юборган, шаҳзода эса Абройни ўлдириб, бу ерда ўз сулоласини барпо этган эди. Бундан ташқари, Буҳорода хоқонликка алоқадор сулола ташкил топишида ушбу воҳанинг стратегик жиҳатдан жойлашув ўрни ҳам рол ўйнаган бўлиши мумкин. Хусусан, 580–600 йиллар оралиғида хоқонлик ва Сосонийлар орасидаги зиддиятлар пайтида кўплаб хоқонлик вакиллари (Шава?, Пармуда?, Йел-тегин ва б.) Буҳорода фаолият юритишгани маълум.

Воҳа хукмдорликларининг географик ўрни (жумладан, стратегик аҳамияти) ҳам хоқонликнинг вассаллар бошқарувида турли воситаларга мурожаат қилишига сабаб бўлган кўринади. Хусусан, хоқонликка тўғридан-тўғри алоқадор сулола ташкил топиши жараёнида Тўхористонда бирор маҳаллий сулолага барҳам берилгани маълум эмас. Айтиш мумкинки, хоқонлик ўзининг доимий рақиби бўлмиш Сосонийлар Эрони билан жануби-гарбдан кўшни Тўхористондек бир жойга Ашина хонадонига мансуб шаҳзодаларни тайинлаши вазият тақозосидан келиб чиқсан.

Тўхористон каби Сосонийлар Эронига қўшни ҳудудда жойлашган Кобулистон ҳам бевосита Ашина хонадонига мансуб шаҳзода - тегинлар томонидан бошқарилиши замирида ҳам муайян сабаблар ётади. Ҳар иккала хукмдорликнинг хоқонлик учун стратегик жиҳатдан

муҳим бўлганини кўрсатадиган далиллардан бири шуки, бошқа воҳа ҳукмдорликларидан фарқли ўлароқ, улардан ҳар бири асосан туркийлардан ташкил топган кўп сонли қўшин эга бўлганилигидир. Жумладан, «Таншу»даги маълумотлардан аён бўлишича, шунингдек, хитой сайёхи Хой Чаонинг эътирофига кўра, Тўхористон ва Кобулистон ўлкаларининг Хуттал, Каписа каби айрим вилоятлар нуфусининг ярми *Xу* (ўтрок аҳоли) ва ярми *Тукюе* (турк)лардан иборат бўлиб, Зобулистон, Гандхара сингари вилоятлар нуфуси, асосан, маҳаллий аҳолидан, уларнинг ҳукмдори ва қўшини эса туркийлардан таркиб топган эди<sup>811</sup>. Ҳакикатан ҳам сони 2–3 минг аскардан иборат қўшинга эга Қораشاҳр, Кошғар, Кушония (Каттакўргон), Кабудон каби ҳукмдорликлардан фарқли равишда Тўхористоннинг 50–100 мингга яқин жангчиси бўлгани буни тасдиқлайди<sup>812</sup>.

Шу ўринда хоқонликнинг баъзи жойларни бевосита Ашина сулолалари ёки бошқа туркий қабила вакиллари воситасида бошқарганлиги, баъзи жойлар бошқарувини эса маҳаллий сулола вакиллари қўлида қолдириб, бирор вакил (тудун) орқали назоратда тутганининг замирида яна бошқа бир омил ётганига эътибор қаратиш зарур. Ҳусусан, Амударё–Сирдарё оралиги ва унга туташ ҳудудларнинг бир неча воҳаларида сулола ўзгаришлари қилингани, аксинча, Шарқий Туркистондаги воҳаларнинг барчасида эса маҳаллий сулолалар ўз ўрнида қолгани замирида ҳар иккала ҳудуднинг ўзига хос табиий-географик ҳусусияти ётади. Бу эса ўз навбатида муайян ҳудуднинг табиий ресурсларига боғлиқ эди. Яъни бирор воҳанинг маҳаллий аҳолини ва унга қўшимча равишда бошқарувчи тоифа сифатида янги келган жамоа (элита, қўшин ва ҳ. к.)ни боқа оладиган ресурсларга қай даражада эгалиги асосий омиллардан бири эди. Маълумки, Шарқий Туркистондаги воҳаларнинг деярли барчаси нисбатан кичик ҳудудлардан иборат бўлиб, бу ерлар қўшимча аҳолининг келиб жойлашувига мос эмасди. Айниқса, асосий қисми кўчманчи туркий қабилалардан иборат бўлган хоқонлик бирор воҳани эгаллаб, у ерда ўз қўшинини сақлар экан, албатта яйловларга эҳтиёж сезган. Шунга ўхшаш бирор воҳа бошқаруви бево-

<sup>811</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 323; Бернштам А. Н. Тюрки и Средняя Азия... – С. 189–191.

<sup>812</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 286–287, 294; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi’ne göre ... – S. 140.

сита Ашина сулоласи вакиллари қўлига ўтар экан, сулола вакилла-ри ўша воҳада ўз қўшини эҳтиёжларини таъминлашда яйловларга муҳтож эди.

Демак, Шарқий Туркистон воҳаларида бундай шароитнинг етарли эмаслиги бу ерга қўшимча аҳолининг келиб жойлашувида монелик қилганлиги сабабли ҳам хоқонлик бу ернинг бошқарувида катта ўзгариш қиласдан, маҳаллий сулолалар орқали бошқаришни маъкул кўрган. Бундан ташқари, мазкур минтақанинг деярли барча воҳасидаги тоғлик худудларда чорвадор аҳоли яшаб, хоқонлик учун воҳаларни улар воситасида назоратда тутиш нисбатан қулайроқ эди. Кўчманчи асосли давлатлар томонидан Шарқий Туркистон воҳаларида қўлланилган бу усул хоқонликкача ҳам мавжуд бўлиб, бу ҳолга минтақанинг Хунлардан то Жуан-жуанларгача бўлган сиёсий тарихига назар ташланганда гувоҳ бўлиш мумкин. Дарвоқе, қадимда ҳам бу ерда катта миграцион ҳаракатлар кузатилмагани.

Шарқий Туркистондан фарқли ўлароқ, Амударё–Сирдарё оралиғи ва унга туташ худудларнинг катта бир қисмида алоҳида-алоҳида Ашина сулолаларининг ташкил топиши бу ерларда нисбатан кенг ва қўшимча табиий ресурсларга бой воҳаларнинг мавжудлиги билан изоҳланиши мумкин. Жумладан, Чочда Илок (Оҳангарон), водийда Шимолий Фарфона, Тўхористонда Ҳисор тоғларининг жануби-ғарби ва Ҳиндикушнинг ғарбий этакларидан бошланувчи кенг яйловлар мавжуд бўлиб, бу эса мазкур худудларда Ашина хонадони вакилларининг ўз бошқарувини ўрнатишларига замин ҳозирлаган деб ҳисоблаш имконини беради. Дарвоқе, Сюан Цзан ўз эсдаликларида Тўхористон хукмдорининг «*չար ծօմ բիտա յշօյդա տուրմալիգի և սօբիտ բիր կյնօցի յնչլիգի*» ҳакида маълумот келтиради<sup>813</sup>. Ушбу маълумотда Қундуз атрофларида Тўхористоннинг бошқарувчи тоифасига алоқадор туркий қўшинларнинг яйловларда истиқомат қилганига ишорани кўриш мумкин.

Хулоса қиласиган бўлсақ, Ғарбий Турк хоқонлиги ўз вассаллари, яъни, асосан, воҳа давлатларини бошқаришда қўйидагича **усуллардан** фойдаланган:

<sup>813</sup> Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre ... – S. 185–186; Александрова Н. В. Путь и текст: китайские паломники в Индии. – М., 2008. – С. 238; Stark S. Die Alttürkenzeit... – S. 210–211.

**1) Бевосита.** Вассаллар назоратига шаҳзода – *тегинлар юбории*. Хоқонликнинг кўпроқ илк даврларига тааллуқли бу усул етарлича узвийлик касб этмаган бўлиб, вассалларнинг барчасига ҳам жорий қилинмаган. Афтидан, асосан, стратегик жиҳатдан муҳим воҳалар бошқарувида ўзгариш қилинишга уриниб кўрилган ва маҳаллий хукмдор ўрнини Ашина хонадони вакили эгаллаган. Хусусан, Чоч, Фарғона, Тўхористон ва Кобулистонда бошқарув Ашина хонадони вакилларига ўтган.

**2) Билвосита.** Воҳа хукмдорлигининг маҳаллий бошқарувчи сулоласи устидан назорат қилиш – маҳаллий хукмдорга *элтабар унвонини берииш ва тудун тайинлаши* (назоратчи ноиб). Бу усул кенг ёйилган бўлиб, афтидан, барча воҳа хукмдорликларига жорий қилинган ва узвийлик касб этган.

Афтидан, ушбу усуллар ҳар доим ҳам кутилганидек натижа бермаган шекилли, хоқонлик вассаллар бошқарувида шу каби **воситалардан** фойдаланган:

1) Нисбатан кучлироқ воҳа хукмдорлиги билан никоҳ муносабатларини йўлга кўйиш – вассал хукмдорни куёв қилиш, яъни «кўрагонлик тизими»;

2) Стратегик аҳамиятга эга жойларда қўшин сақлаш ёки гарнizon куриш;

3) Нисбатан кичикроқ воҳа хукмдорлиги бошқарувига хоқонлик сиёсий ҳаётида ўз ўрнига эга бирор туркий қабила ёки уруг вакилларини тайинлаш;

4) Хоқонликнинг асосчи – ашина қабиласи ёки унга иттифоқдош қабила ва уруғлар вакилларини вассал воҳаларга тайинлаш ноиб сифатида масъул қилиш<sup>814</sup>.

Шу тариқа, Фарбий Турк хоқонлиги томонидан вассаллар

<sup>814</sup> Ушбу восита, асосан, Амударё–Сирдарё оралиғи ва унга туташ худудлар (Шимолий Афғонистон)даги бир неча воҳаларда амалга оширилган бўлиб, бунда мазкур худудларнинг қўшимча аҳоли кўчиб келишига мос, яйловларга бойлиги эътиборга олинган кўринади. Чунки нисбатан кичик ва аҳолиси зич бўлган Шарқий Туркистан воҳаларида маҳаллий сулолалар ўз ўрнида колдирилиб, мавжуд 6 та воҳа хукмдорликларидан биронтасида ҳам ҳокимият Ашина хонадонига мансуб вакиллар кўлига ўтмаган эди. Аксинча, яйловларга нисбатан бой Чоч, Фарғона, Тўхористон ва Кобулистонда ҳокимият бевосита Ашина хонадони вакилларига ўтишига, бу эса ўз навбатида ушбу хонадон вакилларига таянч куч сифатида кўплаб туркий уруғларнинг мазкур воҳаларга келиб жойлашувига олиб келган.

бошқаруvida күлланилган усул ва воситалар давр тақозосига кўра, мавжуд шарт-шароитлар, эҳтиёжлар ва ўзаро манфаатдорлик асосида ташкил этилган эди деб ҳисоблаш мумкин. Хоқонлик вассаллар билан муносабатда ўзидан олдин ўтган Хун, Жуан-жуан, Эфталит каби кўчманчи асосли давлатлар тажрибасига таянган бўлса-да, бу масалада ўзининг ижтимоий-сиёсий характеристидан келиб чиқкан ҳолда, маълум воситалар ишлаб чиқиб, муайян ўзгаришилар ва янги тартиботлар жорий қилган.

#### **4. 4. Хоқонликда ҳарбий иш ва мудофаа тизими**

##### **4. 4. 1. Хоқонликда ҳарбий иш**

Турк хоқонлигининг ўз вақтида дунёдаги энг йирик давлатларидан бирига айланиши асосида унинг ҳарбий жиҳатдан бошқаларига нисбатан анча устунликка эга бўлганлиги омили ётади. Хоқонликнинг бу хусусияти кўпчилик тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган бўлиб, бу борада кўплаб фикрлар билдирилган. Жумладан, Л. Н. Гумилевнинг таъкидлашича, «Туркутлар (Турк хоқонлиги) зафарлари ва дунёнинг ярмига эгалик қилиши тасодифий ҳодиса эмас эди. Улар кўчманчилик савиясидан анча юқори бўлган шундай бир қўшин ва идора тизими яратдиларки, шунга муносиб равишда ғалабаларга ҳам эришди, деб айтиш мумкин»<sup>815</sup>.

Қадимги турк битиктошлари ва хитой йилномаларида учрайдиган хоқонликнинг бошқарув тизимига алоқадор атамаларнинг катта бир қисмини ҳарбий унвон ва атамалар ташкил этиши ҳам ушбу давлат уюшмасининг моҳиятида ҳарбийлик устуворлик қилганидан дарак беради. Хусусан, битиктошларда *су* (sü) ва *чериг* (čerig) атамалари «кўшин», *йизак* (yızak), *илки су* (ilkı sü) «авангард, илғор кўшин», *атлығ су* (atlığ sü) «отлик кўшин», *йадағ су* (yadağ sü) «пиёда кўшин», *эр* (er/är) «жангчи, жангчилар», *ўғлан* (oğlan) «ёш жангчилар», *сунгуш* (süngüş), *уруши* (uruş) «жанг», *суламак* (sülämäk), *су ташықмақ* «кўшин тортмоқ, кўшин чиқармок», *йагы* (yağı) «душман», *кўргуг* (körgüg) «разведкачи, жосусе», *йерчи* (yergi) «йўл бошловчи/йўл кўрсатувчи», *тил* (til) «тил (асир)» каби атамалар ҳарбий

<sup>815</sup> Гумилев Л. Н. Қадимги турклар... – Б. 64.

иш билан алоқадор равишда учрайди<sup>816</sup>. Шунингдек, битиктошларда *субоши*, *апа-тархон* (бош лашкарбоши), *тутук* (харбий волий), *сангун* (кўмондон, генерал), *чабиши* (харбий амалдор), *бингбоши* (мингбоши), *юзбоши*, *ўнбоши* ва ҳоказо каби ўнлаб атамалар, асосан, ҳарбийларнинг унвони ёки лавозим номи сифатида келади<sup>817</sup>.

Хоқонликнинг ўз даврида бошқа этносларга нисбатан ҳарбий жиҳатдан анча устун бўлишини таъминлаган воситалар нималардан иборат бўлган, мазмунидаги савол туғилиши табиий. Ҳолбуки, ашина турклари билан қўшни яшаган турли кўчманчи қабилалар, айниқса улар билан этник яқинликка эга кўплаб туркий қабилалар орасида ижтимоий-иқтисодий фарқлиликлар бўлгани, яъни қайсиdir бир этнос бошқаларига нисбатан анча тараққий этган шароитда яшагани яққол маълум эмас. Хўш, унда хоқонликнинг асосчи қабилалари қисқа муддатда бундай катта империяни яратишларига қандай омил сабаб бўлди экан? Тўғри, ушбу саволга улар мукаммал отлик қўшинга эга бўлишган, бу эса уларнинг ҳарбий муваффақиятини таъминлаган шаклида жавоб бериш мумкин. Бироқ Марказий Осиё-нинг шимоли-шарқий худудларида яшаган ҳар бир этнос отда жанг қилиш санъатини яхши билишган, ашина турклари улардан бу жиҳатдан қанчалик устун бўлиши мумкин?

Шу боис, масалани бу шаклда изоҳлаш етарли бўлмайди. Бир қатор тадқиқотчилар бунинг сабабини ашина туркларининг хўжалик шароити (касб-кори)дан қидиришади. Тадқиқотчилар хитой йилномаларида ашина турклари Жуан-жуанлар кўл остида экан, ўз хўжайнларига темир қазиб бериш билан шуғулланишгани ёки Жуан-жуан хукмдори Анагуай уларни «менинг темирчиларим» деб атагани<sup>818</sup>, ё бўлмаса Византия элчиларига хоқонлик аҳолисининг темир харид қилишни таклиф этишгани<sup>819</sup> хусусидаги маълумотларга эътибор қаратишади. Бир қатор тадқиқотчилар эса ушбу маълумотларга таяниб, Турк хоқонлиги асосчиларининг касб-кори темирчилик бўлгани ҳамда темирдан фойдаланишни яхши ўзлаштирган жамоа ўлароқ ундан мустаҳкам курол-аслаҳа ясаш санъатига эга бўлишгани,

<sup>816</sup> Дадабаев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики... – С. 8–16.

<sup>817</sup> Дадабаев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики... – С. 8–11.

<sup>818</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 221, 228; Liu Mau-Tsai. Çin kaynaklarına göre Doğu Türkleri... S. 14.

<sup>819</sup> Мокрынин В. П. К вопросу о тюрко-согдийской интеграции... – С. 170–175 .

пировардида бошқа этносларга нисбатан ҳарбий жиҳатдан устунликни қўлга киритишганини таъкидлашади<sup>820</sup>. Жанубий Сибир, Олтой ва Мўгулистан худудларидан топилган археологик топилмалар ҳам хоқонлик жангчиларининг мустаҳкам пўлат қуролларга эга бўлганини тасдиқлади. Хусусан, Олтой ўлкасидағи Балиқ-Соок деган жойдаги мозор-қўргон қазилгандан унинг қурол-аслаҳалари ва жанг кийимлари билан қўмилган қадимги турк жангчисига тегишли экани аниқланди. Аҳамиятлиси шуки, ушбу топилмалар қайта тиқланганда улар орасида қилич, дубулға (шлем), ханжар, ўқ-ёй, соват каби жанговар буюмлар мустаҳкам темир ва кумушдан ясалган бўлиб, суворийга ортиқча қийинчилик туғдирмайдиган даражада енгилдир<sup>821</sup>.

Хоқонлик қўшинининг қурол-яроғлари анча мустаҳкам бўлганини тасдиқлайдиган маълумотлар нафақат хоқонликнинг марказий худудлари бўлмиш мазкур жойлардан, балки хоқонлик таркибида бўлган ўтрок воҳалардан топилган археологик материалларда ҳам ўз тасдигини топган. Жумладан, узоқ йиллар давомида Панжикент шаҳар харобларида археологик қазишмалар олиб борган В. И. Распопова VII–VIII асрларда Суғдда қўлланилган қурол-аслаҳаларга қадимги туркларнинг катта таъсири бўлганини таъкидлайди<sup>822</sup>.

Хоқонлик қўшинларининг муваффакиятини таъминлаган бошқа бир хусус эса қадимги туркийлар жамиятига хос анъана ва тушунчалар билан боғлиқ. Хусусан, хитой йилномаларида учрайдиган «Жангда ўлишини шараф билишади, ҳасталаниб ўлишини эса уят ҳисоблашиади»<sup>823</sup> шаклидаги маълумот хоқонлик қўшинининг жангларга қай даражада рухан тайёргарлик билан киришганликларини кўрсатиши билан биргаликда, уларнинг кўп ҳолларда ғалаба килишларини таъминлаган омил бўлганидан дарак беради. Хитой йилномаларида турк хоқонлининг хос соқчи (лейб-гвардейц) қўшинлари *фу-ли* (бўри) деб аталashi ва хоқоннинг ўрда-қароргохи

<sup>820</sup> Кубарев Г. В., Кубарев В. Д. Погребение знатного тюрга из Балык-Соока (Центральный Алтай) // Археология, этнография и антропология Евразии. 4 (16), 2003. – С. 64–82; Худяков Ю. С. Военное дело Западных тюрков... – С. 40–43.

<sup>821</sup> Кубарев Г. В., Кубарев В. Д. Погребение знатного тюрга... – С. 64–80.

<sup>822</sup> Распопова В. И. Поясный набор Согда VII–VIII вв. // СА. – М., 1965. – № 4. – С. 89–91.

<sup>823</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 231.

тепасида бўри боши тасвирли байроқ ҳилпираб туриши ҳақида маълумот келтирилиб, *Тукюе* (турк)лар урғочи бўри уруғидан эканлиги ва улар ўз келиб чиқишлигини унудишини истамасликлари таъкидланади<sup>824</sup>. Шунингдек, йилномаларда бўри билан боғлиқ қўйидагича маълумот қайд этилади; «(турклар) айрим ҳолларда фулинь-кехан (бўри-хоҷон)лик жорий қилишишади. «Фулин»нинг маъноси «бўри»дир; уларнинг ўлдиришига мойиллиги ва ҳирслигига қараб шундай лақаб беринишиади»<sup>825</sup>.

Хитой йилномаларида *тукюе* (турк)ларнинг қурол-яроғлари ўқёй, гурзи, зирҳли совут, узун суворий найзалари ва қиличлардан иборат экани кўрсатиб ўтилади<sup>826</sup>. «Таншу» йилномасида «Уларда жсангчи асбоби сифатида мўғуз шаклидаги, овоз чиқарадиган ўқ-ёй, қалқон, найза ва қиличлар мавжуд» мазмунида маълумот учрайди<sup>827</sup>.

Шу ўринда, Ғарбий Турк хоқонлиги қўшинининг асосий қисмини ташкил қилган туркий қабилалаларга жанг пайтида кимлар бошчилик қилишган мазмунидаги савол туғилади. Хитой йилномаларида *Дулу* ва *Нушиби* каби ҳар иккала қанот ёки бошқа туркий қабилалар бошқарувида баъзан хоқонлик аъзолари – ябгу, шад, тегин унвонли шаҳзодалар турганлиги тўғрисида маълумотлар ўрин олган<sup>828</sup>. Хоқонлик мазкур вакилларининг вазифаси тобе қабилалаларни бошқариш ва соликлар йиғинини ташкил қилиш билан биргаликда, уларни ҳарбий ишларга жалб этиш ва жангларга бошчилик қилиш ишларини ҳам амалга оширишдан иборат бўлган. Айниқса, хоқонликда шахзода – тегинлар ўз қўшинига эга бўлиб, бирор ўлкани бошқаришга масъул килинган тақдирда шад унвони олганликлари<sup>829</sup> назарда тутилса, бу масала янада ойдинлашади.

<sup>824</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 229; Liu Mau-Tsai. Çin kaynaklarına göre Doğu Türkleri... S. 21; Зуев Ю. А. Ранние тюрки... – С. 36; Джуманалиев Т. Д. Эволюция каганской власти... – С. 186.

<sup>825</sup> Зуев Ю. А. Ранние тюрки... – С. 36–37.

<sup>826</sup> Liu Mau-Tsai. Çin kaynaklarına göre Doğu Türkleri... S. 21.

<sup>827</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 229; Taşağıl A. Gök-Türkler. – Ankara, 1996. – S. 97.

<sup>828</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 292.

<sup>829</sup> Taşağıl A. Gök-Türkler. I... – S. 78; Артамонов М. И. История Хазар... С. 154–156; Kalankatlı M. Alban Tarihi... – S. 151; Togan İ., Kara G., Baysal C. Çin kaynaklarında Türkler... – S. 80.

#### 4. 4. 2. Қўшин таркиби

Ғарбий Турк хоқонлигига қўшин «ўнлик тизим»дан ташкил топган эди. Бунинг мисолини қадимги турк битиктошлари, хитой йилномалари ва араб манбаларида келтирилган маълумотлардан топиш мумкин. Жумладан, битиктошларда учрайдиган «Ўн Ўқ» атамасининг ўзиёқ ҳар бири 10 мингдан жангчи етиштириб берувчи 10 та турк қабиласи маъносида бўлган. Хитой йилномалирида Истами (Шидяни) хоқоннинг «ўн нафар катта қабиланинг бошлиқларига йўлбошчилик қилган ҳолда жами 100 минг жсангчи билан гарбий ўлкалардаги Ху мамлакатларини қўл остига олии учун юборилган»лиги, унинг бешинчи буғин авлоди Ашина Хэлу (\*Улуғ; 651–657) эса «Ўн қабилани бирлаштириб, уларни бошқарарди. Жами юз минг тажрибали жангчилари бор эди»<sup>830</sup> тарзида тилга олиниши ҳам Ғарбий хоқонлик қўшини «ўнлик тизим»дан ташкил топганини тасдиқлайди. Араб тилидаги манбаларда ҳам шунга ўхшаш маълумот учрайди. Юқорида келтириб ўтилганидек, ибн ал-Факиҳ ал-Ҳамадонийнинг «Ахбор ал-булдон» (Х аср) асарида халифа Ҳишам ибн Абдулмалик (724–743) «турклар ҳукмдорига» элчи юборганда, хоқоннинг хузурида 10 нафар қўлида байроқ (түғ) қўтарган отлик ҳозир бўлгани ва уларнинг ҳар бири 10 минг нафар жангчини ўз байроғи остида тўплаганликлари зикр этилади<sup>831</sup>. Демак, бирбиридан фарқли тиллардаги манбаларда деярли бир хил маълумот учраши Ғарбий турк хоқонлигига қўшин «ўнлик тизим»дан ташкил топганлиги борасида шубҳага ўрин қолдирмайди. Яъни Ғарбий хоқонлик ҳар бири 10 минг нафардан жангчи етиштириб берадиган 10 та туркий қабила номи билан «Ўн Ўқ/қабила» деб юритилганлиги анча-мунча ўз тасдиғига эга.

Ғарбий хоқонлик қўшинлари асосан отлик жангчилардан ташкил топганди. Шунингдек, жангларда туялардан ҳам фойдаланганлиги манбаларда ўз аксини топган. Ҳусусан, хитой роҳиби Сюан Цзан Тун ябғу-хоқон хузурида бўлган пайтда қўшинларнинг бир қисми отлик,

<sup>830</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 291; Taşgil A. Gök-Türkler. II... – S. 96; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... – S. 122.

<sup>831</sup> Асадов Ф. Арабские источники о тюрках в ранее средневековье. – Баку, 1993. – С. 44; Stark S. On Oq bodun... – Р. 160–165.

бир қисми түяда эканлигига гувоҳ бўлади<sup>832</sup>.

Хоқонлик кўшинларининг асосий қисмини ашина турклари ва улар билан қўшни яшаган кўплаб туркий қабилалар ташкил этган. Хоқонлик ҳудудлари кенгайган сари забт этилган ўлкалардан ҳам аскарлар олинган бўлиши керак. 626–628 йилларда Фарбий Турк хоқонлиги кўшинлари Кавказда жанглар олиб борган пайтда кўшиннинг бир қисми марказий осиёлик туркий қабилалардан, бир қисми эса Шимолий Кавказда қадимдан яшаб келаётган хазар туркларидан ташкил топган эди. Жумладан, Моисей Каганкаваци ва баъзи тарихчилар ушбу жангларда шимолдан келган «сочи ўрилганлар» билан биргаликда, хоқоннинг тажрибали жангчиларининг хазарлардан иборат эканлигини қайд этадилар<sup>833</sup>. Бундан сал олдинрок 616 йилда Сосонийларга қарши жанг килаётган хоқонлик кўшинига арман жангчилари қўшилиб, улар билан биргаликда бир қатор жангларда иштирок этишгани маълум.

Фарбий Турк хоқонлигининг асосий қўшини ашина ва у билан қариндош туркий уруғлардан иборат бўлганига далил сифатида шуни келтириш мумкинки, хитой роҳиби Сюан Цзан ва сайёҳ Хой Чаога кўра, Кобул ва унга яқин ўлкаларнинг бир нечасида хукмдор ва қўшин турклардан иборат бўлган<sup>834</sup>.

Хоқонликда қўшин унга тобе хукмдорликлардан фарқли ўлароқ, кўп сонли жангчилардан ташкил топган эди. Ўз даври манбаларидан аён бўлишича, хоқонлик кўшинлари бир неча юз мингни ташкил этарди. Гарчи ушбу маълумотлар муболагали бўлса-да, хоқонлик кўшинларининг энг камида 100 мингдан ортиқ жангчилардан иборат бўлганлиги турли тиллардаги манбалар асосида ўз тасдигини топади. Хусусан, Истами бошлигигида ғарбий ўлкаларга, Эфталитларга қарши юборилган қўшин 100 минг жангчидан иборат бўлган<sup>835</sup>. Бунинг аксига хоқонликка тобе Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистоннинг воҳа давлатларида эса жангчилар микдори 1000 нафардан 10 минг

<sup>832</sup> Зуев Ю. А. Ранние тюрки... – С. 264.

<sup>833</sup> Kuzmin-Yumanadi Y., Kuleshov P. V. Hazarlar // // TÜRKLER, 1. – Ankara, 2002. – S. 466.

<sup>834</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 323; Chavannes E. Documents sur les... – P. 293, 297; Бернштам А. Н. Тюрки и Средняя Азия... – С. 189–191; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre ... – S. 177, n. 1.

<sup>835</sup> Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre ... – S. 122.

нафаргача эди.

Афтидан, хоқонлик ўз вассалларидағи чокар деб номланувчи оз сонли маҳсус гвардиялардан ҳам фойдаланган күринади. Манбаларда Суғд (Самарқанд, Панч, Кеш) ва Тўхористонга алоқали маълумотлар учраб, улар мазмунидан мазкур ҳукмдорликлар бошқарувчиларининг ўзларини «хоқоннинг чокарларидан бири» сифатида кўрганликлари англашилади<sup>836</sup>.

#### 4. 4. 3. Жанг тактикаси

Ғарбий Турк хоқонлигининг қўплаб жанглар олиб борганига доир анча-мунча маълумотлар сакланиб қолган бўлса-да, жангларда айнан қандай тактикалар қўлланилганига доир батафсил маълумотлар учрамайди. Шунга қарамай айрим маълумотлар асосида хоқонлик томонидан муайян тактикалар амалга оширилганини тасаввур қилиш мумкин. Жанг пайтида қуидагича турли тактикалар қўлланилганига дуч келамиз: баъзан рақиб тарафлар жангдан олдин ўзаро келишган ҳолда ким ғолиб, ким мағлуб бўлишини белгилайдиган айрим шартларни бажаришарди. Хитой йилномаларида қайд этилишича, Ғарбий турк хоқони *Далобян* (Апа Турум: 583–587) ўз қўшинлари билан Суй сулоласи қўшинлари қарама-қарши туриб, жанг бошлишга тайёр гарлик қўраётган бир пайтда хитой лашкарбошиси Тоу Жунг-тинг «ортиқча қон тўқилмаслиги учун ҳар иккала томон ҳам бир нафар бақувват, жасур жангчини ўртага чиқариб уришиштирсан, улардан қайси бири енгса, ўша томон голиб деб ҳисоблансан, мағлуб томон орқага чекинсан» дея таклиф билдиради. Таклифни қабул қилган хоқонлик қўшинлари ўз жангчиси бой берган тақдирда ҳам ҳужум қилмасликлари ҳакида сўз бериб, ўзларининг бир нафар отлиқ аскарини ўртага чиқарадилар. Хитойликлар томонидан Ван Суи исмли жангчи турк аскарини енгиб, унинг бошини кесгач, ортга қайтади. Ваъдага мувофиқ хоқонлик қўшинлари жанг қилмай, сулх қасамини ичиб, орқага қайтиб кетадилар<sup>837</sup>.

Қадимги туркийлар анъанасига кўра, хукмдорлар қўшин жангоги

<sup>836</sup> Beckwith C. I. Aspects of the Early History of the Central Asian Guard corpus of Islam // AEMAE. – Wiesbaden, 1984. – Tom IV . – P. 36–38; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre ... – S. 133, n. 2.

<sup>837</sup> Taşağıl A. Gök-Türkler. – Ankara: TTK, 1995. – S. 42.

варлигини ошириш учун бир қатор жанговар тайёргарлик тадбирларини амалга оширганлар. Йилномаларда Ченг-гуан (627–649) йилининг бошларида (тахм. 630- йилларда) ҳукм сурган уйғур ҳукмдори Пуса ҳакида «доимий равишда жсанг қилиши, қиличбозлик ва ўқ-ёй отии машқларини амалга оширап, овга чиқарди» шаклида маълумот учраши<sup>838</sup> бунинг мисолидир.

Афтидан, хоқонликда ҳарбий ҳаракатлар пайтида хабарлашувлар йўлга қўйилган бўлиб, хоқонлик ва унинг ҳайриҳоҳлари ёки вассаллари орасида душманга қарши режалаштирилган ҳарбий фаолиятлар ўзаро хат-хабарлашувлар орқали амалга оширилган. Шундай мазмундаги ёзишмалар суғдий ва бақтрий тилли хужжатлар орасида сақланиб қолган<sup>839</sup>. Бу ҳақда А–14 рақамли Муғ тоги суғдий хужжатида қуйидагича маълумот акс этган:

«...Ва жаноб, хоқонга (мўлжалланган) хатни ҳам, Фарғона ҳукмдорига мўлжалланган хатни ҳам Фарғона тутуғи (лашкарбошиси) қўли билан Фарғона ҳукмдори томон жўнатдим... Жаноб, тудундан ва унинг ёрдамчи сидан хат ва оғзаки жавоб олдим... қайта Чоч томон қайтиб келдим... Жаноб, Тудун тазик (араб)лар билан битимга биноан чекинди... хабарларга биноан Хун (турк)лар ҳеч кўринмайди, чунки улар юқорига караб кетишиди ва ҳалигача ҳеч ким қайтиб келгани йўқ...»<sup>840</sup>.

Гарчи ушбу хатлар Суғд, Тўхористон ёки Кобулистон ҳукмдорларига тегишли бўлса-да, уларнинг баъзиларида хоқон томонидан «топшириқ келганлиги» ёки «ёрлик юборилганлиги», ё бўлмаса, ушбу ҳукмдорликлар бошқарувчиларининг арабларга қарши ҳарбий ёрдам сўраб, хоқонга хат орқали мурожаат қилишгани каби маълумотлардан келиб чиқиб, Ҳарбий Турк хоқонлигига ёзма хабарлашувлар йўлга қўйилган деб тахмин қилиш мумкин.

#### 4. 4. 4. Ҳарбий истеҳкомлар

<sup>838</sup> Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – S. 132.

<sup>839</sup> Согдийский документы... II, – С. 80–82; Sims-Williams N. Bactrian Documents from... – Р. 106–112.

<sup>840</sup> Согдийские документы... II. – С. 80–85; Лившиц В. А. Согдийская эпиграфика... – С. 86–88.

Қадимги турк битиктошларида ҳарбий истеҳкомлар билан алоқадор баъзи атамалар ҳам учрайди. Жумладан, Тунюкук битиктошида қуидаги маълумотакс этган: «*Селенга қоды йорыпан қарагун қыслата эбин-барқын анта буздум – Селенга (дарёсига) қуий тушиб, (назорат) постини босиб, уй-жойини буздим*»<sup>841</sup>. Ушбу туркий атама Темурийлар давлати томонидан Хитойга элчи қилиб юборилган Фиёсиддин Накқошнинг сафарномасида ҳам учраб, унга шу тариқа таъриф берилади:

«Шаҳарлар оралиғида бир нечта қарагу ва кай-дайфу (ём / почта) бор. Қарагу – баландлиги йигирма газ (14 метр) келадиган бир уйдан иборат ва унда доимо ўн киши соқчилик қилиб туради. Бу уйни шундай курғанларки, ундан қаралса бошқа қарагу кўринади; агар бирор ҳодиса содир бўлиб колса, масалан, <чегара томондан> бегона лашкар келгудек бўлса, дархол олов ёқадилар, буни кўрган бошқа қарагу ҳам олов ёқади. Шу тартибда олов ёкишни давом эттираберадилар, бир кечакундуз вакт ўтгунча уч ойлик йўлдагилар ҳам қандайдир бир ҳодиса юз берганлигидан вокиф бўладилар. Тўла шарҳлари билан ёзилган мактуб эса бундан кечроқ етади; уни кай-дайфу орқали бир-бирларининг кўлларига тутқазиб, етказадилар»<sup>842</sup>.

Гарчи ушбу маълумот анча кеч даврга оид бўлса-да, мазкур ҳарбий иншоатқадимдаҳамхуддишундай вазифабажарган, дебтахмин қилиш мумкин. Жумладан, Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону лугатиттурк» асарида бу ҳақда шундай ёзади: «*Қаргуй – тоғ чўққисига ёки баланд ерларга минорага ўшатиб ясад қўйиладиган жой. У ерда ўт ёқилиши билан душмандан хабар берилади ва одамлар ўзларини ҳам, молларини ҳам қутқаршига ҳаракат қиласилар*»<sup>843</sup>. Афтидан, ушбу сўз соғ туркий сўз бўлиб, «қарамоқ, бокмоқ» феълидан шаклланган.

Хоқонлик қўшинларига мулжалланган маҳсус қароргоҳ шаҳар қалъалар бўлган деб ҳисоблаш имконини берадиган айrim маълумотлар мавжуд. Чоч воҳасида жойлашган Жабгуват шундай шаҳарлардан бири бўлиб, араб географлари бу шаҳар ҳақида ёзганда бошқа Шош шаҳарларидан фарқли ўлароқ, уни «қадимда

<sup>841</sup> БХБ. шарқ. 37–38, 40- сатрлар.

<sup>842</sup> Ўринбоев А., Бўриев О. Фиёсиддин Накқошнинг Хитой сафарномаси. – Т., 1991. – Б. 17.

<sup>843</sup> Кошғарий, Маҳмуд. Туркий сўзлар девони... III, – Б. 260.

хұқдорларнинг ҳарбий қароргоҳи бўлган» шаклида қайд этадилар. Қудама ва ибн Хурдодбех ўз асарларида Шошнинг маркази Бинкетдан икки фарсах жойда «ички мудофаа деворига эга ҳарбий лашкаргоҳ (лагерь)» ҳақида ёзсалар, «Худуд ул-олам»да «Жабгуат – чиройли шаҳар бўлиб, қадимда Чочнинг ҳарбий лагери эди» шаклида қайд этилади<sup>844</sup>. Номидан ҳам аён бўлишича, ушбу шаҳар Ғарбий турк хұқмдорларининг қароргоҳи бўлган.

Демак, юқорида кўриб чиқилган маълумотлардан кўринадики, хоқонлик ўз даврида ҳарбий жиҳатдан илгор бўлган. Бунинг тасдиғи ўнлик тизимга асосланган мунтазам қўшин, ҳар бири 10 минг нафар жангчи билан таъминловчи «Ўн Ўқ» тузилмаси ва у билан алоқали доимий равишда ҳозир турувчи 100 минглик қўшин мавжуд бўлганида ўз ифодасига эга. Хоқонлик ўз даврининг қудратли давлатларидан бирига айланиши замирида ҳам унинг кўп сонли, интизомли ва тезкор отлиқ қўшинга эга бўлиши ётади. Бу эса уни қудратли қўшнилари бўлмиш Сосонийлар Эрони, Византия ва Хитой устидан маълум муддат устунлик қилишга ва доимий равишда ўз худудини кенгайтириб боришига замин яратган.

## V БОБ. ХОҚОНЛИКНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ХАЁТИ

### 5. 1. Хоқонлика ижтимоий-иқтисодий ҳаёт

Кенг худудларни ўз ичига олган Ғарбий Турк хоқонлиги ўз қўл остидаги моддий аҳволи турлича бўлган қабилалар ва вассал воҳа давлатлардан келадиган даромаддан қандай фойдалангани ва уларни қай мақсадларда сарфлагани масаласи ҳам ҳалигача тўлақонли ёритилмаган. Бундан ташқари, жангларда эришилган ғалабалар натижасида қўлга киритилган катта миқдордаги бойликлар мавжуд бўлиб, уларнинг тақсимоти ва кундалик эҳтиёжларда қандай фойдаланил.

<sup>844</sup> Hudud al-‘Alam... – Р. 117, 357; Буряков Ю. Ф. Историческая топография... – С. 73; Худуд улолам (Мовароуннахр тавсифи). Форс тилидан таржима, сўз боши, изохлар ва жой номлари кўрсаткичи муаллифи О. Бўриев. – Т., 2008. – Б. 32.

гани масаласи ҳам хоқонликнинг молиявий ҳаётини тадқиқ этишда ёрдам беради. Хоқонликнинг Буюк Ипак йўлидаги кўп ийллик ҳукмронлиги, ипак тижоратининг йўлга қўйилиши ва унинг назоратини ўз қўлига олиши, шунингдек, савдогарлардан тушадиган бож ва тўловлар ҳам хоқонликнинг молиявий аҳволи ҳақида муайян маълумот бера оладиган омиллардир. Албатта, бошқа ҳар қандай сиёсий тузилма сингари Ғарбий Турк хоқонлигининг ҳам ўзига хос шу ва шунга ўхшаш даромад ва харажатлари бўлиб, бу ҳақда манбаларда бир қатор маълумотлар акс этган.

Хитой манбаларида хоқонликнинг асосий кучини ташкил этувчи туркий қабилаларнинг аксариятини кигиз чодирларда яшовчи, яйлов ва сувли жойларни қидириб кўчиб юрувчи, гўшт кўп истеъмол қиласидиган ва қимиз ичадиган кўчманчи чорвадорлар сифатида тасвиранади. Жумладан, бош машғулотлари чорва бокиш ва овчиник эканлиги таъкидланиб<sup>845</sup>, «Уларнинг солиқлари жсангчи ва от эди. Оти билан аскарликка бории мажбурий бўлиб, солиқ сифатида тўланадиган сурув моллари мавжуд эди»<sup>846</sup> шаклида аҳолининг давлатга бўлган мажбуриятлари баён қилинади. Бу эса хоқонлик иқтисодий ҳаётида чорвачилик катта ўрин тутганини кўрсатиши баробарида аҳолининг таянч қисми ҳарбий бўлганидан дарак беради.

Хитой ва юнон манбаларидаги айрим маълумотларга таяниб, бир қатор тадқиқотчилар хоқонлик иқтисодий ҳаётида тижоратнинг ҳам алоҳида жой эгаллаганини таъкидлашади. Қадимги турк битиктошларидаги баъзи маълумотларга асосланиб баъзи тадқиқотчилар хоқонлик ўзининг ўтрок қўшниларидан ипак, пахта газламалири, дон-дун, олтин ва кумушдан ясалган зеб-зийнат буюмлари ва дехқончилик асбоблари олганлиги фикрини олға сурадилар<sup>847</sup>. Мазкур маҳсулотлар ё Хитой шаҳарлари ва чегара худудларда ташкил этилиб турган савдо-сотик муносабатлари орқали, ё бўлмаса талончилик юришлари воситасида таъминланган. Ушбу масалага тўхталган С. Г. Кляшторный Евроосиёдаги жангу-жадалларнинг бош сабабларидан бири сифатида савдо-сотик учун энг мухим тavarлар олиб ўтиладиган Ипак йўлини назорат остида тутиш ётгани-

<sup>845</sup> Liu Mau-Tsai. Çin kaynaklarına göre Doğu Türkleri... S. 20; Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş... – S. 124.

<sup>846</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 229; Taşağıl A. Gök-Türkler. – Ankara: TTK, 1995. – S. 97.

<sup>847</sup> Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş... – S. 124.

ни ёзади<sup>848</sup>. Америкалиқ таниқли турколог Д. Синор эса хоқонликда «чөрвачиликка ихтисослашған иқтисодий асос томонидан құллаб-қувватланувчи сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан юқори мавқега эга ижтимойй устун табақа»дан ташқари, ахолининг күпчилик қисмини ўрмон халқлари ташкил этишини таъкидлаш билан бирга, тоғ-кон саноати (металлургия)ни «Түрк хоқонлиги сиёсий кучининг пойде-вори» деб хисоблайди<sup>849</sup>.

Бу масалада П. Голденнинг фикрлари ҳам диққаттаға сазовор-дир. Тадқиқотчига кўра, турклар халқаро тиженорий муносабатларда муҳим воситачи эдилар. Турк хоқонлиги, асосан, Хитой ва қисман, Ҳиндистоннинг Шарқий Ўрта денгиз (Сосонийлар Эрони ва Византия) мамлакатлари билан йўлга кўйилган савдо-сотиқ алоқаларини боғловчи, Евроосиёни бошдан-оёқ туташтириб турадиган тиженорий кўприк вазифасини бажаарарди. Ипак йўли тармоқларини бирлаштириш ва назоратда тутиш ўз навбатида хоқонликнинг бир муддат иқтисодий томондан ривожланишига шароит яратди<sup>850</sup>. Дарвоқе, мазкур халқаро алоқаларни таъминлаш мобайнида хоқонлик халқаро тиженоратда қийматга эга дурдона буюмларни ўз қўлида тутди. «Ташу» йилномасида қайд этилишича, Ғарбий турк хукмдори Шегуй хоқон (611–618) *Тиаоши* (Бобил) тужқуши тухумларини ўз қўлида тўплаган эди. Айни манбада 620 йилда Хитой саройига «улкан бир *Тиаоши* қуши»ни жўнаттган Ғарбий турк хоқонига доир ҳам маълумот учрайди<sup>851</sup>.

Византиялик тарихчи Феофан келтирган «турклар ўша пайтда авваллари форслар қўлида бўлган тијкорат шаҳарлари ва Серларнинг<sup>852</sup> портларини эгаллашиди... Форслар уларни (шаҳар ва портларни) қўлдан чиқаршиди. Эфталитлар эса уларнинг хўжайинлари бўлиб қолшиди. Шундан кейин кўп ўтмасдан турклар уларни жсанг-

<sup>848</sup> Кляшторный, 1972:256 .

<sup>849</sup> Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş... – S. 124.

<sup>850</sup> Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş... – S. 125.

<sup>851</sup> Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş... – S. 125.

<sup>852</sup> Серлар – Н. Пигуловскаяяниң фикрича, бу ерда суғдийлар маъносида келади (Пигуловская Н. В. Сирийские источники... – С. 73). Аслида бу ном остида Византия манбаларида Хитой ва хитойликлар, Шарқий Туркистоннинг ўтрок ахолиси тушунилган бўлса-да, вақти-вақти билан у ипак тиженорати билан шугулланган бошқа этнослар, шу жумладан, суғдийлар туркийлар учун ҳам қўлланилган.

*да мағлуб қилди ва улардан (шаҳар ва портларни) тортиб олишиди*<sup>853</sup> шаклидаги маълумотга асосланиб, Н. В. Пигуловская Суғд ва Каспийбўйида жойлашган тижорий шаҳарлар ва портлар хоқонлик иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутганини таъкидлайди<sup>854</sup>.

Демак, ўша даврда кўплаб давлатлар учун муҳим даромад манбаи бўлган ипак савдоси Турк хоқонлигининг иқтисодий ҳаётида ҳам етакчи ўрин тутган. Айниқса, бу хоқонлик ташкил топишининг илк йилларида ёк, шунингдек, ўз худудини қўшни мамлакатларни босиб олиш ҳисобига кенгайтира бошлаган дастлабки пайтларда ёк ипак савдосига аҳамият қаратиб, Сосонийлар Эрони ва Византияга ипак сотиш мақсадида сүфдий ва туркий тужжорларни юборганидан на-моён бўлади<sup>855</sup>. Аслида бирор элчилик ҳайъати сифатида юборилган хоқонликнинг ушбу вакиллари доимо ёнида ипак олиб юриши ва ташриф буюрган жойларда хориж хукмдорларига ипак сотиб олишни таклиф қилишларининг ўзиёқ хоқонликнинг ташки савдосида ипак маҳсулотларининг юкори ўрин тутганини кўрсатиб турибди.

Нафақат ташки савдода, балки, хоқонликнинг ички иқтисодий ҳаётида ипак маҳсулотлари алоҳида ўрин тутганини тасдиклайдиган маълумотлар қадимги турк битиктошларида ҳам учрайди. Жумладан, Тунюқуқ ва Кул Тегин битиктошларида хоқонлик қўшинларининг ҳарбий юришлар натижасида қўлга киритилган ёки хорижий элчилик ҳайъатлари ташрифи пайтида совга сифатида тақдим этилган ашёлар орасида ўз даври учун энг кийматли металлар бўлмиш олтин ва кумуш билан биргаликда *агы ёки құтай* – «ипак» ҳам тилга олинади<sup>856</sup>. Ипак ва ипак маҳсулотлари ўша даврнинг энг юксак қадрланадиган ашёси сифатида бир қатор давлатларнинг, шу жумладан, Турк хоқонлиги иқтисодий ҳаётидаги мувозанатнинг сақланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Ипакнинг асосий макони бўлмиш Хитой ипак савдосинининг бу қадар таъсир кучидан яхши фойдалана олган ва ипак матолар воситасида хоқонликдаги мувозанатни ўзгартиришга уринган. Жумладан, Кул Тегин битиктошида «*Табғач (Хитой) ҳалқи*

<sup>853</sup> Пигуловская Н. В. Сирийские источники... – С. 71.

<sup>854</sup> Пигуловская Н. В. Сирийские источники... – С. 71, 73.

<sup>855</sup> Пигуловская Н. В. Византия на путях в Индию (Из истории торговли Византия с Востоком в IVVI вв.). – М.–Л., 1951. – С. 203–204; Kafesoğlu İ. Türk Milli Kültürü... – С. 95; Мокрынин В. П. К вопросу о тюрко-согдийской интеграции... – С. 175–176.

<sup>856</sup> Тб. ғарб. 9- сатр, жануб. 1–3- сатрлар; КТб. шимол, 11–13- сатрлар.

*сўзи ширин, дебоси (ипак кийимлик ва кийимлари) нафис экан. Ширин сўзи, дебоси билан алдаб, ийроқ ҳалқни шу хилда яқинлаштирас экан», «(Уларнинг) ширин сўзига нафис дебосига алданиб, кўп [эй] турк ҳалқи ўлдинг» каби лавҳалар учрайдики<sup>857</sup>, уларнинг мазмунидан ипакнинг нафақат мамлакат иқтисодий ҳаётига, балки у билан боғлиқ равишда жамият мувозанатига ҳам таъсир қўрсата оладиган кучга эга бўлгани аён бўлади.*

Ёзма маълумотлар ва ўша давр шартларидан келиб чиқиб, хоқонлик молиявий тушумларининг манбаларини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:

- 1) Марказий Осиё ва Евроосиё дашт зоналарида яшовчи бўйсундирилган кўчманчи қабилалардан ундириладиган соликлар;
- 2) Хурросон, Шимолий Ҳиндистон, Шарқий Туркистон ҳамда Амударё—Сирдарё оралифи ва унга туташ ҳудудлардаги вассал воҳа давлатларидан олинадиган ўлпонлар;
- 3) Кўл остидаги ўлкаларнинг ҳар бирига хос қимматбаҳо буюмлар ёки қазилма бойликлардан истифода қилиш;
- 4) Хориж карвонлари ва савдогарлардан олинадиган бож;
- 5) Ипак ва турли металл (асосан, темир) савдосидан келадиган даромад;
- 6) Жанг ва турли ҳарбий ҳаракатлар (яғмо, талон, босқинчилик юришлари ва ҳ.к.)ларда кўлга киритиладиган ўлжалар.

Юқорида санааб ўтилган даромад манбаларига доир аниқ маълумотлар ёзма манбаларда кўп учрамаса ҳам, асосан, хитой йилномаларидағи маълумотлар бу хусусда бирмунча тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

Шу билан биргаликда, барча сиёсий тузилмаларда бўлганидек, хоқонликнинг ҳам ўзига хос сарф-харажатлари, бошқа бир ибора билан айтганда, «чиқим»лари бўлган. Манбалар таҳлили, хоқонликда бундай харажатлар асосан шу каби эҳтиёжлардан иборат бўлганидан дарак беради:

- 1) кўшин ҳар доим озиқ-овқат, кийим-кечак ва қурол-яроғлар билан таъминланишга эҳтиёж сезган;
- 2) маъмурий аппаратдаги амалдор ва хизматчиларнинг моддий эҳтиёжини қондириш.

<sup>857</sup> Абдураҳмонов Ф., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 89–90.

Гарчи, ёзма манбаларда аҳолидан ёки вассаллардан ундирилган солик ва хирожларнинг ушбу эҳтиёжларни қоплаш учун ишлатилганига доир муайян маълумотлар сақланиб қолмаган бўлса-да, уларнинг қўшин таъминоти ва маъмурият эҳтиёжига ишлатилганини тахмин қилиш мумкин. Шунингдек, жангларда қўлга киритилган ўлжалар ҳам мазкур эҳтиёжларда ишлатилган бўлиши керак.

### 5.1.1. Вассаллардан ўлпон олиш усули

Бу усул, асосан, Шарқий Туркистон, Амударё–Сирдарё оралиги ва унга туташ худудлардаги вассал воҳа давлатларидан доимий ра-вишда олинадиган ўлпонлар бўлиб, хоқонлик уларга ўзининг маҳ-сус вакилини юбориш орқали бу усулни барқарор равишда йўлга қўйган. Афтидан, хоқонликнинг вақтинчалик таъсир доирасига олингаган йирик давлатлар устидан ҳам шунга ўхшаш усул жорий қилинганга ўхшайди. Ўлпончилик масаласи манбаларда батафсил ёритилмаган бўлса-да, баъзи маълумотлар асосида вассалларнинг ўз хўжайнинларига йилда бир маротаба хирож юбориб турганликлари, ўлпон йиғиши эса марказдан – хоқонлар томонидан юборилган *тудун* унвонли вакиллар томонидан назорат қилиб борилганини тахмин қилиш мумкин. Хусусан, Ғарбий Турк хоқонлигининг энг қудратли ҳукмдори Тун ябгу-хоқон фаолиятига доир хитой йилномаларида ўрин олган баъзи маълумотларга асосланиб хоқонликнинг вассаллар ва ўз таъсир доирасига киритилган давлатлардан қай тарзда ўлпон олиб турганини тасаввур қилиш мумкин<sup>858</sup>.

Демак, жойлардаги хоқонликка ўлпон тўланишини ташкил қилиш ва назоратда тутиш асосан *тудун* унвонли вакиллар томонидан амалга оширилган. Бироқ бу қай шаклда амалга оширилган, яъни қанча микдорда, қандай муддатларда ўлпонлар йиғилиб турган ва ўлпонлар айнан нималардан иборат бўлгани унчалик аниқ эмас. Ҳар ҳолда ўлпон ҳар бири ўлканинг ўзига хос қимматбаҳо мегалл ва буюмлари, курол-яроғ, кийим-кечак, дон-дун ва озиқ-овқат маҳсулотлари бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Масалан, хитой сайёҳи Сюан Цзан томонидан қайд этилган Гаочан ҳукмдорининг хитойлик

<sup>858</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 283; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – S. 52, 84–85.

сайёхлар орқали Тун ябгу-хоқонга икки арава мева ва 500 тўп ипак газлама юборгани, айни ҳукмдорлик томонидан Ғарбий турк хоқони Юқуқ шадга пул (*jin*) ва ипак (*bo*) жўнатилгани тўғрисидаги маълумотлар тўлов билан алоқадор бўлиши мумкин. Баъзи тадқиқотчилар фикрича, бу каби маълумотлар вассаллар томонидан хоқонликка юбориб турилган ўлпон билан алоқалидир<sup>859</sup>.

Бу масалада яна бир далил шуки, 648 йилга тааллуқли Гузгон (шим.Афғонистон) ҳукмдорлигига оид бақтрий тилли ҳужжатда ҳағанағу тағо «хоқон солиғи» ҳақида сўз боради. Бақтрий тилли ҳужжатлар бўйича етук мутахассис Н. Симс-Вильямснинг фикрича, Гузгон бу пайтда Ғарбий Турк хоқонлиги қўл остидаги ҳукмдорлик бўлиб, мазкур маълумот йиллик ўлпон билан алоқали бўлиши керак<sup>860</sup>.

Асосий ахолиси кўчманчи қабилалардан иборат Шарқий Турк хоқонлигининг ўзига тобе қабилалардан солиқ олганлигига доир маълумотлар хитой манбаларида нисбий бўлса-да, учраб туради. Жумладан, Шарқий турк хоқони Тули (603–609) *моҳэ, кумоҳи* сингари мўғул қабилаларига солиқ миқдорини янада оширганлиги сабабли улар хоқонликка қарши исён кўтаришади<sup>861</sup>. Шунга ўхшашроқ маълумот Ғарбий Турк хоқонлигига алоқадор равишда хитой йилномаларида сақланиб қолган бўлиб, унга кўра, Чуло хоқон (603–610) ўзига қарши бош кўтарган *те-ле* қабилаларини мағлубиятга учратиб, уларнинг молларидан оғир солиқ ундиришга ҳаракат қиласди<sup>862</sup>.

Хоқонлик воҳаларда ўз назоратчи – ноиблари турадиган қароргоҳ барпо қилар экан имкон қадар уни аҳоли гавжум жойлар – шаҳарларда қурмасликка ҳаракат қилган. Афтидан, бунинг асосида мавжуд инфраструктурага – иқтисодий тизимга ҳалакит бермаслик ётган. Чунки хоқонликнинг юзлаб, баъзан эса минглаб аскарлари ва амалдорларидан иборат вакиллари шаҳар ўртасига кириб жойлашуви кўп йиллар давомида шаклланиб, қолиплашиб қолган иқтисодий тизимга зарар етказиб қўйиши мумкин эди. Жумладан, хоқонлик томонидан Чоч воҳасида барпо этилган Жабгуват воҳанинг бош шаҳарлари Хараш-

<sup>859</sup> Skaff K. J. Western Turk Rule... – P. 98.

<sup>860</sup> Sims-Williams N. Bactrian legal documents from 7th- and 8th-century Guzgan // BAI 15. – 2001. – P. 9–29.

<sup>861</sup> Taşağıl A. Gök-Türkler. II... – S. 16.

<sup>862</sup> Taşağıl A. Gök-Türkler. I, 2. Baskı. – Ankara, 2003. – S. 89.

кат ва Бинкадан бирмунча узок жойлашган эди. Худди шунга ўхшаб Фарғонада хоқонлик вакилларининг қароргоҳи сифатида Аҳсикент эмас, ундан анча масофада жойлашган Косон шаҳри танланиши ҳам бежиз бўлмаса керак. Чунончи, бу шаҳар ҳам иқтисодий марказдан узоқда, ҳам водийнинг бошқа иқтисодий маконларидан четда эди. Шу ҳолат Тўхористондаги хоқонлик вакилларининг қароргоҳи сифатида ўлканинг Балх, Термиз каби иирик иқтисодий марказлари эмас, балки Қундуз шаҳри мисолида ҳам кўринади.

### **5.1.2. Хоқонликка тобе ўлкалардаги қимматбаҳо буюмлар ёки қазилма бойликлардан фойдаланиш усули**

Хоқонлик ўз иқтисодий эҳтиёжлари учун зарурий бўлган маҳсулотларни ўтроқ вассал ҳукмдорликлардан ўлпон сифатида олиб туриш орқали ҳам қоплашга ҳаракат қилган. Хитой йилномалидан маълум бўлишича, *Суле* (Кошғар) ҳукмдорлиги ҳар ёз Ғарбий туркларга ўzlари етиштирган дехқончилик маҳсулотлари ва тоғ маъданларини солиқ сифатида тўлаб турган<sup>863</sup>.

Турфон ва Олтойда моҳир металлурглар сифатида ном чиқарган ашина қабиласи ўз давлатининг иқтисодий пойдеворини ташкил этувчи ҳарбий юришларининг муваффакиятини ҳамда барқарор иқтисодиётни энг аввало, тоғ-кон саноати билан боғлиқ ишлаб чиқариш орқали таъминлар эдилар. Буни жуда яхши англаган турк хоқонлари биринчи галда тоғли ҳудудларни ўзлаштириш билан тоғ-кон ва металлургия саноатини йўлга қўйиш ва ўзларининг стратегик мақсадларини амалга оширишга ҳаракат қилганлар.

Ёзма манбалардаги айрим маълумотлар хоқонлик ўз таркибидаги ўтроқ вассал ҳукмдорликлардаги табиий бойликлардан истифода қилишга уринганини кўрсатади. Юқорида ҳам келтириб ўтилганидек *Суле* (Кошғар) туркларни маъдан билан таъминлаб турган<sup>864</sup>. Хоқонликнинг ўз вассалларидаги табиий имкониятлардан унумли фойдаланганлигига доир яна бир далил *Агни* (Қораشاҳр) ҳукмдорлиги билан боғлиқ равишда учрайди. Хитой роҳиби Сюан Цзан ва ҳамроҳлари бу ўлкада бўлган пайтида ушбу кичик

<sup>863</sup> Taşağıl A. Gök-Türkler. I, 2. Baskı. – Ankara, 2003. – S. 87.

<sup>864</sup> Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi’ne göre ... – S. 6.

хўқмдорликнинг шимолида юксак ва узун Иншан тогидан ўтаётганда мазкур тоғнинг кумуш конларига бойлигига гувоҳ бўлишган. Бу маъданлар хоқонларга тегишли бўлиб, ундан кумуш танга зарб қилинар эди<sup>865</sup>.

Афтидан, хоқонлик ўз иқтисодий эҳтиёжларини янги босиб олинган ўлкалардан солиқ ундириш орқали ҳам қоплашга ҳаракат қилган. 628 йилда Кавказда қозонган ҳарбий муваффақиятлардан кейин хоқонлик томонидан амалга оширилган ишлардан бири солиқ олиш бўлгани арман тарихчиси Моисей Каланкаваци ўз асарида «Шимол хоқони олтин ва кумушга ишилов берувчи заргарларга, темирчи ҳунармандларга, йирик Кур дарёсидан балиқ овлайдиганларга солиқ соларди» деб ёзади<sup>866</sup>.

### **5.1.3. Халқаро бозорлар, ипак ва турли металлар савдосининг йўлга қўйилиши**

Хоқонликнинг иқтисодий ҳаётини барқарор тутиш учун олиб борилган чоралардан бири халқаро савдо-сотиқ муносабатларини йўлга қўйиш бўлган. Бунинг мисоллари хоқонликнинг илк дипломатик муносабатларини ўрнатиш мобайнида ўз элчилик ҳайъатларига савдо карвонини қўшиб юборганини кўрсатадиган маълумлотлар сакланиб қолган. 560- йилларда Сосонийлар Эронига юборилган элчиларнинг ипак матоларни ўзлари билан олиб боришгани, 570- йилларда эса ҳарбий иттифоқ тузиш мақсадида Византияга жўнатилган элчиларга Маниах исмли бир сүғдий савдогарнинг раҳбар қилиб тайинланиши бу фикрни тасдиқлайди. Хитой йилномаларида эса хоқонлик ва Хитой империяси чегара ҳудудларида бозорлар очилгани ҳақида кўплаб маълумотлар учрайди<sup>867</sup>.

Қимматбаҳо metallарни қазиб олиш ва унинг савдосини йўлга қўйиш ҳам хоқонлик иқтисодий ҳаётида катта рол йўнаган. Авва-

<sup>865</sup> Togan N. Peygamberin zamanında Şarkı ve Garbi Türkistan'ı Ziyaret eden Çinli Budist rahibi Hsüen-Çang'in bu ülkelerin Siyasi ve Dini Hayatına ait kayıtları // İslam Tetkikleri Enstitüsü Dergisi, IV/1–2. – Ankara, 1964. – S. 28; Sümer F. Türk Devletleri... – S. 12.

<sup>866</sup> Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – S. 320.

<sup>867</sup> Taşağıl A. Gök-Türkler. – Ankara, 1995. – S. 64; Haussig H. W. İpek Yolu ve Orta Asya Kültür Tarihi. Çev. M. Kayayerli. – İstanbul, 2001. – S. 187.

ло, ашина туркларининг ўзлари моҳир кон ишчилари бўлиб, Олтой тоғларидан темир қазиб олиш уларнинг асосий даромад манбаи эди. Хитой йилномаларида Жуан-жуан хукмдори Анагуай ашина туркларини «менинг темирчи қулларим» деб сўз юритганлигига доир маълумот келтирилиши<sup>868</sup> бунинг далилидир. Византиялик элчи Земарх эса Талас шаҳрига яқинлашганда туркларнинг элчиларга темир сотиб олишни таклиф этишганини зикр қиласди<sup>869</sup>.

#### **5.1.4. Ҳарбий ҳаракатлар туфайли қўлга қиритилган маблағлар**

Тунюқуқ битиктошида Суғдга килинган юриш пайтида хоқонлик қўшинлари «сариқ олтин, оқ кумуши, қиз-жувон, эгри туя, ипак ҳадсиз келтирдилар» дея таърифланади<sup>870</sup>. Бу эса жангларда қўлга қиритилган бойликларнинг марказга ташиб келтирилганидан дарак беради. Шунингдек, турли-туман ҳарбий сафарлар замирида иқтисодий манфаатдорлик ҳам ётган деб ҳисоблаш имконини беради.

Шу ўринда хоқонликнинг иқтисодий ҳаётига алокадор бир омил, Ғарбий Турк хоқонлиги 20 типдан ортиқ ўз тангаларини Чоч воҳасида зарб қилдирган бўлиб<sup>871</sup>, бундан мақсад ҳокимият легитимлигига ишорагина эмас, балки қулай восита сифатида иқтисодий муносабатларни амалга ошириш ҳам эди.

Хуллас, ушбу маълумотлар Ғарбий Турк хоқонлигининг иқтисодий ҳаёти Шарқий Турк хоқонлигиникidan анча фарқ қилганидан дарак беради. Аввало, Ғарбий хоқонлик таркибидағи аҳолининг сезиларли бир қисми ўтрок бўлиб, уларнинг турмуш тарзида дехқончилик, хунармандчилик ва тижорат катта ўрин тутарди. Ғарбий Турк хоқонлигининг ушбу хусусияти бир қатор тадқиқотчиларнинг диққатини тортган. Л. Тугушеванинг таъкидлашича, «Хоқонликнинг Ғарбий қисмидаги иқтисодий ҳаёт асосан шу тариқа ривожланган: бунинг асосини тепаликлар ва қирларда жойлашган, санъат ва тижорат маркази бўлган қалъалар, уларнинг

<sup>868</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 221.

<sup>869</sup> Mode M. Reading the Afrasiab Murals... – P. 122.

<sup>870</sup> Тб. Ғарб. 9–сатр, жануб. 1–3–сатрлар; Tekin T. Orhon Yazitları... – S. 93.

<sup>871</sup> Ртвеладзе Э. В. История и нумизматика... – С. 90–94; Бабаяров Г. Древнетюркские монеты..., С. 9–24.

атрофика жой олган зироатчи қишлоқлар ва бўш ўтлоқ (яйлов) ерларда ривожланган чорвачилик ташкил этарди. Бу каби иқтисодий тузилмалар хоқонликнинг ярим қўчманчи қабилаларининг орасида ўтроқ нуфус аҳоли сонининг ўсишига шароит яратганди. Ғарбий Турк хоқонлиги ташкил топгандан бир аср кейинги Ўрта Осиёдаги аҳвол ҳакида Л. Н. Гумилев шундай ёзади: «7- асрнинг бошида Ўрта Осиё иқтисодий ва маданий ривожланишнинг чўққисида эди; тижорат, дехқончилик ва санъат юқори даражада ўсганди; турли динлар келишув ичидаги ёнма-ён яшарди»<sup>872</sup>.

Олиманинг фикрича, «Шу билан биргаликда, айтиб ўтиш керакки, туркларнинг ўтроқ халқлар билан алоқаси бир тарафли жараён эмас эди; хоқонлик турли-туман халқларнинг маданиятлари ва динларига қарши нисбатан толерантлик, диний бағрикенглик кўрсатиши бу ерларнинг маданий ва иқтисодий ривожланишига хизмат қиласади. Яна шу ҳам борки, манбаларнинг далолат беришича, хоқонлик таркибидаги халқлар кундалик ҳаётида устун гурухларнинг урф-одат ва яшаш тарзларига кўп ҳолларда таклид қиласадилар. Масалан, Сюан Цзан ўз қайдларида турли халқлар ҳакида уларнинг «одат ва қонунлари туркларни каби» эканлигини қайд этади»<sup>873</sup>.

Демак, Ғарбий Турк хоқонлиги давлат бошқаруви ва ҳарбий соҳада бўлгани каби иқтисодий жиҳатдан ҳам ўз даврининг кучли давлатларидан бирига айланган эди.

### 5.1.5. Ижтимоий-маиший ҳаёт

Хоқонликдаги кундалик ҳаёт, турмуш қуриш, маросимлар, кўнгилочар ўйинлар ва ҳоказо каби майший ҳаёт билан боғлиқ маълумотлар хитой йилномаларида қўйидаги шаклда учрайди:

«Бирорта қизни ёқтириб қолган йигит ўша қизнинг оиласига одам юбориб, қизнинг ота ва онасининг кўнглини олишга ҳаракат қиласади» (*Тұндын*); «Бирон йигит биронта қизга севиб колиб, унга нисбатан яхши туйғулар пайдо бўлган пайтда уйланиш учун ҳадялар билан бирга қизнинг ота-онаси ортиқча эътиroz билдирамасликлари учун одам юборилиб розилик сўралади. Отаси, акаси вафот этган пайтда (уларнинг) ўғиллари, укалари ва жиянлари

<sup>872</sup> Гумилев Л. Н., Древние тюрки... – С. 152.

<sup>873</sup> Tuguşeva L. Yu. Türkler ve Toharlar Arasındaki Münasebetler... – S. 155.

(тул қолган ўгай) она ва ўгай аммасига уйланар эди. Бу улар учун шарафли бир ишдир ва асло уят хисобланмайди. Бу ишни факаттинга хурмат юзасидан амалга оширишади, ҳеч қачон жинсий алоқани ўйлашмайди» (*Цефу Юан-куи*);

«Үйил болалар ўтлөк ва дарахтзор жойларда (турли) ўйин(лар) ўйнашади. Кизлар эса чарм түп тегипшади» (*Тундян*); «Айтишларича, киз, йигит дарахтзор, майсазор жойда (түп) ўйин(ини) ўйнашади. Киз, йигит ичига кил түлдирилган чарм түплар билан оёқ тўпи ўйнашади» (*Цефу Юан-куи*);

«От сугидан қилинган қимиз ичиб, маст бўлишади, кўшик айтишади» (*Тундян*); «От сугидан тайёрланган қимиз ичишиб, маст бўлишади. Бакироқ овозда кўшик айтишади» (*Цефу Юан-куи*)<sup>874</sup>.

Ушбу маълумотлардан аён бўладики, қадимги турк жамиятида фуқаролар анча эркин бўлиб, турмуш куриш масаласида ўз хоҳишича йўл тутишган ва «ёқтирган қизнинг» ота-онасиға вакил юбориш орқали уларнинг рози-ризолиги сўралган. Бу одат аксарият туркий халқларда сақланиб қолган маҳсус вакил – «совчи юбориш» удумига ҳамоҳанг келади. Бундан ташқари, турмуш куриш билан боғлиқ яна бир масала – марказий осиёлик бир неча этносларда то сўнгги ўрта асрларгача сақланиб қолган одат<sup>875</sup> – *сороратнинг* бошка бир кўриниши, яъни вафот этган биродарининг хотинига мархумнинг укаси уйланиши қадимги туркларда ҳам мавжуд бўлган.

Қадимги турк жамиятида эркак ва аёл тенг ҳуқуқли бўлганлиги нафақат Энасой (Енисей) қабртош битиклари ва Ўрхун ёзма ёдгорликларида акс етган лавҳалар аёллар қабрига эпитафик ёдгорлик ўрнатиш, хоқон ва бошқарувчи хонадон аъзолари тилидан оиланинг аёл аъзолари хурмат билан тилга олиниши ва ҳоказоларда, балки юқорида келтирилган «қизлар (ва) йигитлар дарахтзор, майсазор жойда ўйин ўйнашади. Улар (биргаликда) ичига қил түлдирилган чарм тўплар билан оёқ тўпи ўйнашади» каби маълумотларда ўз тасдигига эга. Гарчи мазкур маълумотлар асосан Шарқий Турк

<sup>874</sup> Taşağıl A. Gök-Türk tarihi. – Ankara, 2003. – S. 98, 113.

<sup>875</sup> Артиқбаев О. С. Тошкент воҳаси ўзбек – қозок этномаданий муносабатлари тизимида анъанавий никоҳ шаклларининг қиёсий тахлили // «Этнос ва маданият: анъанавийлик ва замонавийлик» «Академик Карим Шониёзов ўқишилари» туркумида этнологларнинг V Республика илмий конференцияси материаллари. – Т., 2010. – Б. 126.

хоқонлиги ҳудудида яшаган этносларнинг, хусусан, туркий этнос-ларнинг ижтимоий-маший ҳаётига тааллуқли бўлса-да, уларни Фарбий Турк хоқонлигининг марказий ҳудудларда истиқомат қилган аҳолига ҳам бевосита ёки билвосита тааллуқли, деб хисоблаш мумкин. Зоро, хитой йилномаларида Фарбий Турк хоқонлиги ва унинг таркибидаги бир қатор қабила (дулу, нушиби, қарлуқ ва х.к.)ларга доир «Барча қабилаларнинг урф-одатлари Ту-кюе (турк)ларники билан бир хил. Фақат сўзлашув тилларида жуда оз фарқлиликлар бор» мазмунидаги маълумотларнинг учраши<sup>876</sup> бу фикрни тасдиқлайди.

Хуллас, ушбу маълумотлар асосида Фарбий Турк хоқонлиги аҳолисининг ижтимоий-иктисодий ҳаёти ва у билан бевосита боғлиқ маший турмуш тарзига қисқача назар ташлаш шуни кўрсатадики, хоқонлик жамиятида, хусусан, унинг марказий ҳудудлари аҳолиси ҳаётида ўзига хос анъана ва қоидалар мавжуд бўлиб, улар жамият мувозанатини сақлашда муҳим ўрин тутган.

## 5. 2. Хоқонликнинг ҳуқуқ тизими

Фарбий Турк хоқонлиги ўз давлат бошқарувини амалга ошириш мобайнида муайян қонун-қоидалар ва тартибларга амал қилганинига доир маълумотлар ўз даври ёзма манбаларида бирмунча даражада акс этган бўлиб, улар асосида хоқонликда мавжуд ҳуқуқ тизимининг мазмун-моҳияти хусусида муайян тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Зоро, ҳар қандай давлат, у қадимда ё ўрта асрларда бўлсин ёки замонавий давлат бўлсин, мавжуд бўлиб турган вақт мобайнида ўз хавфсизлигини таъминлаш учун муайян вазифаларни бажаришга ва турли чора-тадбирларни амалга оширишга эҳтиёж сезган.

Хоқонликда мавжуд бўлган ҳуқуқ тизимига тўхталишдан олдин ҳуқуқ тушунчасининг мазмунан қандай бўлгани масаласига эътибор қаратсан. Маълумки, кишилик жамияти ташкил топгандан бўён жамият аъзолари орасида мувозанатни сақлаш эҳтиёжи туфайли келиб чиқкан қонун ва ҳуқуқ тушунчаси инсоният тараққиёти натижасида борган сари кенгайиб, мураккаблик касб эта борган. Айниқса, давлатнинг пайдо бўлиши, пировардида турли ҳуқуқий масалалар, қонун ва фармонлар ижросини амалга ошириш, чегаралар хавфсиз-

<sup>876</sup> Taşağıl A. Gök-Türkler. I. – Ankara, 2003. – S. 107.

лигини таъминлаш, фуқаролар тинчлигини саклаш, жиноятчиларни жазолаш, аҳоли орасидаги муаммоларни ҳал этиш, пул тизимини тартибга солиш ва назоратда тутиш каби кенг қамровли бўла бошлаган. Бу масалалар хоқонлик жамиятида ҳам ўз ифодасини топгани ўша давр ёзма манбаларида, асосан, қадимги турк битиктошлари ва хитой ийлномаларида сакланиб қолган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, асосан, турли тилларга оид ёзма манбаларда хоқонликдаги мавжуд ҳукукий қонун-қоидалар, жиноят ва унинг жазоси ҳамда уларга алоқадор атамалар сақланиб қолган бўлиб, Ўрхун битиктошларидан маълум бўлишича, қадимги туркларда қонунлар мажмуи «тўру» («тўра»), айрим ҳолларда эса «турк тўруси» деб аталган. Битиктошларда *тўру* хақида кўп матораба эслатилган бўлса-да, қонунларнинг муайян бир мажмуя ҳолида йигилиб, ёзувда ифодаланганига доир маълумотлар учрамайди. Кўпчилик тадқиқотчиларга кўра, қадимги туркий қонунлар - *тўру* оғзаки бўлиб, хеч қачон ёзувга кўчирилмаган<sup>877</sup>. Шу сабабли, қадимги туркий урф-одатларга асосланган мазкур ибора остида анъ-анавий расм-руsumлар, яъни «одат ҳукуки» тушунилади. Дарвоқе, битиктошларда «турк тўрусини йўқотган ҳалқни ота-боболарим тўруси бўйича тартибга солибди, бошқарибди» мазмунида жумлалар учрайдики<sup>878</sup>, бу эса жамият аъзолари наздида қонунларнинг «аждодлардан мерос» экани ва ҳалқнинг барча қатламига тегишли деб билинганидан дарак беради.

Аҳамиятлиси, Турк хоқонлигидан олдинроқ ҳам *тўру* тушунчasi мавжуд бўлганини тасдиқлайдиган маълумотлар Жуан-жуанлар билан алоқали равища учрайди. Хусусан, 510- йиллар атрофида хоқон бўлган Чоуну ўзига *Доуло фубадо уфа кэхан* унвонини қабул қилгани ва у Вэй сулоласи тилида<sup>879</sup> «бошқарувни ёритувчи» маъносини бил-

<sup>877</sup> Koca A. Eski Türklerde Devlet Geleneği... – S. 834.

<sup>878</sup> Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 105.

<sup>879</sup> «Вэй сулоласи тили» – милодий 385–556 йилларда Хитойда ҳукм суриб, хитой ийлномаларида «Тоба сулоласи» ёки «Шимолий Вэй сулоласи» деб номланган ва келиб чиқиши марказий осиёлик кўчманчи қабилаларга бориб тақаладиган сулола асосчиларининг тилига нисбатан кўлланилган. Ушбу тилни айрим тадқиқотчилар туркий хисобласа, айрим тадқиқотчилар мўғулча бўлган деб талқин қиласидар (Boedberg P. A. The Language of the Tuo-Pa Wei // Harvard Journal of Asiatic Studies. – 1936. – Vol. 1. No. 2. – P. 167–185).

дириши хитой йилномаларида қайд этилади<sup>880</sup>. Япон тадқиқотчиси Ширатори фикрича, ушбу унвоннинг биринчи қисми *доуло*, мӯғулча *türu* (аслида қадимги туркча - Ф. Б.) «бошқарма/маҳқама», «давлат бошқаруви» деган маънони англатади<sup>881</sup>. Демак, Турк хоқонлиги давлат бошқарувига хос бир қатор анъаналарни Жуан-жуанлардан қабул қилиш баробарида мазкур давлат жамиятига хос айрим ҳуқукий анъаналарни ҳам ўзлаштирган. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозим, ўз навбатида Жуан-жуанлар ҳам марказий осиёлик қадимги кўчманчилар, жумладан, хунлардан бир қатор анъаналарни қабул қилиб олишган.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, битиктошларда бир неча бор *тўру* шаклида тилга олинган ушбу ибора Чингизхон ва унинг авлодлари даврида Мӯғул империясининг асосий ҳуқуқлар мажмуаси бўлган *ясоқ / ёсо* (қад. туркча *yasaq*) билан мос келади<sup>882</sup>. Қадимги турклар тушунчасига кўра, хоқон энг олий қонун чиқарувчи, унинг кафолати ва ижросини таъминловчи шахс эди. Давлатни барпо қилган ёки давлат бошқарувини қўлга киритган хар бир хоқоннинг илк вазифала-ридан бири *тўру* ижросини таъминлаш эди. Бу тушунча битиктошларда эл «давлат» ва *тўру* «қонун» иборалари кўп ҳолларда ёнма-ён келганида ҳам ўз ифодасига эга. Хусусан, Кул Тегин битиктошида хоқонликнинг асосчилари фаолиятининг илк даврларига доир «*Бүмин хоқон, Истами хоқон (тахтга) ўрнашган(лар). (Улар тахтга ўрнашиб), турк ҳалқининг давлатини, тўрусини (расм-русумини) тутиб турган(лар), риоя қилиб турган(лар)*» шаклида жумлалар акс этганилиги<sup>883</sup> бунинг яққол далилидир.

Битиктошларда хоқонларнинг тахтга ўтириши, бошқарув ишларининг амалга оширилиши, амалдорларнинг тайинланиши, маросимлар (никоҳ, тўй) ва бошқа масалаларга доир қўйидагича сатрлар ўрин олган<sup>884</sup>:

<sup>880</sup> Материалы по истории древних кочевых народов ... – С. 279.

<sup>881</sup> Материалы по истории древних кочевых народов... – С. 413, к. 51.

<sup>882</sup> Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş... – S. 119.

<sup>883</sup> Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркӣ тил... – Б. 101; Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş... – S. 120.

<sup>884</sup> Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркӣ тил... – Б. 105–106; User Ş. H. Köktürk ve Ötüken... – S. 299–301.

«Давлатини йўқотган, хоқонини йўқотган халқни, чўрига айланган, кулга айланган халқни, турк тўрусини бой берган халқни ота-боболарим тўруси бўйича тартибга солибди, бошқарибди» (КТБ., 13- сатр);  
«тўру бўйича амаким хоқон бўлди» (КТБ., 16- сатр);  
«Устда Кўк Тангри ёрлақагани учун, паастда қўнгир ер асрагани учун давлатимни, тўрумни қўлга киритдим» (Ta., ғарб. 3- сатр);  
«мен Тургаш хоқон(и)га қизимни бениҳоя улуғ тўру (маросим) билан бердим» (БХБ., шимол. 9–10 сатр.) ва х.к.

Хоқонликда меросга эгалик масаласида оила ҳуқуқига риоя килинган бўлиб, мамлакат ҳукмдор сулола вакилларининг умумий мулки ҳисобланган<sup>885</sup>. Айниқса, бу битиктошларда улуши, яъни «хисса ажратиш» (пай, тақсимот) атамасида ифодаланганида ўз тасдифини топади.

Хоқонликнинг ҳам марказий бошқарувида, ҳам унинг вассаллари устидан назорат учун юборилган кўп миқдорда хизматчи амалдорлар бўлиб, улардан энг юқори мансабдагиларидан то қуий мавқегача бўлган барчаси маълум унвонларга эга эдилар. Амалдорларга унвон факатгина уларни шарафлаш ёки хурмат учун берилмасдан, балки у орқали муайян бир вазифа ва масъулият юкландарди. Ҳар бир амалдор ўзи эга бўлган унвоннинг вазифа ва масъулиятларини «тўру»га мувофиқ бажариш шарт эди. Тўғрироғи, бошда давлат бошликлари билан бирга давлатни бошқариш вазифа ва масъулиятларини ўз зиммасига олган ҳар бир киши тўрани жорий қилишга масъул эдилар. Давлатнинг барча вазифадорлари ва халқ тўрага бўйсуниш мажбуриятида эди. Зоро, хоҳ давлат бошқарувида бўлсин, хоҳ жамоа хаётида бўлсин, ҳукмрон ва ҳаракатдаги куч тўра ҳукмлари эди. Қадимги турк жамиятида тўра ҳукмларига зид ҳаракат қилувчилар жазоланишдан ташқари гуноҳкор ҳисобланиш ва жамиятдан узоклаштирилиш каби оғир маънавий босимга дучор бўлар эди. Бу эса жамият аъзолари учун энг оғир жазо ҳисобланар ва кўпчилик осонликча тўрага қарши бормасликка ҳаракат қиласади<sup>886</sup>.

Давлат билан ҳуқуқ бир-биридан ажралмайдиган, аниқроғи бир-бирини тўлдирувчи моҳиятда бўлиб, энг муҳими ҳар бирининг яшовчанлиги ўзаро боғлиқлик бўлган асосий икки унсур эди. Шу

<sup>885</sup> Togan İ. Türk Tarihinde Uzlaşmacı... – S. 300.

<sup>886</sup> Арсал С. М. Тюркская история... – С. 77–81; Koca A. Eski Türklerde Devlet Geleneği... – S. 835.

боис, қадимги турк битиктошларида давлат ва *mýru* кўп ҳолларда бирга тилга олинади. Хоқон тилидан келтирилган қуйидаги сатрлардан давлат раҳбарлари ҳам давлатнинг, ҳам тўрунинг абадийлигига ишонгандиклари кўриниб турибди:

«Юкорида кўк осмон босмаган бўлса, пастьда ер тешилмаган бўлса, турк халқи давлатингни, тўру (конунинг)ни ким бузди?» (КТБ., 22- сатр)<sup>887</sup>.

Қадимги туркларда қонун ва ҳукуқ билан боғлиқ масалалар билан шугулланувчи маҳсус кишилар бўлган. Хоқонликда \*йаргучи «терговчи», *йарған* «жазони амалга оширувчи киши»<sup>888</sup> каби лавозим билан боғлиқ атамаларнинг мавжуд бўлганлиги<sup>889</sup> бунга мисол бўла олади. Турк хоқонлигига ҳукукий масалалар, хусусан, у билан боғлиқ сиёсий масалалар (давлатга қарши исён кўтариш, сарой фитналарида иштирок этиш, хорижлик жосуслар ёки душман давлат бошқаручилари билан тил бириктириш ва ҳ.к.)да айбланган шахсларга жазо бериш ваколати асосан олий ҳукмдор – хоқонда эди. Хоқон кенг ҳукуқларга ҳам эга бўлиб, осойишталик пайтида у давлат бошқарувига раҳбарлик қилас, сарой ва давлат бошқарувчилари (*буйруқ* «вазир»лар) билан бирга жамият ва хўжалик ҳаётини сақлаш, давлатга тааллуқли муҳим масалаларни давлат кенгашида муҳокама қилиш ташаббускори бўлиш баробарида жанг вақтида эса бутун кўшинга қўмондонлик қиласди ва шу тариқа жамият устидан фавқулодда ҳукуқларга эга бўларди.

Қадимги туркий давлатчилик анъаналарига кўра, бош хотун ҳукуматда хоқондан кейинги энг юқори мавқедаги шахс бўлиб, у асосан сарой ичкарисидаги ишларга аралashiши баробарида ҳукукий масалаларни ҳал қилишда ҳам иштирок этарди. Жумладан, Хитой йилномаларида Ченг-гуан (627–649) йилининг бошларида (тахм. 630 йилларда) ҳукм сурган уйғур ҳукмдори Пу-санинг онаси ҳақида шу тариқа маълумот келтирилади:

<sup>887</sup> Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 106.

<sup>888</sup> *Йарған* – ушбу унвонни хитой йилномаларида учраб, бажарадиган функцияси курбонлик маросимларини бажариш ва ёмон руҳларга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш бўлган *йеҳан/жехан* унвони билан тенглаштириш мумкин (*қаранг*. Taşağıl A. Gök-Türkler. – Ankara, 2003. – S. 115).

<sup>889</sup> Древнетюркский словарь... – С. 240.

«Онаси Ву-ло-хун хотун маслахатчи эди. У даъволарга қарап, қонунни бузғанларга қаттиқ жазолар тайинлар, ҳакқонийлик йўли билан адолатни руёбга чикарар эди»<sup>890</sup>.

Ушбу маълумотлар жиноят қилганларга нисбатан муайян жазолар белгиланганидан дарак беради. Дарвоқе, хитойча «Тундян» асарида жиноят қилганлар ва уларга нисбатан кўриладиган чоралар ҳақида қуидагича маълумот учрайди:

«Уларнинг қонуни бўйича исён кўтарган, одам ўлдирган ҳар қандай кишига ўлим жазоси буюрилади... Бирор кишини яралаган одам хотини билан ёки хотинисиз тўлов тўлайди. Яъни оиласи аёлга зиён етказганлар эвазига мол-мулкини берсалар, от ўғирлаганлар ўн мисли тўлов тўлаш мажбуриятидадир»<sup>891</sup>.

«Цефу Юан-куи» йилномасида эса қадимги турклар жамиятидаги жиноят ва унинг жазоси ҳақида бирмунча кенгроқ маълумот учрайди:

«Уларнинг одатига кўра исён кўтарган, одам ўлдирган, зино қилган, боғлоғлик отни ўғирлаганлар ўлим жазосига тортиларди. Аёлларни хотинбозлиқ йўли билан алдаган одам оғир жазога тортилиб, мол-мулкини тўлашга мажбур қилинار ва ўша аёлга уйланниши шарт қилинарди. Бирор-тасига қасд қилган ҳолда жароҳат етказган одам, жароҳатнинг енгил ёки жиддийлигига қараб моддий тўлов тўлашга мажбур эди. От ва мол-ашё ўғирлаган киши барчасининг ўн баравардан кўпроғини тўлаши шарт эди»<sup>892</sup>.

Ушбу маълумотлардан аён бўладики, хоқонликда жиноятчиларга бериладиган жазолар жиноятнинг турига қараб белгиланган. Яъни давлатга қарши кўзғолон кўтарган, сотқинлик қилган, одам ўлдирган, бироннинг хотини билан зино қилган, эгасининг охурида турган отни ўғирлаган кишиларга оғир жазо берилган. Бу эса фуқароларнинг садоқати ва аҳлоқий масалаларнинг тенг кўрилганидан дарак беради. Шунингдек, хоқонликнинг жазо қонунларида от (йилқи)нинг

<sup>890</sup> Chavannes E. Çin kaynaklarına göre Batı Türkleri... – S. 132.

<sup>891</sup> Taşağıl A. Gök-Türkler. I, 2. Baskı. – Ankara, 2003. – S. 98.

<sup>892</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 230; Taşağıl A. Gök-Türkler. I. – Ankara, 2003. – S. 112.

ўғирланиши билан боғлиқ жиноятларга катта эътибор қаратилгани ва ўғриларга ўлим жазоси берилиши, ҳар ҳолда, қадимги турклар майший ҳаётида ушбу ҳайвонга эҳтиёж юқори бўлганлиги билан изоҳланади. Ўзаро жанжал пайтида жароҳат етказса, етказган жароҳатига қараб мол-мулкидан товон тўлаган. Борди-ю кўзга жароҳат етказгудек бўлса, айбланувчи ўз қизини жабрланувчига беришга мажбур бўлган. Агар қизи бўлмаса, хотинининг мол-мулкини бериши шарт бўлган. Тананинг бирор аъзосига шикаст етказса, товон сифатида ўрнига от тўлаган, от ва бошқа мол-мулкни ўғирлаганлик учун эса ўғирланган нарсанинг баҳосидан ўн баравар товон тўлаган<sup>893</sup>.

Юқорида келтирилган қадимги турклар жамиятида мавжуд ҳуқуқ ва қонунга доир маълумотлар асосан хоқонликнинг марказий худудлари – Шаркий ва Фарбий Турк хоқонликларининг «давлат улуслари» ва уларга кўшни худудлардаги туркий ва ғайритуркий кўчманчи турмуш устувор халқлар ижтимоий ҳаётига алокадордир. Афтидан, хоқонлик таркибидағи ўтроқ халқлар ижтимоий ҳаётида кўлланилган қонун-қоидалар ҳам кўчманчи аҳолиникидан катта фарқ қилмаган кўринади. Хусусан, хитой манбаларида қадимги туркларга кўшни халқлар қонун-қоидалари хусусида гап борганда кўпчилик ҳолларда асосан *тукюе* (турк)лар қонунларига таққослангани ва бу масалада улар орасида ўзаро ўхшашликлар борлиги алоҳида таъкидлангани кўзга ташланади. Хитой роҳиби Сюан Цзан ўз қайдларида турли марказий осиёлик халқларга доир «*одат ва қонунлари туркларни каби*» деб ёзади<sup>894</sup>.

Фарбий ўлкаларда истиқомат қиласиган халқлар маданий ҳаётига доир йилномаларда келтирилган маълумотларга назар ташланса, *тукюе* (турк)лар маданияти мезон қилиб олинганига гувоҳ бўлиш мумкин. «Бэйши» ва «Суйшу» йилномаларида ўз даврида Марказий Осиёнинг кенг ҳудудларида тижорий манзиллар барпо қилган сүғдийлар ҳақида гап борар экан, «*уларнинг уйланиши ва жаноза маросимлари туркларнига ўхшиши*» тарикасида маълумотлар келтирилганига дуч келиш мумкин<sup>895</sup>. Шунингдек, мазкур хитой йилномаларида сүғдийларга доир «*Ибодатхонада муҳофазатда турадига-*

<sup>893</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 230.

<sup>894</sup> Tuguşeva L. Yu. Türkler ve Toharlar Arasındaki Münasebetler... – S. 155.

<sup>895</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 271, 281.

*ган ху (үтрок)ларнинг қонунлар тўплами бор»* шаклида келтирилган маълумотни айрим тадқиқотчилар туркий қонунлар билан боғлашга ҳаракат қилган бўлиб<sup>896</sup>, бу талқин ҳали ўз исботини топмаган.

Хитой йилномаларида нафакат Марказий Осиёдаги Турк хоқонлигига вассал воҳа ҳукмдорликлари тўғрисида, балки хоқонликка, хусусан, Шарқий Турк хоқонлигига тобе узоқ шарқлик кидан (қорахитой), шивей каби кўчманчи қабилалар ҳаёти хақида маълумот берилар экан «қолган урф-одатлари туркларники билан бир хил» шаклидаги ифодалар ўрин олган<sup>897</sup>. Бу эса қадимги туркларга хос қонун-қоидалар хоқонликнинг чекка худудларида ҳам амалда бўлган мазмунидаги таҳминга асос беради.

Хоқонлиқда ҳукмдор таҳтига дъявогарлик, ҳокимиятни эгаллаш, амалдорлар тайинлаш қурултой чақириш, жазонинг белгиланиши, мерос ва мулкка эгалик қилиш, уруш ва мудофаа ишлари, турли маросимларнинг бажарилиши ва хоказо каби давлат бошқарувига алоқадор масалалардан аксарияти муайян бир қонун – «тўру» асосида амалга оширилган. Мазкур одатий ҳуқуққа хоқонлик жамиятининг барча аъзолари – олий тоифа (хукмдор, амалдорлар, лашкарбошилар, қабила-уруг бошлиқлари) ҳамда оддий халқ баравар итоат килишлари шарт бўлиб, шу асосда жамият мувозанати таъминлаган.

Гарчи ушбу қонунлар қофозга туширилганига доир аниқ маълумотлар учрамаса-да, қадимги турк битиктошларидаги айрим жумлалардан хоқонлик жамиятининг барча аъзоси «тўру»дан яхши хабардор бўлгани англашилади. Бу эса тўрунинг узоқ йиллар давомида шакллангани ва тадрижийлик касб этганидан дарак беради.

Хуллас, улкан худудларни ўз ичига олган ва аҳолиси ҳар хил хўжалик тарзига эга турли этнослардан таркиб топган йирик империя бўлгани сабабли ҳам Фарбий Турк хоқонлигининг ижтимоий-иктисодий ҳаёти жойларга қараб бир-биридан кескин фарқланган. Айниқса, Марказий Евроосиёнинг шимолий ва шимоли-шарқий кисмлари; Кора денгиз шимолидан то Олтойгача чўзилган кенг-

<sup>896</sup> Xу – ушбу атама Н. Я. Бичурин таржималарида тюрк (туркий), тюркский (туркийча) шаклларида берилгани боис, кўпчилик тадқиқотчилар уни янглиш равища турклар билан боғлашган (Согдийские документы... II. – С. 38; Альбаум Л. И. Живопись Афрасиаба... С. 35; Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи... – С. 85). Аслида бу атама остида ўша даврда этник келиб чиқишидан катъий назар марказий осиёлик ўтрок аҳоли тушунилган.

<sup>897</sup> Материалы по истории древних кочевых народов ... – С. 157.

ликдаги кўчманчи этнослар билан минтақанинг жанубий ва жануби-ғарбий қисмлари; Шарқий Туркистон, Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларидан Шимолий Ҳиндистонгача бўлган худуддаги асосан ўтрок ҳаёт тарзи хукмрон ахолисининг маданий ҳаёти сезиларли даражада фарқли бўлиб, уларни ўзаро таққослаб бўлмайди.

Шу билан биргаликда, минтақанинг ҳар иккала қисмида узоқ асрлар давомида ўзига хос маданият шаклланган ва бунда уларнинг географик муҳитидан келиб чиқсан шарт-шароитлар катта роль ўйнаган. Хусусан, минтақанинг шимоли-шарқий худудлари кенг яйловларга эгалиги ва чорва боқиши учун мослиги бу худуд халқларини чорва етиширишда катта тажриба ва малакага эришишга олиб келган ва шу билан боғлиқ равишда кўчманчиларга хос маданият шаклланган бўлса, минтақанинг жанубий худудлари ахолиси сугорма дехқончиликка асосланиб, ўз даврида ўтрокларга хос илфор маданият яратишга эришган эдилар.

Албатта, бу каби омиллар хоқонликнинг марказий худудлари ва вассаллари ижтимоий ҳаётида жойларга қараб турлича бўлган ва бу ҳолат унинг ҳам давлат бошқарувига, ҳам ҳуқуқ тизимиға таъсир кўрсатмасдан қолмаган. Эҳтимол, хоқонлик ўз жамияти ва мафкурасига хос тартиб-қоидаларни бутун империя худудида ёйишга қисман бўлса-да ҳаракат қилган бўлиши мумкин. Чунончи, қадимги турк битиктошларида «*Тўрт томон бутунлай ёв экан. Паишкар тортиб тўрт томондаги халқни бутунлай итоатга олганлар, бутунлай тобеъ қилганлар. Бошлиларни бош эгдиргандар, тиззаси борни тиз чўктиргандар. Шарқда Қадирқан водийсига (Узоқ Шарқ. – F. B.) қадар, Гарбда Темир-Қапиққача (Тўхористон) манзил қилдиргандар. Иккаласининг орасида танобсиз ерга эга бўлиб Кўк турклар шу тарика ўтирган экан*»<sup>898</sup> шаклида маълумотлар учрайдики, улар асосида хоқонлик ўз тартиблари (мафкура, конун-коида, урф-одат ва ҳ. к.)ни тобе ҳалклар устидан ўрнатишга нисбий бўлса-да уринган бўлишлари мумкин деб тахмин қилса бўлади. Дарвоҳе, «Бэй-ши» йилномасида учрайдиган маълумотга кўра, хоқонлик вассалларидан бири Гаочан (Турфон) хукмдори Кюй Гян ўлиб, ўғли Бо-я отасининг ўрнига тахтга ўтиргач, турклар ўзларининг урф-одатига биноан унинг ўз ўгай онасига уйланишини исташган. Чунки Бо-яning ўгай

<sup>898</sup> КТб. шарқ. 2–3 сатрлар; БХб. шарқ. 3–4 сатрлар.

онаси турк хоқонининг қизи эди<sup>899</sup>. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, бу ҳолат Ғарбий турк хукмдорларининг вассаллар устидан ўз қонун-қоидалари жорий қилишга уриниши билан боғлиқ бўлиб, бу каби ҳатти-харакатлар нисбатан мажбурий характерда амалга оширилган<sup>900</sup>.

Фикримизча, хоқонлик бу каби амалиётларни, асосан, вассал халқларнинг бошқарувчи тоифаси, хусусан, вассал хукмдорлар учун жорий қилишга уринган бўлишлари мумкин. Хусусан, хитой йилномаларида Кан (Самарқанд) хукмдорининг сочини ўриши<sup>901</sup>, оддий халқнинг эса соchlарини олдириб юришлари таъкидланади<sup>902</sup>. Бу даврда узун соч қўйиш ёки ўриб юриш қадимги турк эркакларига хос анъана сифатида бир қатор манбаларда (хитой йилномалари, тош ҳайкаллар, нумизматик материаллар ва х. к.) учрайди<sup>903</sup>. Шу асосда Самарқанд хукмдорининг ўз фукаросидан фарқли ҳолда узун соч қўйиши негизида унинг хоқонликка тобелигини ифодалаш ётган деб изоҳлаш мумкин. Демак, Турк хоқонлиги ўз кўл остидаги халқларга қадимги туркларга хос тартиб-қоидалар жорий қилиш учун айрим чоралар кўллагани мазкур далиллар асосида яна бир бор ўз тасдигини топади.

Хуллас, Ғарбий Турк хоқонлигининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва ҳуқуқ тизимини умумхоқонлик доирасида қисқача таҳлил килингандан қуйидаги ҳолат кўз ўнгимизда намоён бўлади:

– муайян бир империя сифатида хоқонликнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти унинг барча ҳудудида бир хил савияда бўлмаган. Еттисув ва Шимолий Тяншанинг марказий қисми (Юлдуз водийси) ҳамда Жунгория, Ғарбий Олтой ва қисман Сирдарёning ўрта

<sup>899</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 254; Chavannes E. Çin yillardarına göre... – S. 147; Skaff K. J. Western Turk Rule... – P. 101; Sarıtaş E. Göktürk Kültürü'nün Gaochanglılara etkileri... – S. 476.

<sup>900</sup> Skaff K. J. Western Turk Rule... – P. 101.

<sup>901</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 271, 281.

<sup>902</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 271, 281; Отажӯжаев А. Хитой манбаларида туркий ва сұғдий умумийлик ҳақида // Этнос ва маданият: анъанавийлик ва замонавийлик» «Академик Карим Шониёзов ўқишилари» туркумida этнологларнинг V Республика илмий конференцияси материаллари. – Т., 2010. – Б. 80.

<sup>903</sup> Тугушева Л. Ю. Уйгурская версия... – С. 5–6; Бабаяров Г. Древнетюркские монеты... – С. 14, 16, 30.

ҳавзасига яқин, асосан, тог, тоголди ва яйловлардан иборат бўлиб, бу ҳудудларда кўпроқ кўчманчи ва ярим кўчманчи туркий қабилалар яшаб, улар жамиятида уруғ-қабилачилик муносабатлари устуворлик қилган. Шу билан биргаликда, хоқонликнинг бошқарув маркази Суяб ва унинг атрофида ўнлаб катта-кичик шаҳарлар жой олиб, уларда хунарманд, тужжор ва ҳ. к. каби ўтроқ аҳоли истиқомат қилган. Аҳолисини туркий, сүғдий ва яна бир неча этнос вакиллари ташкил қилган ушбу шаҳарларда ҳар бир жамоа диний ва касбий мансубликларига кўра ўзаро уюшганлар;

– хоқонликнинг вассал ҳудудларида, хусусан, Шарқий Туркистон, Амударё–Сирдарё оралиғи, Хурросон ва Шимолий Ҳиндистон каби асосан қадимдан ўтроқ маданият ўчоқлари бўлиб келган ҳудудларда яшовчи аҳоли жамияти эса этник, диний ва касбий мансубликлар асосида уюшиб, уларнинг ижтимоий-иктисодий ҳаётида ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ катта ўрин тутган. Шу билан биргаликда, мазкур ҳудудларда ҳам муайян яйловлар бўлиб, уларда кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли истиқомат қилиб, улар чорвадор ҳаёт кечиришган;

– Фарбий Турк хоқонлигининг иктисоди мазкур ҳудудлар аҳолисидан йиғиладиган ўлпон ва солиқлар, ҳарбий сафарлар ва савдо-сотиқдан тушадиган даромадларга асосланган. Айниқса, хоқонлик аксарият қисми ўз ҳудудидан ўтган Буюк Ипак йўли тармоқлари (Қора денгиз шимолидан то Шимоли-Фарбий Хитойгacha) бўйлаб жойлашган савдо-сотиқ масканларидан келадиган даромадлардан ва ҳалқаро ипак савдосидан катта фойда кўрган;

– хоқонлик муайян хуқуқ тизимиға эга бўлган. Бу, асосан, «қонун, қонунлар мажмуаси, одат» маъносидағи қадимги туркча «тўру» сўзининг мавжуд бўлганлиги, битиктошларда «турк тўруси»га хоқон ҳам, фуқаролар ҳам оғишмай амал қилиши уқтирилиши, хитой ийлномаларида «туркларнинг қонунлари шунака», «туркларда жиноятчиларга шу тариқа жазо қўлланилади» каби ибораларнинг учраши, бошқарувда суриштирувчи ва хукм чиқарувчи амалдорлар «йарған», «йарғучи» (терговчи) каби унвонлар билан тилга олиниши ва ҳоказолар асосида ўз тасдигига эга.

## Х У Л О С А

Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми Марказий Осиё халқлари давлатчилик анъаналари билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Хоқонликнинг давлат тузуми ундан аввал Марказий Осиё ва унга кўшни худудларда мавжуд бўлган давлат уюшмаларининг давлатчилик анъаналари асосида шаклланиши баробарида, уларни янада бойитди ва минтақадаги кейинги сиёсий уюшмалар учун тамал тоши бўлиб хизмат қилди.

Туркий этносларнинг Олтой тоғлари жануби-ғарбий этакларида яшаган қисмининг бир парчаси бўлмиш ашина қабиласи томонидан асос солинган Буюк Турк хоқонлиги (552–744) қисқа вақтда бутун Марказий Евроосиёда яшаган турли-туман этнослар устидан ўз хукмронлигини ўрнатади ва ушбу минтақанинг йирик империясига айланади. Мазкур хоқонликнинг таркиби бир қисми сифатида Ғарбий Турк хоқонлиги (568–740) маркази Еттисув ўлароқ, энг кучайган пайтда шарқда Шаркий Туркистон, Жануби-Ғарбий Олтой, ғарбда Шимолий Қора денгиз бўйлари, Шимолий Кавказ, шимолда Волга–Урол бўйлари, жануб ва жануби-ғарбда Амударё–Сирдарё оралиғи, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон ҳамда Шимолий Шаркий Эрон (Хурросон) худудларини ўз ичига оларди.

Ушбу сиёсий уюшма Мўгулистондаги марказий хоқонлик – Шаркий Турк хоқонлигининг (552–630; 682–744) таркиби – Ғарбий қаноти бўлиб, давлат сифатида шаклланар экан Ябгулик (VI аср 60-йиллари – шу асрнинг охирлари) – Ябгу-хоқонлик (VII аср бошлари – шу асрнинг 30-йиллари) – Хоқонлик (630-йиллардан то 740-йилларгача) каби уч босқични босиб ўтди. Турк хоқонлигининг асосий қаноти – Шаркий Турк хоқонлигига 630-йилларда Хитойнинг Тан империяси томонидан барҳам берилгач, Хоқонлик мақомига эришган Ғарбий қанот Шаркийдан фарқли ўлароқ, Марказий Осиёдаги иккала турмуш тарзини, яъни ўтрок дехқон ва кўчманчи чорвадор халқларнинг давлатчилик анъаналарини ўзида мужассамлаштирган ҳолда уларни янада мукаммаллаштириб, ўзига хос давлат тузуми барпо этди. Бу қўйидаги хусусиятларда ўз ифодасини топган:

1. Давлат шакли моҳиятан империя бўлган Ғарбий Турк хоқонлиги сизорен ва вассаллардан иборат бўлиб, марказ (метрополия) – «дав-

лат улуси» (Еттисув – Жунгория) ҳамда унга тобе – қабила уюшмалари (Қора денгиз шимоли, Шимолий Кавказ, Волга–Урал, Сирдарёning қуи ва ўрта ҳавзалари, Фарбий Сибир, Жануби-Фарбий Олтой) ва воҳа хукмдорликлари (Шарқий Туркистон, Амударё–Сирдарё оралиғи, Хуросон, Шимолий Ҳиндистон)ни ўз таркибига олган. Хоқонликнинг «давлат улуси» муайян бир маъмурий бирлик ўлароқ 10 та қабиладан ташкил топиб, «Ўн Ўқ» деб аталган ҳамда *Дулу* ва *Нушиби* каби сўл ва ўнг қанотга бўлинган. Ўз навбатида иккала қанот 5 тадан қабилани ўз ичига олиб, ҳар бир қабила тепасида бирор бошлиқ турган. Мазкур қанотларнинг биринчисида 5 нафар чўр ва иккинчисида эса 5 нафар эркин унвонли амалдорлар хоқонлар номидан бошқарувни амалга оширишган. Хоқонлар бошқарув ва ҳарбий сафарларда уларга суюнган.

2. Хоқонлик муайян бир сиёсий уюшма сифатида ўз давлат мафкурасига эга бўлиб, давлат – эл деб аталар, у билан боғлиқ «мангу эл», «тангри (илоҳий) эл», «турк эли» каби қадимги туркчага хос иборалар шаклланган. Эл ва хоқон ҳокимиятининг *Тангри* (худо) томонидан «турк будун (халқи)»га инъом қилинганига инонилиб, хоқонликка асос солган қабилага мансуб Ашина хонадони ҳокимияти илоҳийлаштирилган. Шу билан бирга, дунёning бир қатор бошқа сиёсий уюшмаларидан фарқли ҳолда, қадимги турк жамиятида хукмдорга «худо-қирол» сифатида қаралмас, Тангри хоқонга улуг (насиба) ёки қут (толъе, харизма) берган, деб тушунилгани учун фуқаролар унга итоат этишган. Хоқон фақатгина хукмдорликка лойик бўлган муддатда ўз ўрнида қола олган, акс ҳолда, «Тангри берган сиёсий иқтидор/ҳокимият (қут) яна Тангри томонидан қайтариб олинди», дея тушунилиб, таҳтдан туширилган ва ҳокимиятдан узоклаштирилган. Олий хукмдор (хоқон) харизматик бир васфга эга бўлса-да, давлат ва ҳалқ тақдирига алоқадор масалаларда якка ўзи қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлмаган. Ҳукмдорни назорат қилувчи муайян бир ҳукумат мавжуд бўлиб, бошқарувчи хонадонга мансуб *ябгу*, *шад* ва *тегин* (шахзода)лар, *айғучи*, *буйруқ*, ўга деб аталувчи вазирлар ва давлат маслаҳатчилари ҳамда бошқа бир қатор амалдорлар унинг табиий аъзолари сифатида маҳсус кенгаш *той/тўй* (курултой)да сиёсий масалаларни кўриб чиқишиган.

3. Хоқонлик ўз характерига кўра кўчманчилик устуворлик қилувчи

этнослар томонидан барпо қилинган эди. Мазкур минтақанинг худди шу худудларида яшаб ўтган бошқа кўчманчи асосли давлатлар каби у ҳам асосан ҳарбийлик, аникрофи, ҳарбийлар жамияти асосида курилган бўлиб, шу боис унинг бошқарув тизимида ҳарбийлик васфи устувор эди. Бу бошқарувнинг деярли ҳар бир занжиридаги амал ва лавозим эгаларига нисбатан ҳарбий унвонлар қўлланилганида ҳам ўз тасдигини топади.

4. Нихоятда кенгайган худуд ва турмуш тарзи турлича, фарқли ижтимоий-сиёсий васфга эга қабила ва уруғ уюшмалари ҳамда ўнлаб воҳа ҳукмдорликларидан таркиб топган давлатни бошқариш зарурияти хоқонликни нафақат ўз ўтмишдошлари анъаналаридан унумли фойдаланишга, балки улардан фарқли воситаларга ҳам мурожаат килишга ундаган. Бу, асосан, бир-биридан фарқли жамиятлар бошқарилишининг барча икир-чикирларини қамраб олган унвонлар тизимининг жорий қилинишида, иш юритиш воситаси сифатида ёзувдан фойдаланишида, иқтисодий манбаатлар назарда тутилиб, шунингдек, ўтроқларга сиёсий мурожаат сифатида тангапул зарб қилдирилишида намоён бўлади. Яъни ўтроқ воҳалар билан яқин муносабатда бўлиш хоқонлик учун бошқа кўчманчи асосли давлат уюшмаларидан фарқли бир хусусият қозондиради. Хусусан, Шаркий Туркистондан ташқари яна Амударё–Сирдарё оралиги, Хуросон ва Шимолий Ҳиндистон каби қадимдан ўтроқ ҳаёт устувор худудлардаги ўнлаб воҳа ҳукмдорликларининг бошқарувчилари ва хоқонлар ўргасида яқин муносабатлар ўрнатилган эди. Бу ҳолат, айниқса, хоқонлик томонидан барча вассал воҳа ҳукмдорларига *элтабар* унвони берилиб, улар назорати учун бирор вакил – *тудун юборилганида*, хоқонлар ўз қизларини вассал (Гаочан, Куча, Кошгар, Хўтан, Самарқанд, Марв) бошқарувчиларига узатгани, яъни «куёв қилиш / кўрагонлик тизими»нинг йўлга қўйилишида, баъзи воҳалар (Чоч, Фарғона, Тўхористон, Кобулистон)да эса бошқарув бевосита Ашина хонадони вакилларига ўтганида ўз тасдигини топади. Суғд (Самарқанд, Панҷ, Нахшаб) бошқарувчи тоифасининг сұғдий-туркий аралаш амалдорлардан иборат бўлгани ҳам хоқонликнинг ўтроқлар билан яқин муносабатга киришганининг бир ифодаси эди:

4. 1. Хоқонлик ўзидан олдин Марказий Осиё минтақасида мавжуд бўлган кўчманчи ва ярим кўчманчи васфдаги қадимий давлат уюш-

малари: Хун, Юечжи ва Усунларга хос бошқарув анъаналарни давом эттирган. Хусусан, күчманчи қабилаларни бошқаришда уларнинг мавжуд бошқарувчи тоифасига таяниш баробарида, улар устидан ўз вакилини назоратчи сифатида тайинлаши, ҳарбий фаолиятни ташкил этишда ушбу давлатларга хос «ўнлик тизим»ни давом эттириши, қадимий бошқарув марказлари ўрни (Беш-балиқ-Эк-тоғ-Суяб)-да ўз қароргоҳларини барпо этиши, бошқарув аппаратида қадимий давлатларга хос унвонлардан маълум даражада фойдалангани каби ҳолатларда ўз тасдигига эга. Шу билан бирга, мазкур давлатлардан фарқли равишда эҳтиёж ва заруриятдан келиб чиқиб хоқонлик ўз бошқарув тузумини янада муқаммаллаштириди ва бу соҳада ўзидан олдинги давлат уюшмалариникидан анча илфор бир тизимни яратади;

4. 2. Ғарбий Турк хоқонлиги юқорида санаб ўтилган күчманчи давлатларнинг аксариятидан фарқли ҳолда, ҳам күчманчи, ҳам ўтроқ турмуш тарзи хукмрон худудларни ўз таркибига олган давлат ўлароқ, Чоч воҳасида ўз танга-пул зарбини йўлга қўяди. 150 йилдан ортиқ давр мобайнида бостирилган мазкур тангаларда дастлабки пайтларда жабгу, сўнгра жабгу-хоқон, кейинчалик эса хоқон унвонлари ўрин олади;

4. 3. Хоқонлик воҳа хукмдорликлари устидан ўз хукмронлигини ўрнатиш жараёнида ушбу давлат уюшмаларининг аксариятига хос бошқарув усули – маҳаллий сулолаларнинг ўз бошқарувида давом этишини таъминлаб, уларни васссал хукмдорликларга айлантиради. Улар назорати учун ўз ноиблари – тудунларни юбориш баробарида хоқонлик эҳтиёждан келиб чиқиб, баъзи воҳа хукмдорликларининг бошқарувига бевосита ўз хонадони вакилларини тайинлайди;

4. 4. Хоқонлик ўз бошқарувида ўтроқ ҳалклар билан, жумладан, шарқий эроний этносларнинг йирик бир тармоги бўлмиш сұғдийлар билан яқин алоқа ўрнатади. Бу унинг иш юритиш ва маҳкамачилик ишларида қадимги турк-рун ёзуви билан бирга хоқонликнинг деярли барча худудида сұғдий тил ва ёзувидан кенг фойдаланилгани, бошқарув ишлари, дипломатик ва тиҷорий муносабатларда сұғдий вакилларнинг фаол иштироки каби жиҳатларда ўз ифодасини топган.

Хуллас, турли тиллардаги ёзма манба маълумотлари ва археологик

топилмалар Ғарбий Турк хоқонлигининг ўз даврида анча тараққий этган давлат бўлгани ва бошқарувда муаяйн бир тизимга амал қилинганидан далолат беради. Булар асосан қуидаги жиҳатларда кўринади: 1) хоқонлик ўша давр учун анча мукаммал бўлган давлат тузумига эга бўлган. Хусусан, ҳар бири муайян функцияни бажарган лавозим ва мансаблар мавжуд бўлиб, бу хоқонлик бошқарувида 40 га яқин унвонлар ва 50 дан ортиқ эпитетлар кўлланилганида ҳам ўз тасдигига эга. Бу ҳолат ниҳоятда кенгайган ҳудудларни маъмурӣ жиҳатдан бошқариш ва назоратда тутиш эҳтиёжи билан боғлик бўлиб, хоқонлик томонидан маҳсус шакллантирилган эди.

Шунингдек, 20 га яқин тобе (вассал) хукмдорликларни бошқариш учун унумли усул ва воситалар ишлаб чиқилган (ноиб юбориш – *тудун*; маҳаллий хукмдорларга унвон бериш – *элтабар*; никоҳ алоқаларини йўлга кўйиш (маҳаллий хукмдорларни қуёв қилиш); хоқонлик хонадонига мансуб вакил тайинлаш орқали бирор воҳа хукмдорлигида янги сулола жорий қилиш ва ҳ. к.); 2) расмий тил ва ёзув сифатида қадимги туркий ва суғдий тилдан фойдаланилган бўлиб, хоқонлик улар воситасида маъмурӣ ишлар, танга зарби ва ҳ. к. ни амалга оширган; 3) иконографик ва палеографик жиҳатдан анча мукаммалликка эга танга-пул зарби мавжуд бўлган; 4) ҳарбий жиҳатдан илгор бўлган. Бунинг тасдиги ўнлик тизимга асосланган ҳар бири 10 минг нафар жангчи билан таъминловчи «Ўн Ўқ» тузилмаси (иттифоки) ва унга алоқадор доимий жангга шай турувчи 100 минглик кўшин мавжуд бўлганида кўринади. Хоқонлик ўз даври-нинг құдратли давлатларидан бирига айланиши замираida ҳам унинг кўп сонли, интизомли ва тезкор отлиқ кўшинга эга бўлиши ётади.

Бу каби омиллар хоқонликка доир муқимлашиб қолган қуидагича нуқтаи назарларнинг бирёқлама эканидан дарак беради:

– аввало, «хоқонлик соф кўчманчи давлат бўлган, унинг воҳалар билан алоқаси тадрижийлик касб этмаган. Шу боис, унинг ўтрокларга сиёсий ва маданий таъсири сезиларли эмас» мазмундаги фикрлар асоссизdir. Чунки Ғарбий Турк хоқонлиги Еттисувдек ўтрок ва кўчманчи аҳоли чуқур муносабатларга киришган ҳудудда ўз «давлат улуси»ни барпо этибгина қолмай, балки бошқарув маркази – қароргоҳ сифатида айнан шаҳарлар (Суяб, Беш-балиқ, Жабгукат)ни танлаши унинг «соф кўчманчи давлат» бўлмаганидан дарак беради.

Воҳа хукмдорликларида туркий унвонларнинг кенг тарқалиши, уларнинг бир нечасида қадимги турк танга зарбининг йўлга қўйилиши, сүғдий ва бақтрий тилли ҳужжатларда хоқонлик бошқарувига алоқадор атамалар ўрин олиши ва х. к. лар эса хоқонликнинг ўтроқ ҳудудлардаги сиёсий ва маданий жараёнларга қанчалик даражада тасдиқлайди. Суғд (Афросиёб/Самарқанд, Панжикент), Уструшона (Шахристон) ва Тўхористон (Болаликепа, Тавкатепа, Ажинатепа) деворий расмларининг аксарият тасвиirlарида «сиёсий акт» сифатида қадимги туркларга хос анъаналарнинг акс этиши, Чочда зарб этилган тангаларда қадимги туркий давлатчилик анъаналарига хос аломатларнинг кетма-кетлик ва узвийлик касб этган ҳолда тасвиirlаниши каби далиллар ҳам буни тасдиқлайди;

— иккинчидан, «хоқонлик даврида Мовароуннаҳр ва Хурсонда бир қатор туркий унвонлар учраши – бу муайян бир тартиб билан боғлиқ бўлмасдан, аксинча, баъзи маҳаллий хукмдорларнинг туркий унвонларга эга бўлиши «давр модаси» билан алоқалидир» мазмунидаги фикрларнинг янглиш эканини кўрсатади. Агар, ҳақиқатан ҳам шундай бўлганда эди, хоқонликка хос унвонларни тобе бошқарувчилардан ҳар қайсиси ўз хоҳишича қабул қилган бўлар ва бу борада муайян тартиб кўзга ташланмаслиги керак эди. Аксинча, воҳа хукмдорликлари бошқарувида учрайдиган туркий унвонларнинг ҳар бири хоқонлик иерархиясида қандай қўлланилган бўлса, шу тартибга асосланган ҳолда даражасига қараб ишлатилганига гувоҳ бўламиз. Бу Тўхористонда хоқонликка хос ябгу – шад – тегин – тудун – марҳон ёки Чочда шад – тегин – элтабар – тудун – марҳон шаклида унвонлар кетма-кетлиги тартибига амал қилинганида яққол кўринади.

Демак, ибтидосида кўчманчи муҳит устувор бўлган Ғарбий Турк хоқонлигига қарийб икки юз йил мобайнида бутун Марказий Осиё ва унга қўшни ҳудудларда ўз устунлигини ўрнатиб, бошқарувда муайян бир тизим жорий этган, қисқа муддатда уни кўчманчилар ва ўтроқ воҳаларга моҳирлик билан татбиқ қилган ҳамда давлат тузумида ҳарбийлик устуворлик қилган империя сифатида қараш лозим.

Қисқаси, Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарув тизими қўйидагicha бўлган давлат эди:

— моҳиятан империя бўлган хоқонлик сюзерен ва вассаллардан

иборат бўлиб, у *марказ* – «давлат улуси» (Еттисув – Жунгрия) ҳамда унга *тобе* – қабила уюшмалари (асосан, Марказий Евроосиёнинг дашт қисми – Қора денгизнинг шимоли, Шимолий Кавказ, Волга – Урол бўйлари) ва воҳа хукмдорликлари (Шарқий Туркистон, Амударё–Сирдарё оралиғи, Шимолий Ҳиндистон, Ҳурросон)дан таркиб топган эди;

– хоқонликнинг ядроси бўлмиш «давлат улуси» муайян бир маъмурий бирлик ўлароқ ичраки – марказ (бош ўрда/пойтахт) ва 10 иттифоқдош қабила («Ўн Ўқ») яшайдан худудни ўз ичига олган. Хоқонликнинг «Ўн Ўқ» деб аталган ушбу марказий худуди *Дулу* ва *Нушиби* каби сўл ва ўнг қанотга бўлинган. Хоқонлик давлат бошқаруви ва ҳарбий сафарларда мазкур қанотларга суюнган. Хукмдор қароргоҳи ушбу қанотлар оралиғида жойлашиб, унинг бошқарув маркази – пойтахт ҳисобланган;

– Ғарбий Турк хоқонлигининг бошқарув маркази – пойтахт Еттисувдаги **Суяб** шаҳри бўлган. Шунингдек, хоқонликда бир неча қароргоҳ мавжуд бўлиб, **Беш-балиқ** (Турфон / Шарқий Туркистон) унинг шарқий қисмидаги, **Жабгукат** (Чоч) эса ғарбий қисмидаги стратегик шаҳар, айни пайтда қишлиқ қароргоҳи, **Минг-булоқ** (Тароз / Еттисув) ва **Эк-тоғ** (Юлдуз водийси / Шарқий Туркистон) эса ёзлик қароргоҳ вазифасини бажаришган;

– хоқонлик воҳа хукмдорликлари устидан ўз хукмронлигини ўрнатиш жараёнида ўзидан аввал ўтган кўчманчи асосли давлат уюшмаларидан аксариятининг бошқарувига хос усул – маҳаллий сулолалар ўз бошқарувида давом этишини таъминлаб, уларни вассал хукмдорликларга айлантирган. Шу билан бирга, хоқонлик улар назорати учун ўз ноиблари – *тудунларни юбориш* билан барабарида эҳтиёждан келиб чиқиб, баъзи воҳа хукмдорликларининг бошқарувига бевосита ўз хонадони вакилларини тайинлаган.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### Манбалар

Абу Райхан Бируни. Памятники минувших поколений / Перевод с арабского и примечания М. А. Салье // Бируни. Избранные произведения. – Т. I. – Т.: АН УзССР, 1957. – 488 с.

Абу Райхан Беруни. Канон Мас'уда / Избранные произведение. V. Часть первая. Перевод и примечания Б. А. Розенфельда и А. Ахмедова. – Т.: Фан, 1973. – 647 б.

Абу Райхон Беруний. Хиндистон / Танланган асарлар. II жилд. – Т.: Фан, 1965. – 538 б.

Абу Райхон Беруний. Кадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / Таржимон А. Расулов / Танланган асарлар. I жилд. – Т.: Фан, 1968. – 488 б.

Абулғозий. Шажарайи турк. Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи Б. Ахмедов. Нашрга тайёрловчилар: Қ. Муниров, Қ. Маҳмудов. – Т.: Чўлпон, 1992. – 192 б.

Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – М. – Л.: Изд. АН СССР. – том I. – 1950. – 383 с.; том II. – 1950. – 335 с.; том III. – 327 с.

Древнетюркский словарь / Под ред. В. М. Наделяева, Д. М. Насилова, Э. Р. Тенишева, А. М. Щербака. – Л.: Наука, 1969. – 676 с.

Е Лун-ли. История государства киданей (Цидань го чжи). Перевод с китайского, введение, комментарий и приложения В. С. Таскина. – М.: Наука, 1979. – 608 с.

История атТабари. Избранные отрывки (Перевод с арабского В. И. Беляева. Дополнения к переводу О. Г. Большакова и А. Б. Халидова). – Т.: Фан, 1987. – 441 с.

Кошгарий, Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-лугот ит-турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталибов. З томлик. – Т.: Фан, 1960–1963.

Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. – М. – Л.: АН СССР, 1951. – 452 с.

Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. – М. – Л.: Изд-во АН СССР, 1959. – 111 с.

МИДКНГД – Материалы по истории древних кочевых народов группы дунху / Введение, перевод и комментарии В. С. Таскина. – М.: Наука, 1984. – 488 с.

Наршахий, Абу Бакр Мухаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи / Форс ти-лидан А. Расулов таржимаси. – Т.: Фан, 1966. – 108 б.

Радлов В. В. Опыт словаря тюркских наречий. – Том III, 1. – СПб.: Типография императорского АН, 1893. – 1260 с.

Рашид-ад-дин. Сборник летописей, Т. I., Кн. 1 / Пер. с персидского Л. А. Хетагурова. – М. -Л.: Изд-во АН СССР, 1952. – 222 с.

Согдийские документы с горы Муг. Чтение, Перевод. Комментарий. Вып. II. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В. А. Лившица. – М.: Издво восточной литер., 1962. – 222 с.

Согдийские документы с горы Муг. Чтение. Перевод. Комментарий. Вып. III. Хозяйственные документы. Чтение, перевод и комментарии М. Н. Боголюбова и О. И. Смирновой. – М.: Изд-во восточ. лит-ры, 1963. – 132 с.

Худуд уолам (Мовароуннахр тавсифи). Форс тилидан таржима, сўз боши, изоҳлар ва жой номлари кўрсаткичи муаллифи О. Бўриев. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 64 с.

Улугбек Мирзо. Тўрт улус тарихи. Форс тилидан Б. Аҳмедов ва бошқалар таржимаси. Кириш сўзи, изоҳлар ва таҳрир Б. Аҳмедовники. – Т.: Чўлпон, 1993. – 352 б.

Ўринбоев А., Бўриев О. Фиёсиддин Наккошнинг Хитой сафарномаси. – Т.: Фан, 1991. – 54 б.

Юсуф Хос Хожиб. Кутадғу билиг. Нашрга тайёрловчى Қ. Каримов. – Т.: Фан, 1971. – 964 б.

Феофилакт Симокатта. История // Великая степь в античных и византийских источниках. Сборник материалов. Сост. и ред. А. Н. Гаркавца. – Алматы: Bayr, 2005. – С. 583–639.

Divanü Lügat-it Türk Tercümesi. Cilt I-IV. Çev. B. Atalay, TDK yayınları: 521–524. – Ankara, 1985.

Gharib B. Sogdian Dictionary. Sogdian – Persian – English. – Tehran: Farhanghan Publications, 1995. – 517 p.

Ibn Haldun. Mukaddime. II. Çeviren Z. K. Ugan. – İstanbul, 1991. – 666 s.

Han Hanedanlığı tarihi. Hsing-nu (Hun) monografisi. Çev. A. Onat, S. Ersoy, K. Ercilasun. – Ankara: TTK, 2004. – xviii + 152 + yak. 75 s.

Hudud al-‘Alam. The regions of the world, a persian geography. Translated and explained by V. Minorsky. – London, 1970.

al-Istakhri, Abu Ishak al-Farisi. Viae regnorum. Ed. M. J. de Goeje. BGA. Pars 1. – Lugduni-Batavorum: E. J. Brill, 1967. – 368 p.

al-Moqaddasi, Abu ‘Abdallah Mohammad ibn Ahmad Shamsaddin. Descriptio Imperii moslemici. Ed. M. J. de Goeje. BGA. Pars 3. – Lugduni-Batavorum, 1967.

Eski T’ang tarihi (*Chiu T’ang-shu*) 194 а: «Türkler» bölümü: Çin kaynaklarında Türkler: açıklamalı metin neşri / İsenbike Toğan, Gülnar Kara, Cahide Baysal. – Ankara: TTK Basimevi, 2006. – xxix + 519[8] s.

Kalankatlı Moses. Alban Tarihi. Türkçeye çeviren Y. Gedikli. – İstanbul: Selenge, 2006. – 383 s.

Müller F. W. K. Ein Doppelblatt aus einem Manichäischen Hymnenbuch. (Mahrnāmag) // Abhandlungen der Preussischen Akademie der Wissenschaften. – 1912. – №. 5. – P. 3–40.

Pahlavi Texts. The Bundahis-Bahman Yast, and Shayast La-Shayast. Trans. by E. W. West. BSE. – Delhi, 1987. – Vol. 5. Part 1. – 438 p.

Sims-Williams N. Bactrian Documents from Northern Afghanistan, I: Legal and Economic Documents. – Oxford University Press, 2000. – 254 p.

Coins from collection of the National Bank of Uzbekistan. Catalogue of Antique and Medieval Coins of Central Asia. I–IV, Tashkent, 1999–2001.

### Тадқиқотлар

Абдуллаев К. Живопись крепости Тавка, к проблеме этнической ситуации Северного Тохаристана (по данным настенных росписей) // Цивилизации и культуры Центральной Азии в единстве и многообразии. Материалы Международной конференции Самарканд, 7–8 сентября 2009 г. – Самарканд–Ташкент – 2010. – С. 235–245.

Абдурахмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Т.: Ўқитувчи, 1982. – 166 б.

Авеев В. И. Қадимги Шарқ тарихи. – Т., 1950. – 756 б.

Агаджанов С. Г. Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX–XIII вв. – Ашгабад: Ылым, 1969. – 295 с.

Александрова Н. В. Путь и текст: китайские паломники в Индии. – М.: Вост. литература, 2008. – 334 с.

Алимова Д. А., Филанович М. И. Тошкент тарихи (қадимги даврлардан бугунгача) – История Ташкента (с древнейших времен до нашей дней). Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри. – Т.: ART-FLEX, 2009. – 208 б.

Альбаум Л. И. Живопись Афрасиаба. – Т.: Фан, 1975. – 160 с.: илл.

Акишев К. А., Акишев А. К. К интерпретации символики иссыкского погребального обряда // Релегии народов Южной Сибири и Центральной Азии. Часть I. Поздняя древность: хрестоматия / Сост. П. К. Дашковский. – Барнаул: Азбука, 2008. – С. 45–50.

Арсал С. М. Туркская история и право. – Казань, Фэн, 2002. – 412 с.

Артамонов М. И. История Хазар. – Л.: Изд-во Государственного Эрмитажа, 1962. – 523 с.

Артиқбаев О. С. Тошкент воҳаси ўзбек – қозоқ этномаданий муносабатлари тизимида анъанавий никоҳ шаклларининг қиёсий таҳлили // «Этнос ва маданият: анъанавийлик ва замонавийлик» «Академик Карим Шониёзов ўқишилари» туркумидаги этнологларнинг V Республика илмий конференцияси материаллари. – Т., 2010. – Б. 122–129

Асадов Ф. Длинные стены: забытая граница с кочевниками-турками Центральной Азии в VII–X // Цивилизации и культуры Центральной Азии в единстве и многообразии. Материалы Международной конференции Самарканд 7–8 сентября 2009 г. – Самарканд–Ташкент, 2010. – С. 34–41.

Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи (Ўқув кўлланма). – Т.: Университет, 2007. – 340 б.

Ахинжанов С. М. Кыпчаки в истории средневекового Казахстана. – Алматы: Гылым, 1995. – 296 с.

Бабаяров Г. Чач в эпоху Тюркского каганата (по нумизматическим данным) // Ўзбекистон тарихи маддий маданият ва ёзма манбаларда. – Т., 2005. – С. 203–205.

Бабаяр Г. К вопросу монетного чекана Западно-Тюркского каганата // Восток в исторических судьбах народов России. Книга 3. Материалы V Всероссийского съезда востоковедов. 26–27 сентября 2006 г. – Уфа: Вилли Окслер, 2006. – С. 16–24.

Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI–VIII вв.). – Т.: Изд-во Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои, 2007. – 120 с.

Бабаяров Г., Кубатин А. К орфографии титула «джабгу» на согдоязычных монетах Чача эпохи Западно-Тюркского каганата // Акад. У. Каримов номидаги ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари. – Т., 2007. – Б. 129–131.

Бабаяров Г., Кубатин А. Роль согдийского языка в Западно-Тюркском каганате // Endangered languages and History. Foundation for Endangered Languages in collaboration with the Academy of sciences of Tajikistan. Proceedings of the Thirteenth FEL Conference 24–26 September 2009. Editors: H. Nazarov, N. Ostler. – Horog, 2009. – С. 80–83.

Бабаяров Г., Кубатин А. К новому чтению и интерпретации легенд на некоторых доисламских монетах Самаркандинского Согда // Тарих тафаккури. «Баркамол авлод» йилига бағишланган Республика тарихчи олимларининг илмий ишлар тўплами. Масъул муҳаррир ва тузувчи: Ш. Х. Воҳидов. – Бухоро, 2010. – С. 22–32.

Байпаков К. М. Средневековые города Казахстана на Шелковом пути. – Алматы, 1998.

Байпаков К., Ерзакович Л. Древние города Казахстана. – Алма-Ата: Наука, 1971. – 211 с.

Байтанаев Б. Древний Испиджаб. – Шымкент – Алматы, 2003. – 136 с.

Байтанаев Б. А. Вопросы локализации Нуджикета // Новые исследования по археологии Казахстана. Труды научно-практической конференции «Маргулановские чтения – 15». – Алматы, 2004. – С. 67–70.

Баратова Л. С. Турк хоқонлиги ва унинг Ўрта Осиё давлатлари билан ўзаро алоқалари // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 44–59.

Баратова Л. С. Византийско-согдийско-тюркский симбиоз на монетах Средней Азии // Second International Congress on Turkic Civilization, Bishkek, October 4–6, 2004. – Bishkek 2005. – С. 415–422.

Бартольд В. В. О христианстве в Туркестане в домонгольский период // Сочинения. V. – М.: Наука, 1964. – С. 263–302.

Бартольд В. В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Сред-

- ней Азии // Сочинения. Т. II. Ч. 2 – М.: Наука, 1964. – С. 19–194.
- Бартольд В.В. Работы по истории Ислама и Арабского халифата // Сочинения. Т. VI. – Москва, 1966.
- Бартольд В. В. Древнетюркские надписи и арабские источники // Сочинения. V. – М.: Наука, 1968. – С. 284–311.
- Бартольд В. В. Новые исследования об орхонских надписях // Сочинения, V. – М.: Наука, 1968. – С. 312–328.
- Барфилд Т. Дж. Мир кочевников-скотоводов // Раннее государство, его альтернативы и аналоги. – Волгоград: Учитель, 2006. – С. 415–441.
- Барфилд Т. Дж. Опасная граница: кочевые империи и Китай (221 г. до н. э. – 1757 г. н. э.) / Пер. Д. В. Рхлядева, В. Б. Кузнецова; науч. ред. и пред. Д. В. Рхлядева. – СПб., 2009. – 248 с.
- Березкин Ю. Е. Инки. Исторический опыт империи. – Л.: Наука, 1991. – 230 с.
- Бернштам А. Н. Согдийская колонизация Семиречья // Краткие сообщения о докладах и полевых исследованиях института истории материальной культуры. – М. -Л., 1940, №6. – С. 34–43
- Бернштам А. Н. Социальноэкономический строй орхено-енисейских тюрок VII–VIII вв. Восточнотюркский каганат и киргизы. – М. Л., Изд-во АН ССР, 1946. – 207 с.
- Бернштам А. Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726) // ВДИ. – М.: 1952. – № 1. – С. 187–195.
- Бернштам А. Н. Древняя Фергана (Научнопопулярный очерк). – Т.: Изд-во АН УзССР, 1951. – 47 с.
- Бобоёров Ф. Илк ўрта аср манбаларида Туркистон атамаси // «Ўзбек халқининг келиб чиқиши, илмий-методологик ёндошувлар, этногенетик ва этник тарих» мавзусидаги Республика илмий-назарий семинар материаллари. – Т., 2004. – Б. 40–43.
- Бобоёров Ф. Илк ўрта асрлар тангаларида Ўзбекистон худудидаги давлатчиликка доир маълумотлар // Ўзбекистон тарихи манбашуносиги масалалари. – Т., 2010. – Б. 18–40.
- Бобоёров Ф. Чоч тарихидан лавҳалар (Илк ўрта асрлар). – Т.: Yangi nashr, 2010. – 168 б.
- Бонград-Левин Г. М., Ильин Г. Ф. Индия в древности. – М.: Наука, 1985. – 758 с.
- Брегель Ю. Э. Хорезмские туркмены в XIX веке. – М.: Изд-во Восточной литературы, 1961. – 444 с.
- Буняитов З. М. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов (1097–1231). – М.: Наука, 1986. – 248 с.
- Буряков Ю. Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. – Т.: Фан, 1975. – 204 с.
- Буряков Ю. Ф. Палеоэкологические и этнические процессы в контактных зонах Средней Азии в древности и средневековье (на примере бассейн-

на Яксарта) // International Journal of Asian Studies. Seoul – Tashkent, 2003. – Vol. 8. – С. 69–82.

Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 166 б.

Владимирцов Е. Я. Чингисхан. 1922. Петербург – Москва: Изд-во З. И. Гржебина, 1922. – 176 с.

Владимирцов Б. Я. Общественный строй монголов. Монгольский кочевой феодализм / Работы по истории и этнографии монгольских народов Б. Я. Владимирцова. Сост. Г. И. Слесарчук. – М.: Вост. лит., 2002. – С. 295–481.

Гафуров Б. Г. Таджики, древнейшая, древняя и средневековая история. – М.: Наука, 1972. – 664 с.

Гоибов Г. Ранние походы арабов в Среднюю Азию. – Душанбе: Дониш, 1989. – 144 с.

Горшенина С. Концепт «Центральной / Средней Азии» // Трансоксиана – Мавераннахр. – Ташкент, 2007. – С. 94–103

Горячева В. Д. Городская культура тюркских каганатов на Тянь-шане (середина VI – начало XIII в.). – Бишкек, 2010. – 303 с.

Гукасян В. Тюрокизмы в «Истории албан» Моисея Утийского // Структура и история тюркских языков. – М., 1971. – С. 238–250.

Гумилев Л. Н. Древние тюроки. – М.: Наука, 1967. – 502 с.

Гумилев Л. Н. Қадимги турклар. – Т., 2007. – 498 б.

Дадабаев Х. Военная лексика в староузбекском языке / Дадабаев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. – Т.: Фан, 1990. – С. 7–84.

Джуманалиев Т. Д. Эволюция каганской власти в древнетюркском государстве // Second International Congress on Turkic Civilization. Bishkek, October 4–6, 2004. – Bishkek, 2005. – С. 179–188.

Джуманалиев Т. Д. Очерки политической истории кочевников Притяньшаня с древности до конца XVII века. – Бишкек, 2007. – 548 с.

Добрович М. К вопросу о личности главного героя памятника Кули-чору // Центральная Азия от Ахеменидов до Тимуридов: Археология, история, этнология, культура. Мат-ы международной научной конференции, посвященной 100-летию со дня рождения А. М. Беленицкого, 2–5 ноябрь, 2004 г. – СПб., 2005. – С. 86–89.

Добрович М. Власть и пространство у древних тюрок // Электронные библиотеки и базы данных по истории Евразии в средние века. – М.: Инст-т востоковедения РАН, 2005. – Вып. 11. – 174 с.

Досымбаева А. Батыс Түрік қағанаты қазақ даласының мәдени мұрасы. – Алматы, 2007. – 168 б.

Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи (Энг қадимги даврдан Россия босқининг қадар). – Т.: Шарқ, 2001. – 282 б.

Зуев Ю. А. Тамги лошадей из вассальных княжеств // Новые материалы по древней и средневековой истории Казахстана. – Алма-Ата, 1960. – С.

94–140.

Зуев Ю. А. Ранние тюрки: очерки истории и идеологии. – Алматы, Дайк-пресс, 2002. – 338 с.

Зеймаль Е. В. Монеты раннесредневековой Средней Азии // Археология. Средняя Азия и Дальний Восток в эпоху средневековья. – М., 1999. – С. 192–206.

Исламов З. Общество. Государство. Право. – Т.: Адолат, 2001. – 695 с.

Исоматов М. М. Ирано-Среднеазиатские взаимоотношения по «Таърих-и Табари» Бальами. – Душанбе-Бишкек: Эчод, 2006. – 184 с.

История Узбекской ССР. Т. I. Под редакцией С. П. Толстова и др. – Т.: Изд-во АН УзССР, 1950. – 473 с.

История Узбекской ССР. Т. I. Книга первая. Под редакцией С. П. Толстова и др. – Т.: Изд-во АН УзССР, 1955. – 543 с.

История Узбекской ССР. Т. I. С древнейших времен до середины XIX века. Отв. редактор Я. Г. Гулямов. – Т.: Фан, 1967. – 772 с.

История государственности Узбекистана (вторая половина II тысячелетия до н. э. – III в. н. э.). Т. I. – Т.: Узбекистан, 2009. – 560 с.

Исхаков М., Камолиддин Ш., Бабаяров Г. Титулatura доисламских правителей Чача. – Т.: Изд-во ТашГИВ, 2009. – 88 с.

Исхоков М. Унтилган подшоликдан хатлар. – Т.: Фан, 1992. – 58 б.

Камолиддинов Ш. С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана. – Т.: Узбекистан, 1996. – 422 с.

Камолиддин Ш. С. Древнетюркская топонимия в Средней Азии. – Т.: Шарқ, 2006. – 192 с.

Каржаубай С. Объединенный каганат тюрков в 745–760 годах. – Астана: Фолиант, 2002. – 220 с.

Карнейро Р. Л. Теория происхождения государства // Ранние государство, его альтернативы и аналоги. – Волгоград, 2006. – С. 55–71.

Кляшторный С. Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. – М.: Наука, 1964. – 215 с.

Кляшторный С. Г. Открытие и изучение древнетюркских и согдийских эпиграфических памятников Центральной Азии / С. Г. Кляшторный, В. А. Лившиц // Археология и этнография Монголии. – Новосибирск: Наука, 1978. – С. 55–56.

Кляшторный С. Г. Генеалогия и хронология западнотюркских и тюргешских каганов VI–VIII вв. // Из истории дореволюционного Киргизистана. – Фрунзе: Илим, 1985. – С. 165–168.

Кляшторный С. Г. Формы социальной зависимости в государствах кочевников Центральной Азии // Рабство в странах Востока в средние века. – М.: Наука, 1986. – С. 312–339.

Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности // Источниковоедение Кыргызстана (с древности до конца XIX в.). – Бишкек, 2004. – С. 40–64.

Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности и этно-культурная история Центральной Азии. – СПб.: Наука, 2006. – 591 с.

Кляшторный С. Г., Савинов Д. Г. Степные империи Евразии. Изд. 2-я. СПб.: Фарн, 2005. – 165 с.

Кляшторный С. Г., Султанов Т. И. Государство и народы Евразийских степей. Древность и средневековье. – СПб., Петербургская востоковедения, 2004. – Второе издание, исправленное и дополненное. – 368 с.

Короглы Х. Огузский героический эпос. – М.: Наука, 1976. – 239 с.

Кочнев Б. Д. Нумизматическая история Караканидского Каганата (991–1209). Часть I. Источниковедческое исследование. – М.: ООО изд. дом. «София» 2006. – 344 с.

Крадин Н. Н. Кочевые общества. Проблемы формационной характеристики. – Владивосток: Дальнаука, 1992. – 240 с.

Крадин Н. Н. Кочевники, мир-империи и социальная эволюция // Альтернативные пути к цивилизации. – М.: Логос, 2000. – С. 314–336.

Крадин Н. Н. Династия Ляо как кочевая империя // История и культура Востока Азии. Материалы международной конференции. – Т. 1. – Новосибирск, 2002. – С. 80–83.

Крадин Н. Н. Теории исторического процесса и проблема их синтеза // Социальные трансформации в Российской истории. Доклады международной научной конференции. – Екатеринбург-Москва: Изд-во Академкнига, 2004. – С. 518–530.

Крадин Н. Н. Археологические признаки цивилизации // Ранние государство, его альтернативы и аналоги. – Волгоград, 2006. – С. 143–144

Крадин Н. Н. Кочевники Евразии. – Алматы: Дайк-Пресс, 2007. – 416 с.

Крадин Н. Н. Проблемы периодизации исторических макропроцессов // История и Математика: модели и теории. Отв. ред. Л. Е. Гринин, А. В. Коротаев, С. Ю. Малков. – М.: Наука, 2008. – С. 166–200.

Крюков М. В. Восточный Туркестан в III в. до н. э.–VI в. н. э. // Восточный Туркестан в древности и раннем средневековье. Очерки истории. Под. ред. – С. Л. Тихвинского, Б. А. Литвинского. – М.: Наука, 1988. – С. 223–296.

Кызласов И. Л. Прочтение наскальных рунических надписей Кыргызстана // Материалы и исследования по археологии Кыргызстана. – Бишкек, 2005. – С. 54–74

Кызласов Л. Р. Городская цивилизация Срединной и Северной Азии: исторические и археологические исследования. – М.: Вост. лит., 2006. – 360 с.

Кычанов Е. И. Жизнь Темучжина, думавшего покорить мир. – М., 1973.

Кычанов Е. И. Кочевые государства от гуннов до маньчжуров. – М.: Вост. лит., 1997. – 319 с.

Кубарев Г. В., Кубарев В. Д. Погребение знатного тюрка из Балык-Соока (Центральный Алтай) // Археология, этнография и антропология Евразии.

- Новосибирск, 2003. – № 4 (16). – С. 64–82.
- Кумеков Б. Е. Государство Кимаков IX–XI вв. по арабским источникам. – Алма-Ата: Наука, 1972. – 156 с.
- Кюнер Н. В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. – М.: Изд-во Вост. лит., 1961. – 392 с.
- Лелеков Л. А. О символизме погребальных облачений («золотые люди» скифо-сакского мира) // Религии народов Южной Сибири и Центральной Азии. Часть I. Поздняя древность: хрестоматия / Сост. П. К. Дацковский. – Барнаул: Азбука, 2008. – С. 69–75.
- Лившиц В. А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. – СПб.: Филологический факультет СПбГУ, 2008. – 414 с. с илл.
- Лившиц В. А., Ртвеладзе Э. В. О монетных чеканах раннесредневекового Чача // У истоков древней культуры Ташкента. – Т., 1982. – С. 181–187.
- Литвинский Б. А. «Золотые люди» в древних погребениях Центральной Азии (Опыт истолкования в свете истории религии) // Религии народов Южной Сибири и Центральной Азии. Часть I. Поздняя древность: хрестоматия / Сост. П. К. Дацковский. – Барнаул, 2008. – С. 61–69.
- Лубо-Лусниченко Е. И. Сведения китайских письменных источников о Суябе (городище Ак-Бешим) // Суяб. Ак-Бешим. – СПб., 2002. – С. 115–127.
- Маявкин А. Г. Историческая география Центральной Азии (Материалы и исследования). – Новосибирск: Наука, 1981. – 336 с.
- Маявкин А. Г. История Восточного Туркестана в VII–X вв. // Восточный Туркестан в древности и раннем средневековье. Очерки истории. Под ред. – С. Л. Тихвинского и др. – М.: Наука, 1988. – С. 297–351
- Маявкин А. Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. – Новосибирск: Наука, 1989. – 431 с.
- Мандельштам А. М. Материалы к историко-географическому обзору Памира и Припамирских областей (с древнейших времен до X в. н. э.). – Сталинабад: Изд. АН ТаджССР, 1957. – 180 с.
- Матбобоев Б. Қадимги Фарғона давлати (Даванъ) // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 27–42
- Марков Г. Е. Кочевник Азии. – М.: Изд. Московского университета, 1976. – 319 с.
- Массон В. М. Ромодин В. А. История Афганистана. Том I. С древнейших времен до начала XVI века. – М.: Наука, 1964. – 464 с.
- Меликсет-бек Л. М. Хазары по древнеармянским источникам в связи с проблемой Моисея Хоренского // Исследования по истории культуры народов Востока. Сборник в честь академика И. А. Орбели. – М. -Л., 1960. – С. 112–118.
- Мокрынин В. П. К вопросу о тюрко-согдийской интеграции в VVIII вв. // Из истории дореволюционного Киргизстана. – Фрунзе: Илим, 1985. – С. 152–164
- Мукминова Р. Г., Филанович М. И. Ташкент на перекрёстке истории

(Очерки древний и средневековой истории города). – Т.: Фан, 2001. – 114 с.

Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-сүғд муносабатлари. – Т.: ART-FLEX, 2010. – 219 б.

Отахўжаев А. Хитой манбаларида туркий ва сүғдий умумийлик ҳақида // «Этнос ва маданият: анъанавийлик ва замонавийлик» «Академик Карим Шониёзов ўқишилари» туркумидаги этнологларнинг V Республика илмий конференцияси материаллари. – Т., 2010. – Б. 74–80.

Очерки по истории государственности Узбекистана. Под ред. Д. А. Алимовой, Э. В. Ртвеладзе. – Т.: Шарқ, 2001. – 207 с.

Пигулевская Н. В. Сирийские источники по истории народов СССР. – МЛ.: Изд-во АН СССР, 1941. – 170 с.

Пигулевская Н. В. Византия и Иран на рубеже VI и VII веков. – М. Л.: Изд-во АН СССР, 1946. – 289 с.

Пигулевская Н. В. Византия на путях в Индию (Из истории торговли Византия с Востоком в IV–VI вв.). – МЛ.: Изд-во АН СССР, 1951. – 410 с.

Плетнева С. А. Кочевники Средневековья. Поиски исторической закономерности. – М.: Наука, 1982. – 189 с.

Пугаченкова Г. А., Ртвеладзе Э. В. Северная Бактрия – Тохаристан. Очерки истории и культуры древность и средневековье. – Т.: Фан, 1990. – 218 с.

Периханян А. Г. Общество и право Ирана в прафянский и сасанидский периоды. – М.: Наука, 1983. – 383 с.

Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Т.: Фан, 1995. – 783 б.

Рахмон Н. Турк хоқонлиги. – Т.: Халқ мероси, 1993. – 142 б.

Рогожинский А. Е. Новые находки памятников древнетюркской эпиграфики и монументального искусства на юге и востоке Казахстана // Роль nomadov в формировании культурного наследия Казахстана. Научные чтения памяти Н. Э. Масанова. Сб. мат-ов Междунауч. конф. – Алматы, 2010. – С. 329–346.

Ртвеладзе Э. В. Великий шелковый путь. Энциклопедический справочник. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1999. – 280 с.

Ртвеладзе Э. В. Древние и раннесредневековые монеты историко-культурных областей Узбекистана. Т. 1. – Т.: Media Land, 2002. – 304 с.: 29 илл.

Ртвеладзе Э. В. История и нумизматика Чача (вторая половина III – середина VIII в. н. э.). – Т.: Media Land, 2006. – 132 с.: илл.

Ртвеладзе Э. В., Ртвеладзе Л. Л. Городище Ханабад // Древности Ташкента. – Т.: Фан, 1976. – С. 4–49.

Ртвеладзе Э. В., Сайдов А. Х., Абдуллаев Е. В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқук тарихидан лавҳалар. – Т.: Адолат, 2001. – 415 б.

Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норкулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Т.: Академия, 2000. – 271 б.

Севортьян Э. Этимологический словарь тюркских языков. – М.: Наука,

1974. – 767 с.

Семенов Г. Л. История археологического изучения Ак-Бешима // Суяб. Ак-Бешим. – Санкт-Петербург, 2002. – С. 4–10.

183. СИГТЯ – Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Пратюркский язык-основа. Картина мира пратюркского этноса по данным языка. Отв. ред. Э. Р. Тенишев, А. В. Дыбо. – М.: Наука, 2006. – 908 с.

Смирнова О. И. Очерки из истории Согда. – М.: Наука, 1970. – 287 с.

Смирнова О. И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М., Наука, 1981. – 548 с.

Содиков К. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. – Т.: ТошДПИ нашриёти, 2006. – 207 б.

Сулейманов Р. Х. Древний Нахшаб. – Т.: Фан, 2000. – 344 с.

Табалдиев К., Алимов Р. Байыркы түрктөрдүн Талас жергесинде табылган жаңы эстеликтери // Турк цивилизациясы жана мамлекеттik салты. – Бишкек, 2004. – С. 277–294.

ТерМкртичян Л. Х. Армянские источники о Средней Азии V–VII вв. – М.: Наука, 1979. – 97 с.

Тихонов Д. И. Хозяйство и общественный строй Уйгурского каганата X–XIV вв. – М. -Л.: Наука, 1966. – 291 с.

Толстов С. П. Древний Хорезм: Опыт историкоархеологического исследования. – М.: Издание МГУ, 1948. – 352 с.: илл.

Трапавлов В. В. Государственный строй Монгольской империи XIII в. – М.: Восточная литература, 1993. – 168 с.

Тугушева Л. Ю. Уйгурская версия биографии Сюань-Цзана. – М.: Наука, 1991. – 592 с.

Кораев С. Географик номлар маъноси. – Т.: Ўзбекистон, 1978. – 203 б.

Филанович М. Кангуй давлати // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 15–26

Ушницкий В. Тюркская государственность на крайнем севере // Second international congress on Turkic civilization. Bishkek, October 4–6, 2004. – Bishkek, 2005. – С. 137–140.

Хазанов А. М. Кочевники и внешний мир. Изд. 3–е. – Алматы: Дайк-Пресс., 2002. – 604 с.

Хасанов Б. В., Арифджанов Э. К., Алимов Ш. К., Ирмухамедов Б. А. История Узбекистана: Курс лекций. Часть I. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2003. – 142 с.

Хатамова М. М. Турк хоқонлигига давлат бошқаруви // Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганиш бўйича материаллар. – Т.: Фан, 2007. – Б. 65–70.

Ходжаев К. Китайский историк о путях миграции и месте возрождения племени тюрк – потомков Ашины // Культурные, литературные, языковые связи народов Китая и Центральной Азии: прошлое и современность. – Т., 2004. – С. 97–103.

Ходжаев А. Из истории древних тюрков (сведения древнекитайских ис-

точников). – Т.: Тафаккур, 2010. – 220 с.

Хўжаев А., Хўжаев К. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши. – Т.: Маънавият, 2001. – 39 б.

Чичуров И. С. Византийские исторические сочинения: «Хронография» Феофана, «Бревиарий» Никифора. Тексты, перевод, комментарий. – М.: Наука, 1980. – 215 с.

Шагалов В. Д., Кузнецов А. В. Каталог монет Чача III–VIII вв. – Т.: Фан, 2006. – 327 с.

Ҳасанов Ҳ. Географик номлар сири. – Т.: Ўзбекистон, 1985. – 120 б.

Ҳидоятов Г. А. Менинг жонажон тарихим. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 306 б.

Ширинов Т. Қадимги Бақтрия подшолиги. Катта Хоразм // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 8–14

Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. – Т.: Фан, 1990. – 167 б.

Шониёзов К. Ш. Қарлук давлати ва Қарлуклар. – Т., Шарқ, 1999.

Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: Шарқ, 2001. – 462 б.

Энциклопедия. Таласская область. – Бишкек, 1995.

Яценко С. А. Знаки-тамги ираноязычных народов древности и раннего средневековья. – М.: Изд. фирма «Восточна литература» РАН, 2001. – 190 с.: илл.

Muhammadjonov A. O’zbekiston tarixi (IV asrdan XVI asr boshlarigacha). 7-sinf uchun darslik. – Toshkent, Sharq, 2009. – 160 b.

### **Диссертация ва авторефератлар**

Баратова Л. С. Древнетюркские монеты Средней Азии VIX вв. (типология, иконография, историческая интерпретация).: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Т.: ИВАНРУЗ 1995. – 26 с.

Данилов С. В. Древние и средневековые города кочевых обществах Центральной Азии: Дисс... док. ист. наук. – Улан-Удэ, 2005. – 332 с.

Джуманалиев Т. Д. Эволюция политической власти кочевников Притяньшанья (II в. до н. э. – XII в.): Автореф. дис... док. ист. наук. – Бишкек, 2005. – 49 с.

224. Исоматов М. М. Эфталитское государство и его роль в истории Центральной Азии: Дис... док. ист. наук. – Душанбе, 2009. – 50 с.

Камалов А. К. Тюрки и иранцы в Танской империи (618–907 гг.): Дис... док. ист. наук. – Алматы, ИВРК, 2008. – 284 с.

Караев О. К. История государства Карабахидов (X – начало XIII вв.): Автореф. дис... док. ист. наук. – Т.: ИВАНРУЗ, 1984. – 38 с.

Каримова Н. Взаимоотношения народов Центральной Азии и Китая в XIV–XVII вв. (по материалам китайских источников): Дис... док. ист. наук. – Т.: ИВАНРУЗ, 2005. – 357 с.

Каримова Н. Взаимоотношения народов Центральной Азии и Китая в XIV–XVII вв. (по материалам китайских источников).: Автореф. дис... док.

ист. наук. – Т.: ИВАНРУз, 2006. – 47 с.

Лурье П. Б. Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии: Дис. ... канд. фил. наук. – СПб.: Санкт-Петербургский филиал ИВ РАН, 2004. – 305 с.

Маликов А. Тюрки в среднеазиатском междуречье в VI–VIII вв. (по археологическим и письменным источникам).: Автореф. дис... канд. ист. наук. – Самарканд: ИААН РУз, 2000. – 24 с.

Матбабаев Б. Х. Раннесредневековая культура Ферганы (на основе исторического анализа археологических источников V–VIII вв.).: Автореф. дис... док. ист. наук. – Самарканд: ИААН РУз, 2009. – 58 с.

Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre Türkistan. Basılmamış doktora tezi. Hacettepe Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü. – Ankara, 2003. – 295 s.

Erkoç H. İ. Eski Türklerde Devlet Teşkilatı. Basılmamış Yüksek Lisans Tezi. – Ankara, 2008. – 270 s.

### **Даврий матбуот**

Аальто П. Имя «Ташкент» (Перевод и комментарии А. К. Акишева) // Shygys. – Алматы, 2005. – № 1. – С. 101–115.

Абдухолик Абдурасул ўғли. Туркий халқлар тарихига оид тибетча хужжат // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1997. – №6. – Б. 72–77.

Амбарцумянц А. А. Этноним «хъяона» в Авесте // Записки Восточно-го отделения Российского Археологического общества (ЗВОРАО): НС. – Санкт-Петербург, 2002. – Том I (XXVI). – С. 35–71.

Аскarov А. Некоторые вопросы истории становления узбекской государственности // Общественные науки Узбекистана. – Ташкент, 1997. – № 3–4. – С. 65–76.

Ахмедов А. Нега Турон деб аталади? // Турон. – Тошкент, 1992. – Б. 5–6.

Байпаков К. М. Западно-Тюркский и Тюргешский каганаты: тюрки и согдийцы, степ и города // Известия НАН РК. Средневековая археология. Серия общественных наук. – Алматы, 2009. – №1. – С. 105–146

Бабаяр Г., Кубатин А. К вопросу монетного чекана Западно-Тюркского каганата (на основе нумизматических материалов Ташкентского оазиса) // Тюрокология. – Туркестан (Казахстан), 2005. – № 6. – С. 97–105.

Бабаяров Г., Кубатин А. К вопросу о Византийском влияния на иконографию монет Западно-Тюркского каганата // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 2008. – № 4. – С. 3–10.

Баратова Л. С. К исторической интерпретации титула «каган» на древнетюркских монетах Средней Азии конца VII – первой половины VIII вв. // Нумизматика Центральной Азии. – Ташкент, 1998. – Вып. III. – С. 41–43.

Баходиров Р. История Востока в «Ключах наук» // Шарқшунослик. – Тошкент, 2009. – № 14. – С. 108–117.

- Бобоёров Ф. Турк хоқонлигининг Мовароуннахрдаги бошқарув тизими ҳақида // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 2000. – № 4. – Б. 71–79.
- Бобоёров Ф. Турк хоқонлиги даврида Тохаристон // Мозийдан садо. – Тошкент, 2002. – №4. – Б. 10–11.
- Буряков Ю. К истории раннесредневекового Чача // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 2002. – № 3. – С. 10–20.
- Васильев Д. Д. Памятники тюркской рунической письменности Азиатского ареала // СТ. – Баку, 1976. – № 1. – С. 71–81.
- Горский А. А. Дружинное государство // Родина. – Москва, 2002. – №2. – С. 40.
- Гумилев Л. Н. Удельно-государственная система у тюрок в VI-VIII веках // СЭ. – Москва, 1959. – №3. – С. 11–25.
- Гумилев Л. Н. Биография тюркского хана в «Истории» Феофилакта Симокатты и в действительности // Византийский временник. – Москва, 1965. – № 26. – С. 67–76.
- Досымбаева А. Западный Тюркский каганат в культурном наследии казахской степи // Культурное наследие. – Астана, 2009. – № 1 (22). – С. 21.
- Ильясов Дж. Я. Об этнической принадлежности правителей Пенджикента // Нумизматика Центральной Азии. – Вып. VII. – Ташкент, 2004. – С. 54–61.
- Исҳоқов М. Номи азал Туркистон // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1993. – № 45–46. – Б. 1, 5.
- Камолиддин Ш. С. Новые данные о потомках царя Согда Гурака // Общественные науки Узбекистана. – Ташкент, 2003. – № 3. – С. 63–68.
- Камолиддин Ш. С. Сведения источников о Чаче как владении доисламских предков Саманидов // Общественные науки Узбекистана. – Ташкент, 2009. – № 2. – С. 22–31.
- Кляшторний С. Г. Из истории борьбы народов Средней Азии против арабов (по руническим текстам) // ЭВ. – Москва – Ленинград, 1954. – № IX. – С. 55–64.
- Кляшторный С. Г. Имперский фон древнетюркской цивилизации // Вестник МИЦАИ. – Самарканد, 2008. – Вып. 8. – С. 14–20.
- Кляшторный С. Г. Лившиц В. А. Согдийская надпись из Бугута // СНВ. – Москва, 1971. – Вып. 10. – С. 121–146.
- Комар А. Наследие тюркских каганатов в Восточной Европе // Мәдени мұра Культурное наследие. – Астана, 2009. – № 1. – С. 100–102.
- Крадин Н. Н. Кочевые империи: генезис, расцвет, упадок // Восток. – Москва, 2001. – № 3. – С. 21–32.
- Крадин Н. Н. Кочевники и земледельческие цивилизации // Journal of Turkic Civilization Studies. – Bishkek, 2004. – No. 1. – С. 135–141.
- Кызласов Л. Р. Первый Тюркский каганат и его значение для истории Восточной Европы // Татарская археология. – Казань, 1997. – № 1. – С. 23–30.

- Кумеков Б. Е. Об общем и особенном в развитии тюркской степной цивилизации // *Journal of Turkic Civilization Studies*. – Bishkek, 2004. – No. 1. – С. 87–92.
- Лившиц В. А. Правители Панча (Согдийцы и тюрок) // Народы Азии и Африки. – Москва, 1979. – №4. – С. 56–69.
- Лившиц В. А., Луконин В. Г. Среднеперсидские и согдийские надписи на серебряных сосудах // ВДИ. – М., 1964. – № 3. – С. 155–176.
- Лурье П. Б. Заметки о раннеисламском дорожнике в Китай // Материалы и исследования по археологии Кыргызстана. – Бишкек, 2005. – Вып. 1. – С. 81–89.
- Маннонов Б. Туркистон ва Марказий Осиё // Мулокот. – Тошкент, 1998. – №2. – Б. 6–8.
- Массон М. Е. К вопросу о взаимоотношениях Византии и Средней Азии по данным нумизматики // Труды САГУ. – Ташкент, 1951. – Вып. 23. – С. 91–104.
- Отахўжаев А. Суғд шаҳрининг турк ҳокими // Шарқшунослик. – Т.: ТошДШИ нашриёти, 2001. – №2. – Б. 40–42.
- Отахўжаев А. Илк ўрта асрлардаги сиёсий-ижтимоий-иктисодий ва маданий муносабатларда Суғд ва Чоч // *O'zbekiston tarixi*. – Ташкент, 2009. – № 1. – Б. 15–24.
- Распопова В. И. Поясный набор Согда VII–VIII вв. // СА. – 1965. – № 4. – С. 78–91.
- Ртвеладзе Э. В. Нумизматические материалы к истории раннесредневекового Чача // Общественные науки Узбекистана. – Ташкент, 1982. – № 8. – С. 31–38.
- Самашев З., Базылхан Н., Баяр Д. Древнетюркские каменные изваяния Евразийских степей /// Мәдени мұра Культурное наследие. – Астана, 2009. – № 1. – С. 30–39.
285. Симс-Вильямс Н. Новые бактрийские документы // ВДИ. – Москва, 1997. – № 3. – С. 3–11.
- Смирнова О. И. Заметки о среднеазиатской титулатуре // ЭВ. – Москва – Ленинград, 1961. – Вып. 14. – С. 55–70.
- Смирнова О. И. Нумизматические заметки // ЭВ. – Москва – Ленинград, 1967. – Вып. 18. – С. 34–40.
- Толстов С. П. К истории древнетюркской социальной терминологии // ВДИ. – Москва, 1938. – № 1–2. – С. 72–81.
- Толстов С. П. Города гузов // СЭ. – Москва, 1947. – №3. – С. 55–102.
- Торланбаева К. У. Дуальная организация и система наследования у Восточных тюрок // *Shygys*. – Алматы, 2004. – № 1. – С. 29–34.
- Хўжаев А. Хитой манбаларида суғдларга оид айрим маълумотлар // *O'zbekiston tarixi*. – Тошкент, 2004. – №1. – Б. 52–61.
- Хўжаев А. Суғдийларнинг Хитоига бориб қолиши // Мозийдан садо. – Тошкент, 2002. – №2 (14). – Б. 40–43.

Худяков Ю. С. Военное дело Западных тюрков // Мәдени мұра Культурное наследие. – Астана, 2009. – № 1. – С. 40–43.

«Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи концепцияси» // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 1999. – №1. – Б. 31–34.

Шервашидзе И. Н. Фрагмент общетюркской лексики. Заимствованный фонд // Вопросы языкоznания. – Москва, 1989. – № 2. – С. 70.

Шервашидзе И. Н. Фрагмент древнетюркской лексики. Титулatura // Вопросы языкоznания. – Москва, 1990. – № 3. – С. 81–91.

Шювен П. О Византийских посольствах к первым тюркским правителям Согда (Проблемы ономастики и топонимики) // Общественные науки Узбекистана. – Ташкент, 1995. – № 1–3. – С. 33–38.

Хатамова М. Турк хоқонларининг Чоцдаги қароргоҳлари: Жабгуват ва Хотункат // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 2009. – №1. – С. 3–13.

Хатамова М. Тюркский каганат: некоторые аспекты возникновения и характер государственного устройства // Шарқшунослик. – Тошкент, 2009. – № 14. – С. 99–107.

Ходжаев А. Наиболее ранние сведения китайских источников о государстве Шаш (Ташкент) // O'zbekiston tarixi. – Ташкент, 2005. – №1. – С. 3–17.

Ходжаев, А. Сведения о Ташкенте в китайских источниках древнего периода. I. Сведения «Шицзи» (Исторические записки) // O'zbekiston tarixi. – Ташкент, 2009. – №3. – С. 52–66.

Ходжаев, А. Сведения о Ташкенте в китайских источников периода средневековья // O'zbekiston tarixi. – Ташкент, 2009. – №4. – С. 38–50.

Ходжаев А. Наиболее ранние сведения китайских источников о государстве Шаш (Ташкент) // Shygys. – Алматы, 2006. – № 1. – С. 116–126.

### **Интернет материаллари:**

Жумаганбетов Т. С. Власть кагана в древнетюркской государственной организации // <http://www.google.ru>

Яценко С. А. Древние тюрки: костюм на разноцветных изображениях // <http://www.formuseum.info>

<http://www.zeno.ru> – Pre-Islamic Central Asia, Chach

<http://www.sogdcoins.narod.ru> – Chach coins

Yatsenko S. A. The costume of foreign Embassies and Inhabitants of Samarkand on Wall-Painting of the VII c. in the Hall of Ambassadors from Afrasiab (interpretation of Image) // «Transoxiana», 8, [www.transoxiana.com.ar](http://www.transoxiana.com.ar). 2004.

### **Хорижий тиллардаги адабиётлар:**

Alemany A. Batı Avrasya Steplerinde Türk ve Alan Halkları Arasındaki Tarihi Bağlantılar // TÜRKLER. – Ankara, 2002. – Cilt 2. – S. 530–535

Arzhantseva I., Inevatkina O. Afrasiab wall-paintings revisited: new discovered twenty-five years old // Royal Naurūz in Samarkand. Proceedings of

the Conference held in Venice on the Pre-Islamic paintings at Afrasiab. A cura di M. Comparetti – E. de la Vaissière. – Pisa – Roma, 2006. – Supplemento No. 1, Vol. LXXVIII. – P. 185–211.

Babayar G. Köktürk Kağanlığı sikkeleri Katalogu – The Catalogue of coins of Turkic Qaghanate. – Ankara: TİKA, 2007. – 244 p.

Babayar G. Fergane bölgesinde bulunan Türk-Runik yazılı Köktürk sikkeleri üzerine // Dünden Bugüne İpek Yolu: Beklentiler ve Gerçekler. – İstanbul, 2008. – S. 135–146.

Babayarov G. The Tamghas of the Co-ruler Ashina and Ashida Dynasties as Royal Tamgas of the Turkic Kaghanate // Traditional Marking Systems: A Preliminary Survey (International Seminar and Exhibition. Seals, symbols and tamghas). Edited by Joam Evans Pim, Sergey A. Yatsenko, O. T. Perrin. – London: Dover, 2010. – P. 393–402.

Bacot J. Reconnaissance en haute asie septentrionale par cinq envoyés ouïgours au VIIIe siècle // JA. – Paris, 1956. – T. CCXLIV. – P. 137–153.

Baratov S., Rahmanov U. Avars – Pseudo-Avars – Vrahonits – Turks // Uzbekisch – Deutsche Studien Indogermanische und außgermanische Kontakte in Sprache Literatur und Kultur/ Band II. Verlag Dr. W. Hopf. – Berlin, 2007. – S. 299–309.

Baratova L. Alttürkische Münzen Mittelasiens aus dem 6. -10. Jh. N. Chr. Typologie, Ikonographie, historische Interpretation // Archalogische Mitteilungen aus Iran und Turan. – Berlin, 1999. – Band 31. – P. 219–292.

Barfield T. The Perilous Frontier: Nomadic Empires and China, 221 BC to AD 1757. -2nd ed. – Cambridge, 1992.

Barthold V. V. Orta Asya Türk Tarihi Dersleri. – Ankara, 2004.

Beal S. The life of Hiuan Tsiang. – New Delhi, 1990.

Bailey H. W. A Khotanese text concerning the Turks in Kantsou // AM. – London, 1964–1965. – Vol. I. – P. 28–52.

Beckwith C. I. Aspects of the Early History of the Central Asian Guard corpus of Islam // AEMAE. – Wiesbaden, 1984. – T. IV. – P. 29–45.

Beckwith I. C. The Tibetan Empire in Central Asia: A History of the Struggle for Great Power among Tibetans, Turks, Arabs, and Chinese during the Early Middle Ages. – New Jersey: Princeton University Press, 1993. – 281 p.

Bombaci A. Qui Était Jebu Hak'an ? // Turcica. – Paris, 1970. – T. 2. – P. 7–24.

Boedberg P. A. The Language of the T'o-Pa Wei // Harvard Journal of Asiatic Studies. – Cambridge, 1936. – Vol. 1, No. 2. – P. 167–185.

Bregel Y. An historical atlas of Central Asia. Leiden – Boston, Brill, 2003. – 123 p.

Carneiro R. L. Theory of the Origin of the State // Science. – 1970. – Vol. 21 (169). – P. 733–738

Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. 6. – СПб., 1903.

- Chavannes E. Çin yıllıklarına göre Batı Türkleri. Çeviri M. Koç. – İstanbul: Selenge, 2007. – 495 s.
- Chavannes E. Notes additionnelles sur les Tou-kiue (Turcs) occidentaux // T'oung Pao. – Leide, 1904. – Serie II. Vol. II. – P. 1–109.
- Clauson G. An Etymological Dictionary of Pre-Thirteenth-Century Turkish. – Oxford, 1972.
- Clauson G. Ak-Beshim Sûyâb // AM. – 1961. – Vol. 4. – P. 1–13.
- Compareti M. A possible etymology for the toponym Fadi/Vardana in Chinese sources // Археология и история Центральной Азии. К 70 летию Ю. Ф. Бурякова. – Самарканд, 2004. – Р. 179–182.
- Çal H. Orhun Anıtları 2000 yıl kazısı: Karakuş tasvirli Sembolik Lahit // XIV. Türk Tarih Kongresi. Kongreye sunulan bildiriler. – Ankara, 2005. – III. Cilt. – S. 525–538.
- Çağatay S., Tezcan S. Köktürk Tarihinin çok önemli bir belgesi: Sogutça Bugut Yaziti // TDAY. Belleten. – Ankara: TDK, 1976. – S. 245–252.
- Çandarlıoğlu G. Sarı Uygurlar ve Kansu Bölgesi Kabileleri (9.–11. Asırlar). – İstanbul, 2004. – 124 s.
- Davary Dj. G. Baktrisch ein Wörterbuch. – Heidelberg, 1982. – 306 s.
- Dobrovits M. The nomadic ally of Heraclius // Chronica. Annual of the Institute of History University of Szeged. – Szeged, 2003. – Vol. 3. – P. 3–8.
- Dobrovits M. The *Tölis* and *Tarduš* in Old Turkic Inscriptions // The Black Master. Essays on Central Eurasia in Honor of G. Kara on His 70th Birthday. Ed. by S. Grivelet and oth. – Wiesbaden, 2005. – P. 34–42.
- Doerfer G. Lexik und Sprachgeographie des Chaladsch. – Wiesbaden, 1987.
- Doerfer G. Türkische und mongolische Elementen in Neopersische. Bd. II. – Wiesbaden, 1965. – 671 s.
- Doerfer G. Türkische und mongolische Elementen in Neopersische. Bd. III. – Wiesbaden, 1967. – 670 s.
- Donuk A. Eski Türk devletlerinde idari-askeri unvan ve terimler. – İstanbul, 1988. – 133 s.
- Drompp M. R. Supernumerary Sovereigns: Superfluity and Mutability in the Elite Power Structure of the Early Turks (Tu-jue) // Rulers from the Steppe: State Formation on the Eurasian Periphery. Ed. by G. Seaman and D. Marks. – Los Angeles, 1991. – Vol. 2. – P. 92–115.
- Enoki K. On the nationality of Ephtalites // Memories of the research department of Toyo Bunko. – Tokyo, 1959. – №18. – P. 1–58.
- Ercilasun A. B. Askerlikte Onlu Sisteme Türklerin Katkıları // Second International Congress on Turkic civilization. Bishkek, October 4–6, 2004. – Bishkek, 2005. – S. 151–158
- Ecsedy H. Old Turkic titles of Chinese origin // AOH. – Budapest, 1965. – T. XVIII. – P. 83–91.
- Ecsedy H. Tribe and Tribal Society the 6th Century Turk Empire // AOH. – Budapest, 1972. – T. XXV. – P. 245–262.

Esin E. Bağdaş ve Çökme, Türk töresinde iki oturuş şeklinin kadim ikonografisi // Sanat Tarihi Araştırmaları, III. – İstanbul, 1970. – S. 231–242.

Esin E. İlteriş Kağan Mezarı Sanılan Şivet Ulan Külliyesi // IX. Türk Tarih Kongresi. Kongreye Sunulan Bildiriler. – Ankara, 1988. – II. Cilt. – S. 569–577.

Esin E. İslamiyetten önceki Türk kültür târihi ve İslâma Giriş. – İstanbul, 1978.

Esin E. Tarkhan Nizak or Tarkhan Tirek? An Enquiry concerning the Prince of Badghis. Who in A. H. 91/A. D. 709–710 Opposed the ‘Omayyad Conquest of Central Asia // JAOS, 1977. – Vol. 97. – No. 3. – P. 324.

Fedorov M. On Some Articles in the Resent Issues (Nos. V, VI, VII) of the Нумизматика Центральной Азии (Numismatics of Central Asia) // CAJ). – Wiesbaden, 2005. – No. 49. – P. 175–203.

Gabain A. von. Eski Türkçenin Grameri. Türkçe çev. M. Akalın. – Ankara: TTK, 1988. – 313 s.

Gibb H. Orta Asya'da Arap fütuhatı. Çev. M. Hakkı. – İstanbul, 1930. – 83 s.

Genç R. Karahanlı Devlet Teşkilatı. – Ankara: TTK, 2002. – 265 s.

Golden P. B. An Introduction to the History of the Turkic Peoples. – Wiesbaden: Otto Harrassowitz, 1992. – 483 p.

Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş. Çev. O. Karatay. – Ankara: KaraM, 2002. – 389 s.

Golden P. B. Hazar Çalışmaları. Çev. E. Ç. Mizrak. – İstanbul: Selenga, 2006. – 384 s.

Golden P. B. Imperial Ideology and the Sources of Political Unity amongst the Pre-Činggisid Nomads of Western Eurasia // AEMAE. – Wiesbaden, 1982. – Vol. II. – P. 37–76.

Göbl R. Dokumente zur Geschichte der Iranischen Hunnen in Baktrien und Indien. Band I. – Wiesbaden, 1967. – 276 s.

Göhcé S. İlkçağda Hindistan'da Türk varlığı // The Journal of Indo-Turcica. – İstanbul, 2008. – S. 18–29.

Gömeç S. Kök Türk Tarihi. – Ankara: TTK, 1997. – 188 s.

Gömeç S. Kök Türkçe yazılı belgelerde yer alan unvanlar // Türk kültürü. – Ankara, 2000. – № 443. – S. 129–142.

Grenet F. Les «Huns» dans les documents Sogdiens du mont Mugh (aves un Appendice par N. Sims-Williams) // StIr, 7. Études Irano-Aryennes offertes à Gilbert Lazard. – Paris, 1989. – P. 165–184.

Grenet F., de la Vaissiere E. The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archaeology, 8. – Kamakura 2002. – P. 155–196.

Frye R. N., Sayılı A. Selçuklulardan evvel Orta Şark'ta Türkler. Belleten. – Ankara 1946. – Cilt 10. – S. 97–131.

299. Frye R. N. The History of Bukhara. Translated from a Persian abridgment of the Arabic original by Narshakhi. – Cambridge, 1954. – 178 p.

Harmatta J., Litvinsky B. A. Toharistan and Gandhara under Western Turk rule // HCCA. – Paris 1996. – Vol. 3. – P. 367–401.

- Haussig H. W. İpek Yolu ve Orta Asya Kültür Tarihi. Çev. M. Kayayerli. – İstanbul, 2001.
- Henning W. B. The Name of the «Tokharian» Language // AM. – London 1950. – Vol. I. – P. 158–162.
- Herşak E. Avarlar: Etnik Yaradılış Tarihlerine Bir Bakış // TÜRKLER. – Ankara, 2002. – Cilt 2. – S. 641–657.
352. Humbach H. Pangul, a Turco-Bactrian Ruler // Bulletin of the Asia Institute. New Series. – London, 1996. – Vol. 10. – P. 247–251.
- Hunkan S. Türk Hakanlığı (Karahanlılar). 2. Baskı. – İstanbul, 2007. – 528 s.
- Ilyasov J. Ya. On a number of Central Asian Tamghas // Silk Road Art and Archaeology. – Kamakura, 2003. – Vol. IX. – P. 131–157.
- Inaba M. The Identity of the Turkish Rulers to the South of Hindukush from the 7th to the 9th Centuries A. D. \* // Zinbun. – Tokyo, 2005. – No. 38. – P. 1–19.
- Izgi Ö. Çin elçisi Wang Yen-Te'nin Uygur seyahatnmesi. – Ankara, 2000. – 111 s.
- Kafesoğlu İ. Türk Milli Kültürü. – İstanbul, 1983. – 445 s.
- Kamoliddin S., Babajar G. Some Notes on the Titles of the Pre-Islamic Rulers of Chach // AEMAE. – Wiesbaden: Harrasowitz Verlag, 2008. – Vol. 15. – P. 71–92.
- Kaşıkçı O. Eski Türklerde Devlet Başkanlığı – Hakanlık // TÜRKLER. – Ankara, 2002. – Cilt 2. – S. 888–893.
- Kljaštornyj S. G., Livšic V. A. The Sogdian Inscription of Bugut reviced // AOASH. – Budapest, 1972. – Tom. XXVI (1). – P. 69–102.
- Koca A. Eski Türklerde Devlet Geleneği ve Teşkilatı // TÜRKLER. – Ankara, 2002. – Cilt 2. – S. 823–844.
- Konukçu E. Akhunlar // TÜRKLER. – Ankara, 2002. – Cilt 1. – S. 827–830
- Kuzmin-Yumanadi Y., Kuleshov P. V. Hazarlar // TÜRKLER. – Ankara, 2002. – Cilt 2. – S. 464–472.
- Kuzuoglu R, Göçek G. L. 2003 yılı Bilge Kagan Anıt Mezar kazısı // Manas Üniversitesi Sosyal Bilimler dergisi. – Bişkek, 2005. – S. 29–58.
- Markwart J. Wehröt und Arang. Untersuchungen zur mythischen und geschichtlichen Landeskunde von Ostiran. – Leiden, 1938. – 202 p.
- Marquart J. Eranshahr nach der Geographic des Ps. Moses Xorenaci. – Berlin, 1901. – 378 s.
- Marşak B. I. Türkler ve Soğdlular // TÜRKLER. – Ankara, 2002. – Cilt 2. – S. 170–178.
- Mode M. Reading the Afrasiab Murals: Some Comments on Reconstructions and Details // Royal Naurüz in Samarqand. Proceedings of the Conference held in Venice on the Literaturverzeichnis Pre-Islamic Paintings at Afrasiab. RSO, NS 78, Supplemento 1. – Pisa / Roma, 2006. – P. 107–128.
- Moğolistan'daki Türk Anıtları Projesi Albümü – Album of the Turkish Monuments in Mongolia. Hazırlayanlar: O. F. Sertkaya, C. Alyılmaz, T. Battulga. – Ankara: TİKA, 2001.

- Moravcsik G. Byzantinoturcica. II. – Berlin: Akademie-Verlag, 1958. – 376 s.
- Mori M. The T'u-chüeh Concept of Sovereign // Acta Asiatica. Bulleten of the Institute of Eastern culture. Tokyo 1981. – Vol. 41. – P. 50–58.
- Mori M. Kuzey Asya'daki Eski Bozkır Devletlerinin Teşkilatı // Journal of Turkic Civilization Studies. – Bishkek, 2004. – No. 1. – P. 73–86.
- Juliano L. A. Chinese Pictoral Space at the Cultural Crossroads // Ěrān und Unērān. Studies Presented to B. I. Maršak on the Occasion of His 70th Birthday. – Venezia, 2006. – P. 293–316.
- Liu Mau-Tsai Die Chinesischen Nachrichten zur Geschichte der Ost Türken (T'u-küe), Buch 1–2 («Göttinger Asiatische Firschungen», Bd, 10). – Wiesbaden, 1958. – 640 s.
- Liu Mau-Tsai. Çin kaynaklarına göre Doğu Türkleri. Çeviri E. Kayaoglu, D. Banoğlu. – İstanbul, 2006. – 640 s.
- Luo X. Studies on the Titulary of Medieval Inner Asian Peoples. – Peking University Press, 2009. – 311 p.
- Nicola Di Cosmo. Hun İmparatorluğu'nun Kuruluşu ve Yayılışı // TÜRKLER. – Ankara, 2002. – Cilt 1. – S. 709–719.
- Orkun H. N. Eski Türk Yazıtları. – Ankara: TTK, 1986. – 960 s.
- Osawa T. Batı Göktürk Kağanlığın'daki Aşinaslı Bir Kağan'ın Şeceresine ait Bir Kaynak // TÜRKLER. – Ankara, 2002. – Cilt 2. – S. 79–88.
- Osawa T. Güney Sibiry Türklerinde Doğumla ilgili Tanrıça Umay Üzerine Bir Görünüş // 38. Uluslararası Tıp Tarihi Kongresi Bildiri Kitabı. – Ankara, 2005. – S. 1871–1881.
- Ösawa T. Aspect of the Relationship Between the Ancient Turks and the Sogdians – Based on a Stone Statue with a Sogdian Inscription in Xinjiang // Ěrān und Unērān. Studies Presented to B. I. Maršak on the Occasion of His 70th Birthday. – Venezia, 2006. – P. 471–504.
- Osawa T. The cult-religious relation between Old Turkic kingship and their sacred mountains in the early periods of the Western Old Turkic Kaghanate // Культурное наследие. – Астана, 2009. – № 1. – P. 47–56.
- Ögel B. Sekel'lerin ataları hakkında (Sikil, Ezgil boyları) // Belleten. – Ankara 1945. – Sayı 36. – S. 468–481.
- Ögel B. İlk Töles Boyları // Belleten. – Ankara 1948. – Sayı 48. – S. 796–833.
- Ögel B. Über die alttürkische Schad (Sü-Baschi)-Wurde // CAJ. – Wiesbaden, 1963. – Vol. VIII. – No. 1. – S. 27–42.
- Pritsak O. Die Karachaniden // Der Islam. – Berlin, 1952. – Vol. XXX. – S. 17–68.
- Pritsak O. Karahanlılar // İA. – Ankara, 1952. – VI. Cilt. – S. 251–273.
- Radloff W. Moğolistan Tarihi Eserleri Atlası (Атлас древностей Монголии. СПб., 1892, 1899). – Ankara: TTK, 1994. – 80 s.
- Ramstedt G. J. Alttürkische und mongolische Titel // Journal de la société finno-ougrienne. – Helsinki, 1951. – № 55. – S. 59–82.
- Rybatzki V. Titles of Turk and Uigur Rulers in Old Turkic Inscriptions // CAJ.

- Wiesbaden, 2000. – Vol. 44. – P. 205–292.
- Samolin W. Hsingnu, Hun, Turk // CAJ. – Wiesbaden, 1956. – Vol. III. – No. 2. – P. 146.
- Salman H. Türğisler. – Ankara, 1998.
- Sarıtaş E. Göktürk Kültürüünin Gaochanglılara etkileri üzerine bazı bilgiler // XV. Türk Tarih Kongresi, Ankara, 9–13 Eylül 2002. Kongreye sunulan Bildiriler. – Ankara, 2005. – Cilt. III. – S. 475–478.
- Seyitdanlıoğlu M. Eski Türklerde Devlet Meclisi «Toy» Üzerine Düşünceler // Tarih Araştırmaları Dergisi. – Ankara, 2009. – Cilt XXVIII. – Sayı 45. – S. 1–11.
- Sims-Williams N. From the Kushan-shahs to the Arabs. New Bactrian documents dated in the era of the Tochi inscriptions // Coins, Art and Chronology Essays on the pre-islamic History of the Indo-Iranian Borderlands. – Wien 1999. – P. 245–258.
- Sims-Williams N. Bactrian legal documents from 7th- and 8th-century Guzgan // BAI. – Oxford, 2001. – Vol. 15. – P. 9–29.
- Sims-Williams N. Turks and other peoples in the Bactrian documents // Ötüken’den İstanbul'a Türkçenin 1290 Yılı (720–2010) – From Ötüken to İstanbul, 1290 Years of Turkish (720–2010). 3–5 Aralık, İstanbul / 3th – 5th December 2010, İstanbul. – İstanbul, 2011. – P. 15–26.
- Sinor D. The establishment and dissolution of the Turk empire // The Cambridge History of Early Inner Asia. Ed. by D. Sinor. – Cambridge, 1990. – P. 285–316.
- Shaban M. A. Khurasan at the Time of Arab Conquest // İran and Islam. İn memory of the Late Vladimir Minorsky. – Edinburg, 1971. – P. 480–490.
- Skaff K. J. Western Turk Rule of Turkestan's Oases in the Sixth through Eighth Centuries // TURKS– Ankara, 2002. – Vol. 2. – P. 364–372.
- Stark S. Nomaden und Seßhafte in Mittelasien- und Zentralasien // Grenzuberschreitungen. Formen des Kontakts zwischen Orient und Okzident im Altertum. – Stuttgart, 2002. – S. 363–404.
- Stark S. On Oq bodun. The Western Türk Qağanate and the Ashina clan // AEMAE. – Wiesbaden, 2008. – Tom 15. – P. 159–172.
- Stark S. Die Alttürkenzeit in Mittel- und Zentralasien. Archäologische und historische Studien. – Wiesbaden, 2008. – 591 s.
- Sümer F. Türk Devletleri Tarihinde Şahis Adları. I. – İstanbul, 1999. – 287 s.
- Şeşen R. Eski Araplar'a göre Türkler // Türkiyat Mecmuası. – Ankara, 1969. – Cild XV. – S. 11–36.
- Şeşen R. İslam Coğrafyacılara göre Türkler ve Türk ülkeleri. – Ankara: TTK, 2001. – 299 s.
- Tanabe K. The Identification of the King of Kings in the Upper Register of the Larger Grotte, Taq-i Bustan: Ardashir III restated // Ērān ud An ērān. Studies Presented to B. I. Maršak on the Occasion of His 70th Birthday. – Venezia, 2006. – P. 583–560.

- Taşgil A. Gök-Türkler. – Ankara: TTK, 1995. – 195 s.
- Taşgil A. Gök-Türkler. II. – Ankara: TTK, 1999. – 128 s.
- Taşgil A. Gök-Türkler. I. 2. Baskı. – Ankara: TTK, 2003. – 197 s.
- Taşgil A. Gök-Türkler. III. – Ankara: TTK, 2004. – 109 s.
- Tekin T. Orhon Yazıtları. Kül Tigin, Bilge Kağan, Tunyukuk. – İstanbul: Yıldız Yayıncılık, 2003. – 144 s.
- Tekin T. Orhon Türkçesi Grameri. – İstanbul, 2003. – 272 s.
- Thierry F. Sur les monnaies des Türgesh // Coins, Art and Chronology. Ed. M. Alram and E. Deborah. – Wien, 1999. – P. 331–349.
- Thierry F. The Currency in the Turkish Khanates from the Turgish to the Great Uygur (9th Century) // TURKS. – Ankara, 2002. – Vol. 2. – P. 751–762.
- Togan A. Z. V. Oğuz Destanı. – İstanbul, 1972.
- Togan A. Z. V. Umumi Türk Tarihine Giriş. 3. Baskı. – İstanbul, 1981. – 537 s.
- Togan İ. Türk Tarihinde Uzlaşmacı: Ruhaniyat-Siyaset ve Boy-Devlet İlişkileri // Үчүнчү миң жылдыктын босогосунда түрк цивилизациясы. Эл аралык илимий конгресстин материалдары. Бишкек, 2–3 октябрь, 2000. – Бишкек, 2003. – S. 295–306.
- Togan N. Peygamberin zamanında Şarkı ve Garbi Türkistan'ı Ziyaret eden Çinli Budist rahibi Hsüen-Çang'in bu ülkelerin Siyasi ve Dini Hayatına ait kayıtları // İTED. – Ankara, 1964. – Sayı IV/1–2. – S. 21–128.
- Tuguşeva L. Yu. Türkler ve Toharlar Arasındaki Münasebetler // TÜRKLER. – Ankara, 2002. – Cilt 2. – S. 152–156.
- Turan O. Türk Cihan Hâkimiyeti Mefkûresi // TÜRKLER. – Ankara, 2002. – Cilt 2. – S. 845–856.
- Uray G. The Old Tibetan sources of the Central Asia up to 751 A. D.: a Survey // Prolegomena to the History of Pre-Islamic Central Asia. Ed. by J. Harmatta. – Budapest, 1979. – P. 275–304.
- User Ş. H. Köktürk ve Ötüken Uygur Kağanlığı Yazıtları. Söz Varlığı İncelemesi. 1. Baskı. – Konya: Kömen Yayıncılık, 2009. – 548 s.
- Vaissière E. de la. Sogdian traders: a history. Translated by J. Ward. (Handbook of Oriental studies = Handbuch der Orientalistik. Section eight, Central Asia; v. 10). – Leiden – Boston: Brill, 2005. – 407 p.
- Vaissière E. de la. Is There a «Nationality of the Hepthalites»? // Bulletin of the Asia Institute. New Series. – London, 2003. – Vol. 17. – P. 119–132.
- Wang H. Apa Qaghan, Founder of the Western Turkish Khanate, the Splitting up of the Turkish Khanate and Formation of the Western Turkish Khanate // Social Sciences in China. – Beijing, 1982. – No. 2. – P. 124–147.
- Yoshida Y. On the Origin of the Sogdian Surname Zhaowu and Related Problems // JA. – Paris, 2003. – No. 1–2 (291). – P. 35–67.
- Yoshida Y. Review of BDI // BDI. – Oxford, 2003. – No. 14. – P. 154–159.
- Zuckerman C. Hazarlarda İkili Yönetimin Kökeni ve Yahudiliğe Geçiş Şartları // TÜRKLER. – Ankara, 2002. – Cilt 2. – S. 481–490.

## **Шартли қисқартмалар**

- БХб – Билга хоқон битиктоши  
ВДИ – Вестник древней истории  
ДТС – Древнетюркский словарь  
ЗВОРАО – Записки Восточного отделения Российской Археологического общества  
ИВ – Институт востоковедения  
ИМКУ – История материальной культуры Узбекистана  
ЛО – Ленинградское отделение  
М. – Москва  
КТб – Кул Тегин битиктоши  
НАА – Народы Азии и Африки  
НЭ – Нумизматика и эпиграфика  
ОНУ – Общественные науки в Узбекистане  
СА – Советская археология  
САГУ – Среднеазиатский Государственный университет  
СДГМ – Согдийские документы с горы Муг  
СИГТЯ – Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков  
СНВ – Страны и народы Востока  
СТ – Советская тюркология  
Тб – Тунюқұқ битиктоши  
ТОВГЭ – Труды Отдела Востока Государственного Эрмитажа  
ТС – Тюркологический сборник  
ҮИФ – Ўзбекистонда ижтимоий фанлар  
ЭВ – Эпиграфика Востока  
AEMAE – Archivum Eurasiae Medii Aevi  
AM – Asia Major  
AOAH – Acta Orientalia Academiae Scientiarum Hungaricae  
BDI – Baktrian Documents I  
BGA – Bibliotheca Geographorum Arabicorum  
CAJ – Central Asiatic Journal  
DTCF – Dil – Tarih – Cografya Fakültesi  
HCCA – History of Civilizations of Central Asia  
JA – Journal Asiatique  
JRAS – Journal of the Royal Asiatic Society  
IA – İslam Ansiklopedisi  
ITED – İslam Tarihçileri Enstitüsü Dergisi  
STA – Sanat Tarihi Araştırmaları  
TAD – Türkiye Araştırmaları Dergisi  
TDAY – Türk Dili Araştırmaları Yıllığı  
TDK – Türk Dil Kurumu  
TK – Türk Kültürü  
TTK – Türk Tarih Kurumu



Илова I. Чочда зарб этиглан Гарбий Турк хөгжлийн тангалары


I. Чочда зарб этиглан Гарбий Турк хөгжлийн тангалар

II. Фаронога зарб этиглан Азийн хөгжлийн тангалар

III. Сүнгэ (Семиреконг) зарб этиглан сүнд-турк тангалар

IV. Түхоринога зарб этиглан ширгэй тангалар

Илья Н. Гарбий Турк хөгжлийн Бобосын ба Байлосын наалдлыг  
зарбадар



Илова III. Император Гао-цзун (649-683) даврида Марказий Оснёдаги Хитой волийнлары  
(The Cambridge History of China. Vol. 3, 1993. Map 5.)



Илова IV. VII-VIII асрларга оид турли тиллардаги манбаларда “Туркистон” атамаси ва уларнинг жойлашув ўрни

№	Давлат номи	Олий хукмдор тўлиқ узвонининг элементлари				
		Хокимияти Тангри / Осмон химоятида (самовий) эканлигига ишоралар		Этно-сиёсий белгилари	Фахрий эпитетлари	Хос узвонлари
		Манбалардаги шакли	Лугавий маъноси			
1	Хун империяси	Тангри кути / ўғли	Тангри / Осмон томонидан тайинланган	Хун (прототурк)	Улуг	Шанъой / Ябгу (?)
2	Турк хоконлиги	Тангридек Тангрида булмиш / бўлмиш	Тангридек / Осмондек ёки Осмондан топган / тутгилган (Тайинланган)	Қадимги турк	Билга (Доно) ёки хукмрон	Хокон
3	Мўтул империяси	Мангутангри кучун-дур (кучи билан)	Мангутангри / Осмон кучи билан (Тайинланган)	Буюк Мўтул давлати	Далай (оксан)	Хон


Илова V. Марказий Осиё кўчмачи империялари олий хукмдорлари узвонларининг ўзаро таккоси  
(В.В. Трапавлов (1993, с. 66) жадвали асосида)



1



2 а



2б

Илова VI. Фарбий Турк хоқонлигига алоқадор байрөк ва туғлар  
(Еттисув - 1, Афросиеб / Самарқанд - 2 а-б)



13



14



15




16


Илова VII. Фарбий Турк хоқонлиги тангаларидағы тасвиirlарда ўрин олган уч кирралы қалпоқ (8-12) қадимги туркларда мифологиясига хос илоха Умай рамзи бўлиб, бундай тасвиirlар Еттисувдан тошликтан балбаллар (тош ҳайкаллар), камар тақиңчоклари (1-3, 5-7), Олтойдан тошликтан харсанг тош (4) сиртида учрайди. Улар Мўтулистон тошилмалари: қадимги турк-рун ёзуви тош лавҳа (13), Билга хоқон ёдгорлигидан чиққан тоҷда ўрин олган (14), тош лавҳа сиртига чизилган ва Кул Тегин ҳайкалининг бош қисмидаги акс этган хумо қуши тасвиirlари билан яқин ўхшашликка эга.

№	Уивонлар	Эпитетлар		Уивонлар	Эпитетлар
1	айгучи	Апа	24	тудун	себег/себук
2	бек	Алп	25	тутук	соқол
3	битикчи	ануш (нишу?)	26	ўга	сир
4	буйрук	*ару	27	чабиш	тай
5	бўйла	Арслон	28	чиғши	тарду
6	идук-кут	баҳодур	29	чур	тирак/тиргак?
7	ичраки	Бага	30	Шад	*тэриш
8	инанчу	Барс	31	шадапит	тўнга
9	йарган	бангу/мангу	32	злтабар	тўғон
10	мингабоши	Билга	33	эркин	тулу (?)
11	бешнозбоши	Бўгу	34	кан (хон)	тун
12	юзбоши	Бўри	35	қаган (хокон)	турум
13	*элликбоши	Бўтра	36	катун (хотун)	шегай (?)
14	*ўнбоши	*йелби	37	кунчуй	*кари
15	сангун	Йенчу	38	Ябгу	капган
16	субоши	йўлуг	39	ялабач/элчи	кора
17	тархон	Йукуқ	40		кут/кутлуг
18	тамган	Инал	41		эл
19	тамгачи	*ирбис	42		*элиг
20	тайангү	ишибара	43		эр
21	тегин	кул/кули/кулуг	44		эв
22	тэркэн	Куч	45		улуг
23	тўманбоши	*низук (нишу?)	46		ўнг (?)


**Илова VIII. Хоконликнинг уивонлар тизимига хос мансаб ва лавозимлар хамда уивонлар ва эпитетлар**




**Илова IX. Фарбий Турк хоқонлигининг ижтимоний-сиёсий холати:** давлат шакли, маъмурӣ тузилиши, марказ, канот бошқарувчилари ва вассалларга берилган унвонлар



**Илова X. Фарбий Турк хоқонлигининг энг юксалган давридаги чегара ҳудудлари**




Илова XI. Ғарбий Турк хоқонлигінің ғарбий-мәмбүрий тузилиши ва “ұлник” тизими




Илова XII. Ғарбий Турк хоқонлиги ҳамда уннің таркибидаги вассал воҳа ҳукмдорликвари қабилаларнинг таҳминий худудлары (6-аср охирлари - 7-аср иккінчи чораги)

Иллюстрация XIII. Бонжакувида түрк түвөн ва эпиграфтар күләннилгән Гарбий Түрк хөхчилтүү гаркибиштагы вассал тоо хүкмөрлүктөрү



Илова XIV. Фарбий Турк хоқонигининг бошкарува марказлари: Эк-тое (мик кароргоҳ), Сүбәп (бөш кароргоҳ), Минг-булук (ёзмик кароргоҳ), Жабгулат (кишлик кароргоҳ)

(П. Брезельевиниң “Брил Освоение первых эпох” есепи ассоције. Караган: Бород. У. An historical atlas of Central Asia – Leiden-Boston: Brill, 2013.)



Илова XV. Афросиёб (Самарқанд) деворий расмларининг Фарбий залида Фарбий турк хоқони, туркий сарой амалдорлари ва мулозимлар тасвирлантган (М. Моде ва Э. де ла Вессиер (2006 й.) талқини)

ҒАЙБУЛЛА БОБОЁРОВ

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИНИНГ  
ДАВЛАТ ТУЗУМИ**

Мұхаррир *Ж. Құннишев*

Бадий мұхаррир *A. Ақилов*

Техник мұхаррир *У. Ким*

Мусаххих *Ш. Қурбонов*

Сағифаловчи *H. Раҳмонова*

Лиц. АI № 111. Босишига 03. 10. 2018 йилда рухсат этилди.

Бичими 60x84  $\frac{1}{16}$ . Ҳажми 22,25 б. т.

Адади 500 нұсха. Буюртма № 43

«YANGI NASHR» нашириеті  
100115, Тошкент, Чилонзор күчаси, 1- уй.

Телефон: 8 (371) 271-13-91

Факс: 8 (371) 271-13-49

«ADAD PLYUS» МЧЖ босмахонаси  
100115, Тошкент, Бунёдкор күчаси, 1- уй.